

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**  
Ўқув ишлари бўйича проректор  
\_\_\_\_\_ проф. А.Каримов

«\_\_» \_\_\_\_\_ 2013 йил

**“МОЛИЯВИЙ ТАҲЛИЛ” КАФЕДРАСИ**

**МОЛИЯВИЙ ВА БОШҚАРУВ ТАҲЛИЛИ**

**фанидан**

**МАЪРУЗА МАТНЛАРИ**

**Тузувчилар:** доц. Хакимов Б.Ж.  
проф. Иброхимов А.Т.  
доц. Рахимов М.Ю.  
доц. Ишонқулов Н.Ф.  
к.ўқ. Чориев И.Х.

**Такризчилар:** доц. Шоякубов Ш.К.  
доц. Шоғиёсов Т.Ш.

Маъруза матнлари «Молиявий таҳлил»  
кафедрасининг 2013 йил 30 августидаги  
1-сонли йиғилишида муҳокама қилинган  
ва фойдаланишга тавсия этилган.

**ТОШКЕНТ - 2013**

## **1-Мавзу: Молиявий ва бошқарув таҳлилининг мазмуни, предмети ва вазифалари**

### **Ўрганиладиган саволлар:**

1. Таҳлил фанининг шаклланиши ва ривожланиш тарихи
2. Ўзбекистон Республикасида иқтисодий (молиявий ва бошқарув) таҳлилни ташкил топиши ва ривожланиши
3. Билиш назарияси ва таҳлил
4. Молиявий ва бошқарув таҳлили фанининг мазмуни
5. Бозор муносабатларининг такомиллашуви шароитида молиявий ва бошқарув таҳлили хўжалик субъектларини бошқаришнинг муҳим функцияси сифатида
6. Молиявий ва бошқарув таҳлили фанининг предмети
7. Молиявий ва бошқарув таҳлили фанининг асосий вазифалари
8. Молиявий ва бошқарув таҳлилининг асосий тамойиллари
9. Фанлар системасида таҳлилнинг тутган ўрни

### **Таҳлил фанининг шаклланиши ва ривожланиш тарихи**

Кишилиқ жамиятининг вужудга келиши билан инсоният онги ривожланиб ва такомиллашиб борган. Инсоният онги ривожланиши натижасида борлиқни ўрганиш борасида турли фикр ва қарашлар пайдо бўла бошлаган. Фикрларнинг шаклланиб, такомиллашиб бориши натижасида маълум бир фанларга асос солинган.

Ҳар қандай фаннинг вужудга келиши учун ҳаётий зарурият туғилиши лозим. Шу туфайли фаннинг шаклланиши бирор бир шахс ёки муҳитнинг ижод маҳсули бўлиб қолмасдан балки объектив жараёнга таянади.

Молиявий ва бошқарув таҳлилининг фан сифатида вужудга келишида кўп асрлик тарихга эга бўлган «Бухгалтерия ҳисоби» ва «Статистика» каби фанлар асос бўлган. Бу фаннинг ривожланиши учун эса объектив шарт-шароитлар яратилган.

Молиявий ва бошқарув таҳлилининг фан сифатида шаклланишида бухгалтерия ҳисоби ўз тарихи давомида такомиллашиб, бир қанча бошқа фанларнинг вужудга келиши учун услубий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Чунки, ишлаб чиқаришни концентрациялашуви, корхоналарнинг йириклашуви, хўжалик фаолиятининг кенгайиши иқтисодий жараёнларнинг мураккаблашуви ҳисоб ишларни такомиллаштириш заруратини туғдирди.

Жаҳон амалиётида XVI – XVII асрларда ишлаб чиқариш тармоқлари тобора ривожлана бошлади, хусусан, саноат ишлаб чиқариш йўналишидаги тармоқлар ривожланиши тезлашиб кетди. Ишлаб чиқаришнинг ривожланиши билан бир қаторда унинг ҳисобини ҳам такомиллаштириб боришга эҳтиёж туғила бошлади.

Шу даврдаги ишлаб чиқариш тараққиёти иқтисодий жараёнларни тўғри ва тўлиқ ҳисобга олишни талаб қилади. Аммо ишлаб чиқаришнинг

такомиллашиб бориши, корхоналар ўртасида эркин рақобатнинг вужудга келиши бухгалтерия маълумотларини чуқурроқ ўрганишни ва уни тўғри тушинтириш заруратини туғдиради. Бу эса ўз навбатида таҳлил элементларининг вужудга келишини тақоза қилади, чунки, «тижорат сирини» такомиллаштириш борасидаги жуда кўп совалларга бухгалтерия ҳисоби ва статистика фани жавоб беришга қийналиб қолади.

Корхоналарни тўғри, оқилона бошқариш унинг молиявий ҳолатини яхшилаш, рақобатбардошлик қувватини ошириш хўжалик фаолиятини чуқурроқ ўрганишни ва таҳлил этишни тақоза этади. Бу эса бухгалтерия баланси ва бошқа ҳисоботларда ифодаланган баъзи кўрсаткичларга изоҳ беришни талаб қиларди.

Булар эса ўз навбатида ҳозирги таҳлил фанининг вужудга келиши учун объектив асос бўлган.

Таҳлилнинг элементлари биринчи марта 1880 йилларга чиқа бошлаган «Счётоводство» журналида пайдо бўла бошлаган. Шундай қилиб, таҳлилнинг баъзи элементлари мавжуд бўлган фан – «Балансшунослик» фани пайдо бўлган.

Фаннинг «Балансшунослик» деб номланишига асос бўлган, чунки ўша пайтларда хўжалик фаолиятининг натижаси асосан бухгалтерия балансида ифода этилган. Баланс маълумотларига асосан корхонанинг маблағи ёки улар манбаининг маълум муддатда ўзгариши аниқланади. Лекин шу ўзгаришлар нима эвазига содир бўлаётганлиги, уларга қайси омиллар таъсир кўрсатаётганлиги корхона эгалари учун муёим бўлиб борди. Бу эса балансидаги кўрсаткичларни батафсил таҳлил қилиш заруратини вужудга келтиради.


Жамиятда ишлаб чиқариш тараққиётини ривожланиши билан бир қаторда иқтисодий кризислар ва рақобатни ҳам вужудга келтирди. Бундай шароитда ҳар бир корхона фаолиятининг молиявий барқарорлиги, ундаги «тижорат сирини» муҳим аҳамият касб этади. Бундай шароитда бухгалтерия баланси маълумотлари етарли бўлмасдан қолади. Бухгалтерия баланси билан биргаликда бошқа кўрсаткичларнинг ифодаладиган ҳисоботлар ҳам вужудга кела бошлади ва таҳлилнинг кўлами кенгайди. Бу вақтгача фақат бухгалтерия баланси таҳлил қилинган бўлса, энди унга бошқа ҳисоботлар таҳлили ҳам ўйрилиб «ҳисобот таҳлили» вужудга келди. Шу тарзда таҳлил шаклланиб ривожланиб борди ва мустақил фан сифатида шакл топа борди.

Молиявий ва бошқарув таҳлили фани мустақил фан сифатида шаклланишга қадар ўзига хос тарихга ва бир қанча номларга эга бўлди. Иқтисодий таҳлилнинг вужудга келиши тарихи, бу бўйича нашр қилинган адабиётлар, унинг фан сифатида шаклланиши ва номининг ҳам такомиллашиб борганлигидан далолат беради. Шу йўл билан иқтисодий таҳлил шаклланди ва мустақил фанга айланди. Шундай қилиб таҳлил фани ривожлангунча бир қанча эволюцион йўлни босиб ўтди. Мазкур эволюцион йўл орқали таҳлил фани ривожланди ва такомиллашиб бугунги кунги ҳолатга келди. Ушбу Фан ўзининг эволюцион ривожланиш йўли давомида бир қанча номлар билан аталган. Даставвал хўжалик субъектларининг асосан баланс

маълумотларини таҳлил этиш мақсадига қаратилганлиги боис собиқ иттифоқ даврида таҳлил фани “Балансшунослик” деб юритила бошланган, яъни балансни ўрганувчи, таҳлил этувчи фан деб қаралган. Бу эволюцион ривожланиш йўлини ўйидаги чизмада ҳам кўрсатиб ўтишимиз мумкин бўлади (1-чизма).

**1-чизма**

**Молиявий ва бошқарув таҳлили фанининг вужудга келиши ва тарихий тараққиёт жараёнида аталган номлари**



Молиявий ва бошқарув таҳлилининг вужудга келиш тарихини кўз олдимизга яўқолроқ келтириш учун шу соҳага бағишланган адабиётларни хронологик жиҳатдан кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Кишилиқ жамияти ривожланиши давомида бир қанча тузимларни ўз бошидан ўтказди. Жумладан, жамият тараққиётида социалистик тузум вужудга келгандан сўнг таҳлил фани режали иқтисодиётга асосланган кўрсаткичларни ва бухгалтерия балансидаги моддаларни батафсилроқ ўрганишга киришди. Бу эса таҳлил фанининг аҳамиятини оширмади.

Собиқ иттифоқда 1920 йилларга келиб, иттифоқ иқтисодчи олимларидан П.Н.Худяков «Анализ баланса» ва «Популярные очерки балансоведения» асарларини, Н.А. Кипарисов «Основы балансоведения» ва

«Построение балансов и анализ» асарларини чоп эттирди. Бу китобларда асосан иқтисодий таҳлил бир ёклама бўлиб, фақат бухгалтерия баланси моддаларини таҳлил қилиш усуллари тўғрисида фикр юритилган.

30-йилларга келиб таҳлилнинг кўлами кенгая борди. Таҳлил қилиш учун фақат бухгалтерия баланси моддалари эмас, балки хўжалик фаолиятининг бошқа кўрсаткичлари ҳам таҳлил этила бошланди. Натижада тематик таҳлил вужудга келди ва баъзи мавзуларга бағишланган адабиётлар нашрдан чиқа бошлади. Бунга мисол қилиб Н.Е.Колосовнинг «Основы экономического анализа себестоимости в предприятиях» (1931 й), А.П.Александровскийнинг «Калькуляция и анализ работы предприятий» (1932 й), А.Ф.Масановнинг «Баланс и анализ хозяйственной деятельности предприятий» (1934 й), А.А.Афанасьевнинг «Анализ отчета промышленных предприятий» (1938 й) китобларини келтиришимиз мумкин.

1940-йилларга келиб собиқ иттифокда «Хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш» фани фан сифатида тўлиқ шаклланди. Бу даврга келиб ушбу фан бўйича дарсликлар яратилди ва олий ўқув юртларида мустақил фан сифатида ўтила бошланди.

1950-йилларга келиб собиқ иттифокда таҳлил фанининг ривожланишида асосий босқич бўлди. Бу даврга келиб мамлакатда sanoat корхоналарида таҳлил қилиш фани янада ривожланди. Буни биз иқтисодчи олимлар И.И.Поклоднинг «Экономический анализ производственно-финансовой деятельности промышленных предприятий» ва Г.Г.Бронинг «Анализ баланса промышленного предприятия» китоблари орқали ҳам кўришимиз мумкин.

60-70 йиллардан бошлаб эса иқтисодиёт тармоқлари бўйича таҳлил фани ихтисослашиб борди ва таҳлил фанининг бир қанча турлари вужудга келди. Кейинги йилларда эса иқтисодий таҳлил фанининг назарияси устида кўп ишлар олиб борилди ва таҳлил назарияси фан сифатида шаклланди.

80-йилларнинг хусусияти шундаки, бу даврда иқтисодий таҳлил фанининг назариясини яратиш бўйича худудий мактаблар вужудга келди. Жумладан, Москвада М.И.Баканов ва А.Д.Шеремет раҳбарлигидаги мактаб. Булар «Теория экономического анализа» китобини 1987, 1990, 1995 ва 1997 йилларда қайта нашрдан чиқардилар. Минск олимларидан В.В.Осмоловский, В.И.Стражев, Л.И.Кравченко, Н.А.Русак ҳамкорликда 1989 йилда «Теория анализа хозяйственной деятельности» дарслигини яратди. Киевлик олимлардан И.И.Каракоз ва В.И.Самборский ҳамкорлигида 1989 йилда «Теория экономического анализа» деган дарслик яратдилар. Ўзбекистонлик олимлардан И.Т.Абдукаримов, М.М.Пардаев, М.М.Тўлахўжаева, А.Т.Ибрагимов, А.Шоалимовлар ҳамкорликда таҳлил фанининг ўзбек мактабини яратилишига асос солдилар. Эндиликда барча МДХ давлатларида «Иқтисодий таҳлил назарияси» мустақил фан сифатида олий ўқув юртларида ўқитилиб келинмоқда. Бу албатта корхоналар фаолиятини бошқаришда, унинг молиявий барқарорлигини ва рақобатбардошлилигини таъминлашда энг муҳим тадбирлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида, иқтисодий таҳлил

(молиявий ва бошқарув таҳлили) ҳам янгилашни даврини бошдан кечирмоқда. Унинг мазмуни режанинг бажарилишини таҳлил қилишдан жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган кўрсаткичларни ўрганишга қаратилмоқда. Бу борада ижтимоий маҳсулотдан ялпи ички маҳсулот ва шундан келиб чиқадиган кўрсаткичлар тизимига ўтиш кўзда тутилмоқда.

### **Ўзбекистон Республикасида иқтисодий (молиявий ва бошқарув) таҳлилни ташкил топиши ва ривожланиши**

Юқорида жаҳон амалиётида бир қатор иқтисодий фанлар билан бир қаторда таҳлил фанининг ҳам шаклланиши, ривожланиши ва мустақил фан сифатида ташкил топишининг тарихий босқичлари ҳақида фикр юритилди. Бухгалтерия ҳисоби фанининг яратилганлигига 500 йилдан ошди. Шу фан негизида «Иқтисодий таҳлил» фани вужудга келганлигига ҳам 100 йилга яқинлашди. Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни жадаллаштиришда бу фаннинг роли жуда катта, чунки амалиётда иқтисодий дастакларнинг бири сифатида намоён бўлмоқда. Хўш, таҳлил фани мустақил Республикамизда қачондан шаклланган ва фан сифатида ташкил топган? Ушбу фанни Ўзбекистонда яратилиши ва ривожланиш тарихи бошқа фанлар сингари давр тақозоси билан собиқ иттифоқ таркибидаги бошқа республикалар сингари республикамизда ҳам марказ таъсири остида шаклланди.

90-йилларнинг бошларига келиб Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгач барча соҳаларда бўлгани сингари илм-фан соҳасида ҳам ўзининг мустақил йўлини танлаб олди. Хусусан, иқтисодиёт тармоқларида иқтисодий таҳлилга бўлган муносабат тубдан ўзгара бошлади. Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни жадаллаштиришда бу фаннинг роли жуда катта, чунки амалиётда иқтисодий дастакларнинг бири сифатида таҳлил намоён бўлмоқда.

Республикамизда иқтисодиётни эркинлаштириш бир томондан, корхоналарнинг мустақил фаолияти учун катта имконият яратиб берса, иккинчи томондан, уларнинг масъулиятини ҳам оширади. Корхоналарнинг иқтисодий эркинлиги ва масъулиятининг ошганлиги уларнинг ўз фаолиятини чуқур таҳлил қилишни тақозо қилади.

Республикамизда амалга оширилаётган ислохотлар ўзига хос иқтисодий дастаклар ва шунга мос фанларнинг шаклланишини тақозо қилади. Шундай фанлардан бири «Молиявий ва бошқарув таҳлили» фанидир.

Албатта, молиявий ва бошқарув таҳлили маъмурий буйруқбозликка асосланган режали иқтисодиёт шароитида ҳам мавжуд бўлган. Аммо унинг мақсади ва моҳияти, режали иқтисодиётга мослаштирилган бўлиб, бевосита режанинг шаклланиши ва бажарилишига хизмат қилишга қаратилган эди. Унинг мазмуни эса, маълум даражада, мафкуравий бўлиб, аввало, давлат манфаатини ифодалаб келган. Чунки, барча мулк, уни тасарруф этиш бевосита давлатнинг ихтиёрида эди. Эндиликда иқтисодий вазият тубдан ўзгарди.

Давлатнинг мулкка ва барча иқтисодий жараёнларга эгаллиги барҳам топиб, кўп мулкчиликка асосланган, бозор муносабатларини ўзида ифода этадиган, мазмун жиҳатидан янги иқтисодиёт шаклланмоқда. Бу эса, шунга мос равишда мазмунан янги «Молиявий ва бошқарув таҳлили» фанини шакллантирилишини тақозо қилади.

Эндиги «Молиявий ва бошқарув таҳлили» фани, энг аввало, ҳеч қандай мафкурага тобе эмаслиги, давлат манфаатини инкор этмаган ҳолда, турли мулк эгаларининг манфаатларини ўзида акс эттириши билан ўзига хослик касб этади. Бу ҳолат мазкур фаннинг мақсади, вазифалари, таркиби, унда қўлланиладиган кўрсаткичлар тизимини ўзгартиришни тақозо қилади.

Молиявий ва бошқарув таҳлили – бу иқтисодий ҳодиса ва жараёнлар моҳиятини англаш, таркибий қисмларга бўлишга асосланган. Уларни кўп қиррали алоқа ва боғлиқлигини ўрганишдир. Таҳлил фанининг пайдо бўлиши ҳар қандай янги билимларни пайдо бўлишига сабаб бўлган объектив шароит ва талабларни вужудга келишидир.


Биринчи навбатда – комплекс ва тизимли таҳлил бўлган амалий талабнинг вужудга келиши сабаби, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши, ишлаб чиқариш муносабатларининг такомиллашуви, ишлаб чиқариш кўламининг кенгайишидир. Бундай шароитда ривожланмаган оддий корхоналарда қўлланилиб келинган таҳлилий ҳисоб – китоблар, фараз қилишларни қўлланилиши ривожланган катта корхоналар шароитига етарли бўлмай қолиши, корхона фаолиятини ҳар томонлама қамраб олган комплекс иқтисодий таҳлилсиз мураккаб иқтисодий жараёнларни бошқариш ва оптимал қарорлар қабул қилиш мушкул бўлиб қолади.

Таҳлил фанининг Ўзбекистонда яратилиш тарихини тахминан 5 босқичга бўлиш мумкин. Республикамизда «Молиявий ва бошқарув таҳлили» фанининг яратилиш ва ривожланиш тарихини куйидаги чизмада ифодалаб ўтиш мумкин (2-чизма).

Ўзбекистонда узок йиллар мобайнида олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таҳлил фани асосан собиқ иттифоқнинг марказий шаҳарлардаги (Москва, Ленинград, Киев) олимлар томонидан тайёрланган дарсликлар асосида ўқитилиб келинди. Аммо, бунда ўзимизга хос хусусиятлар акс эттирилмаган эди. Бу эса 60-йилларга келиб Ўзбекистонлик олимларни ҳам бу фан соҳасида ижод қилишга даъват этди.

Ушбу даврдан бошлаб марказдан чиқадиган дарсликларда Ўзбекистонлик олимлар муаллиф сифатида қатнашадиган бўлди. Жумладан, 1966 йилда Москванинг «Экономика» нашриётида чоп этилган «Матлубот кооперацияси корконалари хўжалик фаолиятининг таҳлили» номли дарсликнинг муаллифлари таркибига лвовлик О.Р.Кмицикевич, новосибирсклик Л.А.Фальковичлар билан биргаликда самарқандлик олим И.Н.Топоровский ҳам тақлиф қилинган эди. Бу дарсликда республикамизнинг баъзи хусусиятлари биринчи марта ўз ифодасини топди.

**Ўзбекистонда «Молиявий ва бошқарув таҳлили» фанининг  
яратилиш давлари**



Шу фан бўйича масалалар тўпламини ёзишни самарқандлик олимлар ўз зиммаларига оладилар. 1970-йилда И.Т. Абдукаримов, Б.А.Залеский ва Н.Топоровский томонидан Москванинг «Экономика» нашриётида «Матлубот



кооперацияси корхона ва ташкилотлари хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш бўйича масалалар тўплами» ўқув қўлланмаси биринчи марта чоп этилди. Бу Ўзбекистонлик олимларнинг катта ишончга сазовор бўлганлиги ва уларнинг тан олинганлигидан далолат эди.

Собиқ иттифоқ олимлари ичида хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш фани бўйича Ўзбекистонлик олимларнинг мавқеи узлуксиз ошиб борди. Шу фанга бағишланган қатор монографиялар, ўқув қўлланмалари, рисоалар ва илмий мақолалар чоп этила бошланди. 1968 йилда И.Т.Абдукаримов томонидан «Кооператив савдода муомала харажатлари таҳлили» Москванинг «Экономика» нашриётида, 1971 йилда «Кооператив савдода чакана товар обороти таҳлили» ўқув қўлланмаси Москва кооператив институти нашриётида, 1973 йилда «Кооператив савдода фойда ва рентабиллик» номли монографияси «Экономика» нашриётида чоп этилди.

Республикамизда 60-70 йилларда таҳлил фанининг ташкил топиши ва шаклланишида асосий мавқеини самарқандлик олимлар эгаллаганини эътироф этган ҳолда, 80-йилларга келиб пойтахтимиз Тошкент шаҳрида ва республиканинг бошқа ҳудудларида ҳам таҳлил фани секин аста шаклланди ва ривож топа бошлади. Бу даврга келиб таҳлил фанининг ривожланишига Тошкентлик иқтисодчи олимлардан Р.Раджапов, А.С.Сотиволдиев, Ё.Абдуллаев, О.Махмудов, Х.Шодиев, Н.Хан, А.Шоалимов, А.Т.Ибрагимов, А.Усанов, А.К.Ибрагимов, Б. Ҳасанов ва бошқалар катта ҳисса қўшдилар.

80-йилларда Республиканинг Самарқандда яратилган таҳлил мактабини аъзолари ҳам ўз анъаналарини давом эттириб, юқори ва сермахсул ижод қилдилар. Бу даврга келиб самарқандлик олимлардан И.Т.Абдукаримов, М.Қ.Пардаев ва А.А.Абдиевлар ҳамкорликда «Хўжалик фаолиятининг таҳлили»га бағишланган тўрт томлик альбом яратдилар. Бу альбомнинг биринчи қисми «Иқтисодий таҳлилнинг назарий асосларига» бағишланган бўлиб, барча мавзулар тегишли тизмаларда тушунарли қилиб тасвирланган. Ушбу альбомнинг иккинчи томи «Кооператив савдода иқтисодий таҳлил» номи билан аталади. Бунда кооператив савдо корхоналари хўжалик фаолияти батафсил таҳлил қилинган. Аммо матлубот кооперацияси кўп тармоқли соҳа. Шу туфайли альбомнинг 3-томи «Матлубот кооперацияси алоҳида тармоқлари хўжалик фаолиятининг таҳлили» мавзусига бағишланган. Альбомнинг 4-томи матлубот кооперацияси ташкилотларида барча тармоқлардан ҳисобот қабул қилинганидан кейинги ўтказиладиган таҳлил усулларини ўз ичига олган. Бу «Молиявий ҳолатининг таҳлили» деб номланган ва бунда барча соҳа бўйича молиявий ҳолатнинг қандай аҳволда эканлиги тўғрисида хулоса қилишга бағишланган. Ушбу таҳлил усуллари ҳам аниқ чизмалар орқали ёритилган.

1984 йилда И.Т.Абдукаримов томонидан «Матлубот кооперацияси хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш» номли дарслик Москванинг «Экономика» нашриётида чоп этилди. Бу дарслик Иттифоқдаги барча кооператив институтларига ва «Бухгалтерия ҳисоби, назорат ва хўжалик фаолиятининг таҳлили» бўйича мутахассислик тайёрлайдиган барча олий ўқув юр்தларига тавсия қилинди. Бу дарсликни кенг жамоатчилик жуда яхши

кутиб олди. Натижада 1989 йилда ушбу дарслик айнан ана шу нашриётда қайта ишланган ва тўлдирилган вариантида янгидан нашр қилинган.

1990 йилларнинг бошларига келиб республикамизда «Молиявий ва бошқарув таҳлили» фанига оид дастлабки ўзбек тилидаги адабиётлар яратила бошланди. Айниқса бу даврга келиб бухгалтерия ҳисоби даги ахборотларни автоматлаштириш масалаларига кенг эътибор қаратилди. Шу йиллари ҳисоб, таҳлил, статистика ва режа маълумотларини автоматлаштириш бўйича бир қанча адабиётларни Р.А.Абдуллаев, Р.И.Абдукаримов, Н.А.Иброҳимов, К.У.Уразов, М.Б.Аббосовлар турли нашриётларда чоп эттириб келдилар.

90-йилларнинг бошларига келиб таҳлил фанининг ривожланиш соҳасига янги-янги иқтисодчи олимлар кириб кела бошладилар. Бундай иқтисодчи олимлардан А.Т.Иброҳимов, Б.А.Ҳасанов, А.Ризақулов, О.Бобожонов, М.Тўлаҳўжаева, Н.Жўраев, О.Жуманов, М.Раҳимов, А.Абдуганиев, Х.Мусаевлар «Иқтисодий таҳлил» нинг турли қирраларига баҳишланган асарлар ярата бошладилар.

Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик сари интилиши самарқандлик олимларни ўзбек тилида дарслик ёзишга давъат этди. Бунга раҳбарликни профессор И.Т.Абдукаримов ўз қўлига олди ва ниҳоят 1989 йилда И.Т.Абдукаримов, М.К.Пардаев, А.А.Абдиев ва В.И.Абдукаримовлар томонидан «Матбуот кооперацияси хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш» мавзусида биринчи марта ўзбек тилида дарслик вужудга келди. У Тошкентдаги «Ўқитувчи» нашриётида чоп этилди. Бу дарсликдаги кўп иқтисодий атамалар ўзбек тилида ёзилди. Аммо махсус фанларни фақат рус тилида ўқиб юрган талабалар ва ўз ишини рус тилида юритадиган мутахассислар учун ўзбек тилидаги атамаларни тушуниш анча қийин кечди. Шу сабабли бу қийинчиликни осонлаштириш мақсадида самарқандлик олимлар «Савдога оид иқтисодий атамаларнинг русча-ўзбекча луғатини» ишлаб чиқди ва 1990 йилда Самарқанд кооператив институтида ва 1992 йилда Тошкентнинг «Ўқитувчи» нашриётида чоп этишга муваффақ бўлдилар.

Ушбу китоблар, мақолалар тўплами ва рисоалар бозор иқтисодиётининг шаклланаётган шароитида таҳлил фанини илмий ва амалий жиҳатдан такомиллашуви учун назарий асос бўлиб хизмат қилиш муқаррар.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач ўзига хос ва мос бозор иқтисодиётига асосланган тараққиёт йўлини танлаб олди. Бу эса иқтисодчи олимлардан бозор иқтисодиётига оид адабиётларни яратиш вазифасини талаб қилади.

Мустақиллик йилларида республикамизда «Молиявий ва бошқарув таҳлили»га оид бир неча ўнлаб дарсликлар, ўқув қўлланмалар, монографиялар ва илмий мақолалар чоп эттирилди. Мустақиллик йиллари таҳлил фанининг юксак ривожланиш даври бўлиб қолди. Мустақиллик йилларида олий таълим стандартларига асосан «Молиявий ва бошқарув таҳлили» фанининг янги ўқув дастурлари яратилди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, республикамизда иқтисодий таҳлил фанининг равнақи ўзига хос тарихга эга. Бу фан борасида тегишли мактаб

шаклланган. Бироқ бу фаннинг равнақи унинг келажаги олдинда бизнинг республикаамизда савдо ва қишлоқ хўжалиги соҳалари бўйича ҳар ҳолда дарсликлар яратилган, анча ишлар қилнган. Аммо халқ хўжалигининг муҳим тармоқларидан бўлган саноат, қурилиш, транспорт, хизмат соҳасидаги корхоналар хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш бўйича ҳали анча ишлар қилш лозим. Бу соҳалар бўйича ҳали дарслик ва тегишли адабиётлар бирмунча камроқ яратилган. Бу республикамиз равнақи учун, унинг келажакдаги тараққиёти учун кенг йўл очиб беришига тўсқинлик қилиш муқаррар, чунки саноат ва бошқа халқ хўжалигининг тараққиёти ўзимизга хос бўлмағи лозим. Бу эса ушбу соҳалар бўйича ўзимизга хос молиявий ва бошқарув таҳлили усулларини ишлаб чиқишни тақозо қилади.

Ўзбекистон Республикасида молиявий ва бошқарув таҳлили қуйидаги йўналишларда ривожланиши лозим деб ҳисоблаймиз:

- Ҳозир республикаамизда кўп мулкчиликка асосланган бозор тизимидаги корхоналар вужудга келди. Молиявий ва бошқарув таҳлили ҳам ана шу соҳага мос ривожланиши лозим;
- Ўзбекистонда барча соҳалар бўйича, айниқса бухгалтерия ҳисобининг жаҳон анжозаларига мос тизими қабул қилинмоқда. Бу эса халқаро андозага мос молиявий ва бошқарув таҳлили тизимини ҳам яратишни тақозо қилади;
- Бу фаннинг назариясини ўзимизда шаклланаётган бозор иқтисодиётининг хусусиятларини инобатга олган ҳолда яратиш лозим.
- Ўзбекистонда макроиқтисодий таҳлил амалий жиҳатдан объектив заруриятга айланди. Аммо унинг назарияси ва методологияси яратилган эмас, шу туфайли келажакда макроиқтисодий таҳлилни назарий ва методологик асоси ишлаб чиқиши лозим.;
- Олимлар саноат, қурилиш, транспорт, хизмат ва бошқа халқ хўжалигининг муҳим соҳалари бўйича дарслик ва ўқув қўланмаларини яратишлари керак;
- Иқтисодчи мутахассисларни тайёрлашда бу фанга тегишли аҳамият бериш ва ўқув андозаларига ва режаларига киритиш лозим, деб ҳисоблоймиз.

Ушбу тадбирларнинг амалга ошиши мустақил давлатимизнинг мустақил фани – Молиявий ва бошқарув таҳлилининг вужудга келиши ва ривожланиши учун асос бўлади. Бу фаннинг келажакда аҳамияти кескин ошади, чунки бозор иқтисодиёти шароитида ҳар хил корхоналарнинг хўжалик фаолиятини чуқур ўрганишни, таҳлил қилишни тақозо этади.

### **Билиш назарияси ва таҳлил**

Билиш – фалсафа фанининг фундаментал услубий бўлими бўлиб, у объектив борлиқни инсон онгида акс этишининг ўрганилишини ўргатади.

Аввало, мазкур назарияда билишнинг объекти ва субъекти тушунчаси

аниқланади. Биринчи тушунча мазмунида бевосита объектив хатти-ҳаракат, амалиёт, инсоннинг моддий фаолияти яъни жамият ривожланишининг асосини ташкил этувчилар ётади.

Иккинчи тушунча эса инсоннинг ўзи, жамият, инсоният яъни билиш объектига ижодий ёндашувчи шахсларни билдиради.

Билиш объекти ва субъектини диалектик бирлиги унинг ишончлилигини ва ҳаққонийлигини таъминлайди.

Амалиёт ва унинг сезилувчи предметлари, моддий буюмлашган, ижтимоий ва экологик мазмундаги томонлари билишнинг объекти ҳисобланади.

Замонавий фанларнинг усул ва услубларини умумлаштириб шуни айтиш мумкинки, билиш жараёнида қуйидаги воситалардан кенг фойдаланилади: анализ ва синтез, экспремент, моделлаштириш. Буларнинг барчасини амалга оширадиган, асосини ташкил этадиган инсоннинг ўзидир. У моҳиятига кўра барча ҳолатларни юқори даражада анализ-синтез этадиган инсон миясининг фикрлаш қобилиятидир.

Фикрлаш ижодий жараён сифатида тушунча, ҳукм, хулосаларни ўз ичига олади.

Объектив реаллик: ҳодисалар, буюмлар, кўрсаткичлар ўз шакли ва мазмунига ҳамда ҳусусиятларига кўра фарқланади, гуруҳларга ажратилади ёки фикрлаш воситасида муайян тушунчани ҳосил қилади.

Ҳукм орқали нимадир тасдиқланади ёки инкор этилади.

Таҳлил этилган жараёнлар синтез этилиб, хулоса чиқарилади.

Хўш билиш назарияси ўзи нима?

Билиш назарияси орқали ўрганилаётган борлиқни муайян объекти тўғрисида ишончли ва ҳаққоний маълумотларга эга бўламиз.

Барча тармоқ фанларнинг услубий асоси сифатида билиш назарияси иқтисодий таҳлилнинг ҳам моҳияти, зарурийлиги ва натижасини аниқлаб беради.

Молиявий ва бошқарув таҳлили – аниқ амалий фандир. Агар у билиш назариясига таяниб ривожланса, инсоннинг амалий фаолиятида иқтисодий самарадорлик ошади. Бу эса фаннинг амалий ҳаётда ўз ўрнини топганидан далолат беради.

Молиявий ва бошқарув таҳлили ўз фаолиятида диалектиканинг асосий тамойилларига асосланади.

Улар қуйидагилардан иборат:

- доимо ҳаракат;
- ўзаро алоқа ва ўзаро боғлиқлик;
- сабаб-оқибат;
- координация ва субкоординация;
- қарама-қаршилик;
- миқдор ўзгаришидан сифат ўзгариши;
- инкорни инкор ва шу қабилардир.

Таҳлилнинг ҳусусияти, зарурийлиги ва қимматли томони, у воқеа ҳодисаларни динамикасини ўрганади.

Бу жараёнда мазкур фан предмети тадқиқ қилиш мумкин бўлган объектив реаллик; предмет ва ҳодисалар у ёки бу томондан шу кабилар билан боғлиқ бўлган ҳолда, доимо ҳаракатда, ўзгаришда деб ўрганилади.

Иқтисодий ҳодисаларни бир-бирига боғлиқлигини, ўзаро ҳаракатларини, алоҳида юзага чиқишини ва бошқа томонларини ўрганмасдан туриб, уларни тузилиши, ҳаракат қонунлари, хусусиятларини ўрганиб бўлмайди. Бу эса муайян иқтисодий объектни белгиларга кўра бўлақларга бўлиб, сўнгра уларни умумийлигини таъминловчи жиҳатларини таҳлил ёрдамида аниқлаб тегишли хулосалар олишда ҳамда улардан амалиётда фойдаланишда жуда муҳимдир.

Инсон томонидан иқтисодий фаолиятдаги турли воқеалар кузатилиб уларнинг натижалари тўғрисида маълумотлар олинади яъни фактлар тўпланadi.

Маълумки фанда воқеалар бевосита ўзи таҳлил этилмайди, балки улар қайд этилган фактлар бўйича ўрганилади.

Эмперик билишлар бўйича қайд этилган фактлар фанга киради, қайта ишланади ва сақланади. Лекин инсон томонидан қайд этилган фактлар бир бутун воқеа ёки предметни ўрганиш учун етарли ҳисобланмайди. Бунинг учун ўрганилаётган объект муайян белгилар бўйича гуруҳлар ва ёки бўлақларга ажратилиши зарур. Булардан маълум бўлмоқдаки аниқ объект тўғрисида илмий фактлар тўплаш, уларни таҳлил қилишдан бошланар экан. Айтилганлардан шу хулосага келиш мумкинки таҳлил, жамият ёки табиатдаги воқеа ва ҳодисаларни ўрганиш услуби бўлиб юзага чиқади.

Бир бутун объектни фикран бўлақларга бўлиб ўрганиш таҳлилда ўта аҳамиятли тадқиқот усули бўлиб ҳисобланади. Мазкур усул ўрганилаётган ҳодисани ички моҳиятини очишда ва уни турли омилларга боғлиқлигини аниқлашда жуда муҳимдир. Бундай фикрлашда фалсафанинг абстракт усул-услубларидан кенг фойдаланилади.

Таҳлилда бир бутун ҳодиса ёки предмет бўлақларга бўлиниб, унинг ҳар бир алоҳида томонлари ўрганилади. Лекин, бу билан ўрганилаётган объектни тўла маънода тавсифлаб бўлмайди. Бунинг учун, объектни ўрганилаётган томонларини умумлаштириб, умумий жиҳатларни ҳосил қилиш керак. Мазкур масала синтез усули билан амалга оширилади.

Умуман, ҳодиса ёки жараёнлар ўрганилиб илмий хулосалар чиқаришда таҳлил ва синтез усули биргаликда ҳаракат қилади. Мазкур тартиб объектнинг диалектик бирлигини таъминлайди. Бу билан тадқиқ этилаётган предмет ёки ҳодисаларнинг диалектик бирлигини ҳар томонлама билиш мумкин.

Фактлар таҳлилидан назарий синтезга ўтиш индукция ва дедукция методлари ёрдамида амалга оширилади.

Индукция – алоҳида фактлар билимидан умум билимларга (яъни қонунлар ёки бошқа амалий ва зарурий алоқаларни акс эттирадиган) ўтиш усулидир.

Дедукция – фикрларни умумийликдан хусусийликка татбиқ этиш усулидир. Бунда, умумий таснифдаги қонунлар, боғлиқликлар хусусий

таснифга ўтказилади.

Мазкур усуллар ёрдамида иқтисодий ҳодисаларни ҳам ҳусусий, ҳам умумий жиҳатлари ўрганилиб, тегишли хулосалар олиниб, амалиётга татбиқ этилади.

Юқорида кўриб чиқилган билишнинг элементлари, усуллари (диалектика, анализ, синтез, индукция ва дедукция) иқтисодий-таҳлил фанида ҳам иқтисодий воқеа ва жараёнларнинг ўрганишни асосини ташкил этади.

Молиявий ва бошқарув таҳлили айтиб ўтилган умумий усуллар ва ҳусусий жиҳатлар билан биргаликда алоҳида фан сифатида юзага чиқиб, корхоналарни тадқиқ қилиш тизилмасига эга бўлади.

### **Молиявий ва бошқарув таҳлили фанининг мазмуни**

Бозор муносабатлари соҳасида ҳар қандай хўжалик юритувчи субъектнинг ўз тасарруфидаги барча ресурслар – молиявий, моддий ва меҳнат ресурслари ҳаракати ҳамда улардан фойдаланиш самарадорлигини тўғри бошқаришни таъминлаши зарур бўлади. Аммо кўпгина корхона ва ташкилотлар иқтисодий мустақиллик ҳамда ички ва ташқи бозорда битимлар тузиш ҳуқуқини қўлга киритганларидан сўнг хўжалик юритишнинг янги шароитларига тайёр эмасликлари аён бўлиб қолди.

Бозор иқтисодиёти соҳасида бошқарув субъектларига фақат ахборотга эга бўлишнинг ўзи кифоя қилмайди. Бу ахборот билан ишлаш, тўғри хулосалар чиқариш ва улардан ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мақсадида фойдаланиш зарур бўлади. Самарали бошқаришда энг муҳими ахборот ва ундан фойдалана билишдир.

Иқтисодий ахборотлар билан ишлашнинг энг муҳим жиҳатларидан бири уни таҳлил қилишдир. Таҳлил давомида хўжалик фаолиятини ўрганишда ҳамда хулосалар чиқаришда асос бўладиган бир қатор кўрсаткичлардан фойдаланилади.

Молиявий ва бошқарув таҳлилининг икки хил йўналишини кўрсатиш мумкин:

1. Саноат корхоналарининг хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш;
2. Халқ хўжалигининг бошқа тармоқларини таҳлил қилиш.

Бунда иқтисодий районлар, ҳудудлар ва бутун халў хўжалигини таҳлил қилиш тушунилади. Шунини айтиш керакки, халў хўжалигини таҳлил қилиш иқтисодий фанлар мажмуасида мустақил ўрин олмаган бўлиб, у сиёсий иқтисод ва тармоқлар иқтисодиёти курсларида ўрганилади. Холбуки, корхоналарнинг хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш иқтисодий фанлар қаторидан ўзига хос мустақил ўрин олган.

Бугунги кунда хорижлик ва республикамизнинг энг кўзга кўринган иқтисодчи олимлари таҳлил фанининг принциплари тўғрисида турлича фикрлар билдириб келишмоқда. Аммо, уларнинг аксариятини фикрларида бир муштаракликни кузатишимиз мумкин бўлади. Иқтисодчи олимларнинг фикр-мулоҳазаларидан келиб чиқиб, сиз талабаларнинг олдига қуйидагича

муаммоли саволни ўйимокчимиз.

Молиявий ва бошқарув фанининг қандай принциплари (тамойиллари)ни кўрсатиб беришимиз мумкин бўлади?

Ушбу муаммони биз ўзимиз қуйидаги фикрларимиз билан қисман ҳал этиб бериш ниятидамиз. Корхоналарнинг хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш учун асос қилиб олинган қуйидаги тамойиллари мавжуд:

- Объектнинг ҳолатини дастлаб иқтисодиётнинг назарий асосларига биноан таҳлил қилишнинг зарурлиги ва ўрганиладиган ҳодисаларнинг моҳияти ва бир-бирига ўзаро боғлиқлиги;
- Таҳлилнинг комплекс ҳусусиятга эгаллиги ҳамда ўзаро бир-бирига узвий равишда боғлиқ иқтисодий кўрсаткичлар системасининг қўлланилиши;
- Иқтисодий маълумотларни аналитик жиҳатдан қайта ишлаш жараёнида ўрганиладиган ҳодисаларни туркумлаш ва уларга таъсир кўрсатувчи омилларни миқдорий ва сифат белгиларига қараб тавсифлаш;
- Корхоналарнинг хўжалик фаолиятини таҳлил қилишда таққослаш усулининг ички хўжалик резервларини аниқлашдаги аҳамияти;
- Таҳлил натижалари асосида илғор тажрибаларни кенг ёйиш ва оммани ишлаб чиқаришни бошқаришга яна ҳам кенг жалб қилиш;
- Корхоналарни бошқаришда ҳисоб ва ҳисоботнинг ҳал қилувчи роли ва унинг таҳлилда асосий ахборот манбаи эканлиги.

Молиявий ва бошқарув таҳлили фанининг бир қатор тамойиллари (принциплари) мавжуд бўлиб, булардан энг асосийлари қуйидагилар ҳисобланади:

- Мазмуннинг шаклдан устунлиги тамойили;
- Ихтиёрийлик тамойили;
- Бетарафлилик тамойили;
- Ишончлилик тамойили;
- Даврийлик тамойили;
- Тизилмавийлик (системалашганлик) тамойили;
- Таққосланувчанлик тамойили;
- Аниқ баҳолаш тамойили ва ҳақозолар.

Ҳозирги шароитда мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришда, иқтисодиётдаги ноқулай йўналишларни тез бартараф этишда иқтисодиётни бошқаришни тубдан қайта ислоҳ қилишни жадаллаштириш биринчи навбатдаги вазифадир. Молиявий ва бошқарув таҳлилинини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари иқтисодиётни бошқаришни қайта қуришнинг моҳияти ва уни амалга ошириш тамойиллари билан бевосита белгиланади. Иқтисодиётни бошқаришни тубдан қайта қуришнинг моҳияти – барча даражаларда асосан маъмурий раҳбарлик усулларидан иқтисодий усулларга, манфаатлар орқали бошқаришга, бошқаришни кенг демократиялашга, инсон омилини бутун чоралар билан кучайтиришга ўтишдир. Ҳозирги босқичда туб ислохотни амалга ошириш бозор иқтисодиёти афзалликларини мумкин қадар тўлароқ рўёбга чиқариш имконини берадиган яхлит, самарали ва эпчил бошқариш системасини

вужудга келтиришни тақозо қилади.

Хўжалик фаолиятини муваффақиятли бошқариш кўпгина таъсир этувчи омилларга, шартларга ва ҳолатларга боғлиқ бўлади. Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, корхоналар фаолиятини бошқаришда бошқарув функцияси асосий мавжеини эгаллайди, шу билан бирга таҳлил ҳам. Ушбу функцияларнинг тўлиқ фаолияти ва даражаси кўп жиҳатдан уларнинг услубиятига боғлиқлиги билан, бундан ташқари бошқарув объектида фаннинг предметини ўз вақтида аниқ тушуниши билан ажралиб туради.

Бизга маълумки, одатда ҳар қандай фан ўз предмети орқали объектив борлиқнинг қайсидир томонлари ва қисмларини тушуна олади. Айнан битта объектни турли хил фанлар ўзининг ихтисослик томонларидан ёки алоқаларидан келиб чиқиб турлича қараши мумкин. Кўриниб турганидек, хўжалик фаолияти ўзининг мазмуни ва структураси жиҳатидан мураккаб объект эканлиги билан ажралиб туради.

Шу сабабли корхоналарнинг хўжалик фаолиятини кўпгина иқтисодий фанлар ҳамда бошқа фанлар ўрганиши мумкин.

Ҳар бир фан жамият, табиат ва идроклаш, тараққиёт ҳақида маълум бир билим беради. Бундай билим беришда ёки ўрганишда табиат ва жамиятни ривожлантиришдаги умумий қонуниятларига, тамойилларига амал қилади.

Молиявий ва бошқарув таҳлили ҳам аниқ фан сифатида қуйидагилар ҳақида махсус билим беради:

- Иқтисодий жараён, ҳодиса ва воқеаларни ривожланишини, ўзгаришини объектив (ташқи) ва субъектив (ички) таъсир этувчи омиллар билан умумий боғлиқ ҳолда ўрганиш;
- Ўрганилаётган фирма, ташкилот, муассаса ва уюшмаларнинг фаолиятини тўлиқ ва кенг ўрганган ҳолда аниқ ва холисона баҳо бериш;
- Ижобий ва салбий таъсир этган омилларни аниқлаш, рақамларда кўрсатиш ва ҳисоблаш;
- Бор бўлган имкониятлар, самарадорликни оширишни йўл-йўриқларини кўрсата олиш;
- Илғор ғоя ва тажрибаларни ўрганилаётган жараёнга қўллаш йўналишларини белгилаш.

Молиявий ва бошқарув таҳлилида ўрганилаётган ҳодиса ёки жараён майдадан-йирикка, оддийдан мураккабга ёки аксинча ўрганилади, ҳамда умумий бирлиги ва бир-бири билан ўзвий боғланиши эътиборга олинади. Демак, хўжалик фаолиятини таҳлили фирмаларнинг иқтисодий фаолиятини объектив ва субъектив омилларни эътиборга олиб ўрганади.

### **Бозор муносабатларининг такомиллашуви шароитида молиявий ва бошқарув таҳлили хўжалик субъектларини бошқаришнинг муҳим функцияси сифатида**

Турли мулкчилик тизимига асосланган иқтисод бозор механизмининг



муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Унинг субъектлари бўлган корхона ва ташкилотлар, алоҳида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи субъектлар мулкнинг эгаси ва тасарруф этувчиси сифатида уни тўғри бошқаришдан манфаатдордирлар, бу эса албатта содир бўлаётган хўжалик жараёнлари ва ҳодисаларини даврий кузатишни, фаолият натижавийлигини батафсил ўрганишни иқтисодий таҳлил қилишни талаб этади. Шу жиҳатдан корхона (фирма) фаолиятини бошқаришнинг муҳим воситаси ва қуроли бўлган иқтисодий таҳлил ўта аҳамиятли ҳисобланади.

Бозор иқтисодиёти даврида мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклидан қатъий назар корхоналар ишлаб чиқаришни самарали ташкил этиш энг аввало тизилмада бошқарув ролини оширишдан бошланади. Чунки, бошқарув воситасида корхона ўз олдидаги вазифаларни ҳал қилади ва қўйилган мақсадга эриша боради.

Корхонада бошқарув тизилмаси ўз объект ва субъектидан иборат бўлади.

Бошқарув объекти – бу ишлаб чиқариш, субъекти эса бошқарув таркибидир.

Корхона фаолиятини ёки ишлаб чиқаришни бошқаришда объект ва субъект бошқариладиган ва бошқарувчи кичик тизилмани ташкил этади.

Уларни ҳар бири ўзига юклатилган функцияларни бажаради. Аммо, мазкур кичик тизилмалар бир-бирлари билан узлуксиз ва чамбарчас алоқада бўлиб айна ҳолатда ягона тизилмани ташкил қилади.

Бошқарув субъекти – бошқарув объектининг таснифи ва ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб ташкил этилади.

Лекин, субъект ҳар доим ишлаб чиқариш ва хўжалик жараёнларини ўзгаришига кўра объект шакли ва унга таъсир этувчи усулларни белгилайди ҳамда такомиллаштириб боради. Бошқарувчи кичик тизилма бошқарув объектни назорат этади, тартибга солади, мақсад ва дастурларни бошқарув функциясига кўра ишлаб чиқади. Демак, бошқарув субъекти корхона тизилмасида фаол роль бажарар экан.

У бошқарувнинг етакчи функцияларини: маркетинг, режалаштириш, бухгалтерия ҳисоби, таҳлил, тартибга солиш ҳамда назорат ва аудитларни амалга оширади.

Эркин бозор иқтисодиётида корхона фаолиятининг ташкил этиш ва юритишни маркетинг қонунлари, тартиблари ва тамойилларини билмасдан туриб амалга ошириш мумкин эмас. Чунки, маркетинг илми асосида энг мақбул дастурлар ёки режалар ишлаб чиқилади.

Бошқарув тизилмаси сифатида маркетинг фаолиятини асосий тамойиллари мазмуни қуйидаги кўринишни олади:

- ишлаб чиқаришни бозордаги талабга мос тушиши;
- бозордаги ҳолат ва корхонани ҳақиқий ишлаб чиқариш имконияти;
- харидор ва буюртмачилар талабини янада тўлароқ қондириш;
- аниқ бозорларда маҳсулот ва хизматларни кўзда тутилган ҳажмда ва белгиланган муддатда сотиш;
- ишлаб чиқариш ва тижорат фаолиятини узоқ муддатли рентабелли

ишлашини таъминлаш;

- танлаб олинган маркетинг стратегияси ва тактикасига қатъий амал қилиш (бозор ҳолатини эътиборга олган ҳолда);
- доимо ўзгариб турувчи бозор ҳолатига ва харидор талабига мослашиш.

Мазкур санаб ўтилган тамойилларга амал қилиш ва маркетинг дастурини ишлаб чиқиш ҳамда уни амалга ошириш бевосита аналитик ҳисоб-китоблар билан чамбарчас боғланган. Бу жараёнлар асосида жуда кўплаб иқтисодий таҳлил ишлари бажарилади. Уларнинг асосийлари қуйидагилардан иборатдир:

- корхона иқтисодига ташқи ва ички муҳитни кўрсатадиган таъсири таҳлили;
- бозор ҳолати таҳлили (кенг қўламда, товар гуруҳлари ва алоҳида товарлар бўйича);
- истеъмочилар ва сотиб олувчилар таҳлили;
- рақобат ҳолати таҳлили;
- бозордаги баҳо ҳамда ўз баҳосини белгилаш тактикаси таҳлили;
- молиявий натижалар таҳлили;

Ўрганилган ташқи ва ички муҳит ҳамда ҳолат имкониятларидан келиб чиқиб корхона ишлаб чиқариш фаолиятини жорий бизнес режаси тузилади

Бизнес режада ҳар бир элемент пухта таҳлил қилиш асосида белгиланади. Чунки, улар реал истиқболли ҳамда энг асосийси самарали бўлиши шарт.

Корхонада бизнес режа қуйидаги бўлимлардан иборат бўлади:

1. Кириш—резюме .
2. Ишлаб чиқариш мақсади—ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар рўйхати (уларнинг афзаллиги ёки фарқи бошқа ишлаб чиқарувчилар билан таққосланади).
3. Маҳсулот сотиладиган бозор ҳолатини белгилаш (зарурий маълумотлар тўплаш ва уларни таҳлил қилиш).
4. Асосий кўрсаткичлар бўйича рақобатбардошликни аниқлаш (ишлаб чиқариш ҳажми, сотиш ҳажми, маҳсулот сифати, баҳо даражаси, ўртача фойда).
5. Маркетинг стратегияси.
6. Ишлаб чиқариш режаси (ишлаб чиқариш қуввати, ҳом-ашё ресурслари, мутахассислар).
7. Ташкилий тамойиллар (ишлаб чиқариш хизмати, уларни мувофиқлаштириш, ўзаро ҳаракати ва бир-бирини назорат этиш тартиби).
8. Тижорат таваккали ва чораси.
9. Молиявий режа.
10. Молиялаштириш стратегияси.
11. Товар-материал таъминоти ва шу кабилар.

Албатта бизнес режанинг ҳар бир бўлими ҳисоб-китоб қилиниб, умумлаштирилганда корхона ишлаб чиқариш фаолиятдан оладиган фойдаси

энг куйи кўринишда тармоқда эришилган ўртача фойда меъеридан паст бўлмаслиги керак.

Кўришиб турибдики режанинг ҳар бир босқичи ҳамда унинг элементлари таҳлил асосида пухта қилиб тузилади.

Демак, ишлаб чиқилган режа воситасида кўйилган мақсадга эришиш учун бошқариладиган объектни самарали функцияси йўналиши аниқ белгиланади.

Белгиланган режаларнинг амалда қандай бажарилаётгани ёки ишлаб чиқаришни бориши тўғрисида реал аҳволни бухгалтерия ҳисоби ёрдамида ўрганилади. Бухгалтерия ҳисобида шаклланган маълумотлар пировард натижада бошқарув эҳтиёжлари учун ишлатилади. Бошқарув қарорлари эса таҳлил маълумотларига асосланади. Демак, иқтисодий таҳлил режа, бозордаги аҳвол ва бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида объектдаги ўзгаришни миқдор ва сифат жиҳатдан ўрганади ҳамда баҳо беради. Унинг ёрдамида йўл ўйилган камчиликлар топилади ҳамда тугатилади, объектни янада ривожлантириш йўллари белгиланади ёки самарали ишлашни таъминлайдиган йўналишга ўтказилади. Бу эса, бошқарув қарорларини нечоёлик реал қабул қилинишига асос бўлади.

Демак, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи маълумотлар ҳам иқтисодий-таҳлил воситасида қайта ишланар экан. Бу билан таҳлилнинг бошқарув фаолиятини бир тўғри эканлиги ва унинг моҳияти янада яўқолроқ кўринади.

Бошқарув жараёнида тартибга солиш функцияси – бошқарувчи субъектнинг энг мақбул бошқарув қарорларини қабул қилишда ўта муҳим ҳисобланади. Бу билан, ўрганилаётган объектга комплекс ёндашилиб, бутун бир тизилмани ижобий ва салбий жиҳатлари назарда тутилган ҳолда энг мақбул чоралар ёки тадбирлар белгилинади. Натижада, бошқарув объекти фаолияти ёки дастуридаги салбий ҳолатлар тугатилади ва бошқарув дастурларига аниқлик киритилади. Мазкур ишлар бевосита иқтисодий таҳлил ёрдамида амалга оширилади. Чунки, тартибга солинаётган ҳар бир объект ҳар томонлама чуқур ўрганилади.

Бошқарувда асосий фаолиятни ишончилигини таъминлашда назорат этишнинг ҳам роли каттадир. Унинг ёрдамида фаолиятнинг бориши, уларнинг нечоёлик ҳаққонийлиги текширилади. Текшириш жараёнини сифати, ишончилиги ошириш учун таҳлилнинг усуллари, тамойилларидан фойдаланилади ва шу асосда керакли хулосалар ёзилади.

Мисол учун, корхонада аудит текширишларида молиявий ҳолат; барқарорлик; натижалар ва шу кабиларни ўрганади.

Айтиб ўтилган барча бошқарув функциялари корхонани иқтисодий ривожланиши учун тайинланган. Бироқ, корхонани фақатгина иқтисодий тузилма деб қараш ҳам, унга бир томонлама ёндашишини келтириб чиқаради. Чунки, унинг ўзига ҳос ижтимоий, экологик ва бошқа шу каби жиҳатлари ҳам мавжуд.

Демак, корхона тузилмасида ижтимоий, экологик жараёнларни ҳам таҳлил этиш ундаги мазкур йўналишдаги ҳақиқий аҳвол ва унинг такомиллаштириш масалаларини ўрганади ва уларга таъсир этади.

Буларнинг натижаси эса, иқтисодий жараёнларга кўрсатган таъсири билан аниқланади.

Фикримизни умумлаштириб, шу нарсаларни айтиш мумкинки молиявий ва бошқарув таҳлили корхонани бошқаришнинг муҳим функцияларидан биридир.

Унинг ёрдамида:

- а) бошқарув қарорларини илмий асосланиши таъминланади;
- б) мулк ва маблағлардан фойдаланишнинг муқобиллик шартларини белгилайди ва бошқарувчи улар қаторидан ўзи учун мақбул бўлган оптимал вариантларни танлайди;
- в) истиқболли бошқариш учун замин тайёрлайди.

## Молиявий ва бошқарув таҳлили фанининг предмети

Эркин иқтисодий муносабатлар шароитида молиявий ва бошқарув таҳлили жараёнида ўрганилаётган ҳодиса ёки жараён майдадан-йирикка, оддийдан-мураккабга ёки аксинча, умумийликдан энг кичик омилга қадар ўрганади ҳамда умумий бирлиги ва бир-бири билан узвий боғланиши эътиборга олинади. Демак, молиявий ва бошқарув таҳлили фани фирма ва корхоналарнинг иқтисодий – ижтимоий фаолиятини объектив ва субъектив омилларни эътиборга олган ҳолда ўрганади.

Фаннинг предмети дейилганда, шу фан нимани ўргатади деган саволига жавоб бериши лозим бўлади. Ҳар қандай мустақил фан ўзининг предметига эга. «Молиявий ва бошқарув таҳлили» фанининг предметига кенг маънода қарайдиган бўлсак, у иқтисодий фан сифатида таҳлил қилинаётган объект хўжалик фаолиятининг барча соҳаларини ўз ичига олади. Лекин ҳар бир иқтисодий фан ўзига хос хусусиятга, ўзи ўрганадиган предметига эга. Бу фақат шу фанга хос бўлиб, имкони борича бошқа фаларда такрорланмаслиги лозим. Бу талаб шу фаннинг мустақил фан сифатида фаолият кўрсатиши учун асосий шартлардан бири ҳисобланади.

«Молиявий ва бошқарув таҳлили» фанининг предмети том маънода таҳлил қилинаётган объектнинг хўжалик фаолиятидир. Аммо, «Бошқарув ҳисоби», «Молиявий ҳисоб», «Статистика», «Молия», «Аудит», «Маркетинг», «Менежмент» каби фанларнинг ҳам предмети кенг маънода хўжалик фаолиятидир. Бу фанлар ҳам хўжалик фаолиятида содир бўлаётган ижтимоий – иқтисодий жараёнларнинг у ёки бу жиҳатини ўргатади. Демак, ҳар бир фаннинг, шу жумладан, «Молиявий ва бошқарув таҳлили» фанининг ўзига хос ва мос жиҳатини, унга тегишли предметини аниқлаб олиш лозим.

Таҳлил фани хўжалик фаолиятида содир бўлаётган барча ижтимоий-иқтисодий жараёнларни ўз ичига олади. Аммо, бу жараёнларнинг содир бўлиш пайтини эмас, балки унинг натижасини ўрганади, объектда содир бўладиган иқтисодий жараёнлар унинг бизнес режасида кўзда тутилган маълумотга асосланса, жараённинг содир бўлишини қонуний жиҳатдан ҳужжатлаштириш билан «Бошқарув ҳисоби», «Молиявий ҳисоб» ва «Статистика» каби фанлар шуғулланади. Шу жараёнларнинг натижаси маълум даврларда (ой, чорак, йил) жамланиб борилади ва турли ҳисоботларда ўз аксини топади. Таҳлил эса айнан ана шу тузилган ҳисоботларга, жамланган ҳужжатларга асосланади.

«Молиявий ва бошқарув таҳлили» фанининг предмети ҳақида турли иқтисодий адабиётларда иқтисодчи олимларнинг қарашлари турлича талқин этилган. Масалан, иқтисодчи олим М.Қ.Пардаев таҳлилнинг предметига қуйидагича таъриф берган: «таҳлил фанининг предмети, хўжалик фаолиятида объектив (ташқи) ва субъектив (ички) омиллар таъсирида содир бўлган, бўлаётган ва бўладиган ижтимоий-иқтисодий жараёнларни маълумотлар манбаида ифодаланган кўрсаткичлар тизими орқали унинг ҳолатига баҳо бериш ва яхшилаш йўллари ишлаб чиқишни ўрганишдан иборатдир».

Ушбу олимнинг фикрларига қўшилган ҳолда, биз ҳозирги бозор

иктисодиёти шароитида «Молиявий ва бошқарув таҳлили» фанининг предметиға қуйидагича таъриф беришни лозим деб топдик.

«Молиявий ва бошқарув таҳлили» фанининг предмети деб – турли мулк шаклидаги фирма, уюшма, бирлашма ва ҳакозоларнинг молиявий-хўжалик жараёнларини содир бўлиши, ривожланиши ва ўзгаришини ижтимоий-иктисодий самарадорлиги ҳамда молиявий барқарорлиги, тўлов қобилияти, рақобатга чидамли бўлиб фаолият кўрсатиши учун зарур техник, ташкилий, моддий, молиявий, инновацион бойликларидан оқилона фойдаланаётганлигига баҳо беришга айтилади. Бундай ўрганишда жамиятда амал қилаётган объектив ва субъектив қонунларга таянади ҳамда кўпгина ахборот манбаларидан фойдаланади».

Фаннинг предмети таърифидан шу нарса кўриладики, демак фан корхоналарнинг хўжалик жараёнларини ўрганар экан, ҳамда қандай иқтисодий самарадорликка эришганлигини кўрсатар экан. Таҳлилнинг предметида объектив (ташқи) ва субъектив (ички) омиллар алоҳида ўрин тутуди, чунки, иқтисодий жараёнлар ўз-ўзидан содир бўлмайди. Улар маълум ички ва ташқи омиллар таъсири остида рўй беради. Шу омиллар таъсирини бошқа фанлар ўргатмайди. Бу фақат молиявий ва бошқарув таҳлили фанида ўрганилади ва унинг предметининг асосини ташкил этади. Шунингдек, хўжалик фаолияти натижасига тўғри баҳо бермасдан, унга таъсир қилган ижобий ва салбий омилларни ўрганмасдан туриб кўзда тутилган мақсадга эришиб бўлмайди. Шу туфайли таҳлил фани предметининг марказида объектив ва субъектив омилларни ўрганиш лозимлиги қайд қилиниши бежиз эмас.

Таҳлилнинг предметини ўрганишда фақат содир бўлаётган ижтимоий-иктисодий жараёнлар билан чекланиб қолиш мутлақо етарли бўлмас эди. Таҳлилдан мақсад мавжуд натижага одилона баҳо бериш билан биргаликда йўл қўйилган камчиликларни келгусида бартараф қилиш ва шу орқали таҳлил қилинаётган объектнинг иқтисодий ва молиявий аҳволини яхшилашдан иборатдир.

Корхоналар фаолиятига баҳо беришда ўрганилаётган иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга боғлиқ бўлган субъектив омилларни ҳам эътиборга олиб таҳлил қилинади. Субъектив (ички) омил дейилганда корхоналарнинг амалий фаолияти билан юқори самарадорликка эришиш, яъни меҳнат, моддий ва асосий фондлардан оқилона фойдаланиш ҳисобига кўпроқ маҳсулотлар ишлаб чиқаришда ҳамда юқори фойда олиш эвазига корхоналар фаолиятини яхшилаш мумкинлигини ҳам ўрганади.

Объектив (ташқи) омиллар дейилганда корхона фаолиятига мутлақо боғлиқ бўлмаган омиллар тушунилади, яъни давлат сиёсатининг ўзгариб туриши, бозордаги талаб ва таклифнинг ўзгариши, баҳо, табиий омиллар ва ҳакозолар.

Иқтисодий манбаалардан фойдаланиб ўрганиш дейилганда эса бухгалтерия, статистик, тезкор ҳисоб маълумотларидан фойдаланган ҳолда корхона ва фирма фаолияти аниқ рақамлар билан ўрганилади ва умумлаштирилади. Чунки иқтисодий манбаалар корхоналарда содир

бўлаётган ҳодиса ва жараёнларни аниқ ўлчайди, акс эттиради ва баҳо беради.

Шундай қилиб, таҳлил фани мустақил фан бўлиб, ўзига хос хусусиятларга, ўзининг бетакрор предметиға эға. Таҳлилда ўрганиладиган иқтисодий жараёнлар ва уларнинг муҳим жиҳатлари айнан шу тарзда бошқа фанларда ўрганилмайди ва такрорланмайди.

Ҳар қандай фаннинг объекти бўлиши лозим. Аммо, «Молиявий ва бошқарув таҳлили» фанининг назариясига бағишланган энг сўнгги адабиётларда ҳам бу масалаға етарлича эътибор қаратилмаган. Шу туфайли фаннинг предмети билан объектини кўп ҳолларда бир хил тушунчалар деб қаралади. Бу эса ўз навбатида назарий жиҳатдан асоссиз, чалкаш хулосаларға олиб келиши мумкин.

Ҳар қандай фаннинг объекти унинг предмети қаерларда амалға ошишини кўрсатиб беради. «Молиявий ва бошқарув таҳлили» фанининг предмети ҳозирги бозор муносабатлари шаклланаётган шароитда кўп мулкчиликка асосланган барча юридик ва жисмоний шахсларнинг хўжалик фаолиятида мужассам. Шу туфайли таҳлил фанининг объектиға давлат, жамият ташкилотлари, уюшмалар, трестлар, биржалар, корхоналар, ташкилотлар ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг хўжалик жараёнлари киради. Бу объектлар иқтисодий асоси жиҳатидан давлат, жамоа, акциядорлик, хусусий, хорижий ва аралаш каби мулк шаклида фаолият кўрсатадиган объектларға бўлинади.

Ўзбекистон Республикаси ўзига хос ва мос иқтисодий тараққиёт йўлини танлади. Бу мустақил йўл билан ҳамма соҳада, хусусан, миллий ҳисоблар тизимида ҳам жаҳон андозаларига босқичма-босқич ўтиш кўзда тутилган. Бу эса ўз навбатида, мулк шаклидан қатъий назар, таҳлилнинг бир хил методологик усулини ёритишни тақозо қилади.

Объектнинг ва даврнинг қандай бўлишидан қатъий назар ушбу фан предметининг моҳияти ўзгармаслиги, объект эса таҳлилнинг қайси маконда ўтказилишиға қараб ўзгариб туриши мумкин. Шу жиҳатдан унинг предмети объектидан мазмун ва моҳияти жиҳатидан тубдан фарқ қилади.

Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида «Молиявий ва бошқарув таҳлили»нинг субъектлари бўлиб, таҳлил объектини ким томонидан ўрганилишиға қараб белгиланади, яъни ҳозирги вақтда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини жуда кўп мутахассислар, мулкдорлар, давлат идоралари ходимлари таҳлил қиладилар.

Таҳлил ишларини амалға оширувчи таҳлил субъектлари таркибига корхона (фирма), ташкилот ва уюшмаларнинг оддий ходимидан раҳбар ходимигача бўлган барча ходимлари, бухгалтерлар, иқтисодчилар, менежерлар, бошқарув идораси ходимлари, статистика идораларари ходимлари, аудиторлар, молия ташкилотлари ходимлари, техник хизмати ходимлари, меҳнат биржаси ходимлари, атрофни муҳофаза қилиш ташкилоти ходимлари, маркетинг хизмати ходимлари, банк ва биржалар ходимлари кабилар киради.

## **Молиявий ва бошқарув таҳлили фанининг асосий вазифалари**

Бозор муносабатларининг такомиллашуви шароитида корхоналарни бошқаришда молиявий ва бошқарув таҳлилининг роли кескин ошмоқда, чунки бошқарув тизимида олдинги маъмурий-буйруқбозлик тизимидан воз кечилиб янги, эркин иқтисодий механизмлар орқали бошқариш тизими шаклланоқда. Собиқ иттифоқ даврида таҳлил асосан режа кўрсаткичларини асослашга, унинг бажарилишини таъминлашга қаратилган эди. Эндиликда эса ҳар бир хўжалик субъекти, мулк шаклидан қатъий назар ўз фаолиятини юқоридан берилган ибуйруқни бажаришга қаратмасдан, балки мустақил равишда ўзининг иқтисодий қудратини такомиллаштириш мақсадида эркин бошқаришга қаратади. Бу эса ўз навбатида иқтисодий таҳлилнинг ролини янада оширади. Иқтисодий таҳлил орқали ҳар бир субъектда мавжуд бўлган ички ва ташқи имкониятлар аниқланади, уларни амалиётга сафарбар қилиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилади.

Ҳар бир фаннинг вазифаси иқтисодий шарт шароитга қараб белгиланиб борилади, лекин у олдида ўйилган вазифаларни тўлиқ ва кенг ҳал этиш учун қатор услубларни қўллаиди.

Бозор муносабатларининг такомиллашуви шароитида корхоналар фаолиятини таҳлил этишда молиявий ва бошқарув таҳлилининг асосий вазифалари бўлиб куйидагилар ҳисобланади:

- Ўрганилаётган объектга (ҳодисага) тўғри ва ҳолисона баҳо бериш;
- Корхонанинг бизнес режасини тузиш учун тегишли ахборотлар билан таъминлаш;
- Тузилган бизнес режаларнинг тўғри ва илмий асосланганлигига баҳо бериш;
- Ҳар бир йўналишга таъсир этувчи омилларни аниқлаш, уларнинг таъсирини ҳисоблаш ва шу омилларни ишнинг самарадорлигини оширишга сафарбар қилиш;
- Бизнес режанинг бажарилиши натижасида корхонанинг молиявий барқарорлигини таъминланиши, унинг иқтисодий қудратини яхшиланиши, ҳар бир хўжалик субъектининг рақобатбардошлилигини оширилиши учун мавжуд ички ва ташқи имкониятларни ўрганиш;
- Моддий, меҳнат ва молиявий бойликлардан самарали ва оқилона фойдаланганликка баҳо бериш;
- Корхонанинг иқтисодий ва молиявий потенциалига, унинг тўловга қобилиятлигига баҳо бериш ҳамда бу натижага тезкор чора-тадбирларни қўллаш йўллари ишлаб чиқиш;
- Хўжалик ҳисоби тамойилларига, тижорат ҳисоб-китобларига амал қилишликни мунтазам текшириб туриш;
- Корхоналарда мавжуд бўлган самарадорликни ошириш йўлида уларнинг имкониятларини аниқлаш;
- Корхонанинг тижорат сирини сақлаган ҳолда унинг молиявий



аҳволини кенг жамоатчиликка кўрсата билиш ва ташқи инвесторларни корхона фаолиятини яхшилашга жалб қилиш;

- Корхонани бошқаришнинг энг қулай ва нафли усулларини ишлаб чиқиш, илғор ғоя ва тажрибаларни ўрганилаётган ҳодисага қўллаш йўл-йўриқларини кўрсатиб бериш, тегишли ахборотлар манбаини етказиб бериш;
- Энг тўғри ва оқилона, келгусида иш юритиш ва корхоналарни бошқариш бўйича хулосалар бериш;
- Корхоналарни ривожлантиришнинг жорий ва истиқболли режаларини тузиш учун иқтисодий кўрсаткичлар асосини аниқлаш;
- Режанинг бажарилишига объектив баҳо бериш ҳамда уни бажаришда корхоналарга боғлиқ бўлган ва боғлиқ бўлмаган омиллар ва сабабларни бир-биридан ажратган ҳолда аниқлаш;
- Корхоналарнинг хўжалик фаолияти жараёнида эришиши мумкин бўлган натижаларни олдиндан аниқлаш.

Бозор муносабатларининг такомиллашуви шароитида «Молиявий ва бошқарув таҳлили»нинг вазифаси ушбу юқорида таъкидланган вазифалар билан чекланмайди. Бозор шароитида корхоналар фаолияти шу даражада серкирраки, таҳлил жараёнида унинг ҳамма жиҳатларини ўрганиш лозим бўлади. Шу сабабли ҳам, молиявий ва бошқарув таҳлилининг вазифаси ҳам кўп қирралидир. Биз эса шу каби вазифаларнинг айримларини санаб ўтдик холос.

Кўриниб турибдики, молиявий ва бошқарув таҳлилининг вазифаси бозор муносабатлари шаклланаётган бугунги шароитда ҳам, келажакда ҳам корхоналар хўжалик фаолиятини узлуксиз яхшилаб бориши учун иқтисодий дастак сифатида муҳим аҳамиятга эга бўлади.

### **Молиявий ва бошқарув таҳлилининг асосий тамойиллари**

Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини таҳлил қилиш натижасига асосланиб илмий асосланган қарорлар қабул қилинади ва у туфайли бошқарув системаси бошқариладиган объектнинг фаолиятини заруриятга қараб ўзгартиради. Қабул қилинган қарор бошқарув жараёнининг асосидир. Янги хўжалик йили учун ишлаб чиқилган режа бу корхонани келажакда ривожланишини таъминлайдиган қарордир. Корхоналарнинг хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш жараёнида корхонада қабул қилинган бизнес режаларнинг асосланганлиги текширилади, режада кўзда тутилмаган имкониятлар аниқланади. Молиявий ва бошқарув таҳлили режалаштириш даражасини талаб даражасига кўтаради, уни яна ҳам илмий асосланганлик даражасини таъминлайди. Шунинг учун ҳам режалаштириш билан таҳлил ўртасидаги боғлиқлик аниқ кўриниб туради. Бизнес режа тузиш корхона фаолиятининг таҳлили билан бошланади ва яқунланади. Бизнес режанинг аниқ ва пухта ишлаб чиқилиши корхоналарнинг иқтисодий ривожланишига замин яратиб беради.

Табиат ва жамиятдаги воқеликни ўрганувчи ва уларнинг тадқиқ қилиш объекти деб қаровчи алоҳида фаннинг ўзи амал қиладиган тамойиллари мавжуд бўлади. Тамойиллар ўрганиладиган объектни бир

бутунлиги, реаллиги ва воқелигини тавсифлайди.

Шу жиҳатдан таҳлилнинг ҳам иқтисодий ҳодиса ва жараёнларни ўрганишда ўзи амал қиладиган тамойиллари бор. Мазкур тамойиллар таҳлил фани объектларни объективлигини, мантиқлилигини, шакл-мазмунини, миқдор-сифатини ва шу каби жиҳатларни тавсифлаб реал воқеликни ягона тушунчасини ҳосил қилади.

Бу тамойилларнинг халқаро ва миллий ҳисоб андозалари асосида қуйидаги шаклларни айтиб ўтиш мумкин (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Молиявий ва бошқарув таҳлили фанининг тамойиллари**

<b>Тамойиллар</b>	<b>Мазмуни</b>
<b>1</b>	<b>2</b>
<b>Тизилмаллик</b>	Таҳлил этилаётган объект алоҳида бир бутун тизилма ёки тизилманинг элементи деб қаралади.
<b>Ишончлилик</b>	Олинган маълумотларда хато йқўлиги ва ҳаққоний эканлиги, реаллиги
<b>Таққосланувчанлик</b>	Кўрсаткичлар таққосланувчанлига, уларнинг бир асосли тарзда турли даврлар ва бошқа корхоналар фаолияти тўғрисидаги ҳудди шундай маълумотлар билан қиёсий ўрганиш
<b>Бетарафлилик</b>	Ахборот фойдаланувчиларнинг бир гуруҳининг зарари ҳисобига бошқа гуруҳлар манфаатларининг қондиришнинг ўринсизлиги
<b>Даврийлик</b>	Олинган маълумотларнинг даврий оралиги, хўжалик фаолияти тўғрисидаги маълумотлар билан вақти билан таъминлаб туриш
<b>Пулли баҳолаш</b>	Барча активлар, капитал ва мажбуриятларнинг сўмда ифода этилиши
<b>Ҳисобга олиш</b>	Даромад ва ҳаражатларнинг юзага чиқиш вақти, ўрни ва марказлари бўйича ҳисобга олиниши
<b>Мазмуннинг шаклдан устунлиги</b>	Маълумотларнинг ҳисоб ва ҳисоботдаги ҳуқуқий шаклида унинг моҳияти ва иқтисодий воқелиги бўйича ҳисобга олишдаги ифодасини устунлиги
<b>Аниқ баҳолаш</b>	Активлар ва фойданинг жорий давр бозор нархларида қайта ифодаланиши
<b>Ўзлуксизлик</b>	Корхона хўжалик фаолияти юзасидан барча жараёнларни ўз якунига қадар ҳисобда ўзлуксиз акс эттирилиши
<b>Бошқа тамойиллар</b>	.....

## Фанлар системасида таҳлилнинг тутган ўрни

Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида иқтисодий таҳлил фанининг бошқарувдаги ўрни ортиб бормоқда. Молиявий ва бошқарув таҳлили фани бошқа фанлар замирида вужудга келди ва кўпгина фанларга нисбатан янгидир. Молиявий ва бошқарув таҳлили фани мустақил фан сифатида шаклланди ва ривожланмоқда.

Шунга қарамай, республикамиз мустақилликка эришганидан кейин молиявий ва бошқарув таҳлили фани мазмуни ва таркиби жиҳатидан тубдан ўзгарди. Режали иқтисодиёт шароитида барча фанлар сингари молиявий ва бошқарув таҳлили фани ҳам режанинг бажарилишини назорат қилиш, унга таъсир этувчи омилларни аниқлаш, юқоридан кўр-кўрона туширилган режани асослашга қаратилган эди.

Бозор муносабатларининг такомиллашуви шароитида молиявий ва бошқарув таҳлили ҳақиқатдан ҳам амалиётда хўжалик юритувчи субъектларга, мулк ва иш эгаларига хизмат қиладиган бўлди. Олдинлари корхоналарнинг хўжалик фаолияти юқори ташкилот ва давлат нуқтаи-назаридан таҳлил қилинган бўлса, эндиликда бевосита шу корхона, унинг меҳнат жамоаси ва мулк эгаси нуқтаи-назаридан таҳлил қилинадиган бўлди. Бироқ барча ҳолда ҳам давлатнинг манфаати ҳисобга олинади. Чунки, бозор иқтисодиёти шароитида ҳам корхона билан давлат ўртасидаги алоқалар эркин равишда ўзаро манфаатли иқтисодий муносабатларга асосланади.

Ҳозирги бозор муносабатлари шароитида иқтисодий жараёнлар ва муносабатлардаги бундай ўзгаришлар ҳар бир фан ва иқтисодий механизмлар мазмунини сифат жиҳатидан янгилашни, тубдан қайта кўриб чиқишни тақозо қилмоқда.

Молиявий ва бошқарув таҳлили фани объектив заруратдан, талабдан келиб чиққан аниқ иқтисодий фан бўлиши билан бир қаторда бошқа фанлардаги умумий қонуниятлар, тартибларга риоя қилади. Яъни кўпгина фанлар билан ўзаро боғлиқликда бўлади. Жумладан, умумиқтисодий назария фани билан бевосита алоқадордир. Умумиқтисодий қонуниятларни ва категорияларни иқтисодий таҳлил қилишда амал қилинади. Умумиқтисодий назария фанида иқтисодий категориялар ва атамаларнинг мазмунини ва моҳиятини очиб бериладиган бўлса, иқтисодий таҳлил фанида эса ушбу иқтисодий категориялар ва атамаларни таҳлил усулларида фойдаланган ҳолда ўрганиб, таҳлил қилинади. Масалан, Ялпи Маҳсулот деб номланувчи кўрсаткични оладиган бўлсак, умум иқтисодий назария фанида ялпи маҳсулотни мазмун ва моҳияти нимадан иборат эканлиги, у қандай аниқланиши, таркибига нималар киришини билиб олишимиз мумкин. Молиявий ва бошқарув таҳлили фанида эса ушбу ялпи маҳсулот ҳажмини маълум даврлар бўйича таққослаган ҳолда, уларнинг динамикасини ўрганиб, таҳлил қилишимиз мумкин бўлади.

Табиат, жамият ва тафаккурни ривожланиши ҳақидаги фалсафий таълимотлар ҳам таҳлилда фойдаланилади, яъни умумий ривожланиш, ўрганилаётган жараёнга диалектик қараш ва ҳақозолар.

Молиявий ва бошқарув таҳлили фани куйидаги фанлар билан ўзаро алоқадордир:

- Бухгалтерия ҳисоби ва аудит;
- Ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш;
- Микро ва макро иқтисод;
- Режалаштириш (бизнес режа тузиш);
- Статистика ва информатика;
- Молия, банк, солиқ масалаларига таалуўли фанлар билан;
- Иқтисодий математика ва компьютер асослари фани билан;
- Хуқуқий фанлар билан;
- Табиий фанлар билан ва ҳақозолар.

Бизга маълумки, бухгалтерия ҳисоби мулкчиликнинг турли шаклларидаги корхоналар хўжалик фаолиятини ялпи, узлуксиз ва ҳужжатларга асосланган ҳолда акс эттириш тизимидир. Яъни хўжалик жараёнида содир бўлган ҳодиса ва жараёнларни узлуксиз равишда ҳужжатларда акс эттириб бориш ҳамда тегишли проводкаларни бериб боришдан иборатдир. Молиявий ва бошқарув таҳлили эса хўжалик жараёнларида содир бўлган ҳодиса ва жараёнларни таҳлил усуллари орқали ўрганиб, тегишли хулосалар ва таклифларини бериши мумкин бўлади.

Таҳлил билан молия, солиқ органлари ва давлат банки ҳодимлари ҳам шуғулланади. Улар аввало сум билан назорат қилиш, корхоналарнинг давлат бюджети билан бўлган ўзаро муносабатларига таалуўли масалалар билан қизиқади.

Статистика органлари ҳам молиявий ва бошқарув таҳлили билан шуғулланади. Улар қабул қилинган ҳисобот материалларини статистика усуллари билан қайта ишлаб вазирликлар, бошқармалар ва корхоналарни йиғма ахборот материаллари билан таъминлайди.

Корхоналарнинг фаолиятини таҳлил қилиш бевосита юқори ташкилотларнинг вазифаси ҳам бўлиб, улар корхоналарнинг ҳисоботини тасдиқлайдилар ҳамда уларнинг ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятини баҳолаб, тегишли қарорлар қабул қиладилар.

### **Мавзу бўйича таянч иборалар:**

- фаннинг шаклланиши;
- фаннинг ривожланиш тарихи;
- Ўзбекистонда фаннинг ривожланиши;
- молиявий ва бошқарув таҳлили фанининг мазмуни;
- таҳлил бошқарувнинг муҳим функцияси эканлиги;
- фан предметининг таърифи;
- фанни вазифалари;
- таҳлил объекти;
- таҳлил субъекти;

- иқтисодий назария ва таҳлил фанларининг боғлиқлиги;
- бухгалтерия ҳисоби ва таҳлил;
- аудит ва таҳлил;
- маркетинг ва таҳлил;
- молия ва таҳлил;
- солиқ ва таҳлил.
- таҳлил сўзининг мазмуни;
- анализ ва синтез ходиса ва жара, нларни батафсил ўрганиш йўли;
- таҳлил ва бошқарув;
- бошқарув воситалари;
- молиявий ва бошқарув таҳлилининг асосий принциплари.

### **Такрорлаш учун саволлар**

1. Таҳлилнинг фан сифатида шаклланиш тарихи қайси даврга тўғри келади?
2. Ўзбекистон Республикасида молиявий ва бошқарув таҳлили фан сифатида қачондан бошлаб олий ўқув юртларида ўқитила бошланган?
3. Фаннинг ривожланишига республикамиз олимларидан кимлар ўз ҳиссасини қўшган?
4. Таҳлил сўзининг иқтисодий мазмуни нимадан иборат?
5. Билиш назариясида таҳлилнинг тутган ўрни қандай?
6. Бозор муносабатларининг такомиллашуви шароитида хўжалик субъектларини бошқаришда молиявий ва бошқарув таҳлили фанининг аҳамияти нимадан иборат?
7. Таҳлил фанининг предмети деганда нимани тушунасиш?
8. Молиявий ва бошқарув фанининг асосий вазифалари нималардан иборат?
9. Молиявий ва бошқарув таҳлилининг объектига нималар киради?
10. Молиявий ва бошқарув таҳлилининг субъектлари кимлар?
11. Фаннинг асосий принциплари (тамойиллари)ни санаб ўтинг?
12. Молиявий ва бошқарув фанининг бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлигини нималарда кўрамиз?
13. Таҳлил фанининг “Аудит” фани билан боғлиқлигини кўрсатиб беринг?

## **2-Мавзу: Молиявий ва бошқарув талили фанининг методи ва унда қўлланиладиган усуллар**

### **Ўрганиладиган саволлар:**

1. Бозор муносабатларининг такомиллашуви шароитида молиявий ва бошқарув таҳлили фанининг методи ва унинг ўзига хос муҳим хусусиятлари
2. Молиявий ва бошқарув таҳлилида қўлланиладиган усулларни гуруҳларга ажратиш
3. Такқослаш усули ва уни қўллашда амал қиладиган шартлар
4. Гуруҳлаштириш усули ва уни таҳлилда қўлланилиши
5. Балансли боғланиш усули ва унинг таҳлилда қўлланилиши
6. Мутлоқ ва нисбий фарқларни аниқлаш усули
7. Занжирли боғланиш усули ва унинг таҳлилда қўлланилиши

### **Бозор муносабатларининг такомиллашуви шароитида молиявий ва бошқарув таҳлили фанининг методи ва унинг ўзига хос муҳим хусусиятлари**

Ҳар бир фаннинг методи объектив борлиқни, табиат ва жамиятни ривожланишини ўрганишдаги қандай ёндошишлик лозимлигини кўрсатади. Фаннинг ўз объекти ёки предметини ўрганиш усуллари, воситалари унинг методини тавсифлайди. Молиявий ва бошқарув таҳлили ҳам ўзининг мустақил усулларига эга.

Метод - грекча «**metodos**» сўзидан олиниб, назариёт, таълимот ва амалиётларга ўрганишдаги изланиш йўллари деган маънони англатади. Кенг маънода метод дейилганда ҳақиқатни, объектив борлиқни, табиат, жамият ва мавжудотларни ривожланишини, материалистик дунёни диалектик қонуниятларга асосланиб ўрганишлик тушунилади.

Диалектик ўрганиш қуйидаги хусусиятларни эътиборга олади:

а) Ҳар бир ўрганилаётган жараёнлар бир-бири билан боғланишда ва боғлиқликда ўзгаришда ва ривожланишда бўлишлиқни;

б) Ўзгариш ва ривожланишлар қарама-қаршиликлар қонуниятлари асосида бўлиб, объектив ҳақиқат, ҳақиқий борлиқ ифодаланади деб қарайди.

Диалектик ўрганиш қонуниятларига амал қилингани ҳолда ҳар бир фан ўзининг предмети, мазмуни ва вазифаларини бажариши учун махсус методига ҳам эга бўлишлари лозим.

Молиявий ва бошқарув таҳлили фани ҳам корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар фаолиятини ўрганишда диалектик метод қонуниятларига амал қилади.

Иқтисодий адабиётларда молиявий ва бошқарув таҳлили методини корхона (фирма), ташкилот, муассаса, бирлашма ва ҳ.к. лар хўжалик жараёнларини содир бўлиши ва ривожланишини ўрганишдаги диалектик ёндашиш усулларига айтилади деб таъриф берилган. Таҳлил методининг ўзига хос хусусиятлари бўлиб:

- хўжалик фаолиятини ифодаловчи кўпгина кўрсаткичлар системасини

қўллаш;

- ўрганилаётган кўрсаткичларнинг ўзгариш ва фарқ сабабларини тўлиқ аниқлаш;

- иқтисодий самарадорликка эришиш мақсадида кўрсаткичларнинг бир-бирига боғлиқ ҳолда ўрганиш ва ҳ.к.

Таҳлил методининг таърифига кўра хўжалик жараёнларини ўрганишда диалектик ёндашишлик, яъни ҳар бир жараён, иқтисодий ҳодиса бор, мавжуд ва ривожланишда деб қаралади. Бу жараёнлар сондан сифат ўзгаришига ва янги сифатнинг пайдо бўлишига, инкорни-инкор қилиш, қарама-қаршилиқ курашига, эскининг тугаши, янги-илғор жараёнларнинг пайдо бўлиш хусусиятга эга бўладилар. Хуллас диалектик метод ва унинг барча усуллари хўжалик жараёнларини ўрганишда, таҳлил қилишда ўз аксини топади.

Молиявий ва бошқарув таҳлил методининг таърифида унинг эътиборли хусусиятлари ҳам кўрсатилган, жумладан, хўжалик жараёнлари ва иқтисодий воқеаларни таҳлил қилишда жуда кўплаб кўрсаткичлардан фойдаланиш кераклиги.

Бу кўрсаткичлар таҳлил қилинаётган иқтисодий жараённинг мазмуни ва ҳажмига боғлиқ бўлади, ҳатто таҳлил натижасида янги, аввал мўлжалланмаган кўрсаткичлар ҳам аниқланиши мумкин. Ўрганилаётган хўжалик жараёнларининг фарқланиши ва ўзгариши сабаблари таъсир кўрсатган омилларни ҳисоблаш таҳлил методининг яна бир ўзига хос хусусиятидир. Чунки таҳлил қилинаётган иқтисодий жараёнлар доимо бир-бири билан узвий боғлиқ ва алоқада бўлади, таҳлил эса бу боғлиқлик ва алоқаларни аниқ ўлчаш ва ўрганиш имкониятига эга. Ҳатто айрим олинган хўжалик жараёни бутун бир якуний натижага сезиларли таъсир кўрсатади ва ўзгартириб юбориши ҳам мумкин. Шунинг учун ҳам хўжалик фаолиятининг ўзгариши сабаблари, таъсир этувчи асосий ва қўшимча омилларни аниқлаш таҳлил методининг муҳим хусусияти бўлиб саналади.

Айниқса таъсир кўрсатган сабаб ва омилларни тўғри гуруҳлаш, хўжалик фаолиятини таҳлил қилишнинг сифатли бўлишида муҳим роль ўйнайди.

Молиявий ва бошқарув таҳлили методининг яна битта ўзига хос томони ўрганилаётган кўрсаткич ва хўжалик жараёнлари бир-бири билан ўзаро боғлиқлиги ва боғланишдагина ўлчаш, яъни маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уни сотиш ҳажмига таъсир этувчи сабабларни ўрганишдир.

Масалан, корхона ишлаб чиқарадиган маҳсулот ҳажми уч гуруҳ омиллар: ишчи кучи, меҳнат қуроли ва меҳнат буюмларидан фойдаланишликка боғлиқ. Ўз навбатида ҳар бир гуруҳ омиллари майда элементларга бўлинади. Меҳнат кучидан фойдаланиш омили сон ва сифатга ажратилади. Сон омили бу ишчилар сони, сифат эса меҳнат унумдорлиги (битта ишчига ишлаб чиқарилган маҳсулот)га, ишчининг ўртача бир йилдаги унуми эса бажарилган бир йиллик киши кунлари, иш вақтининг узунлиги ва битта ишчининг бир йилда ишлаган киши соатига боғлиқ. Бу санаб ўтилган ҳар бир кўрсаткич эса яна бошқа сабабга боғлиқ. Ўртача битта ишчининг бир йилда ишлаган киши кунлар сонининг ҳажми қўшимча дам олиш, ишга

келмаслик, ўзоқ сафарга бориш, касаллиги ва корхона айби билан ишламаслик каби сабаблар таъсир кўрсатади.

Демак, барча кўрсаткичлар бир-бири билан занжирли боғланиб кетган ва бу умумий занжир, системада ҳар бир омилнинг ўз ўрни ва таъсир кўрсатиш ҳажми бор. Таҳлил жараёнида эътиборга олинмаган ҳар битта кўрсаткич ёки омил унинг натижаларни ноаниқ бўлишига, ҳатто, иқтисодчиларни нотўғри хулосаларга олиб келиши мумкин.

Хулоса қилиб таъкидлаш мумкинки, таҳлил методининг муҳим хусусияти ўрганиладиган иқтисодий кўрсаткични алоҳида, бошқа омиллардан ажратган ҳолда таҳлил қилмайди, балки улар ўзаро боғлиқликдалиги эътиборда тугилади. Айрим ҳолларда ўрганилаётган кўрсаткичнинг ўзгариш сабаблари таъсир этиши бир хил ўзгармас шарт-шароитда айнан ўхшаш бўлишлиги иқтисодий таҳлилда қўлланилади, айрим омиллар таъсири бир хил шароитда ўзгармас деб қаралади.

Одатда илмий усуллардан фойдаланилганда, ҳар қандай турдаги таҳлил муваффақиятли чиқади. Таҳлил қилишнинг тўғри танланган усули кўпинча унинг натижасини олдиндан аниқлайди. Илмий усулда, кўпинча, фанни текшириш усулида умумий диалектик усулга асосланиши тушунилади. Тушунишнинг диалектик усули, ҳамма ҳодиса ва жараёнларни мунтазам ҳаракатда, ўзгаришда, ривожланишда кўриш зарурлигини билдиради. Молиявий ва бошқарув таҳлили усулларининг характерли жиҳатларидан бири – мунтазам таққослаб туриш заруратидир. Диалектика ҳар бир жараённи, ҳар бир ҳодисани бирлик ва қарама-қаршиликлар кураши деб қараш кераклигини ўргатади. Бундан ҳар бир ҳодиса ва жараёнларни ички қарама-қаршиликлар, ижобий ва салбий томонларини ўрганиб чиқиш зарурлиги келиб чиқади. Бу ҳам таҳлилнинг характерли жиҳатларидан биридир. Таҳлил қилишда диалектик усулдан фойдаланиш, корхона хўжалик фаолиятини ўрганиб чиқишда барча боғлиқ томонларини ҳисобга олинишини англатади. Ҳеч қайси ҳодиса, агар у алоҳида текширилса ўўғри тушунчага эга бўлмайди. Бу ҳам таҳлилнинг характерли жиҳатларидан биридир. Таҳлилнинг муҳим услубий жиҳатларидан бири, у нафақат сабаб-оқибатларини аниқлабгина қолмай, балки у сон жиҳатдан тавсиф беради, яъни ҳар бир омилнинг фаолият натижаларига қай миқдорда таъсир кўрсатишини аниқлайди, бу эса молиявий ва бошқарув таҳлилининг янада осонроқ бўлишини таъминлайди.

Системали ёндошиш эса ўрганилаётган ҳодиса ва жараёнларни босқичма-босқич таҳлил қилиш уларни ўзаро боғлиқ ҳолда текшириш муфассал деталларда ўрганилишини кўзда тутади.

### **Молиявий ва бошқарув таҳлилида қўлланиладиган усулларни гуруҳларга ажратиш**

Иқтисодий таҳлил қилишда, маълумотларни қайта ишлашда турли-туман услублар қўлланилади. Бу услубларни қўллаш жараёнида таҳлил методининг асосий хусусиятлари комплекс ва системалашганлиги яққол



кўринади. Хўжалик жараёнларининг умумий бирлиги, кетма-кетлиги ва айрим элементлардан иборатлиги таҳлил қилишда асосий эътиборда туради.

Таҳлил усулларини қўллаш ўрганилаётган жараёнларни бир-бирига боғлиқлиги, ўзгариш сабаби, таъсир кўрсатган омиллар ва қўшимча сабабларни аниқлашга ёрдам беради.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида аксарият етук иқтисодчи олимларимиз таҳлилнинг усулларини иқтисодий адабиётларида шартли равишда икки гуруҳга ажратиш кўрсатишмоқда. Молиявий ва бошқарув таҳлилининг усулларини қуйидаги икки гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Оддий-анъанавий (одатдаги) усуллар гуруҳи;
2. Иқтисодий-математик усуллар гуруҳи.

Оддий-анъанавий (одатдаги) усуллар гуруҳига иқтисодий таҳлил пайдо бўлгандан буён қўлланилиб, анъанага айланиб, амалий тажрибада кенг қўлланилиб келаётган усуллар киритилади. Улар таркибига мутлоқ ва нисбий фарқларни аниқлаш усули, таққослаш усули, гуруҳлаштириш усули, балансли боғланиш усули, занжирли боғланиш усули, индекс усули, фоизлар фарқ усули ва ҳақозо усулларни киритишимиз мумкин бўлади.

Иқтисодий-математик усуллари иқтисодий ахборотларни электрон ҳисоблаш машиналарда ҳисоблаш ва қайта ишлаш, бу маълумотларни тез муддатда бошқарув ходимларига узатиш ишлари бошланганда қўлланилади. Иқтисодий-математик усуллар гуруҳига одатда, корреляцион ва реграцион таҳлил усули, назарий ўйин (назарий хизмат кўрсатиш) усули, иқтисодий ташҳис қўйиш усули, интеграл усули, функционал қийматли таҳлил усули, чизикли программалаштириш усули, графикли усул, эвристик таҳлил усули ва ҳақозо усулларни киритишимиз мумкин бўлади. Иқтисодий математик усулларни бугунги кундаги айрим иқтисодий адабиётларда омилли таҳлил усуллари ҳам деб номланмоқда. Чунки, мазкур усуллар орқали маълум бир иқтисодий ҳодиса ва жараёнга таъсир этувчи бир нечта омилларнинг таъсирини аниқ миқдорларда аниқлаш имконияти мавжудлигидадир.

Хўжалик жараёнларини ўрганиш, таҳлил этишда янги усул ва воситалардан фойдаланиш иқтисодий таҳлилни такомиллаштиришнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу маънода таҳлилда қўлланиладиган иқтисодий-математик усулларни ҳам ушбу қаторга киритиш мумкин (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Таҳлилда қўлланиладиган иқтисодий-математик усуллар ва уларни қўллаш ўрни

Тғр	Усулларнинг номи	Изоҳ
1	2	3
1.	<b>Корреляцион-реграцион таҳлил усули</b>	Ўзгарувчи бирликка таъсир этувчи, ўзаро алоқадорлик ва боғланишдаги алоҳида белгининг бошқа белгилар таъсирида ўзгаришларини аниқлаш

2.	<b>Логорифмлар усули</b>	Натижавий кўрсаткичга таъсир этувчи кўплаб омилларнинг таъсирини аниқлашнинг математик ифодага солиниши
3.	<b>Детерминантлар усули</b>	Яқуний ифодага таъсир этувчи бир омилнинг иккинчи омилни туғдирувчи ва уларнинг алоҳида таркибланиши
4.	<b>Матрицалар усули</b>	Яқуний ифода ва натижавий кўрсаткичларга таъсир этувчи омилларни жуфтлик, бирлик ва кўплик коэффициентларда аниқлаш
5.	<b>Чизиқли программалаштириш усули</b>	Хўжалик жараёнларини функция ва чекланишларда қаторли тарзда программалаштириш ва уларни бошқариш бўйича муқобил қаторлардан энг оптимал вариантини аниқлаш
6.	<b>Назарий ўйин усули</b>	Ижтимоий, экологик, технологик шартларни ҳисобга олган ҳолда бошқаришни бир хил даражада сақлашнинг шартларини белгилаш
7.	<b>Ва ҳақозо усуллар</b>	...

Иқтисодий-математик усулларни қўллаш асосида:

- Таҳлилни бажариш муддати тезлашади;
- ўзгаришлар ва уларнинг таъсирини аниқ ҳисоблаш мумкин бўлади;
- оддий-анъанавий усуллар билан ҳисоблаб бўлмайдиган мураккаб омиллар ва кўп омилли кўрсаткичларни тўлиқ ўрганиш имкони туғилади;
- ҳар бир таъсир этувчи омилнинг миқдор ва сифат жиҳатларини аниқ кўрсатиб бериш имконияти туғилади;
- ҳисоблаш техникаларидан фойдаланиш осонлашади ва ҳақозолар.

### **Таққослаш усули ва уни қўллашда амал қиладиган шартлар**

Молиявий ва бошқарув таҳлилининг оддий-анъанавий (одатдаги) усулларидан энг кўп ва аввалдан қўлланилиб келинаётгани таққослаш усулидир. Ҳар қандай иқтисодий ҳодиса, жараённи ўрганиш, таққослаш, маълум кўрсаткичлар билан нисбат, солиштириш йўли билан ўрганилади. Бундай ўрганишда ҳодиса ва жараёнларни ўзгартиришининг асосий ва қўшимча сабаблари аниқланади, тараққиёт даражасига баҳо берилади. Одатда таҳлил таққослаш билан бошланади дейилади. Таққослашнинг бир

неча турлари мавжуд: бизнес режа маълумотлари, ўтган йиллар эришилган кўрсаткичлар, энг илғор ва юқори, ўртача эришилган натижалар билан.

Бизга маълумки иқтисодий таҳлилнинг муҳим вазифаларидан бири тузилган бизнес режа кўрсаткичларини бажарилишига баҳо беришдан иборатдир. Шундан ҳам маълумотлардаги ҳисобот (ўрганилаётган) йил эришилган натижаларини таққослаш таҳлилининг аҳамияти юқорилиги кўринади.

Бизнес режа маълумотлари билан ҳақиқатда эришилган натижаларни таққослаб, аниқланган фарқлар таҳлилнинг кейинги чуқур ўрганиш учун объект бўлади, яъни ҳисобланган ўзгаришлар тузилган бизнес режанинг асосланганлиги, тўғри ва бор ҳақиқий имкониятга яқин, бажарилиш имконияти кенглигини билдиради. Шунингдек, бу аниқланган фарқлар бизнес режанинг сифатли тузилганлиги ёки бор ҳақиқатдан узоқлигини ифодалайди.

Ҳақиқатда эришилган маълумотларни бизнес режада кўзда тутилган кўрсаткичлар билан таққослашда аниқланган катта фарқлар, айрим ҳолларда баҳо ўзгаришлари ёки паст режалаштирилиши, имкониятларни тўла ҳисобга олинмаганлиги сабабли юзага келиши мумкин.

Бундай ҳолларда аввалги тузилган бизнес-режа кўрсаткичлари қайта ҳисобланиши (корректировка) лозим ва сўнгра ўрганиладиган маълумотлар таққосланади. Хуллас, таҳлилда кўрсаткичлар асосланган бўлиши (мумкин) талаб қилинади.

Молиявий ва бошқарув таҳлилининг таққослаш усули жорий давр маълумотлари билан ўтган йиллар кўрсаткичларини боғлаб ўрганишда ҳам кенг қўлланилади. Айниқса кунлик, ўн кунлик, ойлик, кварталлик ва йиллик фаолиятини айнан ўтган йилларнинг шу даврларида эришилган натижаларга таққослаш зарур, фақат аниқ натижаларни билиш учун таққосланиш шарт ва талабларга амал қилинса бас. Маҳсулотлар таннари, харажат турлари ва элементларини ўрганишда бундай қайта ҳисоблашлар, бир хил баҳо ўлчамида ўрганишлар талаб этилади.


Таҳлилда муҳим аҳамиятни чет эл тажрибаларини ўрганиш мақсадида ташкил этиладиган хорижий фирмалар билан корхона (фирма) маълумотларини таққослаш эгаллайди. Бунда кўрсаткичлар бир-бири билан таққослаши мослаштирилиб, сўнгра эса илғор тажриба натижалари ўрганилади ва келгуси фаолиятда бу тажрибаларга амал қилиш йўллари кўрсатилади. Корхона (фирма) фаолиятида қанчалик кўп чет эл илғор тажриба ва технологияси жорий қилиниш йўллари белгилаш, келгусида шунчалик самарали, ишлаб чиқаришни ташкил қилишга асосий замин бўлади. Молиявий ва бошқарув таҳлилида таққосланишнинг турли усуллари мунтазам қўллаш, йўл қўйилган камчиликларни тузатишга, юқори кўрсаткичга ва тажрибага эга бўлган кўшни хўжаликлар ютуқларидан фойдаланишга имкон яратади.

Таққослаш усули корхоналар фаолиятининг таҳлилида кўшни хўжаликлар, ўртача туман, вилоят ва республика маълумотлари билан ўрганилаётган хўжалик маълумотларини солиштиришда ҳам ишлатилади.

Буларнинг барчаси хўжалик фаолиятининг тўла ва чуқур ўрганишга, кўрсаткичларни ўсиш ёки камайганини аниқ билишга имкон яратади.

Қуйидаги схемада таққослаш усулининг қўлланилиши доираси кўрсатилган (3-чизма).

3-чизма



Иқтисодий таҳлил фанида кўрсаткичларни таққослаб ўрганишда қуйидаги талабларга риоя қилиш лозим:

1. **Таққослаб ўрганиши лозим бўлган кўрсаткичларнинг аниқланиш усули айнан бир хил бўлиши керак.** Хўжалик фаолиятини таҳлил қилишда ўрганиладиган кўрсаткичларни тўғри таққослаш учун мазмунан бир хил усулда аниқланганлигини текшириш лозим. Масалан корхоналарни рентабеллик даражасини фойдани ишлаб чиқариш фондларига ёки маҳсулотларнинг тўлиқ таннархига нисбатан, айрим ҳолларда эса соф фойда ёки сотилган маҳсулотларнинг тўлиқ таннархига нисбатан ҳам аниқланиши мумкин. Шунинг учун ҳам рентабеллик кўрсаткичини ўрганиладиган даврлар бўйича бир хил усулда ҳисоблаб, сўнгра ўзгариш даражасини таҳлил қилиши лозим. Демак, фақатгина кўрсаткичларни аниқлаш усули бир хил бўлганлигига ишонч ҳосил қилишидан сўнгина таҳлил билан шуғулланиш лозим.

2. **Бир хил баҳода ҳисобланган кўрсаткичларгина таққосланиши лозим.** Таҳлил қилишда ўрганиладиган кўрсаткичларни турли йиллар баҳосида ҳисоблаб ўрганиб бўлмайди. Чунки баҳо ўзгариши қиймат шаклда маҳсулотларни ҳисоблашда катта таъсир этади. Шунинг учун ҳам хўжаликлар амалий фаолиятида ўзгармас (хар 5-10 йилги) солиштирма баҳолар қабул қилинган. Масалан, ҳозирги даврда корхоналарда ўтган

ҳисобот давридаги баҳолар солиштирма баҳо сифатида қўлланилмоқда.

Бир хил баҳога айлантиришлик методининг камчилиги шундаки, таҳлил даврида солиштириладиган маҳсулот таркибини ўзгармай туришини чегаралаб ўўяди.

**3. Режа топшириқларининг бажарилиши оғирлиги мос келиши лозим.** Бу шарт айниқса корхоналарнинг режа топшириқларини бажарилиши даражасини таҳлил қилишда кўпроқ эътиборга олинishi лозим. Режа топшириқларини бажарилиш оғирлигини ҳисоблаш бўйича методик қўлланмада коэффициентлардан фойдаланиш лозимлиги кўрсатилган. Куйидаги мисолда режа топшириқларининг оғир-енгиллигига қараб кўрсаткичларни таҳлил қилишни кўриб чиқамиз.

Масалан: №1- цехда меҳнат унумдорлик режаси 103 % га бажарилган, маҳсулот ишлаб чиқаришни вазмин бажарилишини оғирлик коэффициенти 0,9 га тенг, №2- цех эса меҳнат унумини 105 % га, режанинг бажарилишини оғирлик коэффициенти 0,8 га тенг бўлса, 12 цех 0,9 коэффициентда меҳнат унумининг 100 фоизини бажарар экан. Демак, бу билан 12 цехга юқори имкониятли деб баҳолаш мумкин.

Ёки режа топшириқлари бажарилиши оғирлигини корхонадаги аниқ имкониятларга қараб ҳам аниқланиб, сўнгра таҳлил билан шуғилланиш лозим.

**4. Таққослаб ўрганиладиган даврлар бир хил бўлиши лозим.** Бу талабнинг мазмуни аввалги талабга нисбатан бир мунча оддий бўлиб, таҳлилда ўрганиладиган кўпгина кўрсаткичларнинг ҳажми ва ўзгариши давр-вақтнинг узун ва қисқалигига боғлиқдир.

Масалан: ой, квартал, декада ва йил охирларида корхоналарда иш қизғин ва тезлашиб кетиши бу даврдаги маълумотларни ўрганишда эътиборга олинishi лозим. Қурилиш ташкилотларида йил мобайнида объектларга харажат сарфлари турлича бўлиши мумкин, шунинг учун ҳам айрим кўрсаткичларни таҳлил қилишда, бу омил эътиборда бўлиши керак. Демак, иқтисодий таҳлилда таққослаб ўрганиладиган кўрсаткичларнинг содир бўлиши вақти ва даври албатта ҳисобга олинади.

**5. Корxonанинг жойланиши ва иқлим шароити тенг даражада ҳисобга олинishi лозим.** Турли хил иқлим ва шароитда жойлашган корхоналарнинг кўрсаткичларини ҳато хулосаларга олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳам бу табиат омилларини таъсири иқтисодий таҳлилда эътиборга олинishi лозим.

Турли хил табиий шароитда ишлайдиган корхоналарда жорий ва аввалдан мўлжалланган харажатлар ҳажми, маҳсулотлар бирлигига меҳнат сарфининг миқдори, энергия сарфи, транспорт восита харажатлари ва бошқа турдаги чиқимларда фарқ бўлади. Иўлим совуў территорияларда энергия билан таъминлаш харажатлари юқори бўлса, жанубий зоналарда (Марказий Осиё, Кавказ бўйи) ёзги иссиқ кунлари совутгич харажатлари кўпроқ бўлади. Харажатлар ҳажмига фақат табиат омилларигина эмас, балки тупроқ тузилиш, сейсмик ҳолатлар ҳам таъсир этади.

Шунинг учун ҳам таққослаш белгиси сифатида турли тизим ва табиий

омиллар таъсирини ҳисобга олувчи махсус усуллар жорий қилиниши лозим. Фақат аниқ шарт-шароитни ҳисобга олган ҳолда иқтисодий таҳлилнинг таққослаш усулини қўллаб ўрганишгина тўғри натижаларни беради.

**6. Кўрсаткичлари таққосланувчи корхоналарнинг ихтисослашуви, маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ва хўжалик йўналишлари бир-бирига ўхшаш бўлиши керак.**

Бу талабнинг муҳим томони шундаки, ҳар хил корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турлича меҳнат, машина-харажатлар талаб қилиши, асосий фондларнинг таркибидаги ўзгаришлар ва фарқлар, ўртача меҳнат унумдорликни, фонд қайтимини ва маҳсулот бирлигига сарфлар ҳажмини ўзгариб кетишини эътиборга олишлик лозимлигини кўрсатади.

Лекин юқорида кўрсатилган фарқ ва тафовутларни аниқ ҳисоблашнинг умумий тартиби иқтисодий адабиётларда ҳам етарли даражада ёритилмаган.

**7. Ўрганиладиган объектлар сони ҳам мос бўлишлик шарти** - бунда таққосланувчи кўрсаткич фақат айрим цех ёки бригада бўйича олинган бўлса қолган талаб қилинган маълумотлар ҳам фақат шу объектларга тегишли бўлиши лозим. Умуман тармоқ ёки хўжалик бўйича ўрганиладиган маълумотлар билан иккинчи корхонадаги айрим кичик маълумотлар солиштирилиши аниқ натижани акс эттирмайди. Фақатгина ҳажми жиҳатидан мос келувчи белгилар бўйича маълумотларни ўрганишгина таҳлил натижаларини янада аниқлаштиради.

**8. Маҳсулотлар сифати ҳам таққослаш усулини қўллаганда назарда тутилиши лозим.**

Бу талабнинг мазмуни шундан иборатки, таққосланадиган маҳсулотлар бўйича сифат кўрсаткичлар тенг бўлиши зарур. Бунинг учун ўрганиладиган кўрсаткичлардаги энг юқори сифат асос деб қаралиб, қолган турдаги нав сифатли маҳсулотлар коэффицентлардан фойдаланиб юқори сифат маҳсулотларига тенглаштириб ўрганилади. Масалан, қишлоқ хўжалигида турли корхоналар ўртасидаги янги пахта ҳосили таҳлил қилинганда

1-нав пахта - 1 коэф.

2-нав пахта - 0,8

3-нав пахта - 0,7

4-нав пахта - 0,5 ва х.к.

Ҳар бир нав бўйича етиштирилган маҳсулот ҳажми тегишли коэффицентларга кўпайтирилиб умумий шартли ялпи ҳосил аниқланади ва кўрсаткичлар таққосланади.

Демак, корхоналар фаолиятини таққослаш усулини қўллаб ўрганишда сон ва сифат кўрсаткичларни эътиборга олган ҳолда биргаликда таҳлил қилиш лозим.

**9. Техник ҳавфсизлик ва экологик мувозанатни сақлаш бўйича тадбирлар билан боғлиқ кўрсаткичларни солиштириш керак.**

Техника ҳавфсизлиги ва атроф муҳитни тозаллигини таъминлаш аниқ корхонадаги маҳсулот ҳажмини кўпайтиришга таъсир этмасида, балки, меҳнат унумдорлигини ўстиришга, таннархни пасайишига сабаб бўлиши мумкин.

Шунинг учун ҳам ўрганиладиган корхоналардан энг юқори техника хавфсизлигини ва атроф муҳитни софлигини таъминланганлик учун бажарган харажатларга қолган корхоналарни сарфини тенглаштирилиб сўнгра кўрсаткичлар таҳлили бажарилади.

**10. Таққослаш усулини қўллашда муҳим талаблардан яна бири ижтимоий ишлаб чиқариш турлари хусусийми, коллектив ёки давлат корхонасими албатта ҳисобга олиниши лозим.** Бу эса кўрсаткичларни иқтисодий мазмунини билиш ва уларни таққослаш талабларига келтиришга ёрдам беради.

Демак, таққослаш усулини қўллашдаги юқорида таъкидланган шартларга амал қилиш таҳлилнинг сифатли бўлишига, унинг натижаларини тўғри бўлишига ёрдам беради.

Иқтисодий маълумотларни таққослаш юқоридаги шартларга амал этган ҳолда таҳлилни бажариш, натижаларни аниқ ва бор ҳақиқатни ўўғри ифодалашга ёрдам беради. Бундай таққослаш натижасида корхонанинг янги маҳсулот ишлаб чиқариши тўғрисидаги кўрсаткичларини ўтган даврларга нисбатан ўзгаришини таҳлил қилиш мумкин.

### **Гуруҳлаштириш усули ва уни таҳлилда қўлланилиши**

Ҳар бир иқтисодий ҳодиса ва жараёнлар энг аввало бошланғич ҳужжатларда акс эттирилади. Бу бошланғич ҳужжатлардаги маълумотларни таҳлил қилиш учун, улар маълум тартибга солиниши “аналитик группалаштириш” зарур. Аналитик группалаштириш - бу йиғма-умумий маълумотлардан алоҳида муҳим белгилари ва хусусиятлари буйича гуруҳларга ажратишдир.

Гуруҳлаштириш усули – иқтисодий изланишларда бир таркибли, кўплаб кўрсаткичларнинг ўзаро алоқадорлиги ва боғлиқлигини тавсифлашдаги муҳим усул сифатида қўлланилади. Маълумотлар ўзининг гуруҳлаш белгиси бўйича турлича таркибланган ҳолда ўрганилади. Бу эса кўрсаткичларнинг ўзаро бир-бирига нисбатан қиёсий ўзгаришларини, уларнинг сабабларини аниқлаш, баҳолаш имконини беради. Шунингдек, гуруҳлаш усули молиявий ва бошқарув таҳлили учун зарур бўлган маълумотларни қайта ишлашда ҳам муҳим ҳисобланади.

Гуруҳлаш ёрдамида ўрганилаётган кўрсаткичлар таркибидаги илғор корхоналарга тегишли бўлган маълумотларни оммалаштириш ҳам мумкин.

Аналитик гуруҳларни ўзининг бажарадиган мақсади ва мазмунига қараб: типологик, таркибий ва омилли гуруҳларга ажратиш тушунилади. Бундай гуруҳлар тузишга саноат корхоналарида барча ходимларни категорияларга ажратилишини мисол қилиш мумкин. Саноат ишлаб чиқариш ходимларининг категорияларига қараб асосий ва ёрдамчи ишчиларга, инженер-техник ходимлар ва ишчилар ўртасидаги нисбатларни қай даражадалигини ўрганилади. Шу билан бирга кейинчалик ҳар бир турдаги категориядаги ходимларни ўз ичига яна майда гуруҳчалар тузилиши мумкин. Масалан: ишчилар категориясини ҳисоб коди бўйича яна бўлақларга бўлиш

мумкин.

Таркибий гуруҳлаштириш - умумий йирик белгилар бўйича тузилган группалар ичидан айрим қонуниятлар ва белгиларни ўрганишга мўлжалланади. Масалан: умумий ишчилар сонини малакаси, маълумоти, иш (тартиби) тажрибаси, ёши, жинси ва бошқа белгилари бўйича ўрганиш.

Омилли гуруҳлаштириш - ўрганиладиган ҳодиса ва қонуниятларнинг ўзгариш сабаб-оқибатларига таъсир қилувчи омиллар бўйича гуруҳларга ажратишга мўлжалланади. Бундай гуруҳларга ходимларнинг ойлик маошини ўзгаришини ва уларнинг иш стажига боғлиқлигига қараб гуруҳлар тузишни мисол қилиб келтириш мумкин.

Бу юқорида келтирилган гуруҳлаштиришнинг барча турлари хўжалик фаолиятини таҳлил қилишда қўлланилади. Ҳозирги тузулаётган ҳисобот формаларида келтирилган маълумотлар ҳам маълум белгилари ва хусусиятларига қараб гуруҳларга ажратилган ҳолда келтирилмоқда, меҳнат кўрсаткичларни ходимлар категориялари бўйича келтирилиши, уларга сарфланган меҳнат ҳақи (5-форма) сарфланган харажат турлари бўйича (22-форма) маълумотлар ҳам маълум тарзда гуруҳлаштирилиб келтирилган. Ҳисоботлардаги маълумотларнинг гуруҳлаштирилиб келтирилганлиги иқтисодий таҳлилни бажаришни онсонлаштиради.

Бошқарув ишларни ўйи звенодан юқорига қараб катталашуви билан гуруҳлаштириш усулининг аҳамияти ва мазмуни ўса боради. Хўжалик фаолиятини таҳлил қилишда гуруҳлаштириш қўлланилса маълум талаб ва қонуниятларга амал қилинади. Масалан: типологик гуруҳлар тузганда иқтисодий асосланган, таҳлилда аниқ қонуниятлар кўринадиган гуруҳ тузумига интилиш лозим.

Таркибли ва омилли гуруҳлаштиришда эса – гуруҳлар оралиғидаги фарқлар, масофалар бир-бирига мосланиш лозим. Масалан, ширкат хўжалигида 12 та пахтачилик билан шуғулланувчи ижарачи деҳқонлар мавжуд бўлиб, улардаги ҳосилдорлик кўрсаткичлари ўрганилиши лозим бўлса, қуйидагича гуруҳлаштирилиб таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

**3-жадвал**

**Ижарачи деҳқонларда ҳар гектар пахта экилган майдондан  
олинган ҳосил: ц/га**

Ижарачи деҳқонлардаги ҳосилдорлик	Ижарачи деҳқонлар											
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
Пахта ҳосилдорлиги, ц/га	22	24	21	28	26	20	26	23	28	29	22	20

Юқоридаги маълумотлар асосида қуйидаги группалар тузиш мумкин.

I- гуруҳ ҳосилдорлик 22 ц/га 3 ижарачи (3,6,12)

II-гуруҳ ҳосилдорлиги 22,0 дан - 24,0 гача 3 ижарачи (1,8,11)

III-гуруҳ ҳосилдорлиги 24,0 - 26 ц/га 3 ижарачи (2,5,7)



IV-гуруҳ ҳосилдорлиги 26 ц/га дан юқори 3 ижарачи (4,9,10)  
**Жами корхона бўйича ҳосилдорлик 24,5 12 та ижарачи**

Юқорида тузилган 4-гуруҳ бўйича таҳлил қилиниши лозим бўлган иқтисодий масалалар ўрганилиши мумкин, яъни ижарачи деҳқонлардаги меҳнат унумдорлиги, агротехника қоидаларига риоя қилинганлик, пахта таннархи, ўртача бир ишчига сарфланган меҳнат ҳақи ва бошқалар.

Гуруҳлаштириш усулини қўллашда ҳам айрим талаб ва қонуниятларга амал қилиниши лозим, жумладан:

- гуруҳлаш белгиси тўғри танланиши лозим;
- фақат бир тизимга кирувчи кўрсаткичларгина олиниши керак;
- кўрсаткичлар бир хил ўлчов ва услубда аниқланиши лозим;
- таҳлил натижаларининг аниқлигини таъминлаш мақсадида тузилган гуруҳлар ўртасидаги интерваллар оралиғини яқинроқ олиш лозим;
- дастлабки ва охириги гуруҳ очик, қолган оралик гуруҳлар ёпиқ бўлиши, яъни бошланғич ва охириги гуруҳ чегаралари аниқ бўлиши керак;
- гуруҳлар тузиш кичик сондан, юқорига бориш тартибига амал қилинган ҳолда тузилиши;
- барча ўрганиладиган объектлар сони тузилган гуруҳларга баравар тақсимланганлигига риоя қилиниши керак.

Юқорида кўрсатилган талабларга амал қилишлик молиявий ва бошқарув таҳлили натижаларининг тўғри ва аниқ бўлишига, ўрганиладиган кўрсаткичларнинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни аниқ ҳисоблаш имкониятларини янада кенгайтиришга олиб келади.

### **Балансли боғланиш усули ва унинг таҳлилда қўлланилиши**

Балансли боғланиш усули - ўрсаткичлар орасидаги функционал боғланишлар мавжуд бўлган ҳолларда қўлланилади. Бу кўпроқ бухгалтерия ҳисоби, статистика ва режалаштиришда қўлланилади. Ушбу усул асосида моддий ва меҳнат ресурслари, корхона пул маблағлари кирими ва чиқими, даромад ва харажатларини (махсус баланслар ва уларнинг маълумотларини ўрганиш асосида) таҳлил этиш мумкин. Балансли боғланиш усули кўпроқ корxonанинг молиявий ҳолати, мулки, мажбурияти ва капиталини ўрганишда қўлланилади.

Иқтисодий таҳлил қилишда кўпгина кўрсаткичлар бир-бири билан функционал боғлиқликда ўрганилади. Бир ўрганиладиган маълумотнинг ўзгариши иккинчи кўрсаткич билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Масалан, товар маҳсулотининг йил охирига қолдиғини таҳлил қилишда унинг йил бошидаги омборда бўлган қиймати, йилда давомида ишлаб чиқарилган ва сотилган товар маҳсулотлар ҳажмини ўрганмасдан ҳисоб-китоб қилиш аниқ натижа келтирмайди. Бу боғлиқликни қуйидаги формулада (товар маҳсулоти

баланси) кўрсатиш мумкин.

$$ТК_{\text{йил бошига}} + МТ + ИН_О = СТ + ИН_К + ТК_{\text{йил охирига}}$$

Бунда: ТК - товарлар қолдиғи йил боши ва йил охирига  
 МТ - товар маҳсулот кирими (ишлаб чиқарилган маҳсулот)  
 СТ - жами сотилган ва жўнатилган товарлар  
 ИН<sub>О</sub> – инвентаризация натижасида аниқланган ортиқчалилик  
 ИН<sub>К</sub> - инвентаризация натижасида аниқланган камомад  
 (СТ=ТК) СТ=ТК йил бош. + МТ-ТК йил охирига тенг бўлади. Демак, балансли боғланиш усулини қўллашгина товар маҳсулот ҳажмини тўғри ўрганиш имконини беради.

Иқтисодий таҳлилини айниқса меҳнат ресурслари, ер фонди, даромад ва харажатларни, молиявий ҳолатни каби мавзуларни ўрганишда балансли боғланиш усули қўлланилади, меҳнат ресурсларини баланс услуби билан ўрганишда корхонада мавжуд бўлган меҳнатга қобилиятли яшовчиларни тармоқлар бўйича, яъни деҳқончилик, чорвачилик, ёрдамчи ва саноат ишлаб чиқаришларига тақсимланиши балансини тузуш мумкин.

Ер фонди бўйича ҳам корхоналардаги жами қишлоқ хўжалигига яроқли ерларни экин турларига тақсимланганлиги баланси тузилиб таҳлил қилинади. Корхоналарнинг молиявий ҳисоботининг 1-шакли “Бухгалтерия баланси” ҳам ушбу услубга асосланиб тузилган. Баланс маълумотларига асосланиб корхоналарни молиявий ҳолати, тўлов қобилиятга эгаллиги таҳлил этилади (4-жадвал).

**4-жадвал**

**Корхонанинг тўлов даражасини балансли боғланиш усули билан ўрганиш (минг сўмда)**

Тўлов маблағлари	Сумма, минг сўм	Тўлов мажбуриятлари	Сумма, минг сўм
1	2	3	4
1. Пул маблағлари	2000	1. Мол етказиб берувчиларга қарз	1200
2. Тайёрлов ташкилотларига жўнатилган товарлар	300	2. Давлат бюджетига қарз	600
3. Тўлов муддати ўтган дебиторлик қарзлар	600	3. Меҳнат ҳақиға ажратма	100
4. Бошқа тушумлар	100	4. Ижтимоий суғуртаға бўлган қарз	50
		5. Тўлов муддати етмаган кредиторлик қарз	150
		6. Бошқа чиқимлар	100

<b>Жами</b>	2500	<b>Жами</b>	<b>2200</b>
Тўлов мажбуриятларининг ортиқчалилиги	-	Тўлов маблағларининг ортиқчалилиги	300
<b>Баланс</b>	2500	<b>Баланс</b>	<b>2500</b>

Демак, балансли боғланиш усулини қўллаб корхоналарнинг пул даромадларини тўлов мажбуриятларига етарли ва етмаслигини таҳлил қилиш мумкин экан. Баланс усулини молиявий ва бошқарув таҳлилида қўллаш ўрганиладиган кўрсаткичларнинг бир-бири билан функционал боғлиқлиги яқин бўлгандагина ижобий ва тўғри натижалар келтиради.

### Мутлоқ ва нисбий фарқларни аниқлаш усули

Мутлоқ ва нисбий фарқларни аниқлаш усули - кўпроқ статистика фанида кенг қўлланилиб, таҳлилда кўпгина ўрганиладиган кўрсаткичларни ўсиш ва ўзгаришини ҳисоблашда ишлатилади. Мутлоқ ўзгариш таҳлилда ҳар бир ўрганиладиган маълумотларни аввалги даврларга нисбатан фарқларини кўрсатса, нисбий кўрсаткичлар эса фоиз, коэффициент, индексда ҳисобланади. Бу кўрсаткичларни ҳисоблаш ва ўрганиш тартиблари статистика фанида ёритилади. Молиявий ва бошқарув таҳлилида мутлоқ ва нисбий кўрсаткичларини қўлланилиши меҳнат ҳақи фондини сарфланишида ўрганишда айниқса кўпроқ ишлатилади.

5-жадвал

Меҳнат ҳақи фондининг мутлоқ ва нисбий фарқларини ҳисоблаш ва уларнинг таҳлили

	Жорий йил режаси	Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг бажарилишига қараб ҳисобланган	Ҳақи-қатда	Фарқи	
				Абсолют	Нисбий
1	2	3	4	5(4-2)	6(4-2)
Меҳнат ҳақи Минг сўм	2000	$\frac{2000 \times 105}{100} = 21000$	2060	-60	-40

Корхонада меҳнат ҳақи фондининг абсолют фарқи - 60,0 минг сўмни нисбийси эса - 40,0 минг сўмни ташкил қилади. Демак, хўжалик меҳнат ҳақи сарфини режадаги белгиланган нормага нисбатан 40,0 минг сўмга иқтисод қилган. Бундан кўринадики нисбий кўрсаткичлар таҳлилида янада кўпроқ аниқликни ифодалар экан.

## Занжирли боғланиш усули ва унинг таҳлилда қўлланилиши

Занжирли боғланиш усули алоҳида омилларнинг умумий кўрсаткичга таъсир даражасини аниқлашда қўлланилади. Иқтисодий таҳлилнинг бу усули шу пайтда қўлланиладики, қачонки ўрганилаётган кўрсаткичлар орасидаги боғланиш функционал характерга, яъни тўғридан-тўғри ва такрорий алоқадорликка эга бўлса. Бунда ҳар бир таъсир этувчи омилнинг ўрганилаётган умумий кўрсаткичга таъсирини топиш услубий кетма-кетликка эга. Омиллар таъсирини аниқлашдаги услубий кетма-кетлик, қараб чиқиладиган кўрсаткичларни таҳлил этишда тўғри ўринлашдан ва у ёки бу омилнинг таъсир даражасини топишда режа (ёки ўтган йил) кўрсаткичларини ҳақиқий (жорий давр) кўрсаткичлар билан навбатли алмаштиришни тўғри белгилашдан иборат. Кўрсаткичларни тўғри ўринлаш ёки қаторлашда уларнинг миқдор ва сифат жиҳатларига аҳамият берилади. Яъни, аналитик жадваллар тузишда дастлаб миқдор кўрсаткичлар, сўнгра сифат кўрсаткичлар ўрганилади.

Базис (ўтган йил) кўрсаткичларини ҳақиқий (жорий давр) кўрсаткичлари билан навбатли алмаштиришдаги услубий кетма-кетлик ҳам юқоридаги белгилашга асосланади. Яъни, дастлабки ҳисоб-китоб бўйича барча кўрсаткичлар базис (ажасида олинади. Ҳисоб-китобнинг ҳар қайси кейинги қатори бўйича таъсир этувчи бирлик янгиланади. Охириги ҳисоб-китоб қатори бўйича барча кўрсаткичлар ҳақиқатда (жорий давр бўйича) олинади. Оралиқ ҳар бир ўзгариш умумий ўзгарувчига таъсир этувчи омилнинг таъсир даражасини ифода қилади. Бунинг учун шартли аниқланган кўзидан олдинги кўрсаткичдан фарқланади ва уларнинг қиймат ифодаси топилади.

Масалан, деҳқончилик маҳсулотларининг таннархи, ҳосилдорлик ва бир гектар ерга сарфлар нормасини ўзгариши билан боғлиқдир ёки сарфланган материаллар қиймати сарф нормаси ва бир бирликнинг баҳосининг ўзгариш сабаблари билан боғлиқдир.

### 6-жадвал

Занжирли боғланиш усулининг материал сарф харажати ўзгаришига таъсир этувчи омилларни аниқлашда қўлланилиши

Кўрсаткичлар	Бизнес режа	Ҳақиқатда	Фарқи (+,-)
1	2	3	4
1. Материал миқдори, центнер	30	32	+2
2. 1 центнер материал қиймати, сўм	92	90	-2
3. Жами материал харажат, сўм	2760	2880	+120

Жами материал харажатлар суммасининг ўзгариши - 12- сўм, бунга таъсир кўрсатган омилларни ҳисоблаш учун, қўшимча шартли кўрсаткич (режа баҳо ва ҳақиқий норма) аниқлаймиз.

$$92 \times 32 = 2944 \text{ сўм}$$

Материал харажатларнинг бизнес-режадан ортиқ сарфланишига:

а) норманинг ўзгаришини таъсири:

$$2944-2760=+184$$

б) баҳо ўзгариши

$$2880-2944=-64$$

Иккала омилнинг таъсири:

$$+184-64=120 \text{ сўм}$$

### **Мавзу бўйича таянч иборалар:**

- молиявий ва бошқарув таҳлили фани методининг тушунчаси;
- таҳлил методининг ўзига хос муҳим хусусиятлари;
- молиявий ва бошқарув таҳлилининг иқтисодий-математик усуллари;
- таҳлилнинг оддий-анъанавий усуллари;
- таққослаш усули;
- гуруҳлаштириш усули;
- мутлоқ ва нисбий фарқларни аниқлаш усули;
- балансли боғланиш усули;
- занжирли боғланиш усули;
- назарий ўйин усули;
- интеграл усули;
- эвристик таҳлил усули;
- чизиқли программалаштириш усули;
- индекс усули;
- матрицалар усули;
- логорифмлар усули.

### **Такрорлаш учун саволлар**

1. “Метод” сўзининг луғавий маъноси нимадан иборат?
2. Таҳлил фанининг методига иқтисодчи олимлар қандай таъриф беришган?
3. Молиявий ва бошқарув таҳлили фанининг методининг ўзига хос муҳим хусусиятлари нималардан иборат?
4. Таҳлилда қўлланиладиган усуллар қандай гуруҳларга ажратиб ўрганилади?
5. Мутлоқ ва нисбий фарқларни аниқлаш усули ва унинг моҳияти ҳақида тушунча беринг?
6. Гуруҳлаштириш усули тўғрисида маълумот беринг?
7. Таққослаш усули ва уни қўллаш шартларини тушунтириб беринг?
8. Занжирли боғланиш усулининг асосий хусусияти нимадан иборат?
9. Балансли боғланиш усулини таҳлил жараёнларида қўллашнинг афзалликларини кўрсатиб беринг?
10. Иқтисодий математик усулларга қисқача изоҳ беринг?



## **Мавзу: Хўжалик юритувчи субъектларда таҳлил ишларини ташкил қилиш ва манбалар билан таъминлаш**

### **3.1. Иқтисодий таҳлил ишларини ташкил этишнинг зарурияти**

Бозор муносабатлари соҳасида ҳар қандай хўжалик юритувчи субъектнинг ўз тасарруфидаги барча ресурслар – молиявий, моддий ва меҳнат ресурслари ҳаракати ҳамда улардан фойдаланиш самарадорлигини тўғри бошқаришни таъминлаши зарур бўлади. Аммо кўпгина корхона ва ташкилотлар иқтисодий мустақиллик ҳамда ички ва ташқи бозорда битимлар тузиш ҳуқуқини қўлга киритганларидан сўнг хўжалик юритувчининг янги шароитларига тайёр эмасликлари аён бўлиб қолди.

Бозор иқтисодиёти соҳасида бошқарув субъектларига фақат ахборотга эга бўлишнинг ўзи кифоя қилмайди. Бу ахборот билан ишлаш, тўғри хулосалар чиқариш ва улардан ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мақсадида фойдаланиш зарур бўлади. Самарали бошқаришда энг муҳими ахборот ва ундан фойдалана билишдир.

Иқтисодий ахборотлар билан ишлашнинг энг муҳим жиҳатларидан бири уни таҳлил қилишдир. Таҳлил давомида хўжалик фаолиятини ўрганишда ҳамда хулосалар чиқаришда асос бўладиган бир қатор кўрсаткичлардан фойдаланилади.

Таҳлилий ишларни мувафаққиятли, самарали ўтказилиши уни ҳар томонлама ўйлаб, синчиклаб ташкил қилинишига боғлиқ. Уни ўтказилиши илмий характерга асосланган ва режа асосида амалга оширилиши лозим. Таҳлил ишлари олиб борилаётганда, у бир неча босқичларни босиб ўтади. Ушбу босқичларни босиб ўтиш жараёнида ҳар бир босқичнинг мазмуни олдиндан аниқланиши керак ва уларнинг бажарилиши маълум томонларга асосланган бўлиши лозим. Асосланиши лозим бўлган томонлар эса қуйидагилардан иборат:

1. Корхона фаолиятини таҳлил қилиш - бошқаришда қарор қабул қиладиган ҳар бир раҳбар, менежернинг хизмат бурчидир. Шундай қилиб бундан чиқадиган зарур тамойил бу таҳлил ишларини бажарувчилар ўртасида вазифаларни аниқ тақсимлаш;

2. Ишлаб чиқариш тармоқларида таҳлил ишларини ташкил қилишда энг зарур тамойиллардан бири унинг тежамлилиги, яъни кам харажат қилиб юқори самарага эришиш;

3. Таҳлил ишларини ташкил қилишда яна бир тамойил уни ўтказишни назорат қилиб бориш.

Корхона иқтисодий-молиявий аҳволини таҳлил қилиш билан шуғулланаётган ҳар бир ходим корхонанинг бошқарув ва молиявий ҳисобот шакллари эркин ўқишни, унинг моддаларини тушунишни, шунингдек, хулосалар чиқариш ва тавсиялар беришни билиши керак.

Корхоналарда иқтисодий таҳлилни ташкил этиш ихтиёрийлик ва амалиётдаги тажриба ҳамда талабдан келиб чиққан ҳолда таҳлил ишлари

ташкил этилади. Таҳлилни ташкил этишда ўрганиладиган мавзуларнинг қўлами ва аҳамиятига қараб иқтисодчилар билан бир қаторда корхонанинг барча мутахассислари ҳамда оддий ишчисигача иштирок этишлари мумкин бўлади.

Иқтисодий таҳлилни ташкил этишнинг зарурияти ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида янада ортган бўлиб, чунки ҳар бир фаолиятнинг корхона учун манфаатлилик даражасини аниқлашдан, бу фаолиятнинг иқтисодий нуқтаи назаридан тўғри ташкил этилганлигига баҳо беришдан иборатдир. Иқтисодий таҳлилни корхона миқёсида тўлиқ ташкил этишга бевосита жавобгар бош ҳисобчи ёки корхона бошқарувчиси бўлиши мумкин. Шерик корхоналарда эса бу масалага бевосита корхона бошлиғи ёки иқтисодий масалалар бўйича корхона бошлиғининг муовини шуғулланиши мумкин бўлади.

Корхоналарда цех ёки бригада маълумотлари бўйича иқтисодий таҳлилни эса шу бўлим бошлиқлари ташкил этишлари керак бўлади.

Вилоят, туман ёки тармоқлар бўйича маълумотларни умумлаштириб иқтисодий таҳлилни ўтказишга истиқболни белгилаш ва статистик ташкилотлар ёки юқори ташкилотлар таркибида ташкил этилган иқтисодий таҳлил кенгаши иш юритадилар.

Бошқарувнинг ҳамма бўғинларида умумий ишлаб чиқариш соҳасини самарадорлигини оширишда аналитик ишни ташкил этиш ва иқтисодий таҳлилнинг роли ошиб бормоқда. Ушбу ҳолатдан келиб чиқиб иқтисодий таҳлил ташқи ва ички таҳлил турларига бўлинади.


***Корхона ва бирлашмаларни ишлаб чиқариш хўжалик фаолиятининг ташқи таҳлилни қуйидагилар олиб борадилар:***

- ◆ Бошқарувнинг юқори органлари;
- ◆ Молия органлари;
- ◆ Банк ташкилотлари;
- ◆ Солиқ органлари ва ҳакозолар.

Юқори бошқарув органлари ўз назорати остидаги корхона ва уюшмаларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини доимий равишда таҳлил қилиб туришади. Бунинг учун эса режа ва ҳисобот маълумотлари, текширув натижалари ва бошқа маълумотлар керак бўлади.

Юқоридаги билдирилган фикрлардан фойдаланиб, қуйида ишлаб чиқариш корхоналари ва бирлашмаларида иқтисодий таҳлилни ташкил этишни схемасини келтириб ўтиш мумкин бўлади.





**-ЧИЗМА. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМА (КОРХОНА) ЛАРИДА ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

Молия органлари иқтисодий таҳлил жараёнида корхона ва бирлашмаларнинг фойдалилик режасини бажарилишига, давлат бюджети

олдидаги мажбуриятларига, корхонанинг моддий ва пул ресурсларини рационал тақсимланишига, ўз – ўзини молиялашга ва харид қувватига диққатини қаратади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки доимий равишда кредит олган корхона ва бирлашмаларнинг иш фаолиятини, ҳамда асосий ҳажм ва сифат кўрсаткичларини таҳлил қилиб туришади, корхоналарда банк кредитларининг ишлатилишини, меҳнат ҳақи фондини, товар – моддий қийматликлар ва уларни сақланиш ҳолатини ҳамда тўлов интизоми ҳолатини таҳлил қилиб туришади.

Иқтисодий таҳлил ишларини корхона ва бирлашмалар олиб бориши билан бир қаторда бошқа ташкилотлар ҳам олиб бориши мумкин: Буларга:

Режалаштириш ташкилотлари;

Илмий тадқиқот ва лойиҳалаштириш институтлари;

Жамоат ташкилотлари;

Матбуот органлари кабилар киради.

Ички таҳлилни эса корхона ва бирлашмаларни ишчи ҳодимлари олиб борадилар ва уларнинг турли таркибий бўлинмалари ўзларига тегишли функцияларни белгилаб оладилар. Иқтисодий таҳлил кўп қирралилиги билан ажралиб туради. Корхонани ҳамма фаолияти сфераларида мавжуд бўлган резервларни излаб топиш, тақсимланган мажбуриятларни аниқ бажарилиши ва уни амалга оширишда маъсулиятни хис этиш лозим бўлади.

### **3.2. Иқтисодий таҳлилни ташкил этиш ва ўтказиш босқичлари**

Бозор иқтисодиёти шароитида аналитик ишларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан уни қандай ташкил этилганлигига ва режалаштиришга боғлиқдир. Одатда аналитик ишларда нафақат корхонани бошқарув таркиби, балки бошқарувнинг функционал органлари, жамоатчилик аъзолари ҳамда меҳнат жамоасигача қатнашиши мумкин бўлади.

Иқтисодий адабиётларда иқтисодий таҳлилни ташкил этишнинг қуйидаги босқичлари келтириб ўтилган:

Таҳлил ўтказишнинг режаси ва дастурини тузиш босқичи. Иқтисодий таҳлилнинг дастури ва режасини тузиб олиш таҳлилни ташкил этишнинг асосий қисмидир. Бу босқичда иқтисодий таҳлил ишлари нимадан бошланиши, таҳлил утказувчи комиссияга кимлар киритилиши ҳамда таҳлил ишлари нима билан яқунланиши кўрсатиб ўтилади. Бундан ташқари иқтисодий таҳлил ўтказиш дастурида қуйидагилар аниқ кўрсатилган ва белгиланиб олинган бўлиши лозим:

- таҳлилнинг мақсади ва вазифасини аниқлаш;
- таҳлил объектини аниқлаш;
- иқтисодий таҳлил ишларини олиб бориш жойи;
- таҳлил мазмунини изохлаш;
- ижрочиларни таркиби ва уларнинг вазифаларини белгилаш;
- таҳлил утказиш муддатини белгилаб олиш;
- таҳлил манбалари ва уларни натижаларини расмийлаштириш тартибини аниқлаб олиш.

Таҳлил учун керакли бўлган манбаларни аниқлаш, йиғиш ҳамда ҳисобланадиган кўрсаткичларни белгилаш босқичи. Ушбу босқичда қуйидаги ишлар амалга оширилади:

- таҳлил учун зарур маълумотларни аниқлаш;
- таҳлил манбаларини тўплаш;
- қўшимча маълумотларни жалб этиш;

Тўпланган маълумотларнинг қўғрилигини текшириш ва таҳлил учун мослаштириш босқичи. Тўпланган манбааларни тўғрилигини текшириш ҳамда ишончлилигини аниқлашдан иборат бўлади ва ушбу манбаалар таҳлил учун мослаштирилади. Бундан ташқари ушбу босқичда қуйидагилар аниқланиб олинади:

- таҳлил усулларини аниқлаб олиш;
- маълумотларни соддалаштириш;
- жадвал, схема ва макетларни тузиш;
- таъсир этувчи факторларни аниқлаш;
- резервларни аниқлаш.

Бевосита хўжалик субъектларининг барча соҳаларини белгиланган тартибда таҳлил қилиб чиқиш босқичи. Бу энг муҳим босқич бўлиб, бевосита таҳлил ишлари бажарилади, кўрсаткичлар ҳисобланади, ўзгариш сабаблари ва фарқлар аниқланади. Ушбу босқичда қуйидаги ишлар амалга оширилади:

- мезон кўрсаткичларини аниқлаш;
- кўрсаткичларни ҳисоб-китоб қилиш ҳамда натижаларни баҳолаш;
- баҳолашда экспертзадан фойдаланиш;
- натижаларни умумлаштирувчи мезонлар;
- таҳлил натижаларини хулосага тайёрлаш.

Таҳлил натижаларини умумлаштириш ва расмийлаштириш босқичи. Бу босқичда ўрганилаётган иқтисодий жараён яқунланади ва маълум бир ўзгаришларга баҳо берилади ҳамда таҳлилга яқун ясалади. Бундан ташқари ушбу босқичда ҳам қуйидаги ишлар амалга оширилиши лозим бўлади:

- корхона фаолияти натижаларининг ўзгариш сабабларини аниқлаш;
- корхона фаолиятини яхшиланиш резервларини жамлаш;
- аниқланган резервлардан фойдаланиш тадбирларини белгилаш;
- таҳлил натижаларини ҳисоблаш ва ҳисоботда ифодалаш.

Таҳлил натижасида илғор ғоя ва тажрибаларни амалиётда қўллаш шарт-шароитларини кўрсатиб бериш ҳамда уларни амалиётга тадбиқ этиш босқичи. Мазкур босқичда таҳлил натижасида аниқланган имкониятларни корхона фаолиятига қўллаш йўллари кўрсатиб берилади, тавсиялар берилади, аниқланган илғор ғоя ва тажрибаларни амалиётга тадбиқ этишни кўрсатиб беради ва уларнинг ҳақиқатда келгусида бажарилиши назорат қилиб борилади.

### **3.3. Иқтисодий таҳлил жараёнида фойдаланиладиган ахборот манбалари**

Корхоналарни тўғри ва оқилона бошқариш учун турли-туман маълумотлар тизимидан фойдаланиш зарурки, улар орқали тўғри бошқарув қарорлари қабул қилиниши мумкин. Малумотлар дейилганда иқтисодий ходисалар, воқеалар ва хўжалик жараёнларини тегишли манбалар орқали акс этириш, уларни қайта ҳисоблаш ва ўрганиш, ҳамда қизиқувчи ташкилотларга узатиш тушунилади.

Таҳлил учун керакли бўлган маълумотларни мазмунига қараб қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

- Иқтисодий маълумотлар;
- Ҳуқуқий-меъёрий маълумотлар;
- Илмий- техникавий маълумотлар;
- Табий- экологик маълумотлар;
- Бошқа маълумотлар.

Иқтисодий маълумотларни бизнес режа, турли хил ахборот манбаалар, технологик маълумотлар, оператив- техник, меъёрий ва ҳисоб ҳужжатлари ташкил этади. Бу манбаалар таҳлилда энг кўп фойдаланилади.

Ҳуқуқий- меъёрий маълумотларга эса Республикамизда амал қилаётган барча қонунлар, меъёрий ҳужжатлар ва норматив актларда расмийлаштирилган ахборотлардан фойдаланиш тушунилади.

Илмий-техникавий маълумотлар, энг янги тараққиёт, жаҳондаги ўзгаришлар, фан ва техника ютуқларини ўзида мужассам этган ахборотлардир. Бу ахборотлар таҳлил учун муҳим аҳамият касб этади.

Табий-экологик маълумотлар, табиат, ер, иқлим ва бошқа экологик омилларни мужассамлаштирган ахборотларни иқтисодий таҳлилда муҳим манбаа сифатида ўрганилади.

Бошқа манбааларга эса, иқтисодий, ҳуқуқий, илмий-техникавий, табиий-экологик манбааларда акс этмаган маълумотлар тушунилиб, бунга оммавий ахборот воситалари, газета ва журналлардаги, радио ва телевидениядаги келтирилган ахборотлардан фойдаланиш таҳлил учун муҳимдир.

Кўплаб манбааларни таҳлил жараёнида қўллаш уларнинг мазмунини бойитишга, бошқарув қарорларини ҳолисона бўлишини ва корхоналарни бозор иқтисодиёти шароитида фаол қатнашишига имкон яратади.

Иқтисодий манбаалар бошқа ахборотлардан қуйидаги хусусиятлари билан ажралиб туради:

Ҳужжатлашганлиги – барча иқтисодий ҳодиса ва жараёнлар содир бўлиши билан тегишли бошланғич ҳужжатларда қайт этилади ҳамда ахборот сифатида расмийлашади.

Турли-туманлиги – ҳодиса ва воқеалар кўпгина манбааларда қайт этилиб, ҳажми, мазмуни, шакли жиҳатидан бир- биридан фарқланади.

Оммавийлиги ва ҳажмининг кенглиги – кўпгина иқтисодий ахборотлар тегишли шаклга эга бўлганлиги, ҳисобот шакллариининг юқори органлар

томонидан тасдиқланганлиги уларни тушунишни, билишни осонлаштиради.

Маълум даврларда такрорланиб туришлиги – тасдиқланган меъёрий ҳужжатлар мунтазам тўлғазилиб тегишли ташкилотларга топширилиш кўзда тўтилади, ҳисобот даврлари- чораклар, ярим ҳамда йиллик муддатларга бўлиниб ахборотлар тўзилади.

Қонунлашганлиги ва чегараланганлиги – барча иқтисодий ахборотлар давлат ташкилотлари, молия вазирлиги, макроиқтисод вазирлиги ва солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган шаклларга асосланиб тўзилади. Бозор иқтисоди шароитида корхоналар учун муҳим саналган айрим маълумотлар бошқалар учун махфий бўлиб, фақат эгасининг рухсати билан эълон қилиниши мумкин.

Кўп қирралилиги ва сермазмунлиги – иқтисодий ахборотлар миқдорий ва қиймат ўлчамларида кўрсатилади, бошланғич ҳужжатларда корхона номи, имзо чекувчиларнинг насл-номаси, даври ва маҳсулотларнинг турлари кўрсатилган ҳолда расмийлашади.

Иқтисодий маълумотларни аксарият қисмини ҳисоб ахборотлари ташкил этиб, бухгалтерия, статистика ва тезкор ҳисоблар мажмуидан иборатдир.

Бухгалтерия ҳисоби маълумотлари иқтисодий таҳлил ахборотлари таркибида 70 фоиздан ортиқ салмоқни эгаллайди.

Таҳлил учун керакли манбаалар қуйидаги талабларни бажариши лозим: Хаққонийлик ва ҳолисоналик тамоилига амал қилинади.

Манбаалар таҳлил қилиниши учун кенг имкониятли бўлмоғи лозим, яъни режа, ҳисоб ва статистик малумотлар ҳодиса ва жараёнлар мазмунини тўлиқ ёритиши, талаб қилинган вазифаларни бажариши керак.

Иқтисодий ҳодиса ва воқеаларни ифодаловчи манбаалар аниқ ўлчамда акс этирилиши лозим.

Барча манбааларнинг умумий бирлиги ва узвий боғлиқлиги сақланилади ҳамда улардаги ахборотлар бир-бирини тўлдириб турилишини тақозо этади.

Манбааларга киритилган кўрсаткичларни аниқланиш тамоиллари ва акс этириладиган даврлар мослиги зарурдир ва ҳақозолар.

Юқоридаги талабларга жавоб берувчи барча ахборотлар таҳлилнинг аниқ бажарилиши, сермазмун бўлишлигига имкон яратади.

Хўжалик фаолиятини автоматик бошқариш системаси шароитида ташкил этиш дейилганда, электрон ҳисоблаш машиналари (компьютерлар) ёрдамида ва иқтисодий математик усуллари қўллаган ҳолда ишлаб чиқаришнинг муҳим соҳаларини аниқ ва тўғри бошқариш вазифаларини амалга ошириш мақсадида ташкил этиш тушунилади. Бундай амалга ошириш уч хил йўналишда бўлиши мумкин, яъни:

Марказлашган;

Марказлашмаган;

Аралаш.

Хўжалик фаолиятини таҳлил этишнинг автоматик бошқариш

системаси шароитида амалга ошириш қўйидаги принципларга амал қилади:

Аниқ мақсадга эга эканлиги системалашганлиги;

Комплекслилиги;

Ихчамлашганлилиги;

Узлуксизлик ва мунтазамлилик;

Таққосланиш имкониятини кенглиги;

Ечим лойиҳаси аниқ ва ихчамлилиги.

Автоматик бошқариш системаси шароитида таҳлил этиш қўйидаги шароитда бажарилади:

Қайд этиш;

Бошланғич маълумотларни йиғиш ва узатиш;

Умумий маълумотлар базасини ташкил этиш;

Кўрсаткичлар алгоритми бўйича маълумотларни қайта ишлаш;

Истеъмолчилар учун керакли маълумотларни таёрлаш.

Таҳлил учун керакли маълумотларнинг аниқлигини ва тез муддатда тайёрлашнинг энг аниқ йўлларида бири – компьютер дастурлари ёрдамида қайта ишлаш ҳисобланади.

Комплекс автоматлашган шароитда таҳлил учун керакли маълумотлардан фойдаланиш хусусиятлари маълум даражада имкониятларни очиб беради:

Бошланғич ҳужжатлар - ҳисоб, статистика норматив маълумотлар компьютернинг хотирасига қўйилиб фақат бир хил манба, яъни машина хотирасига олинади;

Таҳлил учун керакли турли мураккаб ҳисоблашлар маълум секундларда бажарилади;

Таъсир этувчи омилларни машиналар аниқ кўрсатиб беради;

Таҳлил учун керакли маълумотлар ва таҳлил натижалари ўрнатилган шаклда машинаграмма, табелограммаларда ифодаланади;

Турли хил иқтисодий маълумотлар машиналар учун бир хил шифр ва кодларда киритилади.

Ривожланган мамлакатлар тажрибасига кўра ишни автоматлаштирилган тарзда олиб борилиши анча иқтисодий самардорликка олиб келар экан.

### **3.4. Таҳлилда фойдаланиладиган ахборот манбаларининг тўғрилигини текшириш усуллари**

Иқтисодий таҳлилда фойдаланиладиган барча манбааларни ишончлилигини, аниқлигини ва тўғрилигини текшириш натижаларни самарали бўлишига замин яратади. Керакли манбааларнинг турли-туманлиги, сермазмунлилиги ва кўплиги уларнинг сифатли шаклланишига эътиборни қаратилишни тақозо этади. Одатда корхоналар фаолиятини таҳлил қилиш даврида маълумотлар манбаи йиғилади. Ушбу маълумотларнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилиш мақсадида маълумотлар тўғрилиги

текширилади. Таҳлил учун йиғилган маълумотларни текшириш икки усулда олиб борилади:

Техник (юзаки) текшириш;

Мазмун жиҳатидан текшириш.

Техник текшириш, ахборот манбааларини арифметик жиҳатидан тўғрилигини, расмийлаштириш қоидаларига риоя қилинганлиги ва кўрсаткичларнинг бир-бирига мослигини эътиборга олган ҳолда ўрганишдир. Юзаки текширишда ҳисоботга барча маълумотларни киритилганлиги, уларнинг арифметик йиғиндиси, Молия вазирлиги ҳамда Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги томонидан тасдиқланган ҳисобот шакллариغا риоя қилинганлиги, ҳисобот шаклларининг бир-бири билан боғлиқлиги, ҳисоботни топшириш муддати, мансабдорларнинг имзоси текширилади.

Мазмун жиҳатидан текшириш, маълумотларнинг ҳаққоний эканлиги, унда акс эттирилган рақамларнинг ҳақиқатда борлиги аниқлашни ўз ичига олади. Бундай текшириш ўз ичига бўғалтерия ҳисоби бошланғич ҳужжатларидаги келтирилган рақамларни инвентаризация ўтказиш орқали таққослаш, санаб кўриш ва ўлчаш йўли билан тўғрилигига ишонч ҳосил қилишдир.

Мазмун жиҳатидан текшириш қуйидагиларни ўз ичига олади:

Инвентаризация натижалари ҳисоботда ўз аксини топиши;

Корхона ҳисобот маълумотларидаги бюджетга тўловлар ва бюджет маблағлари ҳисобига молиялаштириш суммасини молия ташкилоти маълумотларига мос келиши;

Фойда ва зарарлар счётига ўтказилган кўрсаткичларни текшириш (устав капиталининг ўзгариши, табиий офатдан кўрилган зарар, асосий воситаларни тугатилиши ва ҳакозолар).

Корхоналар фаолиятини таҳлил қилиш давомида кўплаб манбаалардан фойдаланишга тўғри келади. Таҳлилда қўлланиладиган манбаларни қуйидаги босқичларга ажратишимиз мумкин бўлади:

Режа маълумотлари манбалари;

Ҳисоб ва ҳисобот маълумотлари манбалари;

Қўшимча маълумотлар манбаи.

Режа маълумотлари манбалари таркибига бизнес режа кўрсаткичлари, белгиланган лимитлар, белгиланган норма ва нормативлар, шартнома кўрсаткичлари киради.

Ҳисоб ва ҳисобот маълумотлари манбаларига бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи маълумотлари, статистик ҳисоб ва ҳисобот маълумотлари, оператив ҳисоб ва ҳисобот маълумотлари киради. Таҳлилнинг асосий маълумотлар манбаи бу бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи маълумотлари бўлиб, улар корхона хўжалик фаолиятининг барча жараёнларини ўз ичига олади. Бунда маблағлар ҳаракати, уларнинг манбалари, уларнинг хўжалик алоқалари акс этади.

Бухгалтерия балансида маблағлар, уларни манбаларининг жойлашиши ва ҳосил бўлиш манбаларига қараб ифодаланади.

Статистик ҳисоб ва ҳисобот маълумотлари таҳлил учун асосий манба

бўлиб ҳисобланади. Бу ҳисоботда ҳодиса ва жараёнларнинг жами кўрсатилади, уларни миқдор жиҳатдан характерлайдиган муайян иқтисодий қонунларни аниқлайдиган тарзда акс эттирилади.

Оператив ҳисоб ва ҳисобот маълумотлари бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи маълумотларига ва статистик ҳисобот маълумотларига нисбатан зарур информацияни бир мунча тезроқ олишга имкон беради.

Иқтисодий таҳлилни янада чуқурроқ амалга ошириш учун ҳисоб маълумотларига таалукли бўлмаган, яъни қушимча маълумотлардан фойдаланиш лозим бўлади. Бундай маълумотлар таркибига банк, молия, солиқ инспекторлари томонидан тузилган далолатнома, инспекторларни тақдим этган маълумотлари, аудитор хулосалари, радио ва телевидения маълумотлари, оммавий ахборот воситалари манбалари, ишчи ва хизматчилар билан бўлган мулоқот натижалари киради.

Одатда таҳлил маълумотлари ва уларни натижалари уни ким ва нима мақсадда ўтказилганлигига қараб турли шаклда умумлаштирилиши мумкин. Корхона ва ташкилотларни хўжалик фаолияти таҳлилининг натижалари аналитик мавзулар ёки хўжаликни йиллик ҳисоботига илова қилинадиган баённома кўринишида ифода этилади.

Таҳлил натижаларини умумлаштириш ва яқунлаш қайси турдаги таҳлилни ўтказганлигимизга қараб бажарилади. Масалан, корхоналарнинг йиллик ҳисоботи асосида ўтказилган жорий таҳлилнинг якуни, умумий хулосалар ёзиш ва юқори ташкилотларга тушунтириш хати тузиш орқали яқунланади. Айрим турдаги бошқа таҳлил турларининг натижалари эса мутахассисларни маърузаси, корхона раҳбарининг буйруғи, жамоанинг мажлис баёни, тафтиш комиссиясининг далолатномалари орқали умумлаштирилиши мумкин.

Таҳлил натижаларини умумлаштирганда албатта эришилган натижалар, йўл қўйилган камчиликлар ҳамда ютуқлар аниқ рақамларда ва фактлар билан кўрсатилган бўлиши талаб этилади. Шунингдек, йўл қўйилган камчиликларни тузатиш чора-тадбирлари, яъни таклифлар ҳам кўрсатилади.

Иқтисодий таҳлил натижаларини расмийлаштириш ва умумлаштиришга корхонанинг умум мажлис материаллари, турли хил диаграмма, жадвал ва графиклар тузиб меҳнаткаш оммага кўрсатма сифатида осиб қўйиш, ойнома ва рўзнома саҳифаларида маълумотларни чоп этиш, ахборот доскаларидаги кўрсаткичларни эълон қилиб бориш ҳам ҳисобланади.

Аналитик ёзув корхона ва ташкилотларни хўжалик фаолияти яқунлари бўйича йиллик ёки чораклик ҳисоботига тушунтириш хатлари, юқори ташкилотларни уларга бўйсинувчи ташкилотлар хулосалари каби бўлади.

Тушунтириш хати режани бажарилиши ҳақидаги умумий характеристикада ва кўрсаткичларни аввалги даврларга нисбатан ўзгарганлик маълумотларидан бошланади. Сўнгра натижанинг режадан тафовути сабаблари, айрим омилларнинг ўзаро боғланиши ва уларнинг хўжалик фаолияти кўрсаткичлари ифодаланади.



Аналитик ҳисоб – китоблар аналитик жадваллар кўринишида расмийлаштирилади. Уларни ҳар бирига хулосалар ва кўрсаткичларнинг ўзаро боғлиқлигини ечиб берувчи матнли иловалар берилади.

Баённомани хотима қисмида хулосалар, аниқланган камчиликларни тузатиш йўл-йўриқлари, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга доир резервлардан фойдаланиш юзасидан конкрет (аниқ) таклифлар баён қилинади. Баённома тушунарли, илмий асосланган, ихчам, аналитик жадваллар билан боғланган бўлиши керак бўлади. Бозор иқтисодиёти шароитида бундай таҳлил корхона раҳбарининг баридорларни умумий йиғилишидаги маърузаси учун зарур бўлади.

Хўжалик юритувчи субъектларни молиявий ва бошқарув таҳлил қилишдан олинadиган натижа уни ахборот ва методик қўлланмалар билан таъминланганлик даражасига боғлиқ. Таҳлилни ахборот билан таъминлашда бош ролини бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи эгаллайди, сабаби бу манбаларда хўжалик фаолияти ва унинг натижалари ўз аксини топган. Бирламчи ва жамланган ҳисоб регисторидаги маълумотларни ўз вақтида ва тўла-тўқис таҳлил қилиш режани бажарилишига, хўжалик фаолиятини яхшилашга қаратилади.

Айниқса йиллик молиявий ҳисобот маълумотларини мазмунан текшириш таҳлил ишларини самарали ўтишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Ушбу жараёнда маълумотларни таҳлил қилишдан олдин уларнинг тўғрилиги текшириб олинади. Маълумотларнинг тўрилигига ишонч ҳосил қилиш учун эса айрим кўрсаткичларни маълум бир ҳисобот маълумотлари билан таққослаб уларнинг бир-бирига мослиги ўрганилади. Агар бир хил кўрсаткичлар турли манбаларда бир хил тартибда акс эттирилган бўлса, у ҳолда ушбу маълумотлар кўғри деб тан оlinиши мумкин бўлади.

Молиявий ҳисоботнинг турли шаклларидаги маълумотларни бир - бирига мослигини ўрганиш қуйидаги жадвалда келтирилган ( -жадвал).

-жадвал

Молиявий ҳисобот маълумотларини бир-бирига мослигини текшириш

Кўрсаткичлар	Шакл рақам и	Бирламчи		Иккиламчи			Мос лиги
		Сатр и	Сумма, минг сўм	Шакл рақам и	Сат ри	Сумма , минг сўм	
А	1	2	3	4	5	6	7
Асосий воситалар: Бошланғич қиймат.	1	010	71000	3	130	71000	Мос
Эскириш қиймати.	1	011	44500	3	130	44500	Мос
Устав капитал	1	320	80000	5	080	80000	Мос
Тақсимланмаган фойда	1	350	45000	5	080	45000	Мос
Ва хоқозолар							

Шундай тартибда дебиторлик ва кредиторлик қарзларини, пул маблағлар ҳаракатини ва бошқа маълумотларни ҳам мазмунан, миқдоран тўғрилигини текшириш мумкин.

### 3.5. Иқтисодий таҳлилнинг турлари ва уларнинг таснифланиши

Таҳлил турларини туркумлаш – уларни умумлаштириш ва бир тизимга келтиришга, энг муҳим томонларини аниқлашга ҳамда ушбу фаннинг истикболда янада такомиллаштириш учун кенг имконият очиб беради. Таҳлилнинг барча турлари ўз белгиларига қараб маълум гуруҳларга умумлаштирилади. Бундай гуруҳлашган белгиларга қуйидагиларни киритиш мумкин: таҳлилнинг вазифалари, уни ўтказиш муддати, қабул қилинадиган қарорларнинг характери, корхоналар фаолиятини ўрганишнинг асосий томонлари, резервларни аниқлаш усуллари, ўрганиладиган объект, таҳлил қилувчи субъект, ўрганиладиган ҳодисаларнинг кўлами, ахборотларни қайта ишлаш усуллари кабилар. Барча турдаги таҳлилнинг турлари уларнинг бажарган вазифаларига қараб қуйидаги гуруҳларга умумлаштирилади: бизнес-режанинг тиғизлиги ва асосланганлигини баҳолаш ва унинг бажарилишини назорат қилиш, эришиладиган натижаларни башорат қилиш яъни олдиндан айтиб бериш, эришилган натижаларга объектив баҳо бериш ва шу мақсадда корхона фаолиятига боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган сабабларни аниқ белгилаш, ички хўжалик ҳисоби якунини ўтказиш, резервларни аниқлаш ва уларни ишлаб чиқаришга жалб этиш, келгусида режалаштириш учун асос (база)ни аниқлаш, оптимал бошқарув қарорларини қабул қилиш учун таҳлилий вариантларни тайёрлаш.

Ишлаб чиқаришни иқтисодий таҳлил қилишни умумий тарзда қуйидаги чизмада келтирилгандай ифодалаш мумкин (- чизма).

Иқтисодий таҳлил турларини туркумлаш асосида бошқариш функцияларини туркумлаш ётади, чунки, иқтисодий таҳлил иқтисодиётни бошқаришни ҳар бир функциясини амалга оширишнинг ажралмас элементи бўлиб ҳисобланади. Умуман олганда бошқаришнинг функцияларини иккита катта гуруҳга бўлишимиз мумкин: умумий ва махсус (специфик) функция. Бу боғлиқлик шундан иборатки умумий функциялар ўз ҳолича амал қила олмайди; ҳар қандай махсус функция эса фақатгина умумий функциялар ёрдамидаги амалга оширилади.



-чизма. Иқтисодиёт соҳалари нуқтаи-назаридан иқтисодий таҳлилнинг туркумланиши.

Маълумки, хўжалик юритувчи субъектларни бошқариш ўзининг тамойиллари ва функцияларига таянади. Бошқариш фаолиятини амалга ошириш қуйидаги функцияларга таянган ҳолда амалга оширилади:


- бошқаришни ахборот билан таъминлаш (тўплаш, қайта ишлаш, иқтисодий воқеа ва ҳодисалар туғрисидаги ахборотларни тартибга солиш);
- иқтисодий таҳлил қилиш;
- режалаштириш ва прогнозлаш (иқтисодий ҳодисаларни жорий ва истиқболли режалаштириш);
- мувофиқлаштириш;
- ташқил қилиш;

ҳисобга олиш;

назорат қилиш (режаларни ва бошқаришга оид қарорларни амалга оширилишини назорат қилиш).

1 ва 2 функциялар бошқаришни технологик босқичларини акс эттиради, яъни қарорлар қабул қилиш жараёнини ахборот ва иқтисодий таҳлил билан таъминлайди. Шу билан бирга, бошқаришнинг бошқа функцияларини амалга оширишда ҳам иқтисодий таҳлилнинг алоҳида ўрни бор. Масалан, режалаштириш функциясини олайлик. Келгуси даврга режа тузиш учун корхона фаолиятининг ўтган йилларини атрофлича таҳлил қилиш ва шу асосда унинг ривожланиш тенденциясини аниқлаб олиш зарур. Ривожланиш тенденцияси ва келгусида иқтисодий кўрсаткичларда юз берадиган сифат ўзгаришларини ҳам ҳисобга олган ҳолда унинг фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичларини келгуси қийматлари шакллантирилади. Худди шунингдек, бошқаришнинг мувофиқлаштириш, ташкил қилиш ва назорат функциялари ҳам иқтисодий таҳлил билан бевосита боғлиқ.

Ишлаб чиқаришни бошқариш нуқтаи назаридан иқтисодий таҳлил турларини қўйидаги чизмада тасвирлаш мумкин (-чизма ).



-чизма. Ишлаб чиқариш нуқтаи назаридан иқтисодий таҳлининг туркумланиши

Бундан ташқари иқтисодий адабиётларда иқтисодий таҳлилнинг турлари қўйидагиларга қараб ҳам туркумланади;

1) Ҳалқ хўжалигини тармоқ структураси (саноат ва уни тармоклари, қишлоқ хўжалик, қурилиш, транспорт, савдо, моддий-техника таъминоти ва бошқалар);

2) Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш босқичлари таҳлили (ишлаб чиқариш, истеъмол, тақсимот ва айрибошлаш жараёнларини таҳлили);

3) Таҳлилни ўтказувчи субъекти бўйича, яъни таҳлилни ким томонидан ўтказилаётганлигига қараб (иқтисодий хизмат ходимлари, корхона ижтимоий ташкилотлари, молия, кредит органлари, аудиторлик

ташкiлотлари, касаба кумита ва ижтимоий ташкiлотлар);

4) Таҳлил ўтказиш муддати бўйича (йиллик, кварталлик, ойлик, декадалик, кунлик, сменалик ва бир марталик таҳлил);

5) ўрганиладиган масалаларнинг мазмуни ва мукамаллиги бўйича (хажалик фаолиятини комплекс таҳлили ва тематик таҳлили);

6) объектни ўрганиш усулига қараб (комплекс, тизимли таҳлил, таққослама, танланма, корреляцион таҳлил ва бошқалар).

Корхоналар фаолиятини комплекс таҳлил қилиш уларни фақат гина иқтисодий фаолиятини таҳлил қилмасдан, уларни техник, ижтимоий, табиий шароитлари ва уларни ўзаро алоқасини ҳам таҳлил қилиб бериши лозим.

Бошқариш тизими бўйича ўтказиладиган таҳлил турлари

Хўжалик фаолиятининг жорий (ретроспектив) таҳлили. Корхоналарнинг амалий фаолиятида асосан жорий таҳлил ўтказиш усули тўла ишлаб чиқилган. Жорий таҳлил корхоналарнинг хўжалик фаолиятини таҳлил қилишда расмий жиҳатдан қабул қилинган ҳисоботга таянган ҳолда уларнинг ойлик, кварталлик, йиллик ва қатор йиллар таҳлил қилинади.

Жорий таҳлилнинг асосий вазифаси хўжалик фаолиятида эришилган натижаларга объектив баҳо бериш, фойдаланилмаган ички хўжалик резервларини комплекс тарзда аниқлаш ва уларни келгусида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга жалб этиш ишда йўл қўйилган камчилик ва уларни айбдорларини топиш, моддий ва маънавий рағбатлантиришни ташкил этишдан ҳисобланади.

Жорий таҳлилнинг кенг кўламда қўлланишининг асосий сабаблари, деб қўйидагиларни ҳисоблаш мумкин:

1. Таҳлилнинг барча вазифалари бизнес-режанинг тиғизлиги ва асосланганлиги, унинг бажарилишини назорат қилиш, хўжалик фаолиятида эришиладиган натижаларни олдиндан айтиб бериш, меҳнат, моддий ва молия ресурсларидан самарали фойдаланиш ва ҳоказолар жорий таҳлил зиммасига тушади;

2. Жорий таҳлилнинг кенг кўламда қўлланилишига барча корхоналарнинг тасдиқланган ягона ҳисобот шаклларига асосан юқори ташкiлот, статистика, молия ва солиқ органлари, давлат банкига ҳисобот топшириш вазифасининг зарурлиги;

3. Жорий таҳлилнинг бажариладиган таҳлилий ишларда тўтган салмоғи 90 фоизни ташкил қилади, чунки дастлабки ва тезкор таҳлилни ўтказиш усули ҳали тўла ишлаб чиқилмаган;

Жорий таҳлилда корхонанинг хўжалик фаолияти чуқур, ҳар томонлама ўтказилади, чунки таҳлилий ходимнинг ихтириёрида барча ахборотлар манбаи муҳайё;

Хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш тарихан жорий таҳлилдан бошланган;

Иқтисодий олий ўқув юртларида мутахассисларни тайёрлаш ҳам жорий таҳлил асосида олиб борилади.

Жорий таҳлил учун асосий ахборотлар манбаи бўлиб - ойлик, кварталлик, йиллик режа ва ҳисоботлар ҳисобланади.

Жорий таҳлилнинг субъекти - корхонанинг иқтисодий бўлимлари, юқори ташкилот, молия, солиқ ва статистика органлари, давлат банки ҳисобланади. Жорий таҳлилнинг объекти-корхоналар, уларнинг филиаллари, бошқармалар ва вазирликлардир.

Жорий таҳлилнинг дастлабки ва тезкор таҳлилдан устунлиги шундаки, уни ўтказишда ахборотлар тизими системали ва комплекс характерга эга бўлиб, расмий жиҳатдан қабул қилинган бухгалтерия ва статистика ҳисоботларига асосланади.

Бу таҳлилни асосий камчилиги шундан иборатки, аниқланган хато, камчиликлар ва фойдаланилмаган имкониятлар корхона учун бутунлай йўқотилган ҳисобланади, чунки улар хўжалик фаолиятини ўтган даврига боғлиқдир. Биз бу имкониятларни фақат гина келгусидаги ишларинимизни амалга ошириш жараёнида ҳисобга олишимиз мумкин ҳолос. Шунинг учун ҳам таҳлилни имкониятларини ошириш ва уларни вақтида ишга солиш учун ҳисоботларни такдим қилиш ва уларни таҳлил қилиш вақтини қисқартириш вазифаси қўйилади.

Жорий таҳлилни корхонани барча ходимлари томонидан, шунингдек цехлар ва бошқа булинмалар томонидан амалга оширилиши мумкин. Натижада корхонани йиллик фаолиятига яқун ясалади, камчиликлар аниқланади ва корхона фаолиятини яхшилаш учун тавсиялар ишлаб чиқилади. Бу таҳлил корхона хўжалик фаолиятини тула таҳлили бўлиб ҳисобланади, чунки у ўзида тезкор таҳлил натижаларини мужассамлаштиради ва истикболли таҳлил учун база ҳисобланади.

Тезкор таҳлил. Бу таҳлил иқтисодий таҳлилни турларидан бири бўлиб, хўжалик тизимини тезкор бошқариш учун лозим буладиган мосалаларни хал қилишга қаратилгандир. У корхонанинг хўжалик фаолиятини бошқаришда шу кундаги ишлаб чиқариш жараёнини тезкор тарзда бошқаришда қўлланилади. Бу қисқа муддатли таҳлил бўлиб, ишлаб чиқариш жараёнида рўй берган четга чиқишларни тезкорлик билан аниқлаб, уни бартараф қилиш чора - тадбирларини кўради.

Тезкор таҳлилнинг асосий вазифаси топшириқларни мунтазам назорат қилиш, маҳсулотни ишлаб чиқариш ва уни сотиш жараёнини кунда аниқлаш, шу кундаги ишлаб чиқариш резервларини ўз вақтида аниқлаш ва уларнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга жалб қилиш ҳисобланади. Тезкор таҳлил бошқарув тизимида бошқарув ходимларининг тахминан 50 фоиз иш вақтини эгаллайди. Амалда эса унинг умумий бажариладиган таҳлилий ишларда тўтган салмоғи 10 фоизни ташкил этади. Тезкор таҳлил жорий таҳлилдан фарқли ўлароқ у асосан бошлангич маълумотларга асосланади.

Тезкор таҳлил ўз ичига қуйидагиларни олади:

- корхонанинг асосий миқдор ва сифат кўрсаткичлари бўйича ҳамда унинг бўлинмалари сменада, суткада, беш кунликда ва декадалардан четга чиқишини аниқлаш;
- меҳёрдан чиқишга таҳсир қилувчи омилларни аниқлаш;
- камчиликларга йўл қўйган жавобгар шахсларни аниқлаш;

- салбий омилларни бартараф қилиш учун тадбирлар ишлаб чиқиш;

- кўрсатилган вақтда эришилган натижаларни яқунлаш ва «Тор» жой ва илғор бўғинларни аниқлаш.

Тезкор таҳлил одатда куйидаги кўрсаткичлар бўйича олиб борилади: маҳсулотни ишлаб чиқариш, жўнатиш ва сотиш, ишчи кучидан фойдаланиш, асбоб-ускуна ва моддий ресурслардан фойдаланиш, таннарх, фойда ва рентабеллик, тўлов қобиляти. Демак, жорий таҳлилда ўрганиладиган кўрсаткичлар сони тезкор таҳлилда ўрганиладиган кўрсаткичлардан анча кўпдир. Тезкор таҳлилнинг натижаси жорий таҳлилга нисбатан унчалик аниқ бўлмайди. Чунки ойнинг хоҳлаган кунда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳақиқий таннархини ва маҳсулот таннархининг пасайиши натижасида олинган фойда миқдорини аниқ ҳисоблаб чиқиш мумкин эмас, чунки олдиндан маҳсулотнинг қанча қисми шу ойда сотилади, қанча қисми эса келгуси ойда сотилишини аниқ ҳисоблаб бўлмайди. Лекин тезкор таҳлилнинг бу камчилиги унинг аҳамиятини камайтирмайди, зеро, тезкор таҳлил орқали олинган натижаларнинг мутлақ аниқлигидан кўра уни ўз вақтида олиш аҳамиятлироқдир.

Бундай таълилни ўтказиш учун маълумот манбалари бўлиб, бошлангич ҳужжатлар, бухгалтерия ва тезкор техник ҳисоб маълумотлари, унинг шахсий кўзатиш натижалари ҳисобланади. Бу ҳужжатларда иқтисодий кўрсаткичлар купрок натурал ҳолда берилади. Таҳлилни натура кўрсаткичида амалга оширилиши тезкор таҳлилнинг характерли хусусияти бўлиб ҳисобланади.

Истикбол таҳлили. Истикбол таҳлили, деганда хўжалик юритувчи субъектнинг келгуси фаолиятини олдиндан ўрганиш, бўладиган жараёнларни олдиндан белгилаш мақсадида амалга ошириладиган таҳлил тушунилади. Масалан, хўжалик юритувчи субъект бизнес-режани тўзиш учун ўз фаолиятини нима билан яқунлаши тўғрисида аниқ тушунча ва кўрсаткичларга эга бўлиши керак. Бу эса истикбол таҳлили орқали амалга оширилади. Ҳозирги пайтда уни лойиҳа таҳлили, ҳам деб атамоқдалар.

Истикбол таҳлилинини асосий вазифалари бўлиб куйдагилар ҳисобланади:

- 1) хўжалик фаолиятини башорат қилиш;
- 2) истикбол режаларини илмий асослаш;
- 3) уларни бажарилиши устидан назорат қилиш ва баҳолаш.

Корхонани асосий вазифаси халқ хўжалик учун ҳозирги кундаги энг зарур маҳсулотларни керакли миқдорда ва сифатли қилиб ишлаб чиқишдир. Халқ хужалиги учун лозим булган хажмдаги ва турдаги маҳсулотни аниқлаш учун: шу маҳсулотга булган эҳтиёж; корхонани шу маҳсулотни ишлаб чиқариш имконияти; шу турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришдаги бошқа корхоналар имконияти; мол етказиб берувчиларни имкониятлари ва бошқаларни ўрганиш керак.

Ўзоро боғланган объектлар бўйича ўтказиладиган таҳлил турлари



Техник-иқтисодий таҳлил. Ушбу таҳлил комплекс иқтисодий таҳлил ва муҳандислик таҳлилнинг бирикиши асосида ҳосил бўлган. Техника-иқтисодий таҳлил 3 йўналишда олиб борилади:

- ишлаб чиқаришнинг техник даражасини таҳлил қилиш;
- ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, меҳнат ва бошқарувни таҳлил қилиш;
- ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг техник даражасини таҳлил қилиш.

Корхонанинг техник даражасини таҳлил қилиш жараёнида корхонанинг ишлаб чиқариш базасини ривожлантириш даражасини, илғор технология жараёнларини жорий қилиш, ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш, қўл меҳнатини тўла механизациялаш, замонавийлаш-тириш каби масалалар киради.

Ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, меҳнат ва бошқарув масалаларини таҳлил қилиш жараёнида қўлланилаётган бошқарув шакллариининг прогрессивлиги (илғорлиги), бошқарув тизимининг самарадорлиги, бошқарув шакллариининг илғорлиги, бошқарув тизимининг самарадорлиги, бошқарув аппаратини қисқартириш каби ечимлар ҳал этилади.

Маҳсулотнинг техник даражасини таҳлил қилиш жараёнида истехмолчи-лар талабларини ҳисобга олган ҳолда юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш, уларнинг техник ва иқтисодий кўрсаткичлари республикамизда ва чет элларда ишлаб чиқарилган энг яхши (юқори) намуналари билан таққослаш. Маҳсулотнинг техник даражаси уларни аттестация қилиш орқали аниқланади. Техника-иқтисодий таҳлил иқтисодчилар, техниклар, муҳандислар, мутахассислардан тўзилган комплекс бригада орқали амалга оширилади.

Молия-иқтисодий таҳлил. Ушбу таҳлилнинг моҳияти умумий қиймат кўрсаткичлар тизимини ўрганиш ва корхоналарнинг молиявий фаолияти натижаларини таҳлил қилиш билан ифодаланади. Умумлашган қиймат кўрсаткичларига қуйидагилар киради: сотиш бўйича режанинг шартнома мажбуриятини адо этган ҳолда бажарилиши, товар маҳсулоти, бир ишловчига тўғри келадиган йиллик иш унуми, маҳсулот таннархи, фойда ва шу кабилар. Таҳлил қилиш жараёнида ана шу қиймат кўрсаткичлар батафсиллаштирилади. Масалан, маҳсулот ҳажми-таққосланадиган ва таққосланмайдиган, уларни ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш бўйича, маҳсулотнинг сифати кабилар. Маҳсулот таннархи кўрсаткичи умуман ва уларнинг унсурлари ва кальқўляция моддалари бўйича белгиланган бизнес-режанинг бажарилишига таҳсир қилувчи омиллар батафсил таҳлил қилинади. Умумлашган меҳнат унумдорлиги кўрсаткичи (бир ишловчига тўғри келадиган йиллик иш унуми) бир ишчига тўғри келадиган йиллик, кунлик ва соатлик иш унумини ўз ичига олади.

Молия-иқтисодий таҳлилга хос муҳим хусусиятлардан бири - бу асосий ахборот олиш манбалари. Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган ягона ҳисобот шаклларида қўлланилиш ҳисобланади.

Шундай қилиб, молия-иқтисодий таҳлилнинг предмети корхоналар хўжалик фаолиятининг турли томонлари, хўжалик юритиш жараёни,

иқтисодий кўрсаткичларнинг бир-бири билан сабабий боғланиши ҳисобланади.

Молия-иқтисодий таҳлилнинг субъекти - бу корхона, вазирлик, бошқарма, молия-кредит идоралари ва статистика органларининг иқтисодий бўлинмалари ҳисобланади.

Шу билан бирга корхона таҳлилнинг объекти ҳам ҳисобланиб, уларнинг фаолияти юқори ташкилот, молия-кредит ва статистика органлари томонидан ўрганилади. Масалан, молия органлари корхоналарнинг хўжалик фаолиятини таҳлил қилишда асосий эҳтиборни бизнес-режанинг бажарилиши, айланма маблағларининг ҳолати, фойда бўйича бизнес-режанинг бажарилиши, давлат бюджетига тушадиган тўлов мажбуриятларининг бажарилишига қаратадилар. Кредит тизими эса корхоналар ўз айланма маблағлари ҳолатини, олинган кредитнинг товар-моддий бойликлар билан тахминланганлигини, тўлов интизомининг бажарилиши каби масалаларга қаратади.

Ўрганиладиган масалаларга қараб молия-иқтисодий таҳлил тўла ёки танланма характерга эга бўлиши мумкин. Молия-иқтисодий таҳлилнинг ўтказиш муддатлари кунлик, хафталик, декадалик, ойлик, кварталлик, йиллик бўлади. Молия-иқтисодий таҳлилнинг турлари: дастлабки, тезкор ва жорий таҳлилдан иборат.

Функционал - қиймат таҳлили. Маҳсулот таннархини камайтириш борасида кераксиз ва ортиқча харажатларни минимал даражага келтириш маҳсулот ишлаб чиқаришни лойиҳалаштириш ва уни ишлаб чиқариш чоғида ҳар томонлама ҳисобга олиш керак. Бу масалани ижобий ҳал қилишда ФҚТ асқотади. ФҚТ – объектни (маҳсулот) технологик ва меҳнат жараёнлари тизимли тарзда тадқиқ қилиб, меҳнат ва моддий ресурслардан самарали фойдаланишга қаратилган чора - тадбирларни ишлаб чиқади. Ушбу таҳлил усули ушбу маърузалар курсида алоҳида мавзу сифатида куриб чиқилади.

Бошқариш масштаби ва даражаси бўйича

ўтказиладиган таҳлил турлари

Хўжаликлараро ( заводлараро) қиёсий таҳлил. Киёслаш (таққослаш) - бу иқтисодий таҳлилнинг энг кўп қўлланиладиган усулидир. Қиёсий таҳлилнинг 2 асосий тури мавжуд: ички завод таҳлили, яъни таҳлилнинг объекти сифатида шу корхонага тааллуқли хўжалик жараёни ўрганилади; заводлараро, қачонки бир қатор корхоналарнинг хўжалик фаолияти таҳлил қилиниб, тармоқдаги илғор тажриба ўрганилади.

Таққослама заводлараро таҳлилнинг моҳияти алоҳида олинган корхоналарнинг хўжалик фаолиятини уларнинг кўрсаткичларини ҳар томонлама ўрганиб, эришилган натижалар даражасини ҳолис фарқлаш ва иқтисодий кўрсаткичларга таҳсир қилувчи асосий омилларни аниқлаш ҳамда илғор тажрибаларни ишлаб чиқаришга тадбиқ қилиш натижасида ички хўжалик резервларини аниқлашдан иборатдир.

Таққослама таҳлил корхонанинг барча иқтисодий кўрсаткичларини ўз ичига олиши мумкин ёки бошқача сўз билан айтганда комплекс характерга эга бўлади. Таққослама таҳлилнинг мазмуни қўйилган мақсад ва

текшириладиган объектга қараб қуйидагича туркумланади:

- объект бўйича (корхона, цехлар, ишлаб чиқариш участкаси, иш жойи);
- мавзунинг (тема) мазмуни бўйича – меҳнат предметлари, меҳнат воситалари, меҳнат ва молия ресурсларини таҳлил қилиш ва ҳоказо;
- таҳлилни ўтказиш доираси – комплекс таҳлил ва махсус (тематик) таҳлил.

Таққослама таҳлилнинг энг муҳим услубий масалалардан бири ўрганиладиган объектни бир-бири билан солиштириш шартларига риоя қилишдир:


- таққосланадиган кўрсаткичларнинг сифат жиҳатдан бир хиллиги ва уларни ҳисоблаш усулининг бирлиги (масалан, маҳсулот таннархига киритиладиган харажатларнинг бир хиллиги);
- маҳсулотни яғона ўлчаш, ўзгармас баҳо билан ўлчаш, жўғрофий шароитларнинг ўхшашлиги;
- таққосланадиган даврда иш кунларининг бир хиллиги ва ҳоказо.

Корхона фаолиятини таҳлили. Корхоналар юридик мустакил шахс бўлиб, ўзларининг мустакил балансларига эга, ўз иш фаолиятларини низом асосида олиб борадилар.

Корхоналар давлат, кооператив корхоналар бўлиши мумкин ва булар ўз иш фаолиятларини саноатда, қурилишда, қишлоқ хужалигида, транспортда, алоқада, савдо, моддий-техника таъминоти ва бошқа хизмат кўрсатувчи соҳаларда амалга оширадилар.

Таълилни ўзига хос хусусияти корхонада аналитик ишни олиб бораётган органларнинг вазифаларидан келиб чиқиб қуйидагиларга боғлиқ булади: корхона иқтисодиётини ўрганиш кетма-кетлигига, таҳлил қилиш тематикасига аналитик иш шакллари.

Ички хўжалик таҳлили. Корхоналар хўжалик фаолиятини таҳлил қилишдан фарқли уларок ички хўжалик таҳлилинини ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, бунда алоҳида бўлинмалар иш фаолиятини (умумий жамоа ютуқларига кўшган хиссасини баҳолашда) деталлаштирилади. Бу таҳлилга халқ хужалиги асосий бугинини бошқаришни барча босқичлари, яъни оддий иш жойигача булган босқичлари киради. (14-чизма)



-чизма. Ички хўжалик (завод) таҳлили услуги

## Мавзу бўйича таянч иборалар:

Корхона ва фирмаларда иқтисодий таҳлилни ташкил этиш қилиш;  
Таҳлилни ташкил этиш босқичлари;  
Таҳлил натижаларини умумлаштириш ва расмийлаштириш;  
Иқтисодий таҳлил кенгаши;  
Таҳлил учун зарур ахборотлар ва уларнинг турлари;  
Иқтисодий ахборотлар;  
Илмий-техникавий ахборотлар;  
Табиий-экологик ахборотлар;  
Таҳлил учун керакли бўлган ахборотларга қўйилган талаблар ва уларни тўғрилигини текшириш;  
Бухгалтерия ҳисоби ахборотлари.

## Такрорлаш учун саволлар

Хўжалик субъектларида таҳлил ишларини кимлар олиб боришади?  
Хўжалик субъектларини таҳлил ишларига масъул жавобгарлар бўлиб кимлар ҳисобланади?  
Хўжалик субъектларида таҳлил ишларини ташкил этиш мажбурийми ёки ихтиёрий?  
Таҳлилни ташкил этиш босқичларини санаб ўтинг?  
Таҳлил натижалари қандай расмийлаштирилади?  
Таҳлил натижалари кимга тақдим этилади?  
Таҳлил жараёнларида қандай турдаги маълумотлардан фойдаланилади?  
Таҳлилда фойдаланиладиган маълумотларга қандай талаблар қўйилади?  
Маълумотларнинг тўғрилиги қайси усуллар орқали текширилади?  
Таҳлилнинг турларини таснифлаб беринг?  
Таҳлил жараёнларида маълумотларни компьютерларда қайта ишлашнинг афзалликлари нимада?

## Мустақил ўрганиш учун топшириқлар

### 1-топшириқ

Ўзбекистон Республикасида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини бошқаришда иқтисодий таҳлилнинг тутган ўрни ва салоҳиятини ўз фикр-мулоҳазаларингиз орқали баён қилиб беринг.

### 2-топшириқ

Автоматик бошқариш системаси шароитида корхоналарнинг хўжалик жараёнларини таҳлил этишнинг хусусиятларини изоҳлаб беринг.

### 3-топшириқ

Автоматлаштирилган бошқарув тизимида иқтисодий таҳлилни ҳам автоматлаштиришнинг истиқболларини ўз фикр-мулоҳазаларингиз орқали изоҳлаб беринг. Таҳлил жараёнида қандай компьютер дастурларидан фойдаланиш мумкинлигини кўрсатиб ўтинг.

## Тест саволлари

#1. Ўрганадиган даврига қараб иқтисодий таҳлилнинг турлари қайси жавобда тўғри ақс эттирилган?

- А) Жорий таҳлил, бошқарув таҳлили, молиявий таҳлил;
- В) Тезкор таҳлил, ички таҳлил, ташқи таҳлил;
- С) Тезкор таҳлил, жорий таҳлил, функционал қийматли таҳлил, хўжаликлараро таҳлил;
- Д) Тезкор таҳлил, жорий таҳлил, истиқболли таҳлил.

#2. Корхоналарни бошқаришдаги ўрнига қараб иқтисодий таҳлилнинг турини белгиланг.

- А) Бошқарув (ички) таҳлил ва молиявий (ташқи) таҳлил;
- В) Молиявий таҳлил ва жорий таҳлил;
- С) Бошқарув таҳлили ва тезкор таҳлил;
- Д) Бошқарув таҳлили ва истиқболли таҳлил;

#3. Таҳлил жараёнида қандай турдаги ахборот манбаларидан фойдаланилади?

- А) Иқтисодий ва ҳуқуқий;
- В) Иқтисодий;
- С) Ҳуқуқий ва табиий экологик;
- Д) Иқтисодий, ҳуқуқий-меъёрий, илмий-технологик, табиий-экологик ва бошқа турдаги маълумотлар;

#4.Қайси манбалар таҳлил этиш жараёнида асосий манба бўлиб ҳисобланади?

- A)Иқтисодий ва экологик;
- B)Ҳисоб ва ҳуқуқий;
- C)Бухгалтерия, статистика, оператив техник ҳисоб ва ҳисобот, ҳисобдан ташқари манбалар;
- D)Тафтиш натижасининг далолатномаси;

#5.Иқтисодий таҳлил ўтказиш босқичларининг кетма-кетлиги қайси жавобда тўғри акс эттирилган?

A)Маълумотлар тўплаш; қайта ишлаш; таҳлил этиш; таклифлар билдириш;

B)Таҳлил ўтказишнинг режаси ва дастурини тузиш; таҳлил учун керакли бўлган манбаларни аниқлаш, йиғиш ҳамда ҳисобланадиган кўрсаткичларни белгилаш; тўпланган маълумотларнинг тўғрилигини текшириш ва таҳлил учун мослаштириш; бевосита хўжалик субъектларининг барча соҳаларини белгиланган тартибда таҳлил қилиб чиқиш; таҳлил натижаларини умумлаштириш ва расмийлаштириш; таҳлил натижасида илғор ғоя ва тажрибаларни амалиётда қўллаш шарт-шароитларини кўрсатиб бериш ҳамда уларни амалиётга тадбиқ этиш;

C)Таҳлил ўтказишнинг режаси ва дастурини тузиш; таҳлил учун керакли бўлган манбаларни аниқлаш, йиғиш ҳамда ҳисобланадиган кўрсаткичларни белгилаш; бевосита хўжалик субъектларининг барча соҳаларини белгиланган тартибда таҳлил қилиб чиқиш; таҳлил натижаларини умумлаштириш ва расмийлаштириш; таҳлил натижасида илғор ғоя ва тажрибаларни амалиётда қўллаш шарт-шароитларини кўрсатиб бериш ҳамда уларни амалиётга тадбиқ этиш;

D)Маълумот тўплаш; таҳлил қилиш; ечимини аниқлаш.

#6.Таҳлил учун йиғилган маълумотларни текшириш нечта ва қандай усулларда олиб борилади?

A)2 та усул орқали: техник (юзаки) текшириш усули; мазмунан (мантиқий) текшириш усули;

B)3 та усул орқали: таққослаш усули; техник (юзаки) текшириш усули; мазмунан (мантиқий) текшириш усули;

C)4 та усул орқали: таққослаб текшириш усули; гуруҳлаштириб текшириш усули; техник (юзаки) текшириш усули; мазмунан (мантиқий) текшириш усули;

D)1 та усул орқали: техник (юзаки) текшириш усули;

#7. Хўжалик фаолиятини таҳлил этишнинг автоматик бошқариш системаси шароитида амалга оширилиши қандай принципларга амал қилади?

A) Аниқ мақсадга эга эканлиги; системалашганлиги; комплекслилиги; ихчамлашганлилиги; узлуксизлик ва мунтазамлилик; таққосланиш

имкониятини кенглиги; ечим лойиҳаси аниқ ва ихчамлилиги;

В) Системалашганлиги; комплекслилиги; ихчамлашганлилиги; узлуксизлик ва мунтазамлилик; ечим лойиҳаси аниқ ва ихчамлилиги

С) Аниқ мақсадга эга эканлиги; системалашганлиги; ихчамлашганлилиги; узлуксизлик ва мунтазамлилик;

Д) Таҳлил дастурини тузиб олишлик; тизилмалилик; ишончлилик; бетарафлилик; даврийлик; таққосланувчанлик.

#8. Қуйидаги қайси жавобда иқтисодий ахборот манбалари бошқа ахборотлардан қандай хусусиятлари билан ажралиб туришлиги тўлиқ кўрсатиб берилган?

А) Хужжатлашганлиги - барча иқтисодий ҳодиса ва жараёнлар содир бўлиши билан тегишли бошланғич хужжатларда қайд этилади ҳамда ахборот сифатида расмийлашади; турли-туманлиги; ҳодиса ва воқеалар кўпгина манбаларда қайд этилиб, ҳажми, мазмуни, шакли жиҳатидан бир-биридан фарқланиши; оммавийлиги ва ҳажмининг кенглиги; кўпгина иқтисодий ахборотлар тегишли шаклга эга бўлганлиги, ҳисобот шаклларининг юқори органлар томонидан тасдиқланганлиги уларни тушунишни, билишни осонлаштиришлиги; маълум даврларда такрорланиб туришлиги; тасдиқланган меъёрий хужжатлар мунтазам тўлғазилиб тегишли ташкилотларга топширилиш кўзда тутилганлиги; ҳисобот даврлари-чораклар, ярим ҳамда йиллик муддатларга бўлиниб ахборотлар тузилишлиги; қонунлашганлиги ва чегараланганлиги; барча иқтисодий ахборотлар давлат ташкилотлари, молия вазирлиги, макроиқтисод вазирлиги ва Давлат Солиқ Қўмитаси томонидан тасдиқланган шаклларга асосланиб тузилганлиги; бозор иқтисоди шароитида корхоналар учун муҳим саналган айрим маълумотлар бошқалар учун махфий бўлиб, фақат эгасининг руҳсати билан эълон қилинишлиги; кўп қирралилиги ва сермазмунлиги; иқтисодий ахборотлар миқдорий ва қиймат ўлчамларида кўрсатилишлиги; бошланғич хужжатларда корхона номи, имзо чекувчиларнинг насл-номаси, даври ва маҳсулотларнинг турлари кўрсатилган ҳолда расмийлашганлиги;

В) Кўп қирралилиги ва сермазмунлиги; иқтисодий ахборотлар миқдорий ва қиймат ўлчамларида кўрсатилишлиги; бошланғич хужжатларда корхона номи, имзо чекувчиларнинг насл-номаси, даври ва маҳсулотларнинг турлари кўрсатилган ҳолда расмийлашганлиги;

С) Барча манбааларнинг умумий бирлиги ва узвий боғлиқлиги сақланишлиги ҳамда улардаги ахборотлар бир-бирини тўлдириб турилишлигини тақозо этишлиги;

Д) Барча жавоблар нотўғри.

#9. Таҳлил жараёнида фойдаланиладиган ахборот манбалари қуйидаги қайси талабларни бажариши лозим?

А) Ҳаққонийлик ва ҳолисоналик тамоилига амал қилинади; манбаалар таҳлил қилиниши учун кенг имкониятли бўлмоғи лозим, яъни режа, ҳисоб ва статистик малумотлар ҳодиса ва жараёнлар мазмунини тўлиқ ёритиши, талаб



қилинган вазифаларни бажариши керак;

В)Иқтисодий ҳодиса ва воқеаларни ифодаловчи манбаалар аниқ ўлчамда акс эттирилиши лозим;

С)Манбааларга киритилган кўрсаткичларни аниқланиш тамоиллари ва акс эттириладиган даврлар мослиги зарурдир ва ҳақозолар;

Д)Барча жавоблар тўғри.

#10. Бошқарув объектларининг бир-бирига боғлиқлиги бўйича иқтисодий таҳлил қуйидаги қандай турларга ажратилади?

А)функционал – иқтисодий (функционал – қийматли ) таҳлил; техник – иқтисодий таҳлил; ижтимоий – иқтисодий таҳлил; иқтисодий – экологик таҳлил;

В)техник – иқтисодий таҳлил; ижтимоий – иқтисодий таҳлил;

С)ички хўжалик таҳлили;

Д)иқтисодий – экологик таҳлил;

**IV -БОБ.**

**МАҲСУЛОТ (ИШ, ХИЗМАТ)ЛАР ИШЛАБ  
ЧИҚАРИШ ВА СОТИШ ҲАЖМИНИНГ ТАҲЛИЛИ**

**4.1. Хўжалик субъектларининг маҳсулот (иш, хизмат)лар ишлаб  
чиқариш ҳамда сотиш жараёнларини таҳлил этишнинг аҳамияти ва  
вазифалари**

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корхона ишлаб чиқариши кўзда тутган маҳсулотлар ҳажми истеъмолчиларнинг кўлами ҳамда корхона ички имкониятлари билан узвий боғлиқдир. Айниқса, маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун зарур бўлган бойликларнинг чегараланганлиги мўл-кўл товарлар яратишни ҳам чегаралайди. Бундай шароитда корхона ўз ички имкониятларидан келиб чиққан ҳолда маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини тўғри белгилай олиши муҳим аҳамиятга эгадир.

Корхона яратаётган маҳсулотларининг бозорда мўл-кўллиги, рақобатчиларнинг имкониятлари ва истеъмолчиларнинг ихтисослик товарларга бўлган талабларининг ўзгариб туриши ишлаб чиқариш ҳажмини тўғри ва оқилона режалаштиришни талаб этади. Ҳар бир корхона ишлаб чиқарадиган маҳсулотларининг харидорлари билан жорий йил учун шартномавий мажбуриятлар тузадилар. Бунда етказиб берилиши лозим бўлган товарлар тури, миқдори, сифати, нархи ва муддатлари томонлар ўртасида келишилади. Демак, маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш ҳажми истеъмолчиларнинг талаб ва истакларига боғлиқ бўлади.

Ички имкониятларни эътиборга олган ҳолда корхонадаги барча мавжуд бойликлардан тўлиқ фойдаланиб, маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини керакли меъёрада, яъни фойда олишни тўлиқ қафолатланган шароитни таъминлашни кўзда тутиб ишлаб чиқаришни ташкил этилади.

Маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича бизнес режада мўлжалланган ҳажми бажарилишини таъминлаш ҳамда юқори сифатли, харидоргир маҳсулотларни яратилиши корхонанинг бевосита муҳим кўрсаткичлари бўлмиш ишлаб чиқариш таннархи, харажатлар ҳажми, фойда ва рентабеллик, молиявий барқарорлик, тўлов қобилияти, соф пул маблағларининг ҳисобот давр охирига кўпайишини таъминловчи омилдир.

Бошқарув ҳисоботида ишлаб чиқариш кўрсаткичи натура ва қиймат шаклларида акс этади. Жами корхона бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулот, кўрсатилган хизмат қиймат шаклида акс эттирилади. Ҳар бир корхона маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини белгиланган номенклатура, ассортиментда сифатли бажариши лозим. Ҳозирги шароитда маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳажми корхона томонидан мустақил белгиланади ва режалаштирилади.

Ўзбекистон Республикасининг "Корхоналар тўғрисида"ги Қонунининг 20-моддасида қуйидагилар қайд этилган: ***"Корхона ўз фаолиятини мустақил режалаштиради ва хом-ашё ресурсларига, материалларнинг мавжудлигини ҳамда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга, бажарилаётган ишга, кўрсатилаётган хизматга бўлган талабларини ҳисобга олиб тараққиёт истиқболларини белгилайди. Корхона давлат эҳтиёжлари учун шартнома асосида ишлар бажаради, маҳсулот сотади ва хизмат кўрсатади"***.

Маҳсулот мўл-кўллигини таъминлашда аҳолини хилма-хил товарлар билан таъминлашда хорижий сармояларнинг тутган роли катта. Халқаро иқтисодий интеграция жараёнини кузатар эканмиз, ривожланиш даражаси қандай бўлишидан қатъий назар чет эл сармояси киритилган мамлакатлар иқтисодиёти тез суръатлар билан ривожланиб, салмоқли ютуқларга эришаётганлигининг гувоҳи бўламиз. Халқаро молиявий ташкилотлар маълумотларига кўра бир йилда қарийб 400 млрд. АҚШ доллари ҳажмидаги хорижий сармоя бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга, бир минтақадан бошқа минтақага олиб кирилади. Президентимиз Ислам Каримов Олий Мажлиснинг биринчи чақириқ XIV Сессиясидаги маърузасида XXI аср арафаси ва унинг дастлабки йилларида мамлакатимизнинг ривожланиш стратегияси ислохотларни чуқурлаштириш ва жамиятни янгилаш борасидаги асосий устивор йўналишлар ҳақида тўхталиб, жумладан шундай деган эди: ***«Бешинчи устувор йўналиш - бу иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни таъминлашдир. Мазкур ўзгаришлар корхоналарни янгилаш ва техник қайта жиҳозлашга, мамлакатнинг бой табиий ва минерал хом-ашё салоҳиятидан тўла ва самарали фойдаланишга, экспортга мослашган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган қувватларни барпо этишга қаратилмоғи лозим»***.

2010 йил 29 январь куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган мажлисда Президентимиз Ислам Каримов ***"Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир"*** мавзусида маъруза қилди. Мазкур маъруза энг аввало, мазмун-моҳиятининг теранлиги, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётини чуқур таҳлил қилинганлиги билан аҳамиятлидир. Унда мамлакатни ривожлантириш ва янгилаш, модернизация қилишнинг тўғри танланган стратегияси, қабул қилинган 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини бажариш борасида 2009 йилда куч ва имкониятларнинг сафарбар қилиниши туфайли глобал инқирознинг оқибатлари ва таҳдидларига нафақат бардош беришга, балки иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг барқарор суръатларини, халқ бардамлиги ва фаровонлигини оширишни таъминлашга муваффақ бўлинганлиги қайд этилади.

Маърузада 2009 йилда чуқурлашган жаҳон молиявий-иқтисодий иинқироzi шароитларида Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатлари таъминланиши жаҳон ҳамжамиятида иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг ***"ўзбек модели"***

сифатида эътироф этилган иқтисодий инқилоб қилишнинг бешта асосий тамойилига асосланган ва республикада танланган иқтисодий йўлнинг тўғрилигини инкор қилиб бўлмайдиган яна бир исботи эканлиги алоҳида таъкидланди.


Иқтисодий ислохотларни қонуний жиҳатдан таъминлашга йўналтирилган бундай ва бошқа бир қатор тадбирлар 2009-2012 йилларга мўлжалланган, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини имкон қадар камайтиришга қаратилган Инқирозга қарши чоралар дастурини самарали амалга оширишни ҳуқуқий таъминлаш, дунёдаги санокли давлатлар қаторида Ўзбекистонга иқтисодий инқилобнинг барқарор ўсиш суръатларини сақлаб қолиш ва аҳолининг реал даромадларини ошириш имконини берди.

*Бугунги кунда иқтисодий инқилобнинг барча муҳим тармоқлари изчил ривожланмоқда. Хусусан, бу хулосаларни тасдиқлайдиган рақамлар ҳақида гапирадиган бўлсак, оғир келган 2009 йилда мамлакатимизнинг ялли ички маҳсулоти 8,1 фоизга ўсгани, саноат соҳаси 9 фоизга, иқтисодий инқилобга жалб этилган инвестициялар ҳажми 26 фоизга, шу жумладан, ташқи инвестициялар 68 фоизга ошгани, ташқи савдонинг ижобий салдоси 2,3 миллиард доллардан кўпроқни ташкил этгани, ўртача ойлик маоши даражасининг ўсиши 40 фоизга, аҳоли даромадлари эса 26,5 фоизга кўпайганини таъкидлаш лозим.*

Бозор иқтисодий шароитида мулк шаклидан қатъий назар барча фирма ва компанияларда маҳсулотларни энг аввало сотиш учунгина ишлаб чиқаришни ташкил этадилар. Фақатгина буюртмачи талаби асосида ва истеъмолчиларнинг дидини мўлжаллаб, барча талабни қондириш мақсадида сифатли товарлар ишлаб чиқаришга ҳаракат қиладилар. Маҳсулотларнинг ўз муддатида сотилиши ишлаб чиқаришни маромида давом этишини таъминлайди, бойликларнинг айланишини тезлаштиради. Маҳсулот сотиш орқали қилинган доимий ва ўзгарувчи ҳаражатлар қопланади ва фирма фойда кўришни мўлжаллайди. Сотиш ҳажми ишлаб чиқариш жараёнининг сўнгги босқичидир. Маҳсулот сотишдан келган тушум орқали корхона биринчи галдаги тўловларни амалга оширади. Бу ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида бажарилиши турли хил жарима, иқтисодий огоҳлантиришлар ва пенялар тўлашдан корхонани қутқаради.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ўз вақтида сотилиши корхонанинг ижобий молиявий натижага эришиши, дивиденд тўловларини ўз вақтида амалга ошириши, мулк ва маблағларнинг узлуксиз ҳамда самарали айланиши каби кўпгина молиявий аҳвол муносабатларини яхшилаш имкониятини туғдиради. Сотиш жараёнини муддатида бажарилиши корхонанинг ишлаб чиқариш ва таъминот жараёнларини ҳам тезлашишига таъсир этади, дебиторлик ва кредиторлик қарзларини қисқартиради, пул оқимларини ижобий бўлишини таъминлайди. Бу фикрларни оддий ифодалаш мақсадида қуйида маблағларнинг корхона ва фирмалардаги ҳаракат қилишини чизма шаклида келтирамыз:

**-чизма**



**-чизма. Маблағларнинг корхонадаги ҳаракати чизмаси**

Сотиш бўйича режанинг бажарилишида тайёр маҳсулот ва унинг сифати муҳим ўрин тутади.

*Тайёр маҳсулот деб* - барча ишлов операцияларидан ўтиб, тайёр ҳолга келтирилган, белгиланган давлат стандарти ёки техник талабларга жавоб берадиган, техник назоратдан ўтган маҳсулотга айтилади. Тайёр маҳсулот таркибига буюртмачи корхоналар учун бажарилган иш ва

хизматлар ҳамда ушбу корхонага қарашли ишлаб чиқаришдан ташқари хўжаликлар учун бажарилган иш ва хизматлар ҳам киради.

**Сотиш учун мўлжалланган маҳсулот товар маҳсулоти деб номланади.** Унинг таркибига сотиш учун мўлжалланган тайёр маҳсулотлар, ярим тайёр моллар, буюртмачи корхона ва муассасалар учун бажарилган саноат характериға эға бўлган ишлар киради.

Бозор иқтисодиёти шароитида нарх турлари кўпаяди: улгуржи, чакана нархлардан ташқари яна ички, халқаро нархлар мавжуддир. Ички нарх товарларға давлат ичкарасидаги белгиланган нарх, халқаро нарх эса товарларға халқаро бозорда белгиланган нархдир. **Булардан ташқари бозор иқтисодиёти шароитида икки хил нарх амал қилади :**

1. Эркин нарх.
2. Давлат томонидан белгиланадиган нарх

Давлат томонидан белгиланадиган нарх кейинчалик қисқариб боради, эркин нархнинг доираси кенгайиб боради. Корхоналар ўз ишлаб чиқарган маҳсулотларини эркин нархда истеъмолчилар билан келишилган нархда сотишға интиладилар. Камёб молларни товар биржаси орқали сотиш, ким ошди савдоси орқали сотиш кенг ривожланади.

Омборға қабул қилинган ва харидор корхоналарига жўнатилган маҳсулот бухгалтерия ҳисобида ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархи бўйича акс этирилади. Бироқ цехлардан маҳсулот омборға қабул қилинганда унинг ҳақиқий таннархи маълум бўлмагани учун маҳсулот ҳаракатини ҳисобда қабул қилинган режа таннархи ёки улгуржи баҳода ҳисобға олинади, яъни баҳоланади.

Корхонанинг барча эришган натижавий кўрсаткичлари тўғридан-тўғри маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларни сотиш билан бевосита боғлиқлигини эътиборға олсак, **бу борадаги иқтисодий таҳлилнинг муҳим вазифалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:**

1. Маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг бизнес режада мўлжалланган ҳажмда бажарилганлигига баҳо бериш;
2. Ишлаб чиқаришнинг таркиби, динамикаси ва ўзгариш сабабларини омилли таҳлил этиш;
3. Маҳсулотларнинг сифати ва стандарт талабларига жавоб бериш даражасини ўрганиш;
4. Маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш имкониятларини аниқлаш;
5. Маҳсулот номенклатураси ва ассортиментига баҳо бериш ҳамда ўртача ассортимент режасининг бажарилишини таҳлил этиш;
6. Маҳсулот ишлаб чиқариш маромийлиги ва унга таъсир этувчи омилларға баҳо бериш;
7. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмини кўпайтириш бўйича мавжуд имкониятларни кўрсатиб бериш;
8. Аниқланган имкониятларни ҳаётға тадбиқ этиш борасида таклифлар кўрсатиш ва ҳақозо.

9. Маҳсулот (иш, хизмат)лар сотиш ҳажми бўйича белгиланган бизнес-режанинг асослилигини аниқлаш;
10. Маҳсулот (иш, хизмат)лар сотиш режасининг умумий ҳажмда ҳамда шартнома мажбуриятларини ҳисобга олган ҳолда бажарилишига объектив баҳо бериш;
11. Маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг сифат кўрсаткичларини ўрганиш ва уларнинг сотиш ҳажмига таъсирини аниқлаш;
12. Маҳсулот сотиш ҳажмларининг динамик ўзгариш сабабларини аниқлаш ва баҳо бериш;
13. Маҳсулот сотиш ҳажмига таъсир этувчи омилларни ҳисоблаш ва уларга баҳо бериш;
14. Шартнома мажбуриятларини бузилиши, бажарилмаслик сабабларини аниқлаш ва унга баҳо бериш;

***Маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш муомалалари таҳлилининг объектлари бўлиб эса қуйидагилар ҳисобланади:***

- Маҳсулотлар турлари ва ассортименти бўйича ишлаб чиқариш ҳажми;
- Маҳсулотларнинг сифати ва рақобатбардошлиги;
- Ишлаб чиқарилган ва сотилаётган маҳсулотларнинг таркиби;
- Ишлаб чиқаришнинг маромийлиги ва узлуксизлиги.

***Бугунги иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корхоналарнинг маҳсулот (иш, хизмат)лар ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмларини таҳлил этишда иқтисодий таҳлилнинг асосий ахборот манбалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:***

- корхонанинг бизнес режа маълумотлари;
- «Корхона (бирлашма)нинг маҳсулоти бўйича ҳисоботи» (1-П шакл) номли статистик ҳисоботи маълумотлари;
- «Тайёр маҳсулотлар ҳаракати» тўғрисидаги 16-сонли ведомост;
- «Бухгалтерия баланси» (1-шакл) маълумотлари;
- «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» (2-шакл) маълумотлари ва бошқа ахборот манбалари.
- «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» маълумотлари;
- бошқа қўшимча маълумотлар.

#### **4.2. Маҳсулот (иш, хизмат)лар ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмлари бўйича белгиланган бизнес режаларнинг бажарилишини таҳлили**

Ҳозирги иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида саноат корхоналарининг ишлаб чиқарган маҳсулотлар ҳажми миқдорий, шартли – миқдорий, меҳнат ва қиймат ўлчовларида ўрганилиши мумкин. Бу ўлчовлар таркибида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажмини ўрганишда қийматда ҳисобланган кўрсаткичларни таҳлил этиш муҳим ўрин эгаллайди. Яъни,

корхона бўйича барча турдаги ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми қиймат ўлчовида умумлашади. **Иқтисодий таҳлил учун саноат корхоналари ишлаб чиқарган маҳсулот ҳажмини ўрганишда қуйидаги умумлаштирувчи кўрсаткичлар ўрганилади:**

- Ялпи маҳсулот;
- Товар маҳсулоти;
- Сотилган маҳсулот.

**Ялпи маҳсулот** – бу корхонанинг маълум бир даврда (кун, ой, чорак, йил) ишлаб чиқарган маҳсулоти, кўрсатган хизмат ва бажарган ишларининг амалдаги ва солиштирма баҳода ўлчанган ҳажмига айтилади. Бунда унинг таркибига ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулот, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар, тугалланмаган ишлаб чиқариш қийматлари, корхонанинг ўз капитал ремонт учун сарфланган ярим фабрикатлар қиймати, буюртмачиларнинг хом-ашёсидан тайёрланган маҳсулотлар қиймати ҳам қўшилган ҳолда акс этади. Ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот ҳажми корхонанинг қуввати, имконияти ва ихтисослашувини ўрганишга ҳамда таҳлил ўтказишга имконият яратади.

**Товар маҳсулоти** – бу истеъмолчиларга етказиб бериш учун мўлжалланган маҳсулотлар бўлиб, ялпи маҳсулотдан шу жиҳатлари билан фарқ қиладиги, унинг таркибига тугалланмаган ишлаб чиқариш ва корхона ички истеъмоли (оборот) учун фойдаланилган маҳсулотлар ҳамда буюртмачиларнинг хом-ашёсидан тайёрланган маҳсулотлар киритилмайди.

**Сотилган маҳсулот** – истеъмолчиларга жўнатилган, ёки харидорлардан пули келиб тушган маҳсулотлар қийматига айтилади. Сотилган маҳсулотлар ҳажми солиштирма, бизнес режадаги ва амалдаги баҳоларда ҳисобланиши мумкин. Бу кўрсаткичга қараб ишлаб чиқариш ва истеъмол ўртасидаги боғлиқлик, корхонанинг маҳсулотларини сотиш ҳажмини кўпайтириш бўйича имкониятлари бор ёки йўқлигини таҳлил қилишга асос бўлади.

Амалдаги эълон қилинаётган молиявий ҳисоботнинг иккинчи шакли “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот” маълумотларида сотилган маҳсулотлар ҳажмини ўтган ва жорий йиллардаги кўрсаткичларини ўрганиш учун сотишдан соф тушум, сотилган маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннархи каби кўрсаткичлар акс эттирилмоқда. Бу маълумотлар ҳам таҳлил учун муҳим манба сифатида фойдаланилади.

Корхоналарнинг маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини таҳлил қилишда муҳим ўринни миқдорий кўрсаткичларни ўрганиш эгаллайди. Бунда маҳсулот турлари бўйича дона, метр, тонна ва ҳақозо бирликларда ишлаб чиқариш суръати, динамикаси ва ўзгариш даражаларини аниқлаш борасидаги таҳлилнинг имкониятлари яратилади.

Иқтисодий таҳлилда маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ўрганишда шартли – миқдорий кўрсаткичлардан ҳам фойдаланилади. Айниқса, товарлар ҳажмини ўрганишда, масалан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарда минг шартли банка, пахта қайта ишловчи корхоналарда шартли – пахта тойи, пояфзал ишлаб



чиқарувчи корхоналарда шартли – жуфт оёқ кийимлари каби кўрсаткичлар таҳлил қилинади.

Шунингдек, кўп турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарнинг фаолиятини таҳлил қилишда сарфланган меҳнат миқдорига қараб ҳам маълумотлар ўрганилади, яъни ҳар бир ишлаб чиқарилган маҳсулотлар учун сарфланган киши-соати ёки киши-куни, бир киши куни ёки соатида яратилган маҳсулотларнинг миқдори каби шартли – миқдорий маълумотларни ўрганиб ҳам ишлаб чиқариш фаолиятига баҳо берилади.

Саноат корхоналарининг маҳсулотлар ишлаб чиқариш даражасини таҳлил қилишда муҳим ўринни биз юқорида таъкидлаганимиздек, қиймат ўлчовида ҳисобланган умумлашган маълумотларни ўрганиш эгаллайди. Яъни, ишлаб чиқарилган ялпи ва товар маҳсулоти, сотилган маҳсулотлар қийматини бир неча йиллар маълумотларига асосланиб таҳлил ўтказиш лозим.

-жадвал

**Акционерлик жамиятида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг умумлаштирилган кўрсаткичлари таҳлили**

(минг сўмда)

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили		Фарқи (+,-)	
		Бизнес режа бўйича	Ҳақиқатда	ўтган йилга нисбатан	Бизнес режага нисбатан
1	2	3	4	5	6
Ялпи маҳсулот:					
• Амалдаги баҳода	1912902	2236548	2721401	+808499	+484853
• Солиштирма баҳода	2113430	2198763	2553967	+440537	+355204
Товар маҳсулоти:					
• Амалдаги баҳода	1902784	2209568	2701893	+799109	+492325
• Солиштирма баҳода	2109528	2117539	2515931	+406403	+398392
Сотилган маҳсулот:					
• Амалдаги баҳода	1452513	2367492	3040381	+1587868	+672889
• Шартномавий баҳода	1402677	2301769	2984387	+1581710	+682618

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, биз таҳлил қилаётган акционерлик жамиятида жорий даврда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилга нисбатан солиштирма баҳо бўйича 440537 минг сўмга кўпайган бўлса, бизнес режага нисбатан эса 355204 минг сўмга кўпайган. Амалдаги баҳолар бўйича ялпи маҳсулот ҳажми эса бундан кўпроққа ошган. Бу шундан далолат берадики, жорий йилда ўтган йилларга нисбатан маҳсулотлар баҳосининг ўсиши ҳам кузатилган. Маълумотлардан кўришиб турибдики, акционерлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган ялпи маҳсулотларнинг аксарияти сотишга мўлжалланган, яъни товар сифатига эга бўлган. Аммо, акционерлик жамиятида ўтган йили товар маҳсулотларининг каттагина қисми сотилмай омборда қолиб кетган. Бу миқдор амалдаги баҳолар бўйича ўтган йили 450271 минг сўмни ташкил этган. Ҳисобот йили маълумотларига

эътибор қиладиган бўлсак, ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулотга нисбатан сотилган маҳсулотлар ҳажми амалдаги баҳолар бўйича 318980 минг сўмга кўп бўлган. Бу шундан далолат берадики, акционерлик жамиятида жорий йилда ўтган йилдан қолган маҳсулотлар қолдигининг каттагина қисмини сотишга муваффақ бўлинган. Бу эса корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмлари бўйича яхши натижаларга эришганлигидан далолатдир. Бундан ташқари корхонада жорий йилида ўтган йили ва бизнес режага нисбатан бир қадар кўп маҳсулот реализация қилинган. Масалан, амалдаги баҳолар бўйича корхона жорий йилда ўтган йилга нисбатан 1587868 минг сўмлик кўп маҳсулот сотилишига эришилган. Бундай натижаларни корхона учун ижобий баҳоламоқ лозим деб ҳисоблаймиз.

Бозор муносабатлари ривожланган сари режанинг аҳамияти тобора ошиб боради. Бирор-бир ишлаб чиқариш, хусусан, тижорат ғоясини режасиз амалга ошириб бўлмаслигини хорижий ишбилармон ва тадбиркорлар аллақачон тушуниб етишган. Бу ерда гап аввалги собиқ иттифоқ давридаги “беш йиллик” режаларимиз ҳақида кетмаяпти. Хорижий ривожланган мамлакатларнинг «беш йиллик» режалари бутунлай бошқача усулда тузилади. Уларни «Бизнес режа» деб аташади. Эркин бозор муносабатлари шароитида ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўзининг ишлаб чиқариш фаолиятини ҳамда келгусида амалга ошириши мумкин бўлган тактик ва стратегик режаларини бизнес режасида акс эттиради.

**Бизнес-режа** – бу хўжалик юритувчи субъектнинг ривожланиш стратегиясини белгилаб берадиган асосий ҳужжатлардан биридир. Шу билан бирга у:

- Корхона раҳбарларига стратегия ҳолатини аниқ белгилашга ёрдам бериб самарали бошқаришга олиб келади;
- Бозор иқтисодиёти шароитида бизнесни қандай режалаштириш ва амалга оширишни ўргатади;
- Ҳақиқий фаолиятни режалаштирилган кўрсаткичлар билан таққослашга ҳам ўз вақтида уларга ўзгартиришлар киритишга ёрдам беради;
- Корхона фаолияти бўйича керакли ахборотларни банкларга инвесторларга ва кредиторларга таклиф этади.

Бизнес-режа корхонанинг иш жараёнини тасвирлаб, корхона раҳбарларининг ўз мақсадларига қандай эришишларини, биринчи навбатда ишнинг даромад келтиришини қай тариқа ошириш мумкинлигини кўрсатиб беради. Яхши ишлаб чиқилган бизнес-режа корхонанинг ўсиб боришига, бозорда янги мавқеларни кўлга киритишга, ўз тараққиётининг истиқболларини белгилаб олишга, янги товарлар ишлаб чиқариш ва янги хизмат турларини яратишга мўлжалларни амалга оширишнинг мақсадга мувофиқ усулларини танлаб олишга ёрдам беради.

Бизнес-режа корхонанинг ички ҳужжати бўлибгина қолмай, балки ундан инвесторлар ва кредиторларни таклиф қилишда ҳам фойдаланиш мумкин. Инвесторлар таваккал қилиб сармоя беришдан аввал лойиҳанинг синчиклаб ишлаб чиқилганига ишонч ҳосил қилишлари ва унинг самарали

эканлигидан хабардор бўлишлари керак. Улар сармоя бериш имкониятларини кўриб чиқишдан олдин бизнес-режани синчиклаб ўрганиб чиқишади, сўнгра лойиҳани ишлаб чиққанлар билан учрашадилар.

Жаҳон амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, бизнес-режа ҳамма учун ўта зарурдир. **Унинг долзарблиги қуйидагилар билан изоҳланади:**

- **биринчидан**, иқтисодиётимизга бозор муносабатлари кириб келмоқда. Хўжалик юритувчи субъектлар бозор шароитида вужудга келадиган муаммоларни тасаввур эта олмайдилар. Уларга жавоб берадиган даражада тайёр эмаслар;
- **иккинчидан**, бутунлай ўзгариб бораётган хўжалик фаолияти соҳаси катта тажрибага эга бўлган раҳбарларнинг иш ҳам юритишда ўзгартириш киритишларини тақозо этади ва айниқса, ҳозирги кунда бир нарса – рақобатга тайёр бўлиб туришга чақиради. Бу соҳада иккинчи даражали ишлар бўлмайди;
- **учинчидан**, хориждан инвестиция олиш зарур, бунинг учун буюртмаларимизни исботлаб бериш қобилиятига эга бўлишимиз, инвестиция маблағларининг ҳар бир жиҳатини хорижий тадбиркорлардан қолишмайдиган даражада ишлаб чиқишимизни инвесторларга кўрсата олишимиз керак.

Тузиладиган бизнес-режанинг ҳажми корхона бажарадиган иш фаолиятига боғлиқ бўлади. Бизнес-режани ишлаб чиқишда ташқи маслаҳатчилардан ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади.

Маҳсулот (иш, хизмат)лар ҳажмини ўрганишда солиштирма, улгуржи баҳоларда ҳамда жорий йилнинг амалдаги баҳоларида аниқланган маълумотлар таҳлил қилинади. Динамикасини аниқлаш учун ҳисобот даврида ишлаб чиқарилган ҳақиқий маҳсулот ҳажми ўтган йиллардагиси билан таққосланиб кўрсаткичларни ўзгариши мутлоқ ва нисбий (фоиз)ларда аниқланиши лозим. Бундай таҳлил қилишда таққосланувчи кўрсаткичлар бир хил баҳоларда ҳисобланган, яъни таққосланувчи талабга келтирилгани мақсадга мувофиқдир. Сабаби, аниқланган ўзгариш ва фарқларда баҳо омилининг таъсири бўлмасдан фақат миқдорий ўсиш ёки камайишлар аниқ ҳолати кўрингани таҳлилнинг таъсирчанлигини орттиради. Маҳсулот (иш, хизмат)лар ҳажмини ўтган йилларга нисбатан ўсиш суръатлари бир хил солиштирма улгуржи баҳода аниқланади. Амалдаги улгуржи баҳода ифодаланган маҳсулот (иш, хизмат)лар ҳажмини солиштирма баҳодагиси билан таққослаш орқали баҳонинг ўзгаришини маҳсулот миқдorigа таъсири аниқланади.

-жадвал

**Акционерлик жамиятида маҳсулот ишлаб чиқариш режасининг бажарилиши ва динамикасини таҳлили**

Кўрсаткичлар	Ўтган	Ҳисобот йили	Фарқи (+,-)
--------------	-------	--------------	-------------

	йил	Бизнес режа бўйича	Ҳақи- катда	Режадан		Ўтган йилдан	
				Мутлоқ, минг сўм	Нис- бий, %	Мутлоқ, минг сўм	Нис- бий, %
1	2	3	4	5	6	7	8
Маҳсулот ҳажми (иш, хизмат) улгуржи баҳода, минг сўмда:							
• Солиштирма улгуржи баҳода	2113430	2198763	2553967	+355204	+16,15	+440537	+20,84
• Амалдаги улгуржи баҳода	1912902	2236548	2721401	+484853	+21,68	+808499	+42,26

Акционерлик жамияти маҳсулот ишлаб чиқариш режасини солиштирма ва амалдаги улгуржи баҳолар бўйича ортиғи билан адо этган. Маълумотлардан кўринадики акционерлик жамиятида ҳисобот йили маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми солиштирма улгуржи баҳо бўйича ўтган йилга нисбатан 440537 минг сўмга, бизнес режага нисбатан эса 355204 минг сўмга кўпайган. Амалдаги улгуржи баҳолар бўйича эса маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўган йилга нисбатан 808499 минг сўмга ёки 42,26 фоизга, бизнес режага нисбатан эса 484853 минг сўмга ёки 21,68 фоизга ўсган. Бундай натижалар шундан далолат берадики, маҳсулот ҳажмининг солиштирма баҳоси билан амалдаги баҳоси ўртасидаги фарқ баҳо ўзгаришининг маҳсулот ҳажмига таъсирини акс эттиради. Бундан кўринадики, корхонада жорий йилда товарлар баҳосида ўсиш кузатилган. Бу эса иқтисодиётда маълум даражада инфляциянинг мавжудлигидан далолатдир.

Маҳсулот ишлаб чиқариш бизнес режасини бажарилиши ва унинг динамикаси миқдорий (дона, кг, тонна) ўлчамларда аниқланиб таҳлил этилади. Бундай таҳлил миқдор ўлчамидаги маълумотларни ўргансада, аниқ ҳолатни ва мавжуд имкониятни батафсилроқ акс эттиради. Сабаби, фирма қанча турдаги ва миқдордаги маҳсулотлар ишлаб чиқарган бўлса, фақат ҳақиқатда эришилган натижаларгина ўрганилади. Таҳлил давомида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ўртача йиллик ўсиш даражасини аниқлаш лозим.

Бугунги кунда республикамизда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини оширишда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг ҳиссаси ортиб бормоқда. Президентимиз Ислоҳ Каримов ўз маърузаларида бу ҳақда қуйидагиларни таъкидлаб ўтган: *“Биз учун устивор учун бўлиб қолаётган энг муҳим вазифалардан яна бири – бу кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш масаласидир. Сўнги пайтда бу йўналишда ўта муҳим қонун ҳужжатлари ва қарорлари қабул қилинди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўсиши тамойиллари, шунингдек, уларга бериладиган имтиёз ва енгилликлар тизими аниқ белгилаб қўйилди. Хусусий корхона тўғрисидаги қоидалар қонун нуқтаи-назаридан мустаҳкамланади. Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш тартиби тубдан янгиланади ва*

соддалаштирилади. Ҳозирги вақтда бу иш битта идорада, таъбир жоиз бўлса “битта дарча”нинг ўзида тўла амалга ошириш тартиби жорий этилди. Бунда тадбиркорлик субъектини рўйхатга олиш билан бир вақтнинг унинг муҳандислик тармоқларига йўналишига рухсат берувчи ҳужжатлар ҳам расмийлаштирилади, солиқ ва статистика органларида ҳисобдан ўтиш масаласи ҳам тўла ҳал этилади. Бугунги кунда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш ва расмийлаштириш жараёни етти кундан бир ойгача бўлган муддат ичида бажарилиши шарт”.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг турлари бўйича режа бажарилишини таҳлил қилиш учун ҳисобот йилида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ҳар бир тури бўйича ҳақиқий миқдорини режа бўйича кўзда тутилган миқдорига солиштирилади ва ўзгариши мутлоқ ва нисбий кўрсаткичларда аниқланиб, баҳо берилади. Маҳсулотларнинг турлари бўйича динамикасини таҳлил қилиш учун ҳисобот йилида етиштирилган маҳсулотнинг ҳақиқий миқдорини базис йилида етиштирилган маҳсулотнинг ҳақиқий миқдорига солиштириб, ўзгариши аниқланади ва баҳо берилади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича режа бажарилишининг таҳлилин куйидаги акционерлик жамиятининг 2009 йиллик маълумотлари мисолида кўриб чиқамиз.

Пахта хом ашёсини қайта ишлаш натижасида акционерлик жамияти 6 хил маҳсулот ишлаб чиқаради. Ушбу маҳсулотлар бўйича ишлаб чиқариш режаси бажарилишининг ва динамикасининг қиёслама таҳлилин -жадвал маълумотларидан кўриш мумкин.

**-жадвал**

**Маҳсулотларнинг турлари бўйича ишлаб чиқариш режасини бажарилиши ва динамикасининг таҳлили**

№	Маҳсулот турлари	2008 йил	2009 йил		Режага нисбатан		2008 йилга нисбатан	
			Режа бўйича	Амалда бажарилиши	Фарқи (+;-)	Бажарилиши, %	Фарқи (+;-)	Динамикаси, %
1	Тола	5403	8362	8775	+413	104,9	+3372	162,4
2	Чигит	8510	14618	15038	+420	102,9	+6528	176,7
3	Момиқ	412	935	344	-591	36,8	-68	83,5
4	Катта момиқ	286	761	1175	+414	154,4	+889	410,8
5	Улюк	48	450	64	-386	14,2	+16	133,3
6	Кушонди	-	2039	2027	-12	99,4	-	-

Жадвалдан кўриниб турибдики, 2009 йилда саноат маҳсулотининг асосий турлари - тола ва чигит бўйича ишлаб чиқариш режаси ошиғи билан бажарилган. Масалан, пахта толаси бўйича ҳақиқий ишлаб чиқарилган миқдори режага нисбатан 413 тоннага ёки 4,9 %га, чигит бўйича эса 420 тоннага ёки 2,9 %га кўп ишлаб чиқарилган. Ушбу маҳсулотларнинг миқдори

2008 йилга нисбатан кескин ошган. Пахта толаси бўйича 3372 тонна ёки 62,4 фоизга, чигит бўйича 6528 тоннага ёки 76,7 фоизга маҳсулот кўп ишлаб чиқарилган.

Пахта толаси чиқимининг таҳлили шуни кўрсатадики, 2009 йил режа ошиғи билан бажарилган, аммо 2008 йилга нисбатан у кескин камайган.

Акционерлик жамиятида пахтани қайта ишлашга 2008 йилда 14659 тонна, 2009 йилда 27423 тонна пахта хом ашёси сарф бўлган.

Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, қайта ишланган пахта хом ашёсидан олинган пахта толаси 2008 йилда 36,9 фоизни ( $5403 \cdot 100 / 14659$ ), 2009 йилда режа бўйича 30,5 фоизни ( $8362 \cdot 100 / 27423$ ), ҳақиқатда эса у 32 фоизни ( $8775 \cdot 100 / 27423$ ) ташкил қилди. Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики, пахта толаси бўйича чиқим даражаси режага нисбатан 1,5 % га ошган, аммо 2008 йилга нисбатан 13,3 % га камайган

$$\left(100 - \frac{32,0 \cdot 100}{36,9}\right) = 100 - 86,7 = -13,3 \%$$

Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики, акционерлик жамияти пахта толаси бўйича чиқимини ошириш имкониятини тўлиқ фойланган эмас.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар миқдори ва ҳажми бўйича динамикаси ёки режаси бажарилишининг таҳлили қиёслашдан бошланади. Ҳисобот йилидаги маҳсулот миқдорини режадаги ёки ўтган йилдаги маҳсулот миқдорига солиштириб, ўзгариши аниқланади. Ушбу ўзгариш экстенсив ва интенсив омиллар таъсири остида юзага келади. Ушбу омилларнинг маҳсулот миқдорининг ўзгаришига таъсирини аниқлаш учун «Занжирли боғланиш», «Кўрсаткичлар фарқи», «Индекс» усулларидан фойдаланиш мумкин. Биз ушбу бўлимда «Занжирли боғланиш» усулидан фойдаланиб натижанинг ўзгаришига омилларнинг таъсирини аниқладик. Юқоридаги жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, 2009 йилда ишлаб чиқарилган пахта толаси 2008 йилга нисбатан 3372 тоннага ошган. Ушбу ўзгариш қуйидаги икки омил таъсири остида юзага келган.

1) Қайта ишланган пахта хом ашёси миқдорининг ўзгариши (экстенсив омил);

2) Тола чиқими коэффицентининг ўзгариши (интенсив омил).

Ушбу омилларнинг таъсири «Занжирли боғланиш» усули ёрдамида аниқланди.

Омилларининг таъсирини аниқлаганга қадар қуйидаги боғланиш кўрсаткичларини аниқлаб олиш зарур.

I.  $\Sigma Q_0 C_0$  - базис йилидаги (ёки режадаги) тола миқдори

II.  $\Sigma Q_1 C_0$  - шартли тола миқдори

III.  $\Sigma Q_1 C_1$  - ҳисобот йилидаги тола миқдори.

Бунда,  $Q_0$ ,  $Q_1$  - мос ҳолда базис ва ҳисобот йилларида қайта ишланган пахта хом ашёси миқдори;  $C_0$ ,  $C_1$  - мос ҳолда базис ва ҳисобот йилларида пахта толаси чиқими коэффицентини.

Ушбу кўрсаткичлар аниқлангандан кейин ишлаб чиқарилган пахта толаси миқдорининг ўзгариши аниқланади ва ушбу ўзгаришга омилларнинг

таъсири аниқланиб, таҳлил қилинади.

Пахта толаси миқдорининг ўзгаришини (кўпайиши ёки камайишини) аниқлаш учун ҳисобот йилида ишлаб чиқарилган пахта толаси миқдоридан (III-боғланишдан) базис йилида ишлаб чиқарилган пахта толаси миқдорини (I-боғланишни) чегириб ташлаш керак:

$\Sigma Q_1 C_1 - \Sigma Q_0 C_0 = \pm \Delta_{Q,ч}$  –бу ўзгариш икки омил таъсири остида юзага келган.

Пахта толаси миқдорининг ўзгаришига қайта ишланган пахта хом ашёси миқдори ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун “шартли пахта толаси миқдори”дан (II-боғланишдан) базис йилидаги пахта толаси миқдорини (I-боғланишни) айириб ташлаш керак:

$$\Sigma Q C_0 - \Sigma Q_0 C_0 = \pm \Delta_q$$

Пахта толаси миқдорининг ўзгаришига пахта толаси чиқими коэффициентининг ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун ҳисобот йилидаги пахта толаси миқдоридан (III-боғланишдан) шартли пахта толаси миқдорини (II-боғланишни) чегириб ташлаш керак:

$$\Sigma Q_1 C_1 - \Sigma Q_1 C_0 = \pm \Delta_z$$

Шу икки омил таъсирларининг йиғиндиси пахта толаси миқдорининг умумий ўзгаришига тенг келиши керак:  $\Delta_q \pm \Delta_z = \Delta_{qч}$

Энди, юқорида баён қилинган “Занжирли боғланиш” усулининг қоидалари асосида пахта толаси динамикасининг омилли таҳлилини - жадвалдаги маълумотлар асосида кўриб чиқамиз.

**-жадвал**

**Акциоенрлик жамияти бўйича пахта толаси динамикасининг омилли таҳлили.**

№	Кўрсаткичлар	2008 йил	2009 йилда қайта ишланган хом ашё миқдори ва 2008 йилдаги толаси чиқими бўйича	2009 йил	Ўзгариши (+;-)	Ш.ж. жами ўзгариши (+;-)	
						Пахта хом ашёси миқдо-ри ҳисобига	Тола коэффи-циенти ҳисоби-га
1	Қайта ишлан-ган пахта хом ашёси миқдо-ри , тонна	14659	27423	27423	+12764	X	X
2	Пахта толаси чиқими коэф-фициенти	0,369	0,369	0,320	-0,049	X	X
3	Пахта толаси миқдори, тон-на	5403	10119	8775	+3372	+4716	-1344

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, акциоенрлик жамияти бўйича ишлаб чиқарилган пахта толаси миқдори 2009 йилда 2008 йилга

нисбатан 3372 тонна кўпайган. Бу ўзгариш миқдорий омилнинг ижобий, сифатий омилнинг салбий таъсири остида пайдо бўлган. Миқдорий омилнинг, яъни қайта ишланган пахта хом ашёси миқдорининг ошиши ижобий таъсир қилиб, пахта толаси миқдорини 4716 тонна ошишига олиб келган:

$$\Sigma Q_1 C_0 - \Sigma Q_0 C_0 = (27423 * 0,369) - (14659 * 0,369) = 10119 - 5403 = +4716 \text{ т}$$

Демак, қайта ишланган пахта хом ашёси миқдори 2009 йилда 2008 йилга нисбатан 12764 тоннага ошган, натижа ушбу омил ҳисобига пахта толаси миқдори 4716 тонна кўпайган.

Пахта толаси миқдорининг ўзгаришига интенсив (сифатий) омилнинг ўзгариши салбий таъсир қилган. Пахта толаси чиқими коэффиценти 2009 йилда 2008 йилга нисбатан 0,049 миқдорга камайган (4,9% га пасайган), натижада шу омил ҳисобига пахта толаси миқдори 1344 тоннага камайган:

$$\Sigma Q_1 C_1 - \Sigma Q_1 C_0 = (27423 * 0,320) - (27423 * 0,369) = 8775 - 10119 = -1347 \text{ тонна}$$

Агар 2009 йилда пахта толаси чиқими коэффиценти камаймасдан 2008 йил даражасида сақланиб қолганда, 2009 йилда қайта ишланган пахта хом ашёсидан олинган пахта толаси 8775 тонна ўрнига 10119 тоннани ташкил қилган бўлар эди. Демак, пахта толаси миқдорини кўпайтиришнинг асосий резерви бўлиб, пахта чиқими коэффицентини ошириш ҳисобланади, аммо, акционерлик жамияти 2009 йилда ушбу имкониятдан фойдаланган эмас.

Бугунги иқтисодийни модернизация қилиш шароитида хўжалик субъектлари олдида турган долзарб масалалардан бўлиб маҳсулот ишлаб чиқариш билан бир қаторда, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ўз вақтида ва кўзланган баҳоларда сотиш ҳам ҳисобланади. Маҳсулот сотиш режасини бажарилиши истеъмолчиларга жўнатилган товар қисмини ўрганишдан бошланади. Чунки жўнатилган товар билан сотилган маҳсулот вақт жиҳатдан фарқланади. Истеъмолчиларга жўнатилган товар, кўрсатилган хизматлар учун белгиланган муддат давомида ҳисоб счётига пулни келиб тушмаслиги туфайли корхонанинг молиявий ҳолати издан чиқади. Бунинг натижасида корхонанинг бюджет, банк, мол етказиб берувчиларга бўлган қарзи ортиб боради, тўлов қобилияти пасаяди. Бугунги кунда товарлар учун тўлов муддати 3 ой, яъни 90 календар куни қилиб белгиланган. 3 ойдан ошган қарзларни муддати ўтган қарз деб аталади. Муддати ўтган қарзларни сурункали давом этиши банкротликка сабаб бўлади.

***Банкротлик (иқтисодий ночорлик)- хўжалик суди томонидан эътироф этилган ёки қарздор ихтиёрий равишда тугатилаётганида унинг ўзи эълон қилган қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабини тўла ҳажмда қондиришга қодир эмаслиги, шу жумладан, бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларни таъминлашга қодир эмаслиги.***

Ўзбекистон Республикасининг “Банкротлик тўғрисида”ги қонунининг 3-моддаси “банкротлик аломатлари” деб аталади. Бу моддада қуйидагилар қайд этилган. Юридик шахснинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар



талабларини қондиришга ва (ёки) мажбурий тўловларни тўлаш мажбуриятини бажаришга қодир эмаслиги, агар тегишли мажбуриятлар ва (ёки) тўлов мажбурияти юзага келган кундан эътиборан 9 ой давомида қарздор томонидан бажарилмаган бўлса, унинг банкротлик аломати деб эътироф этади.

Жисмоний шахснинг (тадбиркорлик фаолиятини юридик шахс ташкил этмаган ҳолда амалга ошираётган шахснинг) пул маблағлари бўйича кредиторлар талабларини қондиришга ва (ёки) мажбурий тўловларни тўлаш мажбуриятини бажаришга қодир эмаслиги, агар тегишли мажбуриятлар ва (ёки) тўлов мажбурияти уларни бажариш санаси бошланган пайтдан эътиборан 6 ой давомида қарздор томонидан бажарилмаган бўлса, агар мажбуриятларнинг суммаси унга тегишли мол-мулкнинг қийматидан ошиб кетган бўлса, унинг банкротлик аломати деб эътироф этилади.

**Қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш учун қуйидаги чора-тадбирларни қўллаш лозим:**

- Ишлаб чиқаришни қайта ихтисослаштириш;
- Норентабел ишлаб чиқаришларни ёпиш;
- Дебиторлик қарзларни ундириш;
- Қарздор мол-мулкнинг бир қисmini сотиш;
- Қарздорнинг талабидан ўзганинг фойдасига воз кечиш;
- Қарздор мажбуриятларини учинчи шахслар томонидан бажарилиши;
- Қарздорнинг тўлов мажбуриятини тиклашнинг бошқа усуллари.

Жўнатилган товарларни таҳлили учун маълумотлар тезкор ҳисоб ва дастлабки ҳужжатлар ҳамда ҳисоботдан олинади. Товарлар истеъмолчиларга тузилган шартнома асосида жўнатилади.

-жадвал

**Акционерлик жамиятида маҳсулот сотиш режасининг умумий ҳажмда бажарилиши ва динамикасининг таҳлили**

минг сўмда

Кўрсаткичлар	Ўтган йили	Ҳисобот йили		Ҳисобот йилининг ҳақиқийси	
		Бизнес режада	Ҳақиқатда	Ўтган йилга нисбатан, %	Режага нисбатан, %
1	2	3	4	5	6
Сотилган маҳсулот ҳажми, минг сўм	1452513	2367492	3040381	209,32	128,42

Жадвалда келтирилган маълумотлар “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот” (2-шакл) шаклидан олинган. Яъни юқоридаги жадвалда маҳсулот (иш, хизмат)лар сотиш ҳажми 2-шаклнинг 010 сатридан олинган бўлиб, маҳсулот сотишдан олинган соф тушум солиштирма улгуржи

баҳода акс этирилган. Жадвал маълумотларидан кўринадик, таҳлил қилинаётган акционерлик жамиятида ўтган йили жами 1452513 минг сўмлик маҳсулот сотилган бўлса, ҳисобот йилида бу кўрсаткич 3040381 минг сўмни ташкил қилган, яъни ўтган йилга нисбатан маҳсулот сотиш ҳажми 209,32 % ни ташкил этган. Корхона ҳисобот йилида бизнес режа бўйича ўтган йилга нисбатан анча кўп маҳсулот сотишни режалаштирган бўлиб, мазкур режа жорий йилда 128,42 % ни ташкил этган. Бундан кўринадик, корхона ўтган йилга нисбатан жорий йилда бир қадар кўп маҳсулот сотишни олдиндан тахмин қилган, яъни маҳсулот сотиш ҳажмини ўтган йилга нисбатан бизнес режада 914979 минг сўмга кўп қилиб белгилаган ҳамда ушбу режа ортиғи билан адо этилган. Бундай натижалар корxonанинг молиявий ҳолати яхшиланиб бораётганлигидан ҳамда ички ва ташқи бозорда ўз мавқеини топиб бораётганлигидан далолатдир.

Маҳсулот (иш, хизмат)лар сотиш режасини умумий ҳажмда бажарилиши таҳлилидан сўнг асосий маҳсулотнинг айрим турлари бўйича сотиш режасини натура ва қиймат шаклларида бажарилиш муддатлари бўйича аниқланиши лозим бўлади.

-жадвал

**Акционерлик жамиятида маҳсулотларнинг айрим турлари бўйича сотиш режасининг натура шаклида бажарилиши (дона ҳисобида)**

(I чорак)

Маҳсулот турлари	Маҳсулот бирлигининг баҳоси, сўм	Январ		Феврал		Март	
		Режа	Ҳақиқатда	Режа	Ҳақиқатда	Режа	Ҳақиқатда
1	2	3	4	5	6	7	8
“А”	8950	7880	8129	7160	8032	7580	8229
“Б”	7600	9560	10567	9010	9561	9120	9067
“В”	3460	3870	3051	3270	3157	3210	3171

Жадвал маълумотларидан кўринадик, таҳлил қилинаётган корхонада жорий йилнинг биринчи чорагида сотиш режалаштирилган “А” маҳсулот бўйича сотиш режаси январ ойида режадаги 7880 дона ўрнига ҳақиқатда 8129 донани, феврал ойида режадаги 7160 дона ўрнига ҳақиқатда 8032 донани, март ойида эса режадаги 7580 дона ўрнига 8229 донани ташкил этган. Яъни «А» маҳсулоти бўйича сотиш режаси биринчи чоракнинг барча ойларида ортиғи билан адо этилган. «Б» маҳсулоти бўйича сотиш режаси биринчи чоракнинг январ ва феврал ойларида ортиғи билан бажарилган бўлсада, март ойида режа бажарилмаган. «В» маҳсулоти бўйича сотиш режаси эса биринчи чоракнинг барча ойларида бирдек қисман бажарилмаган. Демак, корхона маъмурияти «В» маҳсулотини кам сотилишига сабаб бўлаётган омилларни аниқлаши ва тегишли чоралар кўриши лозим бўлади.

Жадвалда келтирилган натура шаклидаги маҳсулотларни унинг баҳосига кўпайтириш орқали сотиш ҳажмини қиймат кўринишида ифодалаймиз ва режасининг бажарилишини аниқлаймиз.

**Акционерлик жамиятида маҳсулот сотиш режасининг қиймат шаклида  
бажарилишини таҳлили**

Маҳсулот турлари	Бизнес режа бўйича	Ҳақиқатда	Бизнес режанинг бажарилиши, %
1	2	3	4
<b>“А” маҳсулоти:</b>			
Январ	7880 * 8950=70526	8129 * 8950=72754,6	103,16
Феврал	7160 * 8950=64082	8032 * 8950=71886,4	112,18
Март	7580 * 8950=67841	8229 * 8950=73649,5	108,56
<b>Жами</b>	<b>22620 * 8950=202449</b>	<b>24390 * 8950=218290,5</b>	<b>107,82</b>
<b>“Б” маҳсулоти:</b>			
Январ	9560 * 7600=72656	10567 * 7600=80309,2	110,53
Феврал	9010 * 7600=68476	9561 * 7600=72663,6	106,11
Март	9120 * 7600=69312	9067 * 7600=68909,2	99,42
<b>Жами</b>	<b>27690 * 7600=210444</b>	<b>29195 * 7600=221882</b>	<b>105,43</b>
<b>“В” маҳсулоти:</b>			
Январ	3870 * 3460=13390,2	3051 * 3460=10556,5	78,83
Феврал	3270 * 3460=11314,2	3157 * 3460=10923,2	96,54
Март	3210 * 3460=11106,6	3171 * 3460=10971,7	98,78
<b>Жами</b>	<b>10350 * 3460=35811</b>	<b>9379 * 3460=32451,4</b>	<b>90,62</b>
<b>Ҳаммаси</b>	<b>448704</b>	<b>472623,9</b>	<b>105,33</b>
Шу жумладан:			
Январ	156572,2	163620,3	104,50
Феврал	143872,2	155473,2	108,06
Март	148259,6	153530,4	103,55

Юқоридаги жадвал маълумотлари асосида акционерлик жамиятининг биринчи чорак мобайнида маҳсулот сотиш режаларининг натура ва қиймат ифодаларида бажарилишига баҳо беришимиз мумкин бўлади. Маълумотлардан кўринадики, корхонада “А” маҳсулотини сотиш режаси биринчи чоракда жами натура шаклида 1770 донага кўп бўлган, яъни, режа 107,82 % га бажарилган. “А” маҳсулотини сотиш бўйича режанинг бажарилиши биринчи чоракнинг январ ойида 103,16 % ни, феврал ойида 112,18 % ни, март ойида эса 108,56 % ни ташкил этган. Бундан кўринадики, “А” маҳсулотга бўлган бозор талаби юқори экан, яъни ушбу маҳсулот корхона учун юқори рентабелли маҳсулот ҳисобланар экан. “Б” маҳсулотни сотиш бўйича биринчи чорак режаси жами 105,43 % га адо этилган бўлсада,

сотиш режаси январ ойида 110,53 % ни, феврал ойида 106,11 % ни ташкил этгани ҳолда, март ойида эса сотиш режаси 0,58 % га бажарилмаган. Демак, ушбу маҳсулот турига охириги ойларда бозордаги талаб пасайиб бораётганлигидан далолат беради. Корхона маъмурияти ушбу маҳсулотнинг тобора камроқ сотилиш сабабларини аниқлаши ва тегишли чоралар кўриши лозим бўлади. Корхонада биринчи чоракда «В» маҳсулотини сотиш режаси 90,62 % ни ташкил этган, яъни белгиланган режа 9,38 % га бажарилмаган. Бунга сабаб ушбу маҳсулотни сотиш режалари биринчи чоракнинг январ ойида 78,83 % га, феврал ойида 96,54 % га, март ойида эса 98,78 % га бажарилиши таъсир этган. Бундан кўринадики ушбу маҳсулотга бўлган бозордаги талаб борган сари яхшиланиб бормоқда ва сўнгги ойларда деярли сотиш режалаштирилган маҳсулот ҳажмида маҳсулот сотилмоқда экан. Корхона маъмурияти эса ушбу маҳсулотга бўлган истеъмолчиларнинг талабларини янада пухтароқ ўрганиши ҳамда кўпроқ маҳсулот сотиш чораларини топиши лозим бўлади.

Умуман олганда корхонада биринчи чорак мобайнида уч хил турдаги маҳсулот сотиш режалари умумий тартибда тўлиқ бажарилган. Бу албатта яхши натижадир. Фақатгина, корхона маҳсулот сотиш ҳажмларига салбий таъсир этаётган омилларни аниқлаши ва уларни бартараф этиш чораларини кўриши даркор. Мазкур жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, корхона маҳсулотни истеъмолчиларга жўнатиш режасини биринчи чоракда 105,33 % (472623,9\*100:448704)га бажарган. Белгиланган ассортиментда режа бажарилган. Маҳсулот жўнатиш режасини бундай тарзда бажарилиши корхонани бир маромда ишлаб чиқаришни ташкил этишга ҳаракат қилаётганлигидан далолатдир. Таҳлил давомида маҳсулот етказиб берилмаган истеъмолчилар аниқланади ва йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш чоралари белгиланади.

Маҳсулотларнинг турлари бўйича режа бажарилишининг таҳлили билан бир қаторда ассортименти таҳлилинини ҳам амалга ошириш зарур.

### **4.3. Маҳсулот номенклатураси ва ассортиментининг таҳлили**

Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгариши истеъмолчилар билан аввалдан тузилган шартномалардаги талаблар миқдorigа боғлиқ. Корхона маҳсулот ишлаб чиқаришнинг бизнес режадаги кўрсаткичини фақат қиймат ҳажмда бажарибгина қолмасдан, балки ҳар бир товарлар бўйича белгиланган номенклатура ва ассортиментларда ҳам бажариши талаб этилади. Маҳсулот турлари бўйича ишлаб чиқариш бизнес режасининг бажарилиши барча соҳаларнинг турли тармоқларини мутаносиб ривожланишига, истеъмолчинини маҳсулотлар (иш, хизмат)га бўлган талабини тўлароқ кондирибгина қолмасдан, бозорни мўл-кўллигини таъминлайди.

Маҳсулот, иш ва хизматларнинг тури ва ассортименти таҳлилида уларнинг сегментлар бўйича таққосланадиган ва таққосланмайдиган, профилдаги ва профилда бўлмаган турлари, асосий ва қўшимча маҳсулотлар

турлари бўйича туркумланиши ўрганилади. Улар бўйича режа топшириқларининг бажарилиши, умумий режа топшириқларининг бажарилишида уларнинг таъсири, маҳсулотлар тузилишидаги таркибий ўзгаришларга баҳо берилади.

**Маҳсулотлар номенклатураси** – деб, миқдор ҳолида товарлар гуруҳлари, кичик гуруҳлари ва позицияларини белгилашда ҳамда ҳисобга олишда қабул қилинган рўйхатидир.

**Товар (иш, хизмат)лар ассортименти** - деб эса, маҳсулотларнинг маълум бир белгиларига қараб, яъни, унинг турлари, нави, ўлчами, маркаси, артикулларига қараб ажратиладиган маҳсулотлар хилидир.

**Товарлар номенклатураси ва ассортиментини ўрганишда ўртача ассортимент режасининг бажарилиши таҳлил этилади.**

Фирма ва компаниялар фаолиятини таҳлил этишда ўртача ассортимент режасини бажарилишини ҳам аниқлаш муҳим ҳисобланади. Ўртача ассортименти режасини бажарилиши одатда энг кичик рақамларни жамлаш усули оралиқ амалга оширилади. Бунда ҳар бир ассортимент турларини ҳақиқатда ишлаб чиқарилиш Миқдорлари бизнес режаси билан солиштирилиб ҳар икки кўрсаткичдан энг кичиги ассортимент ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулот таркибига қабул қилинади. Ассортимент ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулот таркибига қабул қилинган кўрсаткичларнинг жамини бизнес режа бўйича ишлаб чиқарилиши лозим бўлган жами маҳсулотларга бўлиш орқали ўртача ассортимент режасинининг бажарилиши аниқланади.

## Акционерлик жамиятида маҳсулотлар номенклатураси ва ассортиментининг таҳлили

Маҳсулот тури	Маҳсулот бирлигини баҳоси, сўм	Ишлаб чиқарилган маҳсулот натура шаклида, (дона)		Ишлаб чиқарилган маҳсулот қиймат шаклида, (минг сўм)		Ассортимент ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулот
		Бизнес режада	Ҳақиқатда	Бизнес режада	Ҳақиқатда	
1	2	3	4	5	6	7
“А”	8950	96700	103458	865465	925949	865465
“Б”	7600	102700	97639	780520	742056	742056
“В”	3460	56800	61528	196528	212887	196528
“Г”	2570	65200	57621	167564	148086	148086
“Д”	5680	18919	85731	107462	486953	107462
<b>Жами</b>	<b>х</b>	<b>х</b>	<b>х</b>	<b>2117539</b>	<b>2515931</b>	<b>2059597</b>

Жадвал маълумотларидан кўринадик, таҳлил қилинаётган акционерлик жамиятида жорий ҳисобот даврида беш хил ассортиментдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш режалаштирилган бўлиб, улардан “А”, “В” ва “Д” ассортиментдаги маҳсулотларни натура ҳолатида ортиғи билан ишлаб чиқарилган. Қолган икки хил ассортиментдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш режалари эса тўлиқ бажарилмаган. Натижада мазкур акционерлик жамиятида жорий йилда жами ассортимент ҳисобига 2059597 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлиб, ўртача ассортимент режасининг бажарилиши 97,26 % ( $2059597 / 2117539 * 100$ ) ни ташкил этган. Ўртача ассортимент режасининг бажарилмаслигига “Б” ва “Г” турдаги маҳсулотлар бўйича ишлаб чиқариш режасининг бажарилмаслиги сабаб бўлган. Аммо, корхонада ўртача ассортимент режаси 100 % га бажарилмаган бўлсада, маҳсулот ишлаб чиқариш режаси 118,81 % ( $2515931 / 2117539 * 100$ ) га бажарилган, яъни режа ортиғи билан бажарилган. Корхона маъмурияти ассортимент режасининг бажарилмаслик сабабларини чуқур ўрганишлари ва ўз вақтида тегишли чораларни кўриши лозим бўлади.

Ассортимент режасининг бажарилмаслиги кўрсаткичи орқали ҳам ассортиментга баҳо бериш мумкин.

Бизнинг мисолизмизда у қуйидагиларни ташкил этган.

"Б" - (742056-780520)= -38464 минг сўм

"Г" - (148086-167564)= -19478 минг сўм

-----  
57942 минг сўм

57942 x 100

----- = 2,74% ассортимент режасини бажарилмаслиги

2117539

100 - 2,74 = 97,26 % ўртача ассортимент режасининг бажарилиши.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ассортиментининг ўзгариши хўжалик фаолияти натижаларига сезиларли таъсир кўрсатади. Маҳсулот ишлаб чиқариш ассортиментини шакллантиришда корхона биринчи навбатда, маҳсулотлар турига бўлган талабни ҳамда бозордаги ҳолатини, иккинчидан эса, корхонада мавжуд бўлган маҳсулот, хом-ашё, техник-технологик, молиявий ва бошқа имкониятлардан тўлароқ фойдаланишни эътиборга олиши зарур. ***Ассортиментни шакллантириш системаси қуйидаги асосий жиҳатларни ўз ичига олиши шарт:***

- Истеъмолчиларнинг истиқболли эҳтиёжини аниқлаш;
- Чиқарилаётган маҳсулотнинг рақобатбардошлик даражасини аниқлаш;
- Маҳсулотнинг бозордаги ҳаётийлик циклини ўрганиш, ўз вақтида янги замонавий бўлган товарлар турини яратиш бўйича чоралар кўриш ва ишлаб чиқариш дастуридан маънавий эскирган ва иқтисодий жиҳатдан кам фойдали бўлган маҳсулотни чиқариб ташлаш;
- Иқтисодий самарадорлик ва маҳсулот ассортименти ўзгаришида хавф-хатар даражасини баҳолаш.

Корхона (фирма)ларнинг ихтисослигига кирувчи ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг таркиби бозордаги талаб ва таклифнинг ўзгаришига қараб мунтазам такомиллашиб, ривожланиб ҳамда мукаммаллашиб боради. Айниқса, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, қиймат ўлчамидаги ҳажми структуравий ўзгаришлар таъсирида ортиб ёки камайтирилиб аниқланиши мумкин. Бунда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми сарфланаётган моддий ва меҳнат харажатларини эътиборга олган ҳолда ўрганилиши таҳлилда эришилган натижаларни янада аниқроқ ўрганиш имкониятини яратади.

Корхона учун кўпроқ фойда келтирувчи, кам харажатлар талаб этиладиган товарларни ишлаб чиқариш ўта манфаатлидир. Шунинг учун ҳам товарларни ишлаб чиқариш ҳажмини таҳлил қилишда структуравий ўзгаришларни эътиборга олиш мақсадга мувофиқдир. Маҳсулотлар ҳажмида структуравий ўзгаришларни меҳнат сиғими кўрсаткичлари орқали аниқлаш мумкин. Меҳнат сиғимини меъёр-соат, меъёрлаштирилган иш ҳақи кўрсаткичлари орқали аниқланади.

Маҳсулот турлари бўйича режанинг бажарилиши ҳар хил даражада бўлиши структурани ўзгаришидан далолат беради. Структура бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш режасининг бажарилиши учун ҳақиқий ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг барча хиллари режалаштирилган маҳсулот таркиби ва тузилишига тенг келиши керак. Ишлаб чиқарилган маҳсулот структурасининг ўзгариши фирманинг барча иқтисодий кўрсаткичларига таъсир этади. Маҳсулот ишлаб чиқариш таркибида қимматбаҳо маҳсулот турлари улушини ортиши туфайли маҳсулот қиймат шаклида ортади ва бунинг аксича бўлса, қиймат шаклида маҳсулот камаяди. Худди шундай юқори рентабелликка эга бўлган маҳсулот турларини ортиши, рентабеллиги паст турларини пасайиши туфайли умумий фойда миқдори ортади.

Маҳсулот ҳажмига структуравий ўзгаришларни таъсирини занжирли боғланиш усули орқали аниқлаш мумкин. Корхона учун наф келтирувчи барча структуравий ўзгаришлардан фойдаланиш маҳсулотларнинг ҳажмини кўпайтириш имкониятини яратади. Маҳсулот ҳажмига структуранинг ўзгаришини таъсирини қуйидаги жадвал маълумотлари асосида таҳлил қилиб чиқамиз.

-жадвал

**“АВС” акционерлик жамиятида товар маҳсулотлари структурасининг таҳлили**

Маҳсулот турлари	Маҳсулот бирлигини баҳоси, сўм	Ишлаб чиқарилган маҳсулот натурада, дона		Товар маҳсулоти солиштирма баҳода, минг сўмда			Структуранинг ўзгариши ни товар маҳсулоти га таъсири
		Бизнес режада	Ҳақиқатда	Бизнес режада	Ҳақиқий и/ч. маҳсулот режадаги структурада	Ҳақиқатда	
1	2	3	4	5	6	7	8=7-6
“А”	8950	96700	103458	865465	932873	925949	-6924
“Б”	7600	102700	97639	780520	737195	742056	+4861
“В”	3460	56800	61528	196528	207349	212887	+5538
“Г”	2570	65200	57621	167564	152784	148086	-4698
“Д”	5680	18919	85731	107462	401786	486953	+85167
<b>Жами</b>	<b>х</b>	<b>х</b>	<b>х</b>	<b>2117539</b>	<b>2431987</b>	<b>2515931</b>	<b>+83944</b>

Жадвал маълумотлари асосида корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг структуравий ўзгариши натижасида ишлаб чиқариш ҳажми қандай ўзгараётганлигига баҳо беришимиз мумкин бўлади. Маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, корхонада ҳисобот даврида бизнес режа бўйича жами 2117539 минг сўмлик товар маҳсулоти ишлаб чиқариш режалаштирилгани ҳолда, ҳақиқатда 2515931 минг сўмлик товар маҳсулоти ишлаб чиқарилган. Ҳақиқий



ишлаб чиқарилган маҳсулот режадаги структурада жами 2431987 минг сўмни ташкил этган, яъни структуранинг ўзгариши товар маҳсулотининг ҳажмига 83944 минг сўмга ижобий таъсир этган. Бу товарларнинг структурасини ўзгариши корхонанинг ишлаб чиқариш фаолиятига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатганлигидан далолатдир.

***Структурани ўзгариш сабаблари турлича бўлиши мумкин:***

- ишлаб чиқарилган товарлар таркибида юқори нархга сотилиши мумкин бўлган маҳсулотлар улушининг кўпайиши;
- мўмай фойда келтирувчи товарларнинг ҳажми;
- меъёردаги моддий ва меҳнат сарфларидан ҳам тежамкорлик имконияти бўлган товарларнинг мавжудлиги;
- арзон хом-ашё, ёқилғи ва бошқа моддий бойликларнинг яқинлиги;
- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг технологиясини такомиллаштириши эвазига юқори манфаат;
- товарлар сифатини яхшиланиши ва бошқалар.

**Акционерлик жамиятида товарларнинг структуравий ўзгаришини маҳсулот ишлаб  
чиқариш ҳажмларига таъсири**

Маҳсулот турлари	Ишлаб чиқарилган маҳсулот, дона		Маҳсулот бирлигинингб аҳоси, сўмда	1 бирлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган вақт, норма-соатда	Ишлаб чиқарилган маҳсулот			
					Қиймат шаклида, минг сўм		Норма-соатда	
	Бизнес режа бўйича	Ҳақиқатда			Бизнес режа бўйича	Ҳақиқатда	Бизнес режа бўйича	Ҳақиқатда
1	2	3	4	5	6	7	8	9
“А”	96700	103458	8950	1,3	865465	925949	125710	134495,4
“В”	102700	97639	7600	1,6	780520	742056	164320	156222,4
Жами	х	х	х	х	1645985	1668005	290030	290717,8
Режанинг бажарилиши, %	х	х	х	х	х	101,34	х	100,28

Юқоридаги жадвал маълумотлари асосида, таҳлил қилинаётган “АВС” акционерлик жамиятида икки хил турдаги маҳсулотлар структурасидаги ўзгаришлар ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига таъсирини ўрганишимиз мумкин. Мазкур акционерлик жамияти маҳсулот ишлаб чиқариш режасини қиймат шаклида 101,34 фоизга, норма-соат шаклида эса 100,28 фоизга бажарган. Ҳар икки кўрсаткич ўртасидаги фоизлар фарқи товар таркибида структуравий ўзгаришдан далолат беради. Яъни корхона режага нисбатан қимматроқ, аммо кам меҳнат талаб этадиган маҳсулот турини кўпроқ ишлаб чиқарган. Бундай натижаларни корхона учун ижобий деб баҳолашимиз мумкин.

#### 4.4. Маҳсулот ишлаб чиқариш маромийлигининг таҳлили

Турли мулкчилик шаклидаги фирма ва компаниялар йил давомида ўзидаги мавжуд бўлган барча моддий, меҳнат ва молиявий бойликларидан оқилона фойдаланилиши ҳамда йил давомида узлуксиз самарали айланишини таъминлаши талаб этилади. Самарли фаолият ташкил этилганда маҳсулотлар ишлаб чиқариш бозордаги талабни эътиборга олган ҳолда йил мобайнидабир хил ҳажмда бўлишига эришилади. Бунинг учун корхоналар кун, ҳафта, ой, чорак, ярми ва йил мобайнида маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини бизнес режада мўлжаллаган миқдорда бажарилишини таҳлил этиши лозим.

Айрим корхоналар йиллик, квартал, ойлик режаларини ортиғи билан бажариши мумкин, аммо айрим ойлarda ишлаб чиқаришни бир маромда ташкил эта олмаслиги мумкин. Маҳсулот ишлаб чиқаришдаги маромийликни бузилиши шартнома мажбуриятларини барбод бўлишига, унинг оқибатида жарималар тўланилишига олиб келади. Амалдаги тажрибалар шуни кўрсатадики, айрим фирмалар ойлик ишлаб чиқариш бизнес режа кўрсаткичларини қисқа кунларда ҳал этишни мўлжаллашади. Лекин маҳсулотларнинг сифати талабга жавоб бермасликка, омбордаги сотилмай қолган товарлар қиймати кескин ортишига ҳамда истеъмолчиларга жўнатиладиган товар муддатларини бузилишига олиб келади.

Акционерлик жамиятининг маромида ишлаётганлигини таҳлил этишда ҳар 10 кунликда ишлаб чиқарилган товарларни ойлик маҳсулотда тутган улуши ҳисобланади ва аниқланган маълумотлар бизнес режа кўрсаткичлари билан таққосланиб, фаолиятнинг маромида бўлаётганлигига баҳо берилади.

-жадвал

#### Акционерлик жамиятида маҳсулот ишлаб чиқариш маромийлигининг таҳлили

(минг сўмда)

Ўн кунликлар	Ҳисобот йили		Маромийлик ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулот	Жамида тутган улуши, %	
	Бизнес режада	Ҳақиқатда		Бизнес режада	Ҳақиқатда
1	2	3	4	5	6
I ўн кунлик	724000	715874	715874	34,20	28,45
II ўн кунлик	714800	865407	714800	33,76	34,40
III ўн кунлик	678739	934650	678739	32,04	37,15
<b>Жами</b>	<b>2117539</b>	<b>2515931</b>	<b>2109413</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>

Маромийлик коэффициенти:

2109413

$K_M = \frac{2109413}{2117539} = 0,996$

2117539

Юқоридаги жадвал маълумотлари асосида мазкур акционерлик жамиятининг маҳсулот ишлаб чиқариш маромийлигига баҳо бериш мумкин. Маълумотлардан кўринадики, корхонада ҳисобот даврида маҳсулот ишлаб чиқариш маромийлик коэффиценти 0,996 ни ташкил этган. Маҳсулот ишлаб чиқариш маромийлигининг бузилишига жорий йилдаги ойларнинг биринчи ўн кунлигида бизнес режада белгиланган 724000 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиши ўрнига, ҳақиқатда 8126 минг сўмга кам маҳсулот ишлаб чиқарилганлиги сабаб бўлган. Натижада маҳсулот ишлаб чиқариш маромийлиги 0,004 коэффицентга бажарилмаган. Шундай бўлсада, акционерлик жамиятида ҳисобот йилидаги ойларда кейинги иккинчи ва учинчи ўн кунликлари бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш режалари ортиғи билан адо этилганлиги боис, корхонадаги умумий маҳсулот ишлаб чиқариш режаси ортиғи билан бажарилган. Умуман олганда бундай натижаларни ижобий баҳоласак бўлади, чунки, корхонада маромийлик бузилиши унчалик катта эмас экан. Одатда, маҳсулот ишлаб чиқариш маромийлигининг бузилиши оқибатида корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатига путур етишига, хўжалик субъектлари ўртасидаги ўзаро шартномаларнинг ўз вақтида тўлиқ бажарилмасилигига, иқтисодий жарималар қўлланилишига, касса режаларининг тўлиқ бажарилмасилигига ҳамда маҳсулотларни сотиш ҳажмларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Корхона маъмурияти имкон қадар маҳсулот ишлаб чиқариш маромийлигини бузилмаслик чораларини кўриши керак бўлади.

Маҳсулотлар сотишдан олинган соф тушум ҳажми товарлар сифати, миқдори, шартнома ва бозордаги баҳоларнинг ўзгаришлари билангина боғлиқ бўлиб қолмасдан, сотиш учун мўлжалланган товарларнинг туриб қолишидан сифатининг бузилиши, ишлаб чиқаришдаги браклар ҳажмига ҳам боғлиқдир. Ишлаб чиқариш жараёнидаги технологик ўзгаришлар эвазига, бажарувчиларнинг лаёқатсизлиги ва маъсулиятсизлиги туфайли йўл қўйилган камчиликлар таъсирида товарларнинг сифатини пасайиши ва брак маҳсулотлар пайдо бўлишига сабаб бўлади.

Шунингдек, ҳом-ашё сифатини пастлиги, стандартга мос келмаслиги, дастгоҳларни тез бузилиши, ишлаб чиқариш жараёнидаги нуқсонлар, кадрлар малакасини пастлиги туфайли ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таркибида бракка йўл қўйилиши мумкин. Бракка йўл қўйилиши туфайли истеъмолга чиқадиган тайёр маҳсулот ҳажми камаяди, маҳсулот таннархи қимматлашади. Чунки маҳсулот брак ишлаб чиқариш учун қилинган харажатларни зойи кетганлигини, унумсизлигидан далолат беради. Томонларнинг ўзаро тузган шартномаларида етказиб бериладиган товарларнинг миқдори, нархидан ташқари ассортимент ва сифати ҳам келишилади. Демак, брак маҳсулотлар ишлаб чиқариш ёки товарлар сифатининг бузилиши истеъмолчининг ҳуқуқини бузилишига ва иқтисодий зарар кўришга олиб келади. Шартномага мувофиқ ишлаб чиқарувчи истеъмолчига сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқаргани учун етказилган зарарни қоплаши шарт. Ишлаб чиқарувчи фирма давогарлик муддати тугамасдан аввал нуқсонга эга бўлганлиги учун қайтарилган товар ўрнига бошқа

маҳсулотлар жўнатиши ёки аввалги товарларнинг нуқсонини тузатиб истеъмолчига жўнатиши лозим. Маҳсулотлар браки – тузатиладиган ва тузатилмайдиган турларга бўлинади. Йўл қўйилган бракни маҳсулотлар қийматига таъсирини аниқлаш учун брак натижасида фирма беҳуда сарфлаган барча моддий, меҳнат ва молиявий харажатлари жамланади, шунингдек, камчиликни тугатиш учун амалга оширилган қўшимча сарфлар ҳам қўшилган ҳолда брак таннархи аниқланади. Бу аниқланган йўқотишларни товар маҳсулоти таннархига бўлиш орқали брак туфайли маҳсулот ҳажмининг камайиши аниқланади. Буни қуйидаги шартли мисолимиз орқали кўрастиб ўтишимиз ва таҳлил қилишимиз мумкин бўлади:

Ишлаб чиқарилган товар маҳсулоти ҳажми – 10000 минг сўм;

Брак маҳсулот учун кетган барча сарфлар – 26 минг сўм;

Ишлаб чиқарилган товар маҳсулоти таркибидаги брак маҳсулотларнинг тутган улуши –  $26/10000 \cdot 100 = 0,26 \%$ .

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўзининг ишлаб чиқариш фаолиятида чиқитсиз технологияга асосланиши ҳамда имкон қадар маҳсулотларнинг браклиги даражасини пасайтириши лозим бўлади.

#### **4.5. Маҳсулот сифатининг таҳлили**

Саноат корхонаси фаолиятининг муҳим самарадорлик кўрсаткичларидан бири бўлиб, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг сифати ҳисобланади. Маҳсулот сифатининг ошиши ўз навбатида сотилган маҳсулот ҳажмининг ошишига ва фойданинг кўпайишига, оқибатда рентабеллик даражасининг юқори бўлишига сабабчи бўлади. Маҳсулот сифатининг ошиши унга бўлган талабнинг ошишига олиб келади. Маҳсулот сифатининг ошиши бозорда рақобат курашида ютиб чиқиш ёки ўз мавқеини ушлаб туриш имкониятини яратади. Сифатли маҳсулот бозорда юқори баҳоларда сотилиб, қўшимча даромад олиб келиш манбаига айланади. Маҳсулот сифатини таҳлил қилишнинг асосий мақсади бу ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг сифатига баҳо бериш ҳамда маҳсулот ҳажмининг ва фойданинг ўзгаришига тегишли таъсирини аниқлаш бўлиб ҳисобланади.

Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида маҳсулот сифатини яхшиланиши муҳим аҳамият касб этади. Сифат деганда маҳсулотнинг товарлилик даражаси ва унинг харидорлар дидидаги юқори таснифий белгиларга ҳамда мазкур маҳсулот учун белгиланган мамлакат ва халқаро стандарт меёрларига эгаллигига айтилади. Товарлилик даражаси унинг таклиф элементи сифатида ўз харидорига эга эканлигини, таснифий белгилари эса техник-иқтисодий, ижтимоий-иқтисодий, экологик-иқтисодий белгиларнинг мувофиқлигини характерлайди.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатига доимо катта эътибор бериб келинган, чунки, айнан маҳсулот сифати истеъмолчилар эҳтиёжини яхшироқ

қондиришга имкон берувчи товарлар мўл-кўллиги, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг пул кўринишидаги ифодасининг ошишига, шунингдек, халқ хўжалиги тармоқларида капитал қўйилмалардан тежаб қолиш ва фойда миқдорининг ўсишига имконият беради.

**Маҳсулот сифатини икки категория бўйича таркибланиш мумкин:**

- Олий сифат категорияси;
- Биринчи сифат категорияси.

Мазкур сифат категориялари орқали маҳсулотнинг халқаро ва мамлакат стандарти талабларига мослиги ўрганилади.

Маҳсулот сифатини ошириш реализация жараёнини тезлаштиради, маҳсулотга бўлган талабни тўлароқ қондиради, товар пул муомаласини тезлаштиради, экспорт имкониятларини оширади. Маҳсулот сифати кўрсаткичлар системаси билан ўлчанади. Характерли хоссаларига кўра ўз белгиланган хоссасига лойиқлиги, пишиқ ва пухталиги, чидамлилиги, халқаро ва мамлакат стандартларига мослиги кўрсаткичларига кўра фарқланади.

Сифатни яхшиланиши ишлаб чиқарилган маҳсулотни қиймат шаклида ортишига, фойдани кўпайишига олиб келади.

**Маҳсулот сифатини ифодаловчи кўрсаткичлар системаси:**

1. Жами ишлаб чиқаришда янги маҳсулот улуши;
2. Аттестациядан ўтган ва ўтмаган маҳсулотларни тутган улуши;
3. Олий нав (категория)даги маҳсулот улуши;
4. Жаҳон стандарти талабларига жавоб берадиган маҳсулот улуши;
5. Экспорт қилинадиган маҳсулот улуши, шу жумладан, юқори ривожланган саноат корхоналарига;.

Умумий кўрсаткичлардан ташқари ҳар бир маҳсулотни индивидуал хусусиятлари ҳам сифатни ифодалайди. Масалан, сутнинг ёғлилик даражаси, кўмирни иссиқлик даражаси, айрим маҳсулотларни чидамлилиги, пишиқ-пухталиги; маҳсулотни эстетик кўринишга эга бўлиши; технологияга мослиги ва ҳ.к.

**Рекламация** – бу истеъмолчи томонидан маҳсулот сифати хусусида билдирилган эътироз демакдир.

Истеъмолчи маҳсулот етказиб берувчига гарантия муддати давомида рекламация билдириши ва жарима ундириб олиш ҳуқуқига эга. Маҳсулот бутланган (комплект)га эга бўлиши керак. Шундагина у тайёр маҳсулот деб ҳисобланади.

Енгил саноатда маҳсулот нав (сорт)ларга бўлинади. Маҳсулот нав (сорт)ларга бўлинганда унинг сифатини қуйидаги кўрсаткичлар орқали ифодаланиш мумкин:

1. Ўртача нав (сорт)лилик коэффициентини.
2. Ўртача маҳсулот бирлигини сотиш баҳоси.

*-жадвал*

**Акционерлик жамиятида “А” турдаги маҳсулот сифатининг таҳлили**

Кўрсаткичлар	Маҳсулот бирлигини баҳоси, сўм	Ишлаб чиқарилган маҳсулот, (дона)		Режанинг бажарилиши, %	Жами маҳсулотдаги улуши, (%)		Ишлаб чиқарилган маҳсулот қиймати (минг сўм)	
		бизнес режада	ҳақиқатда		бизнес режада	ҳақиқатда	бизнес режада	ҳақиқатда
1	2	3	4	5	6	7	8	9
Олий навли маҳсулот	9400	82400	89123	108,16	85,21	86,14	774560	837756,2
Биринчи навли маҳсулот	6300	14300	14335	100,24	14,79	13,86	90090	90310,5
<b>Жами</b>	<b>X</b>	<b>96700</b>	<b>103458</b>	<b>106,99</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>864650</b>	<b>928066,7</b>

**1. Ўртача нав (сорт)лилиқ коэффициентлари:**

$$\frac{864650 \text{ минг сўм}}{96700 * 9400} = 0,951 \qquad \frac{928066,7 \text{ минг сўм}}{103458 * 9400} = 0,954$$

**2. Маҳсулот биричилигининг ўртача сотиш баҳоси:**

$$\frac{864650 \text{ минг сўм}}{96700 \text{ дона}} = 8942 \text{ сўм} \qquad \frac{928066,7 \text{ минг сўм}}{103458 \text{ дона}} = 8971 \text{ сўм}$$

Маҳсулот бирлигини ўртача сотиш баҳосини 29 сўмга ортиши қиймат шаклида маҳсулотни 3000,28 минг сўмга ортишига олиб келди.

$$(8971-8942)*103458=3000,28 \text{ минг сўм}$$

“А” маҳсулоти ҳажми қиймат шаклида режадагига нисбатан 63417,22 минг сўмга кўпайган. Маҳсулот ҳажмининг бундай тарзда кўпайишига маҳсулот биричилигининг сотиш баҳосини ошганлиги 3000,28 минг сўмга, маҳсулотнинг ўртача навлилиқ даражасининг ортганлиги эса 60416,42 минг сўмга ижобий таъсир кўрсатган ҳамда умумий “А” маҳсулотнинг режага нисбатан ҳақиқатда 63417,22 минг сўмга ортишига олиб келган.

**Маҳсулот сифатига одатда қуйидаги омиллар таъсир қилади:**

- Фойдаланилаётган хом-ашё ва материаллар сифати;
- Ходимларнинг малакаси ва техник тайёргарлик даражаси;
- Ишлаб чиқаришда иштирок этадиган техника ва технологияни ҳолати ва унинг прогрессивлиги;
- Ишчи ва ходимларнинг маҳсулот сифатига жавобгарлиги ҳамда уларнинг моддий рағбатлантирилиши ва ҳақозо.

Бизнинг Республикамизда маҳсулот сифатини характерловчи энг асосий кўрсаткич бу Ўзбекистон Давлат Стандартлаштириш қўмитаси томонидан белгиланган кўрсаткичлардир.

Корхоналар тажрибасида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир этувчи омилларни турлича гуруҳлаштириш мумкин, *лекин булар ичида энг муҳимлари бўлиб:*

- Тадбиркорлик омили;
- Меҳнат омиллари;
- Моддий заҳиралар билан таъминланганлик омили;
- Асосий воситалар билан қуролланганлик омили;
- Бошқа омиллар;

Иқтисодийни модернизация қилиш шароитида таъсирчан омиллардан бири бу тадбиркорлик омилидир. Шу сабабли маҳсулот ишлаб ҳажмининг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар қаторига тадбиркорлик лаёқати омили ҳам киритилиши тартибланган ва бу таркибланиш иқтисодий жиҳатдан ўринлидир. Чунки юқорида қайд этилган ишлаб чиқариш омиллари тадбиркорлик омили билан биргаликда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга таъсир этади.

Меҳнат ишлаб чиқаришнинг муҳим омили саналади, чунки у моддий бойликлар, заҳираларни хом-ашё сифатида асосий воситалардан фойдаланиб ишлаб чиқаришни ташкил этади ва тайёр маҳсулот яратилади. Барча омиллар бир-бири билан узвий боғланган ҳолда ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир этади. Меҳнат омилларини таҳлил этишда фирманинг меҳнат кучлари таркиби, ҳаракати ва улар билан таъминланганлик, иш вақтида фойдаланганлик, меҳнатнинг унуми ва меҳнат омилларини ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига бўлган таъсирлари аниқланади.

Товар ва моддий заҳиралардан фойдаланганлик омилини ўрганишда улар билан таъминланганлик, товар заҳираларининг ҳаракати, моддий жавобгарлар бўйича сақланиш ҳолати, самарали фойдаланганлик, моддий бойликларнинг қайтими ва сифими ҳамда моддий бойликлардан фойдаланишнинг ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажмига таъсири каби кўрсаткичлар таҳлил қилинади.

Бугунги кунда фирма ва компанияларни техник жиҳатдан қайта қуролланиши муҳим аҳамият касб этади, сабаби, замонавий асосий воситалардан фойдаланиш иш унумини ортишига, маҳсулотлар сифатини яхшиланишига ҳамда технологик жараёнлардаги йўқотиш – бракларни камайишига таъсир этади. Шунинг учун ҳам бу омилнинг таҳлилида фирмани асосий воситалари таркиби, ҳаракати ва техник ҳолати, ишлаб чиқариш қувватлари ва асосий воситалардан фойдаланиш кўрсаткичлари ҳамда асосий воситалардан оқилона фойдаланишнинг ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига таъсири ўрганилади.

Бошқа омиллар дейилганда, бозор конъюктураси, талаб ва таклиф, рақобатчилар имконияти, ситеъмолчи ва буюртмачиларнинг харид қобилияти, халқаро иқтисодий алоқаларнинг ўзгариши ва шу каби бошқа сабаблар тушунилади.

Ривож топаётган бозор иқтисодиёти шароитида маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқаришдан кўра кўпроқ уларни сотиш муаммоси




олдинги ўринга чиқади. Корхоналар эркин фаолият юритувчи субъектлар сифатида олди-сотди муносабатларини ҳам мустақил белгилайдилар. Маҳсулот, иш ва хизматларни олди-сотди жараёнлари бозор муносабатларининг негизида туради. Маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотиш мулкый муносабатлардан келиб чиққан ҳолда ўзаро шартномавий келишувларга таянади. Республикамиздаги солиқ қонунчилигига асосан маҳсулот ортиб жўнатилган ва ҳисоб ҳужжатлари қарши томонга (харидор ва буюртмачиларга) тақдим этилган бўлса, маҳсулот сотилган деб ҳисобланади. Маҳсулотларга эгалик ҳуқуқи улар ортиб жўнатилган пайтданок корхонадан четланади ва қарши томонга ўтади. Улар бўйича ҳисоб-китоблар томонларнинг ўзаро келишувида ҳал этилади.

Маҳсулотларни сотилган деб ҳисоблашнинг одатда икки шarti, яъни улар ортиб жўнатилган ва корхона ҳисоб рақамига пули келиб тушишини характерловчи “кассали усул” ҳамда ортиб жўнатилган ва ҳисоб ҳужжатлари тақдим этилган пайтданок сотилган ҳисобланувчи “ҳисобга олиш усул”и характерланади. Мулкга эгаликнинг янги ҳуқуқий аспектида асосан иккинчи усул таркибланади. Шунингдек, бутун бутун ҳисоб-китоблар тизими ҳам ушбу қонуният асосида тузилади. Олди-сотди муносабатларида ягона белги шуки, ортиб жўнатилган ёки сотилган маҳсулотлар бўйича маблағларни ундириб олиш бевосита мулк эгасининг муаммосидир.

Шартномавий муносабатларда унинг субъектлари ўзаро келишувининг ҳуқуқий аспекти ифодаланади, маҳсулотларни сотувчи ва сотиб олувчилар, уларнинг мажбуриятлари, ҳисоб-китобларнинг шакли, даври ва шартлари, уларнинг бузилишида қўлланиладиган чоралар, уларнинг тартибга солиниши акс эттирилади. Маҳсулотларни сотиш улгуржи ва чакана нархларда амалга оширилади. Корхона томонидан қўлланиладиган нархларни қуйидагича тасвирлаш мумкин.

<b>Товарларнинг ишлаб чиқариш таннари</b>	<b>Корхона фойдаси</b>	<b>Сотиш жараёнида қўлланиладиган эгри солиқлар</b>	<b>Савдо устамаси</b>
<b>Корхонанинг улгуржи сотиш баҳоси</b>			
<b>Корхонанинг чакана сотиш баҳоси</b>			

Таҳлилда маҳсулот, иш ва хизматларни сотиш режасининг бажарилиши ва динамикаси, унинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар ўрганилади. Маҳсулот сотиш ҳажмига таъсир этувчи омилларни қуйидаги чизма ва жадвал мисолида кўришимиз мумкин:



**II**

**II**


**III**

**III**

**IV**

**IV**

**-чизма. Маҳсулотларни сотиш шакллари**



- чизма. Сотиш шакллари бўйича нархларнинг шаклланиши

Маҳсулот сотиш ҳажмига таъсир этувчи омилларни аниқлаш учун товар балансини тузамиз. Товар баланси кўрсаткичлари тайёр маҳсулот ҳаракати номли маълумотномадан олинади. Бу ҳисобот шаклида тайёр маҳсулотнинг йил бошига, йил охирига бўлган қолдиғи, ишлаб чиқарилган товар маҳсулоти ҳамда сотилган маҳсулот улгуржи баҳода ва ишлаб чиқариш таннархида ифодаланган. Товар баланси қуйидаги формула орқали аниқланади.

$$\text{Йб} + \text{T} = \text{СТ} + \text{Йо}$$

Бунда:

Йб – тайёр маҳсулотнинг йил бошига қолдиғи

T – ишлаб чиқарилган товар маҳсулоти

СТ – сотилган маҳсулот ҳажми

Йо – тайёр маҳсулотнинг йил охиридаги қолдиғи.

-жадвал

Акционерлик жамиятида маҳсулот сотиш ҳажмига таъсир этувчи омиллар таҳлили  
(минг сўмда)

Кўрсаткичлар	Шартли белги	Ҳисобот йили		Фарқи (-,+)	Сотиш ҳажмига таъсири
		Бизнес режада	Ҳақиқатда		
1	2	3	4	5	6
1. Тайёр маҳсулот йил бошига қолдиғи	Йб	367847	563974	+196127	+196127
2. Ишлаб чиқарилган товар маҳсулоти	Т	2117539	2515931	+398392	+398392
<b>жами (1 сатр+2 сатр)</b>	<b>Х</b>	<b>2485386</b>	<b>3079905</b>	<b>+594519</b>	<b>+594519</b>
3. Сотилган маҳсулот	Ст	2367492	3040381	<b>+672889</b>	х
4. Тайёр маҳсулотнинг йил охирига қолдиғи	Йо	117894	39524	-78370	+78370
<b>Жами (3 сатр+4 сатр)</b>	<b>х</b>	<b>2485386</b>	<b>3079905</b>	<b>+594519</b>	<b>+78370</b>

Маҳсулот сотиш ҳажми 280380 минг сўмни ташкил этиб режага нисбатан 19926 минг сўмга ортган. Сотиш ҳажмига қуйидаги омиллар таъсир этган.

**Ст=Йб+Т-Йо**

1. Тайёр маҳсулотнинг йил бошига бўлган қолдиғини ўзгариши.
2. Ишлаб чиқарилган товар маҳсулоти.
3. Тайёр маҳсулотнинг йил охирига бўлган қолдиғини ўзгариши.

Сотиш ҳажмига таъсир этувчи омиллардан иккитаси, яъни тайёр маҳсулотнинг йил бошига қолдиғи (Йб) ва ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг (Т) режага нисбатан ўзгариши бевосита ва билвосита таъсир этади. Бу кўрсаткичларни (Йб,Т) ортиши сотиш ҳажмини ҳам ортишига, режага нисбатан камайишига олиб келади.

Йил охиридаги (Йо) тайёр маҳсулот сотиш ҳажмига тескари таъсир этади, ортиши сотиш ҳажмини камайишига, камайиши сотиш ҳажмини ортишига олиб келади.

1. Йил бошидаги тайёр маҳсулот қолдиғининг режага нисбатан 196127 минг сўмга ортиши туфайли сотилган маҳсулот шу суммага кўпайди. Бу омилнинг ҳиссаси 29,15 % ( $196127 \times 100 : 672889$ ) ни ташкил этади.
2. Ишлаб чиқарилган товар маҳсулотини режаси 118,81 % га бажарилган, яъни режани 18,81 % га ортиғи билан бажарилиши туфайли маҳсулот ҳажми 398392 минг сўмга ортган. Шу суммага сотилган маҳсулот ҳажми ҳам кўпайган.
3. Йил охиридаги тайёр маҳсулот қолдиғи режадаги 117894 минг сўмдан ҳақиқатда 39524 минг сўмга қадар, яъни 78370 минг сўмгача камайган. Бу фоиз ҳисобида 11,65 % ( $78370 \times 100 : 672889$ ) ни ташкил этади.

Йил охиридаги қолдиқнинг камайиши туфайли реализация ҳажми 78370 минг сўмга кўпайган.

-жадвал

Омиллар таъсирининг натижаларини қуйидаги жадвалда умумлаштирамиз

Кўрсаткичлар	Сумма, минг сўмда	Режага нисбатан % ҳисобида
1	2	3
1. Тайёр маҳсулотнинг йил бошига қолдиғини ортиши ҳисобига	+196127	+8,28
2. Товар маҳсулоти режасини ортиғи билан бажарилиши ҳисобига	+398392	+16,82
3. Тайёр маҳсулотнинг йил охирига қолдиғини камайиши ҳисобига	+78370	+3,31
<b>Жами</b>	<b>+672889</b>	<b>+28,42</b>

Юқорида қайд этилган омиллардан ташқари сотиш режасининг бажарилишига маҳсулот сифатини режага нисбатан ўзгариши, ассортиментни белгиланган режага нисбатан ўзгариши, ишлаб чиқариш маромийлигини бузилиши, бозордаги талаб ва таклифнинг ўзгариши, ўриндош товарларнинг бозордаги ҳажми ва уларнинг баҳосини ўзгариши, маҳсулотнинг қадоқланиши ҳамда ташқи кўриниши ва ҳ.к. лар таъсир этади.

Сотиш ҳажмини таҳлилининг хотима қисмида ишга солинмаган ички имкониятлар ҳисобига маҳсулот ҳажмини ошириш имкониятлари аниқланмоғи лозим. Ишга солинмаган имкониятлар сотиш ҳажмини оширишга, фойда ва рентабелликни кўпайтиришга қаратилмоғи лозим. Белгиланадиган тадбирий чоралар корхонанинг барча бўғинларини ўз ичига олиши керак, яъни ишлаб чиқариш, молиявий ҳолат, молиявий натижаларни самарадорлигини оширишга қаратилмоғи лозим.

Маҳсулот сотиш ҳажмини ошириш резервлари таркибига қуйидагиларни киритиш мумкин: рақобатга бардош, юқори талабга эга бўлган маҳсулотларни кўплаб ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулот қолдиғини белгиланган меъёр даражасида сақлаш, сифатсиз маҳсулотларни арзонлаштирилган нархларда реализация қилиш, ишлаб чиқаришни бир маромда ташкил этиш, омбордаги тайёр маҳсулот камомадини (инвентаризация натижасига кўра) ундириб олиш, маҳсулот сифатини ошириш ва ҳ.к.

Таҳлил натижаларига кўра корхона маҳсулот сотиш ҳажмини ошириш имкониятларига эга.

## Мавзу бўйича таянч иборалар:

- ишлаб чиқариш ҳажми;
- маҳсулот номенклатурасининг тавсифи;
- маҳсулот ассортиментининг тавсифи;
- маҳсулот ассортиментини таҳлил этиш услублари;
- маҳсулот таркибидаги структуравий ўзгаришларни аниқлаш услублари;
- ишлаб чиқариш маромийлиги;
- ишлаб чиқариш маромийлигини бузилиш сабаблари;
- маромийликни корхона иқтисодий кўрсаткичларига таъсири;
- маҳсулотлар ишлаб чиқаришга таъсир этувчи омиллар таснифи;
- тадбиркорлик омили;
- меҳнат омили;
- товар-моддий заҳиралар билан таъминланганлик омили;
- асосий воситалар билан қуролланганлик омили.

## Такрорлаш учун саволлар

1. Хўжалик субъектларининг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларини таҳлил этишни аҳамияти нималарда кўринади?
2. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларини ўрганишда таҳлилнинг асосий вазифалари нималардан иборат бўлади?
3. Қандай ахборот манбаларидан фойдаланилади?
4. Маҳсулот ҳажмини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини ифодалаб беринг?
5. Ялпи ва товар маҳсулоти дегкнда нимани тушунасиз?
6. Маҳсулот ишлаб чиқариш режасининг бажарилиши ва унинг динамикаси қандай таҳлил этилади?
7. Маҳсулот номенклатураси ва ассортиментини қандай таҳлил этилади?
8. Маҳсулот ишлаб чиқариш маромийлиги нима?
9. Маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг бузилишидан кўрилган брак қандай таҳлил этилади?
10. Маромийликнинг бузилишига нималар сабаб бўлади?
11. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир этувчи омилларни кўрсатиб беринг?

## Муस्ताқил ўрганиш учун топшириқлар

### 1-топшириқ

1. Берилган маълумотлар асосида маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқариш режасининг бажарилиши ва динамикасини таҳлил қилинг. Таҳлил натижаларига хулоса ёзинг?

#### Иқтисодий кўрсаткичлар-хос рақами-815

Кўрсаткичлар	Сатр тартиб рақами	Амалда ишлаб чиқарилди	
		Ҳисобот йили	Ўтган йилда
Маҳсулот (иш, хизмат)лар ҳажми, корхона улгуржи баҳосида, қиёслама нархларда, минг сўм	810	404316	403603
Тегишли йилнинг амалдаги нархларида	821	453781	314720
Илмий техника маҳсулотлари ҳажми	822	-	-
Сертификатланган маҳсулот ҳажми	828	-	-
Ўртача иш хаки ва бошқа миқдорларни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган саноат ишлаб чиқариш ходимлари сони, киши	829	121	120
Шундан илмий тадқиқот ходимлари	830	-	-

**Режа маълумотлари:**

**Маҳсулот (иш, хизмат)лар ҳажми:**

- амалдаги баҳода - 412314 минг сўм

- қиёслама баҳода - 403810 минг сўм

### 2-топшириқ

1. Берилган маълумотлар асосида товар маҳсулот структурасини, уларнинг ўзгариш сабабларини ҳамда динамикасини ўрганинг ва хулоса ёзинг?

#### Саноат маҳсулоти айрим турларини ишлаб чиқариш - хос рақами 814

Маҳсулот турлари (давлат статистика идоралари белгиланган номенклатура бўйича)	лчов бирлиги	Хос рақамлар		Ҳисобот йилид ҳақиқатда ишлаб чиқарилган маҳсулот қиймати корхонанинг солиштирма улгуржи нархларида, минг сўм	Амалда ишлаб чиқарилди		Ҳисобот йилид ҳақиқатда ишлаб чиқарилган маҳсулот қиймати корхонанинг амалдаги улгуржи нархларида, минг сўм
		К-ОКП (А-ОКП)	СОЕ И		Ҳисобот йилид	Ўтган йилда	
1		3	4	5	6	7	8
нон ва нон маҳсулотлари:				78487			87649
- олий навли нон				287643			320975
- биринчи навли нон				9872			12973
- кора жўхори нони							

- патир нон				16418			16879
- бўрсилдоқ НОН				4829			5971
- «навруз» булочкаси				1764			2017
- батон нони				2349			2476
- палочка нони				1238			2036
макарон маҳсулотлари: - вермишель макарони				730			1660
-рачки макарони				946			1103
- кондитер маҳсулоти				40			42
<b>Нон ва нон маҳсулотлари</b>	<b>н</b>			<b>402600</b>	<b>5213</b>	<b>5260</b>	<b>450976</b>
<b>Макарон маҳсулотлари</b>	<b>н</b>			<b>1676</b>	<b>14</b>	<b>11</b>	<b>2763</b>
<b>Кондитер маҳсулотлари</b>	<b>н</b>			<b>40</b>	<b>0,1</b>	<b>-</b>	<b>42</b>
<b>Жами</b>							<b>453781</b>
Электр энергияси	<b>инг квт гсоат</b>	011000	0216				
Иссиқлик энергияси (юборилган) – жами	<b>инг Г кал</b>	012000	0301				
Шу жумладан: электр станциялар томонидан	-«	012100	0391				
Корхоналар томонидан	-«	012200	0391				
Утилизация қурилмалари томонидан	-«	012300	0391				

### Ҳисобот йили маълумотлари

1.	маҳсулот ассортиментлари: нон ва нон маҳсулотлари, дона; - олий навли нон - биринчи навли нон - қора жўхори нони - патир нон - бўрсилдоқ нон - «навруз» булочкаси - батон нони - палочка нони макарон маҳсулотлари: - вермишель макарони - рачки макарони - кондитер маҳсулотлари	872078 3551148 151877 156362 76651 36750 22806 103167 2028 3724 47,3
----	--	--



2.	<p>маҳсулот бирлигини баҳоси, сўм нон ва нон маҳсулотлари, дона:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- олий навли нон</li> <li>- биринчи навли нон</li> <li>- қора жўхори нони</li> <li>- патир нон</li> <li>- бўрсилдоқ нон</li> <li>- «навруз» булочкаси</li> <li>- батон нони</li> <li>- палочка нони</li> </ul> <p>макарон маҳсулотлари:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- вермишель макарони, кг</li> <li>- рачки макарони, кг</li> <li>- кондитер маҳсулотлари, кг</li> </ul>	<p>90</p> <p>81</p> <p>65</p> <p>105</p> <p>63</p> <p>48</p> <p>103</p> <p>12</p> <p>360</p> <p>254</p> <p>845</p>
----	---	--

### Бизнес режа маълумотлари

1.	<p>маҳсулот ассортиментлари: нон ва нон маҳсулотлари, минг сўмда:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- олий навли нон</li> <li>- биринчи навли нон</li> <li>- қора жўхори нони</li> <li>- патир нон</li> <li>- бўрсилдоқ нон</li> <li>- «навруз» булочкаси</li> <li>- батон нони</li> <li>- палочка нони</li> </ul> <p>макарон маҳсулотлари:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- вермишель макарони</li> <li>- рачки макарони</li> <li>- кондитер маҳсулотлари</li> </ul>	<p>78500</p> <p>286410</p> <p>10000</p> <p>15000</p> <p>5000</p> <p>1500</p> <p>4239</p> <p>1400</p> <p>800</p> <p>910</p> <p>51</p>
2.	<p>маҳсулот ассортиментлари: (ишлаб чиқарилган маҳсулот, дона) нон ва нон маҳсулотлари, дона:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- олий навли нон</li> <li>- биринчи навли нон</li> <li>- қора жўхори нони</li> <li>- патир нон</li> <li>- бўрсилдоқ нон</li> <li>- «навруз» булочкаси</li> <li>- батон нони</li> <li>- палочка нони</li> </ul> <p>макарон маҳсулотлари:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- вермишель макарони, кг</li> <li>- рачки макарони, кг</li> <li>- кондитер маҳсулотлари, кг</li> </ul>	<p>872222</p> <p>3535926</p> <p>153846</p> <p>142857</p> <p>79365</p> <p>31250</p> <p>41155</p> <p>116667</p> <p>2222</p> <p>3583</p> <p>60,3</p>

### 3-топширик

2-топширик малумот манбаларидан фойдаланган ҳолда товарлар структуравий ўзгаришининг маҳсулот хажмига таъсирини аниқланг ва хулоса қилинг?

### 4-топширик

2-топширик малумот манбаларидан фойдаланган ҳолда маҳсулот наменклатураси ва ассортиментини таҳлил қилинг ва хулоса ёзинг?

### 5-топширик

Берилган маълумотлар асосида маҳсулот ишлаб чиқариш маромийлигини таҳлил этинг ва хулоса ёзинг?

	маҳсулот ишлаб чиқариш маромийлиги, минг сўмда: <ul style="list-style-type: none"><li>- биринчи ўн кунликлар бўйича</li><li>- иккинчи ўн кунликлар бўйича</li><li>- учинчи ўн кунликлар бўйича</li></ul>	124516 128467 151333
--	--	----------------------------

### Бизнес режа маълумотлари

1	маҳсулот ишлаб чиқариш маромийлиги, минг сўмда: <ul style="list-style-type: none"><li>- биринчи ўн кунликда</li><li>- иккинчи ўн кунликда</li><li>- учинчи ўн кунликда</li></ul>	122451 135810 145549
---	--	----------------------------

#### **6.4. Маҳсулотларни сотиш бўйича шартнома мажбуриятларининг бажарилишини таҳлили**

Истиклол ислохотлари туфайли бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик усуллари ўрнини эгаллаган бозор иқтисодиёти шароитида шартнома барча мулк шаклидаги корхона, муассаси ва ташкилотлар, шунингдек, тадбиркорлар ўртасида иқтисодий муносабатларни ўрнатувчи асосий ҳуқуқий ҳужжатга айланди. Яқин ўтмишда режали иқтисодиёт даврида ҳам шартномалар тизимидан фойдаланилган. Аммо, якка мулкчилик, яъни давлат мулкчилигининг танҳо ҳуқуқи ҳукмронлик қилган замонда шартномалар режа ва топшириқларни бажариш учун қўлланиладиган бир восита ҳисобланган ҳолос. Қолаверса, илгарилари шартномага уни тузган томонларнинг истак ва манфаатларини ифода этувчи тўла ҳуқуқли юридик ҳужжат деб ҳам қаралмасди. Уларни қўлланилиши чекланган бўлиб, ҳаттоки, фуқароларнинг ўзаро битим тузиши қонун йўли билан жазоланадиган айб-чайқовчилик сифатида, қораланар эди. Шу маънода, шартноманинг ҳуқуқий мақомини тамомила ўзгартириш ва умуман, шартнома тузиш маданиятини юксалтириш борасида мамлакатимизда жиддий ишлар амалга оширилаётгани эътиборга лойиқдир. Эндиликда, шартнома режали ишлаб чиқариш ва тақсимлаш омилларига асосланмайди. Билъакс, бозор қонуниятлари талабига биноан, шартномавий муносабатлар товар-пул, яъни тенг тўловлар тарзида амалга оширилиб, шартнома уларга ҳуқуқий шакл ўрнида хизмат қила бошлади. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Фуқаролик кодекси, хўжалик ишларини юритиш қонунлари мажмуаси, мулкчилик, тадбиркорлик, корхоналар тўғрисидаги қонунлар, бошқа меъёрий ҳужжатлар шартнома муносабатларларини тартибга солиб турувчи ҳуқуқий манбалар ҳисобланади.

Шартнома ижроси бугунги кунда энг долзарб муаммолардан биридир. Шартнома бажарилмаслиги корхонага иқтисодий зарар келтирибгина қолмай, унинг истиқболини хавф остига қўяди, ҳар икки томондаги корхоналар ишчиларининг маош ололмаслигига сабаб бўлади.

Хўжалик шартномаларининг малакали ва пухта тузилиши томонлар мажбуриятларни нотўғри талқин этишларига, шериклардан бири шартномага ноинсоф муносабатда бўлганида ёки уни беихтиёр бузиб қўйганида бу ҳолат бошқа томонга зарар келтиришига имкон бермайди. Корхона раҳбарлари ва тадбиркорларнинг барчасида ҳам ўз фаолиятининг молиявий натижалари билан боғлиқ маъсулият ҳисси шаклланган, деб бўлмайди. Ҳуқуқ идоралари ўтказган текширишларда айрим корхона ва ташкилотлар раҳбарлари томонидан шартномаларни тузиш ва ижро этишда қонунчиликка риоя этмаслик ҳолатлари кўплаб аниқланган. Аксарият раҳбарларда ҳозиргача мулкдорлик туйғуси шаклланиб улгурмаган. Баъзи раҳбарларда ўз хўжалигининг моддий-молиявий натижаларига эътиборсизлик кайфияти қонун ва судларга нисбатан нописандлик билан қараш ҳолатида намоён бўлмоқда.

Сотиш режасининг бажарилиши умумий ҳажмда бажарилишидан сўнг шартнома мажбуриятларини ҳисобга олган ҳолда сотиш режасини бажарилишини аниқлаш лозим. Бу кўрсаткич орқали корxonанинг шартномавий мажбуриятларга бўлган муносабатларига ва фаолиятига баҳо берилади.

21-жадвал

**“ABC” акционерлик жамияти бўйича шартнома мажбуриятларининг бажарилишини таҳлили**

Кўрсаткичлар	Бизнес режа бўйича	Ҳақиқатда
1	2	3
1. Сотилган маҳсулот ҳажми, минг сўмда	2367492	3040381
2. Шартномавий мажбуриятларга нисбатан етказиб берилмаган маҳсулот ҳажми, минг сўмда	x	103672
3. Шартномавий мажбуриятларни ҳисобга олган ҳолда маҳсулот сотиш ҳажми, минг сўмда	-	2263820
4. Шартномавий мажбуриятларни ҳисобга олган ҳолдаги маҳсулот сотиш режасининг бажарилиши, %	x	95,62

Мажбуриятни ҳисобга олган ҳолда сотиш режаси 95,62 % (2263820x100:2367492) га бажарилган холос. Шартномадаги 103672 минг сўмлик маҳсулот истеъмолчиларга шартномада келишилган муддатларда етказиб берилмаган. Бу эса маҳсулот етказиб берувчи корхонага бўлган ишончнинг пасайишига, ушбу корхонага нисбатан турли иқтисодий жарималар қўлланилишига сабаб бўлади. Натижада корxonанинг молиявий-иқтисодий ҳолати ёмонлашувига ва рақобат бозорида ўз мавқеини йўқотишига олиб келиши мумкин.

## 6.6. Сотиш ҳажмини ошириш имкониятларини жамлаш

## Мавзу бўйича таянч иборалар:

- сотиш ҳажми;
- сотиш ҳажмига таъсир этувчи омиллар таҳлилининг услублари;
- маҳсулот етказиб бериш ва сотиш шартномалари;
- шартнома бажарилишини таҳлил этиш усуллари;
- сифат кўрсаткичлари таҳлили;
- маҳсулот сифатини таҳлил этиш услублари;
- рекламация тўғрисида тушунча.

## Такрорлаш учун саволлар

1. Корхоналарда маҳсулот сотиш ҳажми қайси кўрсаткичлар орқали ифодаланади?
2. Маҳсулот сотиш ҳажмини таҳлил қилишда бошқарув таҳлилининг асосий вазифалари нималардан иборат?
3. Маҳсулот сотиш ҳажмига товарлар структурасининг ўзгариши қандай таъсир этади?
4. Маҳсулот сотиш ҳажмининг режа бажарилиши ва уларнинг динамик ўзгаришлари ойлар бўйича қандай таҳлил этилади?
5. Маҳсулот сотиш ҳажмининг ўзгаришига қандай омиллар таъсир этади?
6. Маҳсулот сотиш бўйича шартнома мажбуриятларининг бажарилиши қандай таҳлил этилади?
7. Шартнома мажбуриятларининг бажарилмаслигига қандай омиллар таъсир этади?
8. Маҳсулот сифати қандай таҳлил қилинади?
9. Маҳсулот сотиш ҳажмини ошириш имкониятларини кўрсатиб беринг.

## Мустақил ўрганиш учун топшириқлар

### 1-топшириқ

- 1.1. Корхона маълумотлари асосида таҳлил қилинаётган корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш режаларини услубий жихатдан тўғри белгиланганлигини текширинг, таҳлил қилинг ва хулоса ёзинг?
- 1.2. Сотиш ҳажмига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилинг ва хулоса ёзинг?
- 1.3. Омиллар таъсир даражаларини умумлаштириш ва таклифлар тузинг?
- 1.4. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилишини таҳлил қилинг ва хулоса ёзинг?

### Ҳисобот даври кўрсаткичлари

1.	Ишлаб чиқариш таннархида, минг сўмда:	
	- тайёр маҳсулотни йил бошига қолдиғи	987
	- тайёр маҳсулотни йил охирига қолдиғи	343
	- товар маҳсулоти	375617
	- сотилган маҳсулот	376261
	- режа бўйича сотиш ҳажми	375116

### Бизнес режа маълумотлари

№	Курсаткичлар	Суммаси
1	2	3
1.	Товар маҳсулоти улгуржи баҳоси, минг сўмда	403810
2.	Сотилган маҳсулот, минг сўмда	406813
3.	Тайёр маҳсулотнинг йил бошига қолдиғи, минг сўмда	3456
4.	Тайёр маҳсулотнинг йил охирига қолдиғи, минг сўмда	453
5.	Маҳсулот ҳажми, минг сўмда:	
	- амалдаги баҳода	412314
	- солиштирма баҳода	403810

### 2-топширик

Маҳсулотлар сифатини таҳлил қилинг, Маҳсулотнинг сортлилик коэффициентларини аниқланг ва хулоса ёзинг?

### Ҳисобот йили маълумотлари

1	маҳсулот ассортиментлари: нон ва нон маҳсулотлари, дона:	
	- олий навли нон	872078
	- биринчи навли нон	3551148
2	маҳсулот бирлигини баҳоси, сўм нон ва нон маҳсулотлари, дона:	
	- олий навли нон	90
	- биринчи навли нон	81

### Бизнес режа маълумотлари

1	маҳсулот ассортиментлари: нон ва нон маҳсулотлари, минг сўмда:	
	- олий навли нон	78500
	- биринчи навли нон	286410
2	маҳсулот ассортиментлари: (ишлаб чиқарилган маҳсулот, дона) нон ва нон маҳсулотлари, дона:	
	- олий навли нон	872222
	- биринчи навли нон	3535926

## МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАНГАНЛИК, УНУМДОРЛИГИ ВА УЛАРНИНГ МАҲСУЛОТ ҲАЖМИГА ТАЪСИРИНИ ТАҲЛИЛИ

### 7.1. Корхонада меҳнат ресурсларини таҳлил қилишнинг аҳамияти, таҳлил вазифалари ва ахборот манбалари

Эркин иқтисодий муносабатлар шароитида корхоналарда маҳсулот (иш, хизмат)лар ишлаб чиқаришда асосий ўринни жонли меҳнат омили, яъни инсон омили муҳим аҳамият касб этади. Чунки ҳар қандай фан-техника тараққиётининг ривожланган босқичида ҳам инсон омилнинг бўлиши талаб этилади. Яъни, юқори технологияга асосланган ишлаб чиқариш ускуналарини ҳам инсон бошқариши лозим бўлади. Бундай шароитда корхоналарнинг меҳнат ресурслари билан таъминланганлик даражасини ўрганиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ошишига, маҳсулот таннархининг пасайишига, фойда миқдорининг ошишига ҳамда бошқа бир қатор техник-иқтисодий кўрсаткичларининг яхшиланиши корхонанинг меҳнат ресурслари билан таъминланиш даражасига боғлиқ. Меҳнат кўрсаткичларининг бажарилиш даражаси машина ва жиҳозлардан максимал фойдаланишга, ишлаб чиқаришни бир маромда амалга оширилишига ва меҳнат унумдорлигини ўсишига таъсир кўрсатади.

Бугунги кунда республикамизда рўй бераётган ижтимоий- иқтисодий ўзгаришлар мавжуд меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишни тақозо этмоқда. *Меҳнат кўрсаткичлари таркибига одатда қуйидагилар киради:*

- А) Иш ҳақи фонди;
- Б) Ходимлар сони;
- В) Меҳнат унумдорлиги;
- Г) Ўртача йиллик иш ҳақи.

Республикамизда 1998-2003 йилларда Ялпи ички маҳсулот, саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш ҳажми юқори суръатлар билан олдинги йилларга нисбатан ўсди. Шу йиллар давомида ЯИМ ҳажмининг ўсиш даражаси ўртача 4 %дан юқори бўлди. Меҳнат унумдорлигини ўсиш даражаси маҳсулот ҳажмини ўсиш даражасига нисбатан юқори бўлиши мамлакат миқёсида катта иқтисодий самара берди. Ҳалқаро тажрибадан маълумки, шу кўрсаткич давлат иқтисодиёти қудрати, кишилар турмуш фаровонлиги омилларини мезони бўлиб хизмат қилади.

***Моддий ишлаб чиқаришда меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишни ифодаловчи кўрсаткичлар қуйидагилардир.***

1. Меҳнат унумдорлигини ўсиш даражаси.
2. Меҳнат унумдорлиги ҳисобига маҳсулот ҳажмини ўсиши.
3. Ходимлар сонини нисбий камайиши.
4. Меҳнат ҳақи фондидан нисбий иқтисод.
5. Меҳнат унумдорлиги ўсиш даражасини меҳнат ҳақини ўсиш даражасига нисбати.

Меҳнат ресурсларини таҳлил этиш орқали корxonани ходимлар билан таъминланиши ва улардан фойдаланиш, уларнинг таркиби, тузилиши, касбий маҳорати, ходимларни малакасини ошириш, иш вақтидан фойдаланиш кўрсаткичларига баҳо берилади. Айниқса, меҳнат унумдорлигини ошириш имкониятларига кўпроқ эътибор берилади. Меҳнат ресурслари ва улардан фойдаланишни таҳлил этишдан мақсад, меҳнат унумдорлигини ошириш резервлари ҳисобига маҳсулот ҳажмини ўсишини, иш вақтидан тўлиқ фойдаланиш ва бошқа омиллар эвазига маҳсулот таннархини пасайтиришдан иборатдир.

***Бугунги бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида хўжалик юритувчи субъектларнинг меҳнат ресурслари билан таъминланганлигини ўрганишда бошқарув таҳлилининг асосий вазифалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:***

1. Хўжалик юритувчи субъектларнинг меҳнат ресурслари билан таъминланиши, уларнинг таркиби, структураси ўзгаришини меҳнат унумдорлигига бўлган таъсирини ҳисоблаш ва баҳо бериш;
2. Иш вақтини йўқотиш сабабларини аниқлаш ва унга баҳо бериш;
3. Меҳнат унумдорлиги режасининг бажарилиши ва динамикасига объектив баҳо бериш;
4. Меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича мавжуд имкониятларни аниқлаш;
5. Ходимлар қўнимсизлигига баҳо бериш;
6. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир этувчи меҳнат омилларини аниқлаш ва уларга баҳо бериш;
7. Бир ходимнинг меҳнат унумдорлигини аниқлаш ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларга баҳо бериш;
8. Иш вақтидан фойдаланиш ва бир соатлик иш унумдорлигини ўзгаришини маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига таъсирини ўрганиш ва ҳакозолар.

***Хўжалик юритувчи субъектларнинг меҳнат ресурслари билан таъминланганлик ва улардан самарали фойдаланганлик ҳолатларига баҳо беришда бошқарув таҳлилининг асосий ахборот манбалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:***

- бизнес режа маълумотлари;
- меҳнат ресурсларидан фойдаланиш кўрсаткичларини акс эттирган 1-Т шаклидаги “Меҳнат ҳисоботи” статистик ҳисобот шакли маълумотлари;



- иш вақтидан фойдаланиш, иш вақти баланси тўғрисидаги ҳисобот, ишга келиш, кетиш тўғрисидаги табел, иш кунини фотографияси, ишлаб чиқариш нормасини бажарилиши тўғрисидаги маълумотнома ва бошқа маълумотлар.

## **7.2. Корхонанинг меҳнат ресурслари билан таъминланишини таҳлили**

Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида республикамызда меҳнат ресурсларига катта эътибор бериб келинмоқда. Хусусан, мамлакатимиз Президенти И.Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йилни биринчи ярим йиллиги якунларига бағишланган йиғилишида қуйидагиларни таъкидлаб ўтган эди: “Мамлакатимиздаги демографик вазиятнинг ўзига хос хусусиятини инобатга оладиган бўлсак, бизда аҳоли, айниқса, меҳнатга қобилиятли ёшларнинг сони тез ўсиб бормоқда. Уларнинг сони йилига тахминан 200-300 минг кишига кўпаймоқда. Шу нуқтаи назардан қараганда ортиқча ишчи кучларини иш билан таъминлаш, ишсизлик масаласини ҳал этиш – мамлакатимиздаги энг долзарб иқтисодий ва ижтимоий муаммолардан биридир. Бу вазифани ҳал этишнинг энг самарали йўналишларидан бири – кичик ва ўрта корхоналар сонини кўпайтириш, хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан иборатдир”.

Маҳсулот ишлаб чиқариш режасининг бажарилиши корхонани иш кучи билан таъминланиши ва улардан фойдаланиш кўрсаткичларига кўп жиҳатдан боғлиқ. ***Меҳнат ресурслари ишлаб чиқаришига уч ёқлама таъсир этади.***

1. Корхонани меҳнат ресурслари билан таъминланиш даражаси.
2. Иш вақтидан фойдаланиш.
3. Меҳнат унумдорлик даражаси.

***Корхонанинг барча бўғинларида хизмат қиладиган ходимлар икки гуруҳга бўлинади:***

1. Саноат ишлаб чиқариш ходимлари
2. Ноишлаб чиқариш соҳасидаги ходимлар.

Ишлаб чиқариш жараёнида меҳнат қиладиган категориядаги цех ускуналарини капитал таъмирлаш, корхона бошқарув бўлими, конструктор бюроси, ёнғиндан муҳофаза қилиш соҳасидаги ходимлар саноат ишлаб чиқариш ходимлари деб аталади.

Транспорт, уй-жой хўжалиги, болалар боғчаси ва яслиси, маданий-маърифий соҳалардаги ходимлар ноишлаб чиқариш ходимлари таркибига киради. ***Саноат ишлаб чиқариш ходимлари ишлаб чиқаришдаги ролига қараб қуйидаги категориядаги ходимларга бўлинади:***


- Ишчилар;
- Хизматчилар;
- Раҳбар ходимлар;

- Мутахассислар;
- Қоровуллик хизмати ходимлари.

Иш кучининг таҳлили корxonани меҳнат ресурслари билан таъминланишини аниқлашдан бошланади. Бунинг учун жами саноат ишлаб чиқариш ходимларини сони шу жумладан, айрим категориядаги ходимлари режаси билан таққосланиб ходимларни ортиқча, етишмаслиги аниқланади. Махсулот ишлаб чиқариш ҳажми нафақат корxonани умумий миқдорда меҳнат ресурслари билан таъминланишига боғлиқ бўлмай, балки ходимларни тузилишига боғлиқ. Шу боис ходимларнинг структураси, уларнинг ўзгариши, ўзгариш сабаблари ва динамикаси таҳлил этилиши лозим.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг меҳнат ресурслари билан таъминланганлигига баҳо беришда асосий эътибор меҳнат ресурсларидан фойдаланишга қаратилиши лозим. Меҳнат ресурсларидан фойдаланишни қуйидаги чизма ёрдамида ифодалаб беришимиз мумкин.

## 12- чизма. Меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг таҳлили



Таҳлил этишда саноат ишлаб чиқариш ходимларини сони режа ва ўтган йилдагиси билан солиштирилиб, корхонанинг меҳнат ресурслари билан таъминланиши ва динамикаси аниқланади. Саноат ишлаб чиқариш ходимларининг структураси тармоқ хусусияти, маҳсулот номенклатураси, ихтисослашиш даражасига боғлиқ.

23-жадвал

**“ABC” акционерлик жамиятида меҳнат ресурсларининг таркиби, структураси ва динамикасини таҳлили**

Кўрсаткичлар	Ўтган йили	Ҳисобот йили				Мутлоқ фарқи (+,-)		
		Бизнес режада		Ҳақиқатда		Ўтган йилдан	Режадан	
		Сони, киши	Салмоғи, %	Сони, киши	Салмоғи, %			
1	2	3	4	5	6	7	8	9
1. Ишчилар	617	605	73,78	599	73,59	-18	-6	
2. Хизматчилар	123	120	14,63	117	14,37	-6	-3	
3. Раҳбар ходимлар	41	35	4,27	37	4,54	-4	+2	
4. Мутахассислар	47	50	6,10	53	6,51	+6	+3	
5. Қоровуллик хизмати ходимлари	10	10	0,01	8	0,98	-2	-2	
<b>Жами</b>	<b>838</b>	<b>820</b>	<b>100,0</b>	<b>814</b>	<b>100,0</b>	<b>-24</b>	<b>-6</b>	

Маълумотлардан кўриниб турибдики, таҳлил қилинаётган “ABC” акционерлик жамиятида ўрганилаётган даврда саноат ишлаб чиқариш соҳасидаги меҳнат ресурслари таркибида бир қатор ўзгаришлар содир бўлган. Хусусан, ўтган йилга нисбатан жами меҳнат ресурслари сони ҳисобот йилида 24 кишига камайган. Бунга асосан ишчилар сонининг 18 кишига, хизматчиларнинг 6 кишига, раҳбар ходимларнинг 4 кишига ва қоровуллик хизмати ходимларининг 2 кишига камайганлиги таъсир этган. Жорий йилда мутахассислар сони эса ўтган йилга нисбатан 6 кишига кўпайган. Корхонада ҳисобот йилида белгиланган бизнес режага нисбатан ҳам меҳнат ресурслари сони 6 кишига камайган. Бунга асосан ишчилар сонининг режалаштирилганига нисбатан 6 кишига, хизматчиларнинг 3 кишига камайганлиги ва раҳбар ходимлар ва мутахассисларнинг ортиши таъсир этган.

Жадвал маълумотларидан кўринадикки, корхонадаги саноат ишлаб чиқариш соҳасидаги меҳнат ресурсларининг асосий салмоғини ишчилар ва хизматчилар ташкил этмоқда. Ходимлар таркибида мутлоқ таркибий ўзгаришлар кузатилган бўлсада уларнинг умумий таркибдаги салмоғида деярли кескин ўзгаришлар кузатилмайди. Раҳбар ходимларнинг бизнес режада белгиланганига нисбатан ортиши корхона учун самара бермайди. Шу сабабли корхонада бевосита ишлаб чиқариш жараёнида тўғридан-тўғри қатнашадиган ходимлар сонини оширишга ҳаракат қилиши, бу эса самарадорликни оширишга олиб келиши мумкин.

### 7.3. Иш кучи кўнимсизлиги ва ишчиларнинг малака даражасини таҳлили

Ишлаб чиқариш режаларининг бажарилиши саноат ишлаб чиқариш ходимлари таркибидаги структуравий ўзгаришларга ҳам боғлиқ. Йил давомида корхона ходимлари таркиби ишга қабул қилиш ва бўшатиш ҳисобига ўзгариб туради. Бундай ўзгаришлар иш кучи обороти коэффициенти орқали ифодаланади. Таҳлил этишда кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича белгиланган тадбирларни бажарилиши назорат қилинади. Бунинг учун ишчиларни ўртача разряди аниқланади. Ходимларларнинг кўнимсизлиги ишлаб чиқаришга салбий таъсир этади.

Кўнимсизлик коэффицентини аниқлаш учун ўз аризасига мувофиқ ишдан бўшаган ва меҳнат интизомини бузганлиги учун ишдан кетган ходимлар сонининг йиғиндисини ходимларнинг рўйхат бўйича ўртача сонига бўлиш лозим. Бу кўрсаткич ўтган йиллар билан таққосланади ва тегишли хулосалар қилинади.

24-жадвал

#### “ABC” акционерлик жамиятида ходимлар кўнимсизлигининг таҳлили

Кўрсаткичлар	Ўтган йили	Ҳисобот йили	Фарқи (+,-)
1	2	3	4
1. Ишчиларнинг рўйхат бўйича ўртача сони, киши	617	599	-18
2. Йил давомида ишга қабул қилинганлар сони, киши	38	39	+1
3. Йил давомида ишдан бўшатишганлар сони, киши	56	43	-13
<b>Шу жумладан:</b>	16	12	-4
А) ўз хоҳишига кўра			
Б) прогул ва меҳнат интизомини бузганлиги учун	28	18	-10
В) ўқишга кирганлиги, нафақага чиққанлиги, харбий хизматга чақирилганлиги сабабли	12	13	+1
4. Ишга қабул қилиш обороти, % (гр2/гр1)	6,16	6,51	+0,35
5. Ишдан бўшатиш обороти, % (гр3/гр1)	9,08	7,18	-1,9
6. Кўнимсизлик коэффицентини (гр3а+гр3б/1)	0,071	0,050	-0,429

Жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, таҳлил қилинаётган “ABC” акционерлик жамиятида жорий йилда ходимларнинг кўнимсизлигига бир қадар барҳам беилган. Яъни, ўтган йили ходимлар кўнимсизлиги коэффицентини 0,071 коэффицентни ташкил этган бўлса, ҳисобот йилида бу кўрсаткич 0,050 ни ташкил қилди. Кўнимсизлик 0,429 коэффицентга пасайганлигини ижобий баҳоламоқ лозим. Мазкур корхонада ишдан бўшатиш обороти ўтган йилги 9,08 фоиздан ҳисобот йилида 7,18 фоизга қадар пасайган. Бундай натижалар корхонада ижтимоий-иқтисодий

муҳитнинг яхшиланаётганлигидан далолатдир. Бу кўрсаткичлар орқали корхонада меҳнатни ташкил этиш, рағбатлантириш системалари талаб даражасида ташкил этила бошланганлигини ифодалайди. Бундан ташқари корхонада меҳнат интизоми кучайганлигини ҳам кўришимиз мумкин. Яъни, жорий йилда меҳнат интизоми бузганлиги учун ишдан бўшатирилганлар сони ўтган йилга нисбатан 10 кишига камайганлигини унинг тасдиғи сифатида кўришимиз мумкин. Бундай натижаларни корхона учун ижобий ҳол деб баҳолаш лозим.

Таҳлил давомида ишчиларни касби бўйича корxonанинг таъминланишини аниқлаш лозим. Чунки, маҳсулот ишлаб чиқариш, корxonани, ишчиларнинг касбини ҳисобга олган ҳолда таъминланишига боғлиқ.

25-жадвал

**“ABC” акционерлик жамиятида ишчиларнинг касби бўйича таъминланишини таҳлили**

Кўрсаткичлар	Бизнес режа бўйича	Ҳақиқатда	Режанинг бажарилиши, %	Фарқи (+,-)	
				Мутлоқ, киши	Нисбий, %
1	2	3	4	5	6
1. Бўёқ тайёрловчилар	240	245	102,08	+5	+2,08
2. Ранг танловчилар	98	97	98,97	-1	-1,03
3. Бўёқ қорувчилар	56	58	103,57	+2	+3,57
4. Чилангарлар	28	25	89,28	-3	-10,72
5. Бошқа тоифадаги ишчилар	183	174	95,08	-9	-4,82
<b>ЖАМИ</b>	<b>605</b>	<b>599</b>	<b>99,01</b>	<b>-6</b>	<b>-0,99</b>

Жадвал маълумотларидан кўринадикки, биз таҳлил қилаётган “ABC” акционерлик жамиятида ўрганилаётган даврда жами ишчилар сони бизнес режада белгиланганига нисбатан 6 кишига камайган. Ишчилар сонининг камайишига асосан чилангарларнинг 3 кишига ва бошқа тоифадаги ишчиларнинг 9 кишига камайганлиги сабаб бўлган. Корхонадаги ишчиларнинг асосий салмоғини бўёқ тайёрловчилар, ранг танловчилар ва бошқа тоифа ишчилари ташкил этган. Корхона асосий касбдаги ишчилар билан 99,01 фоизга таъминланган. Бўёқ тайёрловчилар, бўёқ қорувчилар касбдаги ишчилар режага нисбатан ортиқча бўлган ҳолда қолган касбдагилар камайган. Бундай ҳолатни бўлиши ишлаб чиқаришни нормал ташкил этишга тўсқинлик қилади, натижада белгиланган иш вақтидан ортиқча меҳнат сарфи қилинишига ва иш ҳақи фондидан ортиқча сарфга йўл қўйилишига олиб келади. Ишлаб чиқариш натижаси меҳнат унумдорлиги ишчининг меҳнат стажига ҳам боғлиқ. Таҳлил этишда узлуксиз меҳнат стажига (1-йилгача, 1-5 йил; 5-10; 10-15; 15-20; 20-25; 25 йилдан ортиқ)ни жами ишчилар сонига тутган улуши аниқланади ва тегишли хулоса қилинади.

## 7.4. Ишчиларни иш вақтидан фойдаланишини таҳлили ва унинг ўзгариш сабаблари

Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ишни ташкил этиш ва меҳнат ресурсларининг иш вақтидан фойдаланиш кўрсаткичларига кўп жиҳатдан боғлиқ. Ишчиларни иш вақти фонди ишчининг йил давомида ишлаган киши-кунлари ва киши-соатлари кўринишида ҳисоботларда ифодаланади. Иш вақтидан фойдаланишни таҳлил этиш учун ишчилар томонидан ишланган жами киши-кунлари ва киши-соатлари режаси билан таққосланиб иш вақтини йўқотилиши ва уни ўзгариш сабаблари аниқланади. Таҳлил жараёнида иш вақти фондидан тўлиқ фойдаланмаслик сабаблари атрофлича ўрганилмоғи лозим. Иш вақтидан фойдаланишни таҳлил этишда қуйидаги кўрсаткичларни қўшимча аниқлаш лозим.

1. Бир ишчини йил давомида ишлаган киши-кунлари.
2. Иш куни давомийлиги.

Ишчиларнинг иш вақти фондига (ИВФ) қуйидаги омиллар таъсир этади:

$$\text{ИВФ} = \text{И}_С * \text{К}_К * \text{К}_Д$$

Бу ерда:

- Ишчилар сонининг ўзгариши ( $\text{И}_С$ );
- Бир ишчини ишлаган кунларининг ўзгариши ( $\text{К}_К$ );
- Иш куни давомийлигининг ўзгариши ( $\text{К}_Д$ ).

*Иш вақти фонди (киши-соатлари)нинг ўзи эса қуйидаги кўрсаткичлар кўпайтмасидан ҳосил бўлади.*

Жами ишланган киши-соатлари =  $\frac{\text{Бир ишчининг кунлари}}{\text{Ишчилар сони}} * \frac{\text{Иш куни}}{\text{ишлаган киши-давомийлиги}}$

## ABC” акционерлик жамиятида ишчиларнинг иш вақтидан фойдаланишини таҳлили

Кўрсаткичлар	Бизнес режада	Ҳақиқатда	Режадан фарқи, (+,-)	Режанинг бажарилиши, %
1	2	3	4	5
1. Ишчиларни рўйхат бўйича ўртача сони, киши	605	599	-6	99,01
2. Ишчиларни йил давомида ишлаган жами киши-кунлари, минг киши-кун	160,2	153,5	-6,7	95,81
3. Ишчиларни йил давомида ишлаган жами киши-соатлари, минг киши-соат	1255,2	1202,8	-52,4	95,82
4. Бир ишчининг ишлаган киши-кунлари (2/1)	265	256	-9	96,60
5. Ўртача иш куни давомийлиги, соат(3/2)	7,83	7,84	+0,01	100,12

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, биз таҳлил қилаётган “ABC” акционерлик жамиятида ишчиларнинг иш вақти фонди бизнес режадагига нисбатан 52,4 минг киши-соатга камайган. Бунга асосан бир ишчининг ишлаган киши кунларини 9 киши-кунига камайганлиги таъсир этган. Бундан ташқари ишчилар сонининг бизнес режага нисбатан 6 кишига қисқарганлиги ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Ўртача иш куни давомийлигининг бизнес режага нисбатан 0,01 соатга узайганлиги ҳисобига йўқотилган иш вақти фондининг бир қисми тикланган. Корхонада иш вақти фонди қисқарган бўлсада, аммо олдинги мавзуларимиздан кўришимиз мумкинки, мазкур корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўсган эди. Бу эса корхонада меҳнат унумдорлигининг ўсганлигидан далолат беради. Маълумотлар шуни кўрсатадики, корхонада иш вақтидан тўлиқ фойдаланилмаган. Жорий йилда режадаги иш вақти фондига нисбатан 6,7 минг киши-кунлари ҳамда, 52,4 минг киши-соатлари йўқотилган. Жами йўқотилган 52,4 минг киши-соатларига қуйидаги омиллар таъсир этган.

1. Ишчилар сонининг ўзгариши;
2. Бир ишчини ишлаган киши-кунларини ўзгариши;
3. Иш куни давомийлигини ўзгариши.

Бу омилларнинг иш вақти фондига бўлган таъсирини мутлоқ фарқ усули орқали аниқлаймиз.

**Ишчилар сонининг ўзгариши ҳисобига:**

$$-6 \times 265 \times 7,83 = -12,45 \text{ минг киши-соат}$$

**Бир ишчининг ишлаган киши-кунларини ўзгариши ҳисобига:**

$$-9 \times 599 \times 7,83 = -42,21 \text{ минг киши-соат}$$

**Иш куни давомийлигини ўзгариши ҳисобига:**

$$+0,01 \times 153,5 \text{ минг киши-кун} = +1,54 \text{ минг киши-соат}$$



## 7.5. Меҳнат унумдорлиги динамикасининг таҳлили

Меҳнат унумдорлиги – ишлаб чиқариш самарадорлигини ифодаловчи асосий кўрсаткич, уни ошириш – иқтисодий ўсишнинг асосий омилидир. Маҳсулот ҳажмини оширишда меҳнат унумдорлигини улуши юқоридир. Меҳнат унумдорлиги ишлаб чиқариш самарадорлигини ифодаловчи муҳим кўрсаткичлардан биридир.

***Меҳнат унумдорлигини ўлчов бирликлари:***

А) Қиймат

Б) Натура.

В) Меҳнат.

Унумдорлик даражсини натура шакли аниқ ифодалайди, аммо бу кўрсаткични қўллаш чекланган. Меҳнат унумдорлигини ифодаловчи кўрсаткич бу ҳар бир ҳодимга тўғри келадиган ўртача йиллик маҳсулотдир.

Булардан ташқари ишчининг бир кунлик иш унуми, ишчининг бир соатлик иш унуми кўрсаткичлари ҳам меҳнат унумдорлигини ифодалайди. Таҳлил этишда бу меҳнат унумдорлик кўрсаткичлари ўтган йилдагиси билан таққосланиб кўрсаткичларни ўзгариш сабаблари аниқланади.

Меҳнат унумдорлигининг динамикаси ва даражасига кўп жиҳатдан корхонани ишлаб чиқариш ҳажми, ходимлар сони, иш вақти фонди, таннархи ва ҳақозо кўрсаткичлари боғлиқдир.

Меҳнат унумдорлигини таҳлил этишда кўрсаткичлар ўтган йил, ҳисобот йилининг режаси, бир хил ихтисослашувга эга бўлган корхоналарни маълумотлари билан таққосланиб ишга солинмаган ички имкониятлар аниқланади.

Қуйида биз меҳнат унумдорлиги даражаси ва унинг динамик ўзгаришларини жадвал ёрдамида ифодалаб ўтамиз.

**ABC” акционерлик жамиятида меҳнат унумдорлиги кўрсаткичларининг даражаси ва динамикаси таҳлили**

Кўрсаткичлар	Ўтган йили	Ҳисобот йили		Фарқи (+,-)	
		Бизнес режа бўйича	Ҳақиқатда	Ўтган йилдан	Бизнес режадан
1	2	3	4	5	6
1. Маҳсулот ҳажми (иш, хизмат)солиштирма улгуржи баҳода, минг сўм	2113430	2198763	2553967	+440537	+355204
2. Саноат ишлаб чиқариш ходимларини рўйхат бўйича сони, киши	838	820	814	-24	-6
3. шу жумладан, ишчилар сони, киши	617	605	599	-18	-6
4. Бир ишчини йил давомида ишлаган киши-кунлари, киши-кун	263	265	256	-7	-9
5. Бир ишчини йил давомида ишлаган киши-соатлари, киши-соат	2087,15	2074,71	2008,01	-79,14	-66,7
6. Ўртача иш куни давомийлиги, соат	7,85	7,83	7,84	-0,01	+0,01
7. Ишчилар сонини саноат ишлаб чиқариш ходимлари таркибида тутган салмоғи, %	73,63	73,78	73,59	-0,04	-0,19
8. Бир ходимга тўғри келадиган ўртача йиллик маҳсулот, минг сўмда (1Ғ2)	2522,0	2681,4	3137,6	+615,6	+456,2
9. Бир ишчига тўғри келадиган ўртача йиллик маҳсулот, минг сўмда (1Ғ3)	3425,3	3634,3	4263,7	+838,4	+629,4
10. Ишчининг бир кунлик иш унуми, сўм (1Ғ4)	8035,855	8297,219	9976,433	+1940,578	+1679,214
11. Ишчининг бир соатлик иш унуми, сўм (1Ғ5)	1012,591	1059,793	1271,889	+259,298	+212,096

Ушбу жадвал маълумотлар асосида «ABC» акционерлик жамиятидаги меҳнат унумдорлигига ва унинг динамик ўзгаришларига баҳо беришимиз мумкин бўлади. Маълумотлардан кўриниб турибдики, корхонада барча турдаги меҳнат унумдорлик кўрсаткичлари ўтган йили ва бизнес режага нисбатан ўсган. Меҳнат унумдорлигининг ўсишига асосан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши ва аксинча, ишчи ваходимларнинг камайганлиги сабаб бўлган. Унумдорликнинг ўсишини ижобий баҳолаш лозим.

## 7.6. Саноат ишлаб чиқариш ходимлари меҳнат унумдорлигига таъсир этувчи омиллар таҳлили

Бир ходимга тўғри келадиган ўртача йиллик маҳсулот ҳажмига таъсир этувчи омилларни қуйидагича ифодалаш мумкин.

Бир ходимга тўғри келадиган ўртача йиллик маҳсулот = Саноат ишлаб чиқариш ходимлари таркибидаги ишчиларни тутган улуши, (%) \* Бир ишчининг ўртача йиллик маҳсулоти

Меҳнат унумининг таҳлил этишда унинг динамикаси, режасини бажарилишига баҳо берилади. Унумдорлик даражасини ўзгариш сабаблари аниқланади ва унга таъсир этувчи омиллар миқдор жиҳатдан ҳисобланади.

*8-жадвал*

**“ABC” акционерлик жамиятида бир ходимнинг меҳнат унумини ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар таҳлили**

Кўрсаткичлар	Ўтган йили	Ҳисобот йили		Фарқи (+,-)	
		Бизнес режа бўйича	Ҳақиқатда	Ўтган йилдан	Бизнес режадан
1	2	3	4	5	6
Маҳсулот (иш, хизмат) ҳажми солиштирма улгуржи баҳода, минг сўм	2113430	2198763	2553967	+440537	+355204
Саноат ишлаб чиқариш ходимларни ўртача сони, киши	838	820	814	-24	-6
Шу жумладан:					
Ишчилар сони, киши	617	605	599	-18	-6
саноат ишлаб чиқариш ходимлари таркибидаги ишчилар салмоғи, % гр3*100/гр2	73,63	73,78	73,59	-0,04	-0,19
Бир ходимга тўғри келадиган ўртача йиллик маҳсулот, минг сўм гр1/гр2	2522,0	2681,4	3137,6	+615,6	+456,2
Бир ишчига тўғри келадиган ўртача йиллик маҳсулот, минг сўм гр1/гр3	3425,3	3634,3	4263,7	+838,4	+629,4
<b>Бир ходимни режага нисбатан меҳнат унумининг ўзгариши:</b>	x	x	x	x	+456,2
А) Ишчилар салмоғини ўзгариши ҳисобига -0,19*3634,3 /100	x	x	x	x	-6,905
Б) бир ишчини меҳнат унумини ўзгариши ҳисобига +629,4*73,59/100	x	x	x	x	+463,175

“ABC” акционерлик жамиятида ҳисобот даврида бир ходимнинг ўртача йиллик меҳнат унумдорлиги бизнес режага нисбатан 456,2 минг сўмга ўсган.

Бунга асосан иккита омил таъсир этган. Бизнинг мисолимизда маҳсулот ҳажми солиштира улгуржи баҳода ўтган йилга, режага нисбатан ортган. Ходимлар ва ишчилар сони эса шу давр ичида камайган. Демак, маҳсулот ҳажмини ўсиши меҳнат унумдорлигини ўсиши билан изоҳланади. Яъни, корхонанинг саноат ишлаб чиқариш ходимлари таркибида ишчилар салмоғининг ўзгариши ҳисобига битта ходимнинг ўртача йиллик меҳнат унумдорлигига 6,905 минг сўмга пасайишига таъсир этган. Аксинча, иккинчи омил бўлмиш, бир ишчининг меҳнат унумдорлигини бизнес режага нисбатан 629,4 минг сўмга ортганлиги ҳисобига битта ходимнинг меҳнат унумдорлиги ҳам 463,175 минг сўмга ортган. Ҳар иккала омилнинг таъсири умумлаштирилганда, уларнинг натижаси ижобий бўлиб, бу кўрсаткич 456,2 минг сўмни ташкил қилган.

### **7.7. Ишчининг меҳнат унумдорлигига таъсир этувчи омилларнинг таҳлили**

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналар маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтиришга ва уни бозорга таклиф қилиш орқали кўпроқ фойда олишга интилади. Бундай шароитда маҳсулот ҳажмини корхонани кенгайтириш ёки ходимлар сонини кўпайтириш билан бир қаторда, бевосита ишлаб чиқариш жараёнида қатнашувчи ишчиларнинг меҳнат унумдорлигини кўтариш орқали амалга оширгани корхона учун кўпроқ самарали ҳисобланади. Шу туфайли ҳам ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўз ишчиларининг меҳнат унумдорлигини ошириш чораларини кўришга ҳаракат қилади ҳамда унумдорликка таъсир этувчи омилларни ўрганиб боради. Одатда бир ишчига тўғри келадиган ўртача йиллик маҳсулот ҳажми қуйидаги омилларга боғлиқ.

1. Бир ишчининг йил давомида ишлаган ўртача киши кунлари=(жами киши кунлари/ишчилар сони)
2. Иш куни давомийлиги, соат = (жами ишланган киши соат/жами ишланган киши кунлари)
3. Ишчининг бир соатлик иш унуми = (маҳсулот ҳажми / жами ишланган киши -соат)

Таҳлил этишда бир ишчига тўғри келадиган ўртача йиллик маҳсулот ҳажмининг режасига, ўтган йилга нисбатан ўзгариш сабаблари ва унга таъсир этувчи омиллар қуйидагича аниқланади.

<b>Бир ишчига тўғри келадиган ўртача йиллик маҳсулот</b>	<b>=</b>	<b>Бир ишчининг ишлаган киши кунлари</b>	<b>*</b>	<b>Иш куни давомийлиги</b>	<b>*</b>	<b>Ишчининг 1 соатлик иш унуми</b>
--	----------	--	----------	----------------------------	----------	------------------------------------

Бозор иқтисодиёти шароитида ишчининг иш вақтидан фойдаланиши ва бир соатлик меҳнат унумдорлиги ўзгаришини маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига таъсирини куйидаги жадвал маълумотлари асосида таҳлил қилиб чиқишимиз мумкин.

29-жадвал

**“ABC” акционерлик жамиятида иш вақтидан фойдаланишни ва ўртача 1 соатлик иш унумдорлигини ишчининг йиллик маҳсулот ҳажмига таъсирини таҳлили**

Кўрсаткичлар	Ўтган йили	Ҳисобот йили		Фарқи (+,-)	
		Бизнес режада	Ҳақиқат да	Ўтган йилдан	Бизнес режадан
1	2	3	4	5	6
Маҳсулот ҳажми солиштирма улгуржи баҳода, минг сўм	2113430	2198763	2553967	+440537	+355204
Ишчиларнинг жами ишлаган киши-кунлари, минг киши-куни	162,27	160,2	153,5	-8,77	-6,7
Ишчиларнинг жами ишлаган киши-соатлари, минг киши-соат	1287,8	1255,2	1202,8	-85,0	-52,4
Ишчиларни рўйхат бўйича ўртача сони, киши	617	605	599	-18	-6
Ҳисоб-китоблар:					
Бир ишчига тўғри келадиган ўртача йиллик маҳсулот, минг сўм гр1/4	3425,3	3634,3	4263,7	+838,4	+629,4
Бир ишчини йил давомида ишлаган киши-кунлари, киши-куни гр2/4	263	265	256	-7	-9
Ўртача иш куни давомийлиги, соат гр3/гр2	7,85	7,83	7,84	-0,01	+0,01
Ишчини 1 соатлик иш унуми, (сўм) гр1/гр3	1641,117	1751,723	2123,351	+482,234	+371,628
<b>Бир ишчини ўртача йиллик маҳсулот ҳажмини режадан фарқига таъсири:</b>	<b>x</b>	<b>x</b>	<b>x</b>	<b>x</b>	<b>+629,4</b>
а) йўқотилган иш кунлари ҳисобига	x	x	x	x	-123,4
б) иш куни давомийлигини узайиши ҳисобига	x	x	x	x	+4,5
в) 1 соатлик иш унумини ортиши ҳисобига	x	x	x	x	+745,9

$$\begin{aligned}
 & \text{А) } -9 * 7,83 * 1751,723 \quad \text{Б) } +0,01 * 256 * 1751,723 \\
 & \text{В) } +371,628 * 7,84 * 256
 \end{aligned}$$

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, биз таҳлил қилаётган “ABC” акционерлик жамиятида ўрганилаётган даврда бир ишчининг ўртача йиллик меҳнат унумдорлиги 629,4 минг сўмга кўтарилган. Ишчиларнинг

меҳнат унумдорлигини ошишида асосан ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмининг ўсиши ҳамда аксинча, ишчилар сонининг ва бир ишчининг йил давомида ишлаган киши кунларининг камайганлиги ижобий таъсирини кўрсатган. Бундан ташқари жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, корхонада ишчининг меҳнат унумдорлигини ошишига асосан учта омил, яъни, иш кунларининг йўқотилиши ҳисобига 123,4 минг сўмга салбий таъсир кўрсатган бўлса, иш куни давомийлигининг бизнес режадагига нисбатан 0,01 соатга узайганлиги меҳнат унумини 4,5 минг сўмга, ишчиларнинг бир соатлик иш унумини 371,628 сўмга ортганлиги ҳам меҳнат унумини 745,9 минг сўмга оширган. Ҳар уччала омилнинг таъсирига кўра бир ишчининг ўртача йиллик меҳнат унумдорлиги бизнес режадагига нисбатан 629,4 минг сўмга ортишига олиб келди. Бундай натижаларни акционерлик жамияти учун ижобий деб баҳоламоқ лозим деб ўйлаймиз.

## 7.8. Маҳсулот меҳнат сиғимини таҳлили

Ишлаб чиқариш ҳажми, маҳсулот структураси ва ассортиментини ўзгаришига ҳам боғлиқ. Кам меҳнат талаб этадиган маҳсулот турларини кўпроқ ишлаб чиқариш туфайли маҳсулот структура ва ассортиментини ўзгариши меҳнат унумдорлигини ўсишига олиб келади.

Структура ва ассортиментни унумдорлик даражасига таъсири меҳнат сиғими орқали аниқлаш мумкин.

Меҳнат сиғими – маҳсулот, ярим фабрикат ва маҳсулотни айрим қисмларини ишлаб чиқариш учун сарфланган иш вақти билан ўлчанади.

Саноатда меҳнат унумдорлигини ўсиши илмий-техника тараққиёти, ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан такомиллаштириш натижасида меҳнат сиғимини пасайтириш ҳисобига эришилади.

Меҳнат сиғими билан меҳнат унумдорлиги билвосита боғлиққа эга. Меҳнат сиғими пасайиши туфайли меҳнат унумдорлиги ортади ва бунинг аксича, меҳнат сиғими ортса-меҳнат унумдорлиги пасаяди.

Меҳнат сиғимини пасайтириш маҳсулотни ишлаб чиқариш учун сарфланадиган иш вақтини қисқартириш орқали эришилади.

Меҳнат сиғимини пасайтириш ҳисобига меҳнат унумдорлигини ўсиши (фоиз ҳисобида) қуйидагича аниқланади.

$$M_y = \frac{100 \times A}{100 - A}$$

Бунда: А- ишлаб чиқарилган маҳсулот меҳнат сиғимини пасайтириш (фоиз ҳисобида).

$M_y$  – меҳнат унумдорлигини ўсиш даражаси ( фоиз ҳисобида).

Масалан, маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган меҳнат 8550 киши-соатни ташкил этиб, норма бўйича 9000 киши –соатга нисбатан 450 киши-соат иқтисод қилинган.

Демак, меҳнат сигимини 5 % (450:9000x100) га пасайиши меҳнат унумдорлигини 5,26% (9000:8550x100) га ортишига олиб келди.

*Эришилган натижани юқоридаги формула орқали ҳам аниқлаш мумкин.*

$$M_y = \left( \frac{100 \times 5}{100 - 5} \right) = 5,26 \%$$

*Меҳнат унумдорлигини меҳнат сигимига таъсири қуйидагича аниқланади.*

$$A = \frac{M_y \times 100}{100 + M_y}$$

Бизнинг мисолимизда меҳнат унумдорлигини 5,26% га ўсиши, меҳнат сигимини 5 % га пасайишига олиб келди.

$$A = \frac{5.26 \times 100}{100 + 5,26} = 5 \%$$

Маълум вақт ичида ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун сарфланган вақт меҳнат унумини тавсифлайди. Меҳнат унумдорлиги ишлаб чиқарилган маҳсулот, иш ва хизматлар ҳажмини меҳнат сарфига бўлиш асосида аниқланади. меҳнат сарфи сифатида сарфланган иш соатлари ёки иш кунлари олинади.

Меҳнат унумдорлигининг ўсиш даражалари ва динамикасига баҳо беришда унинг ўзгаришига таъсир этувчи қуйидаги омилларга алоҳида аҳамият берилади:

- интенсиф омил;
- экстенсив омил;
- ишлаб чиқаришнинг техник-технологик ҳолати.

Меҳнат сигимининг ўсишини меҳнат унумдорлигига бўлган таъсирини қуйидаги жадвал маълумотлари асосида ўрганиб чиқамиз.

*30-жадвал*

**ABC” акционерлик жамиятида меҳнат сигимининг ўзгаришини меҳнат унумдорлигига таъсирини таҳлили**

Кўрсаткичлар	Ўтган	Ҳисобот йили	Кўрсаткичларни ўзгариши
--------------	-------	--------------	-------------------------

	йили	Бизнес режада	Ҳақиқатда	режа ўтган йилга нисбатан, %	ҳақиқий ўтган йилга нисбатан, %	Режанинг бажарилиши, %
А	1	2	3	4	5	6
1. Маҳсулот ҳажми солиштирма улгуржи баҳода, минг сўм	2113430	2198763	2553967	104,04	120,84	116,15
2. Ишчиларни жами ишлаган киши-соатлари, минг к/соат	1287,8	1255,2	1202,8	97,47	93,40	95,82
3. Ҳар 1000 сўм маҳсулот учун сарфланган меҳнат, соат (2 сатр: 1 сатр)	0,61	0,57	0,47	93,44	77,05	82,45
4. Ишчининг бир соатлик иш унуми, сўм (1 сатр: 2 сатр)	1641,1	1751,723	2123,351	106,74	129,38	121,21

Жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики “АВС” акционерлик жамиятида ўрганилаётган даврда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми солиштирма улгуржи баҳода ўтган йилга нисбатан ҳам, бизнес режага нисбатан ҳам ўсган. Бунга аксинча ўлароқ, ишчиларнинг жами ишлаган киши соатлари ҳажми қисқарган. Бу шундан далолат берадики, корхонада маҳсулот меҳнат сиғими қисқарган ва аксинча меҳнат қайтими кўрсаткичлари ортган. Шуларнинг натижасида ишчиларнинг бир соатлик иш унумлари ҳам ўсган. Меҳнат сиғимини пасайиши ҳисобига ишчининг 1 соатлик иш унумини 29,38 % га ошириш кўзда тутилган. Ҳақиқатда эса 1 соатлик иш унуми 21,21 % га меҳнат сиғимини пасайиши ҳисобига эришилган.

## **7.9. Маҳсулот ҳажмига таъсир этувчи меҳнат омилларини таҳлили**

Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарнинг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларини ўзгаришига бир қатор омиллар таъсир кўрсатади.

***Маҳсулот ҳажмига таъсир этувчи омилларни шартли равишда тўртта гуруҳга ажратиш мумкин:***

- Меҳнат предметлари;
- Меҳнат воситалари;
- Меҳнат омиллари;
- Тадбиркорлик.

Мазкур омиллар таркибида асосий ўринни меҳнат омиллари ташкил этади. Шу сабабли ҳам меҳнат омилларини таҳлил қилиб бориш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.



**Маҳсулот ҳажмига кўйидаги меҳнат омиллари таъсир этади.**

1. Ишчилар сонини ўзгариши.
2. Бир ишчини йил давомида ишлаган киши-кунларини ўзгариши.
3. Иш куни давомийлигини ўзгариши.
4. Ишчини 1 соатлик иш унумини ўзгариши.

Бу меҳнат омилларини маҳсулот ҳажмига бўлган таъсирини занжирли боғланиш, фоизлар фарқ усуллари орқали аниқлаш мумкин.

**31-жадвал**

**ABC” акционерлик жамиятида меҳнат омилларини маҳсулот ҳажмига таъсирини таҳлили  
(Фоизларни фарқ усули орқали аниқлаш)**

Кўрсаткичлар	Режанинг бажарилиши, (%)	Фоизларнинг фарқи, (+,-)	Ҳисоб- китоблар	Ўзгариш сабаби
1	2	3	4	5
1. Ишчилар сонининг ўзгариши	99,01	-0,99	2198763 * (-0,99)₺100 -21767,7	Ишчилар сонини камайиши
2. Жами ишланган киши кунларининг ўзгариши	95,81	-3,2	2198763 * (-3,2)₺100 -70360,4	Ўқотил-ган иш кунлари
3. Жами ишланган киши соатларининг ўзгариши	95,82	+0,01	2198763 * (+0,01)₺100 +219,9	Иш куни давомий-лигини узайиши
4. Маҳсулот ҳажми (бир соатлик иш унумининг ўзгариши)	116,15	+20,33	2198763 * (+20,33)₺100 +447008,5	1 соатлик иш унумини ортиши
<b>Жами</b>	<b>x</b>	<b>x</b>	<b>355100,3</b>	<b>x</b>

Илова:

1. Маҳсулот ҳажми солиштирма улгуржи баҳода, минг сўм

Режа	Ҳақиқатда	Фарқи
2198763	2553967	+355204

Ҳисоб-китоблар :  $99,01 - 100 = -0,99$   
 $95,81 - 99,01 = -3,2$   
 $95,82 - 95,81 = +0,01$   
 $116,15 - 95,82 = + 20,33$

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ўрганилаётган даврда корхонада маҳсулот ҳажми бизнес режада белгиланганига нисбатан 355204 минг сўмга кўпайган. Маҳсулот ҳажмининг ортишига меҳнат омиллари ҳам ўз таъсирини ўтказган. Яъни ишчилар сонининг ўзгариши ҳисобига 21767,7 минг сўмлик, жами ишланган киши кунларининг ўзгариши ҳисобига эса

70360,4 минг сўмлик маҳсулот йўқотилган. Аммо, маҳсулот ҳажмига ижобий таъсир этган меҳнат омиллари ҳам мавжуд бўлиб, булардан жами ишланган киши соатларининг ўзгариши ҳисобига 219,9 минг сўмлик, бир соатлик иш унумдорлигини ортиши ҳисобига эса 447008,5 минг сўмлик маҳсулот ҳажмини ортишига олиб келган. Меҳнат ресурсларидан тўлиқ фойдаланилган тақдирда корхонада маҳсулот ҳажми қўшимча яна 92128,1 минг сўмга ортиши мумкин эди. Умуман олганда, бундай натижаларни корхона учун ижобий деб баҳоласак бўлади.

## Мавзу бўйича таянч иборалар

- меҳнат ресурслари;
- меҳнат кучлари;
- меҳнат ресурсларининг таркиби ва структураси;
- меҳнат ресурсларини таҳлил қилишнинг вазифалари;
- меҳнат кўрсаткичлари, уларни таҳлил этиш услуби;
- ходимлар ва ишчилар қўнимсизлиги;
- ишга қабул қилиш обороти;
- ишдан бўшатиш обороти;
- қўнимсизликни таҳлил этиш услуби;
- иш вақтидан фойдаланиш таҳлили;
- меҳнат унумдорлик кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш тартиби.
  - А) Қиймат ўлчови
  - Б) Натура ўлчови
  - В) Меҳнат ўлчови
- қиймат шаклида унумдорлик даражасини аниқлашнинг камчиликлари;
- 1 ходимга ва 1 ишчига тўғри келадиган маҳсулот, уларни бири-биридан фарқи;
- 1 ходимга тўғри келадиган ўртача маҳсулотга таъсир этувчи омилларни ҳисоблаш услуби;
- 1 ишчига тўғри келадиган маҳсулот ҳажмига таъсир этувчи омилларни ҳисоблаш тартиби;
- маҳсулот меҳнат сиғимини таҳлил этиш услублари;
- маҳсулот ҳажмига таъсир этувчи меҳнат омиллари.

## Такрорлаш учун саволлар

1. Корхонанинг меҳнат ресурсларини таҳлил этишнинг аҳамияти нималардан иборат?
2. Меҳнат ресурсларини таҳлил этишда бошқарув таҳлилининг вазифалари нималардан иборат бўлади?
3. Меҳнат ресурсларини ва меҳнат унумдорлиги кўрсаткичларини таҳлил қилишда таҳлилнинг асосий ахборот манбалари қайсилар ҳисобланади?
4. Корхоналарда меҳнат ресурсларининг таркиби, тузилиши ва динамик ўзгаришлари қандай таҳлил этилади?

5. Меҳнат ресурслари ишлаб чиқариш фаолиятидаги қатнашувига қараб қандай гуруҳ ва категорияларга ажратилади?
6. Корхонада банд бўлган ходимларнинг таркиби қандай таҳлил қилинади?
7. Корхонанинг ишчи кучи билан таъминланганлик даражаси қандай таҳлил қилинади?
8. Ходимлар қўнимсизлиги нима ва у қандай аниқланади?
9. Ишдан бўшатиш ва ишга қабул қилиш обороти кўрсаткичларининг иқтисодий мазмуни нимадан иборат ҳамда мазкур кўрсаткичлар қандай аниқланади?
10. Иш вақтидан фойдаланиш даражаси қандай усуллар орқали таҳлил қилинади?
11. Меҳнат унумдорлигининг иқтисодий мазмуни ва уни аниқлаш тартиби нималардан иборат?
12. Меҳнат унумдорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни кўрсатиб ўтинг ва улар қандай аниқланади?
13. Меҳнат унумдорлигига таъсир этувчи омиллар таркибига қайси омиллар киради?
14. Меҳнат сиғимининг маҳсулот ҳажмига таъсири қандай аниқланади?
15. Маҳсулот ҳажмига таъсир этувчи меҳнат омиллари таркибига нималар киради ва улар қандай аниқланади?

## Мустақил ўрганиш учун топшириқлар

### 1-топшириқ

Берилган маълумотлар асосида корxonани меxнат ресурслари билан таъминланишини, ходимлар таркиби ва динамикасини тахлил этинг ва хулоса ёзинг?

#### Меxнат тўғрисидаги ҳисобот

	Ҳисобот даврида ходимларнинг рўйхатдаги ўртача сони (ўриндошларсиз), киши	Ўртача иш ҳақи ва бошқа ўртача миқдорларни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган ходимлар сони, киши				Шу жумладан: Рўйхатдаги ходимлар (қариндошлар билан)				Йил охирига рўйхатдаги ходимлар (қариндошларсиз) сони, жами киши	Шу жумладан: Маъмурий бошқарув ходимлари, киши
		Жами	Шу жумладан: Аёллар	2-устундан		Жами	Шу жумладан: Аёллар	10-устундан			
				Ишчилар	Хизматчилар			Ишчилар	Хизматчилар		
А	1	2	3	4	5	10	11	12	13	14	15
Корxonалар бўйича жами (2сатр+3сатр)	121	117	47	97	20 (12, 5, 3)	29547,3	11768,8	24288,9	5258,4	121	20
Асосий фаолият	112	112	45	92	20	28939,6	11324,2	23681,2	5258,4	116	20
Асосий бўлмаган фаолият	5	5	2	5	-	607,7	444,6	607,7	-	5	-

#### Қўшимча маълумотлар

1.	Меxнат ресурсларининг таркиби, киши (ўтган йилида): <ul style="list-style-type: none"> <li>- ишчилар</li> <li>- хизматчилар</li> <li>- раҳбар ходимлар</li> <li>- мутахассислар</li> <li>- жами саноат ишлаб чиқариш ходимлари</li> </ul>	95 13 9 4 121
----	---	---------------------------

#### Бизнес режа маълумотлари

1.	меxнат ресурсларининг таркиби, киши: <ul style="list-style-type: none"> <li>- ишчилар</li> <li>- хизматчилар</li> <li>- раҳбар ходимлар</li> <li>- мутахассислар</li> <li>- жами саноат ишлаб чиқариш ходимлари</li> </ul>	98 12 5 4 119
----	--	---------------------------

### 2-топшириқ

Жадвал маълумотларидан фойдаланган ҳолда кадрлар кўнимсизлигини таҳлил қилинг ва хулоса ёзинг? (2-топшириқ маълумотларидан фойдаланинг).

### Ходимлар сони ва меҳнат ҳақи фонди

Кўрсаткичлар номи	Сатр хос рақам и	Ҳисобот йилида		
		Йил бошида н	чорак да	Ой мобайн ида
1	2	3	4	5
Ўртача иш ҳақи ва бошқа ўртача миқдорларни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган ходимлар сони, киши	01	114	115	115
Шу жумладан, асосий фаолият билан шуғуллунувчилар	02	111	112	112
Рўйхатда ва рўйхатдан ташқари бўлган ишчилар иш ҳақи фонди, пул ва натура шаклларида минг сўм	03	17214,8	9859,5	4795,2
Шу жумладан: Рўйхатдаги ходимлар таркиби, ўриндошлар билан	04	17214,8	9859,5	4795,2
Меҳнат ҳақи бериш бўйича муддати ўтиб кетган қарз (солиқ ва бошқа ушлаб қолишларни чегириб, ўтган даврдан қолган қарзни қўшган ҳолда), ҳисоботдаври охирига – жами, минг сўм	05	-	-	-
Шу жумладан: ҳисоб рақамида маблағ йўқлиги сабабли	06	-	-	-
Амалда ишлаган киши – соат сони, минг	07	178,9	56,9	18,1
Ҳисобот тақдим этувчи субъект таркибига кирувчи юридик шахслар сони	08	1	1	1

### Ходимлар сони ва ишчи кучи ҳаракати

Кўрсаткичлар номи	Сатр хос рақам и	— чоракда
Ҳисобот даври бошига рўйхатдаги ходимлар сони (ўриндошларсиз)	10	116
Қабул қилинган ходимлар – жами	11	3
Кетган ходимлар – жами	12	1
Улардан: Ходимлар сони қисқариши муносабати билан	13	
ўз ихтиёрига кўра	14	1
Ҳисобот даври охирига рўйхатдаги ходимлар (ўриндошларсиз), сони	15	118
бошқа корхона ва ташкилотлардан қабул қилинган ўриндошлар сони	16	
Пудрат шартномаси асосида ишлаётган ходимлар сони	17	
Шу жумладан: Корхонада ишловчилар рўйхати таркибида бўлмаганлар	18	
Бошқа корхоналардан қабул қилинган ўриндошлар иш ҳақи фонди, минг сўм	19	
Мазкур корхона рўйхати таркибида турмайдиган, пудрат шартномаси асосида ишловчи ходимлар иш ҳақи фонди, минг сўм	20	
Тўлиқсиз иш куни ёки тўлиқсиз иш ҳафтасида ишловчилар сони – жами	21	

Шу жумладан, ишлаб чиқариш ҳажми қисқариши сабабли кўрсатилган иш режимига ўтказилганлар	22	
Иш ҳақи сақланмаган (қисман сақланган) мажбурий таътилда бўлган ходимлар сони – жами	23	
Шу жумладан, иш ҳақи сақланмаган ҳолда	24	
23-сатрда кўрсатилган ходимлар бўйича киши – кунлар таътиллари сони	25	
Ҳисобот даври охирига иш ўринлари сони, ўрин	26	63
Янги очилган иш ўринлари сони, ўрин	27	-
Ҳисобот даври охирига мавжуд бўш иш ўринлар сони, ўрин	28	-
Бу ўринларга талаб қилинадиган ходимлар сони	29	-
Биринчи сменада ишлаётганлар сони	30	63
01-сатрдан чет эл фуқаролари, сони	31	-
15-сатрдан маъмурий-бошқарув ходимлари	32	20

### 3-топширик

Берилган маълумотлар асосида корхонани ишчиларни касби бўйича таъминланишини таҳлил қилинг ва хулоса ёзинг?

#### Ҳисобот йили маълумотлари

1	Ишчиларни касби бўйича таъминланиши, киши:	
	- Оператор	6
	- хамир қорувчи	14
	- юк ташувчи	13
	- маҳсулот сифатини текширувчи	6
	- печ назоратчиси	19
	- чилангар	7
	- нонвой	32

#### Бизнес режа маълумотлари

1.	Ишчиларни касби бўйича таъминланиши, киши:	
	- оператор	7
	- хамир қорувчи	13
	- юк ташувчи	12
	- маҳсулот сифатини текширувчи	6
	- печ назоратчиси	21
	- чилангар	8
	- нонвой	31

#### 4-топширик

Ишчиларни иш вақтидан фойдаланишини таҳлил қилинг ва хулоса ёзинг? (2-топширик маълумот манбаларидан фойдаланинг).

#### Ҳисобот йили маълумотлари

1	ишчиларни жами ишлаган киши кунлари, минг киши-кунда: - ҳисобот йили - ўтган йили	28,6 30,9
2	ишчиларни жами ишлаган киши соатлари, минг киши-соатда: - ҳисобот йили - ўтган йили	217,9 240,4

#### Бизнес режа маълумотлари

1.	ишчиларни жами ишлаган киши кунлари, минг киши-кунда	181,4
2.	ишчиларни жами ишлаган киши соатлари, минг киши-соатда	1560

#### 5-топширик

Бир ходимга тўғри келадиган маҳсулот ҳажми ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилинг ва хулоса ёзинг?

#### Иқтисодий кўрсаткичлар-ҳос раками-815

Кўрсаткичлар	Сатр тартиб раками	Амалда ишлаб чиқарилди	
		Ҳисобот йили	Ўтган йилда
Маҳсулот (иш, хизмат)лар ҳажми, корхона улгуржи баҳосида, қиёслама нархларда, минг сўм	810	404316	403603
Тегишли йилнинг амалдаги нархларида	821	453781	314720
Илмий техника маҳсулотлари ҳажми	822	-	-
Сертификатланган маҳсулот ҳажми	828	-	-
Ўргача иш хаки ва бошқа миқдорларни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган саноат ишлаб чиқариш ходимлари сони, киши	829	121	120
Шундан илмий тадқиқот ходимлари	830	-	-

#### Бизнес режа маълумотлари

1	Товар маҳсулоти улгуржи баҳоси, минг сўмда	403810
2	Маҳсулот ҳажми, минг сўмда: - амалдаги баҳода - солиштирма баҳода	412314 403810
3	меҳнат ресурсларининг таркиби, киши: - ишчилар - хизматчилар - раҳбар ходимлар - мутахассислар - жами саноат ишлаб чиқариш ходимлари	98 12 5 4 119



## КОРХОНАНИ МОДДИЙ РЕСУРСЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАНИШИ ВА УЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИНГ ТАҲЛИЛИ

### 8.1. Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарнинг моддий ресурслар билан таъминланганлигини таҳлил қилишнинг аҳамияти, таҳлил вазифалари ва ахборот манбалари

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар қандай корхона асосий мақсадига эришиш учун ишлаб чиқариш харажатларини жумладан меҳнат предметларидан тежаб-тергаб фойдаланишга алоҳида эътибор берадилар. Чунки шунинг натижасида улар ўз фойдаларини кўпайтиришга оқибат натижада фойдалилик даражасини оширишга эришадилар. Маҳсулот ишлаб чиқаришда меҳнат предметларининг аҳамияти улкан. Уларсиз айрим ҳолларда маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти чекланади айрим ҳолларда эса умуман мумкин эмас.

Масалан, меҳнат предмети ҳисобланган металллар электр қувватлари ва бошқалар мавжуд бўлмаса маҳсулот ишлаб чиқариш ҳам чекланади. Шундай экан меҳнат предметларига саноат ишлаб чиқаришида нималар киришлилигини аниқлаб олиш лозим. *Адабиётларда, корхона ҳужжатларида кўрсатилишича меҳнат предметларига қуйидагилар киритилган:*

- хом-аше ва материаллар;
- электро-энергия;
- ёқилғи;
- ёғловчи материаллар;
- кам баҳоли ва тез тўзувчи буюмлар ва бошқалар.

Улардан йил давомида тўлиқ ҳамда тежаб тергаб фойдаланиш энг муҳим мақсад ҳисобланади. Меҳнат предметларига бўлган талаб мустақил равишда корхона томонидан режалаштирилади. Ўзбекистон Республикасининг “Корхоналар тўғрисида”ги Қонунининг 22-моддаси биринчи бандида бу хусусда шундай дейилади: “Корхона бозор талабларини, эҳтимол тutilган шерикларнинг имкониятларини ўрганиш, нарх-навонинг ўзгариши тўғрисидаги ахборот асосида ўз ишлаб чиқаришининг таъминотини, бозорларда (товарлар, хизматлар, молия бозорларида) монополияга қарши қонунларнинг талабларини назарда тутган ҳолда бевосита ёки воситачи орқали олди-сотдини, маҳсулот сотишни ва ўз ишлаб чиқаришининг таъминотини мустақил амалга оширади”.

Меҳнат предметларидан самарали фойдаланиш натижасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ўртача харажатлари ёки таннархлари пасайади. Бунинг натижасида корхоналарнинг соф фойдалари ортади.

Шунинг билан биргаликда меҳнат предметларидан ўриндошлик билан фойдаланиш оқибатида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатлари яхшиланади, хизмат қилиш муддатлари эса кўпайади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш режасининг бажарилиши, таннархнинг пасайиши, фойда ва рентабеллининг ошиши, корxonани моддий ресурслар билан белгиланган ассортименти ва сифати бўйича таъминланишига боғлиқ.

Шунинг учун саноат корxonалари ўз ишлаб чиқаришини бир меъорда самарали ривожланишини таъминлаш мақсадида узок муддатга мўлжалланган бизнес режаларига асосланган ҳолда меҳнат предметлари билан таъминлашга алоҳида эътибор берадилар. Чунки ҳозирги пайтда меҳнат предметларини йўқлиги ёки ўз вақтида олиб келинмаганлиги сабабли саноат корxonаларининг ишлаб чиқариш фаолияти туриб қолмоқда.

Корxonаларнинг моддий ресурслар билан ўз вақтида, зарурий миқдорларда, белгиланган сифатда ҳамда бир маъромда таъминланиши шу билан биргаликда улардан рационал фойдаланиш пировардида унинг иқтисодий ривожланиши ва тараққий этиши учун ҳар тамонлама таъсир этади.

Корxonаларнинг ривожланиши, тараққий этиши ҳамда иқтисодий жихатдан бақувват бўлиши оқибат натижада мустақил Республикамизнинг иқтисодиётини барқарорлашишига замин яратади. Халқимиз турмуш даражасининг янада юксалишига ҳар томонлама ўз таъсирини кўрсатади.

Саноат корxonаларида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларининг ошиши ўз навбатида моддий ресурслардан фойдаланиш кўламининг ҳам кенгайишига олиб келади. Шунинг учун моддий ресурслардан тежаб тергаб фойдаланиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Меҳнат предметларидан тўлиқ ва самарали фойдаланишни таъминлаш учун ҳозирги даврда замонавий янги техникалардан тўғри фойдаланиш, шунингдек, самарали технологияларни ишлаб чиқаришга тезкорлик билан татбиқ этишни тақазо этади. Чунки улар ёрдамида меҳнат предметлари ишлаб чиқаришга сарф қилиниши, тежалиши таъминланади. Шунинг билан биргаликда ишлаб чиқаришни турлича шакллари, асосий эътиборни нодавлат мулкчилигига асосланган корxonаларни барпо этиш ва ривожлантиришга қаратиш мақсадга мувофиқдир. Сабаби уларда мулкка эгаллик қилиш ҳиссиёти доимо юқори даражада бўлади. Дарҳақиқат, нодавлат мулкчилигига асосланган корxonаларда меҳнат предметлари уларнинг мулки ҳисобланади. Ундан имконият доирасида самарали фойдаланишга катта эътибор берилади.

Моддий ресурслардан самарали фойдаланишни йўлга қўйишда иқтисодий таҳлилнинг аҳамияти каттадир. Корxonада моддий ресурслардан қай даражада фойдаланилаётганлигини таҳлил этиш натижасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга сарфланаётган харажатларни тежаш мақсадида фойдаланилмай қолган ички имкониятларни топиш мумкин.

***Эркин иқтисодий муносабатлар шароитида корxonаларнинг моддий ресурслар билан таъминланганлигини ва улардан самарали***

**фойдаланишни таҳлил этишда бошқарув таҳлилининг энг асосий вазифалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:**

- корхона, бирлашмаларнинг зарурий моддий ресурслари билан таъминланганлик даражасини аниқлаш;
- моддий ресурсларни корхонага етказиб бериш ҳажмини, комплекслигини, сифатлигини, сортлигини ҳамда маромийлигининг даражасини белгилаш;
- моддий ресурсларни етказиб бериш борасида корхоналараро тузиладиган шартномаларнинг ўз вақтида тузилганлигини аниқлаш;
- моддий техника таъминоти белгиланган режасининг ҳақиқатга яқинлигини текшириш;
- транспорт-тайёрлов харажатларини ҳисоблаш;
- материаллардан самарали фойдаланиш кўрсаткичларини аниқлаш ва уларни маҳсулот ҳажмига ҳамда унинг таннархига таъсирини миқдор жихатдан ҳисоблаш;
- хом ашё, ёқилғи ва материалларга баҳо беришда фойдаланилмай қолган ички имкониятларини аниқлаш, таҳлил этиш ва бошқалар.

Таҳлил учун зарурий маълумотлар моддий техника таъминоти режаси, хом ашё ва материаллар бўйича тузилган шартнома ҳамда моддий ресурслар мавжудлиги ва улардан фойдаланишнинг статистик ҳисоботидан олинади. Корхоналарда меҳнат предметларидан фойдаланишни таҳлил этишда уларни сарфланиши бўйича ўрнатилган меъёрий маълумотлардан ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Меҳнат предметларидан самарали фойдаланишга Республикамиз ҳукумати томонидан ҳам доимо алоҳида эътибор қаратилмоқда. Улар қабул қилинган норматив ҳужжатларда ўз аксини топган. Масалан, «Ўзбекистон Республикасида корхоналар тўғрисида» ги, «Тадбиркорлик тўғрисида» ги, «Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида» ги ва бошқа қонунларда, фармонларда, қарорларда ўз аксини топган.

## **8.2. Моддий ресурслар билан таъминланганлик ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ифодалайдиган кўрсаткичлар тизими**

Корхоналарда моддий ресурслардан тўлиқ, бир меъёردа ҳамда самарали фойдаланганлик даражасини таҳлил этиш учун шу ҳолатларни ифодалайдиган кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш зарур.

А) Шу жумладан асосий фондлар билан таъминланганлик ҳамда айланма фондлар ва маблағлар билан таъминланганлик даражаси ҳисобланади. Бу кўрсаткичларни моддий ресурсларни алоҳида алоҳида турлари бўйича ҳам ҳисоблаш мумкин. Масалан станоклар билан, хом ашё билан, электр энергия билан, ёқилғи билан ва бошқа моддий ресурслар билан таъминланганлигини аниқлаш мумкин.

Б) Моддий ресурслардан фойдаланишнинг тўлиқчилигини асосан корхонанинг ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш даражаси исботлайди.

В) Саноат корхоналарида меҳнатни моддий ресурслар билан таъминланганлик даражаси. Уни жами моддий ресурслар қийматини корхонада мавжуд бўлган ишчи ва хизматчилар сонига тақсимлаш натижасида аниқлаш мумкин. Бу кўрсаткични янада аниқлаштириш мақсадида моддий ресурслар қийматини фақатгина ишчилар сонига тақсимлаш натижасида ҳам аниқлаш мумкин. Уни алоҳида асосий фондлар билан қуролланганлик ҳамда айланма фондлар билан таъминланганлик кўрсаткичлари бўйича ҳам аниқлаш мумкин.

Г) Моддий ресурслардан фойдаланишни иқтисодий самарадорлигини корхоналардаги фондлар қайтими ҳамда фондлар сиғими исботлайди. Фондлар қайтимини аниқлаш учун корхонада йил давомида ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот ҳамда товар маҳсулоти қийматини асосий фондларнинг ўртача йиллик қийматига тақсимлаш лозим. Фондлар қайтимининг иқтисодий моҳияти бўлиб корхонанинг ҳар минг сўмлик асосий фондларига тўғри келадиган ялпи маҳсулот ёки товар маҳсулотини кўрсаткичи ҳисобланади.

Асосий фондлардан самарали фойдаланишни кўрсатувчи кейинги кўрсаткич бўлиб фонд сиғими ҳисобланади. Ушбу кўрсаткични ҳисоблаш учун корхонадаги мавжуд бўлган асосий воситаларнинг йиллик ўртача қийматини йил давомида ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот ва товар маҳсулоти қийматларига тақсимланади. Фондлар сиғимининг иқтисодий моҳияти бўлиб корхонада йил мобайнида ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот ёки товар маҳсулотининг ҳар минг сўмига тўғри келадиган асосий фондларнинг қиймати ҳисобланади.

Ушбу самарадорлик кўрсаткичларини қуйидаги схема орқали ифодалаш мақсадга мувофиқдир.




Шу билан биргаликда материаллардан фойдаланиш самарадорлик кўрсаткичларини материал қайтими ва материал сиғими кўрсаткичлари ифодалайди. Материал қайтими кўрсаткичини аниқлаш учун корхонада йил давомида ишлаб чиқарилган товар махсулоти қийматини материал харажатлар қийматига тақсимланади. Материал сиғими кўрсаткичи бунинг акси бўлиб материал харажатлар қийматини корхонанинг йил давомида ишлаб чиқарилган товар махсулоти қийматига тақсимлаш йўли билан аниқланади. Буни тавсифлайдиган бўлсак ушбу кўрсаткич корхонада йил мобайнида ишлаб чиқарилган товар махсулотининг ҳар бир сўмига қанча материал харажатлари сарфланганлигини кўрсатади.

Материаллар харажати коэффициентини - ҳақиқий сарфланган материаллар харажати бизнес режадагиси ҳақиқий ишлаб чиқариш ҳажмига корректив қилинган кўрсаткичга нисбатини ифодалайди. Бу кўрсаткич ишлаб чиқариш жараёнида материаллар сарфидан иқтисод (ёки

ортиқча сарф)га эришганлигини ифодалайди. Бу коэффициент 1 дан катта бўлса моддий ресурслардан самарали фойдаланилганлигини билиш мумкин.

Материал сиғимини алоҳида кўрсаткичлари моддий ресурсларнинг айрим турларидан самарали фойдаланишни характерлайди. Улар қаторига ёқилғи сиғими, материал сиғими, хом-ашё сиғими каби кўрсаткичларни киритиш мумкин. Одатда материал сиғимини ўзгаришига бир қатор омиллар таъсир этади. Материал сиғимининг омилли таҳлилининг тузилишини қуйидаги чизма кўринишида беришимиз мумкин бўлади.



13-чизма. Материал сиғимининг омилли таҳлилининг тузилиши.

### **8.3. Корхонанинг моддий техника таъминоти режасининг бажарилишини таҳлили**

Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш даврида саноат корхоналарига қонун доирасида ҳаракат қилиш мустақиллиги берилган. Республикамизда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш натижасида турлича мулкчиликка асосланган корхона шакллари ташкил этилган. Улар иқтисодий муносабатларни ривожлантирилиши натижасида янада такомиллаштирилмоқда. Натижада, ижара корхоналари, хиссадорлик жамиятлари, компаниялари, қўшма корхоналар, хусусий корхоналар ва бошқалар ташкил этилмоқда. Улар талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда кўпроқ фойда олиш мақсадида ўзларининг ишлаб чиқариш фаолиятларини қонун доирасида эркин мустақил амалга оширмоқдалар. Шу ҳолат корхоналарнинг моддий техника таъминоти масалаларини ҳал этишга ҳам бевосита боғлиқдир.

Корхоналар ишлаб чиқаришини ривожланишини режалаштирадидилар. Улар қисқа ҳамда узоқ муддатга мўлжалланган бўлади. Бу масалалар корхоналарнинг бизнес режаларида ва бошқа ҳужжатларда акс эттирилган бўлади.

Корхоналар ўз мақсадини муваффақиятли ҳал этиш мақсадида ўзларини ишлаб чиқаришларни моддий техника ресурслари билан таъминлаш жараёнини бажарилишига алоҳида эътибор берадилар. Бунинг учун аниқланган, яъни, корхона учун зарур бўлган моддий техника ресурсларини янги турлари мавжудлиги ҳамда улар жаҳон бозорида таклиф қилинганлиги ўрганилади. Чунки, корхона ўзи учун зарур бўлган моддий техника ресурсларининг яхшиларини, яъни самаралисини олишга ҳаракат қиладилар.

Моддий техника маркетингини яъни бозорини ўрганиш билан биргаликда уларни қайси бозор инфратизилмаларидан сотиб олиш мумкинлигини белгилайдилар. Шу даврда товар ва хом ашё биржалари билан, сотувчилар томонидан ташкил этилаётган кўрғазмалар бевосита корхоналарнинг ўзлари билан алоқларни тиклайдилар. Шу алоқалар натижасида қисқа муддатли ҳамда узоқ муддатли айрим ҳолларда эса бир марталик кучга эга бўлган шартномалар тузилади. Шу шартномаларда моддий техника ресурсларини етказиб берувчиларининг бурчлари, вазифалари батафсил акс эттирилади. Масалан, Тошкент трактор заводи ўзида ишлаб чиқарилаётган тракторларни қайси муддатларда, қандай ҳолатда, қаерга ҳамда қандай баҳоларда етказиб беришлигини акс эттириши мумкин, агарда, шу завод корхоналарга тракторларни етказиб беришни ўз зиммасига олган бўлса. Айрим ҳолларда истемолчилар заводдан тракторларни ўзлари олиб чиқиб кетишларини ўз зиммаларига олишлари мумкин. Шундай ҳолларда унинг баҳолари нисбатан арзон бўлиши мумкин, жавобгарлиги эса сотиб олувчи зиммасида қолиши мумкин.

Корхонани моддий техника ресурслари билан таъминланишини таҳлили моддий техника таъминоти режасининг объектив равишда белгиланганлигини аниқлашдан бошланади.

Моддий ресурсларга бўлган талабни аниқлашда техника, хом ашё, ёқилғи-мойлаш материаллари ва бошқа материаллар бўйича белгиланган меъёрлардан қандай фойдаланилганлиги, илғор меъёрлардан хом-ашёга бўлган талабни аниқлашда, ундан қай даражада фойдаланилганлиги текширилади.

Корхоналарда ишлаб чиқариш жараёнининг бир маромда амалга оширилиши кўп жиҳатдан корхонани моддий ресурслар билан тўлиқ таъминланганлигига боғлиқдир.

***Корхонани моддий техника ресурсларига бўлган эҳтиёжи икки манба ҳисобига қондирилади.***

1. Ташқи таъминот;
2. Ички таъминот.

Ташқи таъминот деганда - ташқи корхоналар, хом ашё биржалари билан тузилган шартномага асосан моддий техника ресурсларини четдан етказиб берувчилардан келиб тушиши тушунилади.

Ички таъминот деганда - таъминот режасининг бажарилиши, ички ресурслардан самарали фойдаланиш, чиқиндиларни камайтириш, иқтисод режасига риоя қилиш кабилар тушунилади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида корхоналарнинг иқтисодий аҳволи нисбатан барқарор бўлмаган ҳолларда, яъни, корхоналар моддий техника ресурсларини сотиб олишлари учун ўз маблағларига эга бўлмаган ҳолларда лизинг кредитидан ҳам фойдаланиши мумкин.

Лизинг кредитларини амалга оширишда лизинг компаниялари билан ёки лизингни амалга оширувчи субъектлар билан лизинг кредитлари бўйича шартномалар тузилади. Бунда уч томон қатнашиши мумкин. Лизинг кредитини амалга оширувчи, асосан ўртада маблағи бўлганлиги муносабати билан моддий техника ресурсларини ижарага берувчилардан олиб, уларни фойдаланувчиларга етказиб бериши билан шуғулланиши мумкин. Айрим ҳолларда эса моддий техника ресурсларини ижарага берувчилар, уларни ижарага олувчиларга бевосита етказиб беришлари мумкин. Бу масалалар шартномаларда тўлиқ ўз аксларини топишлари зарур.

Корхоналарда моддий техника таъминоти режаларини бажарилишини таҳлил этиш учун қуйидаги жадвалдан фойдаланиш мумкин.

32-жадвал

**ABC” акционерлик жамиятида моддий техника таъминоти режасининг бажарилишини таҳлили**



Шартл и белги	Материал- ларга бўлган талаб (тонна)	Талабни қоплаш манбаи (тонна)		Шартном а тузил- ди (тонна)	Талабни шартнома бўйича қоплаш, (%)	Материал- ларни келиб тушиши (тонна)	Шартном а бажари- лиши, (%)
		Ички	Ташқи				
1	2	3	4	5	6	7	8
А	27000	1500	26500	24300	90.0	22907	94.2
В	5700	1050	5650	5420	95.0	5190	95.7

$$T_k = (1500+24300)/ 27000 = 0,955$$

Жадвал маълумотларидан кўринадики, материалларга бўлган талаб (А) тузилган шартнома ва ички манбалар бўйича тўлиқ таъминланмаган. Режа бўйича таъминланиш коэффициенти 0,955 ни ташкил этган. Хақиқатда материалларни етказиш режаси 10,0% га бажарилмаган (100-90.0).

Шундай таҳлил натижасида материалларни етказиш режасини бажарилмаганлик сабабларини батафсил аниқлаш талаб этилади. Унга сабаб бўлиб материал ресурсларини етказиб берувчилар ҳамда уларни сотиб олувчилар, айрим ҳолларда эса ўртада турган бозор инфра тизилмалари ҳисобланиши мумкин. Бу сабаблар ўрганилганидан сўнг уларни бартараф этиш режалари, тадбирлари тузилади.

#### **8.4. Корхонанинг материал ресурслар билан таъминланганлигини таҳлили**

Саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш жараёнларининг натижаси ҳамда самарадорлиги уларнинг материал ресурслари билан таъминланганлигига бевосита боғлиқдир. Чунки корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни ҳажми, сифати улардаги материал ресурсларининг талаб даражасида бўлишлигини объектив равишда тақозо этади. Шунинг билан биргаликда у ресурслар замон талабига ҳам мос келиши лозим. Яъни, универсаллиги, янгилиги ҳамда арзонлиги нуқтаи назаридан. Корхоналарнинг материал ресурсларига бўлган талабини аниқлашда меъёрий ҳужжат ва меъёрий маълумотлардан фойдаланиш лозим. Саноат корхоналарида бизнес режада кўрсатилган маҳсулотлар миқдорини ишлаб чиқариш учун зарур бўлган маериал ресурсларининг миқдори ва қиймати аниқланади. Яъни қанча станоклар қанча машиналар, механизмлар, шунингдек, бошқа моддий ресурслар бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб-китоблар қилинади.

Корхоналарнинг ўзларидаги мавжуд бўлган материал ресурсларининг йил бошига бўлган миқдори йиллик инвентаризация натижасида аниқланади. Уларда мавжуд бўлган материал ресурслар корхона ишлаб чиқаришини

давомийлигини таъминлаш учун етарли бўлмаган ҳоларда корхоналарни зарур бўлган материал ресурслари билан таъминлаш борасидаги шартномалар тузилади. Бу масалалар юқоридаги саволда батафсил ёритилган.

Корхоналарга сотиб олинаётган материал ресурсларини оқими натижасида уларнинг материал ресурслари билан таъминланганлик даражаси ортиб боради. Саноат корхоналарининг материал ресурслари билан таъминланганлигини ҳамда меҳнатни улар билан қуролланганлигини иккинчи саволда келтирилган кўрсаткичлар ёрдамида аниқланади. Масалан, корхона ихтиёрида йил бошига 100 млн сўмлик материал ресурсларининг мавжудлиги балансда кўрсатилган. Корхона учун эса ишлаб чиқаришини бир меъёрга ривожлантириш учун режага мувофиқ 170 млн сўмлик материал ресурслари зарурлиги аниқланган. Демак, корхона учун уларга бўлган талаб тўлиқ қондирилаётгани йўқ. Бу масалани ҳал этиш учун корхона қўшимча 70 млн сўмга материал ресурсларини сотиб олишни ёки қарзга, ижарага олишни режалаштиради. У шу масала бўйича тузилган шартномаларда ўз аксини топади. Корхонани моддий техника таъминотини ҳал этилиши натижасида йил давомида 50 млн сўмлик материал ресурслари сотиб олинган. Шунда корхонанинг материал ресурслар билан таъминланганлик даражаси 88,2 % ни ташкил этган бўлади

$$(100+150)/170.$$

Келтирилган маълумотлардан кўришиб турибдики, корхона материал ресурслари билан тўлиқ таъминланмаган, яъни, уларнинг миқдори 11,8 % га кам бўлган. Бу ҳол корхона ишлаб чиқариш фаолиятига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Корхонанинг материал ресурслари билан таъминланганлигини таҳлил этиш натижасида улар билан тўлиқ таъминланмаганлик фактлари аниқланса, у ҳолда уни келиб чиқиш сабаблари ўрганилади. Шунинг билан биргаликда ушбу салбий натижаларни бартараф этиш имкониятлари ва чора тadbирлари белгиланади.

## **8.5. Материал ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги ва уларни ишлаб чиқариш хажмига таъсирини таҳлили**

Корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ўртача харажатлари яъни таннархлари – кўп жиҳатдан хом ашё ва материаллардан самарали фойдаланиш кўрсаткичларига боғлиқдир.

Материал ресурслар миқдорини режалаштирилган ҳажмда тайёрлаш маҳсулот ишлаб чиқариш режасини бажариш учун имконият яратади. Материал ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланилмаса ҳамда уларнинг амалиётдаги фойдаланилиши белгиланган меъёрларга нисбатан ортиқча бўлса, у ҳолда келтирилган материаллар маҳсулот ишлаб чиқариш давомийлиги режасини бажариш учун етарли бўлмайди.

Материал ресурслардан фойдаланишни таҳлил этишдан мақсад ишлаб чиқариш жараёнида улардан фойдаланишда ортиқча сарф-харажатларга йўл қўйилган бўлса, бу ҳолда маҳсулот ҳажми қанчага кам яратилганлиги ёки моддий ресурслардан самарали фойдаланиш натижасида қанча қўшимча маҳсулот барпо этилганлигини аниқлаш бўлиб ҳисобланади. **Уларни қуйидаги усуллардан фойдаланган ҳолда ҳисоблаш мумкин:**

- корхонада ишлаб чиқариладиган маҳсулот бирлиги учун белгиланган харажат меъёри материал ресурсларга кетган ҳақиқий харажатлар билан таққосланади;
- эришилган иқтисод ёки ортиқча харажат ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг умумий миқдорида кўпайтирилади;
- моддий ресурслардан фойдаланиш натижасида юзага келган ортиқча харажат режа бўйича кўзланган харажат меъёрига тақсимланади.

Шу тартибда материаллардан самарали фойдаланиш натижасида эришилган иқтисод асосида қўшимча ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки уларни тежаб-тергаб фойдаланмаслик оқибатида ортиқча харажатларни юзага келиши заминида ишлаб чиқарилмаган маҳсулот ҳажми аниқланади. Материаллардан фойдаланишни янада чуқурроқ тадқиқ этиш мақсадида қуйидаги жадвалдан фойдаланамиз:

**33- жадвал**

**“ABC” акционерлик жамиятида материаллардан фойдаланишнинг таҳлили**

Кўрсаткичлар	“А”	“Б”
1	2	3
1. Режа бўйича маҳсулот бирлигига сарфланган материал (100 дона)	18170	13200
- Ҳақиқатда	18050	13270
- Фарқи ( + , - )	-120	+70
2. Ҳақиқатда ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори (100 дона)	78500	50700
3. Иқтисод ( - ), ортиқча ( + ) жами маҳсулотга (минг бирлик)	-9420	+3549
4. Қўшимча еки кам маҳсулот ишлаб чиқариш	+52	-27

Жадвал маълумотларидан кўринадикки таҳлил этилаётган “ABC” акционерлик жамиятида “А” маҳсулотни тайёрлашда унга сарфланган рангли металл материаллари иқтисод қилиниши натижасида қўшимча равишда 52 дона “А” турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришга муваффақ бўлинган. “Б” маҳсулотни тайёрлашда эса режадагидан кўпроқ материалларнинг сарфланиши натижасида асосланмаган ортиқча харажатлар амалга оширилган. Бунинг натижасида эса 27 та “Б” номдаги маҳсулот кам ишлаб чиқарилган.

Шу билан биргаликда материаллардан самарали фойдаланиш кўрсаткичларини таҳлил этилганда алоҳида материаллардан фойдаланишни тадқиқ қилиш билан биргаликда корхона бўйича материаллардан

фойдаланишни ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Уни қуйида келтирилган жадвал ёрдамида амалга ошириш мумкин:

34-жадвал

**ABC” акционерлик жамиятида материаллардан фойдаланишнинг таҳлили**

Кўрсаткичлар	Бизнес режада	Хақиқатда	Фарқи, (+,-)
1	2	3	4
1. Моддий харажатлар (минг сум)	42843	42043	-800
2. Товар маҳсулоти (минг сум)	74260	79797	+5537
3. Товар маҳсулоти материал сизими (сум) (1/2)	0,5769	0,5268	-0,050
4. Материал сарфи узгаришининг таъсири (+, -)			
- товар маҳсулоти таннархидаги моддий харажатларнинг кимматлашиши (+), пасайиши (-)	x	x	-3989
- $0.050 * 79797 = - 3989$			
- товар маҳсулотининг хажми, минг сум	x	x	+6914
- $3989 : 0.5769 = 6914$			
5. Материал қайтими, сўм (2 / 1)	1,73	1,89	+0,16

Таҳлил этилаётган жадвал маълумотларидан кўринадикки, моддий харажатларни иқтисод қилиш натижасида қўшимча равишда 6914 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга эришилди. Бундан кўринадикки, корхонада товар маҳсулотига сарфланадиган материаллардан самарали фойдаланиш борасида ишлар яхши йўлга қўйилган. Корхонада материал қайтими бизнес режада белгиланган 1,73 сўмдан ҳақиқатда 1,89 сўмга ўсган. Бундай натижа корхонада материаллардан асамарали фойдаланганлигидан далолат беради.

## Мавзу бўйича таянч иборалар

- моддий ресурслар тўғрисида тушунча ва таҳлил этиш вазифалари;
- моддий ресурслар билан таъминланиш манбалари;
- ички манба;
- ташқи манба;
- таъминот режасининг реаллигини текшириш услублари;
- моддий ресурслар ҳолатини таҳлил этиш услублари;
- ишлаб чиқаришда моддий ресурслардан самарали фойдаланиш таҳлилини услублари;
- материал сиғими ва уни маҳсулот ҳажмига таъсири;
- материал сиғими ва уни таннархига таъсири;
- материал сиғими ва уни пасайтириш резервлари.

## Такрорлаш учун саволлар

1. Корхонанинг моддий ресурслари нима мақсадда таҳлил этилади?
2. Моддий ресурсларни таҳлил қилишда таҳлилнинг асосий вазифалари нималардан иборат бўлади?
3. Қайси ахборот манбаларига асосланиб корхонанинг моддий ресурслар таҳлил қилинади?
4. Моддий ресурслар таркиби ва унинг динамик ўзгаришлари қандай таҳлил этилади?
5. Моддий ресурслардан самарали фойдаланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар ҳақида нималарни биласиз?
6. Материал қайтими ва материал сиғими қандай аниқланади?
7. Материал қайтимининг маҳсулот ҳажмига таъсири қандай таҳлил этилади?
8. Материал сиғимини пасайтириш имкониятларини кўрсатиб беринг.

## Мустақил ўрганиш учун топшириқлар

### 1-топшириқ

Берилган маълумотлар асосида маҳсулотни материал сизимини таҳлил қилинг ва хулоса ёзинг?

### АСОСИЙ ФАОЛИЯТ ТУРИ БЎЙИЧА

(минг сўм)

Кўрсаткичлар номи	Сатр хос рақами	Ҳисобот даврида	
		Чорак	Йил бошидан
1	2	3	4
Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг (ишлар, хизматлар) амалдаги нархи (қўшимча қиймат солиғи ва акцизсиз)	011	131408	453781
Харажатлар – жами (сатрлар йиғиндиси 013, 040, 061, 070)	012	125304	437297
1. Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш таннари (сатрлар йиғиндиси 014, 024, 025, 026, 028)	013	105797	369696
Шу жумладан:	014	98062	340452
Ишлаб чиқарилган моддий харажатлар (қайтадан чиқиндиларни чегирган ҳолда) (сатрлар йиғиндиси 015, 017, 018, 021, 022, 023)	015	94522	329069
Улардан:	016		
Хомашё ва материаллар (харид қилинадиган)	017	196	645
Улардан: материаллар	018	221	412
Чет ташкилотлар бажарган ишлаб чиқариш тарзидаги ишлар ва хизматлар	019	221	412
Шу жумладан:			
Корхоналарнинг сув хўжалиги тизимидан оладиган сувга тўлайдиган ҳақ (меъёр доирасида ва ундан ортиқ)	020		
Ерларни рекультивация қилиш учун ажратмалар	021	1418	5039
Четдан олинадиган барча турдаги ёқилби	022	1705	5287
Харид қилинадиган барча турдаги энергия	023		
Бошқа ишлаб чиқариш моддий харажатлари	024	5292	20235
Ишлаб чиқариш тарзидаги иш ҳақи тўлаш харажатлари (суткаликсиз)	025	1965	7697
Ишлаб чиқариш ижтимоий суғурта ажратмалари	026	267	1101
Асосий воситалар ва ишлаб чиқариш номоддий активлар амортизацияси	027		
Улардан:			
Номоддий активлар			

Ишлаб чиқаришнинг бошқа турдаги харажатлари (сатрлар йиғиндиси 029, 030, 032 дан 037 гача)	028	211	211
---	-----	-----	-----

### Бизнес режа маълумотлари

Махсулот хажми, корхона улгуржи баҳосида-403810 минг сўм  
Ишлаб чиқариш харажатлари таркибида моддий харажатлар-322457 минг сўм

#### 2- топшириқ

1- топшириқ маълумотлари асосида материал харажатларни махсулот хажмини ўзгаришига таъсирини ҳисоб-китоб қилинг ва хулоса ёзинг?

#### 3- топшириқ

Моддий харажатларни ўзгаришига таъсир этувчи омилларни қуйидаги маълумотлар асосида таҳлил қилинг ва хулоса ёзинг?

#### Ҳисобот йили кўрсаткичлари

1.	Бир бирлик (кг) «вермишель» макарони ишлаб чиқариш учун материал сарфи миқдори, кг - олий навли ун - тухум, дона - туз - сув	0,850 2 0,016 0,285
2.	Бир бирлик (кг) «вермишель» макарони ишлаб чиқариш учун сарфланган материал бирлигини баҳоси, сўм - олий навли ун - тухум, дона - туз - сув	134 52 85 12

#### Бизнес режа маълумотлари

1.	Бир бирлик (кг) «вермишель» макарони ишлаб чиқариш учун материал сарфи миқдори, кг - олий навли ун - тухум, дона - туз - сув	0,840 2 0,015 0,280
2.	Бир бирлик (кг) «вермишель» макарони ишлаб чиқариш учун сарфланган материал бирлигини баҳоси, сўм - олий навли ун - тухум, дона - туз - сув	129 53 90 10

## САНОАТ МАҲСУЛОТИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАННАРХИНИНГ ТАҲЛИЛИ

### 9.1. Бозор иқтисодиёти шароитида таннархни пасайтиришнинг аҳамияти, уни моҳияти, таҳлил вазифалари ва ахборот манбалари

Маҳсулот таннархи корхона молия хўжалик фаолиятини ҳамма томонларини акс эттирувчи кўрсаткичлардир. Шу туфайли ишлаб чиқариш харажатларини тўғри ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини калькуляция қилиш ҳамда таҳлил қилиш бошқарув ҳисоби ҳамда молиявий ва бошқарув таҳлили фанларининг муҳим вазифаларидан биридир.

Бугунги кунда корхона фаолиятининг муҳим кўрсаткичларидан ва унга баҳо берадиган мезон кўрсаткичларидан бири, фойда ва рентабелликдир. Фойдага таъсир этувчи омил бу таннархдир.

*Маҳсулот таннархи* – шу маҳсулотни ишлаб чиқариш учун кетган барча бевосита ва билвосита харажатларнинг қиймат ифодасидир.

Бугунги кунда амалда бўлган Низомга мувофиқ маҳсулот (иш, хизмат)ни ишлаб чиқариш харажатлари таркибига кирадиган моддалар сирасига ўзгаришлар киритилган. *Маҳсулот таннархига киритиладиган харажатлар таркибини аниқлашдан мақсад:*

1. Бухгалтерия ҳисоби счётида жами харажатлар тўғрида тўлиқ ва аниқ маълумотларга эга бўлиш, корхона фаолиятини рентабеллиги ва бозор иқтисодиёти шароитида рақобатбардошлилигини аниқлаш;
2. Маҳсулот (иш, хизмат)лар таннархини аниқ ҳисоб-китобини қилиш;
3. Маҳсулот таннархига киритилмайдиган харажатларни алоҳида таркиблаш ва уларни молиявий натижавийликка боғлаш;
4. Ишлаб чиқариш харажатларини юзага чиқиши ва жавобгарлик марказлари бўйича ҳисобга олиш ва назорат қилиш;
5. Солиқ тўланадиган базани аниқ ҳисоб-китобини юртиш ва бу орқали ишлаб чиқариш харажатлари ҳамда корхона сарфларини бошқаришни ташкил этишдан иборатдир.

**Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқараётган маҳсулотлари таннархини таҳлил қилишда бошқарув таҳлилининг энг асосий вазифалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:**

- Ишлаб чиқариш харажатларини ўрганиш ва уларнинг ҳолатига баҳо бериш;



- Маҳсулот таннархини пасайтириш бўйича белгиланган режани бажарилиши ва динамикасини назорат қилиш;
- Ишлаб чиқариш харажатларини иқтисодий элементи ва калькуляцион моддалари бўйича ўрганиш ва уларга баҳо бериш;
- Меҳнат унумдорлиги билан иш ҳақи харажатлари ўртасидаги нисбатни ўрганиш;
- Таннархнинг ўзгариш сабабларини аниқлаш ва унга таъсир этувчи омилларни миқдор жиҳатидан ҳисоблаш;
- Айрим турдаги маҳсулот таннархини харажат моддалари бўйича таҳлил этиш;
- Таннархни пасайтириш бўйича мавжуд имкониятларни аниқлаш ва ҳақозо.

“Маҳсулот (иш, хизмат)лар таннархига киритиладиган, маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича харажатлар таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш ҳақида”ги Низомга мувофиқ ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олишнинг умумийлиги таъминланган. Бунинг якунида маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини режалаштриш, таҳлил этиш ва назорат қилишга имконият туғилади.

Мазкур Низом бухгалтерия ҳисоби мақсадларида ва солиққа тортиш мақсадларида харажатларни ҳисоблаш тартибларидаги фарқланишларини ҳисобга олиб ишлаб чиқилган. Бошқарув ҳисоби ва бошқарув таҳлилининг асосий мақсади хўжалик юритувчи субъектларнинг бозор иқтисодиёти шароитларида рақобатга бардошлигини аниқлашдир.

Низомда бухгалтерия ҳисоби бўйича фойда билан солиққа тортиладиган фойда ўртасидаги тафовутларга изоҳ берилган.

Солиққа тортиладиган фойда бухгалтерия ҳисобидаги фойдадан фарқ қилишининг сабаби шундаки, давлат солиқ сиёсатига мувофиқ амалдаги солиқ қонунчилиги бўйича корхона харажатларининг бир қисми солиққа тортиладиган базага кирмайди. Низомда молиявий натижаларни шакллантиришнинг асосий қоидалари ва харажатларни гуруҳлаш берилган. Биринчи иловада корхона ҳисобот давридаги баланс фойдасини ҳисоблашда чегириладиган, лекин хўжалик субъектининг солиққа тортиладиган базасига қўшиладиган харажат моддалари берилган. Иккинчи иловада харажатлар амалга оширилиши пайтида солиққа тортиладиган базадан чегирилмайдиган, лекин кейинги даврларда чегириладиган харажатлар рўйхати берилган (вақт бўйича фарқланишлар).

Учинчи иловада фойдаси эмас, даромади солиққа тортилаётган корхоналар учун қўшимча чегирилмайдиган харажатлар рўйхати берилган.

***Бугунги кунда хўжалик юритувчи субъектларнинг маҳсулотлари таннархини таҳлил қилишда бошқарув таҳлилининг асосий ахборот манбалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:***

- Хўжалик субъектларининг бизнес режа маълумотлари;

- 5-С “Корхона сарф-харажатлари тўғрисида”ги ҳисоботи маълумотлари;
- 1-Т “Меҳнат ҳисоботи” маълумотлари;
- Бухгалтерия ҳисобининг ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиб борувчи счёт маълумотлари ва бошқа турдаги қўшимча маълумотлар.

## **9.2. Харажатларни туркумлаш: Ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш харажатлари, «ўзгарувчан» ва «ўзгармас» харажатлар**

Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш таннархи ишлаб чиқариш ёки қайта ишлаш жараёнида ишлатилган табиий ресурслар, хом-ашё, материаллар, ёқилғи, энергия, асосий воситалар (амортизация), меҳнат ресурслари ва бошқа ишлаб чиқариш билан боғлиқ харажатларининг қиймат кўринишини ифода этади.

Маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархига ишлаб чиқаришни ташкил қилиш услуги ва технологияси билан белгиланган маҳсулотни ишлаб чиқариш (иш, хизматлар бажариш) билан бевосита боғлиқ харажатлар киритилади. Буларга: бевосита ва билвосита моддий харажатлар, бевосита ва билвосита меҳнат харажатлари, ишлаб чиқариш йўналишидаги устама харажатлар ҳамда бошқа бевосита ва билвосита харажатлар киради.

***Ишлаб чиқаришнинг моддий харажатлари таркибига қуйидагилар киради:***

-ташқаридан сотиб олинган ишлаб чиқариладиган маҳсулот таркибига кириб, унинг асосини ташкил этадиган ёки маҳсулот тайёрлашда (иш бажаришда, хизмат кўрсатишда) зарур компонент ҳисобланадиган хом-ашё ва материаллар;

-маҳсулотни ўраш ҳамда бошқа ишлаб чиқариш заруриятлари учун сотиб олинган материаллар, таъмирлаш учун эҳтиёт қисмлар, мосламалар ва бошқа меҳнат буюмлари;

-технологик мақсадлар, биноларни иситиш, барча турдаги энергияни ишлаб чиқариш учун сарфланадиган четдан сотиб олинган ёқилғининг ҳамма турлари;

-корхонанинг технологик, транспорт ва бошқа ишлаб чиқариш, шунингдек, хўжалик заруриятларига сарфланадиган сотиб олинган барча турдаги энергия;

-табиий камайишининг меъёр чегарасидаги моддий ресурсларнинг камомади ва бузилишларидан йўқотишлар;

***Ишлаб чиқаришдаги меҳнатга ҳақ тўлаш харажатларига қуйидаги моддалар киради:***

-корхонада қабул қилинган меҳнатга ҳақ тўлаш шакл ва тизимларига мувофиқ ишбай ҳақлари, тариф ставкалари ва мансаб окладлари асосида ҳақиқий бажарилган ишлар учун ишлаб чиқаришдаги ҳисобланган иш ҳақи;

-натура шаклида ҳақ тўлаш тартиби бўйича бериладиган маҳсулот қиймати;

-амалдаги тартибларга кўра рағбатлантирувчи тўловлар, жумладан, ишлаб чиқариш натижалари учун мукофотлар (натурал мукофотларни қўшган ҳолда) таъриф ставкалари ва окладларга касб маҳорати учун қўшимча устама тўловлар, амалдаги қонунчиликка мувофиқ кўп йиллик хизматлари учун (шу хўжаликда бир ихтисосликдаги иш стажи учун) ишлаб чиқариш ходимларига бериладиган тақдирланишлар, мукофотлар, касб маҳорати учун таъриф ставкалар ва окладларга нисбатан) устама тўловлар, ҳаракатдаги қонунчиликка мувофиқ кўп йиллик хизматлари учун ишлаб чиқариш ходимларига бериладиган тақдирлашлар;

-иш режими ва меҳнат шароитлари билан боғлиқ товон тўловлари, жумладан, тунги иш вақти, иш вақтидан сўнгги иш учун тўловлар.

**Амалдаги Низомга мувофиқ хўжалик юритувчи субъектларнинг барча харажатлари қуйидаги гуруҳларга ажратилади:**

- 1) Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархига қўшиладиган харажатлар;
  - А) Ишлаб чиқариш таннархига қўшилмайдиган харажатлар, аммо, давр харажатларига қўшиладиган харажатлар (асосий фаолиятдан кўрилган фойдани аниқлаш учун);
- 2) Корхонанинг умумхўжалик фаолиятидан кўрган фойда ёки зарарини аниқлашда ҳисобга олинмайдиган молиявий фаолият харажатлари.
- 3) Фавқулодда зарар (солиқ тўлашга қадар аниқланадиган фойдани ҳисоблашда иштирок этадиган).

**Хўжалик юритувчи субъектларнинг харажатларини юқоридаги таркиб бўйича гуруҳланганда, ҳар бир гуруҳ харажатлари қуйидагича туркумланади:**

**1. Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархига қўшиладиган харажатлар қуйидагича туркумланади:**

- а) Бевосита ва билвосита моддий харажатлар;
- б) Бевосита ва билвосита меҳнат харажатлари;
- в) Ишлаб чиқаришдаги маъмурий харажатлар.

**2. Давр харажатлари қуйидагича туркумланади:**

- а) Сотиш бўйича харажатлар;
- б) Бошқарув харажатлари;
- в) Бошқа муомала харажатлари ва зарарлар.

**3. Молиявий фаолият бўйича харажатлар қуйидагича туркумланади:**

- а) Фоизлар бўйича сарфлар;
- б) Чет эл валютаси курси ўзгаришидан кўрилган зарар;

в) Қимматли қоғозларга қўйилган маблағларни қайта баҳолашдан кўрилган зарар;

г) Молиявий фаолият бўйича бошқа сарф харажатлар.

#### **4. Фавқулодда зарарлар одатда туркумланмайди.**

#### **Ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш харажатлари.**

Маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ харажатларга ишлаб чиқариш харажатлари деб аталади. Уларга қуйидагилар киради:

-Материал харажатлари;

-Меҳнат ҳақи харажатлари;

-Ишлаб чиқариш билан боғлиқ маъмурий харажатлар.

Бевосита материал харажатлари меҳнат ҳақи билан биргаликда дастлабки харажатларни ташкил этади.

Меҳнат ҳақи ва ишлаб чиқариш характеридаги маъмурий бошқарув харажатлари биргаликда конверсия харажатларини ташкил этади.

Материал харажатлари конверсия харажатлари билан биргаликда тўлиқ ишлаб чиқариш таннархини ташкил этади.

#### **Ноишлаб чиқариш харажатлари.**

Ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган барча харажатларга ноишлаб чиқариш харажатлари деб аталади. Улар таркибига сотиш билан боғлиқ харажатлар, илмий текшириш ва тадқиқот харажатлари, умумий ва маъмурий бошқарув харажатлари, бошқарув харажатлари, олинган кредит учун фоиз тўловлари ва бошқа ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган, харажатлар киритилади.

Маҳсулот таннархини умумлаштирувчи кўрсаткичлар қуйидагиларни ташкил этади.

1. Бир сўмлик товар маҳсулоти учун қилинган харажат;

2. Таққосланадиган маҳсулот таннархи;

3. Маҳсулот бирлигининг таннархи.

*Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятидаги харажатларни юқоридаги кўринишда туркумлаш билан бир қаторда яна қуйидаги хусусиятлари бўйича ҳам таснифлаб чиқишимиз мумкин.*

#### **Юзага чиқиш шаклига кўра:**

- асосий ишлаб чиқариш харажатлари;
- молиявий фаолият бўйича харажатлар;
- тасодифий, фавқулоддаги харажатлар.

#### **Маҳсулот таннархига қўшилишига кўра:**

- маҳсулот ишлаб чиқариш таннархига киритилмайдиган харажатлар;
- маҳсулот ишлаб чиқариш таннархига киритилмайдиган харажатлар.

#### **Юзага чиқиш ўрни бўйича:**

- бўлим бўйича қилинган харажатлар;
- цех бўйича қилинган харажатлар;

- участка бўйича қилинган харажатлар ва ҳакозо.

**Сотиш ҳажмига ҳисобдан чиқарилишига кўра:**

- маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари;
- давр харажатлари.

**Даврига кўра:**

- жорий давр харажатлари;
- келгуси давр харажатлари.

**Солиққа тортиладиган фойда суммасини аниқлашда ҳисобга олинмишига кўра:**

- солиққа тортиладиган базага қайта қўшиладиган доимий тафовутлар;
- солиққа тортиладиган базага қўшиладиган даври бўйича тафовутлар;
- солиққа тортиладиган базани аниқлашда ҳисобга олинмайдиган харажатлар.

**Маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига мувофиқ:**

- ўзгарувчан харажатлар;
- ўзгармас харажатлар.

**Маҳсулот таннархига қўшилишига қараб:**

- тўғри харажатлар (бевосита);
- эгри харажатлар (билвосита).

**Молиявий натижаларга дахлсизлиги бўйича:**

- маҳсулот таннархига қўшиладиган харажатлар;
- фойда ҳисобидан қопланадиган харажатлар.

Таҳлил этишда ўрганиш объекти ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда корхона харажатларининг у ёки бу туркуми бўйича ўзгаришлар ва ўзгариш сабабларига баҳо берилади. Таққослаш ёки қиёсий ўрганишда жорий давр ва ўтган йил маълумотлари, бизнес режа кўрсаткичлари, ўртача кўрсаткичлар ва тармоқ бўйича бошқа маълумотлар олинади. Таққослашда кўрсаткичлар бўйича мутлоқ ўзгаришлар нисбий кўрсаткичларни қўллаш орқали тўлдирилади.

**1 сўмлик товар маҳсулоти учун қилинган харажатлар таҳлили**

Маҳсулот таннархини ифодаловчи кўрсаткичлардан энг муҳими бир сўмлик товар маҳсулоти учун қилинган харажатдир. Бу кўрсаткич тийин ҳисобида қуйидагича аниқланади:

$$\text{Бир сўмлик товар маҳсулоти учун қилинган харажат (тийин)} = \frac{\text{Ишлаб чиқариш таннархи}}{\text{Товар маҳсулотини улгуржи баҳоси.}}$$

Бу кўрсаткич орқали қилинган харажатларнинг самарадорлигини аниқлаш мумкин.

Таҳлил этишда бир сўмлик товар маҳсулоти учун қилинган харажатлар динамикаси, бизнес режага нисбатан ўзгариши аниқланади.

*35-жадвал*

**“ABC” акционерлик жамиятида бир сўмлик товар маҳсулоти учун қилинган харажатлар таҳлили**

Кўрсаткичлар	Ўтган йили	Ҳисобот йили	
		Бизнес режада	Ҳақиқатда
1	2	3	4
1. Маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг ишлаб чиқариш таннари, минг сўмда	1227503	1374356	1975926
2. Товар маҳсулотининг солиштирма улгуржи баҳоси, минг сўмда	2113430	2198763	2553967
3. Бир сўмлик товар маҳсулоти учун қилинган харажатлар, тийин ҳисобида	58,08	62,51	77,37

*36-жадвал*

**Бир сўмлик товар маҳсулоти учун қилинган харажатларни пасайтириш бўйича бизнес режасининг бажарилишини таҳлили**

Кўрсаткичлар	Сумма
1	2
1. Бир сўмлик товар маҳсулоти учун қилинган харажатлар, тийин ҳисобида:	
- Ўтган йил	58,08
- Ҳисобот йил:	
• Бизнес режа бўйича	62,51
• Ҳақиқатда	77,37
2. Ўтган йилдан фарқи:	
• тийин ҳисобида	+19,29
• фоиз ҳисобида	+33,21
3. Режадан фарқи:	
• тийин ҳисобида	+14,86
• фоиз ҳисобида	+23,77
4. Бир сўмлик товар маҳсулоти учун қилинган харажатдан олинган иқтисод (-) ёки сарфланган ортиқча харажат, минг сўмда	+379519,5

Жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, биз таҳлил қилаётган “ABC” акционерлик жамиятида ишлаб чиқарилган товар маҳсулотининг ҳар сўми учун қилинган харажат ҳисобот даврида 77,37 тийинни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 19,29 тийинга ёки 33,21 %га, бизнес режага нисбатан эса 14,86 тийинга ёки 23,77 %га кўпайган. Харажатларнинг бундай тартибда ортиши корхонанинг рентабеллигини пасайтириб юборади. Ўрганилаётган

даврда ҳар бир сўмлик товар маҳсулоти учун қилинган харажат бизнес режага нисбатан 14,86 тийинга ортиши ҳисобига корхона бўйича ортикча 379519,5 минг сўмлик харажат қилинишига йўл қўйилган. Агарда корхона ўрганилаётган даврда ҳар бир сўмлик маҳсулот учун ортикча 14,86 тийин харажат қилинишига йўл қўймаганда эди корхонанинг оладиган даромади шунча сўмга ортган бўларди.

***Таҳлил давомида 1 сўмлик маҳсулот учун қилинган харажатларни режага, ўтган йилдагига нисбатан ўзгариш сабаблари ва унга қуйидаги омилларни таъсирини аниқлаш лозим.***

1. Маҳсулот структураси ва ассортименти ўзгариши.
2. Ҳом ашё ёқилғи энергия баҳосини ўзгариши.
3. Маҳсулот баҳосини ўзгариши.

### **Харажатларнинг иқтисодий элементи ва калькуляцион моддалари бўйича таҳлили**

Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ва таҳлил этишнинг услубий ва меъерий шакли Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1999 йил 5-февралда тасдиқланган 54-сонли “Маҳсулот (бажарилган иш, кўрсатилган хизмат)лар ишлаб чиқариш таннархи, маҳсулот (иш бажариш ва хизмат кўрсатиш) ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ва молиявий натижаларнинг шаклланиш тартиби тўғрисида”ги Низом билан белгиланади.

Саноат корхоналари ишлаб чиқариш харажатларини ривожлантириш мақсадида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида унинг йўналишлари бўйича гуруҳларга ажратиш мақсадга мувофиқдир:

- 1. Харажатларнинг иқтисодий элементлари бўйича;***
- 2. Харажатларнинг калькуляцион моддалари бўйича.***

Харажатларни элементи бўйича гуруҳларга ажратишдан мақсад уларни структураси, динамикасини назорат қилишдан иборат.

Кўрсаткичларни таққослаш орқали жонли меҳнат билан бошқа харажат турларини нисбати, ишлаб чиқариш захираларини нормалаштириш ва таҳлил этиш, оборот маблағларини тезлигини аниқлаш ва миллий даромадни ҳисоблаш имконияти туғилади.

Харажатларни элементлари бўйича таҳлил натижаларига мувофиқ материал сифими, меҳнат сифими ва фонд сифими даражалари бўйича таннархни пасайтириш имкониятларини аниқлаш мумкин.

Таҳлил этишда жами харажатдаги ҳар бир харажат элементнинг тутган салмоғи аниқланиб, ўтган йилдагиси ҳамда сметадаги кўрсаткичлар билан таққосланади ва бу кўрсаткичларни ўзгариш сабаблари аниқланади.

Маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган харажатлари таркибини иқтисодий элементлари ва моддалари бўйича қуйидаги таркибда бериш мумкин.

**Ишлаб чиқариш харажатларининг иқтисодий элементлари ва  
моддалари бўйича туркумланиши**

<b>Иқтисодий элементлари бўйича</b>	<b>Калькуляцион моддалари бўйича</b>
<b>1</b>	<b>2</b>
<i>Ишлаб чиқариш характеридаги бевосита ва билвосита моддий харажатлар</i>	Хом ашё
	©қилғи
	Электр қуввати
	Эҳтиёт қисмлар
<i>Ишлаб чиқариш характеридаги бевосита ва билвосита меҳнат ҳақи харажатлари</i>	Асосий иш ҳақлари
	Қўшимча иш ҳақлари
	Иш ҳақиға устамалар
<i>Ишлаб чиқаришга тааллуқли меҳнат ҳақидан ажратмалар</i>	Ижтимоий таъминот бўлимига
	Меҳнат биржасига
	Касаба уюшмасига
<i>Асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси, эскириш харажатлари</i>	Асосий воситаларнинг эскириши
	Номоддий активларнинг эскириши
	Асосий восита ва номоддий активларни ижара ҳақлари
<i>Ишлаб чиқариш характеридаги бошқа харажатлар</i>	Турли ишлар ва хизматлар
	Солиқлар, йиғимлар ва ҳақозо.

Ишлаб чиқариш харажатларини иқтисодий элементлари ва калькуляцион моддалари бўйича ўрганиш куйидагича фарқланади, яъни, бўлимлар ва корхона бўйича жами харажатлар фақат иқтисодий элементлари бўйича ўрганилади, маҳсулотлар тури ва туркуми бўйича эса ишлаб чиқариш харажатлари калькуляция моддалари асосида кўриб чиқилади. Таҳлил этишда ишлаб чиқариш харажатларининг жами ўзгариши ва унинг таркиби бўйича ўзгаришлари мутлоқ ва нисбий жихатдан ўрганилади. Нисбий жихатдан ўрганишда ҳар бир туркум харажат моддаси ёки элементининг жами ишлаб чиқариш харажатлари таркибидаги салмоғига баҳо берилади.

38-жадвал

**АВС” акционерлик жамиятида харажатларнинг иқтисодий элементлари  
бўйича таркиби ва структурасининг таҳлили**

<b>Харажат гуруҳлари</b>	<b>Ўтган йили</b>		<b>Ҳисобот йили</b>	
	<b>Сумма, минг сўм</b>	<b>Жамига нисабатан салмоғи, %</b>	<b>Сумма, минг сўм</b>	<b>Жамига нисабатан салмоғи, %</b>
<b>1</b>	<b>2</b>	<b>3</b>	<b>4</b>	<b>5</b>
1. Моддий харажатлар	1001408	81,58	1539843	77,93
2. Меҳнат ҳақи харажатлари	121594	9,91	231624	11,72



3. Ижтимоий суғурта ажрат-малари	48395	3,94	92359	4,67
4. Амортизация ажратмалари	3859	0,31	7370	0,37
5. Бошқа ишлаб чиқариш харажатлари	52247	4,26	104730	5,30
<b>Жами ишлаб чиқариш харажатлари</b>	<b>1227503</b>	<b>100,0</b>	<b>1975926</b>	<b>100,0</b>

Жадвал маълумотлари асосида “ABC” акционерлик жамиятининг ишлаб чиқариш харажатларини таҳлил қилиб чиқишимиз мумкин бўлади. Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, жами харажатда хом ашё, ёқилғи, энергия, ярим фабрикат харажатларининг тутган улуши юқоридир. Уларни улуши базис давридаги 81,58 фоиздан, ҳисобот даврига келиб 77,93 фоизгача пасайган. Шу давр ичида меҳнат ҳақи харажатларининг улуши эса 9,91 фоиздан ҳисобот даврига келиб 11,72 фоизга ўсган. Моддий харажатлар билан меҳнат ҳақи харажатлари ўртасидаги нисбатни бундай тарзда ўзгариши меҳнат унумдорлиги даражасининг ўсганлигидан ҳамда ходимларнинг моддий манфаатдорлиги ошганлигидан далолат беради. Фан-техника тараққиётига таянган ҳолда ишлаб чиқаришни ташкил этган корхоналарда унумдорлик даражаси ортади, амортизация ажратмалари мутлоқ суммада ўтган йилга нисбатан ортса ҳам, уларнинг нисбий кўрсаткичлари яъни маҳсулот нархидаги улуши пасаяди.

### **Ишлаб чиқаришдаги меҳнатга ҳақ тўлаш харажатларининг таҳлили**

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир корxonанинг мақсадларини амалга оширишида асосий омил жонли инсон, яъни, корхона ходими туради. Корхона ходимларининг моддий ва маънавий манфаатдорлиги эса иш самарадорлигини оширишга олиб келади.

Истеъмол фонди харажатлари деганда корхонада банд бўлган ходимлар ва улар номидан тўланадиган харажатлар тушунилади. Бунга, меҳнат ҳақи сифатида ҳисобланадиган ва тўланадиган харажатлар, тўловлар, рағбатлантиришлар киритилади. Ходимлар номидан тўланадиган тўловлар таркибига уларнинг ишга қатнаши ва овқатланиши билан боғлиқ бўлган харажатлар, кийим-кечаклар, коммунал хизмат ва уй-жой учун тўловлар, уларни ўқитиш билан боғлиқ ва бошқа шу каби тўловлар киритилади.

**Меҳнат ҳақи** – бу жамият кўламида Миллий даромаднинг ишчилар ва хизматчилар ўртасида улар меҳнатини миқдори ва сифатига мувофиқ тақсимланадиган ҳамда шахсий истеъмоли мақсадлари учун фойдаланиладиган қисмидир. Корхона меҳнатга ҳақ тўлашдан меҳнат унумдорлигини оширишни, фан техника тараққиётини жадаллаштиришни, маҳсулот сифатини яхшилаш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишни энг муҳим воситаси сифатида фойдаланилади. Иш ҳақини ташкил этиш ва уларни шакллантиришдан асосий мақсад барча ходимларни иш ҳақи яқка ва

коллектив меҳнат натижаларига тўғридан тўғри боғлиқ бўлишига эришишдан, маҳнатга ҳақ тўлашга текисчилик элементларини бартараф этишдан иборат.

Корхонада меҳнат ҳақи харажатларини таҳлил этишда меҳнат ҳақи фондининг режа ва ўтган йилларга нисбатан ўзгариши ва ўзгариш сабабларига, бир ходимга тўғри келадиган ўртача меҳнат ҳақи фонди ҳамда унинг ўзгаришига баҳо берилади. Меҳнат ҳақи фондининг шаклланиши ва унинг берилиши давлат ташкилотлари томонидан тартибга солиб турилади ва назорат қилинади. Бу бевосита кредит ташкилоти ҳисобланган банк тизими ва унинг бўлимлари бўлиши мумкин. Меҳнат ҳақи фондининг ҳисобланиши ва берилиши юзасидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ҳар йили қайта тузиладиган услубий йўриқнома бу борадаги меъёрий ҳужжат сифатида олинади.

**Бугунги кунда корхоналарда ходимларнинг иш ҳақини таҳлил этишнинг асосий вазифалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:**

2. Базис даври ва режадаги иш ҳақи фондининг реаллигини баҳолаш;
3. Иш ҳақи фондининг мутлоқ ва нисбий фарқларини аниқлаш;
4. Иш ҳақи фондига таъсир этувчи омилларни миқдор жиҳатидан ўлчаш;
5. Иш ҳақи фонди таркибидаги унумсиз харажатларни ҳисоблаш;
6. Меҳнат унумдорлиги билан ўртача иш ҳақи ўртасидаги нисбатни таннархга бўлган таъсирини ҳисоблаш.

Иш ҳақини мутлоқ фарқини аниқлаш учун сарфланган иш ҳақи фондини базис давридагиси билан таққослаш лозим. Нисбий фарқни аниқлаш учун ҳақиқий сарфланган ҳисобот давридаги иш ҳақи базис давридаги иш ҳақини маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига коррективроқ қилинган кўрсаткичлар билан таққосланади.

**39-жадвал**

**ABC” акционерлик жамиятидаги саноат ишлаб чиқариш ходимларининг иш ҳақи фондини таҳлили**

Кўрсаткичлар	Базис даври	Ҳисобот даври	Фарқи (+,-)	
			Суммадаги, минг сўм	Ҳисоботдаги, %
1	2	3	4	5
1. Маҳсулот (иш, хизмат)лар ҳажми солиштирма улгуржи баҳода, минг сўмда	1227503	1975926	+748423	+60,97
2. Саноат ишлаб чиқариш ходимларининг иш ҳақи фонди, минг сўмда	121594	231624	+110030	+90,49
3. Иш ҳақини бериш коэффициенти	0,7	x	x	x
4. Иш ҳақи фондини қайта ҳисоблаш коррективроқаси, минг сўмда	173490,3	231624	+58133,7	+33,51

**Ҳисоб-китоблар:**

1. Маҳсулот ҳажмини базис даврига нисбатан ўсиши – +60,97 %
2. Иш ҳақини қўшимча ортиши - +60,97 \* 0,7 = +42,68 %

3. Иш ҳақи коррективировкаси

$$121594 * (100+42,68)/100=173490,3 \text{ минг сўм}$$

4. Иш ҳақининг нисбий фарқи

$$231624 - 173490,3 = +58133,7 \text{ минг сўм}$$

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, ўрганилаётган даврда “ABC” акционерлик жамиятида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми солиштирма улгуржи баҳода базис даврига нисбатан 60,97 % га кўпайган бўлсада, иш ҳақи фонди 90,49 %га ортган. Бунинг натижасида мазкур корхонада жорий йилда белгиланган нормативдан ортиқча меҳнат сарфи қилинган, яъни корхонада иш ҳақи фондидан 58133,7 минг сўм миқдорида нисбий ортиқча сарфга йўл қўйилган.

Корхонада иш ҳақи фонди мутлоқ суммада базис йилига нисбатан 110030 минг сўмга кўпайган бўлиб, шундан, 51896,3 минг сўми асосли. Яъни, маҳсулот ҳажмининг ўсиш даражасига нисбатан норматив бўйича иш ҳақи фонди ҳам шунчага кўпайган. Иш ҳақи фонди ортишининг қолган 58133,7 минг сўми эса асоссиз бўлиб, унга асосан ходимлар разрядининг ўзгарганлиги, ҳукумат қарорлари таъсир этган бўлиши мумкин. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини иш ҳақи фондига нисбатан юқори даражада ортиши иш ҳақидан нисбий иқтисодга эришишга олиб келади.

### **Ишчиларнинг иш ҳақи фондига таъсир этувчи омиллар таҳлили**

Саноат ишлаб чиқариш ходимлари иш ҳақи фонди таркибида ишчиларни иш ҳақи юқори салмоққа эгадир. Шу боис ишчиларни иш ҳақидан қай даражада фойдаланганлигини назорат қилиш, унумсиз харажатларга йўл қўймаслик таннархни пасайтириш имкониятини беради. Таҳлил этишда ишчиларни ҳисобот давридаги ҳақиқий сарфланган иш ҳақини режадаги, ўтган йилдаги иш ҳақи фонди билан таққосланади, **унинг фарқи аниқланади ва унга таъсир этувчи қуйидаги омиллар миқдор жиҳатдан ҳисобланади.**

1. Маҳсулот ҳажмини ўзгариши;
2. Ишчилар (нисбий) сонини ўзгариши;
3. Бир ишчига тўғри келадиган ўртача йиллик иш ҳақини ўзгариши.

Маҳсулот ҳажмини ўзгаришини ишчиларни иш ҳақи фондига бўлган таъсирини аниқлаш учун режадаги иш ҳақи фондини маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини режага нисбатан ўсиш даражасига кўпайтириш лозим.

Иккинчи омилни таъсирини аниқлаш учун ишчиларни нисбий фарқи режадаги бир ишчига тўғри келадиган ўртача йиллик иш ҳақи кўпайтириш керак. Бир ишчига тўғри келадиган ўртача йиллик иш ҳақини ўзгаришини иш

ҳақи фондига бўлган таъсирини аниқлаш учун шу кўрсаткичнинг режадан фарқи ҳисобот давридаги ишчиларнинг ҳақиқий сонига кўпайтириш лозим.

*40-жадвал*

**“ABC” акционерлик жамиятида ишчиларнинг иш ҳақи фондига таъсир этувчи омиллар таҳлили**

Кўрсаткичлар	Базис даври	Корректировка қилинган кўрсаткич	Ҳисобот даври	Фарқи (+,-)	
				Мутлоқ, минг сўмда	Нисбий, %
1	2	3	4	5	6
1. Ишчиларнинг йиллик иш ҳақи фонди, минг сўмда	95672	111123	184569	+88897	+73446
2. Ишчиларни рўйхат бўйича ўртача сони, киши	617	717	599	-18	-118
3. 1 ишчига тўғри келадиган ўртача йиллик иш ҳақи, сўм	155060	154983	308128	+153068	+153145
<b>4. Иш ҳақи фондини базис даврига нисбатан ўзгариш сабаблари:</b>	<b>х</b>	<b>х</b>	<b>х</b>	<b>+88897</b>	<b>х</b>
А) маҳсулот ҳажмини ўзгариши ҳисобига $95672 * 16,15 \text{ \textless} 100$	х	х	х	+15451	
Б) Ишчилар (нисбий) сонини ўзгариши ҳисобига $-118 * 154983$	х	х	х	-18288	х
В) Бир ишчининг ўртача йиллик иш ҳақини ўзгариши ҳисобига $+153068 * 599$	х	х	х	+91688	х

*Изоҳ. Маҳсулот ишлаб чиқариш режасининг бажарилиши – 116, 15 %*

Жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, биз таҳлил қилаётган “ABC” акционерлик жамиятида ўрганилаётган даврда ишчиларнинг иш ҳақи фондидан режага нисбатан 88897 минг сўм ортиқча сарфга йўл қўйилган. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ўсишини ҳисобга олган ҳолда ҳам эса 73446 минг сўмга ортиқча сарфга йўл қўйилган. Иш ҳақи фондини мутлоқ фарқи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ўсиши ҳамда 1 ишчига тўғри келадиган ўртача йиллик иш ҳақини режага нисбатан ортиши билан изоҳланади. Ишчилар сонини нисбатан 118 кишига қисқариши иш ҳақи фондидан 18288 минг сўм миқдорида иқтисод қилинишига олиб келди. Таҳлил давомида ҳар бир ишчига тўғри келадиган ўртача йиллик иш ҳақи режага нисбатан 153068 сўмга ўсиш сабаблари аниқланади. Ўртача йиллик иш ҳақини ортиши ишчини маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича белгиланган нормани ортиғи билан бажариши, ҳамда иш ҳақи таркибидаги унумсиз харажатлар мавжудлиги туфайли юз беради. Бундан ташқари бир ишчининг ўртача йиллик иш ҳақининг ўзгариши ҳисобига ишчиларнинг иш ҳақи фондига 91688 минг сўмлик таъсир этган. Маълумотлардан кўринадики, корхонада жорий йилда ишчиларнинг молиявий аҳволига бир қадар эътибор

кучайганлигини ҳамда уларнинг моддий ҳолати яхшиланганлигини кўришимиз мумкин.

## **Меҳнат унумдорлиги билан ўртача иш ҳақи ўртасидаги нисбатнинг ўзгаришини маҳсулот таннархига таъсирини таҳлили**

Меҳнат унумдорлиги билан ўртача иш ҳақи узвий боғлиққа эга. Меҳнат унумдорлигини ўсиши иш ҳақини ҳам ортишига олиб келади. Корхонада ишни тўғри ташкил этиш, моддий рағбатлантириш системасини тўғри ташкил этиш туфайли меҳнат унумдорлиги ортади. Таҳлил этишда меҳнат унумдорлигини ўсиш даражаси ўртача иш ҳақини ўсиш даражаси билан таққосланади. Меҳнат унумдорлигини иш ҳақига нисбатан юқори даражада ўсиши маҳсулот таннархидаги иш ҳақини улушини пасайишига олиб келади. Таҳлил этишда меҳнат унумдорлигининг ўсишини ҳар бир фоизига тўғри келадиган ўртача иш ҳақини ўсиш даражаси режада белгиланган кўрсаткичлар билан таққосланиб, унинг ўзгариш сабабалари аниқланади.

Меҳнат унумини иш ҳақининг ўсишидан юқори бўлиши ва бунини таъминланиши иқтисодий қонуният ҳам ҳисобланади. Негаки, иш ҳақини маҳсулот ҳажмини оширмасдан ошириб бўлмайди. Шу сабабли корхоналар иш ҳақи фондидан унинг базасини тартибга солишда маҳсулот ҳажмининг солиштирма баҳолашдаги ўсишига муҳим аҳамият берилади.

## **Материал харажатларига “сарф меъёри” ва “материал баҳоси” ўзгаришини таъсирининг таҳлили**

Ишлаб чиқариш харажатларининг таркибида асосий улушни бевосита материал харажатлар ташкил этади. Уларнинг салмоғи айрим саноат корхоналарида салкам 60-80 % н ташкил этади. Шу жиҳатдан материал харажатларининг ўзгариши ва ўзгариш сабабларини ўрганишдаги муҳим вазифа, уларни (маҳсулот ҳажмининг камайишига йўл қўймаган ҳолда) иқтисод қилиш ва улардан самарали фойдаланишдир. Енгил саноатда маҳсулот таннархида материаллар харажати юқори салмоққа (60-80%) эга. Шу боис таннархни пасайтириш резервларини аниқлаш мақсадида материал харажатини режага нисбатан ўзгариш сабаблари аниқланмоғи лозим. Таҳлил учун керакли маълумотлар маҳсулот калькуляцияси номли ҳисобот шаклидан олинади. Бу ҳисобот шаклида маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун сарфланган материаллар турлари, уларни миқдори, материал баҳоси келтирилган. Маҳсулот бирлиги учун сарфланган материаллар харажатини аниқлаш учун маҳсулот бирлигига сарфланган материаллар миқдорини материал баҳосига кўпайтириш лозим. *Таҳлил этишда ҳақиқий*

**материаллар харажати режа билан таққосланиб улар ўртасидаги фарқига қўйидаги омиллар таъсири ҳисобланади.**

1. Материаллар миқдорини ўзгариши (сарф меъёри).
2. Материаллар баҳосини ўзгариши (баҳони ўзгариши).

Бу омилларни материаллар харажатига бўлган таъсирини занжирли боғланиш усули орқали аниқлаш мумкин. **Бунинг учун материаллар харажати 3 хил кўринишга эга бўлиши лозим.**

1. Режадаги материаллар харажати (режадаги сарф меъёри режадаги баҳода).
2. Ҳақиқий материаллар харажати ( ҳақиқий сарф меъёри ҳақиқий баҳода).
3. Шартли материал харажат (ҳақиқий сарф меъёри режадаги материал баҳоси бўйича).

Ҳар 3 кўрсаткични бир бири билан таққослаш орқали материаллар харажатига сарф меъёрини ҳамда материал баҳосининг ўзгаришини таъсири ҳисоблаб топилади. Материалларнинг ўриндош қийматлари билан алмаштирилиши ва ҳақозо омиллар таъсири ҳам, албатта, ушбу икки омил таъсирида ҳисоб-китоб қилинади. Омиллар таъсирини аниқлашда иқтисодий таҳлилнинг боғланиш ва алоқадорлик учун мос бўлган усуллари қўлланилади.

Таҳлил жараёнида барча русийзабон, ўзбек, тожик, қozoқ, қирғиз каби фуқаролар давлат манфаатларидан келиб чиқиб корхонага баҳо берадилар.

Материал харажатлар маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига таъсир қилувчи ўзгарувчан харажатлар ҳисобланади. Шу сабабли уларнинг ўзгаришини ўрганишда, албатта, ўзаро алоқадорлик даражасига ҳам аҳамият бериш талаб этилади. Бунда ҳар бир сўмлик маҳсулот ҳажмига тўғри келадиган ёки ишлаб чиқариш харажатларининг материал сифими кўрсаткичларига муҳим эътибор берилиши лозим.

Материал харажатлар ўзгаришига таъсир этувчи омилларнинг бир неча жиҳатини келтириш мумкин. Лекин ҳисоб-китоб қилинадиган икки омилни фарқлаш лозим. Булар, материал харажатлар сарф меъёри ҳамда материал харажатлар баҳосининг ўзгаришидир. Барча омиллар таъсирини шу икки омил воситасида ҳисоблаш мумкин. Бу ерда меъёр ўзгаришини миқдорий бирлик, баҳо таъсирини эса сифат бирлиги деб қаралиши ҳам мумкин.

## «А» маҳсулотини ишлаб чиқариш учун материаллар сарфи ва уларнинг таҳлили

Материаллар тури	Бизнес режа бўйича			Ҳақиқатда		
	Сарф микдори, (тонна)	Материал баҳоси, (сўм)	Сумма, минг сўмда	Сарф микдори, (тонна)	Материал баҳоси, (сўм)	Сумма, минг сўмда
1	2	3	4	5	6	7
Навли пўлат	0,384	120,70	46,34	0,394	133,90	52,76
Пўлат трубалар	0,017	269,40	4,58	0,016	278,10	4,45
<b>Жами</b>	<b>x</b>	<b>x</b>	<b>50,92</b>	<b>x</b>	<b>x</b>	<b>57,21</b>

Маълумотлардан кўринадики, биз таҳлил қилаётган “АВС” акционерлик жамиятида жорий йилда “А” маҳсулот турини ишлаб чиқаришда материал харажатлари 57,21 сўмни ташкил этиб, бу бизнес режадаги 50,92 сўмга нисбатан материал харажатлар 6,29 сўмга ортган. Материал харажатларининг бизнес режага нисбатан ортиши асосан материаллар баҳосининг ўсиши билан боғлиқлигини кўришимиз мумкин бўлади. Материал харажатларининг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни қуйидаги жадвалда кўрсатиб ўтишимиз мумкин.

**Сарф «меъери» ва материал «баҳо»сининг ўзгаришини материаллар харажатига таъсирининг (занжирли боғланиш усулида) таҳлили**

Кўрсаткичлар	Материал харажатлари			Фарқи (+,-)		
	Режа, режадаги сарф меъери режа баҳода	Ҳақиқий, ҳақиқий сарф меъери ҳақиқий баҳода	Шартли, ҳақиқий сарф меъери режа баҳосида	Жами (3-2)	Шу жумладан:	
					Сарф меъерининг ўзгариши ҳисобига (4-2)	Материал баҳосининг ўзгариши ҳисобига (3-4)
1	2	3	4	5	6	7
Навли пўлат	46,34	52,76	47,56	+6,42	+1,22	+5,20
Пўлат трубалар	4,58	4,45	4,31	-0,13	-0,27	-0,14
<b>Жами</b>	<b>50,92</b>	<b>57,21</b>	<b>51,87</b>	<b>+6,29</b>	<b>+0,95</b>	<b>+5,34</b>

«А» маҳсулотини ишлаб чиқариш учун сарфланган материаллар харажати режага нисбатан 6,29 сўмга ортган. Шундан 5,34 сўми материаллар баҳосини ортиши эвазига, қолган 0,95 сўми эса сарф меъерига риоя қилмаслик туфайли юз берган. Материаллар баҳоси навли пўлат бўйича 5,2 сўмга, пўлат трубалар бўйича 0,14 сўмга ортган. Сарф меъери навли пўлат бўйича режага нисбатан ортган ҳолда пўлат трубалар бўйича иқтисод қилинган. Таҳлил давомида ҳар иккала омилни режага нисбатан ўзгариш сабабалари аниқланади.

Сарф меъерининг ўзгаришига асосан қуйидагилар таъсир кўрсатиши мумкин:

1. Дастгоҳлар техник жиҳатдан носозлиги;
2. Хом ашё сифати;
3. Ишчининг малакаси.

Материал баҳоси ўзгаришига қуйидаги сабаблар таъсир кўрсатган бўлиши мумкин:

1. Ҳом ашё етказувчи базаларни узоқ ёки яқин жойлашганлиги;
2. Транспорт турларини ўзгариши;
3. Давлат томонидан материал нархини ўзгартирилиши.



## **Маҳсулот турлари бўйича таннархнинг таҳлили ва унга таъсир этувчи омиллар таҳлили**

Алоҳида маҳсулот турлари бўйича ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ва маҳсулотлар таннархини аниқлаш, молиявий натижага дахлдор бўлган элементларни иқтисодий жараёнларнинг тури, ўрни, жойи ва жавобгарлик бўйича ҳисобга олиниши ва назорат қилиниши корхонанинг молия - хўжалик фаолиятини бошқаришда муҳим ҳисобланади. Алоҳида олинган маҳсулотлар ишлаб чиқариш таннархини аниқлашга ҳисоб-китобларнинг муҳим объекти сифатида қаралади. Бунда маҳсулот таннархининг тўғри аниқланишига аҳамият берилади. Маҳсулотлар таннархини аниқлаш ва ҳисобга олиш, молиявий натижавийликни таркибли ўрганиш билан бирга, фойданинг шаклланиш қаторларини тўғри баҳолаш имконини беради. Бир хилдаги маҳсулот турларини ишлаб чиқарадиган корхоналарда маҳсулот таннархини қиёсий таҳлили ва унинг натижалари иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини оширишга хизмат қилади.

Алоҳида олинган маҳсулотлар таннархининг таҳлили харажатларни иқтисодий элементлари бўйича эмас, балки, харажат моддалари бўйича ўрганишни, уларнинг режага ва ўтган йилларга нисбатан ўзгаришларига баҳо беришни ҳамда ўзгариш сабабларини ўрганишни тавсифлайди. Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг калкуляция моддалари ишлаб чиқариш ва технология жараёнлари хусусиятига боғлиқ. Саноат корхоналаридаги калкуляция моддалари таркибини бир хил кўринишга эга бўлиши таннархни умумий ҳажмда ва моддлари бўйича таҳлил этиш имконияти туғилади. Бундай таҳлил бозор иқтисодиёти шароитида маҳсулот бирлигига белгиланадиган нархни аниқлашда фойда ва рентабелликни оширишда муҳим ўрин тутади.

Маҳсулотлар ишлаб чиқариш таннархига ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни харажат моддаларининг ҳар бир тури бўйича алоҳида таркиблаш мумкин. Масалан, материал харажатлар ёки хом-ашё харажатлари қатори бўйича харажатлар ўзгаришига моддий сарфлар меъёрининг ўзгариши, уларни сотиб олиш баҳоларининг ўзгариши таъсир қилса, меҳнат ҳақи харажатларининг ўзгаришида ишчилар сони ва бир ходимга тўғри келадиган иш ҳақларининг ўзгариши таъсир қилади. Амортизация харажатлари бўйича ҳам худди шу шаклда таркиблашни айтиб ўтиш мумкин, яъни, амортизацияланган қийматнинг ўзгариши, амортизация меъёрлари, шунингдек, амортизация ажратмалари ажратиладиган асосий воситалар тури, слмоғига боғлиқ ва ҳақозолар. Омиллар таъсирини аниқлашда ҳар бир таъсир бирлиги алоҳида ва бошқа омиллар таъсирисиз ўрганилади.

**ABC” акционерлик жамиятида маҳсулот бирлигининг ишлаб чиқариш  
харажатларини таҳлили**

Харажат моддалари	Корхона 1		Корхона 2	
	Маҳсулот бирлиги учун сарфланган харажат, сўмда	Жамига нисбатан салмоғи, %	Маҳсулот бирлиги учун сарфланган харажат, сўмда	Жамига нисбатан салмоғи, %
1	2	3	4	5
1. Хом ашё ва материаллар харажати	304	27,6	231.7	22,5
2. Ярим фабрикат харажатлари	100	9,0	154.5	15,0
3. ©қилги ва энергия харажатлари	62	5,6	63.9	6,2
4. Иш ҳақи харажатлари	<b>273</b>	<b>24,8</b>	<b>219.4</b>	<b>21,3</b>
5. Ижтимоий суғурта ажратмалари	<b>55</b>	<b>5,0</b>	<b>55.6</b>	<b>5,4</b>
6. Бракдан кўрилган зарар	<b>25</b>	<b>2,3</b>	<b>30.9</b>	<b>3,0</b>
7. Бошқа ишлаб чиқариш харажатлари	<b>281</b>	<b>25,7</b>	<b>274</b>	<b>26,6</b>
<b>Жами ишлаб чиқариш харажатлари</b>	<b>1100</b>	<b>100,0</b>	<b>1030</b>	<b>100,0</b>

Жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, «А» маҳсулотини ишлаб чиқариш учун сарфланган харажатлар иккинчи корхонада биринчи корхонага қараганда 70 сўм иқтисод қилинган. Ҳар бир харажат моддасини бир-бири билан таққослаш уларнинг структурасини ўрганиш туфайли шундай хулосага келиш мумкин: 2-корхонада четдан келтирилган ярим фабрикат, тайёр деталь ва маҳсулотни бошқа қисмлари 1-корхонага нисбатан кўпроқ келтирилиши маҳсулот таннархидаги меҳнат ҳақи харажатларини улушини 1-корхонадаги 24,8 фоиздан 2-корхонада 21,3 фоизга қисқартиришга эришилган. Шу туфайли 2-корхонада структуравий ўзгаришлар туфайли таннарх 70 сўмга пасайган.

## Мавзу бўйича таянч иборалар

- таннарх тўғрисида тушунча ва уни ҳисоблаш услублари;
- таннарх таҳлил этишнинг мазмуни ва мақсади;
- харажатларни туркумлаш;
- ўзгарувчан ва ўзгармас харажатлар;
- маҳсулот таннархига киритиладиган харажатлар;
- маҳсулот таннархига киритилмайдиган харажатлар;
- 1 сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини таҳлил этиш услуби;
- 1 сўмлик маҳсулот учун қилинган харажатларга таъсир этувчи омиллар;
- харажатларни иқтисодий элементи бўйича таҳлил этиш услублари;
- иш ҳақини банк усули орқали назорат қилиш тартиби;
- иш ҳақини мутлоқ фарқини аниқлаш услуби;
- иш ҳақини нисбий фарқини аниқлаш услуби;
- ишчилар иш ҳақи фондига таъсир этувчи омиллар ҳисоблаш услуби;
- меҳнат унумдорлиги билан ўртача иш ҳақини таҳлил этиш услуби;
- материаллар харажати таҳлили;
- сарф меъғрини таъсирининг аниқлаш тартиби;
- материал баҳосининг ўзгариш сабаблари;
- ишлаб чиқариш йўналишидаги бошқа харажатларни таҳлил этиш услуби;
- айрим маҳсулот турлари таннархни таҳлил этиш услуби;
- маҳсулот таннархини пасайтириш бўйича резервларни аниқлаш тартиби.

## Такрорлаш учун саволлар

1. Маҳсулот таннархи деганда нимани тушунаси?
2. Саноат корхоналарида маҳсулот таннархини таҳлил этишнинг аҳамияти нимадан иборат?
3. Маҳсулот таннархини таҳлил этишдаги бошқарув таҳлилининг асосий вазифалари нималардан иборат бўлади?
4. Маҳсулот таннархини таҳлил этишда фойдаланиладиган асосий ахборот манбалари нималардан иборат?
5. Бир сўмлик товар маҳсулоти учун қилинган харажат қандай аниқланади?

6. Ишлаб чиқариш харажатларининг иқтисодий элементи ва калькуляцион моддалари қандай таҳлил этилади?
7. Маҳсулот таннархига қўшиладиган материал харажатлари қандай таҳлил этилади?
8. Меҳнат ҳақи харажатлари ва унга таъсир этувчи омиллар қандай таҳлил этилади?
9. Меҳнат унумдорлиги билан ўртача иш ҳақи ўртасидаги нисбат қандай таҳлил қилинади?
10. Материал баҳосининг ўзгаришини маҳсулот таннархига таъсирини қандай таҳлил этилади?
11. Маҳсулот таннархида амортизация харажатларининг тугган ўрни нималардан иборат?
12. Таннархга қўшиладиган бошқа турдаги харажатлар қандай таҳлил этилади?
13. Ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш йўллари кўрсатиб беринг.

### Мустақил ўрганиш учун топшириқлар

#### 1-топшириқ

Корхона маълумотларига таянган ҳолда бир сўмлик маҳсулотга тўғри келадиган харажатларни ўрганинг таҳлил қилинг ва хулоса ёзинг?

#### АСОСИЙ ФАОЛИЯТ ТУРИ БЎЙИЧА

(минг сўм)

Кўрсаткичлар номи	Сатр хос рақами	Ҳисобот даврида	
		Чорак	Йил бошидан
1	2	3	4
Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг (ишлар, хизматлар) амалдаги нархи (қўшимча қиймат солиғи ва акцизсиз)	011	131408	453781
Харажатлар – жами (сатрлар йиғиндиси 013, 040, 061, 070)	012	125304	437297
1. Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш таннархи (сатрлар йиғиндиси 014, 024, 025, 026, 028)	013	105797	369696
Шу жумладан: Ишлаб чиқарилган моддий харажатлар (қайтадан чиқиндиларни чегирган ҳолда) (сатрлар йиғиндиси 015, 017, 018, 021, 022, 023)	014	98062	340452
Улардан: Хомашё ва материаллар (харид қилинадиган)	015	94522	329069
Улардан: материаллар	016		

Чет ташкилотлар бажарган ишлаб чиқариш тарзидаги ишлар ва хизматлар	017	196	645
Табиий хомашё	018	221	412
Шу жумладан: Корхоналарнинг сув хўжалиги тизимидан оладиган сувга тўлайдиган ҳақ (меъёр доирасида ва ундан ортиқ)	019	221	412
Ерларни рекултивация қилиш учун ажратмалар	020		
Четдан олинадиган барча турдаги ёкилби	021	1418	5039
Харид қилинадиган барча турдаги энергия	022	1705	5287
Бошқа ишлаб чиқариш моддий харажатлари	023		
Ишлаб чиқариш тарзидаги иш ҳақи тўлаш харажатлари (суткаликсиз)	024	5292	20235
Ишлаб чиқариш ижтимоий суғурта ажратмалари	025	1965	7697
Асосий воситалар ва ишлаб чиқариш номоддий активлар амортизацияси	026	267	1101
Улардан: Номоддий активлар	027		
Ишлаб чиқаришнинг бошқа турдаги харажатлари (сатрлар йиғиндиси 029, 030, 032 дан 037 гача)	028	211	211

Маҳсулот ҳажми -ўтган йил-314720

### Бизнес режа маълумотлари

№	Курсаткичлар	Суммаси
1	2	3
1.	Товар маҳсулоти улгуржи баҳоси, минг сўмда	403810
2.	Сотилган маҳсулот, минг сўмда	406813
3.	Тайёр маҳсулотнинг йил бошига қолдиғи, минг сўмда	3456
4.	Тайёр маҳсулотнинг йил охирига қолдиғи, минг сўмда	453
5.	Маҳсулот ҳажми, минг сўмда: - амалдаги баҳода - солиштирма баҳода	412314 403810
6.	Маҳсулот ишлаб чиқариш таннари	361421

### 2-топширик

1-топширик маълумотларига таянган ҳолда 1 сўмлик маҳсулот ҳажмига тўғри келадиган харажатларни пасайтириш режасини бажарилиши ва унинг натижасида эришилган иқтисодий натижаларни аниқланг ва таҳлил этинг?

### 3- топширик

Ишлаб чиқариш харажатларини иқтисодий элементлар бўйича таҳлилини қилинг ва хулоса ёзинг?

**Корхона сарф харажатлари тўғрисидаги ҳисобот**

## 1-БЎЛИМ. АСОСИЙ ФАОЛИЯТ ТУРИ БЎЙИЧА

(минг сўм)

Кўрсаткичлар номи	Сатр хос рақами	Ҳисобот даврида	
		Чорак	Йил бошидан
1	2	3	4
Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг (ишлар, хизматлар) амалдаги нархи (қўшимча қиймат солиғи ва акцизсиз)	011	131408	453781
Харажатлар – жами (сатрлар йиғиндиси 013, 040, 061, 070)	012	125304	437297
1. Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш таннари (сатрлар йиғиндиси 014, 024, 025, 026, 028)	013	105797	369696
Шу жумладан: Ишлаб чиқарилган моддий харажатлар (қайтадан чиқиндиларни чегирган ҳолда) (сатрлар йиғиндиси 015, 017, 018, 021, 022, 023)	014	98062	340452
Улардан: Хомашё ва материаллар (харид қилинадиган)	015	94522	329069
Улардан: материаллар	016		
Чет ташкилотлар бажарган ишлаб чиқариш тарзидаги ишлар ва хизматлар	017	196	645
Табиий хомашё	018	221	412
Шу жумладан: Корхоналарнинг сув хўжалиги тизимидан оладиган сувга тўлайдиган ҳақ (меъёр доирасида ва ундан ортиқ)	019	221	412
Ерларни рекультивация қилиш учун ажратмалар	020		
Четдан олинадиган барча турдаги ёқилби	021	1418	5039
Харид қилинадиган барча турдаги энергия	022	1705	5287
Бошқа ишлаб чиқариш моддий харажатлари	023		
Ишлаб чиқариш тарзидаги иш ҳақи тўлаш харажатлари (суткаликсиз)	024	5292	20235
Ишлаб чиқариш ижтимоий суғурта ажратмалари	025	1965	7697
Асосий воситалар ва ишлаб чиқариш номоддий активлар амортизацияси	026	267	1101
Улардан: Номоддий активлар	027		
Ишлаб чиқаришнинг бошқа турдаги харажатлари (сатрлар йиғиндиси 029, 030, 032 дан 037 гача)	028	211	211
Шу жумладан: Ишлаб чиқариш ишчилари ва активларини мажбурий суғурта қилиш	029		
Хизмат сафари харажатлари	030		
Улардан: Кундалик харажатлар	031		
Бошқарувнинг техник воситалари, алоқа тармоқлари, ҳисоблаш марказларини сақлаш ва уларга хизмат кўрсатиш	032		
Идорадан ташқари ёнғинга қарши ва қўриқлаш хизмати	033		
Таъмирлаш ишлари захирасига ажратмалар	034		

Жорий ижара бўйича харажатлар: Мулкка	035		
Ерни	036		
Ишлаб чиқариш жараёнига оид бошқа харажатлар	037		
<b>2. Давр харажатлари – жами (сатрлар йиғиндиси 041, 045, 053, 059)</b>	040	17965	60015
Шу жумладан: Сотиш харажатлари – жами (сатрлар йиғиндиси 042, 043, 044)	041	456	940
Шу жумладан: Маҳсулот ташиш харажатлари (товарлар)	042	-	1
Маркетинг ва реклама харажатлари	043		
Сотиш бўйича бошқа харажатлар	044	456	939
<b>Маъмурий харажатлар – жами (сатрлар йиғиндиси 046, 047, 049 дан 052 гача)</b>	045	5000	17586
Шу жумладан: Бошқарув ходимларига иш ҳақи тўлаш харажатлари	046	2245	8705
Хизмат сафари харажатлари	047		
Улардан кундалик харажатлар	048		
Ижтимоий суғуртага ажратмалар (бошбарув ходимлар)	049	816	3256
Маъмурий асосий воситалар амортизацияси	050	43	181
Ишлаб чиқариш жараёнига алоқадор бўлмаган мол-мулк ва ходимларни мажбурий суғурта қилиш	051		
Бошқа маъмурий сарф-харажатлар	052	1896	5444
Бошқа муомала сарф-харажатлари – жами (сатр йиғиндиси 054, 055, 056, 057, 058)	053	12509	41489
Шу жумладан: Бюджетга мажбурий тўловлар, солиқ ва йиғимлар	054	4383	11210
Бюджетдан ташқари махсус фондларга ажратмалар (ижтимоий суғурта ажратмаларидан ташқари)	055	2841	9855
Номоддий хизматлар ва банклар хизматида тўловлар	056	1893	7582
Ижтимоий тўловлар	057	529	529
Бошқа муомала харажатлари	058	2863	12313
Бошқа давр харажатлари	059		
Улардан: Ихтиро ва рационализаторлик тақлифлар учун мукофот бериш	060		
<b>3. Молиявий фаолият бўйича харажатлар – жами (сатрлар йиғиндиси 062 дан 067 гача)</b>	061	1542	7586
Шу жумладан: Ставкалар доирасида ва уларнинг ҳисобдаги миқдоридан ортиқ банк кредитлари хизмати тўловлари	062	1542	7586
Узоқ муддатли мулк ижараси юзасидан фоиз тўловлари харажатлари	063		
Ердан фойдаланганлик учун ижара тўлови	064		
Чет эл валютаси муомалалари бўйича салбий қийматли фарқ ва зарар	065		
Қийматли қоғозларни чиқариш ва тарқатиш харажатлари	066		
Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар	067		
<b>4. Фавқулодда зарар</b>	070		

Маълумот учун: Умумий харажатлардан капитал таъмирлаш харажатларни (012 сатр) ажратиб кўрсатиш керак: Бино ва иншоотларни	074		
Машина ва асбоб ускуналарни	075		
Ўсиш (+) ёки камайиш (-) ҳисоб бўйича қолдиқ «Қилинадиган сарф-харажатлар ва тўловлар захираси»	076		
«Келгуси давр сарф-харажатлари» ҳисоби бўйича қолдиқнинг ўсиши (+) ёки камайиши (-)	077	+1647	-212
Корхона маблағлари ҳисобидан ижтимоий ёрдамлар	078	529	529
Ноишлаб чиқариш ҳисобига ҳисобдан чиқарилди <sup>x</sup>	079		
Тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиқларининг ўзгариши, маҳсулот қийматини қўшмаган ҳолда <sup>x</sup>	080		
Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ҳажмига киритиладиган завод ички айланмаси <sup>x</sup>	081		
Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш харажатларига киритиладиган корхонанинг ички айланмаси <sup>x</sup>	082		

## 2. Асосий бўлмаган фаолият турлари бўйича

(минг сўм)

Фаолият турлари	Сатр хос раками	Ишлаб чиқарилган маҳсулот (ишлар, хизматлар) нархи	Харажатлар жами
1	2	3	4
<b>Саноат</b>	085		
Қишлоқ хўжалиги	086		
Шу жумладан: Балиқчилик хўжалиги	087		
Ўрмон хўжалиги	088		
Транспорт ва алоқа	089		
Қурилиш	090		
Савдо ва умумовқатланиш	091	3200	940
Шу жумладан: Ташқи савдо	092		
Моддий техник таъминот ва савдо	093		
Тайёрлов	094		
Ахборот - ҳисоблаш хизмати	095		
Кўчмас мулк билан боғлиқ муомалалар	096		
Бозор ишлаб туришини таъминлашга доир умумий тижорий фаолият	097		
Бошқа фаолият турлари	098		
<b>Асосий бўлмаган фаолият турлари бўйича – жами (сатрлар йиғиндиси 085, 086, 088, 089, 090,</b>		3200	940



<b>091, 093, 094, 095, 096, 097, 098)</b>	<b>099</b>		
---	------------	--	--

**Маълумот учун: (йилга тўлдирилади):**

Кўрсаткичлар номи	Сатр хос рақами	Харажат суммаси
1	2	3
2 устун 014 – сатрдан юк ташиш бўйича чет ташкилотлар кўрсатган хизматлар	110	
2 устун 017 сатрдан – чет ташкилотлар бажарган ишлаб чиқариш тарзидаги ишлар ва хизматлар: бино ва иншоотларни жорий таъмирлаш	120	
Бино ва иншоотларни капитал таъмирлаш	130	
Машина ва асбоб-ускуналарни таъмирлаш	140	

#### Ўтган йил маълумотлари

	Харажат элементлари	Суммаси
1	Моддий харажатлар	346024
2	Мехнат хақи харажатлари	18103
3	Мехнат хақидан ажратмалар	7241
4	Амортизация харажатлари	1916
5	Бошқа ишлаб чиқариш харажатлари	1037

#### 4-топшириқ

Корхона маълумотлари асосида саноат ишлаб чиқариш ходимларини меҳнат хақи фонди ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилинг?

	Курсаткичлар	Суммаси
1	Саноат ишлаб чиқариш ходимларининг иш хақи фонди, минг сўмда: - ўтган йили - ҳисобот йили	18103 20235
2	Ишчиларни йиллик иш хақи фонди, минг сўмда: - ўтган йили - ҳисобот йили	16419,3 17214,8
3	Меҳнат ресурсларининг таркиби, киши (ўтган йилида): - ишчилар - хизматчилар - раҳбар ходимлар - мутахассислар - жами саноат ишлаб чиқариш ходимлари	95 13 9 4 121

**Бизнес режа маълумотлари**

№	Курсаткичлар	Суммаси
1	2	3
1.	Товар маҳсулоти улгуржи баҳоси, минг сўмда	403810
2.	Сотилган маҳсулот, минг сўмда	406813
3.	Тайёр маҳсулотнинг йил бошига қолдиғи, минг сўмда	3456
4.	Тайёр маҳсулотнинг йил охирига қолдиғи, минг сўмда	453
5.	Маҳсулот ҳажми, минг сўмда: - амалдаги баҳода - солиштирма баҳода	412314 403810
6.	маҳсулот ишлаб чиқариш таннари, минг сўмда	375617
7.	ишчиларни йиллик иш ҳақи фонди, минг сўмда	17114,2
8.	меҳнат ресурсларининг таркиби, киши: - ишчилар - хизматчилар - раҳбар ходимлар - мутахассислар - жами саноат ишлаб чиқариш ходимлари	98 12 5 4 119

# МОЛИЯВИЙ ТАҲЛИЛ

**Х-БОБ.**

## КОРХОНАНИНГ МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТИНИ ТАҲЛИЛИ

### **10.1. Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик субъектларининг молиявий ҳолатини ўрганишнинг аҳамияти, таҳлилнинг мақсади, таҳлил вазифалари ва ахборот манбалари**

Мустақиллик бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида турли мулк шаклидаги корхоналар фаолиятига тўлиқ эркинлик берди. Айниқса, савдо-сотиқда эркин муносабат юритиш, ҳамкорликда фаолият кўрсатиш учун шерик танлай билиш, ўзи ишлаб чиқарган маҳсулот ва уни сотишдан олган даромадга тўлиқ эгаллик қилиш молиявий кўрсаткичларининг ўзгаришига бевосита таъсир этади.

Янгича иш юритиш аввал учрамаган муаммоларни келтириб чиқармоқда. Жумладан, ташқи ва ички бозордан тажрибали мижоз ва ҳамроҳ танлаш билан бирга уларнинг молиявий имкониятларини ўрганиш зарурлигини кўрсатади.

Корхоналарнинг хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш, уларнинг ишларини яхшилаш, самарадорлигини оширишнинг муҳим омили бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш корхоналарнинг ишлаб чиқариш, молиявий, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш даражасини аниқлашга ёдам беради, фойдаланилмаган ресурсларни аниқлаб; корхоналарнинг келгусида ривожланиши, уларнинг молиявий ҳолатини яхшилаш учун зарур тавсияларни ишлаб чиқишга имкон беради.

Республикамиз иқтисодиётини бозор муносабатларига ўтказиш билан корхоналар хўжалик фаолиятини таҳлил қилишни аҳамияти янада ортади, чунки бозор муносабатлари шароитида ишлвб чиқаришга жорий этилмаган ресурсларни аниқлаш ва улардан самарали фойдаланиш энг долзарб муаммога айланади.

Бозор муносабатларининг шаклланиши, ривожланиши кўп укладли бозор иқтисодиётини барпо этиш, ҳар хил шаклдаги бизнесни ва ишбилармонликни ривожлантириш шунга олиб келадики, корхоналар фаолиятини молиявий натижалари - фойда ва рентабеллик корхоналар фаолиятини асосий кўрсаткичларига айланади.

Иқтисодиётни ривожлантиришда ҳаддан ташқари марказлаштирилган маъмурий буйруқбозлик, расмиятчилик, режалаштириш ва бошқариш тизимидан воз кечиш бозор муносабатларидан кенг фойдаланиш, корхоналарнинг иқтисодий мустақиллигини кенгайтиради, уларнинг молиявий ҳолатига эътиборни оширади ҳамда корхоналарнинг молиявий

ҳолати билан шуғулланувчи, ундан манфаатдор ташкилот ва органларнинг таркибини кенгайтиради.

Агар илгари корхоналарнинг хўжалик фаолиятини, уларнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш билан фақат молия, банк, статистика органлари ва юқори ташкилотлар шуғулланган бўлсалар, эндиликда бу иш билан юқорида кўрсатилаган ташкилотлардан ташқари солиқ органлари, аудиторлик идоралари, жамоа ташкилотлари, акционерлар, таъминловчилар, истеъмолчилар ва бошқа органлар ва ташкилотлар ҳам шуғулланишяпти.

Бу ҳолат молиявий таҳлил, жумладан, уни бажариш услуби олдига янги талаблар қўймоқда.

Маълумки, собиқ иттифок даврида корхоналар хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш, жумладан, корхоналарнинг молияви ҳолатини таҳлил этишнинг услубий масалалари марказда - бутун иттифок органлари томонидан ишлаб чиқариларди, муаммолари ечиларди ва иттифокдош республикаларга фойдаланиш учун жўнатилад эди.

Собиқ иттифокнинг тарқатилиши туфайли иттифокдош республикалар мустақил давлатларга айланди, улардан ҳар биттаси бозор муносабатларига ўтиш учун ўз йўлини танлаб, ижтимоий-иқтисодий ривожланишни давом эттириб, бозор иқтисодиётини шакллантирмоқда. Улар орасида Ўзбекистон ҳам ўзининг бозор иқтисодиётига ўтиш модеоини ишлаб чиқиб, халқ хўжалигини бозор муносабатларишароитида ривожлантирган ҳолда ижобий натижаларни қўлга киритиб келаётир.

Республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни ҳуқуқий базасини ташкил қилувчи Республика Қонунлари, Президент Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг юзлаб қарорлари қабул қилинди ва қабул қилиняпти.

Республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг энг асосий йўналишларидан бири - бу бошқарув тизимини такомиллаштириш ҳисобланади. Бу масалани ижобий ҳал этишда корхоналарнинг хўжалик фаолияти ва молиявий ҳолатини таҳлил қилиш катта рол ўйнайди. Чунки корхоналар фаолиятини таҳлил қилиш бошқарув тизими самарадорлигини оширишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Бозор муносабатлари даврида бу шартнинг асосий қисми бўлиб корхоналар молиявий ҳолатининг таҳлили ҳисобланади. Республикада янги молиявий ҳисобот шакллари қабул қилинди, уларни ўрганиш ва улардан кенг фойдаланиш услубларини барпо этиш катта аҳамиятга эга.

Бозор муносабатлари даврида республикада бу масалани ечиш мақсадида молиявий таҳлил услубиятини такомиллаштириш учун бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Лекин бу борада ҳали ечилмаган муаммолар ҳам кам эмас. Молиявий таҳлилнинг ўтказишдан манфаатдор ташкилотлар, органлар, мутахассислар ҳали ҳам илмий, ҳам амалий нуқтаи назардан асосланган услуб билан таъминланган эмаслар. Бу ҳолат, албатта бозор муносабатларини шакллантириш даврида корхона ва ташкилотларга самарали бошқарувчилик қилишда салбий рол ўйнамоқда.

***Корхоналарнинг молиявий ҳолати бу:***

- комплекс равишдаги тушунча бўлиб, у ўз ичига кенг кўрсаткичлар тизимини олади, улар корхоналарнинг молиявий ресурслари борлигини, ҳолатини, жойлашганлигини ва улардан фойдаланиш даражасини ифодалайди;
- корхоналар фаолиятидаги бутун ишлаб чиқариш ва хўжалик омилларининг ҳаракати, уларнинг ўзаро алоқадорлик натижасидир;
- корхоналарнинг мўътадил ишлаб чиқариш, тадбиркорлик ва бошқа фаолияти учун зарур бўлган молиявий ресурслар билан таъминланганлиги ва улардан самарали фойдаланиш ифодасидир;
- корхоналарнинг бошқа хўжалик субъектлари, органлари ва ташкилотлари билан ўзаро алоқаларни ҳақиқий ақс эттиришидир.

Корхоналарнинг ички ва ташқи омиллар таъсири остида шаклланган молиявий ҳолати, уларнинг истиқболини аниқлаш билан бирга, бу корхона билан алоқада бўлган бошқа ташкилотлар ва корхоналарнинг молиявий ҳолатига таъсир кўрсатади. Умуман корхоналарнинг ишлаб чиқариш, хўжалик фаолиятини, жумладан уларнинг молиявий ҳолати таҳлили асосини бир бутун комплекс иқтисодий фанлар: иқтисодий назария, макро ва микро иқтисодиёт, менежмент ва маркетинг, статистика, бухгалтерия ҳисоби, аудит, молия, кредит, пул муомаласи ва бошғалар ташкил этади. Демак, таҳлилчи мутахассис-аудиторлар кенг иқтисодий илмга эга бўлишлари лозим.

Корхоналарнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш, яъни молиявий таҳлил - бу кенг кўрсаткичлар ёрдамида, комплекс усуллари билан фойдаланиб корхоналарнинг молиявий ресурслари борлигини, ҳолатини, жойлашганлиги ва улардан фойдаланиш даражасини ифодалашдир.

***Молиявий таҳлил кўп қиррали мураккаб жараён бўлиб, у ташкил қилиниши, бунинг учун эса бир қатор талабларга асосланиши керак. Бу талаблар қуйидагилардан иборат:***

- \* абсолют ва нисбий кўрсаткичлар ўртасидаги алоқаларни борлигини билиш;
- \* молиявий таҳлил мобайнида абсолют ва нисбий кўрсаткичлардан биргаликда фойдаланиш;
- \* молиявий таҳлил мантиқий равишда амалга оширилиб, у индуктив усулга - алоҳида ҳодисалардан умумий ҳодисаларга ўтиш, молиявий ҳолатнинг бир шакл кўринишидан умумий кўринишга ўтиш ва дедуктив усулга - умумий ҳодисалардан алоҳида ҳодисаларга ўтишга асосланиб таҳлил қилиш;
- ҳамма фойдаланилаётган кўрсаткичлар бир хил, асосланган усулда аниқланиши лозим;
- молиявий ҳолатни таҳлил қилиш таҳлил қилинаётган корхона кўрсаткичларини бошқа корхоналар, ўртача тармоқ кўрсаткичлари ва илғор корхоналар кўрсаткичлари билан таққослаш;
- молиявий таҳлилнинг ҳар томонлама бўлишлиги ва корхоналарнинг умумий молиявий ҳолатига таъсир қилувчи омилларни таҳлил этиш;

- молиявий таҳлилни самарали ўтказиш учун керакли маълумотларни олдиндан тайёрлаш ва бу борада асосий тасдиқланган молиявий манбалар билан чекланмасдан бирламчи бухгалтерия ҳисоби маълумотларидан фойдаланиш;
- молиявий таҳлил объектив равишда ташкил қилиниб, у корхоналарнинг молиявий ҳолати реал даражасини ифодалаш лозим;
- молиявий таҳлил ўз вақтида ўтказилиб, таҳлил яқунларига асосланиб, молиявий ҳолатни яхшилаш чораларини ўз вақтида амалга оширишга имкон бериш;
- молиявий таҳлил комплекс равишда ўтказилиб, унда молиявий ҳолатнинг ҳамма шакл ва йўналишлари ифодаланиши лозим;
- молиявий таҳлил ўз вақтида ва ҳаққоний бўлиб, у молиявий ҳолатни кўтаришга бағишланган тадбирларни ишлаб чиқиб, уларни амалга оширишга имкон бериши керак;
- молиявий ҳолатни таҳлил қилиш шундай вақтда ўтказилиши керакки, таҳлил яқунлари қуйидаги мақсадни амалга ошириб, корхона бошқарув фаолиятини такомиллаштириш имкониятини туғдириши лозим;
- молиявий таҳлил барча йиғилган ва умумлаштирилган маълумотларга асосланиб, керакли кўрсаткичлардан фойдаланиб, бу кўрсаткичларнинг асослилиги тўғри усулларда аниқланши лозим.

#### **Молиявий таҳлил қуйидаги хусусиятларга эга:**

- молиявий таҳлилнинг яқунлари очиқ бўлиб, улардан ҳамма фойдаланиши мумкин;
- молиявий таҳлилнинг субъектлари ва бу таҳлилнинг яқунларидан фойдаланувчи орган, корхона, ташкилотлар таркиби кенг;
- молиявий таҳлил ҳамма учун мосланган, нашр этилган ҳисобот маълумотларига асосланади;
- молиявий таҳлил корхоналар ички бошқарув муаммоларини ечиш учун ўтказилади;
- молиявий таҳлилнинг йўналиши молиявий ҳисобот маълумотлари билан чекланган бўлиб, унда чегараланган бир аниқ вазифалар ечилади. Бу молиявий мустақамлик, баланс ликвидлиги, фойда, рентабеллик даражаси ва бошқалардир.

Кўриниб турибдики, корхоналарнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш кенг миқёсда ва аниқ вазифаларни бажариш учун ўтказилади. Корхоналарни ишлаб чиқариш, хўжалик фаолиятининг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш учун анъанавий, қадимдан қўлланилиб келинаётган усуллар билан бирга, кенг тарзда статистика усуллари, молиявий ҳолатни ифодаловчи маълумотларни йиғиш ва умумлаштириш, статистик кузатишларни ўтказиш, абсолют, нисбий, ўртача, динамик кўрсаткичлардан фойдаланиш, динамик қаторлардан, иқтисодий индекслар тизимидан, омиллараро корреляция алоқаларни аниқлаш, жадвал ва чизма тизимидан фойдаланиш лозим.

Кўриниб турибдики, молиявий таҳлил кўп қиррали мураккаб ва муҳим бўлганлиги сабабли у бир қанча талабларга асосланган бўлиши лозим. **Юқорида кўрилган талабларга асосланиб, молиявий таҳлил корхоналарнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилишда қуйидаги вазифаларни бажаришга йўналтирилиши керак:**

1. Корхоналарнинг молиявий даражасини баҳолаш;
2. Молиявий ҳолатнинг ўзгаришини аниқлаш;
3. Корхонанинг тўлов қобилиятига баҳо бериш;
4. Молиявий ҳолатига таъсир кўрсатувчи омилларни таҳлил қилиш;
5. Корхонанинг молиявий барқарорлиги ва молиявий мустаҳкамлигига баҳо бериш;
6. Корхона баланси ликвидлигига баҳо бериш ва унга таъсир этувчи омилларни аниқлаш;
7. Айланма маблағлар айланишига баҳо бериш;
8. Корхоналарда қўлга киритилган молиявий ҳолат даражасини ифодалаб, бу борада ҳали фойдаланилмаган имкониятларни, мавжуд заҳираларни кўрсатиб бериш.
9. Корхоналарда ҳали фойдаланилмаган имкониятларни сафарбар этиш мақсадида тавсиялар, таклифлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш шарт-шароитларини кўрсатиб бериш.

Бажариладиган вазифалар шуни кўрсатаптики, молиявий ҳолатни таҳлил қилиш корхоналарда шаклланаётган бошқарув тизимини такомиллаштиришда катта аҳамиятга эга. Молиявий таҳлил бошланмасдан таҳлилнинг объектлари ва предметлари аниқланиши лозим. Молиявий таҳлилнинг асосий объекти бўлиб, хўжалик субъектлари, алоҳида корхоналар, ташкилотлар ҳисобланади. Лекин молиявий ҳолат корхоналар гуруҳи, ишлаб чиқариш тармоқлари миқёсида ҳам аниқланиши мумкин.

**Молиявий таҳлилнинг йўналтирилганлиги нуқтаи назардан молиявий таҳлил қуйидаги шаклларда ўтказилиши мумкин:**

- горизонтал таҳлилда ҳисобот давридаги молиявий ҳолатни ифодаловчи кўрсаткичлар ўтган давр билан таққосланади, яъни бу кўрсаткичларнинг динамикаси аниқланади;
- вертикал таҳлилда молиявий ҳолатга тааллуқли бўлган кўрсаткичларнинг таркибий тузилмаси ўрганилади. Масалан, корхона маблағларининг ёки уларни қопловчи манбаларининг ҳисобот давридаги таркиби ва уни ўтган даврга нисбатан ўзгариши ифодаланади;
- нисбий кўрсаткичлар таҳлилида молиявий ҳолат кўрсаткичлари ўртасидаги алоқа ўрганилади. Масалан корхона маблағларининг ва уларнинг манбалари ўртасидаги алоқа, молиявий ресурслар ва улардан фойдаланиш ўртасидаги алоқа ифодаланади;
- таққослаш таҳлилида корхона бўйича молиявий ҳолат унинг алоҳида бўлимчалари молиявий ҳолати билан таққосланади, бу корхонанинг молиявий ҳолати бошқа корхоналарнинг молиявий ҳолати билан солиштирилади ва

пировардида, омиллар таҳлилида корхонанинг молиявий ҳолатига таъсир кўрсатувчи омиллар таҳлил этилади.

Корханалар фаолиятини ўрганишда бухгалтерия ҳисоботи асосий манба бўлиб хизмат қилади. Улар молиявий маълумотларнинг умумлаштирилиши натижасида тузилади ҳамкорликда ишловчилар ўртасида бир-бирини ўрганиш воситаси бўлади.

Ҳисобот маълумотлари асосида корхона фаолиятини ўрганишга қизиқувчиларни шартли равишда бевосита ва билвосита талабгорларга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳга мулк эгалари, қарз берувчи, мол етказиб берувчи, харидорлар, солиқчилар, молиячилар, корхона ишчи ва раҳбар ходимлари киради. Ҳар бир қизиқувчи ўзининг манфаати ва талабига қараб молиявий ҳисоботларни таҳлил этади. Мулк эгаси сармоядан қанчалик самарали фойдаланилаётганлиги, қўшма олинadиган даромад суммаси билан қизиқса, қарз берувчи берилган маблағни қайтариб олиш имкониятини олдиндан билишга ҳаракат қилади. Билвосита қизиқувчи истеъмолчиларга аудиторлик фирмалари, биржалар, ассоциация вакиллари, матбуот ходимлари, касаба уюшмалари ва бошқалар киради. Улар молиявий ҳолатга алоқадор бўлмасида, биринчи гуруҳ талабгорларининг манфатини ҳимоялаш мақсадида ҳисобот маълумотларини ўрганадилар.

Молиявий маълумотлардан фойдаланган ҳолда корханалар фаолиятига тўғри баҳо бериш муҳим вазифадир. Ушбу китобда бухгалтерия ҳисоботи асосида корханалар фаолиятининг молиявий таҳлилинини ўтказиш услуби баён этилган. У молиявий ҳисоботни ўрганишга қизиқувчи тадбиркорлар, солиқ, молия, банк тизими ходимлари ва кенг китобхонлар оммаси учун мўлжалланган.

Бозор иқтисоди шароитида жавдал, жамоа, қўшма, кичик ҳиссадорлик, ҳусусий ва бошқа шаклдаги мулкка эга бўлган корханалар молиявий аҳволини ўрганишнинг мазмуни шундан иборатки, бунда ўз вақтида пул тушумларининг келиши, ҳисоблашиш интизомига риоя қилиш, ҳусусий ва қарз маблағларининг тўғри нисбатга бўлишини таъминлаш, молиявий тартиб ва интизомга, барча ишлаб чиқариш буғинларида иқтисод ва тежамкорликка риоя қилиш муҳим аҳамият касб этади. Корханаларнинг молиявий ҳолати кўп жиҳатдан - баҳо, кредит, фойда ва уни иқтисодий тақсимланиш механизмига боғлиқдир. Барқарорлик бўлган жойда барча хўжалик муомалалари ва ҳисоб-китоблар ўз вақтида бажарилади. Шу боис бозор шароитида ҳар қандай корхонанинг молиявий аҳволини билиш ва ўрганишга эътибор кучаймоқда.

**Корханаларнинг молиявий ҳолатини таҳлил этишда молиявий таҳлилнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат бўлади:**

- корхонанинг молиявий аҳволини ҳар томонлама ўрганиб, унинг ҳолатига аниқ ва ҳолисона баҳо бериш;
- маблағ ва манбаларнинг жойланишини текшириш, уларни тўғри йўналишда ишлатилганлигини аниқлаш;
- ҳисоблашиш ишларининг ўз муддатида бажарилганлиги, дебитор ва кредиторлик қарзлари таркибини ўрганиш;



- корхонанинг ўзига қарашли маблағлари билан қарз маблағлари ўртасидаги нисбат ва айланма маблағларни манба билан таъминланганлигини текшириш;

- молиявий интизомга қанчалик амал қилишни аниқлаш ва тўлов қобилиятига баҳо бериш;

- корхона мулканинг кадрлиги ва тез пулга айлана олиш даражасини ўрганиш;

- айланма маблағлардан фойдаланишга баҳо бериш ва корхонанинг молиявий аҳволини яхшилаш бўйича таклифлар баён этиш ва ҳ.к.

**Таҳлилнинг асосий мақсади** - молиявий фаолиятдаги ютуқ ва камчиликларни аниқлаб, маблағлардан янада тўғри фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тартибини мустаҳкамлашга қаратилади. Демак, бу маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш, ҳаражатларни тежаш, пул-молия алоқалари ва бошқа фаолиятларнинг бир-бирига боғлиқлигини кўрсатади. Молиявий таҳлилни бажаришда зарур бўладиган манбаларга корхона баланси, унга қилинган иловалар ва бошқа ҳисобот маълумотлари киради. Шунингдек, бухгалтериянинг синтетик ва аналитик счетлари маълумотларидан ҳам кенг фойдаланиш лозим. Чунки кейинги йилларда тузиладиган ҳисоботларнинг ҳажми қисқариб, таҳлил имкониятларини чегаралашга олиб келмоқда.

Айниқса маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш, махсус ва мақсадли маблағлар, заҳира жамғармаси, фойда ва зарарлар, турли хил ҳисоб-китоблар, қийматли қоғоз ва векселлар бўйича маълумотлардан кўпроқ фойдаланилади. Булар хўжалик фаолиятининг тўғри бошқарилиши, унинг молиявий барқарор бўлиши ва тўлов қобилиятининг яхшиланишига бевосита таъсир кўрсатади.

## **10.2. Бухгалтерия балансининг таркиби ва тузилиши**

**Баланс**—корхона маблағлари ва қоплаш манбаларининг маълум даврдаги ҳолатини кўрсатади. Ҳисоб-китоб ишларини халқаро анъанавий талаблар бўйича юритишга оз бўлсада яқинлаштирилиши ҳамда 1997 йилда жорий қилинган ва корхоналар тузадиган янги бухгалтерия баланси бозор иқтисоди сари қўйилган дастлабки қадам бўлган эди. Мазкур баланс йиллар давомида амалиётда қўлланилди ва уни такомиллаштириш ва халқаро стандартларга янада мослаштириш зарурияти туғилди. Шу сабабли ҳам 2002 йилда янги счётларга асосланган молиявий ҳисобот шакллари, жумладан, бухгалтерия баланси ҳам қабул қилинди. Бугунги кунда мазкур баланс амалда кенг қўлланилмоқда.

Замонавий иш юритиш шарт–шароитига мос келувчи балансда актив ва пассив томонлари бўлади. Актив томонида корхона маблағлари, пассивида эса хўжаликнинг ўзига тегишли манбалар, кредитга ва қарзга олинган бошқа манбалар кўрсатилади. Актив маблағларнинг ошиши, пассивдаги манбалар ва фойда (даромад)нинг кўпайиши билан боғлиқдир. Балансининг барча бўлим ва бандларини чуқур ўрганиш молиявий аҳволни тўлиқ ўзлаштиришнинг асосини ташкил қилади. қуйида бугунги кунда амалда бўлган, яъни 2002 йил

27-декабрда тасдиқланган бухгалтерия балансининг кенгайтирилган шакли келтирилган.



Кўрсаткичлар номи Наименование показателя	Сатр раками Код стр.	Ҳисобот даври бошига На начало отчетного периода	Ҳисобот даври охирига На конец отчетного периода
1	2	3	4
<b>А К Т И В</b>			
<b>I. УЗОқ МУДДАТЛИ АКТИВЛАР</b> <b>I. ДОЛГОСРОЧНЫЕ АКТИВЫ</b>			
<b>Асосий воситалар:</b> <b>Основные средства:</b>			
Бошланғич (тикланиш) қиймат (0100, 0300) Первоначальная (восстановительная) стоимость	010	541379,4	1003973,9
Эскириш суммаси (0200) Сумма износа	011	171122,1	313624,7
қолдиқ (баланс) қиймат (010-011 сатр) Остаточная (балансовая) стоимость	012	370257,3	690349,2
<b>Номоддий активлар:</b> <b>Нематериальные активы:</b>			
Бошланғич қиймат (0400) Первоначальная стоимость	020	575,0	575,0
Амортизация суммаси (0500) Сумма амортизации	021	230,0	339,2
қолдиқ (баланс) қиймат (020-021 сатр) Остаточная (балансовая) стоимость	022	345,0	235,8
<b>Узоқ муддатли инвестициялар,</b> жами (040+050+060+070+080 сатрлар), шу жумладан: <b>Долгосрочные инвестиции,</b> всего (040+050+060+070+080), в том числе:	030	-	-
қимматли қоғозлар (0610) Ценные бумаги	040	-	-
Шўъба хўжалик жамиятларига инвестициялар (0620) Инвестиции в дочерние хозяйственные общества	050	-	-
қарам хўжалик жамиятларига инвестициялар (0630) Инвестиции в зависимые хозяйственные общества	060	-	-
Хорижий сармоя иштирокидаги корхоналарга инвестициялар (0640) Инвестиции в предприятие с иностранным капиталом	070	-	-
Бошқа узоқ муддатли инвестициялар (0690) Прочие долгосрочные инвестиции	080	-	-
Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар (0700) Оборудование к установке	090	-	-
Капитал қўйилмалар (0800) Капитальные вложения	100	-	-
Узоқ муддатли дебиторлик қарзлари (0910, 0920, 0930, 0940) Долгосрочная дебиторская задолженность	110	-	-
Шундан: муддати кечиктирилганлари	111	-	-

Из неё: просроченная			
Узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар (0950, 0960, 0990) Долгосрочные отсроченные расходы	120	-	-
<b>I-бўлим бўйича жами (012+022+030+090+100+110+120 сатрлар) Итого по разделу I (стр. 012+022+030+090+100+110+120)</b>	<b>130</b>	<b>370602,3</b>	<b>690585,0</b>
<b>II. ЖОРИЙ АКТИВЛАР II. ТЕКУЩИЕ АКТИВЫ</b>			
<b>Товар-моддий захиралар, жами (150+160+170+180 сатрлар), шу жумладан: Товарно-материальные запасы, всего (стр. 150+160+170+180), в том числе:</b>	140	<b>499131,5</b>	<b>361443,8</b>
Ишлаб чиқариш захиралари (1000, 1100, 1500, 1600) Производственные запасы	150	157974,4	94010,4
Тугалланмаган ишлаб чиқариш (2000, 2100, 2300, 2700) Незавершенное производство	160	105937,0	-
Тайғр маҳсулот (2800) Готовая продукция	170	235220,1	267433,4
Товарлар (2900 дан 2980 нинг айирмаси) Товары	180	-	-
Келгуси давр харажатлари (3100) Расходы будущих периодов	190	204758,2	165726,3
Муддати кечиктирилган харажатлар (3200) Отсроченные расходы	200	-	-
<b>Дебиторлар, жами (220+230+240+250+260+270+280+290+300+310 сатрлар) Дебиторы, всего (стр. 220+230+240+250+260+270+280+290+300+310 )</b>	<b>210</b>	<b>84386,9</b>	<b>61630,7</b>
Шулардан: муддати ўтгани (кечиктирилганлари) Из неё: просроченная	211	-	-
Харидорлар ва буюртмачиларнинг қарзлари (4000 дан 4900 нинг айирмаси) Задолженность покупателей и заказчиков	220	65455,8	61630,7
Алоҳида бўлинмаларнинг қарзлари (4110) Задолженность обособленных подразделений	230	-	-
Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларининг қарзлари (4120) Задолженность дочерних и зависимых хозяйственных обществ	240	-	-
Ходимларга берилган бўнақлар (4200) Авансы, выданные персоналу	250	-	-
Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнақлар (4300) Авансы, выданные поставщикам и подрядчикам	260	-	-
Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнақ тўловлари (4400) Авансовые платежи по налогам и сборам в бюджет	270	-	-
Мақсадли давлат жамғармалари ва суғурталар бўйича бўнақ тўловлари (4500)	280	-	-

Авансовые платежи в государственные целевые фонды и по страхованию			
Таъсисчиларнинг устав капиталига улушлар бўйича қарзлари (4600) Задолженность учредителей по вкладам в уставный капитал	290	-	-
Ходимларнинг бошқа операциялар бўйича қарзлари (4700) Задолженность персонала по прочим операциям	300	-	-
Бошқа дебиторлик қарзлари (4800) Прочие дебиторские задолженности	310	18931,1	-
<b>Пул маблағлари, жами (330+340+350+360 сатрлар), шу жумладан:</b> <b>Денежные средства,</b> всего (стр. 330+340+350+360), в том числе:	320	<b>23168,6</b>	<b>23871,2</b>
Кассадаги пул маблағлари (5000) Денежные средства в кассе	330	-	-
Ҳисоб-китоб варағидаги пул маблағлари (5100) Денежные средства на расчетном счете	340	23168,6	23871,2
Хорижий валютадаги пул маблағлари (5200) Денежные средства в иностранной валюте	350	-	-
Бошқа пул маблағлари ва эквивалентлар (5500, 5600, 5700) Прочие денежные средства и эквиваленты	360	-	-
қиска муддатли инвестициялар (5800) Краткосрочные инвестиции	370	-	-
Бошқа жорий активлар (5900) Прочие текущие активы	380	-	-
<b>II-бўлим бўйича жами</b> <b>(140+190+200+210+320+370+380 сатрлар)</b> <b>Итого по разделу II</b> <b>(стр. 140+190+200+210+320+370+380)</b>	<b>390</b>	<b>811455,2</b>	<b>612672,0</b>
<b>БАЛАНС АКТИВИ БЎЙИЧА ЖАМИ (130+390 сатрлар)</b> <b>ВСЕГО ПО АКТИВУ БАЛАНСА</b> <b>(стр. 130+390)</b>	<b>400</b>	<b>1182047,5</b>	<b>1303257,0</b>
<b>П А С С И В</b>			
<b>I. ЎЗ МАБЛАҒЛАРИ МАНБАЛАРИ</b> <b>I. ИСТОЧНИКИ СОБСТВЕННЫХ СРЕДСТВ</b>			
Устав капитали (8300) Уставный капитал	410	27590,0	27590,0
қўшилган капитал (8400) Добавленный капитал	420	9021,7	9021,7
Резерв (заҳира) капитал (8500) Резервный капитал	430	298311,3	623718,1
Сотиб олинган ўз акциялари (8600) Выкупленные собственные акции	440	-	-
Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар) (8700) Нераспределенная прибыль (непокрытый убыток)	450	-62807,7	-62807,7
Мақсадли тушумлар (8800) Целевые поступления	460	-	-

Бўлғуси харажатлар ва тўловлар захиралари (8900) Резервы предстоящих расходов и платежей	470	-	-
<b><i>1-бўлим бўйича жами</i></b> <b><i>(410+420+430+440+450+460+470 сатрлар)</i></b> <b><i>Итого по разделу I</i></b> <b><i>(стр. 410+420+430+440+450+460+470)</i></b>	<b>480</b>	<b>272115,3</b>	<b>597522,1</b>
<b>II. МАЖБУРИЯТЛАР</b> <b>II. ОБЯЗАТЕЛЬСТВА</b>			
<b>Узоқ муддатли мажбуриятлар, жами</b> <b>(500+510+520+530+540+550+560+570+580+590</b> <b>сатрлар)</b> <b>Долгосрочные обязательства, всего</b>	490	<b>10471,4</b>	<b>25269,8</b>
Шу жумладан: узоқ муддатли кредиторлик қарзлари (500+520+540+560+590 сатрлар) В том числе: долгосрочная кредиторская задолженность	491	-	-
Улардан: муддати кечиктирилган узоқ муддатли кредиторлик қарзлари Из неё: просроченная долгосрочная кредиторская задолженность	492	-	-
Махсулот етказиб берувчилар ва пудратчилардан узоқ муддатли қарзлар (7000) Долгосрочная задолженность поставщикам и подрядчикам	500	10471,4	25269,8
Алоҳида бўлинмалардан узоқ муддатли қарзлар (7110) Долгосрочная задолженность обособленным подразделениям	510	-	-
Шўба ва қарам хўжалик жамиятларидан узоқ муддатли қарзлар (7120) Долгосрочная задолженность дочерним и зависимым хозяйственным обществам	520	-	-
Муддати кечиктирилган узоқ муддатли даромадлар (7210, 7220, 7230) Долгосрочные отсроченные доходы	530	-	-
Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича муддати кечиктирилган узоқ муддатли мажбуриятлар (7240) Долгосрочные отсроченные обязательства по налогам и обязательным платежам	540	-	-
Муддати кечиктирилган бошқа узоқ муддатли мажбуриятлар (7250, 7290) Прочие долгосрочные отсроченные обязательства	550	-	-
Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнақлар (7300) Авансы, полученные от покупателей и заказчиков	560	-	-
Узоқ муддатли банк кредитлари (7810) Долгосрочные банковские кредиты	570	-	-
Узоқ муддатли қарзлар (7820, 7830, 7840) Долгосрочные займы	580	-	-
Бошқа узоқ муддатли кредиторлик қарзлари (7900) Прочие долгосрочные кредиторские задолженности	590	-	-
<b>Жорий мажбуриятлар,</b> жами <b>(610+620+630+640+650+660+670+680+690+700</b>	<b>600</b>	<b>899460,8</b>	<b>680465,1</b>

+710+720+730+740+750+760 сатрлар) <b>Текущие обязательства</b> , всего (стр.610+620+630+640+650+660+670+680+690+700+710+720+730+740+750+760)			
<b>Шу жумладан: жорий кредиторлик қарзлари (610+630+650+670+680+690+700+710+720+760 сатрлар)</b> <b>В том числе: текущая кредиторская задолженность (стр.610+630+650+670+680+690+700+710+720+760)</b>	601	<b>899460,8</b>	<b>680465,1</b>
Улардан: муддати ўтган (кечиктирилган) жорий кредиторлик қарзлари Из неё: просроченная текущая кредиторская задолженность	602	-	-
Махсулот етказиб берувчилар ва пудратчилардан қарзлар (6000) Задолженность поставщиками и подрядчикам	610	885163,4	658079,7
Алохида бўлинмалардан қарзлар (6110) Задолженность обособленным подразделениям	620	-	-
Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларидан қарзлар (6120) Задолженность дочерним и зависимым хозяйственным обществам	630	-	-
Муддати кечиктирилган даромадлар (6210, 6220, 6230) Отсроченные доходы	640	-	-
Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича муддати ўган (кечиктирилган) мажбуриятлар (6240) Отсроченные обязательства по налогам и обязательным платежам	650	-	-
Муддати ўтган (кечиктирилган) бошқа мажбуриятлар (6250, 6290) Прочие отсроченные обязательства	660	-	-
Олинган бўнақлар (6300) Полученные авансы	670	-	-
Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар (6400) Задолженность по платежам в бюджет	680	12325,4	20746,5
Суғурталаш бўйича қарзлар (6510) Задолженность по страхованию	690	1022,6	685,3
Давлатнинг мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича қарзлар (6520) Задолженность по платежам в государственные целевые фонды	700	214,4	370,9
Таъсисчиларга қарзлар (6600) Задолженность учредителям	710	-	-
Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарзлар (6700) Задолженность по оплате труда	720	735	578,6
қиска муддатли банк кредитлари (6810) краткосрочные банковские кредиты	730	-	-
қиска муддатли қарзлар (6820, 6830, 6840) краткосрочные займы	740	-	-
Узоқ муддатли мажбуриятларнинг жорий қисми (6950) Текущая часть долгосрочных обязательств	750	-	-
Бошқа кредиторлик қарзлари (6900, бундан 6959 мустасно)	760	-	4,1



Прочие кредиторские задолженности			
<i>II-бўлим бўйича жами (490+600 сатрлар)</i>	<b>770</b>	<b>909932,2</b>	<b>705734,9</b>
<i>Итого по разделу II (стр. 490+600)</i>			
<b>БАЛАНС ПАССИВИ БЎЙИЧА ЖАМИ (480+770 сатрлар)</b>		<b>1182047,5</b>	<b>1303257,0</b>
<b>ВСЕГО ПО ПАССИВУ БАЛАНСА (стр. 480+770)</b>			

**Балансдан ташқари сётларда ҳисобга олинган қийматликларнинг мавжудлиги тўғрисида маълумот**

**Справка о наличии ценностей, учитываемых на забалансовых счётах**

<b>Кўрсаткичлар номи Наименование показателя</b>	<b>Сатр коди Код строки</b>	<b>Ҳисобот даври бошига На начало отчетного периода</b>	<b>Ҳисобот даври охирига На конец отчетного периода</b>
<b>1</b>	<b>2</b>	<b>3</b>	<b>4</b>
қисқа муддатли ижарага олинган асосий воситалар (001) основные средства, полученные по краткосрочной аренде (001)	790		
Масъул сақлашга қабул қилинган товар-моддий қийматликлар (002) Товарно-материальные ценности, принятые на ответственное хранение (002)	800		
қайта ишлашга қабул қилинган материаллар (003) Материалы, принятые в переработку (003)	810		
Комиссияга қабул қилинган товарлар Товары, принятые на комиссию (004)	820		
Ўрнатиш учун қабул қилинган ускуналар (005) Оборудование, принятое для монтажа (005)	830		
қатъий ҳисобот бланкалари (006) Бланки строгой отчетности (006)	840		
Тўловга қобилиятсиз дебиторларнинг зарарга ҳисобдан чиқарилган қарзи (007) Списанная в убыток задолженность неплатежеспособных дебиторов (007)	850		
Олинган мажбурият ва тўловларнинг таъминоти (008) Обеспечение обязательств и платежей – полученные (008)	860		
Берилган мажбурият ва тўловларнинг таъминоти (009)	870		

Обеспечение обязательств и платежей – выданные (009)			
Узоқ муддатли ижара шартномасига асосан берилган асосий воситалар (010) Основные средства, сданные по договору долгосрочной аренды (010)	880		
Ссуда шартномаси бўйича олинган мулклар (011) Имущество, полученное по договору ссуды (011)	890		
Келгуси даврларда солиқ солинадиган базадан чиқариладиган харажатлар (012) Расходы, исключаемые из налогооблагаемой базы следующих периодов (012)	900		
Вақтинчалик солиқ имтиёзлари (турлари бўйича) (013) Временные налоговые льготы (по видам) (013)	910		
Фойдаланишдаги инвентар ва хўжалик жиҳозлари (014) Инвентарь и хозяйственные принадлежности в эксплуатации (014)	920		

**Рахбар**

**Руководитель** \_\_\_\_\_

**Бош бухгалтер**

**Главный бухгалтер** \_\_\_\_\_

Баланс маълумотларида ишлаб чиқаришни узлуксиз олиб бориш учун зарур бўлган ва ҳисобот тузиш даврига қиймат шаклидаги мол-мулки ҳамда уни қоплашга жалб қилинган манбалари ўз аксини топади. Бу кўрсаткичлар мол-мулк ҳажми, таркиби ва қийматини қай даражадалигини ифодалайди. Шунингдек, мол-мулкнинг молиялаштириш манбалари, яъни ўзига тегишли манбалар ва четдан қарзга жалб қилинган манбалар ҳолати ҳам пассивда келтирилган. Балансдаги ҳар бир банд ва бўлим корхоналарнинг молиявий ҳолатига боғлиқ, шунинг учун ҳам уни чуқур ўрганиш лозим.

**Актив қисм** - асосий ва айланма маблағларнинг ҳолатини кўрсатиб, молиявий хўжалик жараёнини юритиш вазифасини бажаришда бу мулклардан фойдаланади. Мулк тўпланган молиявий ҳамда давлат ташкилотлари маблағи, хусусий шахслар жамғармаси, ҳиссадор ва таъсисчиларнинг улуши, банк кредити, чет эллик сармоядорлар ва ҳақозо маблағлар эвазига сотиб олинади. Айрим ҳолларда таъсисчилар асосий восита ва моддий бойликларнинг ўзини бериши ҳам мумкин. Асосий ва айланма маблағлар ишлаб чиқариш фаолиятини узлуксиз юритишга ҳизмат

қилади. Ўз-ўзидан бу фаолият давомида ўзгаради, ҳаракатда бўлади ва таркиби янада янгиланади.

Балансинг биринчи бўлими «Узоқ муддатли активлар» деб номланиб, номоддий актив ва асосий воситалар бошланғич, эскириш ва қолдиқ қийматда, ўрнатиладиган асбоб-ускуналар, тугалланмаган капитал ва узоқ муддатли қўйилма таъсисчилар билан ҳисоб-китоблар ва бошқа оборотдан ташқари бўлган активлардан иборатдир. Номоддий активлар корхонага даромад келтириш ёки унинг ишлаб чиқаришини юритишга шарт-шароит яратувчи, натурал буюм шаклига эга бўлган мулкӣ ҳуқуқӣ қийматлар, патентлар, муаллифлик ҳуқуқи, савдо маркалари, «Ноу-хау», ердан, сувдан ва бошқа табиӣ бойликлардан, бино, иншоот ва курилмалардан фойдаланиш ҳуқуқларидан иборат булади. Шунингдек, бу бандда ҳиссадорлик жамияти бошқаруви келишувига мувофиқ Низом жамғармасини ташкил қилиши учун ажратган номоддий активлари ҳам акс этади. Номоддий активлар таркибида корхона манфаати учун келгусида ишлатилиши мўлжалланган илғор технологиядан фойдаланиш ҳуқуқи, уларни олиб келиш ва ишлатишга тайёрлаш ҳаражатлари қўшилган ҳолда акс этади. Бу ҳолат қўшма корхоналардаги Ўзбекистон Республикасининг резиденти бўлган юридик шахс билан хорижий сармоядорлар ҳамкорлиги туфайли кўпроқ вужудга келади.

Ишлаб чиқариш ва хизмат бинолари, иншоотлар ва ускуналардан фойдаланиш ҳаражатлари ижара ҳақи суммасига тенг бўлади. Умуман номоддий активлар бошланғич баҳода кўрсатилади, хизмат муддатига қараб унинг эскириши ҳисобланади ва баланс жамланганда қолдиқ баҳодаги сумма қўшилади. «Асосий воситалар» бандида баланс тузилган вақтгача бўлган 0100 счётлари қолдиғи кўрсатилади. Бу ҳисобнинг бетида йил давомида кирим қилинган. Кредитига эса йил давомида чиқиб кетганлари акс эттирилади. Асосий воситалар бўйича эскириш ҳисобланади, буни аниқлаш мураккаб. Шунинг учун тўлиқ тиклаш учун ҳисобланган амортизация суммасига эскириш тенг деб шартли қабул қилинади. Амортизацияни ҳисоблаш махсус меъёрлар асосида (бошланғич ёки тиклаш баҳосига нисбатан фоиз ҳисобида) аниқланади. Меъёрлар ҳар бир асосий восита турлари бўйича дифференциялашган, лекин амортизацияни ҳисоблашда асосий воситаларнинг хизмат муддати тугагунча, бошланғич ёки қолдиқ қийматини эскириш сифатида янги яратилаётган қийматга ўтказиши лозим. Ҳисоблашнинг тезлашган меъёрини қўллаш мумкин, фақат бу тартиб фаол қатнашувчи (машина, ускуна ва транспорт) воситаларга таалуқлидир.

Асосий воситаларнинг эскириши 0200 счётларида ҳисоблангач, шунга қараб амортизациялашган ёки қолдиқ баҳодаги асосий воситалар ҳажми аниқланади, яъни бошланғич баҳодан (0100 счёт) эскириш сумма (0200 счёт) айириб топилади. Шу бандда узоқ муддатга ижара олинган, ишлатилиши ёки концервацияда турганлигидан қатъий назар балансидаги асосий воситалар қиймати акс этади. Балансинг қолган қисмида капитал қўйилмалар, шуъба корхоналардаги акциялар, шуъба корхоналарга берилган қарзлар, уюшма корхоналардаги акциялар, уюшма корхоналарига берилган қарзлар, узоқ

муддатли инвестициялар ва бошқа активлар кўрсатилади. Бу хўжалик ёки пудрат усулида бажарилаётган тугалланмаган капитал курилиш асосий пода тузиш харажатлар, моддий бойликлар қидириш ишлари учун сарфлар ва шу мақсадларга ажратиладиган маблағларни кўрсатади. Капитал харажатларни корхона ўз маблағи ёки узоқ муддатли кредит эвазига бажариши мумкин.

«Узоқ муддатли инвестициялар» бандида ҳамкорликда ишлашга келишганларнинг корхона устав фондига кўшган ҳиссаси ёки берган қарзи, бир йилдан ортиқ муддатга қийматли қоғоз учун кўйган маблағи кўрсатилади. Қийматли қоғозлар мулк эгасининг ҳуқуқини акс эттириб, маълум даражадаги қўшимча фойданинг фоизи даромад келтиради. Бундай қоғозлар бошқа корхоналарнинг акция ва облигациялари, давлат томонидан чиқарилган ички займдир, банкдан сотиб олинган узоқ муддатли жамғармали сертификатлардир. Бу банд учун суммани 0600 «Узоқ муддатли инвестициялар» счётлари қолдиғидан олинади.

Баланс активининг II бўлими **“Жорий активлар”** деб номланиб, асосий ўринни «Товар-моддий заҳиралар» банди эгаллайди. Чунки, бу бандда корхона ишлаб чиқаришни юритишга зарур булган буюмлар жамланади. Унда хом ашё ва материаллар, сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва деталлар, уруғ, ем-хашак, ёқилғи, идишлар ва идишбоп материаллар, эҳтиёт қисмлар, қайта ишлаш учун четга берилган материалларнинг ҳақиқий таннархи (сотиб олиш ва олиб келиш билан боғлиқ харажатлар) кўрсатилади. Ушбу бўлимнинг янги хусусияти шундаки, арзон баҳоли ва тез эскирувчан буюмлар бошланғич, эскириш ва қолдиқ баҳоларда келтирилади ҳамда баланс жамланганда фақат қолдиқ баҳодаги, яъни яроқли қиймати кўшилади.

Пул маблағлари, валюта маблағлар, ғазнадаги пуллар, қисқа муддатли кўйилмалар бандларида материал шаклида бўлмаган бойликлар акс эттирилади. Бу маблағларнинг ҳажми корxonанинг ихтисослашганлиги, бозор муносабатларида таъминотнинг ташкиллаштирилиши ва бошқа кўпгина сабабларга боғлиқ. Масалан, саноатда пул салмоғи юқори бўлса, савдо ташкилотларида эса дебиторлар билан ҳисоб-китоблар кўп бўлиши мумкин, чунки бу товарларни сотишга бориб қалади. Энг аввало дебиторлар билан ҳисоб-китоблар кўрсатилади, чунки ҳозирги шароитда бу масалани таҳлил қилиб туриш зарурдир. Дебиторлар бошқа юридик (корхона, ташкилот ва муассаса) ва жисмоний шахслар тўлаши лозим бўлган қарздорларидир. Қарздорларни шартли икки гуруҳга ажратиш мумкин: одатдаги ва асосланмаган. Одатдаги қарзларга ишлаб чиқариш, товарлар сотиш ва хизмат кўрсатишга аввалдан қарз бериш, даъво қилиш ва шу каби муносабатлар туфайли юзага келган, аммо тўлаш муддати ҳали етмаганлари киради. Асосланмаган қарзлар фаолият давомидаги камчиликлар, товар ва моддий бойликларнинг камомади, ўғрилиқ ва ҳар хил йўқолишлар ҳисобига пайдо бўлади. Бу ҳолат доимо назоратда бўлиб, мунтазам таҳлил этиб боришни талаб қилади. Умуман, дебитор қарзларнинг мавжудлиги молиявий аҳволга салбий таъсир кўрсатади. Шу боис товар, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар учун олинган векселлар бўйича,

шўъба корхоналари, бюджет, ходимлар ва бошқа дебиторлар билан бўлган муносабатлар хусусида баланс тузилган даврдаги ҳолат кўрсатилади. II бўлим активида мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган аванслар ва қисқа муддатли молиявий кўйилмалар ҳам келтирилади.

Маблағларни ўрганишда пул маблағларини таҳлили алоҳида ўринни эгаллайди. Бундай маблағлар ҳисоб–китоб, валюта счёти ва ғазнадаги пуллар тушунилади. Мазкур маблағлар тўлов мажбуриятларини бажарилишида бирламчи восита бўлиб хизмат килади. Айниқса, ҳисоб-китоб ва валюта счётидаги маблағлар маҳсулот етказиб берувчилар, пудратчилар, ишчи–хизматчилар, бюджет, банк, суғурта ва бошқалар билан бўладиган алоқа манбаидир. Шу туфайли бу масала алоҳида ўрганилиши лозим. Шу ерда ўтган ва жорий йилдаги кўрилган зарарлар ҳам акс эттирилиши керак.

Корхона мулки ва маблағларнинг келиб чиқиш манбалари балансинг пассивида кўрсатилади. Булар ўзига қарашли ва четдан жалб қилинган манбаларга ажратилади. Жалб қилинган манбаларга банк кредитлари ва кредиторлик қарзлари киради.

Пассив ҳам худди актив қисм каби иккита бўлимдан иборат. Яъни баланс пассивининг биринчи бўлими **“Ўз маблағлари манбалари”** деб номланиб, бунда устав капитали, кўшилган капитал, резерв капитал, тақсимланмаган фойда ёки қопланмаган зарар, мақсадли тушум ва фондлар келгуси давр сарфлари ва тўловлари учун резервлар, келгуси давр даромадлари акс эттирилади. Пассивнинг «Устав капитали» бандида хўжалик фаолиятини юритиш учун ажратилган маблағлари кўрсатилади. Ҳиссадорлик жамиятларида эса ҳар бир қатнашчининг кўшган ҳиссаси устав фондида кўрсатилади. Дивидент сифатида тақсимланадиган соф фойда ҳажми ҳам кўшилган ҳиссага қараб аниқланади. Демак, устав фонди бозор иқтисоди шароитида юридик шахс сифатида корхонанинг ўзига тегишли маблағи ва акционерларнинг кўшган ҳиссасидан иборат бўлади. Ҳар бир қатнашчи шахсий ҳиссасига қараб корхонанинг хўжалик ва молиявий фаолиятига аралашади. Ҳамкорликдаги, ҳиссадорлик, кўшма ва кичик корхоналарнинг низом жамғармаси ҳажми қатнашчилар кўшган бадаллар миқдорига боғлиқ бўлади.

Кўшилган капитал, резерв капитал бандларида корхонанинг бойликларини қайта баҳоланишидан, олган фойдасидан ташкил этилган резервлардан, кўшимча акциялар чиқариш натижаларидан кўпайган хусусий манбалар кўрсатилади.

Пассив I бўлимига тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар) ҳам киритилади. Бу банднинг суммаси корхона олган фойдаси миқдорига ва унинг тақсимланишига боғлиқдир. Корхона ўз олдидаги фойдадан тўлаши лозим бўлган мажбуриятларини бажариб бўлгандан сўнг, қолган қолдиқ келгусида резерв сифатида фойдаланилишини кўзланиб қолдирилади. Тақсимланмаган фойда банди ўтган йиллардаги фойдадан қолган суммаларни ҳам ифодалайди. Балансда корхонанинг ўз маблағлари манбаи қанча кўп улушни эгалласа, шунчалик молиявий аҳвол ишончли бўлади.

Баланс пассивининг иккинчи бўлими «Мажбуриятлар» деб номланиб, унда корхонанинг узоқ муддатли ва жорий мажбуриятлари акс этирилади. Узоқ муддатли мажбуриятларга узоқ муддатли банк кредитлари ва узоқ муддатли қарзлар ва шу каби узоқ муддатли мажбуриятлар киритилади. Банк кредитлари ишлаб чиқаришни техник жиҳозлаш, асосий воситалар сотиб олиш ва кўриш, асосий пода ташкил қилиш ва бошқа кўпгина истиқболли лойиҳаларни маблағ билан таъминлаш мақсадида олиниши мумкин. Қарзлар бандида эса бошқа корхоналардан (банкдан ташқари) олинган қарз суммалари кўрсатилади. Бу бандларни тўлдириш учун зарур маълумотлар «Банкларнинг узоқ муддатли кредитлари» ва «Узоқ муддатли қарзлар» счётлар қолдиғидан олинади.

II бўлим пассивини ўрганиш ҳам катта аҳамиятга эга. Баланс пассивининг иккинчи бўлими «Мажбуриятлар» деб номланиб, бу бўлимда қисқа муддатли банк кредитлари ва қарзларини, корхона ишчи-хизматчилари учун банк кредитлари, товарлар, бажарилган ишлар, хизматлар учун, берилган векселлар, меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича, ижтимоий ҳимоялаш, суғурта, таъминот, мулкӣ ва шахсий суғурта, бюджет билан, ундан ташқари тўловлар, шўба корхоналари ва бошқалар билан бўладиган ҳисоб-китоблар кўрсатилади. Булардан ташқари харидорлар ва буюртмачилардан олинган аванслар, кўзда тутилган даромадлар, ҳаражатлар ва тўловлар захираси, даргумон қарзлар бўйича захиралар ва бошқа қисқа муддатли пассивлар ҳам ушбу бўлимда акс этирилади. Шу бўлим пассивида жуда кўп бухгалтерия ҳисобининг счётларининг кредит қолдиғи келтирилади. Корхона балансини ўрганишда асосий эътибор йил бошида ўтган даврда мулк ва маблағларнинг қанчалик ўзгарганлиги ҳамда активдаги ҳар бир банд пассивдаги манбалар билан қанчалик таъминлаганлигига қаратилади.

### **10.3. Мол – мулк таркибининг таҳлили**

Янгича иш юритиш шароитида корхоналар мулкининг таркибини ўрганиш ва уни кўпайтириш йўллари аниқлаш хўжалик фаолиятининг таҳлилида муҳим ўрин тутди. Айниқса балансга қараб корхона мол–мулки ва бойлигининг таркибини кузатиш, соф маблағ ҳолатини аниқлаш, имконият меъерини ўлчашга ёрдам беради. Одатда, корхона маблағларига асосан воситалар ва оборотдан ташқари активлар ҳамда материал (меъёрлаштирилган) айланма пул маблағлари киради. Уларни миқдори ҳиссадорлик, ҳамкорлик, кичик ва бошқа корхоналарнинг катта–кичиклигига, ихтисослашуви ва бозор шароити рақобатларига бардошлигига боғлиқдир.

Молиявий таҳлилнинг муҳим хусусиятларидан бири корхона мулки, захиралар ва ҳаражатларни ҳар томонлама ўрганишдир. Бундай маблағлар таркибига ишлаб чиқариш захиралари, яъни хом-ашё ва материаллар, сотиб олинган ярим фабрикатлар ва комплектловчи буюмлар, конструкция ва деталлар, иккиламчи материаллар ва ўрнатилган асбоб-ускуналар, эҳтиёт қисмлар, парвариш ва боқувдаги чорва моллари, уруғ ва ем-хашак, арзон

баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ва бошқалар киради. Улар корхонанинг бир меъёрида ишлаши ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариши ва шартнома бўйича сотиш режасини таъминлашга етарли бўлиши лозим. Шунингдек, заҳира ва харажатлар таркибига ўсимлик ва чорвачилик бўйича тугалланмаган ишлаб чиқариш, келгуси давр чикимлари, тайёр маҳсулот ва бошқалар ҳам киради. Тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатларини ҳам ўрганиш ва таҳлил этиш лозим бўлади.

қуйидаги жадвалда корхона мулкининг ҳажми ва таркиби келтирилган. Уни тузишда баланс маълумотларидан фойдаланиб, соф, ишлатишга лаёқатли бойликлар ҳолати ўрганилади. Келтирилган маълумотлар баланснинг жами суммасига тенг бўлади.

#### 44-жадвал

#### “ABC” акционерлик жамиятининг бухгалтерия балансини актив моддаларининг таҳлили

Мол-мулкнинг таркиби	Йил бошига		Йил охирига		Ўзгариши (+,-)		
	Сумма, минг сўм	Салмоғи, %	Сумма, минг сўм	Салмоғи, %	Суммадаги, минг сўм	Салмоқдаги, %	Йил бошига нисбатан ўсиши, %
1	2	3	4	5	6=4-2	7=5-3	8=6/2*100
1. Узоқ муддатли активлар	186790	25,99	203491	22,80	+16701	-3,19	+8,94
2. Жорий активлар	531756	74,01	689066	77,20	+157310	+3,19	+29,58
<b>Шу жумладан:</b>							
А) Товар-моддий заҳиралари	470833	65,52	531450	59,54	+60617	-5,98	+12,87
Б) Пул маблағлари ва қисқа муддатли қўйилмалар	7657	1,08	9491	1,07	+1834	-0,01	+23,95
В) Дебиторлар	53266	7,41	148125	16,59	+94859	+9,18	+178,08
<b>Баланс активининг ЖАМИ</b>	<b>718546</b>	<b>100,0</b>	<b>892557</b>	<b>100,0</b>	<b>+174011</b>	<b>-</b>	<b>+24,22</b>

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, биз таҳлил қилаётган “ABC” акционерлик жамиятида ўрганилаётган жорий даврда жами активлар суммаси 174011 минг сўмга ёки 24,22 % га кўпайган. Активларнинг кўпайишини ижобий баҳолаган ҳолда, маълумотларга эътибор қиладиган бўлсак, активларнинг кўпайиши асосан жорий активларнинг 157310 минг сўмга ортганлиги ҳисобига бўлган. Корхонанинг узоқ муддатли активлари ҳам 16701 минг сўмга ортганлигини ижобий баҳоламоқ лозим. Жорий активларнинг таркибини ўрганадиган бўлсак, жорий йил охирида йил бошига нисбатан товар-моддий заҳиралар 12,87 % га кўпайган, яъни бу 60617 минг сўмни ташкил этади. Акционерлик жамиятининг дебиторлик қарзлари ҳам йил охирига келиб 178,08 % га ёки 94859 минг сўмга кўпайганлигини салбий баҳоламоқ керак. Чунки, дебиторлик қарзининг бундай тартибда ортиб бориши корхонанинг айланма маблағларини айланишини секинлаштиради,

қўлов қобилиятини ёмонлашувига олиб келади. Корхона активлари таркибида асосий салмоқни товар-моддий захиралари эгалламоқда, яъни у 60 % га яқин активлар суммасини ташкил этмоқда. Бу шундан далолат берадики, корхонада меъёрдан ортиқча товар-моддий захираси яратилганлигини ҳамда унинг натижасида корхона жорий активларини айланиши секинлашишини кўрсатмоқда. Акционерлик жамияти маъмурияти мавжуд активлардан унумли фойдаланиш чораларини кўриши лозим деб ҳисоблаймиз.

Бозор шароитида айланма маблағлар, захиралар ва тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳажми энг кам, соф фаолият кўрсатадиган шароитига етарли бўлиши лозим. Таҳлилда эса баланс маълумотлари ва материалларни ҳисобловчи счётлардан фойдаланилади.

#### **10.4. Маблағлар манбаини таҳлили**

Балансинг пассив қисмида корхона маблағларининг қоплаш манбалари кўрсатилади. Бозор иқтисодиёти шароитида маблағларни тўлдириш куйидагилардан иборат:

1. Ўзлик маблағларнинг манбалари.
2. Мажбуриятлар.

Бунда энг муҳим ўринни корхонанинг ўзига қарашли устав қўшилган, резерв, капиталлар, тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар), мақсадли тушум ва фондлар, келгуси давр сарфлари ва тўловлари учун резервлар, келгуси давр даромадлари эгаллайди. Устав капитал корхона ихтиёридаги доимий беркитилган асосий ва айланма маблағларнинг ҳажмини кўрсатади. У турли хўжалик муомалалари таъсирида ўзгариб туради. бунга фойданинг тақсимланиши ҳисобига тўлдирилиш, хомийларнинг аъзолик бадаллари, асосий воситаларнинг қайта баҳоланиши ва бошқалар сабаб бўлиши мумкин. маблағларнинг кўпайтириш манбалари таркибида фойда алоҳида ўринни эгаллайди. Фойда ҳажмининг кўпайиши энг аввало Низом жамғармасини тўлдиришга ва бошқа эҳтиёт жамғармалари яратилишга олиб келади. Амортизация ва бошқа фондларнинг ташкил бўлиши ҳам бозор шароитида мазмунан ўзгармоқда. 1991 йилдан амортизация ҳисоблашда тезлаштирган меъёрлар (актив турдаги машиналар, қурилмалар, транспорт ва бошқа воситалар бўйича) қўлланиши ва тўлиқ тиклаш қисми бўйича амортизация ҳисоблаш асосий воситаларнинг баланс қийматининг маҳсулотлар таннархига ўтказиб бўлгунча қадар бажаришлик каби янгиликлар жорий этилди.

Кредит ва бошқа маблағларга қисқа, ўрта, узоқ муддатга мўлжаллаб олинган кредитлар, ўз муддатида узилмаган ссудалар ва бошқа қарз маблағлари киради. Шунингдек кредиторлар билан ҳисоблашишлар ва бошқа пассивлар ҳам шу ерда инобатга олинади. Бунда кредиторлик қарзлардан ташқари бюджетга, суғурта ва меҳнат ҳақи юзасидан корхонанинг қарзлари кўрсатади.



Бозор иқтисоди қонуниятлари ва талабидан келиб чиққан ҳолда корхонада қарз кам бўлгани маъқул. 3-жадвалда корхона маблағларининг манбалари кўрсатилган.

45-жадвал

**“ABC” акционерлик жамиятининг бухгалтерия балансини пассив моддаларининг таҳлили**

Мол-мулкни ташкил топиш манбаининг таркиби	Йил бошига		Йил охирига		Ўзгариши (+,-)		
	Сумма, минг сўм	Салмоғи, %	Сумма, минг сўм	Салмоғи, %	Сумма-дағи, минг сўм	Салмоқдағи, %	Йил бошига нисбатан ўсиши, %
1	2	3	4	5	6=4-2	7=5-3	8=6ғ2*100
1. Ўз маблағларининг манбалари	460499	64,09	729410	81,72	+268911	+17,63	+58,39
2. Мажбуриятлар	258047	35,91	163147	18,28	-94900	-17,63	-36,98
<b>Шу жумладан:</b>							
а) узоқ муддатли мажбуриятлар	-	-	-	-	-	-	-
б) жорий мажбуриятлар	258047	35,91	163147	18,28	-94900	-17,63	-36,98
<b>Баланс пассивининг ЖАМИ:</b>	<b>718546</b>	<b>100,0</b>	<b>892557</b>	<b>100,0</b>	<b>+174011</b>	<b>-</b>	<b>+24,22</b>

Жадвал маълумотларидан кўринадики, биз таҳлил қилаётган “ABC” акционерлик жамиятида жорий йилнинг бошига нисбатан йил охирида жами пассивлари суммаси 174011 минг сўмга ёки 24,22 % га ортган. Корхонада мол-мулкни ташкил этувчи манбаларнинг бундай тартибда кўпайишини ижобий ҳолат сифатида баҳоламоқлозим. Аммо, ушбу манбалар қайси манбалар ҳисобига кўпайганлигига алоҳида аҳамият қаратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Яъни манбаларнинг кўпайиши ўз маблағлари манбалари ҳисобига ёки қарз манбалари ҳисобига эканлигини аниқлаш лозим. Акционерлик жамиятининг маълумотларидан кўринадики, корхонада корхонада жорий йил охирида ўз маблағлари манбалари йил бошига нисбатан 268911 минг сўмга ёки 58,39 % га ўсган. Бундай натижаларни корхона учун ижобий деб баҳоламоқ лозим. Чунки, ўз маблағларининг манбаларини кўпайиши корхонанинг молиявий мустақиллигини ортишига, тўлов қобилиятининг яхшиланишига ҳамда корхонанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига олиб келади. Маълумотлардан кўринадики, корхонада жорий йил охирига мажбуриятлар суммаси 94900 минг сўмга ёки 36,98 % га пасайган. Бу эса мажбуриятларнинг умумий пассивларда тутган салмоғини 17,63 % га камайтирган. Бундан кўринадики корхонанинг тўлов ликвидлиги анча кўтарилган. Баланс пассивидаги моддаларга эътибор

қиладиган бўлсак, асосий салмоқни, яъни 81,72 фоизни ўз маблағлари манбалари ташкил этмоқда. Бу корxonанинг мустаҳкам молиявий барқарор эканлигидан далолат беради. Мазкур корхонада ҳисобот даврида жорий мажбуриятлари, яъни кредиторлик қарзлари бир қадар камайганлигини ижобий ҳолат сифатида баҳоламоқ лозим.

### 10.5. Айланма маблағларни қоплашга ўзлик манбаларининг етарлилиги ёки етишмаслигини таҳлили

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарнинг молиявий ҳолатини таҳлил этишда молиявий таҳлилнинг корхона молиявий ҳолатини умумий баҳолаш босқичидан кейинги энг асосий босқич бўлиб – корxonанинг молиявий мустаҳкамлиги таҳлили босқичи ҳисобланади. Ушбу босқичда корxonанинг айланма маблағларини қоплашга корxonанинг ўз маблағларини етарли ёки етишмаслиги ҳам ўрганилади.

Баланс маълумотларига қараб корxonани айланма маблағлари қандай манбалар ҳисобига ташкил этилганлиги ўрганилади. Бундай таҳлилнинг зарурлиги шундаки, корхоналарни молиявий мустақиллиги, барқарорлиги, кредит олишга лайёқатлигини аниқлашда ўзлик манбалар билан таъминланганлик кўрсаткич муҳим аҳамиятга эгадир. Қуйидаги жадвалда захира ва харажатларни қоплашга ўзлик манбаларнинг етарлилигини аниқлаш услуби келтирилган.

**46-жадвал**  
**Товар-моддий захираларни қоплашга тегишли манбалар билан таъминланганликнинг таҳлили**

(минг сўмда)

Кўрсаткичлар	Йил бошига	Йил охирига	Фарқи (+,-)
1	2	3	4
1. Ўз маблағларининг манбалари	460499	729410	+268911
2. Узоқ муддатли активлар	186790	203491	+16701
3. Товар-моддий захираларни қоплашга тегишли ўз манбалари (1-2)	273709	525919	+252210
4. Узоқ муддатли кредит ва қарзлар	-	-	-
5. Товар-моддий захираларни қоплашга тегишли ўзлик ва узоқ муддатли қарз манбалари (3+4)	273709	525919	+252210
6. Қисқа муддатли кредит ва қарзлар	258047	163147	-94900
7. Товар-моддий захираларни қоплашга тегишли жами манбалар (5+6)	531756	689066	+157310
8. Товар-моддий захираларининг жами	470833	531450	+60617
9. Товар-моддий захираларни қоплашга ўз манбаларининг етарлилиги (+) ёки етишмаслиги (-), (3-8)	-197124	-5531	-191593
10. Товар-моддий захираларни қоплашга ўз ва узоқ муддатли қарз манбаларининг етарлилиги (+) ёки етишмаслиги (-), (5-8)	-197124	-5531	-191593

11. Товар-моддий захираларни қоплашга жами манбаларнинг етарлилиги (+) ёки етишмаслиги (-) (7-8)	+60923	+157616	+96693
--	--------	---------	--------

Мазкур жадвал маълумотларидан кўринадикки, биз таҳлил қилаётган “ABC” акционерлик жамиятида ҳисобот йили бошига нисбатан йил охирида 268911 минг сўмга ўз маблағлари манбалари кўпайган. Акционерлик жамиятининг узоқ муддатли активлари эса йил бошига нисбатан 16701 минг сўмга ортган. Бунинг натижасида корхонада жорий йил охирига келиб товар-моддий захираларни қоплашга тегишли ўзлик манбалари ҳажми 252210 минг сўмга кўпайган. Ўзлик манбаларнинг кўпайишини ижобий ҳолат сифатида баҳоламоқ лозим. Акционерлик жамиятида жорий йил бошида ва охирида узоқ муддатли мажбуриятлари бўлмаган. қисқа муддатли мажбуриятлари эса йил бошида 258047 минг сўм бўлган бўлса, йил охирига келиб 163147 минг сўмни ташкил этган, яъни қисқа муддатли мажбуриятлари 94900 минг сўмга камайган. Бундай ҳолат эса корхонанинг товар-моддий захираларини қоплашга тегишли манбаларини қисқаришига таъсир этган. Мазкур акционерлик жамиятида товар-моддий захиралари ҳажми бирмунча юқори бўлганлиги учун жорий йил бошида ҳам, йил охирида ҳам товар-моддий захираларини қоплашга ўз манбалари ҳамда ўз ва узоқ муддатли қарз манбалари 191593 минг сўмга етарли бўлмаган. Фақатгина қисқа муддатли мажбуриятлар ҳисобигагина товар-моддий захираларини қоплашга жами манбалар 96693 минг сўмга ортиқча (етарли) бўлган. Бундан кўринадикки, корхонанинг молиявий барқарорлиги жорий йилнинг бошида ҳам, йил охирида ҳам нобарқарор ҳолатда бўлган. Бундай натижалар бозор иқтисодиёти шароитида унчалик яхши натижа деб ҳисобланилмайди. Шу сабабли ҳам, корхона маъмурияти молиявий барқарорликни мустаҳкамлаш учун тегишли чора-тадбирлар кўриши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Умуман олганда корхонанинг молиявий барқарорлиги йил бошига нисбатан йил охирида биров бўлсада яхшиланганлигини кўришимиз мумкин.

## 10.6. Молиявий барқарорлик таҳлили

Корхоналар молиявий ҳолатини умумий баҳолашдан кейинги молиявий таҳлил босқичи бўлиб, корхоналарнинг молиявий мустаҳкамлиги (барқарорлиги) таҳлили ҳисобланади. Молиявий мустаҳкамликни таҳлил этишдан олдин молиявий мустаҳкамликнинг мазмуни тўғрисида келишиб олишимиз лозим.

Иқтисодий адабиётларнинг кўпчилигида молиявий мустаҳкамликка (барқарорликка) ва баланс ликвидлигига бир хил таъриф беришади ва аниқланаётган кўрсаткични ёки молиявий мустаҳкамлик ёки баланс ликвидлиги, яъни корхоналарнинг олинган қарзларни қайтариб бериш қобилиятига эгалик деб тушунилади. Молиявий мустаҳкамлик ва баланс ликвидлиги – бу ўз мазмунига эга бўлган икки хил молиявий кўрсаткичлар

бўлиб, корхоналар молиявий фаолиятини ҳар хил нуқтаи назардан ифодалайди. Бу ҳақда республикамизнинг энг йирик иқтисодчи олимларидан бири ҳурматли устозимиз Э.Ақромовнинг «Корхоналарнинг молиявий ҳолатини таҳлили» деб номланган ўқув қўлланмасида шундай дейилади:

**Молиявий мустаҳкамлик кўрсаткичи комплекс сифатидаги кўрсаткич бўлиб, у:**

- Корхоналарнинг мураккаб бозор муносабатлари даврида ишлаб чиқаришни сақланиб қолиш имкониятини;
- Корхона маблағларидан эркин равишда фойдаланиш имконияти борлигини;
- Ишлаб чиқаришни тўхтатмасдан, маҳсулот сотиш имконияти борлигини;
- Корхоналар фаолиятининг умумий мустаҳкамлилигини;
- Корхоналар фаолиятига тўғри бошқарувлик қилинаётганлигини;
- Корхоналарда мавжуд молиявий ресурсларни бозор муносабатларининг талабларига жавоб беришлигини;
- Корхоналарнинг захира ва харажатларга бўлган эҳтиёжларини қопловчи манбалар борлиги даражасини кўрсатади.

Демак, молиявий мустаҳкамлик корхоналар молиявий ресурсларининг шаклланиши ва улардан фойдаланиш билан аниқланади. Корхонанинг молиявий барқарорлигига корхоналарнинг бутун хўжалик, ишлаб чиқариш фаолиятининг ҳамма йўналишлари таъсир кўрсатади. Унга ҳам ички, ҳам ташқи омиллар, шарт-шароитлар таъсир этади.

**Ички омиллар сифатида қуйидагиларни кўрсатишимиз мумкин:**

- Корхонада ишлаб чиқаришнинг барқарорлиги;
- Ишлаб чиқаришни ташкил қилиш;
- Ишлаб чиқаришни бошқариш;
- Корхона устав жамғармасининг ҳажми;
- Корхона харажатлари ва даромадларининг нисбати;
- ўзлик маблағларининг манбалари ва корхона мажбуриятларининг нисбати;
- корхона айланма маблағлари таркиби.

Корхоналар ўз фаолияти давомида бошқа хўжалик субъектлари билан иқтисодий алоқаларда бўлар экан, **корхоналар молиявий барқарорлигига ташқи омиллар ҳам таъсир этади.. Бундай омиллар таркибига қуйидагиларни киритишимиз мумкин:**

- корхонанинг товарлар бозоридаги ҳолати;
- корхонанинг экспорт ва импорт алоқалари;
- корхонанинг бошқа корхоналар билан ишга доир алоқаларда активлиги;
- банк органлари, дебитор ва кредитор корхоналар билан алоқалар;
- республикада амалга оширилаётган иқтисодий сиёсат, солиқ, нарх-наво ва молия, банк сиёсати, техника, технология сиёсати.

Шундай қилиб молиявий мустаҳкамликка корхона ичидаги ва ундан ташқаридаги вазият, омиллар, шарт-шароитлар таъсир кўрсатар экан, бундан кўринадики, молиявий мустаҳкамликнинг даражаси корхоналарнинг ҳозирги ва келгусидаги фаолиятига катта таъсир кўрсатади. Хўш, юқоридаги фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб сиз талабалар олдида шундай муаммоли саволни кўймоқчимиз. **Корxonанинг молиявий мустаҳкамлик (барқарорлик) кўрсаткичларининг даражасига биноан корхонадаги қандай муаммоларни ечиш мумкин бўлади?** Бу саволга сиз талабаларнинг муносабатингиз қандай.

Демак, молиявий мустаҳкамлик бир қанча омиллар, шарт-шароитлар таъсирининг якуни бўлиб, у ўз навбатида корхона фаолиятининг кўп томонларига таъсирини кўрсатар экан. **Молиявий мустаҳкамлик таҳлилини бошламасдан олдин яна бир муаммони ҳал қилиб олсак. Бу молиявий мустаҳкамлик атамасининг мазмуни ҳақидаги муаммодир.** Ушбу муаммоли саволни ечиш мақсадида куйида иқтисодчи олимларнинг фикрлари билан танишиб чиқсак.

Молиявий мустаҳкамликнинг мазмуни шундан иборатки, молиявий мустаҳкамликни ўлчаш, баҳолаш учун фойдаланиладиган кўрсаткичлар тизимини чегаралаб олиш лозим.

Бунга кўра, В.Г.Артеменко, М.В.Беллендирларнинг фикрича молиявий мустаҳкамлик корхона молиявий ресурсларини шаклланиш, тақсимланиш ва фойдаланиш самарадорлигини ифодалайди.

Лекин, маълумки, корхоналар молиявий ресурсларининг шаклланиш, тақсимланиш ва фойдаланиш самарадорлиги уларнинг умуман молиявий ҳолати бўлса, молиявий мустаҳкамлиги корхоналар фаолиятини фақат бир шаклини, йўналишини ифодалайди.

А.Д.Шеремет, Р.С.Сайфулинларнинг фикрича молиявий мустаҳкамлик ва тўлашга қодирлик бир мазмунга эга бўлиб, тўлашга қодирлик молиявий мустаҳкамликнинг ташқари кўринишини ифодалайди деб таъкидланади.

Худди шу фикрга А.Н.Ли. ва С.И.Шевченколар ҳам эга. Улар ўз мақолаларида молиявий мустаҳкамлик коэффициентининг таҳлили тўғрисида тўхталиб, тўлашга қодирлик кўрсаткичи таҳлил этганлар.

Ҳақиқатда молиявий мустаҳкамлик ва тўлашга қодирлик ҳр хил мазмунга эга бўлиб, бу молиявий кўрсаткичлар турли усулда аниқланади. Ундан ташқари А.Н.Ли. ва С.И.Шевченколар молиявий мустаҳкамликни молиявий барқарорлик деб қабул қилишган. Бу ҳам бизнинг фикримизча нотўғри. Молиявий барқарорлик бу – корхоналарнинг молиявий ҳолатини зарурий бир хил даражада туришини, пасаймаслигини ифодалайди. Молиявий мустаҳкамлик тўғрисида гап борар экан, яна иккита нарсага эътибор бериш лозим. Бу молиявий мустаҳкамликнинг критерияси ва молиявий мустаҳкамликни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими. А.Н.Ли. ва С.И.Шевченколарнинг фикрича, молиявий мустаҳкамликнинг критерияси аниқланиши лозим ва бу критерия сифатида корхоналарнинг банкрот бўлиши эҳтимоллигининг паст даражаси тавсия этилади. Бизнингча эса, авваламбор,

молиявий мустаҳкамликнинг даражасига биноан корхоналарнинг банкрот бўлиш эҳтимоллиги аниқланилмайди.

Бизнинг фикримизча, молиявий кўрсаткичларни, шу жумладан, молиявий мустаҳкамлик бўйича ҳам критериялар эмас, оптимал ёки меъёрий даражалари тасдиқланиши керак.

Иқтисодий адабиётларда молиявий мустаҳкамлик даражасини ўлчаш учун хар хил кўрсаткич тизимлари тавсия этилади. А.Н.Ли. ва С.И.Шевченколар молиявий мустаҳкамликни аниқлаш учун корхона капиталининг таркибий кўрсаткичлари, В.Г.Артеменко ва М.В.Беллендирлар эса молиявий мустаҳкамликни таҳлил этишда нисбий кўрсаткичлар билан бирга абсолют кўрсаткичлардан ҳам фойдаланишган.

Молиявий мустаҳкамлик албатта, нисбий кўрсаткичлар, захиралар ва харажатлар ҳамда уларни қопловчи манбалар нисбати билан аниқланиши лозим. Заҳира ва харажатлар билан уларни қопловчи манбалар ўртасидаги абсолют фарқ эса – молиявий мустаҳкамликни кўрсатмайди. Улардан фақат молиявий мустаҳкамликни аниқлаш учун ахборот базаси сифатида фойдаланилади. Шундай қилиб, иқтисодий адабиётларда молиявий мустаҳкамликни таҳлил қилишда энг асосий муаммо, унинг иқтисодий мазмуни бўйича иқтисодчи олимлар ўртасида келишувчанлик ҳали мавжд эмас экан.

Бозор шароитида молиявий барқарорлик ва тўловга қобилиятлилик корхонанинг муҳим иқтисодий кўрсаткичи ҳисобланади. Молиявий барқарорлик балансидаги маълумотлар асосида ўрганилади. Ундаги кўрсаткичларни бир-бири билан таққослаб, маблағлар ўртасидаги нисбат ва ўзаро боғланиш аниқланади. Корхонанинг молиявий барқарорлигини белгиловчи энг муҳим кўрсаткичлар қуйидагилардан иборатдир:

1. *Жами маблағдаги корхонанинг ўзига қарашли маблағ улушини қанчалигини ҳисоблашдир ёки бу қуйидаги тартибда топилади:*

$$(A) \frac{\text{корхонанинг ўзига қарашли маблағ}}{\text{жами маблағ (баланс жами)}}$$

Бунда ўзига қарашли маблағ қанчалик кўп бўлса, шунчалик молиявий барқарорлик юқори бўлади.

2. *Корхонадаги ўзига қарашли маблағ билан қарзга олинган маблағлар ўртасидаги нисбат ёки бу қуйидаги тартибда топилади:*

$$(B) \frac{\text{қарзга олинган маблағ}}{\text{ўзига қарашли маблағ}}$$

Ўзига қарашли маблағ улуши ортган сари молиявий барқарорлик кучая боради.

3. Узоқ муддатли қарзлардан фойдаланиш коэффициенти, яъни узоқ муддатли қарз маблағларини корхонанинг ўзига қарашли ва қарз маблағлар суммасининг йигиндисига бўлинади ёки бу қуйидаги тартибда аниқланади:

$$(B) \frac{\text{узоқ муддатга олинган қарз маблағ}}{\text{корхонанинг ўзига+узоқ муддатга олинган қарашли маблағ} + \text{қарз маблағ}}$$

4. Корхонанинг ўзига қарашли маблағларнинг чаққон ҳаракатчанлик коэффициенти ёки бу қуйидагича топилади:

$$(B) \frac{\text{ўзига қарашли айланма маблағ}}{\text{ўзига қарашли жами маблағ}}$$

5. Эскиришининг жамланиш коэффициенти ёки бу қуйидагича топилади:

$$(D) \frac{\text{асосий воситаларнинг эскириш суммаси}}{\text{асосий воситалар} + \text{номатериал актив}}$$

Бу кўрсаткич баланс маълумотлари бўйича топилади:

6. Корхона мулки таркибидаги асосий воситаларнинг аниқ қиймати коэффициенти, бу кўрсаткич баланс маълумотлари асосида ҳисобланади ва қуйидагича топилади:

$$(E) \frac{\text{асосий воситалар (қолдиқ баҳода)}}{\text{жами соф мулк}}$$

7. Корхонадаги жами мулкнинг ҳаракатчанлиги (чаққонлик) коэффициенти, бунини ҳисоблаш қуйидагича бўлади:

$$(K) \frac{\text{айланма маблағлар (захира ва пул маблағлари)}}{\text{жами мулк (баланс жами)}}$$

Юқорида келтирилган кўрсаткичларни таҳлил қилиш корхонанинг молиявий барқарорлигини аниқлаш ва унинг аҳволини баҳолашга ёрдам беради.

47-жадвал

Молиявий коэффициентлар таҳлили

Кўрсаткичлар	Йил бошига	Йил охирига	Ўзгариши (+,-)
1	2	3	4=3-2

1. Молиявий мустақиллик коэффициентлари	0,641	0,817	+0,176
2. Тўлов қобилияти коэффициентлари	2,061	4,223	+2,162
3. Қарз ва ўз маблағлари ўртасидаги нисбат коэффициентлари	0,560	0,223	-0,337
4. Заҳира ва харажатларни ўз манбалари билан қопланганлик коэффициентлари	0,978	1,372	+0,394
5. Маблағларнинг чаққон ҳаракатчанлик коэффициентлари	0,594	0,721	+0,127

**Бухгалтерия баланси маълумотлари асосида молиявий коэффициентлар қуйидаги тартибда аниқланади:**

1. Молиявий мустақиллик коэффициентлари қуйидагича аниқланади:

**Ўз маблағларининг манбалари (480 сатр)**

-----  
**Баланс жами (780 сатр)**

2. Тўлов қобилияти коэффициентлари қуйидаги тартибда аниқланади:

**Жорий активлар (390 сатр)**

-----  
**Мажбуриятлар (770 сатр)**

3. қарз ва ўз маблағлари ўртасидаги нисбат коэффициентлари қуйидаги тартибда аниқланади:

**Мажбуриятлар – узоқ муддатли мажбуриятлар**

-----  
**Ўз маблағларининг манбалари (480 сатр)**

4. Заҳира ва харажатларни ўз манбалари билан қопланганлик коэффициентлари қуйидаги тартибда аниқланади:

**Ўз маблағлари манбалари + узоқ муддатли мажбуриятлар – узоқ муддатли активлар (480+490-130 сатр)**

-----  
**Товар-моддий заҳиралар (140 сатр)**

5. Маблағларнинг чаққон ҳаракатчанлик (манёврлашганлик) коэффициентлари қуйидаги тартибда аниқланади:

**Ўз маблағлари манбалари + узоқ муддатли мажбуриятлар – узоқ муддатли активлар (480+490-130 сатр)**

-----



## **Ўз маблағларининг манбалари (480 сатр)**

Юқоридаги жадвал маълумотларига кўра, “АВС” акционерлик жамиятининг молиявий аҳволига тўғри баҳо бериш учун бухгалтерия балансига асосланган ҳолда молиявий коэффициентлардан фойдаланамиз. Шунга кўра, корхонанинг молиявий мустақиллик коэффициенти йил бошига нисбатан 0,176 коэффициентга ёки 17,6 % га ўсган. Тўлов қобилияти коэффициенти йил бошига нисбатан 2,162 коэффициентга ўсган. Мазкур коэффициентларнинг бундай тартибда ўзгариши корхонанинг молиявий ҳолатини жорий йил бошига нисбатан йил охирида бирмунча яхшиланиб бораётганлигидан далолат беради. Бундан ташқари корхонада мажбуриятларнинг ўз маблағларига нисбатан улушини пасайганлигини ҳам ижобий баҳоламоқ лозим, яъни бу корхонанинг мажбуриятларини қисқарганлигидан далолатдир. Маблағлар ҳаракатчанлиги эса йил бошига нисбатан йил охирида 0,127 коэффициентга ўсган. Бу эса корхонада айланма маблағларга бўлган талабни янада тўлароқ қондириб бориш имконини беради. Умуман олганда корхона маълумотлари асосида унинг молиявий коэффициентлари ўрганилганда, ушбу коэффициентларнинг ўзгариши ижобий бўлган.

### **10.7. Корхонанинг тўлов қобилиятини таҳлили**

Корхоналар кўп турдаги иқтисодий алоқаларни, жумладан, хом-ашё ва материаллар сотиб олиш, тайёр маҳсулотларни сотиш билан боғлиқ бўлган ҳисоб-китобларни бажаришади. Шунингдек, давлат бюджети, молия, банк, суғурта ва кредиторлар билан муносабатда бўлинади. Уларга ҳисоб беришни белгиланган муддатда амалга ошириш, молиявий тартиб интизомига риоя қилиш катта аҳамиятга эга.

Тўлов қобилияти дейилганда, хўжаликнинг муддати келган тўлов мажбуриятларни бажариш учун зурур бўлган маблағларни етарли ёки камчилигини аниқлаш тушунилади. Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарнинг тўлов қобилиятига эга бўлиши муҳим ва бу унинг ўз вақтида зарур бўлган қарзларни қайтариш имкониятларини белгилайди. Корхона баланси маълумотларга асосланиб, тўлов қобилиятининг қай аҳволдаги ҳисобланади. Бунинг учун корхонанинг тўлаш учун зарур бўлган маблағлари билан қарз мажбуриятларини солиштириш мумкин.

Тўлов маблағларига пул маблағлари, жўнатилган товар ва маҳсулотлар қиймати (ҳали пул келиб тушмаган), дебитор сотишдаги тушум ва бошқалар киради. шунингдек қисқа муддатга олинган ссудалар ҳам вақтинча тўлов мажбуриятларни амалга ошириш учун манба бўлиши мумкин. Қийматли қоғоз, акция, облигация сотишдан олинган маблағ ва қўшимча корхоналарда қатнашишдан келган даромадлар ҳам тўлов мажбуриятларини бажаришдаги манба бўлиши керак. Тўлов мажбуриятларига мол етказиб берувчи ва пудратчиларга, бюджет ва суғуртага, меҳанат ҳақи, турли хил кредиторларга бўлган ва бошқа

турдаги қарзлар киради. Корхонанинг маълум бир кундаги тўлов қобилиятини аниқлаш учун шу муддатдаги тўлов мажбуриятлари билан маблағлар солиштирилади.



## «ABC» акционерлик жамиятининг тўлов қобилиятини таҳлили

Тўлаш учун маблағлар	Сатр рақами	Ҳисобот йили охирига суммаси, минг сўм	Тўлов қарзлари	Сатр рақами	Ҳисобот йили охирига суммаси, минг сўм
1	2	3	4	5	6
1. Пул маблағлари, яъни кассадаги ва ҳисоб рақамидаги пул маблағлари	330-340	9374	1. Мол етказиб берувчи ва пудратчиларга тўланадиган счётлар (қарзлар)	610	90387
2. Валюта маблағлари	350	117	2. Бюджетга тўловлар бўйича қарзлари	680	400
3. Қисқа муддатли инвестициялар, бошқа пул маблағлари ва жорий активлар	360-380	12009	3. солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича кечиктирилган мажбуриятлар	650	-
4. Тайғр маҳсулот	170	167464	4. Мулкӣ ва шахсий суғурта бўйича қарзлари	700	
5. Дебиторлик қарзлари	210	148125	5. Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарзлар	690	6721
			7. Мехнатга ҳақ тўлаш бўйича қарзлар	720	5007
			8. қисқа муддатли кредит ва қарзлар	730-740	35593
			9. Бошқа жорий мажбуриятлар	-	25039
<b>Жами тўлаш учун маблағлар</b>	<b>xxx</b>	<b>337089</b>	<b>Жами тўлов қарзлари</b>	<b>xxx</b>	<b>163147</b>
Қарз тўлов мажбуриятларнинг кўплиги	xxx	-	Тўлов қарзларидан тўлов маблағларининг кўплиги (ортиқчалилиги)	xxx	173942
<b>Баланс</b>	<b>xxx</b>	<b>337089</b>	<b>Баланс</b>	<b>xxx</b>	<b>337089</b>

Жадвал маълумотларидан кўринадикки, биз таҳлил қилаётган “ABC” акционерлик жамияти жорий даврда тўлов қобилиятига эга ҳисобланади. Яъни, корхонанинг жами тўлов маблағлари 337089 минг сўм бўлгани ҳолда, жами тўлов қарзлари 163147 минг сўмни ташкил қилган. Бундан кўринадикки корхонада тўлов қарзларига нисбатан тўлов маблағлари 173942 минг сўмга кўп бўлган. Бу эса корхонанинг мутлоқ тўлов қобилиятига эга эканлигидан далолат беради. Бундан ташқари тўлов маблағлари таркибига эътибор қиладиган бўлсак, унинг асосини тайёр маёсулотлар (167464 минг сўм) ҳамда дебиторлик қарзлари (148125 минг сўм) ташкил қилмоқда. Бу шундан далолат берадики, корхона айтилган вақтда тез тўлов қобилиятига эга эмас экан. Тўлов қарзларининг асосини эса мол етказиб берувчилардан бўлган қарзлар ҳамда бошқа шу каби мажбуриятлар ташкил қилмоқда. Бу эса ушбу қарзларни қисқа муддатларда тўлаб беиш лозимлигини билдиради. Корхона маъмурияти тўлов қобилиятини яхшилаш учун мавжуд тайёр маҳсулотларини сотиш чораларини кўриши ҳамда дебиторлик қарзларини ундириб олиш чораларини кўриши лозим бўлади. Акс ҳолда, корхонанинг тўлов қобилияти бунданда ёмонлашиши мумкин.

***Корхонанинг тўлов лаёқатини баҳолашда одатда қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:***

- Мутлоқ тўлов лаёқати коэффиценти;
- Оралик тўлов лаёқати коэффиценти;
- Жорий тўлов лаёқати коэффиценти.

Мутлоқ тўлов лаёқати кўрсаткичи корхонанинг жорий активларида ҳаракатчан активларнинг тўлов мажбуриятларини қоплашига етарлилиги ёки етишмаслигини; оралик тўлов лаёқати кўрсаткичи жорий активларда ҳаракатчан ва тез пулга айланадиган активларни тўлов мажбуриятларини қоплашга етарлилиги ёки етишмаслигини; жорий тўлов лаёқати кўрсаткичи эса жорий активларда барча айланма активларнинг тўлов мажбуриятларини тўлашга етарлилиги ёки етишмаслигини тасифлайди.

Корхонанинг тўлов лаёқатига баҳо беришда муқобиллик вариантларини ҳам қўллаш лозим бўлади. Янги очилган ва ҳали фаолият бошламаган корхоналарга кредит бериш юзасидан қарор қабул қилишда, унинг бизнес режа кўрсаткичлари ва у бўйича аниқланган тўловга қодирликнинг эҳтимоллигига, корхонага мақсадли, марказлашган кредит ресурсларининг туширилишига, техник лойиҳалар асосида кредит ажратилиши ва ҳақозоларга аҳамият берилиши муҳимдир.

Кўрсаткичлар	Аниқлаш тартиби	Изоҳ
1	2	3
1. Мутолқ тўлов лаёқати коэффициенти	$K_M = \frac{ПМ + ҚҚ}{ҚММ}$	ПМ- пул маблағлари ҚҚ- қимматли қоғозлар ҚММ- қисқа муддатли тўлов мажбуриятлари
2. Оралиқ тўлоа лаёқати коэффициенти	$K_O = \frac{ПМ + ҚҚ + ДМ}{ҚММ}$	ДМ- дебиторлик мажбуриятлари
3. Жорий тўлов лаёқати коэффициенти	$K_{Ж} = \frac{ПМ + ҚҚ + ДМ + ТМЗ}{ҚММ}$	ТМЗ- товар-моддий заҳиралар

Корхонанинг тўлов қобилиятини таҳлил этишда қисқа муддатга тўлов қобилияти ва узоқ муддатга тўлов қобилияти кўрсаткичлари ҳам ўрганилади.  
***Шунга кўра қисқа муддатли тўлов қобилият қуйидагича аниқланади:***

= > Пул мабалағлари + Қисқа муд. қим. қоғозлар  
Қайтариш муд. етган кредитор қарзлар

***Узоқ муддатли тўлов қобилият эса:***

=> Оборот активлар =  $\frac{125152}{35772} = 3,4$   
Мажбуриятлар

Демак, корхона юқори тўлов қобилиятига эга бўлган. Бу корхона фаолияти учун ижобий ҳолат ҳисобланади.

Корхонанинг мавжуд пул маблағлари доим тўлов мажбуриятларини қайтаришга тайёр бўлган манба бўлганлиги учун ҳамда қимматли қоғозлар ҳам шу мақсадга ишлатилиши мумкинлигини ҳисобга олиниб, тўлов қобилиятини белгиловчи коэффициент ҳисобланилади. Шунингдек, турли айланма маблағларнинг пул шаклларига ўтиш муддати ҳар хиллигини эътиборга олинганда, тайёр маҳсулот заҳиралари тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлар ва ярим фабрикатларнинг пулга айлантириш тезлигини ўрганиш зурур. Бундан ташқари тўлов қобилиятининг ўзгаришида дебиторлик қарзларининг пулга айланиш тезлиги, банкдаги тўлов ҳужжатларини ўз вақтида расмийлаштирилиши ва уларнинг тез ҳаракат қилишига боғлиқдир. Агарда дебитор маблағларни қарз мажбуриятларини узишга йўналтирилса, оралиқ тўлов қарзларини қоплашлик коэффициенти кўрсаткичи ҳисобланади.

Демак, корхона қисқа муддатли тўлов мажбуриятларини қоплашга ўзининг барча айланма маблағларини, яъни, заҳиралар, пул маблағлари, ҳисоб-китоблар ва бошқа активларини жалб этиши лозим бўлади.

Келгуси йилда корхонанинг тўлов қобилиятида юз бериши мумкин бўлган ўзгаришларни билиш учун маҳсулотлар сотишдан келадиган тушум ҳажмини таҳлил қилиш лозим. Жами тушум ҳисобига сарфланган

харажатлар қопланади, мажбурий тўловлар бажарилади ва эҳтиёт ривожлантириш жамғармалари яратилади. Соф тушум бевосита корхона оборотида қатнашади, бунга асосий восита эскириши ва соф фойда киради.

Корхонанинг тўлов қобилятини таҳлил қилишда соф тушум коэффициентини ҳисоблаш муҳимдир, бу кўрсаткич қуйидагича аниқланади.

#### **Соф фойда + асосий воситалар эскириши (амортизация)**

##### **сотишдан тушум**

Ҳиссадорлик, кооператив, кичик ва ҳамкорликда ишлайдиган корхоналарда ўзига қарашли мол-мулкни кўпайтириш аҳамиятли. Айниқса, ҳиссадорлик ва бошқа жамғармаларни тўлдириб бориш зурурдир. Бу ҳиссадорлар, устав фонди қатнашчилари ва аъзоларнинг бадаллари ҳисобига тўлдирилади. Шунинг учун ҳам аъзоларнинг келишувига мувофиқ, қонун билан белгиланган устав фондининг ҳажми камайтирилмаслиги ва у тўлдириб борилиши зарур. Корхона балансини ўрганишда албатта Низом жамғармасининг ўтган йилга нисбатан ўзгариш сабаблари таҳлил қилинади. Демак, устав фондининг кўпайиши ҳам молиявий барқарорлик яхшиланганлиги белгиси ҳисобланади.

### **10.8. Мол-мулк ва маблағлар ҳаракатчанлигини таҳлили**

Эркин иқтисодий муносабатлар шароитида баланс маълумотлари асосида корхона активларининг ҳолатини ўрганишда уларнинг пулга айланувчанлигига баҳо бериш таҳлилнинг муҳим вазифаси ҳисобланади. Бундай таҳлилнинг зарурияти бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарда қаттиқ молиявий чекланишларнинг пайдо бўлиши ва олинган қарзларни қайтариш имкониятларини ўз вақтида ҳисоблаб баҳо беришда кўринади. Айниқса, тўлов мажбуриятларининг муддати корхона мулки фаолият натижасида пулга айланиш муддатига мос келиши молиявий ҳолатни яхшиланишига таъсир кўрсатади. Шу боис корхона активларининг ҳаракатчанлигини таҳлил қилган ҳолда қарзларни қайтаришга етарли ёки етишмаслиги мунтазам ўрганилиши лозим.

*Ликвидлик деганда*, аввало, маблағларнинг жойланиши, уларнинг пулга айланиш даражаси, яқин ва узоқ даврийликдаги тўлов мажбуриятларининг оқланиши, жорий активлар ва пасивларнинг ўзаро фарқланишидаги зарурий шартларнинг сақланишига айтилади.

Иқтисодчи олим Э.Акрамовнинг фикрича, **баланс ликвидлиги бу** – балансининг актив томонидаги бир даврга бориб нақд пулга айланадиган маблағлар билан шу даврда қайтариладиган мажбуриятларни солиштириш демакдир.

*Пулга айланиш тезлигига қараб, корхона активлари қуйидаги гуруҳларга ажратилади:*

1. Доимий ҳаракатдаги активлар.
2. Тез сотилувчи активлар.
3. Секин сотилувчи активлар.

#### 4. Қийин сотилувчи активлар.

Доимий ҳаракатдаги активлар гуруҳига балансдаги барча пул маблағлари ва қисқа муддатли молиявий қуйилмалар, яъни қимматли қоғозлари киради. Бундай активлар доимо қарз мажбуриятларни тўлаш учун тайёр турган маблағ ҳисобланади ва пул маблағи кўп бўлган корхоналар билан иқтисодий алоқаларни ўзаро ҳисоб-китобларни келишилган муддатларда бажариш имконини беради.

Тез сотилувчи мулкларга баланснинг II бўлим активидаги дебитор қарзлар ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Бу маблағлар ҳам зурур бўлган ҳолларда тўлов воситаси бўлиб хизмат қилади. Секин сотилувчи активларга баланснинг «Товар-моддий заҳиралари» жами тушунилиб, нақд пул маблағлари етишмаган ҳолларда тўлов мажбуриятларни қоплашга сарфланиши мумкин. Қийин сотилувчи гуруҳларга эса «Асосий воситалар ва бошқа оборотдан ташқари активлар» киради. Бу мулк турли ишлаб чиқаришда узоқ муддат қатнашиб, ўз қийматини аста-секин яратилаётган маҳсулотларга ўтказиб беради. Шунинг учун ҳам асосий воситаларнинг пулга айланиб, тўлов воситаси ва мажбуриятларни узишга манба бўлиши кўп вақтни талаб этади.

Корхона активлари, албатта, ўз ва қарз капитали ҳисобига манбаланганлиги боис унинг пассив томони ҳам тўлов мажбуриятларининг муддати ва шартидан келиб чиққан ҳолда таркибий ўрганишни талаб этади. ***Шу маънола ликвидлик шарти бўйича пассивлар қуйидаги моддалар бўйича туркумлаб чиқилади:***

1. Муддати келган тўлов мажбуриятлари;
2. қисқа муддатли тўлов мажбуриятлари;
3. Узоқ муддатли тўлов мажбуриятлари;
4. Доимий пассивлар.

Баланснинг биринчи гуруҳ тўлов мажбуриятларига баланснинг II бўлим пассивидаги кредиторлар билан ҳисоб-китоблар ва ўз вақтида қайтарилмаган ссудалар киради. Қисқа муддатли пассивлар гуруҳига эса II бўлим пассивидаги қолган бандлар, яъни банкнинг қисқа муддатли кредитлари, корхона хизматчилари учун банк кредитлари, қисқа муддатли қарзлар келгуси давр харажатлари ва тўловлар заҳираси, даргумон қарзлар бўйича заҳиралар ва бошқа қисқа муддатли пассивлар киради. Ўрта ва узоқ муддатли пассив дейилганда узоқ муддатли банк кредитлари ва узоқ муддатли қарз бандлари тушунилади. Доимий пассивлар гуруҳига эса I бўлим пассивидаги барча бандлар, яъни устав фонди, захира жамғармаси, махсус мақсадларга мўлжалланган фондлар, мақсадли молиялаштириш ва тушумлар, ижара мажбуриятлари, таъсисчилар билан бўладиган ҳисоб-китоблар, ўтган ва ҳисобот йилдаги тақсимланган фойда киради.

Маблағларнинг айланиш ҳолатини таҳлил қилишда жорий ва келгуси даврда кутиладиган ҳаракатчанлик кўрсаткичларини ўрганиш зарур. Маблағларнинг жорий ҳаракатчанлиги доимий ва тез сотилувчи активлар билан муддати етган тўлов мажбуриятлар ва қисқа муддатли пассивларни таққослаш орқали аниқланади. Келажакда кутиладиган ҳаракатчанлик кўрсаткичи эса секин сотилувчи активлар билан ўрта ва узоқ муддатли пассивларни солиштириш орқали ўрганилади. Бунда корхонанинг келгусида мўлжалланган ҳар хил тушумлар билан келажак тўловларини олдиндан башорат қилиш мумкин.

Корхона балансининг ликвидлилик даражасига ҳар хил омиллар, корхона активларининг, пассивларининг таркибий ўзгариб туришлари таъсир кўрсатади. Бу омилларнинг таъсирини билиш учун баланс ликвидлигини таҳлил қилишда яна бир гуруҳ кўрсаткичлардан фойдаланилади. Улар қуйидагилар:



1. *Умумий капиталнинг чаққонлик коэффиценти.* Бу коэффицент корхонанинг умумий айланма активларини унинг мол-мулки қийматига бўлиш йўли билан аниқланиб, у корхонанинг умуман маблағлар билан таъминланганлигини ва ўз мажбуриятларидан қутулиш салоҳиятини кўрсатади. Бу қуйидагича аниқланади:

**Товар-моддий заҳиралар + пул маблағлари ва дебиторлик қарзлари**

-----  
**Баланс жами**

2. *Ишлаб турган капиталнинг чаққонлик коэффиценти.* Бу коэффицент корхонанинг заҳиралари ва харажатларини, корхонанинг заҳира ва харажатларга бўлган эҳтиёжини қопловчи ўзлик маблағлар манбаларига бўлиш билан аниқланади. Бу қуйидаги тартибда бўлади:

**Товар-моддий заҳиралар**

-----  
**Ўз маблағларининг манбалари – Узоқ муддатли активлар**

3. *Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффиценти.* Бу қуйидагича аниқланади:

**Ўз маблағлари манбалари - Узоқ муддатли активлар**

-----  
**Баланс жами**

## Баланс актив ва пассив моддаларининг ҳаракатчанлигини (ликвидлигини) таҳлили

(минг сўмда)

Актив	Йил бошига	Йил охирига	Пассив	Йил бошига	Йил охирига	Тўлаш учун маблағларнинг етарлилиги (+) ёки етишмаслиги (-)	
						йил бошига	йил охирига
1	2	3	4	5	6	7=2-5	8=3-6
1. Доимий ҳаракатдаги активлар	7657	9491	1. Муддати келган тўлов мажбуриятлари	249458	127554	-241801	-118063
2. Тез сотилувчи (пулга айланувчи) активлар	53266	148125	2. Қисқа муддатли пассивлар	8589	35593	+44677	+112532
3. Секин сотилувчи (пулга айланувчи) активлар	470833	531450	3. Узоқ муддатли пассивлар	-	-	+470833	+531450
4. Қийин сотилувчи (пулга айланувчи) активлар	186790	203491	4. Доимий пассивлар	460499	729410	-273709	-525919
<b>БАЛАНС</b>	<b>718546</b>	<b>892557</b>	<b>БАЛАНС</b>	<b>718546</b>	<b>892557</b>	<b>0</b>	<b>0</b>

Маълумотларга асосланган ҳолда куйидаги шартларни бажарилишини текшираимиз.

	Йил бошига	Йил охирида
1. $A_1 > П_1$	1. 7657 < 249458	1. 9491 < 127554
2. $A_2 > П_2$	2. 53266 > 8589	2. 148125 > 35593
3. $A_3 > П_3$	3. 470833 > 0	3. 531450 > 0
4. $A_4 < П_4$	4. 186790 < 460499	4. 203491 < 729410

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўринадики, биз таҳлил қилаётган корхонада баланс ликвидлигига қўйилган тўртта шартдан биринчиси йил бошида ҳам, йил охирида ҳам бажарилмаган. Яъни, корхонанинг доимий ҳаракатдаги активлари унинг муддати келган тўлов мажбуриятларини қоплашга етишмас экан. Бу эса корхона балансининг тез ликвидликка эга эмаслигидан далолат беради. қолган шартлар эса йил бошига ҳам, йил охирига ҳам бажарилган. Бундан кўринадики, корхона баланси мутлоқ ликвидликка эга бўлиб ҳисобланади. Бундан ташқари маълумотлар шуни кўрсатадики, корхона балансининг ликвидлиги йил бошига нисбатан йил охирида бир қадар яхшиланган. Бундай натижаларни ижобий баҳолаш ҳам бўлади.

Умуман олганда, **қуйидаги шартларга амал қилинса, корхона маблағи ҳаракатчан деб баҳоланади:**

- а) доимий ҳаракатдаги активлар  $>$  муддати келган тўлов мажбуриятлар;
- б) тез сотилувчи активлар  $>$  қисқа муддатли пасивлар;
- в) секин сотилувчи активлар  $>$  ўрта ва узок муддатли пасивлар;
- г) қийин сотилувчи активлар  $<$  доимий пасивлар

## **10.9. Айланма маблағларнинг айланишини таҳлили**

Айланма маблағлар айланувчанлиги деганда уларнинг пулга айланиш тезлиги тушунилади. Айланма маблағлар айланувчанлиги коэффициентини жорий активларнинг моддий активлар ва дебиторлик қарзларига бўлган нисбати билан аниқланади. Бу кўрсаткичлар бевосита корхонанинг бозордаги фаоллигини тавсифлайди. Айланма маблағларнинг айланувчанлиги корхона фаолиятининг самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткич бўлиб, у асосда бизнесни бошқаришда ресурслар чекланганлиги ва улардан унумли фойдаланиш даражаси таҳлил қилинади ва унинг муҳим йўналишлари белгиланади. **Айланма маблағлардан самарали фойдаланишнинг муҳим йўналишларига қуйидагиларни киритиш мумкин:**

- маҳсулот (бажарилган иш, кўрсатилган хизмат)лар ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмини ўстириш;
- маҳсулот (бажарилган иш, кўрсатилган хизмат)ларни истеъмолчиларга етиб бориши ва улар бўйича ҳужжатлар айланишини тезлаштириш;
- айланма маблағлар бўйича меъёрий захиралар сақланишига амал қилиш;
- айланма маблағларнинг меъёрдан ортиқчалигини мақсадли бошқаришни йўлга қўйиш (молларни имтиёзли шартларда сотиш, ижарага бериш ва ҳақозолар);
- айланма маблағларни қайта баҳолашни баланс тузиш санасига ҳисобга олиш ва тўғри белгилаш;

- айланма маблағларни ҳисобдан чиқаришнинг халқаро усулларидадан фойдаланиш;
- корхонанинг ҳисоб сиёсатини, шунингдек, айланма маблағларини баҳолаш усулини белгилашда тармоқ ривожини ва технологик жараёнларнинг мураккаблигига аҳамият бериш;
- тугалланмаган ишлаб чиқаришни тўғри баҳолаш;
- айланма маблағлар нормативини белгилаш;
- айланма активлар айланишини тезлаштириш мақсадида товар ва моддий бойликларни сотиш бўйича ҳисоб-китобларнинг замонавий шаклларидадан фойдаланиш;
- маҳсулотларни марказлашган ҳолда сотиб олиш, сотувчи ва сотиб олувчининг монополлигини чеклаш;
- моддий айланма маблағлардан самарали фойдаланишда техник ва технологик янгиланишни таъминлаш ва ҳақозолар.

Молиявий таҳлилнинг муҳим қисми айланма маблағлардан самарали фойдаланганликни ўрганиш эгаллайди, бунда, айланма маблағлар айниқса ишлаб чиқариш захиралари, тугалланмаган ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулот, дебиторлик қарзлари, пул ва валюта маблағлари, қимматли қоғозлар ҳаракатини ўрганиш муҳимдир.

*Айланма активларнинг айланиши ва уларнинг самарадорлигига қуйидаги омиллар таъсир қилади:*

- маҳсулот (бажарилган иш, кўрсатилган хизмат)ларни сотишдан олинган соф тушум суммасининг ўзгариши;
- моддий айланма маблағларининг ўртача йиллик қийматини ўзгариши ва ҳақозо.

*Айланма маблағларнинг айланишини таҳлил қилганда қуйидаги кўрсаткичлар аниқланади:*

$$\begin{aligned}
 & \text{маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишдан} \\
 & \qquad \qquad \qquad \text{соф тушум} \\
 \text{а) айланиш коэффициенти} &= \frac{\text{маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишдан соф тушум}}{\text{товар-моддий захиралари}} \\
 & \qquad \qquad \qquad \text{товар-моддий захиралари * ҳисобот давр куни} \\
 & \qquad \qquad \qquad \text{(360)} \\
 \text{б) айланиш куни} &= \frac{\text{товар-моддий захиралари}}{\text{маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишдан соф тушум}} \\
 & \qquad \qquad \qquad \text{товар-моддий захиралари} \\
 \text{в) айланиш салмоғи коэффициенти} &= \frac{\text{товар-моддий захиралари}}{\text{маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишдан соф тушум}}
 \end{aligned}$$

Бу коэффициентлардан ташқари айланма маблағларнинг самарадорлигини аниқлаш мақсадида ҳар бир ёки минг сўмлик захира ва харажатлар ҳисобига олинган ялпи маҳсулот, соф тушум ва ҳисобот йилнинг соф фойдаси каби маълумотлар ҳам таҳлил этилади.

*51-жадвал*

**“ABC” акционерлик жамиятининг айланма маблағларини айланишини таҳлили**

<b>Кўрсаткичлар номи</b>	<b>Ўтган йили</b>	<b>Ҳисобот йили</b>	<b>Фарқи (+,-)</b>
<b>1</b>	<b>2</b>	<b>3</b>	<b>4=3-2</b>
1. Маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан олинган соф тушум, минг сўмда	1452513	3040381	+1587868
2. Жами товар – моддий захиралари, минг сўмда	470833	531450	+60617
3. Товар моддий захираларининг (айланма маблағларнинг) айланиш коэффициенти (1Ғ2)	3,085	5,721	+2,636
4. Товар моддий захираларининг (айланма маблағларнинг) айланиш даври, кун ҳисобида	116,7	62,9	-53,8
5. Айланиш салмоғи коэффициенти (2Ғ1)	0,324	0,175	-0,149
<b>6. Айланишни тезлашиши ёки секинлашишидан маблағларнинг бўшашганлиги (-) ёки қўшимча (+) жалб қилинганлиги:</b>			
<b>а) кун ҳисобида</b>	<b>х</b>	<b>х</b>	<b>-53,8</b>
<b>б) суммада, минг сўмда</b>	<b>х</b>	<b>х</b>	<b>-454368,02</b>

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, биз таҳлил қилаётган “ABC” акционерлик жамиятида жорий йилда маҳсулотларни сотишдан олинган соф тушум миқдори 1587868 минг сўмга ортган. Бунга мос равишда товар-моддий захираларининг қиймати ҳам 60617 минг сўмга ўсган. Буларнинг натижасида товар-моддий захираларининг айланиш коэффициенти ўтган йилги 3,085 коэффициентдан ҳисобот йилига келиб 5,721 коэффициентга кўтатирилган. Айланиш даври эса ўтган йилга нисбатан 53,8 кунга қисқарган, яъни тезлашган. Корхонанинг товар-моддий захираларини айланишини тезлашиши натижасида корхона оборотидан маблағларнинг бўшашиши 454368,02 минг сўмни ташкил этган. Бундай натижаларни корхона учун ижобий баҳоламоқ лозим.

## Мавзу бўйича таянч иборалар

- бухгалтерия балансини таҳлил этишдан мақсад;
- ташқи фойдаланувчиларни ўзига жалб этирувчи балансдаги асосий кўрсаткичлар;
- баланс активининг бўлиниши;
- асосий воситалар;
- жорий актив (маблағ)лари;
- моддий активлар;
- номоддий активлар;
- молиявий қўйилмалар (узоқ муддатли);
- захиралар;
- пул маблағлари;
- қисқа муддатли молиявий қўйилмалар;
- дебиторлик қарзлар;
- ўз капитали;
- қарз маблағлари (мажбуриятлар);
- жорий маблағлар айланиш тезлигини ифодаловчи кўрсаткичлар;
- жорий маблағларини айрим моддалари бўйича айланиш тезлигини аниқлаш тартиби;
- айланиш даври ўзгаришининг иқтисодий натижаси;
- молиявий ҳолатни мустаҳкамлаш йўллари;

## Такрорлаш учун саволлар

1. Бозор иқтисодиёти шароитида хтжалик субъектларининг молиявий ҳолатини таҳлил қилишдан мақсад нима?
2. Молиявий таҳлилнинг услуби деганда нимани тушунасиз ва уларнинг таркибига қайси усуллар киритилади?
3. Молиявий таҳлилнинг ахборот манбаи ва уларга қўйиладиган ҳуқуқий талаблар деганда нимани тушунасиз?
4. Молиявий таҳлилда умумлаштирилган молиявий ҳисобот шакллари ва уларнинг таҳлили қандай амалга оширилади?
5. Молиявий таҳлил субъектлари деганда кимларни тушунасиз ва уларнинг мақсади нима?
6. Корхона баланси қандай таҳлил қилинади?
7. Корхонанинг тўлов лаёқати деганда нимани тушунасиз ва у қандай

- таҳлил қилинади?
8. Корхона молиявий барқарорлиги деганда нимани тушунасиш ва унинг таҳлили қандай бажарилади?
  9. Ликвидлилик кўрсаткичларини кўрсатиб ўтинг?
  10. Корхона баланси ликвидлиги деганда нимани тушунасиш ва у қандай таҳлил қилинади?
  11. Банк кредитидан фойдаланиш даражасини таҳлил қилинаётганда нималар ўрганилади?
  12. Айланма маблағлар самарадорлиги деганда нимани тушунасиш ва улар қандай таҳлил этилади?
  13. Айланма маблағлар айланишига таъсир этувчи омиллар қандай таҳлил этилади?
  14. Хўжалик субъектларининг иш фаоллиги қандай аниқланади ва таҳлил қилинади?
  15. Хўжалик субъектларининг иқтисодий ночорлигини аниқлаш тартибини кўрсатиб беринг?
  16. Хўжалик субъектларининг молиявий ҳолатини яхшилаш имкониятларини кўрсатиб беринг?

### Мустақил ўрганиш учун топшириқлар

#### 1-топшириқ

қуйида илова қилинган бухгалтерия баланси маълумотлари асосида мустақил равишда корхона фаолиятининг молиявий ҳолатини таҳлил қилиб чиқинг, хулосалар ва таклифлар беринг.

### БУХГАЛТЕРИЯ БАЛАНСИ (1-сонли шакл)

Кўрсаткичлар номи Наименование показателя	Сатр рақам и Код стр.	Ҳисобот даври бошига На начало отчетного периода	Ҳисобот даври охирига На конец отчетного периода
1	2	3	4
<b>А К Т И В</b>			
<b>I. УЗОқ МУДДАТЛИ АКТИВЛАР</b> <b>I. ДОЛГОСРОЧНЫЕ АКТИВЫ</b>			
<b>Асосий воситалар:</b> <b>Основные средства:</b>			
Бошланғич (тикланиш) қиймат (0100, 0300) Первоначальная (восстановительная) стоимость	010	1520147,6	3271538,0
Эскириш суммаси (0200) Сумма износа	011	216380,6	668925,5
қолдиқ (баланс) қиймат (010-011 сатр) Остаточная (балансовая) стоимость	012	1303767,0	2602612,5

<b>Номоддий активлар:</b>			
<b>Нематериальные активы:</b>			
Бошланғич қиймат (0400) Первоначальная стоимость	020	3866,4	5350,5
Амортизация суммаси (0500) Сумма амортизации	021	1572,5	2493,3
колдик (баланс) қиймат (020-021 сатр) Остаточная (балансовая) стоимость	022	2293,9	2857,2
<b>Узоқ муддатли инвестициялар,</b> жами (040+050+060+070+080 сатрлар), шу жумладан: <b>Долгосрочные инвестиции,</b> всего (040+050+060+070+080), в том числе:	030	<b>920449,7</b>	<b>941106,9</b>
кимматли қоғозлар (0610) Ценные бумаги	040		
Шўба хўжалик жамиятларига инвестициялар (0620) Инвестиции в дочерние хозяйственные общества	050		
қарам хўжалик жамиятларига инвестициялар (0630) Инвестиции в зависимые хозяйственные общества	060		
Хорижий сармоя иштирокидаги корхоналарга инвестициялар (0640) Инвестиции в предприятие с иностранным капиталом	070		
Бошқа узоқ муддатли инвестициялар (0690) Прочие долгосрочные инвестиции	080	603229,2	640120,4
Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар (0700) Оборудование к установке	090		
Капитал қўйилмалар (0800) Капитальные вложения	100	296515,7	300986,5
Узоқ муддатли дебиторлик қарзлари (0910, 0920, 0930, 0940) Долгосрочная дебиторская задолженность	110	20704,8	
Шундан: муддати кечиктирилганлари Из неё: просроченная	111	20704,8	
Узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар (0950, 0960, 0990) Долгосрочные отсроченные расходы	120		
<b><i>I-бўлим бўйича жами (012+022+030+090+100+110+120 сатрлар)</i></b>	<b>130</b>	<b>2226510,6</b>	<b>3546576,6</b>
<b><i>Итого по разделу I (стр. 012+022+030+090+100+110+120)</i></b>			
<b>II. ЖОРИЙ АКТИВЛАР</b>			
<b>II. ТЕКУЩИЕ АКТИВЫ</b>			
<b>Товар-моддий захиралар,</b> жами (150+160+170+180 сатрлар), шу жумладан: <b>Товарно-материальные запасы,</b> всего (стр. 150+160+170+180), в том числе:	<b>140</b>	<b>171321,8</b>	<b>227414,2</b>
Ишлаб чиқариш захиралари (1000, 1100, 1500, 1600) Производственные запасы	150	161448,4	224264,2
Тугалланмаган ишлаб чиқариш (2000, 2100, 2300, 2700) Незавершенное производство	160		
Тайғр маҳсулот (2800) Готовая продукция	170		



Товарлар (2900 дан 2980 нинг айирмаси) Товары	180	9873,4	3150,0
Келгуси давр харажатлари (3100) Расходы будущих периодов	190	8224,5	16003,1
Муддати кечиктирилган харажатлар (3200) Отсроченные расходы	200		
<b>Дебиторлар, жами</b> <b>(220+230+240+250+260+270+280+290+300+310 сатрлар)</b> <b>Дебиторы, всего</b> <b>(стр. 220+230+240+250+260+270+280+290+300+310 )</b>	210	339592,0	984633,7
Шулардан: муддати ўтгани (кечиктирилганлари) Из неё: просроченная	211	-	169,2
Харидорлар ва буюртмачиларнинг қарзлари (4000 дан 4900 нинг айирмаси) Задолженность покупателей и заказчиков	220	4271,3	77415,2
Алоҳида бўлинмаларнинг қарзлари (4110) Задолженность обособленных подразделений	230	250882,1	480048,3
Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларининг қарзлари (4120) Задолженность дочерних и зависимых хозяйственных обществ	240	-	355967,1
Ходимларга берилган бўнақлар (4200) Авансы, выданные персоналу	250		
Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнақлар (4300) Авансы, выданные поставщикам и подрядчикам	260	-	6165,1
Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнақ тўловлари (4400) Авансовые платежи по налогам и сборам в бюджет	270	24773,6	16518,6
Мақсадли давлат жамғармалари ва суғурталар бўйича бўнақ тўловлари (4500) Авансовые платежи в государственные целевые фонды и по страхованию	280		
Таъсисчиларнинг устав капиталига улушлар бўйича қарзлари (4600) Задолженность учредителей по вкладам в уставный капитал	290		
Ходимларнинг бошқа операциялар бўйича қарзлари (4700) Задолженность персонала по прочим операциям	300		
Бошқа дебиторлик қарзлари (4800) Прочие дебиторские задолженности	310	59665,0	48519,4
<b>Пул маблағлари, жами (330+340+350+360 сатрлар), шу жумладан:</b> <b>Денежные средства,</b> всего (стр. 330+340+350+360), в том числе:	<b>320</b>	<b>240164,2</b>	<b>492321,6</b>
Кассадаги пул маблағлари (5000) Денежные средства в кассе	330	12,3	59,0
Ҳисоб-китоб варағидаги пул маблағлари (5100) Денежные средства на расчетном счете	340	196910,4	306037,9
Хорижий валютадаги пул маблағлари (5200) Денежные средства в иностранной валюте	350	43241,5	186224,7

Бошқа пул маблағлари ва эквивалентлар (5500, 5600, 5700) Прочие денежные средства и эквиваленты	360		
киска муддатли инвестициялар (5800) Краткосрочные инвестиции	370	621534,0	934000,0
Бошқа жорий активлар (5900) Прочие текущие активы	380		
<b>II-бўлим бўйича жами (140+190+200+210+320+370+380 сатрлар)</b> <b>Итого по разделу II</b> <b>(стр. 140+190+200+210+320+370+380)</b>	<b>390</b>	<b>1380836,5</b>	<b>2654372,6</b>
<b>БАЛАНС АКТИВИ БЎЙИЧА ЖАМИ (130+390 сатрлар)</b> <b>ВСЕГО ПО АКТИВУ БАЛАНСА</b> <b>(стр. 130+390)</b>	<b>400</b>	<b>3607347,1</b>	<b>6200949,2</b>
<b>П А С С И В</b>			
<b>I. ЎЗ МАБЛАҒЛАРИ МАНБАЛАРИ</b> <b>I. ИСТОЧНИКИ СОБСТВЕННЫХ СРЕДСТВ</b>			
Устав капитали (8300) Уставный капитал	410	2000000,0	2000000,0
кўшилган капитал (8400) Добавленный капитал	420		
Резерв (заҳира) капитал (8500) Резервный капитал	430	27130,0	1100846,8
Сотиб олинган ўз акциялари (8600) Выкупленные собственные акции	440		
Таксимланмаган фойда (қопланмаган зарар) (8700) Нераспределенная прибыль (непокрытый убыток)	450	193036,0	256165,3
Мақсадли тушумлар (8800) Целевые поступления	460	1225762,3	947403,2
Бўлғуси харажатлар ва тўловлар заҳиралари (8900) Резервы предстоящих расходов и платежей	470	3284,9	10,4
<b>I-бўлим бўйича жами (410+420+430+440+450+460+470 сатрлар)</b> <b>Итого по разделу I</b> <b>(стр. 410+420+430+440+450+460+470)</b>	<b>480</b>	<b>3449213,2</b>	<b>4304425,7</b>
<b>II. МАЖБУРИЯТЛАР</b> <b>II. ОБЯЗАТЕЛЬСТВА</b>			
<b>Узоқ муддатли мажбуриятлар, жами</b> <b>(500+510+520+530+540+550+560+570+580+590 сатрлар)</b> <b>Долгосрочные обязательства, всего</b>	490		
Шу жумладан: узоқ муддатли кредиторлик қарзлари (500+520+540+560+590 сатрлар) В том числе: долгосрочная кредиторская задолженность	491		
Улардан: муддати кечиктирилган узоқ муддатли кредиторлик қарзлари Из неё: просроченная долгосрочная кредиторская задолженность	492		
Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилардан узоқ муддатли қарзлар (7000) Долгосрочная задолженность по поставщикам и	500		

подрядчикам			
Алоҳида бўлинмалардан узоқ муддатли қарзлар (7110) Долгосрочная задолженность обособленным подразделениям	510		
Шўба ва қарам хўжалик жамиятларидан узоқ муддатли қарзлар (7120) Долгосрочная задолженность дочерним и зависимым хозяйственным обществам	520		
Муддати кечиктирилган узоқ муддатли даромадлар (7210, 7220, 7230) Долгосрочные отсроченные доходы	530		
Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича муддати кечиктирилган узоқ муддатли мажбуриятлар (7240) Долгосрочные отсроченные обязательства по налогам и обязательным платежам	540		
Муддати кечиктирилган бошқа узоқ муддатли мажбуриятлар (7250, 7290) Прочие долгосрочные отсроченные обязательства	550		
Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнақлар (7300) Авансы, полученные от покупателей и заказчиков	560		
Узоқ муддатли банк кредитлари (7810) Долгосрочные банковские кредиты	570		
Узоқ муддатли қарзлар (7820, 7830, 7840) Долгосрочные займы	580		
Бошқа узоқ муддатли кредиторлик қарзлари (7900) Прочие долгосрочные кредиторские задолженности	590		
<b>Жорий мажбуриятлар, жами</b> (610+620+630+640+650+660+670+680+690+700+710+720+730+740+750+760 сатрлар) <b>Текущие обязательства, всего</b> (стр.610+620+630+640+650+660+670+680+690+700+710+720+730+740+750+760)	<b>600</b>	<b>158133,9</b>	<b>1896523,7</b>
<b>Шу жумладан: жорий кредиторлик қарзлари</b> (610+630+650+670+680+690+700+710+720+760 сатрлар) <b>В том числе: текущая кредиторская задолженность</b> (стр.610+630+650+670+680+690+700+710+720+760)	601		
Улардан: муддати ўтган (кечиктирилган) жорий кредиторлик қарзлари Из неё: просроченная текущая кредиторская задолженность	602		
Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилардан қарзлар (6000) Задолженность поставщиками и подрядчикам	610	3624,8	2139,6
Алоҳида бўлинмалардан қарзлар (6110) Задолженность обособленным подразделениям	620		
Шўба ва қарам хўжалик жамиятларидан қарзлар (6120) Задолженность дочерним и зависимым хозяйственным обществам	630		
Муддати кечиктирилган даромадлар (6210, 6220, 6230) Отсроченные доходы	640		
Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича муддати ўтган	650		

(кечиктирилган) мажбуриятлар (6240) Отсроченные обязательства по налогам и обязательным платежам			
Муддати ўтган (кечиктирилган) бошқа мажбуриятлар (6250, 6290) Прочие отсроченные обязательства	660		
Олинган бўнақлар (6300) Полученные авансы	670		1671437,2
Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар (6400) Задолженность по платежам в бюджет	680	22983,4	36808,7
Суғурталаш бўйича қарзлар (6510) Задолженность по страхованию	690	33984,7	65850,6
Давлатнинг мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича қарзлар (6520) Задолженность по платежам в государственные целевые фонды	700		
Таъсисчиларга қарзлар (6600) Задолженность учредителям	710		
Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарзлар (6700) Задолженность по оплате труда	720	23910,7	90638,5
қисқа муддатли банк кредитлари (6810) краткосрочные банковские кредиты	730		
қисқа муддатли қарзлар (6820, 6830, 6840) краткосрочные займы	740	43631,5	1022,9
Узоқ муддатли мажбуриятларнинг жорий қисми (6950) Текущая часть долгосрочных обязательств	750		
Бошқа кредиторлик қарзлари (6900, бундан 6959 мустасно) Прочие кредиторские задолженности	760	29998,8	28626,2
<b>II-бўлим бўйича жами (490+600 сатрлар)</b> <b>Итого по разделу II (стр. 490+600)</b>	<b>770</b>	<b>158133,9</b>	<b>1896523,7</b>
<b>БАЛАНС ПАССИВИ БҲЙИЧА ЖАМИ (480+770 сатрлар)</b> <b>ВСЕГО ПО ПАССИВУ БАЛАНСА</b> <b>(стр. 480+770)</b>	<b>780</b>	<b>3607347,1</b>	<b>6200949,4</b>

**11.1. Эркин иқтисодий муносабатлар шароитида хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий натижаларини таҳлил этишнинг аҳамияти, таҳлил вазифалари ва ахборот манбалари**

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир хўжалик юритувчи субъектнинг олдига қўйган асосий мақсади бу фойда олишдир. Фойда ижтимоий ишлаб чиқаришни ҳамма босқичларининг иқтисодий категориясидир. Фойда иқтисодий категория ва молиявий якун сифатида ўзининг энг юқори аҳамиятига бозор муносабатлари, бозор иқтисодиёти даврида кўтарилади. Фойдани барпо этиш, уни реализация қилиш бу кенгайтирилган қайта ишлаб чиқаришни, қиймат қонунини ва хўжалик юритиш усули сифатида фойдаланадиган хўжалик ҳисобининг объектив талабидир.

Кенгайтирилган қайта ишлаб чиқариш ишлаб чиқаришнинг доимо кенгайишинини, унинг техникавий даражасини мунтазам кўтариб туришни талаб этади. Бунинг учун ишлаб чиқаришда ҳамма вақт фойдага эришилиши, реализация қилиниши ва ундан ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланиш лозим.

**Фойда** (даромад) иқтисодий ҳаракатнинг зарурий шарти мақсади сифатида қаралади. Жаҳон амалиётида фойда дейилганда кўпинча бизнес самарадорлигининг тадбир воситаси сифатида қаралади. Фойда бу даромадлар ва харажатлар фарқланишидаги юқори ўзгарувчанликдир. Улар орасидаги қуйи ўзгарувчанлик эса зарарни ифодалайди.

Даромадлар ва харажатлар молиявий натижаларни характерловчи фойдани ўлчашга дахлдор бўлган элементлар ҳисобланади. Даромадлар ва харажатларни, яни фойдани аниқлаш ва ўлчаш - корхона ўз молиявий ҳисоботини тайёрлашда фойдаланиладиган капитал концепцияси ҳамда капиталнинг сақланишига боғлиқ бўлади.

Даромадлар ва харажатлар элементлари қуйидагича аниқланади.

**Даромадлар** - бу ҳисобот даврида иқтисодий фойданинг активларнинг оқими ёки кўпайиши шаклида ўсиши ёки пасивларнинг қатнашчиларнинг капиталдаги омонатларидан фарқ этувчи ўсишига олиб келувчи камайишидир.

**Харажатлар** – ҳисобот даврида иқтисодий фойданинг активларнинг чиқиб кетиши ёки улардан фойдаланиш шаклида камайиши, шунингдек, қатнашчилар ўртасида капиталнинг камайишига олиб келувчи мажбуриятларнинг юзага келишидир.

Даромад ва харажатларни аниқлаш уларнинг асосий хусусиятларини белгилмайди, аммо уларни молиявий натижалар ҳисоботида акс эттиришда талаб қилинадиган мезонларни аниқлашни мақсад қилиб қўймайди.

Молиявий натижалар таҳлилида даромад ва харажатларнинг ўзаро фарқланишидаги ҳолатга баҳо берилади. Молиявий натижалар фойда ва зарарларнинг шаклланиш қаторлари бўйича ўзгаришлари ўрганилади. Фойда ва зарарларнинг омилли таҳлили олиб борилади. Корхонада молиявий натижавийликни яхшилаш юзасидан ички имкониятларнинг мавжудлиги ва уларни йўлга қўйишнинг чора ва тадбирлари белгиланади. Корхонанинг фойдалилик даражаасини характерловчи рентабеллик кўрсаткичи ва унинг омилли таҳлили ўтказилади.

Таҳлил молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни ўқиш, вертикал таҳлил, горизонтал таҳлил, трендли таҳлил ва кўрсаткичларни аниқлаш усулларида олиб борилади. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни ўқишда унинг сатрлар бўйича кўрсаткичлар тартибланишига, молиявий натижавийликни характерловчи умумий қаторларнинг қиймат ифодаси, ҳисобот даври ва ўтган йилнинг шу даври бўйича маълумотларга умумий изох берилади.

**Вертикал таҳлилда** молиявий натижаларнинг шаклланишини бир қаторли ва кўп қаторли усулларида ўзаро фарқланишларга ва нисбий ўзгаришлар баҳо берилади.

**Горизонтал таҳлилида** эса молиявий натижаларнинг бўйламасига таркибланиши ва уларнинг ўзгаришлари ўрганилади.

**Асосли эки тренд таҳлилида** молиявий натижалар ва уларнинг йиллик бўйича ўзгариши, динамикаси ёки асос йилига нисбатан ўзгаришларига баҳо берилади.

Молиявий натижалар таҳлилида қўлланиладиган асосий кўрсаткичлар қаторига эса корхона фойдалилиги ёки натижавийлиги кўрсаткичлари, бозор активлиги кўрсаткичлари киритилади. Корхона фойдалигини характерловчи асосий кўрсаткичлар сифатида рентабеллик кўрсаткичлари олинади. Бозор активлиги кўрсаткичларига акциялар, қимматли қағозларнинг фойдалилик даражасини характерловчи кўрсаткичлар киритилади. Улар қаторига битта акцияга тўғри келадиган ҳисоб фойдаси (солиқ тўловига қадар бўлган фойда), битта акция тўғри келадиган соф фойда, битта акцияга тўғри келадиган дивиденд суммаси, акциянинг баҳоси ва фойдаси орасидаги нисбат коэффицентлари киради.

Молиявий натижалар таҳлил ташқи ва ички субъектлар тамонидан олиб борилади. Ички субъектлар тамонидан олиб бориладиган таҳлил ички молиявий таҳлил қаторига киритилиб фақат шу корхонанинг ходимлари томонидан олиб борилади.

Молиявий ҳисоботнинг бетарафлиги шундаки, ундан ҳам ички ҳам ташқи ахборот фойдаланувчиларнинг манфаатлари мужассамлашган. Ички молиявий таҳлилда корхонада кўпроқ молиявий натижаларни юзага чиқиш ўрни, шакли бўйича ўзгаришларига аҳамият берилади. Яъни, уларнинг аналитик қаторига кўпроқ аҳамият берилади.

Ташқи таҳлил субъектларига эса солиқ органлари, банк ташкилотлари, акционерлар, мулк эгалари, инвесторлар, шунингдек, корхона фаолияти билан билвосита қизиқувчи учинчи шахслар, эркин сохибкорлар кириши мумкин.

Уларни кўпроқ корхонанинг фойдалилик даражаси ва унинг йиллар бўйича ўзгаришлари қизиқтиради. Агар акция эгаси бўладиган бўлса, соф фойда ва дивиденд тўловига тортиладиган фойда суммаси, солиқ идорасини солиқ тўловига қадар бўлган фойда ва унга қайта қўшиладиган харажат моддалари, қарши томон, харидор ва буюртмачилар ёки шерикларни корхонанинг йил якуни бўйича иқтисодий фойдаси ва ҳ.к.

***Бугунги бозор муносабатлари шароитида корхоналарнинг молиявий натижаларини таҳлил этишда молиявий таҳлилнинг энг асосий вазифалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:***

- корхонанинг фойдалилик даражасига баҳо бериш;
- корхонанинг молиявий натижаларини таркиби, тузилиши ва динамик ўзгаришларига баҳо бериш;
- бизнес режада белгиланган фойдалилик даражасига эришилганлиги ва унга таъсир этган омилларни ўрганиш ҳамда баҳо бериш;
- фойданинг шаклланиши ва ишлатилишининг асосланганлигини текшириш;
- фойданинг кўпайган ёки камайганлигига маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишдан ва бошқа фаолиятлардан эришилган натижанинг таъсир этишини аниқлаш;
- корхонанинг ялпи фойдаси ва унга таъсир этувчи омилларга баҳо бериш;
- солиққа тортилгунга қадар бўлган фойданинг шаклланишига ва унга таъсир этувчи омилларга баҳо бериш;
- корхонанинг соф фойдаси ва унга таъсир этувчи омилларни ўрганиш ҳамда баҳо бериш;
- соф фойдани кўпайтириш йўналишларини белгилаб бериш;
- корхонанинг рентабеллик кўрсаткичларини ўрганиш ва уларга таъсир этувчи омилларга баҳо бериш;
- корхонанинг умумий рентабеллик даражасини ошириш чоратадбирларини ишлаб чиқиш ва ҳақозолар.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарнинг молиявий натижаларини таҳлил этишда асосий ахборот манбалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- корхонанинг бизнес режа маълумотлари;
- корхонанинг «Молиявий натижалар тўғрисида»ги ҳисобот (2-шакл) маълумотлари;
- бухгалтерия ҳисобининг молиявий натижаларни акс эттирувчи тегишли счёт маълумотлари.

## **11.2. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни асосий кўрсаткичлари, улар билан шуғулланувчиларнинг иқтисодий манфаатлари**

Молиявий натижалар тўғрисидаги умумлашган маълумотлар молиявий ҳисоботнинг муҳим шакли 2-шаклда «Молиявий натижалар тўғрисидаги» ҳисобот шаклида ифодаланади.

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот чораклик ҳисобот шаклига кириб барча хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тузилади.

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот ва уни тўлдириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2002 йил 27-декабрдаги 140- сонли Йўриқномаси асосида белгиланади.

***Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот шаклининг асосий кўрсаткичларига қуйидагилар киритилади:***

1. Маҳсулот сотишдан олинган ялпи (соф) тушум.

1. Маҳсулот сотишдан ялпи фойда

2. Асосий фаолиятдан фойда (зарар)

3. Молиявий фаолиятдан фойда (зарар)

4. Умумхужалик фаолиятидан фойда (зарар)

5. Фавқулодда фойда (зарар)

6. Солиқ тўловига қадар фойда (зарар)

7. Соф фойда (зарар)

Ушбу кўрсаткичларни ҳисоб китоб қилиш юзасидан албатта корхонанинг қуйидаги харажат қаторларини ҳам таркиблаш ва фарқлаш лозим.

1. Сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннари.

2. Давр харажатлар.

3. Молиявий фаолиятдан харажатлар.

4. Фавқулодда харажатлар.

***Даромад ва харжатларни бу таркиб туркумланиши қуйидагиларга имкон беради;***

❖ Ишлаб чиқариш харажатларини бошқа харажатлардан фарқлаш ва корхона ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигига баҳо бериш,

❖ Молиявий бошқарув юзасидан операцион харажатларни бошқа харажатлардан фарқлаш

❖ Корхона томонидан олинган даромадларни уларнинг юзага келиши ёки шаклланиши бўйича алоҳида таркиблаш (асосий фаолиятдан, молиявий фаолиятдан ҳамда кутилмаган ҳолатлардан).

Молиявий натижалар тўғрисидаги янги ҳисобот шакли уларнинг ҳар бир шаклланиш қатори бўйича тўлиқ ахборотларни олиш имконини беради. Бу ахборотлар ички ва ташқи ахборот фойдаланувчиларининг манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқармайди. Агар шундай бўлганда эди, молиявий ҳисоботни тузиш қоидаси бузилган бўлар эди. Негаки, молиявий ҳисоботдаги



маълумотларда ҳеч қачон бир туркум ахборот фойдаланувчилар фойдасига бошқа туркум зарари ҳисобига акс эттиришлар бўлмаслиги талаб этилади. Ушбу қоида Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги» Қонунининг 6-моддасида ҳам бериб ўтилади. Яъни молиявий ҳисоботларни тузишдаги бетарафлик қоидаси.

**1. Маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан олинган соф тушум қатори.** Маҳсулот сотишдан олинган соф тушум суммаси маҳсулот (иш ва хизмат)ларни сотишдан олинган жами тушум суммасидан сотишга солиқлар тўловлар ва ажратмалар суммасини чегириш асосида аниқланади.

**Сотишга солиқлар, тўловлар, ажратмаларга қуйидагилар киритилади:**

- Қўшилган қиймат солиғи;
- Акциз солиғи;
- Реклама солиғи;
- Маҳсулот ҳажмидан ижтимоий суғурта бўлимига ажратма ва ҳ.к.

Маҳсулот (иш ва хизмат)ларни сотилган қаторга киритишнинг одатда иккита шарти характерланади. Булар кассали ва ҳисобга олиш усуллари дидир. Кассали усулнинг моҳияти шундаки, бунда маҳсулотлар ортиб жўнатилиб ҳисоб ҳужжатлари тақдим этилган ва уларнинг ҳисоб счғтларига пули келиб тушгандан кейингина сотилган ҳисоблаш ва тушум қаторига қўшиш, сотишга солиқлар суммасини ҳам уларнинг амалга ошиш даврига мувофик ҳисоблашни характерлайди. «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги» қонуннинг қабул қилинишига қадар республикамизда ушбу усул қўлланиб келинди.

Маҳсулот (иш ва хизмат) ларни сотилган қаторга киритишнинг ёки даромадларни тан олишнинг ҳисобга олиш усули эса уларнинг ортиб жўнатилиб ҳисоб ҳужжатлари тақдим этилган вақти бўйича ҳисобга олишни характерлайди. Бунда пул тушумлари ёки тўловларнинг амалга ошиш вақтига аҳамият берилмайди. Сотишга солиқларнинг ҳисоб китоби ҳам бевосита уларнинг тушум сифатида тан олиш вақти бўйича ҳисобга олинади.

**2. Маҳсулот сотишдан ялли фойда.** Маҳсулот сотишдан олинган ялли молиявий натижа фойда ёки зарар қуйидаги боғланишлар асосида аниқланади. Яъни, маҳсулот (иш ва хизмат) ларни сотишдан олинган соф тушумдан шу маҳсулот (иш ва хизмат)ларнинг ишлаб чиқариш таннархини чегириш асосида аниқланади.

Корхона фойдасининг асосий қисмини бевосита маҳсулот (иш ва хизмат) лардан олинган фойда ташкил этади.

**3. Асосий ишлаб чиқариш фаолиятнинг молиявий натижаси** (Фойда ёки зарар). Асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг молиявий натижаси қуйидаги боғланишларда аниқланади. Яъни, маҳсулот (иш ва хизмат) ларни сотишдан олинган фойда суммасидан давр харажатлари таркибига кирувчи сотиш харажатлари, маъмурий харажатлар, ва бошқа умумхўжалик харажатларини чегириш ҳамда асосий фаолиятнинг бошқа жарағнларидан олинган даромад ва харажатларни тартибли фарқлаш асосида аниқланади.

**4. Молиявий фаолиятдан олинган фойда (зарар).** Молиявий фаолиятдан олинган фойда ва зарарлар қаторига молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда қуйидаги умумлашган кўрсаткичлар киритилган.

-Шўба ва уюшма корхоналардан олинган дивидендлар;

-Бошқа олинган дивидендлар;

-Шўба ва уюшма корхоналарга берилган ва олинган қарзлар бўйича фоизлар;

-Бошқа тўланган ва олинган фоизлар;

-Валюта курсининг ўзгаришидан фарқлар;

-Молиявий фаолиятдан бошқа даромадлар ва харажатлар.

Асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг молиявий натижасига молиявий фаолиятдан олинган натижани қўшиш асосида умумхўжалик фаолиятидан молиявий натижа (фойда, зарар) аниқланади.

**5. Умумхўжалик фаолиятидан молиявий натижа.** Умумхўжалик фаолиятидан олинган молиявий натижа солиқ тўловига қадар фойда суммасидан ёки ҳисоб фойдаси суммасидан фавқулодда фойда ва зарарлар суммасига фарқ қилади.

Умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда суммаси молиявий натижанинг шаклланиш қатори эмас, балки уни жамловчи қатор сифатида таркибланади.

**6. Фавқулодда фойда (зарар).** Фавқулодда фойда (зарар) – корхона тамонидан одатий ҳол ҳисобланмаган ва уч йиллик оралиқда бундай фаолият билан шуғулланмаган ҳолатлардан оладиган даромад ва йўқотишлар фавқулодда фойда ва зарарлар қаторига киритилади.

Фавқулодда фойда ва зарарлар молиявий натижалар шаклланишининг учинчи таркиби сифатида қаралади.

Кутилмаган сув тошқини, ёнғинлар, табиий офатлар таъсиридаги йўқотишлар ҳам ушбу қаторга киритилади. Улар бўйича фойда ва зарарларнинг бошқа шаклланиш қаторларида солиқланиш бўйича ҳеч қандай фарқланиш йўқ. Агар фойда олинадиган бўлса, у бўйича ҳам тегишли тартибда солиқ тўланади, зарар олинадиган бўлса умумхўжалик фаолиятидан олинадиган фойда суммаси зарар суммасига камайтирилади.

Лекин амалий кузатишлар натижаси шуни кўрсатадики уларнинг шаклланиш эҳтимоли ниҳоятда қисқа ёки кам. Бўлган тақдирда ҳам фақат зарар шаклида бўлмоқда.

**7. Солиқ тўловига қадар фойда (зарар).** Солиқ тўловига қадар фойда (зарар) суммаси умумхўжалик фаолиятидан фойда (зарар) суммасига фавқулодда фойда (зарар) суммасини қўшиш асосида аниқланади. Солиқ тўловига қадар фойда суммаси ахборот истеъмолчилари эътиборидаги ва кузатувидаги қатор ҳисобланади.

У бевосита асосий фаолиятнинг молиявий натижасидан, молиявий фаолиятнинг молиявий натижасидан ҳамда фавқулодда фойда ва зарарлар жамланган суммасидан иборот бўлади.

**8. Соф фойда (зарар).** Соф фойда корхона ихтиёрида қоладиган фойда суммасини ифодалайди. Ушбу қатор солиқ тўловига қадар бўлган фойда

суммасидан фойда (даромад)дан тўланган солиқлар ва бошқа солиқли тўловларни чегириш асосида аниқланади.

Соф фойда корхонанинг эркин тасарруф шартдаги ва фойдаланишидаги фойда суммасидир. Лекин, соф фойда суммаси ҳам турли тўловлар ва ажратмалар базаси сифатида олиниши мумкин экан. Масалан, корхона соф фойдасидан олинадиган ижтимоий инфраструктурани ривожлантиришга ажратмалар, футбол федерациясига ажратмалар ва бошқа тўловлар ва ажратмаларни шулар қаторига киритиш мумкин.

Сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи кўрсаткичида фақат сотилган маҳсулотнигина ишлаб чиқариш таннархи акс этади. Маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи эса унинг учун кетган барча харажатларнинг қийматини ўзида ифодалайди. Маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи ҳам ҳисобга олиш усулида ушбу қаторга ўринланади.

Давр харажатлари қаторига сотиш харажатлари, маъмурий харажатлар ва операцион харажатлар киради.

Молиявий фаолият бўйича харажатлар қаторига фоизлар бўйича харажатлар, банк хизмат ҳақи харажатлари, валюта курсининг тушиб кетишидан йўқотишлар ва бошқа сарфлар киради.

Фавқулодда харажатлар қаторига кутилмаган ҳолатлар таъсирида юзага келадиган харажатлар киритилади.

***Солиққа тортиладиган фойдани аниқлаш учун солиққа тортилгунгача бўлган фойдага:***

- Низомда келтирилган биринчи иловага асосан чегирилмайдиган харажатлар ёки доимий тафовутлар қўшилади;
- Низомда келтирилган иккинчи иловага биноан вақтлар бўйича тафовутлар қўшилади ёки айириб ташланади;
- қабул қилнган солиқлар бўйича қонунларга биноан корхоналарда солиқлар бўйича тасдиқланган имтиёзлар айириб ташланади.

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот йил бўйича ҳар бир чоракка жамланган ҳисобда тузилади. Уни топшириш органларига солиқ идоралари, банк ташкилотлари, юқори ташкилотлар киритилади. Ўлчов қиймати *минг сўм* ҳисобида ҳисобга олинади. Шунингдек, ушбу ҳисобот шаклига справка, маълумотнома шаклида бюджетга тўловлари ҳисоби ҳам киритилган. Унда корхона томонидан республика ва маҳаллий бюджетга тўлайдиган солиқлар тўлови бўйича ҳисобга олинган ва тўлангани тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

### **11.3. Молиявий натижаларнинг шаклланиши ва уларнинг турлари**

Бугунги эркин иқтисодий муносабатлар шароитида республикамиздаги амалдаги ҳуқуқий меъёрларга мувофиқ хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий натижаларини шаклланиши Молия вазирлиги томонидан ишлаб

чиқилган ҳамда 1999 йил 5-февралда тасдиқланган “Маҳсулот (иш, хизмат)лар ишлаб чиқариш харажатларининг таркиби ва молиявий натижаларнинг шаклланиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосан белгиланади. **Мазкур Низомга мувофиқ молиявий натижаларнинг шаклланиш қаторларига қуйидагилар киритилади:**

1. Маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишдан олинган ялпи молиявий натижа;
2. Асосий фаолиятнинг ялпи молиявий натижаси;
3. Молиявий фаолиятдан кўрилган натижа;
4. Умумхўжалик фаолиятдан олинган ялпи молиявий натижа;
5. Фавқулодда кутилмаган ҳолатлардан натижа;
6. Солиқ тўлангунгача бўлган ялпи молиявий натижа;
7. Йилнинг соф фойдаси (зарари).

Молиявий натижаларнинг бу таркиб туркумланишини халқаро ҳисоб андозаларига нисбатан берилган дейиш мумкин. Бунда асосий фаолият молиявий натижалар қаторига корхонанинг маҳсулот сотишдан оладиган натижаси, асосий воситаларни сотишдан оладиган натижаси ва бошқа активларни сотишдан оладиган молиявий натижаси акс этади. Давр харжатлари улардан чегирилувчи қатор сифатида олинади.

Молиявий фаолиятдан олинган даромад ва харажатлар қаторига корхонанинг молия бозоридаги фаоллигидан оладиган даромадлари ва мулкӣ муносаатлардаги иштирокидан олинган даромадлари, эркин алмаштириладиган валюта ресурсларини бошқаришдан оладиган даромадлари, корхонанинг молиявий фаолиятдан келиб чиқадиган турли харажатлар киритилади. Уларнинг корхона ҳисоб фойдасидаги салмоғи сўнгги йилларда тобора ошиб бормоқда.

Фавқулодда кутилмаган ҳолатлардан даромадлар ва харажатлар қаторига корхонанинг асосий ва молиявий фаолиятдан ташқари, тасодифий ҳолатлар бўйича оладиган даромад ва харажатлари киритилади. Уларнинг таркибига киритилладиган аниқ кўрсаткичлар янги Низомда ифода этилмаган. Фақат уларнинг фарқланишига таъриф берилган ҳолос. Бу тариф эса юқорида бағн этилган эди. Яъни, корхона учун яқин уч йиллик ораликда одатий ҳол ёки фаолият тури ҳисобланмаган ҳолатлардан оладиган даромадлари ёки йўқотишлар ушбу қаторга киритилади. Шунингдек, тасодифий ҳолатлар ҳам.

Молиявий натижаларнинг шаклланиш бўйича таҳлилни қуйидаги жадвал малумотлари асосида бериш мумкин.

**52-жадвал**

**“ABC” акционерлик жамиятида молиявий натижаларнинг таркиби, тузилиши ва динамик ўзгаришларининг таҳлили**

Кўрсаткичлар	Йил бошига	Йил охирига	Ўзгариши (+,-)
--------------	------------	-------------	----------------

	Сумма, минг сўм	Солиқ тўлангунг ача бўлган foyдага нисбатан салмоғи, %	Сумма, минг сўм	Солиқ тўлангунга ча бўлган foyдага нисбатан салмоғи, %	Сумма- даги	Салмо- ғидаги
1	2	3	4	5	6	7
1. Маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишдан олинган ялпи фойда	522905	189,69	872059	192,45	+349154	+2,76
2. Давр харажатлари ва асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан даромад ва харажатлар	-281602	102,16	-470990	103,96	+189388	+1,8
3. Асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг ялпи молиявий натижаси	241303	87,53	401069	88,53	+159766	+1,0
4. Умумхўжалик фаолиятининг ялпи молиявий натижаси	275657	100,0	453044	100,0	+177387	-
5. Фавкуллодаги фойда ва зарарлар	-	-	-	-	-	-
6. Даромад солиғи тўлагунга қадар фойда (зарар)	275657	100,0	453044	100,0	+177387	-
7. Даромад (foyда)дан солиқ ва бошқа солиқлар	245414	89,03	427644	94,39	+182230	+5,36
8.. Ҳисобот давридаги соф фойда ёки зарар	30243	10,97	25400	5,61	-4843	-5,36

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўринадики, биз таҳлил қилаётган “ABC” акционерлик жамиятида жорий йилда ўтган йилга нисбатан 4843 минг сўмга соф фойдаси камайган. Соф фойданинг камайишига асосан, давр харажатларининг ўтган йилга нисбатан 189388 минг сўмга ортиши ҳамда тўланган солиқларнинг, яъни даромад солиғи ва бошқа солиқ ҳамда ажратмаларнинг ўтган йилга нисбатан 182230 минг сўмга кўп тўланганлиги таъсир этган. Ушбу омиллар корхонанинг маҳсулот сотишдан олган ялпи фойдасининг 349154 минг сўмга ортганини ҳам қоплаб юборди. Демак, корхона маъмурияти биринчи навбатда давр харажатларини қисқартириш чораларини кўриши лозим бўлади. Бундан ташқари тўланган солиқларнинг кескин ортишига қандай омиллар сабаб бўлганлигини ҳам ўрганиб чиқиш лозим бўлади.

#### **11.4. Маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан олинган молиявий натижа ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар таҳлили**

Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий натижалари таркибида асосий ўринни маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан олинган ялпи фойда ташкил этади. Молиявий натижаларнинг асосий қисми маҳсулот, иш ва хизматларни сотишдан шаклланди. Таҳлилда асосий эътибор ушбу қаторнинг режага ва ўтган йилларга нисбатан ўзгариши ва омилли таъсирга қаратилади.

Маҳсулот иш ва хизматларни сотишдан олинган молиявий натижа маҳсулот, иш ва хизматларни сотишдан олинган соф тушумдан шу маҳсулот иш ва хизматларнинг ишлаб чиқариш таннархини чегириш асосида аниқланади. Савдо ташкилотларида молиявий натижаларни аниқлашда товарларни сотишдан олинган соф тушумдан шу маҳсулотларни сотиб олиш қийматини чегириш асосида аниқланади.

##### ***Таҳлилда сотишнинг учта қатори характерланади.***

1. Маҳсулот иш ва хизматларни сотишдан молиявий натижа;
2. Асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш ва сотишдан натижа;
3. Бошқа активларни сотишдан олинган натижа.

Уларни бухгалтерия ҳисобида аълоҳида ҳисоб объекти ёки даромадларнинг юзага чиқиш шакли ёки ўрни сифатида таркибланиши белгиланган. Бунда асосий воситаларнинг ҳисобдан чиқарилиши ва сотилиши, бошқа активларни сотишдан олинган натижалар асосий ишлаб чиқаришнинг бошқа жарағлари сифатида қаралади. Уларни молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда операцион даромадлар ва харажатлар қатори кўрсатилиши тартибланган.

Маҳсулот иш ва хизматларни сотишдан олинган фойда ёки зарар ўзгаришида омилли таҳлилга алоҳида аҳамият берилади.

##### ***Маҳсулот сотишдан олинган фойда ўзгаришига қуйидаги омиллар таъсир этиши мумкин:***

- ❖ Корхонанинг ўзига боғлиқ омиллар ёки ички омиллар.
- ❖ Корхонанинг ўзига боғлиқ бўлмаган ёки ташқи омиллар.

Корхонанинг ўзига боғлиқ бўлган омилларга маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннархи, ҳажми, ассортимент ва структура омиллари киритилади. Унинг ўзига боғлиқ бўлмаган ёки ташқи омилларга давлатнинг солиқ сифатининг ўзгариши, баҳо омили ва бошқа омиллар киради.

Умумий жиҳатдан олганда фақат корхонанинг ўзига тегишли ва тегишли бўлмаган таъсир омилларини тартиблаш қийин. Уларни фақат нисбий жиҳатдан қараш мумкин.

Маҳсулот, иш ва хизматларни сотилган қаторга киритишда бевосита мулкӣ эгаллик ва уларни тасарруф этиш шартидан келиб чиқилади. Маҳсулот, иш ва хизматларни сотишдан олинган ялпи фойда таҳлилида бевосита маҳсулот ишлаб чиқаришнинг маржиналлик шартига ҳам баҳо

бериш мумкин. Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг маржиналлик шарти маҳсулот, иш ва хизматларни сотишдан олинган тушум суммасидан барча ўзгарувчан харажатларни чегиришни характерлайди. Бунда янгидан яратилган қиймат фақат ўзгарувчан қийматнинг ўзидан иборат бўлади. Яъни, корхона маржиналлик шартида критик ҳажм даражасида фойда суммасига эга бўлмайди. У фақат ишлаб чиқариш харажатларини, ўзгарувчан ва ўзгармас харажатларни қоплаш даражасидаги маҳсулот ҳажмигагина эга бўлади. Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг маржиналлик шарти корхона ишлаб чиқариш режаси ва фаолият натижавийлигини олдиндан белгилаш имконини беради.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг критик даражаси ҳам одатда ушбу қатор бўйича ўрганилади. Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг критик ҳажм даражаси деганда корхонанинг фойда ёки зарар олмасдан маҳсулот иш ва хизматлар ҳажмини белгилаш даражаси олинади. Критик ҳажм даражасида маҳсулот иш ва хизматларни сотишдан олинган тушум фақат шу маҳсулот иш ва хизматларга кетган ўзгарувчан ва доимий ўзгармас харажатларни қоплашга етиши кузатилади.

Критик ҳажм даражаси амалий қўлловимизга эндиgina кириб келаётган кўрсаткич ҳисобланади. Ушбу кўрсаткични аниқлаш асосида корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш режаси ёки фойда режасини олдиндан чамалаш, белгилашда асосий кўрсаткич сифатида фойдаланшимиз мумкин.

Таҳлилда критик ҳажм даражаси ва уни аниқлашнинг усулубий боғланишлари белгиланади. Шунингдек унинг ўзгаришини омилли таҳлил этиш орқали ечимлар берилади.

Критик ҳажм даражасини куйидаги формула шаклида ифода этиш мумкин. Бунда бевосита маҳсулотнинг қиймат ифодасидан ёки сотиш баҳосидан келиб чиқилади. Маҳсулотнинг қиймат ифодасини эса куйидагича белгилаш мумкин.

Маҳсулот қиймати = Ўзгарувчан харажат + Ўзгармас харажатлар + фойда.

Бундан критик ҳажм даражасига юқорида берилган таърифдан келиб чиққан ҳолда куйидаги боғланишни бериш мумкин.

Критик ҳажм даража

сида маҳсулот ҳажми = Ўзгарувчан харажатлар + ўзгармас харажатлар + 0

Бу бевосита қийматни иқтисодий категория сифатида белгилашдаги ифодалашнинг ўзидан иборатдир. Яъни

Маҳсулот

ҳажми = Доимий капитал + Ўзгарувчи капитал + Фойда

Критик ҳажм даражасида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар қаторига куйидагиларни киритиш мумкин.

-Маҳсулот бирлигига тўғри келадиган ўзгарувчан харажатларнинг ўзгариши

-Маҳсулот бирлигининг баҳоси

-Маҳсулотлар миқдор ўзгаришлари

-Ўзгармас харажатлар ўзгариши ва ҳ.к.

Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг критик ҳажм даражасини қуйидаги мисол асосида аниқлаш мумкин.

53-жадвал

**Маҳсулот ишлаб чиқариш критик ҳажм даражасининг таҳлили**

Кўрсаткичлар	Суммаси
Маҳсулот бирлигининг баҳоси	500
Жами ўзгармас харажатлар	100000
Маҳсулот бирлига тўғри келадиган ўзгарувчан харажатлар	300

**АНИҚЛАШ КЕРАК:**

Критик ҳажм даражасини

-қиймат ифодаси-?

-миқдор ифодаси -?

$$\text{Критик ҳажм даражаси} = \frac{\text{Жами ўзгармас харажатлар}}{\frac{\text{бирликка ўзгарувчан харажат}}{\text{бирлик баҳоси}}}$$

Юқоридаги белгилашлардан критик ҳажм даражасини аниқлаш мумкин.

$$\text{Критик ҳажм} = \frac{100000}{\frac{300}{500}} = 250000 \text{ сўм}$$

Критик ҳажм даражасининг қиймат ифодасини унинг бирлик баҳосига бўлиш асосида критик ҳажм даражасида маҳсулот миқдорини аниқлаш мумкин.

$$\text{Критик ҳажм} = \frac{250000}{500} = 500 \text{ дона}$$

Унинг ўзгаришини бевосита юқоридаги формула асосида ўзаро боғланишларда аниқлаш мумкин.

54-жадвал

**«ABC» акционерлик жамиятининг маҳсулот сотишдан олинган фойдаси ва унинг ўзгаришини омилли таҳлили**



Кўрсаткичлар	Утган йили	Ҳисобот йили ўтган йил таннархида	Ҳисобот йили
1	2	3	4
1. Маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишдан олинган соф тушум, минг сўм	1452513	2578146	3040381
2. Сотилган маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг ишлаб чиқариш таннархи, минг сўм	929608	1789537	2168322
3. Маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишдан олинган ялпи фойда, минг сўм	522905	788609	872059

Таҳлил этувчининг тушуниши осонроқ бўлиши учун қуйидаги боғланишларни келтириш ўринлидир.

55-жадвал

Маҳсулот, иш ва хизматларни сотишдан олинган ялпи фойда ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни аниқлаш

Кўрсаткичлар	Утган йили	Ҳисобот йилида сотиш ҳажми ўтган йил таннархида	Ҳисобот йили
1	2	3	4
1. Маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишдан олинган соф тушум	$Q_0P_0$	$Q_1P_0$	$Q_1P_1$
2. Сотилган маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг ишлаб чиқариш таннархи	$Q_0S_0$	$Q_1S_0$	$Q_1S_1$
3. Маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишдан олинган ялпи фойда	$Q_0(P_0 - S_0)$	$Q_1(P_0 - S_0)$	$Q_1(P_1 - S_1)$

Бу ерда:

$Q$  – маҳсулот ҳажми;

$S$  – маҳсулот бирлигининг таннархи;

$P$  – маҳсулот бирлигининг баҳоси.

1. Маҳсулот ҳажмининг ўзгариши:

$$788609 - 522905 = +265704$$

2. Баҳо ва ишлаб чиқариш таннархи ўзгаришининг ялпи фойда ўзгаришига таъсири:

$$872059 - 788609 = +83450$$

Жадвал маълумотларидан кўринадики, таҳлил қилинаётган корхонада жорий йилда маҳсулот сотишдан олинган ялпи фойда миқдори ўтган йилга нисбатан 349154 минг сўмга ўсган. Бу ўзгариш қуйидаги омиллар ҳисобига

бўлган: яъни, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг миқдор жиҳатидан ўзгариши ҳисобига маҳсулот сотишдан олинган фойда суммаси 265704 минг сўмга ортган. Умуман олганда корхонанинг маҳсулот сотишдан олинган ялпи фойдасини ортишига асосан маҳсулот ҳажмининг миқдорини ўсиши сабаб бўлган. Маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан олинган ялпи фойданинг ўсганлиниги ижобий ҳолат сифатида баҳоламоқ лозим.

## **11.5. Давр харажатларининг таҳлили**

*Давр харажатлари дейилганда* – бевосита ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлмаган харажатлар ва сарфлар тушунилади. Давр харажатлари таркибига маҳсулот ишлаб чиқариш таннархига киритилмайдиган хўжалик сарфлари киритилади. ***Уларни юзага чиқиш шакли ва ўрнига қараб қуйидагиларга ажратиш мумкин.***

- сотиш харажатлари;
- маъмурий харажатлар;
- бошқа умумхўжалик харажатлари.

***Сотиш харажатлари*** «Маҳсулот (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) таннархига киритиладиган харажатлар, Маҳсулот (бажарилган иш, кўрсатилган хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларнинг шаклланиш тартиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ ягона тартиблашни ва тўғридан тўғри корхона фаолият натижавийлиги боғланиши тартибланган.

Сотиш харажатлари маҳсулотларни харидор ва буюртмачиларга ортиб жўнатиш ва сотиш билан боғлиқ бўлган харажатларни ўз ичига олади.

Сотиш харажатларини иш ҳақи харажатлари, иш ҳақидан ажратмалар, материал харажатлари, асосий воситалар ва номатериал активлар амортизацияси, реклама харажатлари, иш ва хизматлар, бошқа харажат моддалари бўйича таркиблаш ва таҳлил этиш мумкин.

Сотиш харажатларининг қопланиши корхонанинг дастлаб ҳисоб фойдасидан амалга оширилади.

***Маъмурий харажатлар*** қаторига корхона бошқаруви билан боғлиқ бўлган харажатлар киритилади ва уларнинг корхона сарфлари таркибидаги салмоғи сезиларли улушни ташкил этади. Бу бевосита раҳбарлар ва бошқарув аппаратини хизмати харажатларидир.

***Бошқа умумхўжалик харажатлари*** қаторига юқоридаги таркибга киритилмаган харажатлар ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, ўзлаштириш ва янги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш билан боғлиқ бўлган харажатлар киритилади.

## **11.6. Асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан олинган даромад ва харажатлар таҳлили**

Асосий фаолиятнинг бошқа жарағнларидан даромад ва харажатлар таҳлилида асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг маҳсулот иш ва хизматларни сотишдан ташқари фаолиятлардан олинган даромад ва йўқотишлари таҳлил этилади. Асосий фаолиятнинг бошқа жарағнлардан олинган даромад ва харажатлар кўпинча **операцион даромадлар ва харажатлар** деб ҳам айтилади. Операцион харажатлар ва даромадлар қаторига бошқа сотишлардан олинган даромадлар ёки улар бўйича йўқотишлар киради.

**Корхонанинг бошқа операцион харажатларига қўйидагилар киради:** кадрлар тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлаш харажатлари, лойиҳа ва қурилиш-монтаж ишларида чалаликни бартараф этиш харажатлари, маслаҳат ва ахборот тизимларига ҳақ тўлаш, аудиторлик хизматлари учун тўловлар, саломатликни муҳофаза қилиш ва ходимларни ишлаб чиқариш жараёнида бевосита қатнашуви билан боғлиқ бўлмаган дам олишларни ташкил этиш тадбирлари харажатлари, шаҳар ободончилик ишлари ва қишлоқ хўжалигига ёрдам бериш билан боғлиқ харажатлар, компенсация ва рағбатлантириш тусидаги тўловлар иш ҳақини ҳисоблашда эътиборга олинмайдиган тўловлар ва харажатлар, яъни, моддий ёрдам, соғлиқни сақлаш объектлари, қариялар ва ногиронлар уйлари, болалар мактабгача тарбия муассасалари, соғломлаштириш лагерлари, маданият ва спорт объектларини асраш харажатлари, вақтинча тўхтатиб қўйилган ишлаб чиқариш қувватлари ва объектларини сақлаш харажатлари, банк хизмати учун тўловлар, ҳар хил хайрия жамғармалари, экология, соғломлаштириш, маданият, халқ таълими, ижтимоий таъминот ва шу каби ташкилотларга бадаллар, бюджетга мажбурий тўловлар, солиқлар ва йиғимлар ва бюджетдан ташқари жамғармаларга ажратмалар, зарарлар, жарималар, пенялар ва бошқа харажатлардан иборатдир.

**Асосий ишлаб чиқариш фаолиятдан олинган бошқа даромадларга қўйидагилар киради:**

- ундирилган ёки қарздор томонидан эътироф қилинган жарималар ва пенялар;
- ҳисобот йилида аниқланган ўтган йилга тегишли фойда;
- ёрдамчи хизмат кўрсатувчи тармоқлардан олинган тушумлар;
- асосий воситалар, номоддий активлар ва бошқа мол-мулкларни сотишдан олинган даромадлар;
- даъво билдириш муддати ўтган кредиторлик ва депонент қарзларни ҳисобдан чиқаришдан олинган даромадлар;
- товар-моддий бойликларни қайта баҳоланишдан кўрилган натижалар;
- давлат субсидияларидан даромадлар;
- холисона молиявий ёрдам;
- бошқа операцион даромадлар.

## 11.7. Операцион жараёнлардан олинган даромадлар ва йўқотишлар таҳлили

Операцион жараёнлардан олинган даромадлар қаторига корхонанинг асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишдан ташқари фаолиятдан олинган даромадлар киритилади. Улар бўйича харажатлар ва даромадлар қатори алоҳида таркибланган ҳолда умумий суммада молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботга туширилади. Операцион даромадлар ва харажатлар ўзининг соф қиймати бўйича ҳам молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботга туширилиши белгиланган. Бунда операцион жараёнлардан олинган даромадлар улар бўйича харажатлар қийматига фарқланган ҳолда ҳисоботга фойда ёки зарар қаторига туширилади.

Бошқа сотишлар бўйича Республика Солиқ кодексига мувофиқ алоҳида солиқлар тўлови қўлланилади. Шунингдек, маҳсулот (иш ва хизмат)ларни сотишга солиқлар, даромад ёки тушумларнинг бу қатори бўйича ҳам амал этади. Бошқа сотишлардан соф тушум суммаси ҳам маҳсулот (иш ва хизмат)ларни сотишдан соф тушумни аниқлашдаги каби услубий боғланишга эга.

Операцион жараёнлардан даромадлар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин. Корхонада ортиқча саналган ёки фойдаланишсиз турган асосий воситаларни сотишдан олинган натижа, уларни ҳисобдан чиқаришдан олинган натижа, номоддий активларни ҳисобдан чиқариш ва сотишдан олинган натижа, капитал қўйилмалар бўйича натижа, узоқ муддатли ишлатишга олинган, лизинг қўлловидан даромадлар, қимматли қоғозларни сотишдан олинган даромадлар, кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмларни сотишдан олинган даромадлар, материал ва хом-ашғларни сотишдан олинган даромадлар, валюта маблағларини сотишдан олинган даромадлар, улар бўйича сарфлар ва йўқотишларни ўз ичига олади.

*56-жадвал*

### «АВС» акционерлик жамиятининг операцион фаолиятидаги даромадлар ва харажатлар таҳлили (минг сўмда)

Кўрсаткичлар	Утган йили		Ҳисобот йили		Фарқи (+,-)	
	фойда	зарар	Фойда	зарар	Фойда	зарар
1	2	3	4	5	6	7
1. Асосий воситаларни сотишдан олинган натижа	54793	96387	51389	89328	-3404	-7059
2. Кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмларни сотишдан олинган натижа	-	35697	-	52131	-	+16434
3. Валюта маблағларини сотишдан олинган натижа	36982	-	50836	-	+13854	-
4. Мулкни узоқ муддатли ижарага беришдан олинган натижа	-	-	3645	-	+3645	-
5. Материалларни сотишдан олинган натижа	6862	42397	954	39821	+5908	-2576
6. Қимматли қоғозларни сотишдан олинган натижа	-	3773	-	-	-	-3773

7. Номоддий активларни сотишдан олинган натижа	-	-	-	8372	-	+8372
<b>Жами</b>	<b>98637</b>	<b>178254</b>	<b>106824</b>	<b>189652</b>	<b>+8187</b>	<b>+11398</b>

Жадвал маълумотларидан кўринадики, биз таҳлил қилаётган корхонада жорий йилда жами 106824 минг сўмлик операцион фаолиятдан фойда кўрилган бўлса, 189652 минг сўмлик зарар кўрилган. Ўтган йилга нисбатан корхонанинг операцион фаолиятдан кўрган фойдаси 8187 минг сўмга, зарари эса 11398 минг сўга ўсган. Маълумотлардан кўринадики, операцион фаолиятдан кўрилган фойданинг асосини асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш ва сотиш, хорижий валюталарни сотиш, материалларни сотишдан бўлган фойда ташкил этган. Операцион фаолиятдан кўрилган зарарларнинг асосий қисмини эса асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш ва сотиш ҳисобига, кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмларни сотиш ҳисобига бўлган. Шунингдек, қимматли қоғозлар сотишдан олинган зарар суммаси эса ҳисобот йилида бир қадар камайишига эришилган.

## **11. 8. Молиявий фаолиятдан олинган даромад ва йўқотишлар таҳлили**

Молиявий фаолиятдан олинган натижа корхона фаолият натижавийлигининг алоҳида ҳисоб қатори сифатида таркибланади ва таҳлил этилади. Молиявий фаолиятдан олинган фойда ва зарарлар корхонанинг фонд бозори, молия бозоридаги фаолиятдан келадиган натижаларни ўз ичига олади. Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар қатори «Маҳсулот (иш ва хизмат)лар таннархига киритиладиган харажатлар, маҳсулот (иш ва хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ва молиявий натижаларнинг шаклланиш тартиби тўғрисида»ги Низомга мувофиқ таркибланади. Молиявий фаолиятдан олинган даромадларнинг корхоналарнинг жами ҳисоб фойдаси таркибидаги салмоғи сўнгги йилларда бир қадар ўсиб бормоқда. Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин. Масалан, бошқа корхоналар фаолиятида ҳиссали қатнашишдан олинган даромадлар, валюта маблағларининг курс ўзгаришидан олинган даромадлар, бошқа корхоналарга, шўъба ва уюшма корхоналарга берилган қарзлар бўйича олинган даромадалар, фоизлар бўйича олинган ва тўланган даромадлар, акциялар бўйича олинган дивидендлар суммаси ва ҳ.к.

Таҳлилда уларнинг режага ва ўтган йилларга нисбатан ўзгаришларига мутлоқ ва нисбий ўзгаришларига баҳо берилади ҳамда унинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар ўрганилади.

Таъсир этувчи омиллар ҳар бир таркиб қатор бўйича алоҳида ва умумий асосда ўрганилади.

Таҳлил учун зарур бўлган маълумотлар молиявий натижалар тўғрисидаги молиявий ҳисоботдан ва унинг қаторлари бўйича берилган

изоҳлардан олинади. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда молиявий фаолиятдан олинган даромадларнинг куйидаги қаторлари таркибланган.

- шўба ва уюшма корхоналардан олинган дивидендлар;
- бошқа олинган дивидендлар;
- шўба ва уюшма корхоналарга берилган ва олинган қарзлар бўйича фоизлар;
- бошқа олинган ва берилган қарзлар бўйича фоизлар;
- валюта курсининг ўзгаришидан фарқлар;
- молиявий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар ва йўқотишлар.

### **11.9. Фавқулоддаги фойда ва зарарлар таҳлили**

Фавқулоддаги фойда ва зарарлар молиявий натижавийликнинг учинчи таркиб қатори ҳисобланади. Унинг қаторига бевосита тасодиқий ҳолатлардан кўриладиган натижалар киритилади. Масалан, сув тошқини ёки ер қимирлаши, ёнғин оқибатида, бўронлар оқибатида ёки бошқа табиат ҳодисалари асосида бўй берадиган йўқотишлар киритилади. Фавқулодда фойда ёки даромадалар қаторига киритилмаган ёки зарарлар қаторига киритилмаган аҳолида моддалар «Маҳсулот (иш ва хизмат)лар таннархига киритилмаган маҳсулот (иш ва хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ва молиявий натижаларнинг шаклланиши тартиби тўғрисида»ги Низомда аниқ кўрсатилмаган.

Уларнинг фақат битта шарти умумий Низомда белгиланган. Яъни, яқин уч йиллик оралиқда корхона учун одатий ҳол ҳисобланмаган ҳолатлардан олинмаган даромадлар ёки фойда суммаси корхона учун қўйилмаган ҳолатлардан олинган даромадлар сирасига киритилади.

Қўйилмаган ёки фавқулодда ҳолатлардан олинган даромадлар ёки улар бўйича йўқотишлар молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботнинг алоҳида таркиб қатори сифатида белгиланган.

Уларни корхонада режалаштириш амалга оширилмайди. Яъни, фавқулодда даромад ва харажатлар режалаштирилмайдиган қаторга киритилади. Уларнинг ҳозирги пайтда корхоналар фаолият натижавийлигидаги салмоғи сезиларга таъсирга эга эмас.

### **11.10. Корхона ҳисоб фойдаси (солиқ тўловига қадар фойда) таҳлили**

Корхона ҳисоб фойдаси ва унинг таркибига киритилмаган қаторлар тўғрисида юқорида кенгроқ тўхталган эдик. Яъни, корхона ҳисоб фойдаси асосий ишлаб чиқариш фаолиятидан олинмаган натижа, молиявий фаолиятдан натижа, фавқулодда фаолиятдан ёки ҳолатлардан натижаси жамланган ҳолда жорий давр бўйича корхонанинг ҳисоб фойдаси аниқланади. Корхона ҳисоб фойдаси давлатнинг ва ахборот

фойдаланувчиларнинг эътибор шартдаги асосий қатор ҳисобланади. Даромад ва харажатлар уларнинг юзага чиқиш вақти ва ўрни бўйича юритилган ҳолда якуний натижа ушбу қоида асосида тузилади.

Корхона ҳисоб фойдаси ёки солиқ тўловига қадар бўлган фойда (зарар) суммасидан фойда даромаддан солиқлар ва бошқа фойдадан солиқлар, тўловлар ва ажратмаларни чегириш асосида корхонанинг жорий давр бўйича соф фойда (зарар) суммаси аниқланади. Республикамиз солиқ қонунчилигига мувофиқ барча хўжалик ҳисобидаги корхоналар даромад солиғи тўловчилар ҳисобланади ва уларнинг айрим гуруҳи бўйича доимий ва вақтинчалик имтиғзлар белгиланган.

Бошқа солиқли тўловлар қаторига республика ва маҳаллий бюджетга тушадиган айрим тур солиқлар киритилади. Уларнинг тури ва ундириш тартиби Давлат Солиқ қўмитаси тамонидан белгиланади. Ягона солиқ тўловига ўтган корхоналарда ушбу солиқ тури олинган даромаддан қатъий ставкаларда ҳисобланади ва тўланади.

### **11.11. Соф фойда ва унинг ўзгаришини омилли таҳлили**

Бозор муносабатлари шароитида ҳар бир хўжалик субъекти ўз фаолияти натижасида соф фойдага эришишни кўзлайди. Шу сабабли ҳам соф фойда миқдорини ўрганиш ва унга таъсир этувчи омилларга баҳо бериш корхона самарадорлигини оширишга олиб келади. Корхона ихтиёрида қоладиган ва унинг эркин тасарруфидаги фойда соф фойда дейилади. Ушбу кўрсаткич солиқ тўловига қадар бўлган фойда суммасидан фойда (даромад)дан солиқ ва бошқа солиқлар ва ажратмалар суммасини чегириш асосида аниқланади. Соф фойда таҳлилида унинг ўтган йилларга, шунингдек, корхона бизнес режаси кўрсаткичларига нисбатан ўзгаришлари ўрганилади. Молиявий натижавийликнинг ушбу якуний қатори барча ички ва ташқи ахборотдан фойдаланувчилар эътиборидаги масала ҳисобланади.

Ташқи ахборотдан фойдаланувчилар корхонанинг фойдалилик даражасига, ўз активларини мақсадли бошқаришнинг шартларини белгилашга ҳам жиддий аҳамият беришади. Масалан, корхона мулкида ҳиссали қатнашувчилар акция эгалари келишувига ёки хусусий капиталдаги улушига қараб тақсимланадиган ҳисоб фойдасининг ҳолатига корхона ихтиёрида қоладиган соф фойда билан қизиқсалар, инвестиция ҳомийлари эса корхона фаолиятининг барқарорлиги ва ўсиш даражаларига кўпроқ қизиқадилар.

Бугунги кунда корхона соф фойдасининг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

- маҳсулот, иш ва хизматларни сотиш ҳажмининг ўзгариши;
- маҳсулот, иш ва хизматлар баҳосининг ўзгариши;
- маҳсулот, иш ва хизматлар ишлаб чиқариш харажатларининг ўзгариши;
- давр харажатларининг ўзгариши;

- молиявий фаолиятдан олинадиган фойда ва зарарларнинг ўзгариши;
- фавқулодда фойда ва зарарлар ўзгариши;
- фойдадан олинадиган солиқлар ва солиқли тўловларнинг ўзгариши ва ҳақозолар.

Таҳлил этишда ҳар бир омилнинг соф фойда ўзгаришидаги мутлоқ кийматлари аниқланади. Уларнинг ўзгаришларига баҳо бериш орқали корхонада фойдани ўстириш юзасидан ички имкониятларнинг мавжудлиги ўрганилади.

57-жадвал

Соф фойда ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар таҳлили

(минг сўмда)

Кўрсаткичлар	Ўтган йили	Ҳисобот йили	Фарқи (+,-)
1	2	3	4
1. Маҳсулот сотишдан олинган ялпи фойда	522905	872059	+349154
2. Давр харажатлари	-201985	-388162	+186177
3. Асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан даромад ва йўқотишлар	-79617	-82828	+3211
4. Молиявий фаолиятдан фойда ва зарарлар	34354	51975	+17621
5. Фавқулоддаги фойда ва зарарлар	-	-	-
6. Фойдадан солиқ ва бошқа солиқ ҳамда ажратмалар	245414	427644	+182230
<b>Жорий йилнинг соф фойдаси</b>	<b>30243</b>	<b>25400</b>	<b>-4843</b>

Жадвал маълумотларидан шуни хулоса қилиш мумкинки, таҳлил қилинаётган «АВС» акционерлик жамиятида ҳисобот даврида соф фойда ҳажми ўтган йилга нисбатан 4843 минг сўмга камайган. Унинг ўзгаришига ҳар битта кўрсаткичнинг таъсирини фарқ қаторига қараб баҳолаш мумкин. Соф фойданинг камайишига асосан давр харажатларининг кескин ошиб кетганлиги ҳамда фойдадан тўланган солиқ суммасининг ўтган йилга нисбатан деярли икки марта кўпайганлиги сабаб бўлган. Масалан, маҳсулот (иш ва хизмат)ларни сотишдан олинган ялпи фойда суммасининг ўтган йилга нисбатан 349154 минг сўмга ўсиши соф фойда суммасининг шунча ўзгаришига олиб келган. Давр харажатлари, асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан олинган зарарлар суммасининг, фавқулодда зарарлар суммасининг, фойдадан солиқлар суммасининг ўтган йилларга нисбатан ўсиши натижасида корхона соф фойдаси ўтган йилга нисбатан 371618 минг сўмга камайган.

Барча омиллар таъсирида соф фойда суммаси ўтган йилга нисбатан 4843 минг сўмга камайган. Демак, корхонада фойдани ўстириш юзасидан 371618 минг сўмлик ички резерв мавжуд дейиш мумкин. Агар корхона ушбу қаторлар бўйича ўзининг олдинги йил кўрсаткичларини сақлаганда эди яна кўшимча тарзда шунча фойда олиши мумкин эди.



## 11.12. Рентабеллик ва унинг кўрсаткичлар тизими

Корхона фаолият натижавийлигига баҳо беришнинг асосий кўрсаткичларидан бири рентабеллик кўрсаткичи ҳисобланади.

**Рентабеллик** - корхона фойдалиқ даражасини характерлайди. Одатда унинг бир неча турлари ҳисоб китоб қилинади. Бу бевосита мулкнинг шакли бўйича даромадларнинг юзага чиқиш ўрни ёки базаси бўйича, фойданинг ўзгаришига таъсир этувчи бирликлар бўйича ёки мустақил бирликлар бўйича аниқланиши мумкин.

**Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодиёт тармоқларида рентабелликнинг қуйидаги турлари аниқланади:**

### 1. *Ишлаб чиқариш харажатларига нисбатан рентабеллик;*

$$P = \frac{\text{соф фойда}}{\text{Ишлаб чиқариш харажатлари}} \times 100\%$$

Ушбу кўрсаткич бир сўмлик ишлаб чиқариш харажати ҳисобига олинган фойда суммасини характерлайди.

2. **Асосий воситалар рентабеллиги.** Асосий воситалар рентабеллиги ҳар бир сўмлик ёки минг сўмлик асосий восита ҳисобига тўғри келадиган фойда суммасини характерлайди. Ушбу кўрсаткич соф фойда суммасини асосий воситаларнинг ўртача йиллик қийматига бўлиш асосида аниқланади.

$$P = \frac{\text{Соф фойда}}{\text{Асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати}} \times 100\%$$

3. **Сотиш бўйича рентабеллик.** Сотиш бўйича рентабеллик сотилган маҳсулотларнинг фойдалиқ даражасини характерлайди. Ушбу кўрсаткич сотишдан олинган ялпи фойда суммасини маҳсулотларни сотишдан олинган тушумга бўлиш асосида аниқланади. Яъни

$$P = \frac{\text{Сотишдан олинган фойда}}{\text{Сотишдан олинган тушум суммаси}} \times 100\%$$

4. **Оборот активлар рентабеллиги.** Ушбу кўрсаткич оборот активларнинг ҳар бир сумига тўғри келадиган фойда, соф фойда суммасини характерлайди. Оборот активлар рентабеллиги олинган соф фойда суммасини оборот активларнинг ўртача йиллик қийматига бўлиш асосида аниқланади.

$$P = \frac{\text{Соф фойда}}{\text{Оборот активлар ўртача йиллик қиймати}} \times 100\%$$

5. **Жами мулк рентабеллиги.** Ушбу кўрсаткич корхона мулкининг фойдалилик даражасини характерловчи асосий кўрсаткич ҳисобланади. Бу кўрсаткич ҳар бир сўмлик мулкка тўғри келадиган соф фойда суммасини ифодалайди.

$$P = \frac{\text{Соф фойда}}{\text{Корхона мулки жами}} \times 100\%$$

6. **Ўз маблағлари рентабеллиги.** Ушбу кўрсаткич корхонанинг ўзига тегишли бўлган маблағларнинг фойдалилик даражасини характерлайди. Корхона соф фойдасини унинг ўзлик маблағлари манбаига бўлиш асосида ўзлик капиталининг фойдалилик даражаси ўрганилади.

$$P = \frac{\text{Соф фойда}}{\text{Корхона ўзлик маблағлари}} \times 100\%$$

7. **Қарз маблағлари рентабеллиги.** Ушбу кўрсаткич корхона соф фойдасини қарзга олинган маблағларига нисбати асосида аниқланади. Бу кўрсаткич ҳар бир сўмлик қарз маблағига тўғри келадиган фойда суммасини ифодалайди.

$$P = \frac{\text{Соф фойда}}{\text{Қарз маблағлари жами}} \times 100\%$$

8. **Асосий воситалар ва моддий оборот маблағлари рентабеллиги.** Ушбу кўрсаткич соф фойда суммасини корхона асосий воситалари ва моддий оборот маблағлари ўртача йиллик қийматига бўлиш асосида аниқланади. У ҳар бир сўмлик асосий ва оборот маблағига тўғри келадиган фойда суммасини характерлайди.

$$P = \frac{\text{Соф фойда}}{\text{Асосий ва оборот маблағлари ўрт. йил. қийм.}} \times 100\%$$

Бугунги кунда амалиётда кенг тарқалган рентабеллик кўрсаткичларининг айримларини қуйидаги жадвал мисолида таҳлил қилиб чиқамиз.

58-жадвал

«ABC» акционерлик жамиятининг рентабеллик кўрсаткичлари, уларнинг турлари ва таъсир этувчи омиллар таҳлили

№	Кўрсаткичлар	Утган йили	Ҳисобот йили	Фарқи (+,-)
1	2	3	4	5
1	Маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишдан олинган соф тушум, минг сўм	1452513	3040381	+1587868
2	Сотилган маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг ишлаб чиқариш таннархи, минг сўм	929608	2168322	+1238714
3	Маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишдан олинган ялпи фойда, минг сўм	522905	872059	+349154
4	Соф фойда, минг сўм	30243	25400	-4843
5	Асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати (қолдиқ қийматда), минг сўм	80892	91253	+10361
6	Оборот маблағларининг ўртача йиллик қиймати, минг сўм	531756	689066	+157310
7	Корхонанинг жами мулки, минг сўм	718546	892557	+174011
8	Ўзлик маблағлари манбаи, минг сўм	460499	729410	+268911
9	Қарз маблағлари, минг сўм	258047	163147	-94900
10	Маҳсулот сотиш рентабеллиги, %	36,0	28,68	-7,32
11	Асосий воситалар рентабеллиги, %	37,98	27,83	-9,55
12	Оборот маблағлари рентабеллиги, %	5,69	3,69	-2,0
13	Ишлаб чиқариш таннархи рентабеллиги, %	56,25	40,22	-16,03
14	Ўз маблағлари рентабеллиги, %	6,57	3,48	-3,09
15	Мол-мулк рентабеллиги, %	4,21	2,85	-1,36
16	Умумий рентабеллик, % (4+5+6)*100	4,94	3,25	-1,69
17	Қарз маблағлари рентабеллиги, %	11,72	15,57	+3,85

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўринадики, биз таҳлил қилаётган «ABC2 акционерлик жамиятида ҳисобот йилида ўтган йилга нисбатан аксарият рентабеллик турлари бўйича пасайиш кузатилган. Бу шундан далолат бермоқдаки, корхонанинг самарадорлиги пасайиб бораётганлигидан ҳамда унинг молиявий ҳолати ёмонлашаётганлигидан далолатдир. Маълумотлардан кўринадики, жорий йилда маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан олинган соф тушум миқдори +1587868 минг сўмга ортган бўлсада, бунга мос равишда маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннархи ҳам, бошқа турдаги активлар ҳам ўсган. Соф фойда миқдори эса ўтган йилга нисбатан 4843 минг сўмга камайган. Натижада аксарият рентабеллик кўрсаткичларида пасайиш тенденцияси ҳосил бўлган. Корхонада фақатгина қарз маблағлари рентабеллиги 3,85 фоизга ўсиши кузатилган ҳолос. Корхона маъмурияти рентабеллик кўрсаткичларини яхшилаш чораларини кўриши лозим бўлади. Акс ҳолда, корхонанинг молиявий ҳолати танг аҳволга тушиб қолиши мумкин.

### 11.13. Рентабелликка таъсир этувчи омиллар таҳлили

Рентабеллик ўзгаришига таъсир этувчи омилларга таҳлилда алоҳида аҳамият берилади. Рентабеллик ўзгаришига таъсир этувчи омилларни уларда қатнашувчи бирликларга нисбатан белгилаш мумкин. Масалан, маҳсулотни сотишга нисбатан рентабеллик ўзгаришига сотишдан олинган ялпи фойда

суммасининг ўзгариши ва сотишдан олинган тушумлар суммасининг ўзгариши таъсир этса, асосий воситалар рентабеллигига корхона соф фойдасининг ўзгариши ва асосий воситаларнинг ўртача йиллик қийматининг ўзгариши, умумий рентабелликка бир сўмлик тушумга тўғри келадиган соф фойда суммасининг ўзгариши, асосий воситалар қайтимининг ўзгариши ва моддий оборот маблағлар қайтимининг ўзгаришлари таъсир қилади ва ҳ.к.

Рентабеллик ўзгаришига таъсир этувчи омилларни қуйидаги жадвал маълумотлари асосида ҳам аниқ кўриш мумкин.

**59-жадвал**

**Мол-мулк рентабеллиги ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар таҳлили**

Кўрсаткичлар	Ўтган йили	Шартли кўрсаткич (рентабеллик)	Ҳисобот йили	Жами ўзгариш (+,-)	Шу жумладан	
					Фойдани ўзгариши ҳисобига	Мол-мулк қийматининг ўзгариши ҳисобига
1	2	3	4	5	6=4-3	7=3-2
Рентабеллик, %	4,21	3,53	2,85	-1,36	-0,68	-0,68

Биз таҳлил қилаётган корхонада ҳисобот йилида мол-мулк рентабеллиги ўтган йилга нисбатан 1,36 фоизга пасайган. Бунга асосан иккита омил, яъни, соф фойда миқдорининг ўзгариши ҳамда мол-мулк қийматининг ўзгариши таъсир этган. Маълумотлардан кўринадик, соф фойданинг ҳисобот даврида камайганлиги ҳисобига мол-мулк рентабеллигини ўтган йилга нисбатан 0,68 фоизга пасайишига, мол-мулк қийматининг жорий даврда ўзгарганлиги эса 0,68 фоизга пасайишига олиб келган. Бундай натижалар одатда корхона учун салбий ҳолат сифатида баҳоланади. Шу сабабли корхона маъмурияти рентабелликни ошириш чораларини ва мавжуд имкониятларни излаб топиши лозим бўлади.

## Мавзу бўйича таянч иборалар

- молиявий натижалар таҳлилининг мазмуни ва таҳлил вазифалари;
- молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот, улар билан қизиқувчиларни жалб этувчи асосий кўрсаткичлар;
- молиявий натижаларни шаклланиши;
- сотишдан кўрилган фойдага таъсир этувчи омилларни ҳисоблаш тартиби;
- давр харажатларини таҳлил этиш услуги;
- асосий фаолиятнинг бошқа жарағнларидан даромадлар ва тушумлар;
- молиявий фаолиятдан кўрилган фойда (зарар)ларни таҳлил этиш тартиби;
- рентабеллик турлари, уларни моҳияти ва аниқлаш тартиби;
- корхона активи (мол-мулк) рентабеллик даражасига таъсир этувчи омиллар;
- ишлаб чиқариш рентабеллиги ва унга таъсир этувчи омиллар;
- маҳсулот турлари бўйича рентабеллик даражасига таъсир этувчи омиллар;

А) маҳсулот таннархи

Б) маҳсулот бирлигини баҳоси

- фойда ва рентабелликни ошириш йўллари.

## Такрорлаш учун саволлар

1. Молиявий натижа атамасининг луғавий маъноси нимадан иборат?
2. Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий натижаларини ўрганишда таҳлилнинг асосий вазифалари нималардан иборат?
3. Молиявий натижаларни ўрганишда қандай маълумотлардан фойдаланилади?
4. Хўжалик юритувчи субъектларнинг фойда (зарари)си таркибига нималар қиради ва уни таҳлил қилиш қандай амалга оширилади?
5. Молиявий натижаларнинг аниқланиш тартибини кўрсатиб беринг?
6. Маҳсулот сотишдан олинган ялпи фойда қандай таҳлил этилади?
7. Асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг ялпи молиявий натижаси қандай

- таҳлил қилинади?
8. Молиявий фаолиятдан кўрилган даромад ва йўётишлар қандай ўрганилади?
  9. Умумхўжалик фаолиятдан олинган ялпи молиявий натижа ва унга таъсир этувчи омиллар қандай таҳлил этилади?
  10. Фавқулоддаги фойда ва зарарлар қандай таҳлил этилади?
  11. Солиқ тўлангунгача бўлган молиявий натижалар қандай таҳлил этилади?
  12. Соф фойда ва унга таъсир этувчи омиллар қандай таҳлил қилиб чиқилади?
  13. Фойда қандай тақсимланади ва унинг таҳлили қандай амалга оширилади?
  14. Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг критик ҳажм даражаси деганда нимани тушунасиз ва у қандай таҳлил этилади?
  15. Молиявий натижалар қандай баҳоланади?
  16. Даромадларнинг жорий ва келгусидаги қийматини аниқлаш тартибини кўрсатиб беринг?

### Мустақил ўрганиш учун топшириқлар

#### **1-топшириқ**

Қуйида илова қилинган “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот” маълумотлари асосида корхонанинг молиявий натижаларини мустақил равишда таҳлил қилиб чиқинг, хулосалар ёзинг ва таклифлар беринг.

#### **2-топшириқ**

“Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот” маълумотларига таяниб корхонанинг зарар кўрмаслик нуқтасини аниқланг.

**МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ  
(2-сонли шакл)**

Кўрсаткичлар номи Наименование показателя	Сатр коди Код стр.	Ўтган йилнинг шу даврида За соответствующий период прошлого года		Ҳисобот даврида За отчетный период	
		Даромад- лар (фойда) Доходы (прибыль)	Харажатлар (зарар) Расходы (убытки)	Даромад- лар (фойда) Доходы (прибыль)	Харажатлар (зарар) Расходы (убытки)
1	2	3	4	5	6
Маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишдан соф тушум Чистая выручка от реализации продукции (товаров, работ и услуг)	010	4035485,8	x	4517395,6	x
Сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларнинг таннари Себестоимость реализованной продукции (товаров, работ и услуг)	020	x	2777126,7	x	1725282,9
Маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишнинг ялпи фойдаси (зарари) (сатр 010-020) Валовая прибыль (убыток) от реализации продукции (товаров, работ и услуг) (стр. 010-020)	030	1258359,1		2792112,7	
Давр харажатлари, жами (сатр. 050+060+070+080), шу жумладан: Расходы периода, всего (стр. 050+060+070+080), в том числе:	040	x	<b>3358660,5</b>	<b>x</b>	<b>4320200,4</b>
Сотиш харажатлари Расходы по реализации	050	x	209658,0	x	366798,4
Маъмурий харажатлар Административные расходы	060	x	1444062,3	x	2256047,1
Бошқа операцион харажатлар Прочие операционные расходы	070	x	1704940,2	x	1697354,9
Келгусида солиққа тортиладиган базадан чиқариладиган ҳисобот даври харажатлари Расходы отчетного периода, исключаемые из налогооблагаемой базы в будущем	080	x		x	
Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари Прочие доходы от основной деятельности	090	469823,4	x	1703000,8	x

Асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари) (сатр. 030-040+090) Прибыль (убыток) от основной деятельности (стр. 030-040+090)	100		<b>1630478,0</b>	<b>174913,1</b>	
Молиявий фаолиятнинг даромадлари, жами (сатр. 120+130+140+150+160), шу жумладан: Доходы от финансовой деятельности, всего (стр. 120+130+140+150+160), в том числе:	110	<b>2188640,6</b>	x		x
Дивидендлар шаклидаги даромадлар Доходы в виде дивидендов	120	422509,6	x	218253,9	x
Фоизлар шаклидаги даромадлар Доходы в виде процентов	130	214552,9	x	294266,2	x
Узоқ муддатли ижара (молиявий лизинг)дан даромадлар Доходы от долгосрочной аренды (финансовый лизинг)	140	1497228,5	x	-	x
Валюта курси фаркидан даромадлар Доходы от валютных курсовых разниц	150	31767,9	x	80731,9	x
Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари Прочие доходы от финансовой деятельности	160	22581,7	x		x
Молиявий фаолият бўйича харажатлар (сатр. 180+190+200+210), шу жумладан: Расходы по финансовой деятельности (стр. 180+190+200+210), в том числе:	170	X		X	
Фоизлар шаклидаги харажатлар Расходы в виде процентов	180	x		X	
Узоқ муддатли ижара (молиявий лизинг) бўйича фоизлар шаклидаги харажатлар Расходы в виде процентов по долгосрочной аренде (финансовому лизингу)	190	x		X	
Валюта курси фаркидан зарарлар Убытки от валютных курсовых разниц	200	x		X	
Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар Прочие расходы по финансовой деятельности	210	x		X	



Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси (зарари) (сатр. 100+110- 170) Прибыль (убыток) от общехозяйственной деятельности (стр. 100+110-170)	220	558162,6		768165,1	
Фавкулуддаги фойда ва зарарлар Чрезвычайные прибыли и убытки	230				
Даромад (фойда) солиғини тўлагунга кадар фойда (зарар) (сатр. 220+Ғ-230) Прибыль (убыток) до уплаты налога на доходы (прибыль) (стр. 220+Ғ- 230)	240	558162,6		768165,1	
Даромад (фойда) солиғи Налог на доходы (прибыль)	250	x	425367,1	x	565516,7
Фойдадан бошқа солиқлар ва йиғимлар Прочие налоги и сборы от прибыли	260	x	10623,6	x	16225,2
Ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарари) (сатр. 240-250-260) Чистая прибыль (убыток) отчетного периода (стр. 240-250-260)	270	122171,9		186423,2	

#### БЮДЖЕТГА ТЎЛОВЛАР ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

Кўрсаткичнинг номи Наименование показателя	Сатр коди Код строки	Ҳисоб бўйича тўланади Причитается по расчету	Ҳақиқатда тўланган Фактически внесено
1	2	3	4
Даромад (фойда) солиғи, (сатр. 281+282), шу жумладан: Налог на доходы (прибыль), (стр. 281+282), в том числе:	280	565531,3	565531,3
Юридик шахслардан С юридических лиц	281	565531,3	565531,3
Жисмоний шахслардан С физических лиц	282		
Ялпи тушумдан олинадиган ягона солиқ Единый налог с валовой выручки	290		
Белгиланган даромаддан олинадиган ягона солиқ Единый налог на вмененный доход	300		
Ягона ер солиғи Единый земельный налог	310		
Ягона солиқ Единый налог	320		
Кўшилган қиймат солиғи налог на добавленную стоимость	330	5401,5	5401,5
Акциз солиғи Акцизный налог	340		
Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ Налог за пользование недрами	350		

Экология солиғи Экологический налог	360	24866,1	24866,1
Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ Налог за пользование водными ресурсами	370	475,1	475,1
Импорт бўйича божхона божи Импортные таможенные пошлины	380		
Мол-мулк солиғи Налог на имущество	390	45816,6	45816,6
Ер солиғи Земельный налог	400	13234,2	13234,2
Инфраструктурани ривожлантириш солиғи Налог на развитие инфраструктуры	410	16210,7	16210,7
Бошқа солиқлар Прочие налоги	420	1230,4	1230,4
Маҳаллий бюджетга йиғимлар Сборы в местный бюджет	430		
Бюджетга тўловларнинг кечиктирилганлиги учун молиявий жазолар Финансовые санкции за просроченные платежи в бюджет	440		
<b>Жами бюджетга тўловлар суммаси (280 дан 440 сатргача, 281 ва 282 сатрлардан ташқари) Всего сумма платежей в бюджет (стр. с 280 по 440 кроме стр. 281 и 282)</b>	<b>450</b>	<b>672765,9</b>	<b>672765,9</b>

## **ДЕБИТОРЛИК ВА КРЕДИТОРЛИК ҚАРЗЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ**

### **12.1. Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик юритувчи субъектларнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзларини ўрганишнинг аҳамияти, таҳлил вазифалари ва ахборот манбаи**

Корхоналар ўртасида бўладиган, шунингдек, кредит ташкилотлари ва назорат ташкилотлари ўртасидаги ҳисоб китобларда тўловлар бўйича кечиктирилган вақт бўйича фарқланишлар келиб чиқади. Бунда корхона томонидан тўланиши лозим бўлган мажбуриятлар **кредиторлик мажбуриятлари**, олинishi лозим бўлган мажбуриятлар эса **дебиторлик мажбуриятлар** ҳисобланади. Дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларига қуйидагича шарҳ бериш мумкин. Қарши тамонга тўланиши лозим бўлган мажбуриятлар кредиторлик мажбуриятлари, қарши тамондан олинishi лозим бўлган мажбуриятлар дебиторлик мажбуриятлари дейилади.

Дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари ҳисоб китобларнинг доимий йўлдоши ҳисобланади. Лекин уларнинг тўлов муддатининг ошиб кетиши корхоналар молиявий аҳволига катта таъсир ўтказади. Шу мақсадда корхоналар фаолиятини юритишда дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларини тўғри бошқариш масаласига алоҳида аҳамият берилади.

Муддати ўтган дебиторлик мажбуриятларининг олдини олиш бевосита давлат назорати ва эътиборидаги масала ҳам ҳисобланади. Негаки, корхоналар ва ташкилотлар ўртасида бўладиган ўзаро муносабатларда мажбуриятларни тартиблаш асосида давлат нақд пул муомаласини бошқариш ва иқтисодий тадбирлар режасини тузиб чиқиш чора тадбирлари белгиланади.

Таҳлил этишнинг асосий мақсади – дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари айланиш даврини тезлаштириш асосида корxonанинг молиявий ҳолатини яхшилаш борасида чора-тадбирлар белгилашдан иборат. Дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари бўйича ҳисобот, маълумотнома ҳар ойнинг 1-санасида тузилиб, тегишли ташкилотларга топширилади. Ушбу маълумотномадан корxonанинг мажбуриятлар балансини ҳам тузиш мумкин.

Таҳлил этишда корхоналарнинг муайян даврга бўлган ўзаро дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларининг ҳолатига, таркибига, ташкил топиш муддатларига, юзага чиқиш сабабаларига, дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларнинг оқланувчанлигига, дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари бўйича даргумон қарзларнинг юзага чиқишига баҳо берилади.

***Бугунги бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида корхоналарнинг дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларини ўрганишда молиявий таҳлилнинг асосий вазифалари бўлиб:***

- Дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг юзага чиқиш сабабларини ўрганиш;
- Корхонанинг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳолатига баҳо бериш;
- Дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг вужудга келиш муддатлари бўйича таснифлаган ҳолда ўрганиш;
- Дебиторлик қарзларининг таркибий тузилиши ва динамик ўзгаришларига баҳо бериш;
- Кредиторлик қарзларининг таркибий тузилиши ва динамик ўзгаришларига баҳо бериш;
- Дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг айланувчанлигига баҳо бериш;
- Муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг мавжудлигини ва уларни тугатиш йўллариини ўрганиш;
- Қарзларни камайтириш бўйича мавжуд имкониятларни кўрсатиб бериш ва ҳақозо.

***Хўжалик юритувчи субъектларнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзларини ўрганишда асосий ахборот манбалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:***

- ✓ Корхонанинг «Бухгалтерия баланси» (1-шакл) маълумотлари;
- ✓ “Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар ҳақида маълумотнома” дан;
- ✓ Бухгалтерия ҳисобининг дебиторлик ва кредиторлик қарзларини акс эттирувчи тегишли счёт маълумотлари.

## **12.2. Бухгалтерия баланси бўйича дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг вужудга келиш сабаблари**

Дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари бевосита корхона билан қарши тамон ўртасидаги ўзаро ҳисоб китобларда келиб чиқадиган мажбуриятлардир. Бу мажбуриятлар корхона билан мол етказиб берувчилар ёки харидорлар ўртасидаги муносабатларда, корхона билан банк ташкилотлар ўртасида, корхона билан солиқ органлари ўртасидаги, корхона билан ижтимоий таминол бўлимлари ва турли жамоат ташкилотлари, шунингдек, ходимлар, мулк эгалари, акционерлар ва инвесторлар билан бўладиган муносабатларда юзага келади. Уларнинг юзага келишининг асосий сабаби ҳисоб китобларда вақтнинг ўзгарувчанлигидир. Яъни бугун ортилган маҳсулот ҳам пули тўлангунга қадар дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлар қаторига киритилади. Бунда даромад ва харажатларнинг юзага

чиқиши билан улар бўйича ҳисоб китобларнинг амалга ошиши орасида фарқланиш келиб чиқади.

**Дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларининг юзага келиши бўйича қуйидаги сабаб қаторларини таркибланиш мумкин:**

-ўзаро ҳисоб китобларда томонларнинг тўлов лағқатига эга эмаслиги;  
-товарларни ортиб жўнатиш ва сотишда ҳисоб китобларнинг замонавий шакллариининг чекланганлиги;

-мулк ва унга эгаллик қилишда масъуллик ҳиссининг йуқлиги;  
-ўзаро шартномавий муносабатларнинг яхши йўлга қўйилмаганлиги;  
-даромадларни тан олиш юзасидан корхоналар тармоқ хусусиятидан келиб чиқилмаганлиги;

-харажатлар таркибига кирувчи иш ва хизматларни ҳисобга олишда қатъий ҳужжатлаштириш мезонларининг йўқлиги;

-ходимлар ва капитал эгалари билан корхона ўртасидаги муносабатларда қатъий шартларнинг йўқлиги;

-кредит ташкилотлари билан мижоз ўртасида бўладиган муносабатларда корхоналар фаолиятини баҳолашнинг услубий асосларидаги камчиликлар;

-суғурта ташкилотлари билан корхоналар ўртасидаги муносабатларда қатъий давлат қонунчилик механизмининг мавжуд эмаслиги ва ҳ.к. сабабларни киритиш мумкин.

Биз юқорида белгилаган эдикки, корхонада дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларининг юзага келишининг асосий сабаби ҳисоб китобларда тўловлар муддатининг ёки санасининг турли ҳисобот даврига тушиб қолишидир. Бунда дебиторлик кредиторлик мажбуриятларининг юзага чиқишига ҳар қандай ҳолда ҳам йўл қўйилади. Агарда маҳсулотлар ортиб жўнатиш орқали сотиладиган бўлса бунда тўловлар амалга ошиш санасига қадар, агарда товарлар пулини олдиндан тўлаш асосида сотиладиган бўлса бунда ҳам товарларни жўнатиш санасига қадар мажбурият, қарз сифатида ҳисобда акс эттирилади.

Дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлар бўйича ҳисобот, маълумотнома ҳар ойнинг 1-санасига тузилади ва тегишли ташкилотларга топширилади.

Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари корхона баланси, яъни ҳар чоракда тузиладиган корхона активлари, капитали ва мажбуриятлари ҳолати тўғрисидаги ҳисоботда ҳам акс эттирилади.

### **12.3. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари балансини тузиш. Муддати узайтирилган қарзларнинг вужудга келиш сабаблари**

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзларига баҳо беришда уларни балан ҳолатига келтириб ўрганиш ҳам мумкин бўлади. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари баланси

улар орасидаги ўзаро тенглик нисбатини характерлайди. Бунда дебиторлик мажбуриятларининг кредиторлик мажбуриятларидан ортиб кетиши ёки аксинча ҳолатлари ифодаланади.

**Дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари қаторига 2002 йил 27-декабрда тасдиқланган бухгалтерия балансига кўра қуйидаги қаторлар киритилади:**

**Дебиторлар таркибига:**

- харидорлар ва буюртмачиларнинг қарзи (4000 дан 4900 нинг айирмаси);
- ажратилган бўлинмаларнинг қарзи (4110);
- шўъба ва қарам хўжалик жамиятларининг қарзи (4120);
- ходимларга берилган бўнақлар (4200);
- мол етказиб берувчи ва пудратчиларга берилган бўнақлар (4300);
- бюджетга солиқ ва йиғимлар бўйича бўнақ тўловлари (4400);
- мақсадли давлат жамғармалари ва суғурталар бўйича бўнақ тўловлари (4500);
- таъсисчиларнинг устав капиталига улушлар бўйича қарзи (4600);
- ходимларнинг бошқа операциялари бўйича қарзи (4700);
- бошқа дебиторлик қарзлари (4800)

**Кредиторлар таркибига:**

- мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга қарз (6000);
- ажратилган бўлинмаларга қарз (6110);
- шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига қарз (6120);
- солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича кечиктирилган мажбуриятлар (6240);
- олинган бўнақлар (6300);
- бюджетга тўловлар бўйича қарз (6400);
- суғурталар бўйича қарз (6510);
- мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарз (6520);
- таъсисчиларга бўлган қарзлар (6600);
- меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарз (6700);
- бошқа кредиторлик қарзлари (6950 дан ташқари 6900).

60-жадвал

**“АВС” акционерлик жамиятининг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари балансини таҳлили**

Дебиторлик қарзлари	Сумма, минг сўм	Кредиторлик қарзлари	Сумма, минг сўм
1	2	3	4
харидорлар ва буюртмачиларнинг қарзи (4000 дан 4900 нинг айирмаси)	6926	мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга қарз (6000)	90387
ходимларга берилган бўнақлар (4200)	-	ажратилган бўлинмаларга қарз (6110)	400

бюджетга солиқ ва йиғимлар бўйича бўнақ тўловлари (4400)	60609	шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига қарз (6120)	5007
ходимларнинг бошқа операциялари бўйича қарзи (4700)	-	солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича кечиктирилган мажбуриятлар (6240)	6721
шўъба ва қарам хўжалик жамиятларининг қарзи (4120)	1299	олинган бўнақлар (6300)	-
таъсисчиларнинг устав капиталига улушлар бўйича қарзи (4600)	-	суғурталар бўйича қарз (6510)	-
ажратилган бўлинмаларнинг қарзи (4110)	-	мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарз (6520)	-
мол етказиб берувчи ва пудратчиларга берилган бўнақлар (4300)	-	таъсисчиларга бўлган қарзлар (6600)	-
мақсадли давлат жамғармалари ва суғурталар бўйича бўнақ тўловлари (4500)	-	меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарз (6700)	-
бошқа дебиторлик қарзлари (4800)	67282	бошқа кредиторлик қарзлари (6950 дан ташқари 6900)	25039
<b>Жами</b>	<b>136116</b>	<b>Жами</b>	<b>127554</b>
Кредиторлик қарзларининг дебиторлик қарзларидан ортиқчалиги	-	Дебиторлик қарзларининг кредиторлик қарзларидан ортиқчалиги	<b>8562</b>
<b>БАЛАНС</b>	<b>136116</b>	<b>БАЛАНС</b>	<b>136116</b>

Юқоридаги жадвал маълумотлари асосида “ABC2 акционерлик жамиятининг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари балансини таҳлил қили чиқишимиз мумкин бўлади. Маълумотлардан кўринадикки, ўрганилаётган даврда корхонада жами дебиторлик қарзлари 136116 минг сўм бўлган бўлса, жами кредиторлик қарзлар эса 127554 минг сўмни ташкил этган. Яъни, дебиторлик қарзлари кредиторлик қарзларидан 8562 минг сўмга кўп бўлган. Бу нисбатан ижобий ҳол бўлиб ҳисобланади. Дебиторлик қарзларининг асосий қисми “бюджетга солиқ ва йиғимлар бўйича бўнақ тўловлари” 60609 минг сўмни ва “бошқа дебиторлик қарзлари” 67282 минг сўмни ташкил этмоқда. Бу шундан далолат берадики корхонада тўлов интизоми анча яхши йўлга қўйилган бўлиб, айниқса, давлат бюджети олдида қарздор бўлиб қолмаслик учун солиқ ва йиғимлар бўйича бўнақ тўловларини ўз вақтида ўтказиб боришга эришган.

Кредиторлик қарзлари таркибига ҳам эътибор берадиган бўлсак, мажбуриятларнинг асосий салмоғини “мол етказиб берувчи ва пудратчиларга қарзлар” ташкил этмоқда. Бу эса акционерлик жамияти ўзининг мол етказиб берувчилари олдидаги мажбуриятларини етарли даражада амалга оширмаётганлигидан далолатдир. Демак, корхона ушбу мажбуриятларни қисқартириш чораларини кўриш лозим бўлади. Бошқа кредиторлик қарзлари эса 25039 минг сўмни ташкил қилмоқда.

Дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари тенглиги 136116 минг сўмни ташкил этган Шундан соф дебиторлик мажбуриятлари суммаси 8562 минг сўмни ташкил этган.

Умуман олганда жами дебиторлик қарзларининг кредиторлик қарзларидан ортиқча эканлиги корхона учун бирмунча ижобий деб баҳоланади. Чунки, олиши лозим бўлган қарзи берадиган қарзидан кўпдир.

Таҳлилда муддати узайтирилган дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларининг юзага келишига алоҳида аҳамият берилади. Негаки, муддати ўтказиб юборилган мажбуриятлар корхонанинг молиявий аҳволини мушкуллашиши ва молиявий барқарорлигининг бузилишига олиб келади. Ўз навбатида корхонанинг тўлов лаёқати бузилади.

***Муддати ўтказиб юборилган мажбуриятларнинг юзага чиқиш сабаблари сифатида қуйидагиларни келтириб ўтиш мумкин:***

- ✓ Корхонада молиявий ҳолатнинг носоғлом эканлиги;
- ✓ Корхонанинг тўлов лаёқатига эга эмаслиги;
- ✓ Ликвид маблағлари айланувчанлигининг узоклиги;
- ✓ Шартнома мажбуриятларига ва тўлов шартларига амал этмаслик;
- ✓ Хўжалик шартномалари бузилишидан кўриладиган зарарларнинг тўғри қопланмаслиги (шартномалар бузилишида қўлланиладиган чораларга амал этмаслиги);
- ✓ Замонавий ҳисоб-китоб шаклларига йўл берилмаганлиги ва ҳақозолар.

Дебиторлик-кредиторлик мажбуриятларининг ундириб олиш муддати 3 ой қилиб ёки 90 календар кун қилиб белгиланган. Ушбу муддатдан сўнг дебиторлик кредиторлик мажбуриятлари назоратга олинади ҳамда уларнинг ҳолати бўйича давлат қонунчилигига мувофиқ жавобгарлик шартлари (маъмурий ва молиявий) белгиланган.

Дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларини ҳисобдан чиқариш муддати сифатида ҳуқуқий шахслар ўртасида ҳам, корхона билан жисмоний шахслар ўртасида ҳам 3 йил муддат қилиб белгиланган. Ушбу муддатда тўланмаган ёки ундириб олинмаган мажбуриятлар, қарзлар корхона фойда ва зарарларига олиб борилади. Муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари давлат тамонидан назорат қатори сифатида олинган. Муддати ўтказиб юборилган кредиторлик мажбуриятлари корхона фойдасига кўшилади ва умумий асосда фойдадан солиқ ставкаси бўйича солиққа тортилади. Муддати ўтган дебиторлик мажбуриятларини зарарга олиб бориш солиққа тортиладиган фойда суммасини камайтирмайди.

Муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларини фойда ва зарарлар қаторига олиб бориш шартлари давлат ҳисоб, солиқ қонунчилигига мувофиқ қатъий тартибланган. Яъни, дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларини фойда ва зарарлар қаторига олиб боришга қадар уларни тўлаш ёки ундириб олиш юзасидан қандай ёзишмалар ёки мурожаатлар бўлган, орбитраж қарори чиқарилган ёки чиқарилмаганлиги ва ҳ.к. бўйича дастлабки ҳужжатлар тўплами тайёрланмоғи лозим. Фақат шундагина уни фойда ва зарарлар қаторига олиб бориш мумкин. Акс ҳолда, зарурийлик



шартида кечиктирилган мажбуриятлар сифатида олинб маъсуллар жавобгарликка тортилади.

#### **12.4. Дебиторлик қарзларининг умумий ҳажми, таркиби ва вужудга келиш муддати бўйича таҳлили. Дебиторлик қарзларининг айланувчанлигини таҳлили**

Эркин иқтисодий муносабатлар шароитида ҳар бир хўжалик субъекти ўз фаолиятини олиб бориш жараёнида албатта маълум даражадаги дебиторлик ёки кредиторлик қарздорликка йўл қўяди. Чунки, ишлаб чиқариш корхоналарида маҳсулотни етказиб бериш билан унинг тўлови ўртасида доимо маълум бир фарқланишлар бўлиши табиийдир. Шу сабабли ҳам, дебиторлик қарзларининг таркибий тузилишини ва уларнинг вужудга келиш муддатларини ўрганиб, таҳлил қилиб чиқиш муҳим ҳисобланади.

Дебиторлик мажбуриятлари таркиби деганда унинг юзага чиқиш қаторлари ёки ўрни тушинилади. Корхона баланси бўйича унинг қуйидаги қаторларини таркиблаб ўтганмиз. Харидор ва буюртмачиларга бўлган дебиторлик мажбуриятлари, ходимлар билан ҳисоб-китоблар бўйича дебиторлик мажбуриятлар, иш ҳақидан ажратмалар юзасидан дебиторлик мажбуриятлари, солиқлар ва турли бошқа тўловлар бўйича дебиторлик мажбуриятлари ва ҳ.к.

Шунингдек, дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари таркибида муддати ўтган, тўлов муддати келган ва тўлов муддати ўтмаган мажбуриятларни аҳолида таркибланиш мумкин.

Муддати ўтган ва тўлаш муддати келган мажбуриятлар алоҳида-алоҳида ҳисобга олинади ва бошқарилади. Муддати ўтган дебиторлик мажбуриятлар дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари тўғрисидаги маълумотномада алоҳида қаторланади. Уларнинг Республика ичкарисидаги корхоналар ва республикадан ташқаридаги корхоналар ўртасида муддати ўтган мажбуриятларга ажратиш мумкин. Муддати ўтказиб юборилган мажбуриятлар корхона молиявий ҳолатини оғирлаштирувчи асосий сабаб фактори сифатида олинади ва муҳим эътибор берилади.

Таҳлил этишда дебиторлик мажбуриятларининг ҳажми, таркиби ҳамда вужудга келиш муддати бўйича ўрганиш асосида уларнинг ҳолатига, айланувчанлик даражасига, дебиторлик қарзлари билан боғлиқ бўлган молиявий ҳолат кўрсаткичларига баҳо берилади.

61-жадвал

**“АВС” акционерлик жамиятида дебиторлик мажбуриятларининг ҳолатини таҳлили  
(1-январ 2004 йил ҳолатига)**

<b>Дебиторлик мажбуриятлари моддалари</b>	<b>Давр охирига</b>	<b>Шу жумладан юзага чиқиш муддатлари бўйича</b>
---	-------------------------	--

	жами	1 ойгача	1 ойдан 2 ойгача	2 ойдан 3 ойгача	3 ойдан 1 йилгача	1 йилдан ортиқ
1	2	3	4	5	6	7
1. харидорлар ва буюртмачиларнинг қарзи	6926	4582	1432	510	402	-
2. ходимларга берилган бўнақлар	-	-	-	-	-	-
3. бюджетга солиқ ва йиғимлар бўйича бўнақ тўловлари	60609	41238	14587	3763	1021	-
4. ходимларнинг бошқа операциялари бўйича қарзи	-	-	-	-	-	-
5. шўъба ва қарам хўжалик жамиятларининг қарзи	1299	298	468	367	166	-
6. таъсисчиларнинг устав капиталига улушлар бўйича қарзи	-	-	-	-	-	-
7. ажратилган бўлинмалар-нинг қарзи	-	-	-	-	-	-
8. мол етказиб берувчи ва пудратчиларга берилган бўнақлар	-	-	-	-	-	-
9. мақсадли давлат жамғармалари ва суғурталар бўйича бўнақ тўловлари	-	-	-	-	-	-
10. бошқа дебиторлик қарзлари	67282	45983	12450	6100	1491	1258
<b>Жами</b>	<b>136116</b>	<b>92101</b>	<b>28937</b>	<b>10740</b>	<b>3080</b>	<b>1258</b>

Мазкур жадвал маълумотлари асосида «АВС» акционерлик жамиятининг дебиторлик қарзларини таркиби, тузилиши ва вужудга келиш муддатларига баҳо берилади. Маълумотлардан кўринадики, корхонадаги жами дебиторлик қарзлари 136116 минг сўм бўлган бўлса, шундан, асосий қисми яъни 92101 минг сўмлиги ёки 67,67 %и бир ойгача бўлган дебиторлик қарзларидир. Бир ойдан икки ойгача бўлган дебиторлик қарзлари 28937 минг сўмни ёки 21,25 %ини ташкил қилмоқда. Икки ойдан уч ойгача бўлган дебиторлик қарзлари 10740 минг сўмни ёки 7,89 %ни ташкил қилган. Яъни 90 кунгача бўлган дебиторлик қарзлари жами дебиторлик қарзларининг 96,81 % ини ташкил қилмоқда. Қолган 3,19 % дебиторлик қарзларининг муддати ўтган бўлиб ҳисобланмоқда. Демак, корхона маъмурияти мавжуд дебиторлик қарзларини ундириш чораларини ҳамда муддати ўтган қарзларни бартараф этиш йўллариини излаб топиши лозим бўлади. Акс ҳолда корхонанинг тўлов қобилиятига бу салбий таъсирини кўрсатади.

Дебиторлик мажбуриятлари ёки қарзлари таҳлилида уларнинг айланувчанлигига алоҳида эътибор берилади. Негаки, дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларининг айланувчанлик даражаси корхона молиявий аҳволига баҳо беришнинг муҳим кўрсаткичларидан бири ҳисобланади.

*Дебиторлик мажбуриятларининг айланувчанлиги деганда қарз мажбуриятларининг ундириб олиш муддати ва уларнинг айланиши*

*коэффициенти тушунилади. Бу бевосита бугунги юзага келган мажбуриятнинг неча кундан кейин нақд пулга айланиш даражасини характерлайди.*

Дебиторлик мажбуриятларининг айланувчанлиги сотишдан олинган тушумни дебиторлик мажбуриятларининг мавжуд суммасига бўлиш асосида аниқланади.

Дебиторлик мажбуриятларининг мавжуд суммасини таҳлил этиш даврининг календар кунига кўпайтириш ва сотишдан олинган соф тушум суммасига бўлиш асосида дебиторлик қарзларининг айланишлар кунни аниқланади.

62-жадвал

**“ABC” акционерлик жамиятида дебиторлик мажбуриятларининг айланувчанлигини таҳлили**

Кўрсаткичлар	Ўтган йили	Ҳисобот йили	Фарқи (+,-)
1	2	3	4
1. Жами дебиторлик мажбуриятлари, минг сўм	53266	136116	+82850
2. Маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишдан олинган соф тушум, минг сўм	1452513	3040381	+1587868
3. Жорий активлар, минг сўм	531756	689066	+157310
4. Муддати ўтган дебиторлик қарзлари, минг сўм	3257	4338	+1081
5. Дебиторлик қарзларининг айланиш коэффициенти (2/1)	27,269	22,337	-4,932
6. Дебиторлик қарзларининг айланиш даври, кун ҳисобида (1*360/2)	13	16	+3
7. Жорий активлари таркибида дебиторлик қарзлари улуши, % (1/3*100)	10,02	19,75	9,73
8. Муддати ўтган дебиторлик қарзлари улуши, % (4/1*100)	6,11	3,19	-2,92

Маълумотлардан кўринадики, ўрганилаётган даврда биз таҳлил қилаётган “ABC” акционерлик жамиятида дебиторлик мажбуриятларининг ҳолати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 82850 минг сўмга ошган, яъни дебиторлик мажбуриятлари ўтган йилга нисбатан деярли 2,5 маротабага кўпайган. Айти вақтда маҳсулот сотишдан олинган соф тушум суммаси ҳам ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1587868 минг сўмга ўсганлигини кузатиш мумкин. Бунинг таъсирида дебиторлик мажбуриятларининг ундирилиш даври ўтган йилга нисбатан 3 кунга узайган. Яъни дебиторлик мажбуриятларининг ундириб олинishi бирмунча секинлашган. Дебиторлик қарзларининг айланишини секинлашувига асосан қарзларнинг соф тушумга нисбатан ўсиши юқори бўлганлиги ҳисобига бўлган. Яъни, корхонада жорий йилда дебиторлик қарзларининг айланиш коэффициенти ўтган йилга нисбатан 4,932 коэффициентга қисқарганлигини ҳам кўриш мумкин. Жорий даврда дебиторлик мажбуриятларининг жами жорий активлари таркибидаги

салмоғи ўтган йининг шу даврига нисбатан 9,73 % га ортиши аввало дебиторлик мажбуриятлари суммасининг ортиши ҳисобига руй берган. Бундай натижалар корхона учун нисбатан салбий деб баҳоланади ҳамда корхонанинг молиявий ҳолатини ёмонлашувига олиб келиши мумкин. Шундай бўлсада, жорий даврда корхонанинг муддати ўтган дебиторлик қарзларининг жами дебиторлик қарзлари таркибидаги салмоғи ўтган йилнинг шу давридаги 16,11 % дан жорий даврнинг охириги ҳисобот санасига 3,19 % га пасайганлигини ижобий баҳоламоқ лозим бўлади.

Юқоридаги боғланишлардан бевосита дебиторлик мажбуриятларининг айланишига таъсир этувчи омилларнинг таъсир даражаларини ҳам аниқлашимиз мумкин.

63-жадвал

**Дебиторлик қарзларининг айланиш коэффиценти ва айланиш даври ўзгаришини омилли таҳлили**

Кўрсаткичлар	Дебиторлик қарзларининг айланиш коэффиценти	Дебиторлик мажбуриятларининг айланиш даври, кун ҳисобида
1	2	3
1. Ўтган йил	27,269	13
2. Шартли ҳисобот йили	57,079	6
3. Ҳисобот йили	22,337	16
Жами фарқ	-4,932	+3
<b>Таъсир этувчи омиллар:</b>	xxx	xxx
а) Сотишдан олинган соф тушум суммасининг ўзгариши (2-1)	+29,810	-7
б) Дебиторлик қарзлари суммасининг ўзгариши (3-2)	-34,742	+10

Дебиторлик мажбуриятларининг айланиш коэффиценти ва айланиш даврига омиллар таъсири қуйидагича бўлган. Дебиторлик қарзларининг айланиш коэффиценти ўтган йилга нисбатан 4,932 коэффицентга қисқарган. Бу ўзгаришда маҳсулот, иш ва хизматларни сотишдан олинган соф тушум суммасининг ўзгариши таъсирида дебиторлик қарзларининг айланиш коэффиценти +29,810 коэффицентга, дебиторлик қарзлари ҳажмининг ўзгариши ҳисобига эса айланиш коэффиценти -34,742 коэффицентга камайган. Ҳар иккала омил таъсирида айланиш коэффиценти -4,932 коэффицентга ўзгарган. Ушбу омиллар таъсири дебиторлик қарзларининг айланиш даври кўрсаткичи бўйича қуйидагича бўлган. Яъни, сотишдан олинган соф тушум суммаси ҳисобига ўзгариш -7 кунга, дебиторлик мажбуриятлари суммасининг ўсиши ҳисобига +10 кунга ўзгариш кузатилган.

$$\text{Дебиторлик мажбуриятларининг шартли айланиш коэффиценти} = \frac{\text{Сотишдан олинган соф тушум ҳақиқатда}}{\text{Дебиторлик мажбуриятлари ўтган йил шу даври бўйича}}$$

$$\text{Дебиторлик мажбуриятларининг шартли айланиш даври} = \frac{\text{Дебиторлик мажбуриятлари ўтган йил шу даври бўйича} * 360}{\text{Сотишдан олинган соф тушум ҳақиқатда}}$$

## **12.5. Кредиторлик қарзларининг умумий ҳажми, таркиби ва ташкил топиш муддати бўйича таҳлили. Кредиторлик қарзларининг айланувчанлигини таҳлили**

Кредиторлик мажбуриятлари қарши томонга корxonанинг тўлайдиган мажбуриятларини характерлайди. Биз юқорида унинг таркибига нималар киришини ва уларнинг юзага келиш сабабларини таркиблаб ўтган эдик. Кредиторлик мажбуриятларининг юзага чиқишининг асосий сабаби сифатида бевосита дебиторлик мажбуриятларининг вақтида келиб тушмаслигини ҳам таркиблаш мумкин.

Кредиторлик мажбуриятларининг таркиби таҳлилида қарздор бўлган томонлар бўйича мажбуриятларнинг қаторланиши, уларни тўлаш муддатлари бўйича таркибланишига баҳо берилади. Шунингдек, дебиторлик мажбуриятларининг айланиш коэффиценти ва айланиш даврини аниқлашдаги каби бунда ҳам кредиторлик мажбуриятларининг айланиши коэффиценти ва даври аниқланади. Лекин, бунда қатнашувчи кўрсаткичлар фарқланади. Кредиторлик мажбуриятлари айланишини ўрганишда асосий кўрсаткичлар сифатида насияга олинган ёки ҳали пули тўланмаган моллар, ашёлар, иш ва хизматлар суммасига ҳамда кредиторлик мажбуриятларининг ҳақиқий кўрсаткичларига мурожат қилинади.

Кредиторлик мажбуриятларини таҳлил этишда уларнинг юзага келиш ўрни, муддати ва таркибига алоҳида аҳамият қаратилмоғи лозим. Муддати ўтган кредиторлик қарзларга йўл қўйилиши корхонага нисбатан турли иқтисодий оғоҳлантиришларнинг қўлланилишига, иқтисодий жарималарга ҳамда корхонага бўлган ишончнинг пасайишига олиб келади.

***Кредиторлик мажбуриятларининг тўлаш муддатлари бўйича қуйидаги таркибини бериб ўтиш мумкин:***

- Тўлаш муддати келган мажбуриятлар;
- Тўлаш муддати ўтиб кетган мажбуриятлари.

***Йил календар даврининг тақсими бўйича кредиторлик мажбуриятларининг қуйидаги шакллари бериш мумкин:***

- 1 ойгача бўлган мажбуриятлар;
- 1 ойдан 2 ойгача бўлган мажбуриятлар;
- 2 ойдан 3 ойгача бўлган мажбуриятлар;
- 3 ойдан 6 ойгача бўлган мажбуриятлар;
- 6 ойдан 1 йилгача бўлган мажбуриятлар;
- 1 йилдан ортиқ муддатга бўлган мажбуриятлар.

**64-жадвал**

**“ABC” акционерлик жамиятида кредиторлик мажбуриятларининг таркиби ва ташкил топиш муддати бўйича таҳлили**

Кредиторлик мажбуриятлари моддалари	Давр охирига жами	Шу жумладан юзага чиқиш муддатлари бўйича				
		1 ойгача	1 ойдан 2 ойгача	2 ойдан 3 ойгача	3 ойдан 1 йилгача	1 йилдан ортиқ
1	2	3	4	5	6	7
1. мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга қарз	90387	51423	12196	15713	10023	1032
2. ажратилган бўлинмаларга қарз	400	312	56	32	-	-
3. шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига қарз	5007	4019	872	101	15	-
4. солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича кечиктирилган мажбуриятлар	6721	4198	2103	420	-	-
5. олинган бўнақлар	-	-	-	-	-	-
6. суғурталар бўйича қарз	-	-	-	-	-	-
7. мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарз	-	-	-	-	-	-
8. таъсисчиларга бўлган қарзлар	-	-	-	-	-	-
9. меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарз						
10. бошқа кредиторлик қарзлари	25039	18728	1289	3217	1805	-
<b>Жами</b>	<b>127554</b>	<b>78680</b>	<b>16516</b>	<b>19483</b>	<b>11843</b>	<b>1032</b>

Корхонада жами кредиторлик қарзларининг ҳисобот даври охирига бўлган ҳолати 31001 минг сўмни ташкил қилган. Шундан 1 ойгача бўлаган кредиторлик қарзлари 19520.8 минг сўмни, 1 ойдан 2 ойгача бўлган кредиторлик қарзлари суммаси 7258.1 минг сўмни, 3 ойдан 6 ойгача бўлган кредиторлик қарзлари суммаси 2700 минг сўмни ташкил қилган. Муддати ўтказиб юборилган лекин ундирилмаган кредиторлик қарзлари суммаси 540 минг сўмни ташкил қилган.

Кредиторлик қарзларининг ҳолатига уларнинг айланиш даражаларини ўрганиш асосида тўлиқ баҳо бериш мумкин. Кредиторлик қарзлари айланувчанлиги бўйича қуйидаги боғланишлар жадвалини келтириб ўтиш мумкин.

65-жадвал

**«ABC» акционерлик жамиятида кредиторлик мажбуриятларининг айланишини таҳлили**

Кўрсаткичлар	Ўтган йили	Ҳисобот йили	Фарқи (+, -)
1	2	3	4
1. Жами кредиторлик мажбуриятлари, минг сўм	249458	127554	-121904
2. Сотилган маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг ишлаб чиқариш таннари, минг сўм	929608	2168322	+1238714
3. Жами мажбуриятлар, минг сўм	258047	163147	-94900
4. Кредиторлик қарзларининг муддати ўтгани, минг сўм	19856	12875	-6981
5. Кредиторлик қарзларининг айланиш коэффициенти, (2/1)	3,726	16,999	+13,273
6. Кредиторлик қарзларининг айланиш даври, кун ҳисобида (1*360/2)	97	21	-76
7. Мажбуриятлар таркибида кредиторлик қарзлари улуши, % да (1/3*100)	96,67	78,18	-18,49
8. Муддати ўтган кредиторлик қарзларининг жами кредиторлик қарзлари таркибидаги салмоғи, % да (4/1*100)	7,96	10,09	+2,13

Юқоридаги жадвал маълумотлари асосида биз таҳлил қилаётган “ABC” акционерлик жамиятида кредиторлик қарзларининг айланишига баҳо беришимиз мумкин бўлади. Маълумотлардан кўришиб турибдики, корхонада кредиторлик қарзлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 121904 минг сўмга қисқарган. Бунга аксинча, сотилган маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг ишлаб чиқариш таннари эса жорий йилда 1238714 минг сўмга ўсган. Буларнинг натижасида корхонада кредиторлик қарзларининг айланиш коэффициенти ўтган йилги 3,726 коэффициентдан ҳисобот йилига келиб 16,999 коэффициентгача кўтарилган. Яъни кредиторлик қарзларининг айланувчанлиги бир неча маротабага тезлашган. Бундай натижаларни корхона учун ижобий баҳоламоқ лозим. Бундан ташқари кредиторлик қарзларининг айланиш даври ўтган йилги 97 кундан ҳисобот йилига келиб 21 кунгача қисқарган.

Мажбуриятлар таркибида кредиторлик қарзларининг салмоғи ҳам жорий йилда 18,49 % га камайганлигини ижобий баҳоласак бўлади. Аммо, муддати ўтган кредиторлик қарзларининг салмоғи жорий йилда 2,13 % га ортганлигини салбий баҳоламоқ лозим бўлади. Чунки, бундай ҳолат корхонанинг иқтисодий жарималар тўлашига олиб келади ва молиявий

ҳолатига салбий таъсир этади. Кредиторлик қарзларининг айланишига бир қатор омиллар таъсир кўрсатган бўлиб, ушбу таъсир этувчи омилларни қуйидаги жадвалда кўриб чиқишимиз мумкин бўлади.

66-жадвал

**Кредиторлик қарзларининг айланишига таъсир этувчи омиллар таҳлили**

Кўрсаткичлар	Кредиторлик қарзларининг айланиш коэффициенти	Кредиторлик қарзларининг айланиш даври, кун ҳисобида
1	2	3
1. Ўтган йили	3,726	97
2. Шартли ҳисобот йили	8,692	41
3. Ҳисобот йили	16,999	21
Жами фарқ	+13,273	-76
<b>Таъсир этувчи омиллар:</b>	xxx	xxx
а) Сотилган маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг таннаrxини ўзгариши (2-1)	+4,966	-56
б) Кредиторлик қарзлари суммасининг ўзгариши (3-2)	+8,307	-20

Мазкур жадвал маълумотларидан кўринадикки, корхонада кредиторлик қарзларининг айланиш коэффициенти ўтган йилга нисбатан жорий йилда 13,273 коэффициентга ошган. Бу ўзгаришда сотилган маҳсулот таннаrxининг ўзгаришининг таъсири +4,966 коэффициентга, кредиторлик қарзлари суммасининг ўзгариши эса +8,307 коэффициентга тенг бўлган.

Кредиторлик қарзларининг тўлаш муддати ўтган йилга нисбатан 76 кунга тезлашган. Бу ўзгаришда маҳсулотлар таннаrxининг ғки сотиб олинган қийматликлар ва хизматлар суммасининг ўзгариши таъсири 56 кунга, кредиторлик қарзлари суммасининг ўзгариши эса 20 кунга тенг бўлган. Бундай натижалар корхонанинг тўлов қобилиятини яхшиланаётганлигидан далолат беради.

Кредиторлик қарзларининг айланиши таҳлил қилинаётганда уларнинг шартли айланиш коэффициенти ва шартли айланиш даври каби кўрсаткичлар ҳам таҳлил қилиб борилиши лозим. Бу кўрсаткичлар одатда қуйидагича аниқланади:

**Кредиторлик қарзларининг шартли айланиш коэффициенти ва айланиш даври**

$$K1 = \frac{108400}{16542} = 6,553, \quad K2 = \frac{16542 \cdot 360}{108400} = 54,9$$



## 12.6. Дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтириш йўллари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги "Халқ хўжалигида ҳисоб-китобларни ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг маъсулиятини ошириш борасидаги чора тадбирлари тўғрисида"ги ва 1996 йил 24-январдаги "Тўлов интизомини ва ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини мустаҳкамлаш чора тадбирлари тўғрисидаги" фармонларини бажариш борасида муайян ишлар олиб борилаётганлигига қарамасдан дебиторлик-кредиторлик қарзлари бошқариш оғир аҳволда қолмоқда.

Жумладан 2004 йил 1-январ ҳолатига кўра муддати ўтган дебиторлик қарзлари 156,7 млрд сўмни, кредиторлик қарзлари эса 229,6 млрд сўмни ташкил этган. Энг оғир томони шуки, уларни ундиришнинг иқтисодий асоси йил сайин оғирлашиб бормоқда.

Дебиторлик кредиторлик қарзларининг олдини битта дастур асосида ва уни назорат қилиш асосида уддалаб бўлмайди. Бунинг учун бевосита кенг қамровли дастур ишлаб чиқиш лозим.

***Бизнинг фикримизча дебиторлик кредиторлик мажбуриятларининг олдини олиш мақсадида қуйидаги чора тадбирларни амалга ошириш мақбулдир:***

-ўзаро шартномавий муносабатларда томонларнинг масъуллиги ва уларнинг шартнома шартларига қатъий амал этиши;

-муддати ўтказиб юборилган ҳар қандай тўловлар суммаси бўйича ҳуқуқий жавобгарлик шартларини белгилаш;

-ҳисоб китобларнинг замонавий шаклларида фойдаланиш;

-даргумон қарзлар бўйича резервлар ташкил қилиш механизминини ишлаб чиқиш ва ҳ.к.;

## Мавзу бўйича таянч иборалар

- дебиторлик қарзлари тўғрисида тушунча ва уларни таҳлил этиш услуги;
- дебиторлик қарзларни умумий ҳажми, таркиби ва вужудга келиш муддати бўйича таҳлил этиш услуги;
- кредиторлик қарзлари тўғрисида тушунча ва уларни таҳлил этиш услуги;
- кредиторлик қарзларни умумий ҳажми, таркиби ва вужудга келиш муддати бўйича таҳлил этиш услуги;
- қарзларни камайтириш йўллари.

## Такрорлаш учун саволлар

1. Дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари деганда нимани тушунаси?
2. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари қандай сабабларга кўра вужудга келади?
3. Дебиторлик қарзларининг таркиби ва тузилиши қандай таҳлил этилади?
4. Кредиторлик қарзларининг таркиби ва тузилиши қандай таҳлил этилади?
5. Дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг юзага чиқиш муддатлари бўйича қандай даврларга бўлиб ўрганилади?
6. Дебиторлик қарзларини айланувчанлиги ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар қандай таҳлил этилади?
7. Кредиторлик қарзларини айланувчанлиги ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар қандай таҳлил этилади?
8. Дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтириш йўлларини кўрсатиб ўтинг?
9. Дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтиришнинг мамлакат иқтисодидаги ўрни ва роли?
10. Дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларини назорат этувчи ташкилотлар ва уларнинг ҳуқуқий мезонлари?
11. Мажбуриятларни сотиш ва сотиб олиш дегани нима?
12. Дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларининг корхона молиявий ҳолатига таъсири?

## Мустақил ўрганиш учун топшириқлар

### 1-топшириқ

Қуйида илова қилинган “Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар ҳақидаги маълумотнома” маълумотлари асосида корхонанинг дебиторлик ва кредиторлик қарзларини таҳлил этинг, хулосалар ёзинг ва таклифлар беринг.

т/р	Дебитор, кредитор вазирлик, идора, концерн ва бошқаларнинг номлари	Умумий қарзлар		Жумладан, республикадан ташқарида		Умумий қарзлардан муддати ўтгани		Жумладан, республикадан ташқарида	
		Дебиторлик	Кредиторлик	Дебиторлик	Кредиторлик	Дебиторлик	Кредиторлик	Дебиторлик	Кредиторлик
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
	<b>ЖАМИ:</b> <i>Шу жумладан:</i>	984633,7	224063,6	-	-	169,2	-		
1.	<b>Ички хўжаликлараро</b>	480048,3							
2.	<b>Маҳсулот, иш ва хизматлар</b>	77415,2	2139,6			169,2			
	Пахта саноати	47310,2				169,2			
	ГУБ	4587,9							
	“Ўзгуркаккуммаш” ҚК	1278,1							
	“Агромаш” АЖ	21037,7							
	АЗДР	2289,1							
	Бошқалар	5500,1	2139,6						
3.	<b>АВАНСЛАР:</b>	6165,1	-						
	Ўзқишлоқхўжмаш-Холдинг	398,7							
	Пахта саноати	1027,5							
	Ўздонмаҳсулот	2018,7							
	“Ўзнефтгаз”	697,2							
	“Кувасойсемент”	1237,9							
	ДСМ	587,7							
	Бошқа аванслар	197,4							
4.	<b>Бошқа дебитор ва кредиторлар:</b>	404486,5	28626,2						
	“Ўзавтойўл”	98763,1							
	Энергия вазирлиги		10697,8						
	Коммунал хизмат вазирлиги		17928,4						
	Алоқа вазирлиги	4567,4							
	Ўзнефтгаз	90267,3							
	Йўловчитранссервис	25679,4							
	Бошқалар	185209,3							
5.	<b>Бюджет билан ҳисоблашиш</b>	16518,6	36808,7						
6.	<b>Меҳнат ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар</b>	-	90638,5						
7.	<b>Ижтимоий таъминот билан ҳисоб-китоблар</b>	-	65850,6						

## **2-топширик**

Корхонанинг муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари таркибини ўрганинг, таҳлил этинг ва муддати ўтганлик сабабларини аниқланг ҳамда қарздорликни камайтириш бўйича тегишли таклифларингизни беринг.

**13.1. Хўжалик юритувчи субъектларнинг асосий воситалар  
билан таъминланганлигини таҳлил этишнинг аҳамияти,  
таҳлил вазифалари ва ахборот манбалари**

Иқтисодий эркинлаштириш шароитида ҳар бир хўжалик юритувчи субъект бирор-бир маҳсулот (иш, хизмат)лар ишлаб чиқаришни ташкил қилиши учун асосан тўрт хил ресурс мужассам бўлмоғи лозим бўлади.

***Бундай ресурслар таркибига:***

- Моддий ресурслар;
- Молиявий ресурслар;
- Меҳнат ресурслари;
- Тадбиркорлик ресурси.

Мазкур ресурслар таркибида бугунги кунда энг асосийларидан бири бу моддий ресурслар бўлиб, уларнинг таркибида ҳам муҳимларидан бири асосий воситалар ҳисобланади. Чунки, кейинги йилларда асосий воситаларнинг баҳосини мунтазам ошиб бориши ва уларга қилинадиган харажатлар маҳсулот таннархининг асосини ташкил қилаётганлиги ҳам ушбу воситаларни таҳлил қилиб боришни тақозо этмоқда.

Асосий фондлар (воситалар) ишлаб чиқаришнинг муҳим омили сифатида қаралиб, улар воситасида бевосита меҳнат предметлари ва меҳнат кучлари бирикувида маҳсулотлар ишлаб чиқарилади, ишлар бажарилади ва хизматлар кўрсатилади.

Асосий фондлар деб ишлаб чиқариш циклида бир неча бор қатнашиб ўзининг қийматини яратилаётган маҳсулотларга қисман-қисман ўтказувчи ҳамда жисмоний шаклини сақлаб қолувчи меҳнат воситаларига айтилади.

Асосий фондлар ёки воситаларни таркибланда жаҳон ва республика ҳисоб белгиларига мувофиқ куйидаги иккита жиҳат мезон сифатида олинган. Биринчиси, уларнинг қиймат ифодаси, иккинчиси – хизмат муддати.

Асосий воситаларнинг қиймат ифодаси унинг кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлардан фарқланиш чегарасини характерлайди. Бу ифода Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2000 йил даги қарори билан иш ҳақи минимумининг 50 баробарида қилиб белгиланган. Асосий воситаларнинг хизмат муддати уларнинг бир йилдан ортиқ муддат хизмат этишини характерлайди.

Хизмат муддати бир йилдан ортиқ бўлган, лекин қиймат жиҳатдан қатъий чегарадан ошмайдиган қийматликлар, шунингдек, қийматликлар, хўжалик инвентарларининг айрим турлари асосий воситалар қаторига

киритилмайди. Бу қатор бевосита кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлари таркибида ҳисобга олинади.

Асосий воситалар таҳлилида корxonанинг асосий воситалар билан қуролланиш даражасига, уларнинг техник ҳолати ва ҳаракат кўрсаткичларига, самарадорлик кўрсаткичларига, динамикаси ва ҳолатига баҳо берилади.

Асосий воситалар билан таъминланиш дейилганда корxonанинг бизнес режасига ёки ўтган йилларга нисбатан асосий фондлар билан қуролланиши даражаси тушунилади.

Шунингдек, асосий воситаларнинг таркиби бўйича, тури бўйича ўзгаришларига баҳо берилади. Таҳлил этишда асосий воситаларнинг ҳолат ва ҳаракат кўрсаткичларига муҳим эътибор қаратилади. Бу орқали бевосита асосий воситаларнинг эскириш даражаси, яроқлилик даражаси, кирими ва чиқими кўрсаткичларига баҳо берилади.

Асосий воситаларнинг унумини ўрганиш асосида маҳсулот ишлаб чиқаришда уларнинг самарадорлик кўрсаткичларига баҳо берилади. Асосий воситаларнинг самарадорлик кўрсаткичларини омилли таҳлил асосида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ёки фондлар самарасини ошириш юзасидан ички имкониятларнинг мавжудлиги ўрганилади ва таҳлил якунида корхонада асосий фондлардан фойдаланишга ва уларнинг самарадорлигини ошириш юзасидан муҳим иқтисодий йўналишлар белгиланади. Корxonанинг асосий воситалари, уларнинг ҳолати, ҳаракати ва самарасига иқтисодий ташхис берилади.

***Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик юритувчи субъектларнинг асосий воситалар билан таъминланганлигини ўрганишда молиявий таҳлилнинг энг асосий вазифалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:***

- хўжалик субъектларининг асосий воситалар билан етарли даражада таъминланганлик ҳолатига баҳо бериш;
- асосий воситаларнинг таркиби, тузилиши ва динамик ўзгаришларига баҳо бериш;
- корxonанинг асосий воситалар билан таъминланганлик ҳолатини яхшилаш бўйича мавжуд имкониятларни аниқлаш ва уларга баҳо бериш;
- асосий воситаларнинг техник ҳолатига баҳо бериш;
- асосий воситаларнинг ҳаракат кўрсаткичларини ўрганиш ва уларга баҳо бериш;
- асосий воситалардан самарали фойдаланганлик даражаларига баҳо бериш;
- ходимларнинг асосий воситалар билан қуролланганлик даражаларига баҳо бериш;
- асосий воситалар самарадорлигини ошириш бўйича мавжуд имкониятларни кўрсатиб бериш ва ҳакозо.

*Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарнинг асосий воситаларини таҳлил этишида асосий ахборот манбалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:*

- ✓ корхонанинг бизнес режа маълумотлари;
- ✓ “Бухгалтерия баланси” (1-шакл);
- ✓ “Асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги” ҳисобот (3-шакл);
- ✓ Бухгалтерия ҳисобининг асосий воситалар ва номоддий активларни ҳисобга олувчи счёт маълумотлари.

### **13.2. Асосий восита (фонд)ларнинг таркиби, тузилиши ва динамикасининг таҳлили, уларнинг актив ва пассив қисмларини нисбати**

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир воситани маълум бир хусусиятлари бўйича таснифлаш ва таркибий жойлаштириб чиқиш мумкин бўлади. Хусусан, корхоналарнинг асосий воситаларини ҳам маълум бир хусусиятлари бўйича таснифлаб чиқиш ва уларни таҳлил қилиб чиқиш мақсадга мувофиқ саналади. Бугунги кунда асосий воситаларни қуйидаги хусусиятлари бўйича таснифлашимиз мумкин:

**1. Асосий воситаларнинг корхонанинг ишлаб чиқариш жараёнида қатнашувига қараб:**

- актив асосий воситалар;
- пассив асосий воситалар.

**2. Асосий воситаларни маълум тармоқларга бўйсунувига қараб:**

- саноат ишлаб чиқариш асосий воситалари;
- бошқа тармоқ асосий воситалари;
- ноишлаб чиқариш асосий воситалари.

**3. Асосий воситаларнинг фойдаланиш жараёнидаги қатнашувига қараб:**

- фойдаланишдаги асосий воситалар;
- фойдаланишдан олиб қўйилган (консервация қилинган) асосий фондлар.

**4. Асосий воситаларнинг турларга ажратилиши бўйича:**

- ер;
- бинолар;
- иншоотлар;
- узатиш мосламалари;
- ҳисоблаш техникаси ва компьютерлар;
- машина ва ускуналар;
- транспорт воситалари;
- асбоб ускуналар;
- хўжалик жиҳозлари;
- ишлаб чиқариш инвентарлари;

- ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар;
- кўп йиллик экинлар ва бошқа асосий воситалар.

**5. Мулкий эгалигига қараб:**

- ўзига тегишли асосий воситалар;
- ижарага олинган асосий воситалар.

Бундан ташқари асосий воситаларнинг яна бошқа бир хусусиятлари бўйича ҳам таснифлаш мумкин.

Ҳозирги шароитда корхоналарда асосий воситаларнинг барча турларини керакли нисбатда ва таркибда бўлишини таъминлаш мақсадга мувофиқдир. Яъни саноат ишлаб чиқаришида, ёрдамчи тармоқларда ёки ижтимоий-маиший соҳаларда бўлмасин барча асосий воситалар керакли хизматни бажарадилар.

Асосий воситаларнинг таркиби, уларнинг тузилишин ўрганиш билан бир қаторда динамик ўзгаришларига ҳам баҳо бериб борилади. Асосий воситаларнинг динамикаси деганда уларнинг даврлар (йиллар) бўйича ўзгаришлари тушунилади. Динамик ўзгаришлар асосида корхонада асосий воситаларнинг йиллар бўйича мутлоқ ва нисбий ўзгаришларига баҳо берилади. қуйидаги жадвал маълумотлари асосида эса корхонанинг асосий воситалари таркибига, тузилишига ва динамикасига баҳо бериш мумкин бўлади.

67-жадвал

**“ABC” акционерлик жамиятининг асосий воситалари таркиби, тузилиши ва динамик ўзгаришларининг таҳлили**

Асосий воситаларнинг таркиби	Ўтган йили		Ҳисобот йили		Ўзгариши (+, -)	
	Сумма, минг сўм	Салмоғи, %	Сумма, минг сўм	Салмоғи, %	Мутлоқ, минг сўмда	Салмоқ -даги, %
1	2	3	4	5	6	7
1. Ер	30591	18,4	30591	16,9	-	-1,5
2. Бино	52313	31,5	51453	28,5	-860	-3,0
3. Иншоот	11430	6,9	11376	6,3	-54	-0,6
4. Узатиш мосламалари	5040	3,0	6009	3,3	+969	+0,3
5. Транспорт воситалари	2939	1,8	8651	4,8	+5712	+3,0
6. Ҳисоблаш техникаси ва компьютерлар	5100	3,1	5050	2,8	-50	-0,3
7. Ишлаб чиқариш инвентарлари	2449	1,5	2693	1,5	+179	-
8. Машина ва жиҳозлар	55400	33,3	64174	35,7	+8774	+2,4
9. Хўжалик инвентарлари	-	-	-		-	-
10. Ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар	-	-	-		-	-
11. Кўп йиллик экинлар	-	-	-		-	-



12. Ер ҳолатини яхшилашдаги капитал харажатлар	-	-	-		-	-
13. Асбоб ускуналар	210	0,1	225	0,1	+15	-
14. Бошқа асосий воситалар	728	0,4	663	0,04	-663	-0,36
<b>Жами ишлаб чиқаришдаги асосий воситалар</b>	<b>166100</b>	<b>100,0</b>	<b>180222</b>	<b>100,0</b>	<b>+14122</b>	<b>-</b>

Жадвал маълумотларига асосланиб, биз таҳлил қилаётган “ABC” акционерлик жамиятида, ўрганилаётган даврда ўтган йилга нисбатан жами ишлаб чиқаришдаги асосий воситалари ҳажми 14122 минг сўмга кўпайганлигини кўришимиз мумкин. Мазкур корхонадаги асосий воситаларнинг асосий салмоғини ер, бино ҳамда машина ва жиҳозлар ташкил этган. Ушбу асосий воситалар жами воситаларнинг 80-85 % ини ташкил қилмоқда. Жорий йилда корхонадаги асосий воситалардан машина ва жиҳозларнинг қиймати 8774 минг сўмга, транспорт воситаларининг қиймати 5712 минг сўмга, узатиш мосламаларининг қиймати 969 минг сўмга кўпайган бўлса, бинонинг қиймати 860 минг сўмга, иншоот 54 минг сўмга ва бошқа асосий воситалар 663 минг сўмга камайган.

Жорий йилда машина ва жиҳозларнинг ўсганлиги корхонанинг ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтиради. Чунки, машина ва жиҳозлар тўғридан-тўғри ишлаб чиқаришда қатнашадиган воситалар қаторига киради.

Умуман олганда корхонада асосий воситаларнинг динамик ўсиши кузатилган бўлиб, бу корхонада асосий воситаларнинг босқичма-босқич янгиланаётганлигидан далолатдир.

қуйидаги маълумотлар асосида асосий воситаларнинг динамик ўзгаришларига баҳо бериш мумкин.

68-жадвал

**“ABC” акционерлик жамиятида асосий воситаларнинг сўнгги беш йилликдаги динамик ўзгаришларининг таҳлили**

Кўрсаткичлар	Йиллар				
	1999 йил	2000 йил	2001 йил	2002 йил	2003 йил
1	2	3	4	5	6
1. Асосий воситалар қиймати	157560	145935	158674	166100	180222
2. Базис йилига нисбатан ўсиши, %	x	-7,38	+0,71	+5,42	+14,38
3. Олдинги йилга нисбатан ўсиши, %	x	-7,38	+8,73	+4,68	+8,50

Корхонада асосий воситаларнинг динамик ўзгариши қуйидагича бўлган. Жорий давр охирига келиб асосий воситаларнинг ўсиши базис даврига нисбатан 14,38 % ни ташкил этган. Энг юқори ўсиш суратига ҳам корхона 2003 йилда эришган. Шунингдек, олдинги йилга нисбатан ўсишда

эса энг юқори ўсиш суръати 2001 йилга тўғри келмоқда. Яъни ушбу йилда асосий воситалар қиймати олдинги йилга нисбатан 8,73 % га ўсган. Бундан кўриниб турибдики, корхона сўнгги пайтларда асосий эътиборни эскирган асосий фондларни ҳисобдан чиқаришга ва уларни янги фондлар билан алмаштиришга қаратмоқда.

Асосий воситаларни актив ва пассив фондларга таркибланда асосий жиҳат уларнинг маҳсулот ишлаб чиқаришдаги бевосита иштирокига қаратилади. Актив асосий воситалар деб маҳсулот ишлаб чиқаришдан бевосита ва билвосита қатнашувчи асосий воситаларга айтилади.

Ишлаб чиқариш учун шароит яратиб берувчи асосий воситалар эса пассив асосий фондлар сифатида қаралиб, уларнинг таркибига бевосита бинолар, иншоотлар, ерлар (қишлоқ хўжалиги корхоналаридан ташқари) қиймати ва ҳ.к. киритилади.

Таҳлил этишда жами асосий воситалар таркибида уларнинг салмоқ даражаларига баҳо берилади ва ўзгаришлари ўрганилади.

69-жадвал

“ABC” акционерлик жамиятининг актив ва пассив асосий воситаларини таҳлили

Кўрсаткичлар	Ўтган йил		Ҳисобот йили		Фарқи, (+,-)	
	Сумма, минг сўм	Салмоғи, %	Сумма, минг сўм	Салмоғи, %	Суммадаги, минг сўмда	Салмоқдаги, %
1	2	3	4	5	6	7
<b>Жами асосий воситалар</b>	<b>166100</b>	<b>100,0</b>	<b>180222</b>	<b>100,0</b>	<b>+14122</b>	<b>-</b>
<b>Шу жумладан:</b>						
• актив асосий воситалар	71766	43,21	82693	45,88	+10927	+2,67
• пассив асосий воситалар	94334	56,79	97529	54,12	+3195	-2,67

Биз таҳлил қилаётган “ABC” акционерлик жамиятида ҳисобот даврида жами 180222 минг сўмлик асосий воситаси бўлиб, шундан, 45,88 % актив асосий воситалар ва қолган 54,12 % пассив асосий воситалар бўлиб ҳисобланади. Жорий йилда ўтган йилга нисбатан бевосита ишлаб чиқаришда иштирок этадиган, яъни актив асосий воситалар салмоғи 2,67 % га ортганлигини ижобий баҳоламоқ лозим бўлади. Бунга мос равишда пассив асосий воситалар салмоғи эса 2,67 % га пасайгандир. Асосий воситаларнинг ўтган йилга нисбатан мутлоқ ўзгариши +14122 минг сўмни ёки 8,5 фоизга (14122/166100\* 100) ташкил этган. Таҳлил этишда жами асосий воситалар таркибида уларнинг салмоқ даражаларига баҳо берилади ва ўзгаришлари ўрганилади.

### 13.3. Тезлашган амортизация ажратмалари ва уларнинг фонд қийтимига таъсири

Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик юритувчи субъектларнинг асосий воситалари ўз хизмат вазифасини бажариши билан бир қаторда эскириб ҳам боради. Асосий воситаларнинг эскириши бугунги кунда асосан икки хил кўринишда бўлади, яъни, жисмоний эскириш ва маънавий эскириш. Бугунги кунда кўпгина асосий восита турлари жисмоний эскиришдан кўра маънавий жиҳатдан тезроқ эскириб қолмоқда. Шу сабабли ҳам корхоналарнинг асосий воситаларини батамом эскириб қолишининг олдини олиш мақсадида, уларга амортизация (эскириш) ҳисоблаб борилади ва асосий восита ўз қийматини ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга секин-асталик билан ўтказиб боради.

Корхонанинг амортизация сифати бевосита давлат амортизация сифати асосида белгиланади. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Солиқ қўмитасининг 1997 йил 27-февралдаги меъёрий хатига мувофиқ ҳамда 2001 йил 9-январдаги Молия вазирлигининг йўриқномасига мувофиқ асосий воситаларга амортизация ҳисоблашни соддалаштириш мақсадида, қуйидаги бешта гуруҳ асосий воситаларга меъёрлар белгиланган:

1. Бинолар, иншоотлар ва қурилмалар учун – 5 %;
2. Енгил автомобиллар, таксилар, йўл ҳаракатида фойдаланиладиган автотракторлар, махсус буюмлар, инвентарлар, компьютерлар, маълумотларни қайта ишловчи ускуналар учун – 20 %;
3. Юк автомобиллари, автобуслар, махсус автомобиллар ва автоприцеплар, машина, асбоб-ускуналар ва мебеллар учун – 15 %;
4. Юқоридаги гуруҳларга киритилмаган бошқа асосий воситалар учун – 10 %;
5. Темир йўл, денгиз, дарё ва ҳаво транспорт воситалари, иссиқлик, газ ва сув узатувчи труба проводлар, дизел генераторлари, электр ва алоқа узатиш ускуналари учун – 8 %.

Ушбу меъёрий хатда фирма ва компаниялар учун амортизация ҳисоблашнинг ўзгартирилган нормаларини қўллаш имконияти берилган, яъни секинлаштирилган ёки тезлаштирилган (икки коэффициентга қадар) усулларидан фойдаланишлиги мумкин. Тезлаштирилган амортизация ҳисоблаш тартиби қўлланилса, меъёридан ортиқча ҳисобланган амортизация суммаси солиққа тортиладиган фойдага қўшилиб, ўрнатилган тартибда солиқ тўлашлари лозим.

Жаҳон тажрибасида асосий воситаларга амортизация ҳисоблашнинг турли-туман муҳим услублари мавжуд. **Бундай муҳим услубларига қуйидагилар киритилади:**

- тенг улушларда, амортизация нормаларидан келиб чиққан ҳолда эскириш ҳисоблаш;
- қолдиқ усулда эскириш ҳисоблаш;

- ишлаб чиқариш ҳажмига мувофиқ эскириш ҳисоблаш;
- кумулятив усулда эскириш ҳисоблаш ва ҳакозо.

Юқоридаги усулларнинг моҳиятини қуйидаги мисол асосида кўриб ўтиш мумкин.

Асосий воситаларнинг бошланғич қиймати - 1000000 сўм

Асосий воситаларнинг тугатиш қиймати - 100000 сўм

Асосий воситаларнинг хизмат муддати - 5 йил

### Тенг улушларда амортизация ҳисоблаш тартиби

Асосий воситалар қиймати	Амортизация нормаси	Амортизация суммаси	қолдиқ суммаси
1000000	20	180000	820000
1000000	20	180000	640000
1000000	20	180000	460000
1000000	20	180000	280000
1000000	20	180000	100000

### Кумулятив усулда амортизация ҳисоблаш тартиби

Асосий воситалар қиймати	Амортизация улуши	Амортизация суммаси	қолдиқ суммаси
1000000	5/15	300000	700000
1000000	4/15	240000	460000
1000000	3/15	180000	280000
1000000	2/15	120000	160000
1000000	1/15	60000	100000

$1+2+3+4+5=15$ йил Амортизация суммасини аниқлашда жами йиғилган кўрсаткич биринчи йили 15 дан 5 қисми, иккинчи йили 15 дан 4 қисми олинади ва ҳакозо.

### қолдиқ усулда амортизация ҳисоблаш тартиби

Асосий воситалар қиймати	Амортизация улуши %	Амортизация суммаси	қолдиқ суммаси
1000000	20	180000	820000
1000000	20	240000	460000

1000000	20	180000	280000
1000000	20	120000	160000
1000000	20	60000	100000

Бу усулда амортизация ҳисобланганда иккинчи йилдан кейин харажат сифатида қўшиладиган эскириш суммаси камайиб боради, демак, соф молиявий натижа асосий воситаларнинг энг охирги муддатларида кўпайиши юз беради.

### **Икки карра оширилган усулда амортизация ҳисоблаш усули**

Асосий воситалар қиймати	Амортизация улуши %	Амортизация суммаси	қолдиқ суммаси
1000000	20*2	360000	540000
1000000	20*2	216000	324000
1000000	20*2	129600	194400
1000000	20*2	77760	116640
1000000	20*2	*	116640

Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси миллий ҳисоб тизимида амортизация ҳисоблашнинг асосан иккита усулидан фойдаланилмоқда.

-Тенг улушларда амортизациялашнинг қатъий нормаларида эскириш ҳисоблаш;

-Тезлаштирилган, амортизациялашнинг қатъий нормаларини икки марта оширилган ҳолатида эскириш ҳисоблаш усули;

Амортизациянинг у ёки бу усулининг қулланиши албатта асосий воситаларнинг техник ҳолатига таъсир этади.

Жумладан, тезлаштирилган усулда амортизация нормаларига ўтиш асосий фондларни янги асосий фондлар билан алмаштиришнинг молиявий таминоти ва уларнинг манавий эскиришдан сақланиш имконини берибгина қолмай, балки маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ўстириш имконини ҳам беради.

### **13.4. Асосий воситаларнинг техник ҳолатини таҳлили**

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарнинг асосий воситалар билан етарли даражада таъминланганлигини ўрганиш билан бир қаторда, уларнинг техник ҳолатига ҳам баҳо бериб борилади. Одатда асосий воситалар таркибида йил давомида ўзгаришлар рўй беради. Янги асосий воситаларни кирими туфайли асосий воситалар ортиб боради. Эскирган асосий воситаларни ишлаб чиқаришдан чиқариш туфайли асосий воситалар камайиши мумкин. Бундай табиий ҳолатларни рўй бериши натижасида асосий воситаларнинг техник ҳолатини таҳлил этишимизни тақозо этади.

**Асосий воситаларнинг техник ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:**

- асосий воситаларнинг яроқлилиқ даражаси;
- асосий воситаларнинг эскириш даражаси;
- асосий воситаларнинг янгилашиш даражаси.

Асосий воситаларнинг яроқлилиқ даражаси фоиз кўринишида қуйидаги тартибда аниқланади:

$$\frac{\text{асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати}}{\text{асосий воситаларнинг бошланғич қиймати}} * 100;$$

Асосий воситаларнинг эскириш даражаси фоиз кўринишида қуйидаги тартибда аниқланади:

$$\frac{\text{асосий воситаларнинг эскириш қиймати}}{\text{асосий воситаларнинг бошланғич қиймати}} * 100;$$

Асосий воситаларнинг яроқлилиқ ва эскириш коэффициентлари йиғиндиси коэффициентда 1,0 га, фоизда 100 тенг бўлади.

Асосий воситаларнинг ҳолат кўрсаткичларига қараб уларнинг техник ҳолатига баҳо берилади ва уларни тартиблаш бўйича бошқарув қарорлари қабул қилинади.

Асосий воситаларнинг ҳолатини ўрганишда корхона амортизация сифатига, асосий воситаларнинг маънавий эскирганлик даражасига, фойдаланишдан олиб қўйилган ва консервация қилинган асосий воситалар ҳолатига муҳим эътибор қаратилади.

Асосий воситаларнинг ҳолат кўрсаткичларини уларнинг ҳар бир тури ва жами бўйича ўрганилади. Таҳлил учун зарур бўлган маълумотлар 1-шакл «Бухгалтерия баланси» ва 3-шакл «Асосий воситаларнинг ҳаракати тўғрисидаги» ҳисобот шаклларида олинади.

Асосий воситаларнинг ҳолат кўрсаткичлари уларнинг ҳаракат кўрсаткичлари билан тўлдирилади.

*70-жадвал*

**«АВС» акционерлик жамияти асосий воситаларининг техник ҳолатини таҳлили**

Асосий воситалар	Бошланғич қиймати, минг сўм	Эскириш қиймати, минг сўм	қолдиқ қиймати, минг сўм	Эскириш даражаси, %	Яроқлилиқ даражаси, %
1	2	3	4	5	6
1. Ўтган йили	166100	85118	80982	51,24	48,76
2. Ҳисобот йили	180222	88969	91253	49,36	50,64
3. Фарқи, (+,-)	+14122	+3851	+10271	-1,88	+1,88

Юқоридаги жадвал маълумотлари асосида биз таҳлил қилаётган “АВС” акционерлик жамиятининг асосий воситаларини техник ҳолатига баҳо бериш мумкин бўлади. Маълумотлардан кўринадик, корхонада жорий йилда асосий воситаларнинг яроқлилиқ даражаси ўтган йилга нисбатан 1,88 % га кўтарилган бўлиб, жами асосий воситаларнинг 50,54 %ини ташкил этмоқда. қолган 48,76 % асосий воситалар ўзининг хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳамда эскирган асосий воситалар ташкил этади. Корхонада асосий воситаларнинг техник ҳолати ижобий томонга ўзгарган бўлсада, асосий воситаларнинг умумий техник ҳолати етарли даражада деб баҳолай олмаймиз. Чунки, асосий воситаларнинг тенг ярмига яқини эскирганлиги бу яхши натижа эмас. Шу сабабли ҳам корхона маъмурияти асосий воситаларини янада кўпроқ қисмини янгилаб бориш чораларини излаб топиши мақсадга мувофиқ бўлади.

### **13.5. Асосий фондларнинг янгиланиш динамикаси ва меҳнатнинг фонд билан қуролланишини таҳлили**

Асосий воситаларнинг ҳолат кўрсаткичлари уларнинг ҳаракат кўрсаткичларини ўрганиш асосида тўлдирилади.

Асосий воситаларнинг ҳаракат кўрсаткичларига уларнинг янгиланиши ва чиқиб кетиш коэффицентлари киритилади. Асосий воситаларнинг янгиланиш коэффиценти жорий даврда янгидан киритилган асосий воситалар қийматини асосий воситаларнинг йил охирига бўлган қийматига бўлиш орқали топилади. Асосий воситаларнинг чиқиб кетиш коэффиценти жорий даврда чиқиб кетган асосий воситалар қийматини уларнинг йил бошига бўлган қийматига бўлиш асосида аниқланади. Яъни ушбу коэффицентларни аниқлашни қуйидаги формулалар орқали ҳам ифодалашимиз мумкин:

Асосий воситаларнинг янгиланиш коэффицентини қуйидагича аниқланади:

*Ишлаб чиқаришга янгидан қабул қилинган  
асосий воситалар қиймати*

----- ;

*Асосий воситаларнинг йил охиридаги  
бошлангич қиймати*

Асосий воситаларнинг чиқиб кетиш коэффиценти эса қуйидаги тартибда аниқланади:

*Жорий даврда чиқиб кетган асосий воситалар қиймати*

-----

*Асосий воситаларнинг йил бошига бўлган қиймати*

Бу таркиблашни асосий воситаларнинг жами қатори ва ҳар битта таркиби бўйича бериб ўтиш мумкин. Таҳлил жараёнларида асосий воситаларнинг янгиланиш ва ишлаб чиқаришдан чиқариш сабабларига ҳам эътибор берилади. **Бунда корхонанинг асосий воситаларини янгилаш манбалари бўлиб:**

- капитал қўйилмалар ва инвестициялар;
- хусусий капиталнинг ўсиши;
- узоқ муддатли кредитлар ва қарзлар;
- мақсадли молиялаш ва субсидиялар;
- текинга олинган асосий воситалар;
- грантлар ва бошқа манбалар ҳисобланади.

**Асосий воситаларни ишлаб чиқаришдан чиқариш сабабларига қуйидагиларни киритишимиз мумкин:**

- асосий воситаларнинг маънавий эскириши;
- асосий воситаларнинг жисмоний эскириши ва фойдаланиш учун яроқсиз ҳолатга келиши;
- асосий воситаларнинг ортиқчалилиги;
- асосий воситаларни сотиш;
- ўғирликлар, йўқотишлар ва бошқа чиқимлар.

71-жадвал

**«ABC» акционерлик жамиятида асосий воситаларнинг ҳаракат кўрсаткичлари таҳлили (қолдиқ қийматида)**

Асосий воситалар	Асосий воситалар йил бошига қолдиғи	Янгидан қабул қилинган асосий воситалар	Чиқим қилинган асосий воситалар	Асосий воситалар йил охирига қолдиғи	Янгилан иш коэфф.	Чиқиб кетиш коэфф.
1	2	3	4	5	6	7
Ўтган йил	76875	8469	4362	80982	0,105	0,054
Ҳисобот йили	80982	27918	13133	91253	0,306	0,144
Фарқи (+,-)	+4107	+19449	+8771	+10271	+0,201	+0,090

Биз таҳлил қилаётган “ABC” акционерлик жамиятида асосий воситаларни ҳаракат кўрсаткичларининг ўзгаришини таҳлили шуни кўрсатадики, жорий даврда асосий воситаларнинг янгиланиш даражаси олдинги йилга нисбатан 0,201 коэффициентга ўсган. Ҳисобдан чиқарилган асосий воситаларнинг ўтган йилга нисбатан ўзгариши эса +0,090 коэффициентга ортган. Умуман олганда корхонадаги асосий воситаларнинг янгиланиш даражасини ўтган йилга нисбатан яхшиланганлигини ижобий баҳоламоқ лозим бўлади. Демак, корхона маъмурияти эскирган асосий воситаларини янгилаш бўйича амалий чоралар кўраётганлигидан далолатдир. Аммо, бундай суръатдаги янгиланиш даражаси бугунги кун талабига мос келмайди. Чунки, фан-техника тараққиёти ривожланиб бораётган бугунги кунда корхона асосий воситаларининг тўлиқ бир марта янгиланиш даври 3-4



йилдан ортиб кетмаслиги лозим бўлади. Бундай натижаларга эришиш учун эса корхона ўз асосий воситаларининг 20-25 фоизини ҳар йили янгилаб бориши лозим бўлади.

Бугунги кунда корхоналардаги асосий воситаларнинг техник ҳолати ва ҳаракат кўрсаткичларини таҳлил қилиб бориш билан бир қаторда, корхонанинг асосий воситалар билан таъминланганлиги даражасини ҳамда ходимларнинг асосий воситалар билан қуролланганлиги даражасини ҳам таҳлил қилиб бориш мақсадга мувофиқдир. Корхона (фирма)нинг асосий воситалар билан таъминланганлик ёки қуролланганлик даражаси деб ишлаб чиқаришнинг меъёр даражасида меҳнат воситалари билан таъминланганлигига айтилади.

**Аввало, корхона (фирма)нинг меҳнат воситалари билан таъминланганлигида қуйидаги жиҳатларини фарқлаш лозим:**

- ўзига тегишли бўлган меҳнат воситалари билан таъминланганлиги;
- ижарага олинган меҳнат воситалари ҳисобига таъминланганлиги.

Демак, корхона ҳар иккала ҳолатда ҳам асосий воситалар билан таъминланганликнинг меъёр кўрсаткичларига эга бўлиши мумкин.

Асосий воситалар билан таъминланганлик таҳлилида корхона (фирма) да асосий воситаларнинг режага ва ўтган йилларга нисбатан мутлоқ ва нисбий ўзгаришларига баҳо берилади.

Асосий воситалар билан қуролланганлик кўрсаткичлари сифатида битта ишчига тўғри келадиган меҳнат воситалари, бир иш ўрнига тўғри келадиган асосий воситалар билан қуролланганлик даражаси аниқланади. Асосий воситалар билан қуролланганлик даражаси уларнинг самарадорлик кўрсаткичларини ўрганиш асосида тўлдирилади. Яъни, корхона фаолиятига фақат миқдор кўрсаткичлар орқалигина эмас балки сифат кўрсаткичларини ҳам ўрганиш асосида баҳо берилади.

72-жадвал

**“АВС” акционерлик жамиятининг асосий воситалар билан таъминланганлиги ва қуролланганлигининг таҳлили**

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили	Фарқи (+,-)
1	2	3	4
Асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати, минг сўмда	162387	173161	+10774
Саноат ишлаб чиқариш ходимлари сони, киши	838	814	-24
Бир ходимга тўғри келадиган асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати, сўм	193779	212728	+18949

Маълумотлардан кўринадики, биз таҳлил қилаётган “АВС” акционерлик жамиятида саноат ишлаб чиқариш ходимларининг асосий воситалар билан қуролланиш даражаси ўтган йилга нисбатан 18949 сўмга ўсган. Бу ўсиш иккита омил ҳисобига тўғри келган. Биринчи омил бу

ишчилар сонининг ўзгариши ҳисобига бўлиб {(173161/838)-(162387/838)} 12857 сўмни, ҳамда иккинчи омил асосий воситаларнинг ўртача йиллик қийматининг ўзгариши ҳисобига {(173161/814)-(173161/838)} 6092 сўмни ташкил этган. Бундан кўринадики, корхонада ходимларнинг асосий воситалар билан куруланиш даражаси ўтган йилга нисбатан 18949 сўмга ортган. Бундай натижаларни ижобий ҳолат сифатида баҳолаш мақсадга мувофиқдир.

### 13.6. Фонд қайтимининг динамикаси ва ва унга ташкилий техникавий омиллар таъсирининг таҳлили

Асосий воситалардан фойдаланиш ва уларнинг самарадорлигига баҳо бериш молиявий таҳлилнинг зарур шартларидан бири ҳисобланади.

Бозор муносабатлари шароитида корхоналарнинг асосий воситалари билан етарли даражада таъминланганлигини ўрганиш билан бир қаторда уларнинг самарадорлик кўрсаткичларини ўрганиш асосий ўринда туради. Чунки, асосий воситалар билан етарли даражада таъминланган бўлса-ю, лекин улардан самарали фойдаланмасак, у ҳолда корхонанинг самарадорлиги пасайиб кетади.

Асосий воситаларнинг самарадорлик кўрсаткичлари корхона хўжалик фаолиятига баҳо беришнинг муҳим кўрсаткичларидан бири сифатида олинади. Уларнинг қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин.

73-жадвал

#### Асосий воситаларнинг самарадорлик кўрсаткичлари

Фонд қайтими	Фонд сиғими
<i>Саноат ишлаб чиқариш фондлари қайтими</i>	$Ф_k = \frac{\text{Маҳсулот ҳажми}}{\text{Саноат ишлаб чиқариш фондлари ўртача йиллик қиймати}}$
<i>Машина ва ускуналар қайтими</i>	$Ф_k = \frac{\text{Маҳсулот ҳажми}}{\text{Машина ва ускуналар ўртача йиллик қиймати}}$
<i>Саноат ишлаб чиқариш фондлари сиғими</i>	$Ф_c = \frac{\text{Саноат ишлаб чиқариш фондлари ўртача йиллик қиймати}}{\text{Маҳсулот ҳажми}}$
<i>Машина ва ускуналар сиғими</i>	$Ф_c = \frac{\text{Машина ва ускуналар ўртача йиллик қиймати}}{\text{Маҳсулот ҳажми}}$

Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ва унинг ҳолатига баҳо беришга иқтисодий таҳлилда аълоҳида аҳамият берилади. Корхона ишлаб

чиқариш қуввати деганда, унинг тўла иш билан бандлик ҳолатига айтилади. Бу ҳолат нафақат маҳсулот ишлаб чиқариш даражасига, балки унинг харажатлар таркибига, молиявий натижавийлигига ҳам таъсир этувчи бирлик сифатида қаралади. Ишлаб чиқариш қувватлари ва унинг фойдаланиш даражаларига баҳо бериш асосида корхонанинг жорий даврдаги иқтисодий потенциали ҳамда уни мақсадли бошқаруви белгиланади.

***Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишнинг таҳлилининг қуйидаги қаторларини характерлаш мумкин;***

- корхона ишлаб чиқариш қувватларининг техник иқтисодий кўрсаткичлари тизими;
- техник иқтисодий кўрсаткичлар ва ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни қиғсий таҳлили;
- ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишнинг корхона харажатларига таъсирининг таҳлили;
- ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишнинг корхона ишлаб чиқариш самарадорлигига ва фаолият натижавийлигига таъсирининг таҳлили.

Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишда корхона томонидан ошкор этиладиган 2-б форма «Корхонанинг ижтимоий иқтисодий кўрсаткичлар тизими» га муҳим эътибор берилади.

***Таҳлилда асосий воситаларнинг самарадорлик кўрсаткичлари ва уларнинг таъсир этувчи омиллари иккита таркиб бўйича ўрганилади.***

1. Асосий воситаларнинг самарадорлиги ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар таҳлили;
2. Асосий воситалар ва улардан самарали фойдаланиш кўрсаткичларининг маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига таъсирининг таҳлили.

Асосий воситаларнинг самарадорлик кўрсаткичлари ва уларнинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар қаторига қуйидагилар киритилади:

***Фонд қайтими (сигими) ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар бўлиб:***

- Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва унинг ўзгариши;
- Асосий фондлар ўртача йиллик қийматининг ўзгариши.

***Маҳсулот ҳажмига таъсир этувчи меҳнат воситалари билан боғлиқ бўлган омиллар қаторига қуйидагилар киритилади:***

- Асосий фондларнинг ўртача йиллик қийматининг ўзгариши;
- Фонд қайтими (сигими)нинг ўзгариши.

74-жадвал

“АВС” акционерлик жамиятида асосий воситаларнинг самарадорлик кўрсаткичлари ва уларнинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар таҳлили

Кўрсаткичлар	Маҳсулот ҳажми, корхона улгуржи баҳосида, минг сўм.	Саноат ишлаб чиқариш фондлари ўртача йиллик қиймати	Фонд қайтими	Фонд сигими
--------------	---	---	--------------	-------------

1	2	3	4	5
Ўтган йил	2113430	166100	12,724	0,079
Шартли, ҳисобот йили	2357682	173596	13,581	0,074
Ҳисобот йили	2553967	180222	14,171	0,071
Ўтган йилдан фарқ	+440537	+14122	+1,447	-0,008
<b>Фонд қайтимининг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар</b>				
X	+0,857	+0,590	+1,447	X
<b>Фонд сиғимининг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар таҳлили</b>				
X	-0,005	-0,003	X	-0,008
<b>Меҳнат воситалари билан боғлиқ омилларнинг маҳсулот ҳажмига таъсири</b>				
X	+440469,5	+179688,3	+260781,2	x

Биз таҳлил қилаётган “ABC” акционерлик жамиятида асосий воситаларнинг самарадорлиги ўтган йилга нисбатан бир қадар яхшиланган. Фонд қайтими ва унинг ўтган йилга нисбатан ўсиши +1,447 (14,171- 12,724) сўмга тенг бўлган. Бу ўзгаришда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмининг ўзгариши таъсири +0,857 (13,581-12,724 ) сўмни, асосий воситаларнинг ўртача йиллик қийматининг ўзгариши эса салбий таъсир этган ва унинг натижасида фонд қайтими +0,590 (14,171-13,581) сўмга камайган. Барча омиллар таъсирида асосий фондлар қайтими ўтган йилга нисбатан +1,447 сўмга ортган (14,171- 12,724).

Асосий фондлар сиғими ўтган йилга нисбатан -0,008 сўмга камайган. Бу ўзгаришга маҳсулот ҳажмининг таъсири -0,005 (0,074 – 0,079) сўмни, асосий воситалар ўртача йиллик қийматининг ўзгаришининг таъсири эса - 0,003 (0,071 – 0,074) сўмни ташкил қилган.

Меҳнат воситалари билан боғлиқ бўлган омилларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига таъсирининг таҳлилида асосий воситалар ўртача йиллик қийматининг ўзгариши таъсирида ялпи маҳсулот ҳажми +179688,3 (+14122\*12,724) минг сўмга, фонд қайтимининг ўзгариши ҳисобига +260781,2 (1,447\*180222) минг сўмга ўсишини кўриш мумкин.

### **13.7. Ишлаб чиқариш жиҳозларининг вақти ва қуввати бўйича фойдаланишини таҳлили**

Ишлаб чиқариш жиҳозларидан вақт ва қувват буйича фойдаланиш таҳлилида корхона асосий фондлари ва уларнинг таркибида машина ва ускуналар, станоклар иш вақтидан фойдаланишнинг даражасига, қувватларнинг фойдали иш коэффицентларига, фойдаланишнинг реал ҳолатига баҳо берилади.

Машина ва ускуналар иш вақтидан самарали фойдаланишда уларнинг жами саноат ишлаб чиқариш асосий воситалари таркибидаги салмоғига ва уларнинг иш самарасига аҳамият берилади.

Машина ва ускуналарнинг жами ишлаган вақти ҳамда машина ва ускуналар иш вақтидан олинган самарадорлик кўрсаткичларини аниқлаш

асосида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар таҳлил этилади ҳамда уни ўстиришнинг ички имкониятлари белгиланади.

қўйидаги жадвал маълумотлари асосида уларни таҳлил этишнинг услубий асосларини кўриб ўтиш мумкин.

75-жадвал

**“ABC” акционерлик жамиятида машина ва ускуналардан самарали фойдаланиш кўрсаткичлари таҳлили**

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили	Фарқи (+,-)
1	2	3	4
Маҳсулот ҳажми солиштирма улгуржи баҳода, минг сўм ҳисобида	2113430	2553967	+440537
Ишланган станок соатлар, минг станок соат	128780	120280	-8500
Бир станок соатда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми, минг сўм	16,41	21,23	+04,82

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, биз таҳлил қилаётган “ABC” акционерлик жамиятида ўрганилаётган даврда ўтган йилга нисбатан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 440537 минг сўмга ўсган бўлса, бунга аксинча ўлароқ жами ишланган станок соатлар ҳажми 8500 минг станок соатга қисқарган. Буларнинг натижасида эса бир станок соатда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми ўтган йилги 16,41 минг сўмдан ҳисобот йилига келиб 21,23 минг сўмга кўтарилган.

### **13.8. Фонд қайтимини ошириш имкониятлари**

Фонд қайтимини ошириш имкониятларини умумлаштириш таҳлил этиш босқичининг якуни ҳисобланади. Унда таҳлил этиш натижаларидан келиб чиққан ҳолда корхонада асосий воситаларнинг самарадорлигини оширишнинг йўналишлари белгиланади.

**Асосий воситаларнинг самарадорлик кўрсаткичларини оширишнинг қўйидаги йўналишларини корхона учун тавсия сифатида келтириб ўтиш мумкин.**

***Ташкилий йўналишлар бўйича:***

- асосий воситаларнинг фақат корхонага иш берадиган қисминигина олиш;
- асосий воситаларнинг ортиқча қисмини ушлаб турмаслик;
- эскирган асосий воситаларни ва манавий талабга жавоб бермайдиган асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш;
- асосий воситаларни фарқлаш ва таркиблашни қайта ўзгартириш;
- асосий воситаларга амортизация ҳисоблашнинг муоллик шакллари белгилаш ва ҳ.к.

***Техник йўналишлар бўйича:***

- асосий воситаларни таъмирлаш чораларини кўриш, техник қаров;
- эскирган асосий воситаларни янгилари билан алмаштириш;
- автоматлаштирилган тизимни яратиш;
- механизациялашни кучайтириш ва ҳ.к.;

*Эксплуатацион йўналишлар бўйича:*

- бир сменалик ва кўп сменалик;
- ишлаб чиқариш ҳажмига қараб асосий воситаларни техник ҳолат ва ҳаракатини бошқариш;
- асосий воситалар қарови юзасидан маъсул шахсларни ажратиш;
- асосий воситалар бўйича жавобгарлик марказларини белгилаш ва ҳ.к.;

## Мавзу бўйича таянч иборалар

- бозор иқтисодий шариоитида асосий фондлардан самарали фойдаланишни аҳамияти ва таҳлил вазифаси;
  - асосий фондларни ишлаб чиқаришдаги ролига қараб гуруҳларга бўлиниши;
  - асосий воситаларнинг Актив ва Пассив қисмлари;
  - асосий фондларни таркиби, тузилишидаги ўзига хос хусусиятлари;
  - маҳсулот сифатини яхшилаш, рақобатга бардошлигини таъминлашда тезлашган амортизация ажратмаларини қўллашнинг афзалликлари;
  - асосий фондларни техник ҳолатини таҳлили;
- янгилаш даражаси
  - эскириш даражаси
  - яроқлилик даражаси
    - фонд қайтими ва унга таъсир этувчи омилларни ҳисоблаш тартиби;
    - фонд қайтимини ошириш резервлари.

## Такрорлаш учун саволлар

1. Хўжалик юритувчи субъектларнинг асосий восита (фонд)лари деганда нимани тушунаси?
2. Асосий воситаларнинг таркиби, тузилиши ва динамикаси қандай таҳлил этилади?
3. Асосий воситаларнинг ҳолатини таҳлил этишда таҳлилнинг қандай усуллари қўлланилади?
4. Асосий воситаларнинг ҳаракат кўрсаткичлари қандай таҳлил этилади?
5. Асосий воситаларнинг янгилаши ва чиқиб кетишига нималар сабаб бўлади?
6. Асосий воситаларнинг техник ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичларга нималар киради ва улар қандай таҳлил этилади?
7. Асосий воситаларнинг янгилаш коэффициенти қандай айқланади ва таҳлил этилади?
8. Хўжалик субъектларининг асосий воситалар билан таъминланганлиги ва қуролланганлик даражалари қандай ҳисобланади?
9. Асосий воситалар ва ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш қандай таҳлил этилади?

10. Асосий воситаларнинг самарадорлиги қайси кўрсаткичлар асосида аниқланади ва у қандай таҳлил этилади?
11. Асосий воситалар самарадорлиги маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига қандай таъсир кўрсатади ва улар қандай таҳлил қилинади?
12. Асосий воситаларга амортизация ҳисоблашнинг Миллий ҳисоб стандартларидаги усуллари ва уларни қўллаш шартлари?
13. Амортизация сиёсатининг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига ва харажатларга таъсири?
14. Асосий воситаларни таркибдаги муаммолар ва уларни ҳал этилиши?
15. Асосий воситаларни баҳоланиши ва улардаги муаммолар?
16. Асосий воситалар лизинги ва уни жалб этишнинг талаблари?

### **Мустақил ўрганиш учун топшириқлар**

#### **1-топшириқ**

Қуйидаги илова қилинган “Асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот” маълумотлари асосида корxonанинг асосий воситалар билан таъминланганлигини ва улардан самарали фойдаланиш кўрсаткичларини мустақил равишда таҳлил қилиб чиқинг ва хулосалар ёзинг.



**АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ҲАРАКАТИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ**  
(3-сонли шакл)

Кўрсаткичлар номи Наименование показателя	Сатр рақами Код строки	Бошланғич (тиклаш) қиймати				Йиғилган амортизация (эскириш) миқдори				Қолдиқ қиймати	
		Йил бошига қолдиқ	Келиб тушган	чиқим	Йил охирига қолдиқ	Йил бошига қолдиқ	Келиб тушгани бўйича	Чикими бўйича	Йил охирига қолдиқ	Йил бошига	Йил охирига
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
Ер	010	76825,6	18095,6	4667,5	90253,7	-	-	-	-	76825,6	90253,7
Ерни ободонлаштириш	020	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш	030	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
Бино	040	1837836	344663,4	5363,9	2177136	150805,3	51579,2	1046,8	211885,4	1687031	1965250
Иншоот	050	9037,1	-	-	9037,1	294,4	775,1	1,8	1067,7	8742,7	7969,4
Узатиш мосламалари	060	2482,8	1443,8	-	3926,6	574,5	153,9	-	728,4	1908,3	3198,2
Машина ва жиҳозлар	070	104218,5	51206,6	9265,5	146159,6	61612,6	22436,6	81178,1	81534,5	42605,9	64624,7
Мебел ва офис жиҳозлари	080	10770,4	1360,8	498,9	11632,3	2343,0	955,6	1827,5	1471,1	8427,4	10161,2
Компьютер жиҳозлари ва ҳисоблаш техникаси	090	39781,5	24793,4	8734,5	55840,4	11387,4	4963,4	16821,9	16821,9	28394,1	39018,9

Транспорт воситалари	100	444541,3	143904,9	8848,8	579597,4	138999,8	56188,4	2722,9	200863,4	305541,5	378734,0
Ишчи ҳайвонлар	110	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
Маҳсулдор ҳайвонлар	120	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
Кўп йиллик ўсимликлар	130	226	45,8	45,8	226,0	8,4	7,0	2,4	13,0	217,6	213,0
Бошқа асосий воситалар	140	105396,9	92791,7	458,8	197729,8	56553,6	39688,5	1266,6	102170,8	48843,3	95559,0
Консервация қилинган асосий воситалар	150	-	-	-	-	-	-	--	-	-	-
Узоқ муддатли ижарага олинган асосий воситалар	160	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
<b>ЖАМИ асосий воситалар</b>	<b>170</b>	<b>2631116</b>	<b>678306</b>	<b>37883,7</b>	<b>3271538</b>	<b>465879,8</b>	<b>186721,5</b>	<b>16915,0</b>	<b>668925,5</b>	<b>2165236,6</b>	<b>2602612,5</b>
Шулардан: -ишлаб чиқариш	171										
-ноишлаб чиқариш	172										
<b>Маълумот учун:</b>											
Йил давомида сотиб олинган асосий воситалар, жами Шу жумладан:	180					x	x	x	x	x	x
ўз маблағлари ҳисобига	181					x	x	x	x	x	x
Банк кредитлари ҳисобига	182					x	x	x	x	x	x

Бошқа қарзга олинган маблағлар ҳисобига	183					x	x	x	x	x	x
Тугалланмаган қурилиш	190	296505,4	135264,2	130783,1	300986,5	x	x	x	x	x	x

## **Мавзу: Пул оқимларининг таҳлили**

### **Ўрганиладиган саволлар:**

1. Бозор муносабатларининг такомиллашуви шароитида хўжалик субъектларининг пул маблағлари ҳаракатини таҳлил этишнинг аҳамияти, таҳлил вазифалари ва ахборот манбалари
2. Хўжалик субъектларининг асосий фаолиятидаги пул оқимларининг таҳлили
3. Инвестиция фойдаси, молиявий хизмат кўрсатиш ва солиқ тўлашлардаги пул оқимини таҳлили
4. Молиявий фаолиятдаги пул маблағлари ҳаракатининг таҳлили
5. Валюта маблағлари ҳаракатини таҳлили
6. Ҳозирги қийматга келтирилган келажакда кутилаётган соф пул оқимлари усули ва унинг таҳлили
7. Пул оқимини башоратлаш

### **Бозор муносабатларининг такомиллашуви шароитида хўжалик субъектларининг пул маблағлари ҳаракатини таҳлил этишнинг аҳамияти, таҳлил вазифалари ва ахборот манбалари**

Республикаимиз ўзининг мустақиллигига эришганидан сўнг Президентимиз бошчилигида республиканинг ўзига хос бўлган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш модели ишлаб чиқилди. Ушбу ривожланиш модели асосида республикаимизда янги иқтисодий тизим - бозор иқтисодиётига ўтилмоқда. Турли-туман мулк шаклларининг пайдо бўлиши, давлат мулкининг хусусийлаштирилиши, ҳиссадорлик жамиятлари, ҳамкорликдаги ўйшама корхоналар, кичик корхоналарнинг вужудга келиши ўтиш жараёнига хос хусусиятлардандир. Бундай шароитда товар ишлаб чиқарувчилар ўртасида ҳақиқий рақобат ҳукм суришига, корхоналар мустақил равишда чет эл корхоналари билан алоқа ўрнатишга, маҳсулот сотишнинг янги замонавий усуллари ривожлантиришга, тижорат банклари, хусусий банклар, биржалар, ким ошди савдолари фаолиятини ривожлантиришга имкониятлар пайдо бўла бошлади.

Ҳозирда мулкый бирлик ва муносабатларнинг шундай тизимини шакллантириш лозимки, бу ҳаракат аввало фаолият якунида юқори унум ва натижавийликни, бутлик ва манфаат уйғунлигини, энг муҳими бозор тўқин-сочинлиги ва жамиятимиз фаровонлигини таъминласин. Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида ушбу жиҳатга бош масала сифатида қараш лозим.

Президентимиз И. Каримов бу ҳақда фикр юритиб, ўзининг асарларида куйидаги фикрларни илгари сурган: «Пировард мақсадимиз ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиётига, очиқ ташқи сиёсатга эга

бўлган кучли демократик ҳуқуқий давлатни ва фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборатдир».

Бозор муносабатлари соҳасида ҳар қандай хўжалик юритувчи субъектнинг ўз тасарруфидаги барча ресурслар – молиявий, моддий, меҳнат ва пул ресурслари ҳаракати ҳамда улардан фойдаланиш самарадорлигини тўғри бошқаришни таъминлаши зарур бўлади. Кўпгина корхона ва ташкилотлар иқтисодий мустақиллик ҳамда ички ва ташқи бозорда битимлар тузиш ҳуқуқини кўлга киритганларидан сўнг хўжалик юритишнинг янги шароитларига босқичма – босқич тайёр бўлиб борди.

Бозор иқтисодиёти соҳасида бошқарув субъектларига фақат ахборотга эга бўлишнинг ўзи кифоя қилмайди. Бу ахборот билан ишлаш, тўғри хулосалар чиқариш ва улардан ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мақсадида фойдаланиш зарур бўлади.

Корхоналарнинг хўжалик фаолиятини бошқаришда фойдаланиладиган манбалар қаторига пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ахборотлар ҳам киради. Хўжалик фаолиятини самарали бошқаришда пул маблағлари оқими тўғрисидаги ахборотлар муҳим рол ўйнайди. Пул оқимлари тўғрисидаги маълумотлар барча даражадаги бизнесменлар томонидан халқаро амалиётда кенг қўлланилмоқда, у корхоналар маъмуриятига ҳам, ташқи фойдаланувчиларга ҳам зарурдир. Корхона менежерлари мазкур маълумотлардан фойдаланиб корхона ликвидлигини ўрганишда, дивидендларни белгилашда, иш ҳақи таъминоти ва бюджет билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиниши имкониятидан фойдаланишлари мумкин.

Иқтисодчи олимлар Т.П.Карлин ва А.Р.Макминларнинг фикрига кўра, "Пул маблағлари ҳисоб-китоби - молиявий таҳлилнинг энг муҳим қуролидир. Йиллик молиявий башорат шаклида кўрсатилишича бундай башорат компания учун ойма-ой кутилаётган пул маблағлари киримини ва ойма-ой асосида мажбуриятлар қопланишининг тўловини амалга оширилишини кўрсатиб беради. Пул маблағлари ҳисоб-китоби кредиторларга фирманинг кредитга бўлган тиғиз талабини баҳолаш учун ва операцион цикл давомида қисқа муддатли ссудаларни қоплаш учун етарли даражадаги пул маблағларини ишлаб топишга қодирлигини аниқлаш имкониятини беради. Бундан ташқари пул маблағларини ҳисоб-китоби кредиторларга компаниянинг узоқ муддатли ёки қисқа муддатли кредитларга эҳтиёжи мавжудлигини аниқлашга ёрдам беради. Корхонанинг пул маблағлари ҳаракатини ҳисоб-китоби айниқса, қарздорларнинг мавсумий тижорат цикли давомидаги молиявий эҳтиёжларини аниқлаш учун қулайдир».

Бозор учун ишлаб чиқариш бор жойда пул маблағлари ўта муҳим иқтисодий восита бўлади. Пул маблағлари ишлаб чиқаришнинг такрорланишига хизмат қилади, иқтисодий ўсишга кўмаклашади. Пул шаклидаги маблағлар бозор орқали ресурсга айланади, ресурслар иштирокида товарлар яратилади, товарлар сотилиб яна пул олинади. Шундай ҳаракатнинг қайтарилиб туриши иқтисодий жараён юз берганини билдиради. Ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўзининг иқтисодий жараёнини мунтазам

равишда давом эттириши учун маълум миқдорда пул маблағлари бўлишини тақозо этади.

Юқоридаги иқтисодчи олимларнинг фикр-мулоҳазаларига ўйшилган ҳолда ҳамда уларнинг барчасини фикрларини умумлаштирган ҳолда пул маблағлари атамасига қуйидагича умумий таъриф беришни тавсия этамиз: "Пул маблағлари - мажбуриятларни зудлик билан тўлаш учун ишлатилиши мумкин бўлган турдаги маблағларни ўз ичига олади. Пул маблағларига молиявий муассасалардаги жорий ҳисобварақлардаги қолдиқлар, нақд купюрлар, тангалар, валюталар, кичик кассанинг нақд пуллари ва молиявий муассасалар томонидан муддатли депозитлар ва муомаладан чиқариш учун қабул қилинган, корхона кассасидаги конкрет ўтказиб бериладиган пул ҳужжатларидир<sup>1</sup> ("Молиявий ҳисоб" бухгалтерия ҳисобининг Миллий ва Халқаро стандартлари асосида тайёрланган ўқув қўлланма, Тошкент 2000 йил). Бу ўтказиладиган пул ҳужжатларига оддий чеклар, касса ордерлари, миқозлар чеклари, пул ўтказмалари ва бошқа ҳисоб-китоб воситалари киради". Балансининг "Пул маблағлари" моддасидаги қолдиқ пул ҳисобварақларига кирадиган барча турдаги маблағларни акс эттиради.

Пул эквивалентлари - бу пул маблағларига ўхшайдиган, лекин бошқача таснифланадиган активлардир. Улар хазина векселлари, тижорат қоғозлари ва депозит сертификатлардан иборат. Кечикишлар ва жарима санкциялари пул эквивалентларини пул маблағларига алмаштирилишига таъсир қилиши мумкин. Шунинг учун, эквивалентлар касса ҳисобварақидан олинади. Кўпинча пул эквивалентларини ҳисоб-китоб воситасига айлантириш эҳтиёжи йўй. Эквивалентлар одатда қисқа муддатли инвестиция ҳисобварақига олиб борилади.

Пул маблағларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш кўп жиҳатдан корхоналарда пул маблағларининг ҳаракатини оптимал бошқаришни ташкил этиш ва улар устидан назоратни яхшилашга боғлиқ. Пул маблағлари назоратини ташкил этишнинг асосий элементларидан бири бўлиб эса корхонанинг ҳисоб-китоб счётидир. Яъни ҳисоб-китоб счётидан самарали фойдаланишни максимал даражада таъминлаш, барча кириб келаётган пул маблағларини албатта банк орқали ҳисобга олиш, барча турдаги тўловларни банклар чиқарган чеклар ёки шунга ўхшаш ёзма топшириқномалар ва уларнинг махсус пул маблағлари фонди орқали амалга ошириш лозим. Агарда кўрсатилган тартиб қатъий амал қиладиган бўлса, у ҳолда пул маблағларининг ҳисоби икки томонлама бўлади: биринчиси-корхонанинг ўзида, иккинчиси -банкда.

Молиявий ахборот билан ишлашнинг энг муҳим жиҳатларидан бири уни таҳлил қилишдир. Таҳлил қилишда хўжалик фаолиятини ўрганишда ҳамда хулосалар чиқаришда асос бўладиган бир қатор кўрсаткичлардан фойдаланилади.

Корхона молиявий аҳволини таҳлил қилиш билан шуғулланаётган ҳар бир ходим молиявий ҳисобот шакллари, шу жумладан, "Пул оқими тўғрисидаги ҳисобот" шаклини эркин ўқий олиши, унинг моддаларини тушуниши, шунингдек хулосалар чиқариш ва тавсиялар беришни билишлари

керак.

Молиявий ҳисобот моддаларидан фойдаланиб, корхона тўғрисида катта ҳажмда маълумот олиш, унинг молиявий аҳволини хизмат ва бозор фаоллигини таҳлил қилиш мумкин.

***"Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот" да корхона молиявий ресурсларидаги барча ўзгаришлар пул маблағлари туўтаи-назаридан акс эттирилади:***

- Хўжалик фаолиятида олинган пуллар ҳаракати;
- олинган ҳамда тўланган фоизлар ва дивидендлар;
- тўланган солиқлар;
- олинган ва ўйилган инвестициялар;
- акциялар ва заёмлар, шунингдек ижара мажбуриятлари бўйича тушумлар ва тўловлар.

Кундалик хўжалик фаолияти жараёнида содир бўлган пул маблағларидаги барча ўзгаришлар шундай тартибда акс эттириладики, у пул маблағлари қолдиғи билан уларга эквивалент бўлганлар ўртасида, яъни, қисқа муддатли юқори ликвид инвестициялар, эркин айирбошладиган пул маблағлари ўртасида ўзаро боғлиқликни аниқлаш имконини беради.

4-сон шаклга "Валюта маблағларининг ҳаракати тўғрисида маълумотнома" илова қилиниб, унда давр боши ва охирига бўлган қолдиқлар, валюта маблағлари тушуми ва харажати тўғрисидаги маълумотлар келтирилади.

Корхонанинг молиявий аҳволи кўп жиҳатдан реал пул айланмасига боғлиқ. Корхонанинг ҳисоб-китоб ва ўзга ҳисоб рақамлари орқали ўтадиган пул маблағларининг келиб тушиши ва уларнинг сарфланишига пул маблағлари оқими дейилади.

Корхона ишининг самарадорлигига, барқарор молиявий ҳолатга корхонанинг ҳисоб-китоб ва ўзга ҳисоб рақамларига пул маблағлари ўз вақтида ва тўла ҳажмда келиб тушиши ва тўланиши натижасида эришиш мумкин.

Пул маблағлари оқимини таҳлил қилиш учун 4-шакл "Пул маблағлари тўғрисидаги ҳисобот" молиявий ҳисоботи, шунингдек, 1-ш шаклидаги "Корхона (ташкilot) молиявий фаолиятининг асосий кўрсаткичлари тўғрисида" ги статистика ҳисоботи асосий маълумот манбаи бўлиб хизмат қилади.

Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот – молиявий ҳисобот ҳужжати бўлиб, унда жорий хўжалик фаолияти жараёнида пул маблағлари келиб тушиши, сарфланиши ва уларнинг йил боши ва охиридаги қолдиғи, шунингдек, инвестиция ва молиявий фаолиятга йўналтирилган пул маблағлари акс эттирилади.

Пул маблағлари оқимига сўм ва валютадаги пул маблағлари киритилади. Шу туфайли 4-шакл "Пул маблағлари тўғрисидаги ҳисобот" молия ҳисоботида махсус "Валюта маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги маълумотнома" бўлиб, унда уларнинг давр боши ва охиридаги қолдиғи ва

уларнинг келиб тушиш ва сарфланиш суммаси кўрсатилади.

Пул маблағлари оқимини ўрганишда ишлатиладиган асосий атамалар қуйидагилардан иборат:

**Пул оқимлари** – пул ва пул маблағларининг ҳамда сўм ва ўзга эквивалентларининг кирими (келиб тушиши) ва чиқими (сарфланиши).

**Пул эквивалентлари** – бу пул маблағларига эркин алмаштириладиган қисқа муддатли ликвидланадиган, қиймати ўзгариши хатарига камроқ мойил бўлган инвестициялар.

**Пул маблағлари** – бу кассадаги нақд пул ва талаб бўйича бериладиган депозитлар, шунингдек, ҳисоб-китоб, валюта ва ўзга банк ҳисоб рақамларидаги маблағлар.

**Операция фаолияти** – бу инвестиция ва молиявий фаолиятни истисно қилганда, корхонанинг даромад келтирадиган асосий ва бошқа фаолияти.

**Инвестиция фаолияти** – пул эквивалентларига киритилмаган узок муддатли активлар ва бошқа инвестицияларни сотиб олиш ва сотиш.

**Молиявий фаолият** – хўжалик юритувчи субъектнинг фаолияти бўлиб, у натижада ўз сармояси ва қарз олинган маблағлар ҳажми ва таркибининг ўзгаришига олиб келади.

Пул маблағларининг оқимини қуйидаги асосий кўрсаткичлар таърифлайди:

1. Пул маблағларининг келиб тушиши ва сарфланиши суммаси.
2. Келиб тушган ва сарфланган пул маблағларининг тузилмаси.
3. Келиб тушган ва сарфланган пул маблағларининг ўзаро сальдоси.
4. Келиб тушган ва сарфланган пул маблағлари нисбатининг коэффиценти (пул маблағлари оқими коэффиценти).

Келиб тушган ва сарфланган пул маблағларини суммаси молиявий ҳисобот шакли бўлмиш 4-шакл "Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот" бўйича тўрт гуруҳга гуруҳлаштирилган.

#### **Пул маблағларининг келиб тушиши (кирими).**

Ҳаридорлардан олинган пуллар (кирим), ҳисобот даврида корхонанинг банк счётларига, ёки вексель кўринишида юклаб жўнатишган маҳсулот, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун келиб тушган маблағлар суммасини кўрсатади. Ушбу суммани 4-шакл "Пул маблағлари тўғрисидаги ҳисобот" молиявий ҳисоботидан (қуйида 4-Ш) ва 1-ш шакли статистика ҳисоботидан олиш мумкин.

Бошқа пул тушумлари ва роялтидан, турли кўринишдаги мукофотлар, комиссия йиғимлардан олинган пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари суммасини кўрсатади.

Бозор иктисодиёти шароитида Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот Акциядорлик жамиятларининг бошқарув раҳбарияти ва ташки фойдаланувчи инвесторлар, кредиторлар, корхона мененжерлари учун зарурдир. Бошқарув раҳбарияти учун бу ҳисобот корхонани ликвидлиги, дивидендлар микдорини аниқлаш, бошқа йўналишларга қушимча инвестицияларни жойлаштириш учун манба ҳисобланади.

Пул оқими тўғрисидаги ҳисобот зарур бўлган ҳолларда корхонага



юқори даромад келтирадиган лойиҳаларни лойиҳалаштириш учун зарур манбадир.

Корхонанинг бошқарув раҳбарияти учун бу ҳисобот корхонанинг қисқа муддатли кредиторлик қарзларини узишга мавжуд маблағни етарли ёки етишмаслиги, ҳиссадорларга тўланадиган дивидендлар миқдорини кўпайтириш ёки камайтириш ҳамда корхонани инвестиция ва молия масалалари бўйича сиёсат каби масалаларни ҳал этиш зарурдир.

Пул оқимлари тўғрисидаги манбалар асосида инвесторлар компанияни фаолиятини ўрганади ва уларни фаолиятига баҳо беради. Жумладан, корхона раҳбарияти пул маблағлари ҳаракатини бошқара олиш, корхона счётидан кредитор қарзларни узиш ҳамда ҳиссадорларга дивиденд тўлаш, ўўшимча молиялаштириш мақсадлари учун етарли миқдорда пул маблағларини жамлаш имкониятлари аниқланади. Бу ҳисобот шакли орқали соф фойда билан пул маблағлари ҳаракати ўртасидаги боғлиқлик ва тафовутлари аниқланиши мумкин. Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот корхонани инвестиция ва молиявий фаолияти натижаларини ўзида акс эттиради.

***Корхонанинг пул оқимини таҳлил қилишда молиявий таҳлил қуйидаги вазифаларни бажаради:***

- пул маблағларининг ҳаракатига тўғри, аниқ ва холисона баҳо бериш;
- операцион фаолиятдаги пул маблағларининг ҳаракатига баҳо беиш;
- корхонанинг жорий, инвестиция ва молиявий фаолиятлари бўйича пул маблағларининг соф киримини ва чиқимини аниқлаш ҳамда баҳо бериш;
- пул маблағлари кирими бўйича манбаларини, чиқими бўйича ҳаракатларининг таркибини чуқур ўрганиш;
- пул маблағлари миқдорининг оптимал вариантини аниқлаш;
- корхонанинг валюта маблағлари ҳаракатини ўрганиш ва унга таъсир этувчи омилларга баҳо бериш;
- корхонани соф пул оқимларида ижобий сальдони кўпайтириш имкониятларини аниқлаш ва ҳақозолар.

***Корхоналарда пул маблағларининг ҳаракати бир неча жараёнлар бўйича содир бўлади. Бугунги кунда корхоналарда пул оқими асосан тўртта жараён бўйича содир бўлади. Буларга:***

\_\_\_ операцион фаолиятида пул маблағларининг соф кирими (+), чиқими (-);

\_\_\_ Инвестиция фаолиятидаги соф пул оқимларининг кирими ёки чиқими;

\_\_\_ Молиявий фаолиятдаги пул маблағларининг соф кирим ёки чиқими;

\_\_\_ Солиққа тортиш (тўланган солиқлар).

Куйида “АВС” акционерлик жамияти мисолида юқоридаги жараёнлар бўйича пул маблағларининг ҳаракатини кўриб чиқамиз.

76-жадвал

“АВС” акционерлик жамиятининг пул оқимларини таҳлили

Кўрсаткичлар	Пул маблағлари кирими		Пул маблағлари чиқими	
	Сумма, минг сўм	Жамига нисбатан салмоғи, %	Сумма, минг сўм	Жамига нисбатан салмоғи, %
1	3	4	5	6
1. Пул ва унга тенглаштирилган маблағларнинг ҳисобот йил бошига қолдиғи	7657	0,21	-	-
2. Хўжалик фаолиятида пул маблағларининг кирими (+), чиқими (-)	3654697	99,95	2927038	80,09
3. Тўланган солиқлар	-	-	727646	19,91
4. Инвестиция фаолиятидаги соф пул оқимларининг кирими ёки чиқими	1938	0,05	117	0,003
5. Молиявий фаолиятдаги соф кирим ёки чиқим	-	-	-	-
<b>Жами пул маблағларининг ҳаракати:</b>	<b>3656635</b>	<b>100,0</b>	<b>3654801</b>	<b>100,0</b>
Соф кўпайиш ёки камайиш	9491	0,26	-	-

Юқоридаги жадвал маълумотлари асосида биз таҳлил қилаётган “ABC2 акционерлик жамиятининг пул маблағлари ҳаракатига баҳо беришимиз мумкин бўлади. Маълумотлардан кўринадики, жорий даврда корхонада жами пул маблағларининг кирими 3656635 минг сўмни ташкил этиб, шундан 99,95 % и хўжалик (операцион) фаолиятидаги пул маблағларининг киримига тўғри келмоқда. қолган 0,05 % пул маблағларининг кирими инвестиция фаолияти ҳисобига тўғри келган. Корхонанинг жами пул маблағлари чиқими эса 3654801 минг сўмни ташкил қилиб, шундан, 2927038 минг сўми ёки 80,09 %и хўжалик фаолиятдан бўлган пул маблағларининг чиқимига, 727646 минг сўми ёки 19,91 %и эса тўланган солиқлар ҳиссасига тўғри келмоқда. Бунинг натижасида корхонанинг пул маблағлари қолдиғи йил бошидаги 7657 минг сўмдан йил охирига келиб 9491 минг сўмга кўпайган. Бундай натижаларни умуман олганда корхона учунт ижобий баҳоласак ҳам бўлади. Шунини хулоса қилиб айтиш мумкинки, корхонада пул маблағларининг ҳаракати фақатгина асосий хўжалик фаолиятида бўлган.

### **Хўжалик субъектларининг асосий фаолиятидаги пул оқимларининг таҳлили**

“Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот”да жорий (операцион), инвестиция, молиявий ва солиққа тортиш фаолиятлари бўйича пул маблағларини кирими ва чиқими ифодаланган.

**Жорий (операцион) фаолият – хўжалик жараёнларини корхонанинг пул маблағларига, фойда миқдорида таъсирини ифодалайди. Бу бўлимга қуйидагилар киради:**

- жўнатилган товарлар ва кўрсатилган хизматлар учун келиб тушган пул

маблағлари;

- мол етказиб берувчи ва пудратчиларга тўланган пул маблағлари;
- ходимларга ва улар номидан тўланган пул маблағлари;
- операцион фаолиятнинг бошқа пул тушумлари ва тўловлари.

Корхоналарда пул маблағларини ҳаракати асосан корхона хўжалик фаолиятида содир бўлади. Хўжалик фаолиятдан пул маблағларини ҳаракатини таҳлил қилиб чиқишимиз учун қуйидаги жадвал маълумотларини ўрганишимиз лозим бўлади.

77-жадвал

**“ABC” акционерлик жамиятининг хўжалик фаолиятидаги пул маблағлари ҳаракатини таҳлили**

Кўрсаткичлар	Сатр рақами	Пул маблағлари кирими		Пул маблағлари чиқими	
		Сумма, минг сўм	Жамига нисбатан салмоёи, %	Сумма, минг сўм	Жамига нисбатан салмоёи, %
1	2	3	4	5	6
1. Маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан келиб тушган пул маблағлари	010	3512687	96,12	-	-
2. Материал, товар, иш ва хизматлар учун мол етказиб берувчиларга тўланган пул маблағлари	020	-	-	2297295	78,48
3. Ходимларга ва улар номидан тўланган пул	030	-	-	267007	9,13

маблағлари						
4. Операцион фаолиятнинг бошқа пул тушумлари ва тўловлари	040	142010	3,88	362736	12,39	
<b>ЖАМИ:</b>	-	3654697	100,0	2927038	100,0	
Опрецион фаолиятнинг соф пул кирими ёки чиқими	050	727659	19,91	-	-	

Жадвал маълумотларига кўра биз таҳлил қилаётган “ABC” акционерлик жамиятида, хўжалик (операцион) фаолиятидан пул маблағларининг соф кирими 727659 минг сўмни ташкил қилган. Корхонада жами кирим 3654697 минг сўмни ташкил қилиб, унинг 96,12 фоизи маҳсулотларни сотишдан келиб тушган пул маблағлари ҳисобига, қолган 3,88 фоизи эса операцион фаолиятнинг бошқа пулли тушумлари ҳисобига тўғри келган. Корхонанинг хўжалик фаолиятидаги жами сарфлар эса 2927038 минг сўмни ташкил қилиб, унинг 78,48 фоизи мол етказиб берувчиларга тўланган пул маблағлари, 9,13 фоизи ходимларга тўланган пул маблағлари ҳисобига, қолган 12,39 фоизи операцион фаолиятнинг бошқа пулли тўловлари учун сарф қилинган. Корхонада пул маблағларининг хўжалик (операцион) фаолиятидаги соф кирим натижаси 727659 минг сўмни ташкил қилган. Бу кўрсаткич умумий тушумнинг 19,91 % ини ташкил қилган. Бундай натижаларни корхона учун ижобий деб баҳоламоқ лозим.

### **Инвестиция, молиявий ва солиқ тўлашлардаги пул оқимини таҳлили**

**Инвестиция фаолияти** – корхона инвестиция фаолиятида номоддий активларни сотиб олиш ва сотиш, узоқ муддатли моддий активлар, яъни кўчмас мулк бўлмиш бино, жиҳозлар ва бошқа асосий воситаларни сотиб олиш учун етказиб берувчиларга тўланган пуллар ва унга тенглаштирилган маблағлар чиқим устунида акс эттирилади.

Кирим устунида эса узоқ муддатли активларни сотишдан тушган тушум ҳисобланади. Корхоналар харид қилинган узоқ ва қисқа муддатли ўйилмалар моддасини чиқим устунида воситаларга комисион тўловлар ва бошқа биржада тўланган фоизларни ҳисобга олмаган ҳолда қимматли қоғозларни сотиб олиш учун тўланган, пул маблағларини кўрсатадилар. Кирим устунида ўзлик бўлмаган қимматли қоғозларни шу билан бирга банк ва бошқа юридик шахсларни қисқа муддатли ва узоқ муддатли ссуда ва қарзларини сотишдан келган тушум кўрсатилади.

Одатда корхоналар ўз фаолияти давомида асосий фаолият билан бир қаторда инвестиция фаолияти билан ҳамда молиявий фаолият билан шуғулланидилар. Ушбу ҳолатни биз қуйидаги жадвал маълумотлари асосида таҳлил қилиб чиқамиз.

*78-жадвал*

**“ABC” акционерлик жамиятининг инвестиция, молиявий ва солиққа тортиш фаолиятларидаги пул маблағлари ҳаракатининг таҳлили**

Кўрсаткичлар	Сатр рақами	Пул маблағлари кирими		Пул маблағлари чиқими	
		Сумма, минг сўм	Жамига нисба-тан салмоғи, %	Сумма, минг сўм	Жамига нисбатан салмоғи, %
1	2	3	4	5	6
1. Хўжалик (операцион) фаолиятдан пул маблағларининг соф ҳолати	050	27659	-	-	-
2. Асосий воситалар ва номоддий активларни сотиб олиш ва сотиш	060-070	-	-	-	-
3. Олинган ва тўланган фоизлар	110	-	-	-	-
4. Олинган ва тўланган дивидендлар	120	930	47,99	-	-
5. Инвестиция ва молиявий фаолиятнинг бошқа жараёнларидаги пул маблағларининг ҳаракати	080-090, 130-170	1038	52,01	-	-
6. Жами тўланган солиқлар	190-200	-	-	7 27763	100, 0
<b>Жами</b>	-	<b>1938</b>	<b>100,0</b>	<b>727763</b>	<b>100,0</b>
Инвестиция, молиявий ва солиқланишдан сўнг соф пул оқимининг натижаси	-	1834	-	-	-

Ушбу жадвал маълумотлари асосида «АВС» акционерлик жамиятининг инвестиция, молиявий ва солиққа тортиш фаолиятларидан кўрилган пул маблағларининг ҳаракатига баҳо беришимиз мумкин бўлади. Бугунги кундаги бизнинг республикамиздаги пул маблағларининг ҳаракатидаги ўзига хос жиҳатлари шундаки, бизнинг республикамизда пул маблағларининг асосий қисми, яъни, одатда 90-95 %и хўжалик (операцион) жараёнларга тўғри келади. Шу жиҳатдан ҳам мазкур жадвал маълумотларидан ҳам кўриниб турибдики, корхонанинг мазкур фаолият турлари бўйича пул маблағлари жами кирими 1938 минг сўмни ташкил қилган ҳолос. Мазкур фаолиятлардан кўрилган жами пул маблағлари чиқими эса 727763 минг сўмни ташкил этиб, уларнинг ҳаммаси асосан, тўланган солиқлар ҳиссасига тўғри келмоқда. Жадвал маълумотларига кўра, корхонада инвестиция, молиявий ва солиққа тортиш фаолиятларидан соф пул оқими 1834 минг сўмни ташкил қилган. Яъни, Ушбу фаолият натижаларидан сўнг корхонадаги соф пул маблағларининг кирими бирмунча камайганлигини кузатишимиз мумкин. Бундан кўринадики, корхона ушбу фаолиятлар натижасида асосан пул маблағларининг чиқими эришган. Бундай натижаларни ижобий ҳол деб баҳолаб бўлмайди.

### **Молиявий фаолиятдаги пул маблағлари ҳаракатининг таҳлили**

**Молиявий фаолият** – бўлимида акция чиқаришдан келиб тушган тушум, узоқ ва қисқа муддатли қарзларни келиб тушиши ва чиқимлар акс

этади. Булардан ташқари корхона пул иштирокисиз инвестиция ва молиявий фаолият бўйича чиқимларни амалга ошириши мумкин. Масалан, асосий воситаларни узоқ муддатли кредит ҳисобига сотиб олиш, кредитор қарзларни акцияни чиқариш ва кредитларга ўўшимча акцияни бериш орқали бўлиши мумкин.

Корхона молиявий ҳолатининг соёломлигини шарти бўлиб, пул маблағларини кирими корхонанинг мажбуриятларини қоплай олишидир. Минимал миқдордаги пул маблағларини етишмаслиги молиявий ҳолат танглигига сабаб бўлади. Ортиқча маблағларга эга бўлиш инфляция натижасида пулни қадрсизланишига, ҳамда ортиқча маблағларни самарали фойдаланишга йўналтирмаслик натижасида ўўшимча даромад ололмаслиги мумкин. Шу боис пул маблағларини рационал бошқаришни доимо назорат қилиш ва таҳлил қилиш лозим. Бундай таҳлил этишни амалда бир қанча усуллари мавжуддир.

Молиявий ҳолат танглигини сабабларидан бири бу корхона жорий активдаги пул маблағларини жорий мажбуриятларга нисбатан кескин камайиб боришидир. Шу боис ҳар ойда пул маблағлари билан муддати келган мажбуриятларни бир-бири билан таққослаб, таҳлил қилиш лозим.

Пул маблағларини етарли ёки етишмаслигини аниқлашни иккинчи усули – бу пул маблағларини айланиш даврини аниқлашдан иборатдир.

$$\frac{\text{Пул маблағларини Айланиш даври, кунда}}{\text{Пул маблағларини ўрганилиш ўртача қолдиғи}} = \text{ўртача қолдиғи} * \text{даври}$$

**Оборот суммаси**

Пул маблағларини ўртача қолдиғи 5000-«Кассадаги пул маблағлари» счёти, 5100-«Ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағлари» счёти, 5200-«Чет Эл валютасидаги пул маблағлари» счёти, 5500-«Банкдаги махсус счётлар» счёти орқали қуйидагича аниқланади:

	<i>1 ой бош.</i>		<i>N-ой бош.</i>
	<i>Ўолдиқ</i>	<i>2 ой бош.</i>	<i>қолдиқ</i>
<i>Пул маблағларини ўртача қолдиғи</i>	=	+ <i>қолдиқ</i>	+ <i>қолдиқ</i>
	2		2
	-----		
	<i>N-1</i>		

Бунда: N-ойлар сони.

Оборот суммасини аниқлаш учун юқоридаги счётларни кредити бўйича оборот суммаси олинади. Корхоналарда пул маблағлари обороти давомийлигини ойлар бўйича ўзгаришини қуйидаги жадвалда кўришимиз мумкин.

*79-жадвал*

**Пул маблағларининг ойлар бўйича ҳаракатининг таҳлили**

ОЙЛАР	ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИ ЎОЛДИҒИ (минг сум)	ОБОРОТ СУММАСИ, (минг сум)	АЙЛАНИШ ДАВРИ, КУНДА 1*30/2

Январ	12734	140448	2,72
Феврал	11466	159250	2,16
Март	12766	187739	2,04
Апрел	12780	180000	2,13
Ва ҳакозо.			

Корхонада пул маблағлари обороти давомийлиги ўртача 2,04 дан 2,72 кунгача ташкил этган. Бунинг мазмуни пулни корхона счётига келиб тушишидан то чиқиб кетишига қадар 2 кундан ортиқроқ кун кетган. Таҳлил давомида пул маблағлари кирими ва чиқимини таркиби атрофлича ўрганилмоёи лозим.

***Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот маълумотларини таҳлил этишни 2 услуби мавжуддир.***

1. Тўёри услуб;
2. Эгри услуб;

**Тўёри услуб орқали** пул маблағларини ҳаракатини таҳлил этиш учун жорий фаолият, солиқланиш, инвестиция, молиявий фаолиятлари бўйича маблағларни кирим қисми, чиқими билан таққосланиб, соф кирими (ёки чиқими) аниқланади.

**Эгри услуб орқали** эса амалда олинган молиявий натижалар (фойда) билан пул маблағлари ҳажмининг мутлоқ ўзгариши ўртасидаги ўзаро боғлиқликни аниқлаш имконияти мавжуд бўлади.

Эгри услуб орқали пул оқимларини ҳисоблаш соф фойда кўрсаткичи билан унинг кўрсаткичларни коррективкасига мослигидан, реал пул маблағлари ҳаракатига боғлиқ бўлмаган мос ҳисоблар (қаторлар) бўйича олиб борилади. Жумладан, пул оқимларини таҳлил этишнинг эгри услуби фаолият турлари бўйича пул маблағлари ҳаракатининг таҳлилига асосан ташкил этилган бўлиб, яъни, корхона фойдаси аниқ қаерда вужудга келаётгани ёки «тирик пуллар» қаерга сарфланаётганлигини кўрсатади. У «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот»ни қуйидан (соф фойдадан) юқорига қараб ўрганишга мослаштирилган. Шу сабабли ҳам, бу услубни аксарият иқтисодчи олимлар «қуйи» усул деб ҳам номлайдилар.

Пул оқимларини оператив бошқаришда эгри услубнинг аҳамияти қуйидагилардан иборат бўлади, яъни, у молиявий натижалар ва ўз айланма маблағлари ўртасидаги ўзаро мосликни ўрнатиш имкониятини кўрсатиб беради.

Эгри услубнинг ёрдамида корхона фаолиятидаги энг муаммоли жиҳатларини кўрсатиб бериш ҳамда ушбу критик ҳолатдан чиқиш йўлини ишлаб чиқиш мумкин бўлади. ***Мазкур услубнинг ҳам ижобий жиҳатлари билан бир қаторда маълум камчиликларини ҳам амалиётда кузатиш мумкин:***

1. Ташқи фойдаланувчилар учун аналитик ҳисоботлар тузишдаги юқори меҳнат сиғими талаб этилиши;
2. Ички бухгалтерия ҳисоби маълумотлари (бош дафтарлар)да камчиликларнинг бўлиши.

Хўжалик субъектларининг фаолиятини таҳлил қилиш жараёнида иккала услуб (тўғри ва эгри)нинг қўлланилиши бир-бирини тўлдириб боради ҳамда ҳисобот даврида корхонани пул маблағлари оқимининг ҳаракати ҳақидаги реал ҳолатини кўрсатиб беради.

Хўжалик субъектларининг пул маблағлари оқимини эгри услуб орқали ўрганиш учун алоҳида аналитик ҳисобот тайёрлаш лозим бўлади. **Аналитик ҳисобот тузиш учун қуйидаги ахборот манбаларидан фойдаланилади:**

- «Бухгалтерия баланси» (1 шакл);
- «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» (2 шакл);
- «Асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот» (3 шакл);
- Бош дафтар;
- Журнал-ордерлар;
- Бухгалтерия ҳисоби маълумотномалари ва бошқалар.

**Пул оқимлари таҳлилининг эгри услуби натижалари бўйича қуйидаги саволларга жавоб олишимиз мумкин бўлади:**

1. Қандай ҳажмда ва қайси манбалардан пул маблағлари кирим қилинди ҳамда қандай асосий йўналишларга пул маблағлари сарфланди?
2. Корхона жорий фаолияти натижасида тўлов маблағлари (пул қийматликлари захирасини) келишини кўпайтиришни таъминлай оладими?
3. Корхона дебиторлик қарзларини ундириш ҳисобига қисқа муддатли мажбуриятларини қоплаш ҳолатига эгами?
4. Инвестиция фаолиятига йўналтириш учун ўзлик маблағлари (соф фойда ва амортизация ажратмалари) етарлими?
5. Корхонанинг олган соф фойдаси унинг пул маблағларига бўлган жорий талабини қоплаш учун етарлими?.

Юқорида таъкидланган фикр-мулоҳазаларимизни пул оқимларини таҳлил этишнинг эгри услубини ва уни қўллаш услубиятини аниқ амалий маълумотлар асосида қуйидаги жадвалда кўриб чиқамиз.

*80-жадвал*

**«АВС» акционерлик жамиятининг пул маблағлари оқимини эгри услуб орқали ҳисоблаш тизими ва уни таҳлил қилиш услубияти**

Кўрсаткичлар	Пул маблағларининг кўпайиши (+) ёки унинг	Ҳисобот йилида (сумма, минг	Ахборот манбаи
--------------	---	-----------------------------	----------------



	камайиши (-)	сўм)	
1	2	3	4
<b>1. Жорий фаолиятдаги пул маблағлари ҳаракати</b>			
1.1. Соф фойда	+	5400	«Молиявий натижалар тўғрисида»ги ҳисобот (2-шакл)
1.2. Асосий воситалар ва номоддий активлар бўйича ҳисобланган амортизация	+	3851	«Бухгалтерия баланси» (1-шакл)
1.3. Товар-моддий захиралар қолдиғининг ортиши	-	60617	«Бухгалтерия баланси» (1-шакл)
1.4. Яратилган қийматликлар бўйича ҚҚСни ортиши	-	76234	«Молиявий натижалар тўғрисида»ги ҳисобот (2-шакл), Бухгалтерия ҳисоби маълумотлари
1.5. Дебиторлик қарзларини ундирилишини камайиши (пасайиши)	-	82850	«Бухгалтерия баланси» (1-шакл) «Дебиторлик ва кредиторлик қарздорлик ҳақида»ги маълумотнома (2 <sup>а</sup> -шакл)
1.6. «Бошқа айланма (жорий) активлар» моддаси қолдиқнинг ўсиши	-	-	«Бухгалтерия баланси» (1-шакл)
1.7. Кредиторлик қарзларининг ўсиши	+	-121904	«Бухгалтерия баланси» (1-шакл) «Дебиторлик ва кредиторлик қарздорлик ҳақида»ги маълумотнома (2 <sup>а</sup> -шакл)
1.8. Даромад (фойда) дан тўланадиган мажбуриятларнинг ўсиши	+	40821	«Молиявий натижалар тўғрисида»ги ҳисобот (2-шакл)
1.9. Келгуси давр даромадларининг ўсиши	+	-	«Бухгалтерия баланси» (1-шакл)
1.10. Кутилаётган харажатлар резервининг ўсиши	+	263511	«Бухгалтерия баланси» (1-шакл)
1.11. Бошқа қисқа муддатли мажбуриятларнинг ўсиши	+	27004	«Бухгалтерия баланси» (1-шакл)
1.12. Жорий фаолият бўйича жами пул оқими	<b>xxx</b>	<b>+48182</b>	<b>Юқоридаги кўрсаткичлар орқали ҳисоб-китоб қилинади</b>
<b>2. Инвестицион фаолиятдаги пул маблағлари ҳаракати</b>			
2.1. Номоддий активларнинг ўсиши	-	97	«Бухгалтерия баланси» (1-шакл)

2.2. Янгидан яратилган ва сотиб олинган асосий воситалар	-	27918	«Асосий воситалар ҳаракати тўғрисида»ги ҳисобот (3-шакл)
2.3. Тугалланмаган қурилиш ҳажмининг ўсиши	-	4100	«Бухгалтерия баланси» (1-шакл)
2.4. Материал қийматликларга даромадли қўйилмаларни ўсиши	-	-	«Бухгалтерия баланси» (1-шакл)
2.5. Бошқа узоқ муддатли активларни ўсиши	-	2233	«Бухгалтерия баланси» (1-шакл)
2.6. Инвестицион фаолият бўйича жами пул оқими	xxx	-34348	<b>Юқоридаги кўрсаткичлар орқали ҳисоб-китоб қилинади</b>
<b>3. Молиявий фаолиятдаги пул маблағлари ҳаракати</b>			
3.1. Молиявий қўйилмаларнинг ўсиши	-	12009	«Бухгалтерия баланси» (1-шакл)
3.2. Узоқ муддатли мажбуриятлар (кредит ва қарз)нинг ўсиши	+	-	«Бухгалтерия баланси» (1-шакл)
3.3. Қисқа муддатли кредит ва қарзларни ўсиши	+	-	«Бухгалтерия баланси» (1-шакл)
3.4. Банкнинг қисқа муддатли кредити бўйича мажбуриятларини ўсиши	+	-	«Бухгалтерия баланси» (1-шакл)
3.5. Молиявий фаолият бўйича жами пул оқими	xxx	-12000	<b>Юқоридаги кўрсаткичлар орқали ҳисоб-китоб қилинади</b>
<b>4. Ҳамма фаолият турларидан пул маблағларининг жами ўзгариши</b>	xxx	+1834	<b>Ҳисоб-китоб қилинади</b>
<b>5. Ҳисобот йили бошига пул маблағлари қолдиғи</b>	xxx	7657	«Бухгалтерия баланси» (1-шакл)
<b>6. Ҳисобот йили охирига пул маблағлари қолдиғи</b>	xxx	9491	<b>Ҳисоб-китоб қилинади</b>

Эгри услуб орқали пул оқимларини таҳлил этишда юқоридаги сингари аналитик ҳисобот тузилади ва пул оқимларини ҳисоблаш тизими яратилади. Мазкур тизим орқали корхонанинг пул оқимларига ҳар бир фаолият тури қандай таъсир кўрсатаётганлиги ўрганилади. Эгри услубни қўллаш орқали ҳар бир кўрсаткич пул маблағларига қандай ва қанча миқдорда таъсир кўрсатганлигини кўришимизга имкон беради. Жадвалдан кўринадики, ҳар иккала услуб орқали ҳам пул маблағлари қолдиғи

бир хил натижани бермоқда. Бундан кўринадикки корхонада пул маблағлари ҳаракати бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларида тўғри акс эттириб борилган.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг пул оқимларини таҳлил қилиш натижасида пул маблағларининг тақчиллик сабаблари тўғрисидаги дастлабки хулосаларни қилиш мумкин бўлади.

***Бундай сабабларга қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин:***

- Хўжалик субъектларининг мол-мулк ва маҳсулот сотиш рентабеллигини пастлиги;
- Солиқлар ва дивиденд тўловларининг юқори эканлиги;
- Корхоналарда қоплаш манбаларидан юқори бўлган капитал харажатларининг катта миқдорда амалга оширилиши;
- Меъёрдан ортиқча бўлган захира ва харажатларни ташкил этишга пул маблағларининг йўналтирилганлиги;
- Корхоналарда айланма маблағлар айланишининг пастлиги, яъни айланма маблағларнинг айланиши секинлиги ҳисобига корхона оборотига пул маблағларининг қайтиши секинлиги натижасида оборотга қўшимча пул маблағларини жалб этилганлиги;
- Баланс пассивида қарз мажбуриятлари улушининг ортиши ҳисобига қарз ва кредитларни қоплашга ҳамда фоиз тўловларига юқори миқдорда тўланмалар қилинганлиги.

Бугунги кунда хўжалик субъектларининг умумий пул оқимида асосан маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан тушган тушум динамикаси, мол-мулкнинг иқтисодий рентабеллиги ва қарз маблағлари бўйича тўланган фоизлар суммалари таъсир этмоқда.

Маълумки, пул оқимларининг динамикасига баҳо беришда ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос хусусиялари ва уларнинг иқтисодий ривожланишига қараб баҳо берилади. Ҳозирда иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларда пул оқимларининг динамикасини ўрганиш ва уларга баҳо беришга катта аҳамият қаратиб келинмоқда.

## **Валюта маблағлари ҳаракатини таҳлили**

Бизга маълумки, корхоналарда “Пул оқимлари тўғрисидаги” ҳисобот шакли билан бирга ушбу шаклга илова қилиниб, “Валюта маблағлари ҳаракати тўғрисидаги маълумотнома” ҳам берилади. Ушбу маълумотда асосан корхонанинг валюта маблағларини ҳаракати акс эттирилади. Ўрни, корхонада мавжуд бўлган валюта маблағларининг йил бошига қолдиғи; жами

валюта тушумлари; шулардан, сотишдан тушган валюта тушуми, конвертация ҳисобига тушган тушум, валюта ҳисобида олинган кредитлар, ва бошқа манбалар ҳисобига келиб тушган тушумлар; жами сарфланган валюта маблағлари; шулардан, ишлаб чиқариш сарфларига қўшиладиган харажатлар, ишлаб чиқаришни ривожлантириш харажатлари, мол етказиб берувчиларга тўланган валюта тўловлари, валюта ҳисобига олинган кредит учун тўловлар ва уларнинг фоизлари ҳамда бошқа мақсадлар учун тўланган валюта маблағлари бўлиши мумкин ва ниҳоят ҳисобот даври охиридаги валюта қолдиғи акс эттирилади. Корхоналарда валюта маблағларининг оқими ва уларнинг тузилмавий кўринишини қуйидаги жадвал мисолида кўриб чиқишимиз мумкин:

**81-жадвал**  
**“ABC” акционерлик жамиятида валюта маблағлари оқими ва уларнинг тузилмаси**

Кўрсаткичлар	Пул маблағлари тушуми		Пул маблағлари чиқими	
	Сумма, минг сўм	Салмоёи, %	Сумма, минг сўм	Салмоёи, %
1	2	3	4	5
<b>ВАЛЮТА МАБЛАҒЛАРИ ОҚИМИ</b>				
Ҳисобот даври бошидаги қолдиқ	309			
Келиб тушди	3725	100,0		
<b>Шу жумладан:</b>		100,0		
А) сотишдан олинган фойда	3725			
Б) конвертацияланган				
А) олинган кредит				
Г) бошқа манбалар				
<b>Сарфланди</b>			3894	100,0
<b>Шу жумладан:</b>				
А) ишлаб чиқариш (муомала) харажатларига киритилган сарф харажатлар				
Б) ишлаб чиқаришни ривожлантиришга сарф-харажатлар			1562	40,11
А) маҳсулот етказиб берувчиларга тўловлар			1445	37,11
Г) кредит бўйича тўловлар, шу жумладан фоизлар				
Д) бошқа мақсадлар учун			887	22,78
Аалюта маблағлари тушуми (+), чиқими(-) нинг чиқимдан куплиги	-169			
Ҳисобот даври охиридаги қолдиқ			140	
Аалюта маблағлари оқими коэффициенти	0,96			
Давр бошидаги пул ва валюта маблағлари қолдиғи суммаси	351			
Пул ва валюта маблағлари тушуми	28177			
Пул ва валюта маблағлари чиқими			28224	
Ҳисобот даври охиридаги пул ва валюта маблағлари қолдиғи суммаси			304	
Пул ва валюта маблағлари оқими коэффициенти	0,99			

Мазкур кўрсаткичларга асосланиб келиб тушган ва сарфланган маблағлар нисбати сифатида аниқланадиган пул ва валюта маблағлари оқимининг коэффицентини ҳисоблаб топиш шарт. Ушбу коэффицент бирдан катта бўлса, бу ҳисобот даврида келиб тушган пул маблағлари уларнинг сарфидан ортиқчалигидан далолат бериб, бу ҳол банк ҳисобрақамларидаги ва кассадаги пул маблағи қолдиғи кўпайишида ўз аксини топган.

Пул маблағлари оқими коэффицентининг бирдан пастлиги пул маблағлари сарфи келиб тушишига нисбатан кўпроқ бўлганлигидан, ҳисобот даври охирида пул ва валюта маблағлари қолдиғи камайганлигидан далолат беради.

Мазкур коэффицент корхона ҳисобот даври бошида муаян пул қолдиқ суммасига эга бўлганида бирдан паст бўлиши мумкин.

Пул маблағлари оқими ўзгаришининг мойиллигини, уларнинг корхона молиявий аҳволига таъсирини аниқлаш, пул маблағлари оқимини прогнозлаш учун пул маблағлари оқимининг сўнгги бир неча йил ичидаги суммаси, тузилмаси ва коэффицентининг ўзгаришини таҳлил қилиш лозим бўлади.

***Пул маблағларининг манбалари ва фойдаланиш йўналишларини баҳолаш, ҳам шу асосда улар бўйича хулоса қилиш ва тавсиялар бериш мақсадида таҳлил қилувчи қўйидаги саволларга жавоб топиши керак:***

- ⇒ Корхона бундан кейин ҳам асосий воситаларни ҳисобдан чиқаришни корхонанинг ўзида тўпланган пул маблағлари ҳисобига молиялаштира оладими?
- ⇒ Ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва янги корхоналар сотиб олиш қай йўсинда молия билан таъминланган?
- ⇒ Ташқи манбалардан молиявий таъминланишига боғлиқлик қай даражада?
- ⇒ Дивиденд сиёсати юритиш, яъни акциялар, қимматли қоғозлар ва қарз беришга пул жойлаш ҳисобига даромад олиш қай даражада?

Бир неча йиллик пул оқимларининг таҳлили ишлаб чиқаришни кенгайтиришга пул маблағларини жалб қилиш истиқболлини ва бўлғуси кутилмаган нохуш ҳолатларнинг олдини олиш имкониятларини, яъни раҳбариятга корхонанинг молиявий аҳволини яхшилаш бўйича услубият ва тактикани белгилаб олиш имконини беради.

### **Ҳозирги қийматга келтирилган келажакда кутилаётган соф пул оқимлари усули ва унинг таҳлили**

Маълумки, акциядорларга тўланадиган дивидендлар миқдори компаниянинг фойдалилик даражасига боғлиқ. Одатда юқорироқ молиявий кўрсаткичларга эришаётган компаниялар кўпроқ дивиденд тўлашади. Аммо шундай компаниялар борки, улар катта фойда олишларига қарамасдан, акциядорларга умуман дивиденд тўлашмайди ва олинган барча маблағларни ўз ишлаб чиқариш қувватларини янада

**ошириш мақсадида бизнесларига узлуксиз равишда инвестиция қиладилар. Бундай компаниялар бизнесларини янада кенгайтиришлари учун жуда қулай имкониятларга эга бўладилар ва бу имкониятлар шундан далолат берадики, ушбу корхоналарнинг товар ёки хизматлари харидорлар дидига жуда мос. Бу мослик эса корхонанинг келажакда жуда катта фойда олишини таъминловчи омил бўлиб ҳисобланади.**

Албатта, бундай компаниялар учун инвестицион маблағларнинг энг мақбул манбаи – бу ўз хўжалик фаолиятлари натижасидан олган соф фойдаларидир. Бундай ҳоларда компаниянинг директорлар кенгаши бизнесдан ҳеч қандай маблағни дивиденд сифатида олмасликка ва аксинча фойданинг ҳамма қисмини бизнесга қайтадан инвестиция қилишга қарор қилиши мумкин. Шунинг учун бундай компаниялар ҳозирда ва яқин келажакда умуман дивиденд тўламасликлари мумкин. Шунга қарамадан, бундай компанияларнинг молиявий хўжалик фаолияти билан яхши таниш бўлган инвесторлар уларнинг акцияларини сотишга шошилмайди. ×унки улар инвестиция қилган маблағлар ҳозирда самарали ишлатилмоқда ва охиروқибатда катта фойда келтириши кутилмоқда. Бозорда эса бу корхоналар акцияларининг нархи тушмайди, балки, аксинча, кўтарилиши мумкин.

Демак, назарий жиҳатдан олганда, келажакда тўланиши кутилаётган дивидендлар миқдори акциялар баҳосини аниқлаш учун асос бўла олсада, амалиётда фақатгина шу омилни эътиборга олган ҳолда акцияларнинг ҳақиқий бозор нархини аниқлаб бўлмайди. Шунинг учун амалиётда акцияларнинг бозор нархи акциядорлар бизнесдан дивиденд сифатида олишлари мумкин бўлган ва шу билан биргаликда бизнесга қайтадан инвестиция қилишлари учун мавжуд бўлган соф нақд пул оқимлари асосида ҳисоблаб топилади. Акцияларнинг бозор баҳосини топишнинг бу усули ҳозирги қийматга келтирилган келажакда олиниши кутилаётган соф пул оқимлари усули деб аталади.

Бу усулга кўра акциялар баҳоси қуйидаги формула орқали топилади:

$$V_t = \sum_{\tau}^{\infty} \frac{\tilde{C}_{t+\tau}}{(1+r)^\tau}$$

Бу ерда:

$V_t$  – бирор бир акциядорлик жамияти акцияларининг бирор  $t$  санадаги бозор баҳоси;

$\tilde{C}_{t+\tau}$  - корхонанинг бизнес фаолияти натижасида вақтдан бошлаб  $t+\tau$  вақтгача ҳар бир ҳисобот даври давомида олиниши кутилаётган соф пул оқимлари;

$\tau$  - корхонанинг келажак фаолияти натижасида соф пул оқимлари тўплай оладиган даврлар сони;

$r$  – акциядорлик жамиятининг капитал таннархи.

Корхоналар акцияларининг бозор нархини аниқлашнинг бу усулини амалиётда қўллаш учун корхонанинг уч-тўрт йиллик тарихий молиявий

ҳисоботларидан олинган маълумотлар асосида шу корхонанинг келажакда олиши кутилаётган соф пул оқимлари ҳажмини тахминан аниқлаш мумкин бўлади.

## **Пул оқимини башоратлаш**

Иқтисодиётнинг эркинлашуви шароитида корхоналар фаолиятини тўғри ва оптимал бошқариш бирмунча мураккаб жараёндир. Жумладан, корхонанинг пул маблағлари ва пулга тенглаштирилган қийматликлари оқимини рационал бошқариш корхоналар фаолиятининг давомийлигини ҳамда узлуксизлигини таъминлайди. Яъни пул маблағлари ҳисобини тўғри ташкил этиш ҳамда уларни доимий равишда таҳлил қилиб туриш корхона фаолиятининг молиявий имкониятларини кенгайтиради. Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатларини ривожланишининг характерли томонларидан бири унда молиявий бозорни ва унинг барча жабҳаларининг тез суръатлар билан ривожланаётганлиги ҳисобланади.

Худди шунингдек, молия бозорининг асосий унсурларидан бири \_ бу пул маблағлари бўлиб, унинг ҳисобини юритишда бухгалтерия ҳисобининг «ҳисоблашиш» ёки «кассали» усулларининг қайси бири қўлланилса корхона учун иқтисодий самараси юқори бўлишлигини ўрганиш муҳимдир.

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30-августидида тасдиқланган «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги» Ўқонуни, 1999 йил 5-февралдаги «Маҳсулот (иш, хизмат) лар таннархига киритиладиган, маҳсулот (иш, хизмат) ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги» Низом ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда корхонанинг сотиш жараёнларидан кўрган молиявий натижаларини аниқлашда юқоридаги усулларни қай бири қўлланилиши тўғрисида аниқ фикрлар билдирилмаган. Унда бу усулларнинг қайси бирини қўллаш корхона ҳисоб сиёсатида боғлиқ эканлиги айтиб ўтилган, холос.

Корхоналарда пул маблағлари оқимини рационал бошқариш учун корхонанинг келгусидаги пул маблағлари оқимини башоратлаш муҳим ҳисобланади. Бунда корхонанинг молиявий менежери томонидан пул маблағларининг кирими ва чиқимида оид бор бўлган манбалари йиғилиши ҳамда ўрганилиши лозим. Одатда кўпчилик кўрсаткичларни катта аниқлик даражасида башоратлаш бирмунча мураккаб жараёндир. Айрим ҳолларда режалаштирилган даврдаги пул маблағлари бюджетини ташкил топиши, башорат қилинган пул маблағлари оқимида мос келади.

Корхоналар келгусида фойдасини максимал даражага етказиб, ўз фаолиятини рационал равишда юритиш учун ҳар қандай шароитда ҳам пул оқимини башорат қилишнинг оптимал усулларини танлаши лозим. Бунда корхона молиявий менежеридан иқтисодий стратегияни тўғри танлай билишни, пул оқимлари ҳисобини аниқ ва тўғри юритишни талаб этади. Бизнинг назаримизда корхонанинг молиявий менежери корхона пул оқимларини башорат қилишда бир қанча босқичларни босиб ўтиши лозим.

Бу босқичлар ўйидагилардан иборат бўлиши керак.

**Биринчидан,** пул маблағлари киримини давр бошланишидан олдин башоратлаш;

**Иккинчидан,** пул маблағлари чиқимини давр бошланишидан олдин башоратлаш;

**Учинчидан,** соф пул оқимини (ортиқча ёки камомад) давр бошланишидан олдин ҳисоб-китобини қилиш;

**Тўртинчидан,** қисқа муддатли молиялаштиришда мутлоқ талабни давр бошланишидан олдин аниқлаш.

**Пул оқимини башоратлаш жараёнининг биринчи босқичи** келиб тушиши мумкин бўлган пул маблағлари киримининг ҳажмини ҳисоблашни ўз ичига олади. Ўйидаги ҳолатда бундай ҳисоб китоблар маълум қийинчиликлар туғдириши мумкин. Яъни, агар корхона тушумни аниқлаш услубиятини товарлар жўнатиш тартиби бўйича ўзгартириб турадиган бўлса, у ҳолда пул маблағлари киримида асосий манба товарлар сотиш бўлиб ҳисобланади. Товарларни сотиш ҳам ўз навбатида товарларни нақд ҳисоб-китобга ёки кредит (жўнатилган товарлар қийматининг маълум қисмини қарз сифатида бериш) ҳисобига сотишга бўлинади.

Амалиётда кўпчилик корхоналар ўртача давр оралиғида харидорлардан жўнатилган товарлар қийматини тўлашни талаб қиладилар. Ушбу ҳолатлардан келиб чиқиб сотилган маҳсулотларнинг қайси қисми ушбу даврдаги тушумга, қайси қисми эса кейинги даврдаги тушумга киритилишини ҳисоблаш мумкин бўлади.

Занжирли боғланишнинг балансли усулидан фойдаланиб, пул маблағлари кирими ва дебиторлик қарзларнинг ўзгариши ҳисоб-китоб қилинади. Балансли тенгликни қуйидаги формула орқали ифодалаш мумкин:

$$ДЎ_{д.б.} + СТ = ДЎ_{д.о.} + ПК$$

Бу ерда:

**ДЎ<sub>д.б.</sub>** \_\_ Товар ва хизматлар бўйича дебиторлик қарзларнинг давр бошидаги ҳолати;

**СТ** \_\_ Давр оралиғидаги сотишдан тушган тушум;

**ДЎ<sub>д.о.</sub>** \_\_ Товар ва хизматлар бўйича дебиторлик қарзларнинг давр охиридаги ҳолати;

**ПК** \_\_ Давр оралиғидаги пул маблағлари кирими.

Дебиторлик қарзларини тўлов (қоплаш) муддатлари бўйича таснифлаш бирмунча аниқ ҳисоб-китоб қилиш имкониятини беради. Бундай таснифлаш орқали, статистика ва таҳлилни ўтган даврда дебиторлик қарзларини қоплаш ҳақидаги ҳақиқий манбалар билан таъминлаш мумкин бўлади. Дебиторлик қарзларини тўлов муддатлари бўйича таҳлил этишни ойлар бўйича ўтказиш тавсия



этилади. Чунки бундай ҳолатда дебиторлик қарзларини қоплаш муддатларига қараб ўртача миқдорини 30 кунгача, 60 кунгача, 90 кунгача ва ҳақозо кунларга мослаштириб ўрнатиш лозим. Пул маблағлари киримиға оид бошқа манбалар (бошқа сотишлар, сотиш билан боғлиқ бўлмаган муомалалар) ни башоратлаш тўғри ҳисоблаш усули орқали бажарилади, яъни кирим қилинган суммаға жорий даврдаги сотишдан келиб тушган пул маблағлари суммаси ўўшилади.

**Пул оқимини башоратлашнинг иккинчи босқичида** эса пул маблағларининг чиқими ўрганилади. Унинг асосий таркибий элементи кредиторлик қарзларини қоплаш бўлиб ҳисобланади. Бизға маълумки одатда корхона ўзининг счётини ўз вақтида тўласада, лекин баъзи бир ҳолатларда корхона тўлов муддатини ўтказиб юбориши мумкин. Тўловни кечикиш процесси кредиторлик қарзларини чўзиш (муддати ўтган) деб номланади. Муддати ўтган кредиторлик қарзлари ушбу ҳолатда қисқа муддатли молиялаштиришнинг ўўшимча манбалари сифатида иштирок этади.

Бозор иқтисодиётининг ривожланиш шароитида товарлар (иш, хизматлар) тўловининг турли хил тизимларига амал қилинади. Жумладан, тўловни амалға ошириш вақтида даврни ҳисобға олган ҳолда, тўлов ҳажми дифференциаллаштирилади. Бундай тизимдан фойдаланишда корхона учун муддати ўтган кредиторлик қарзлари молиялаштиришнинг муҳим манбаси бўлиб хизмат қилади.

Пул маблағлари ишлатилишининг бошқа хил йўналишлари таркибига меҳнат ҳақи тўловлари, капитал ўйилмалар, солиқларни тўланиши, фоизлар ва дивидендларни тўлаш кабилар киради.

**Пул оқимини башоратлашнинг учинчи босқичи** мантиқан олдинги иккита босқичнинг давоми бўлиб ҳисобланади. Яъни соф пул оқимини башоратлашни ҳисоблашда пул маблағлари кирими ва чиқимининг башоратларини солиштириш йўли орқали ўрганилади.

**Пул оқимини башоратлашнинг тўртинчи босқичида** эса қисқа муддатли молиялаштиришда мутлоқ талабни ҳисоблаш ҳамда пул оқимини башоратлашда ҳар бир давр боши учун банкнинг қисқа муддатли ссудалари ҳажмини аниқлаш ўрганилади. Ҳисоб китобларда корхонанинг суғурта захирасини ташкил этиш, режалаштирилмаган, аммо корхона учун мақбул бўлган инвестицияға маблағ сарфлаш учун ихтиёрий минимумни ҳисоб-китоб счётида инобатға олиш тавсия этилади.

Пул оқимини башоратлашда ушбу тўртта босқични қўллаш ҳисобига корхонанинг пулға бўлган талаби ўрганилади. Бугунги кунда амалиётда афсуски, кўпчилик корхоналарнинг молиявий менежерлари (корхона раҳбари) корхона пул оқимини ўрганмаслиги ва таҳлил қилиб чиқмаслиги натижасида

корхонанинг пулга бўлган талаби тўғрисида ҳеч қандай маълумотга эга эмаслар. Бундай ҳолатни яхшилаш учун, юқоридаги пул оқимларини башоратлашнинг босқичларидан фойдаланиш ижобий самара беради деб ҳисоблаймиз.

***Иқтисодиётнинг эркинлашуви шароитида корхонанинг пул оқимини башоратлашнинг юқоридаги босқичларини амалга ошириш натижасида, корхона молиявий менежери:***

- корхонанинг пул оқимлари ҳолати ҳақидаги тўлиқ маълумотга;
- корхонани рақобат бозорида яшаб қолишини таъминлаб, банкротликка учрамаслик шароитларини кафолатлайдиган;
- банкдан олган кредитларини ўз вақтида қайтариш учун амал қилинадиган аниқ дастурларга эга бўлади.

Юқоридаги фикр-мулоҳазаларимиздан келиб чиқадиган бўлсак, корхоналарда пул оқимларни башоратлаш муҳим аҳамиятга эга эканлигига амин бўламиз. Эркин иқтисодиётга ўтиш шароитида инфляция суръатларини ҳам ҳисобга олган ҳолда пул оқимларини башоратлаш керак бўлади. Корхонанинг молиявий менежерлари пул маблағларини башоратлаш орқали корхонанинг келгусидаги пул маблағларига бўлган тахминий талабини олдиндан билган ҳолда стратегик режалар тузадилар. Корхонанинг келгусидаги пул маблағларига бўлган талабларини олдиндан билиш ҳисобига, корхона иқтисодиётини тўғри режалаштирилишига, корхонанинг келгусидаги тўлов интизомини яхшиланишига олиб келади. Бу эса республикамиз иқтисодиётининг ривожланишида ҳам ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

### **Мавзу бўйича таянч иборалар**

- пул маблағлари ҳаракати ҳисоботини таҳлил этишдан мақсад, унинг структураси ва йўналиши;
- пул оқими;
- пул маблағлари кирими;
- пул маблағлари чиқими;
- пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботдан фойдаланиш йўллари;
- жорий фаолиятдаги пул маблағларини кирими ва чиқимини таҳлили;
- инвестиция фаолиятидаги пул оқимларини кирими ва чиқимини таҳлил этиш услуби;

- молиявий фаолиятдаги пул оқимларининг кирими ва чиқимини таҳлил этиш;
- пул оқимини таҳлил этишнинг тўғри усули;
- пул оқимини таҳлил этишнинг эгри усули;

### Такрорлаш учун саволлар

1. Пул оқими атамасига изох беринг?
2. Пул эквивалентлари деганда нима тушунилади?
3. Пул маблағларини таҳлил этишнинг аҳамияти нимадан иборат?
4. Пул маблағларининг ҳаракатини ўрганишда таҳлилнинг асосий вазифалари нималардан иборат?
5. Корхонанинг хўжалик фаолиятдан бўлган пул оқимлари қандай таҳлил этилади?
6. Солиқ тўловлари қандай таҳлил этилади?
7. Инвестиция фаолиятдан пул маблағлари оқими қандай таҳлил этилади?
8. Молиявий фаолиятдан бўлган пул маблағлари оқими қандай таҳлил этилади?
9. Валюта маблағлари қандай таҳлил этилади?
10. Валюта маблағларини таҳлил этишдан мақсад нима?
11. Валюта маблағлари бўйича курс ўзгаришларини қандай башорат этиш мумкин?
12. Пул маблағларининг ҳаракатини қандай башоратлаш мумкин?
13. Пул оқимини таҳлил этишни тўғри усулининг моҳиятини тушунтириб беринг?
14. Пул оқимини таҳлил этишни эгри усулининг моҳиятини тушунтириб беринг?

#### **14-Мавзу: Хусусий капитал таҳлили**

##### **Ўрганиладиган саволлар:**

1. Бозор муносабатларининг такомиллашуви шароитида хўжалик юритувчи субъектларнинг хусусий капиталини таҳлил қилишнинг аҳамияти, таҳлил вазифалари ва ахборот манбалари
2. Хусусий капитал таркиби, ўзгариши ва динамикасининг таҳлили
3. Хусусий капитални кўпайтириш омилларини аниқлаш

## **Бозор муносабатларининг такомиллашуви шароитида хўжалик юритувчи субъектларининг хусусий капиталини таҳлил қилишнинг аҳамияти, таҳлил вазифалари ва ахборот манбалари**

Эркин иқтисодий муносабатлар шароитида хусусий капитал корxonанинг молиявий ҳолатини тавсифловчи муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Негаки, унинг ҳолатига қараб жами маблағлар таркибидан келиб чиққан ҳолда корxonанинг иқтисодий қарамлиги ёки мустақиллигига баҳо берилади. Бу бизнесни бошқариш, фаолиятни кенгайтириш ва шериклик фаолиятини йўлга қўйишда ўта муҳим масала ҳисобланади.

Хусусий капитал корxonанинг ўз маблағлари манбаининг асосини ташкил этувчи кўрсаткич ҳисобланиб, унинг таркибига корxона устав капитал, захира капитал, қўшилган капитал ҳамда тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар) киради.

Бухгалтерия ҳисоби фанидан маълумки корxона, ташкилот ва фирмаларни молиявий маблағлар билан таъминлаш манбаи бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- Ўз маблағлар манбаи;
- Қарз маблағлари.

Собиқ иттифоқ даврида эса бу маблағлар манбаига бюджетдан ажратмалар ҳам кирган. Лекин бозор иқтисодиётига ўтганимиздан кейин бу маблағлар манбаи бекор қилинган. Чунки бу манбанинг йўқ қилиниши Республикамиздаги боқимандалик тизимини тугатишни таъминлади.

Эндиликда эса юқорида санаб ўтганларимиз корxonаларни маблағлар билан таъминлаш манбаи бўлиб келмоқда.

Корxона, ташкилот ёки фирма очилиш даврида ўз маблағларини белгилаб олиши лозим. Бу иш амалга оширилгач эса маблағларни қайси манбаа ҳисобига қоплаш кераклигини кўриб ўтилади. Агарда корxonанинг ўз маблағлари етарли бўлса ўз маблағлар манбаи ҳисобига акс ҳолда эса қарз маблағлари ҳисобига қоплайди.

Бозор муносабатларининг такомиллашуви шароитида ҳар бир корxона ўз молиявий эҳтиёжларини ўзи мустақил қондириши мумкин. Ресурсларни таъминлаш манбаи бўлиб, унинг фойдаси, қимматбаҳо қоғозларини сотишдан келган тушум, акционерларнинг

пай ва бошқа тўловлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг пай ва бошқа тўловлари ҳамда қонундан ташқари бўлмаган ҳолда қирим қилинган маблағлар қиради. Бундай асосда қиритилган маблағлар қорхона ташкилотлар учун хусусий капитал деб қаралади.

Хусусий капитал ҳисоби бозор иқтисодиёти шароитида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у қорхонанинг ўз қудратининг даражасини қай даражада эканлигини билдиради. Бундай тарафларни эътиборга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи чақириқ 6-сессиясида қабул қилинган «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунда ҳам хусусий капитал ҳисобига катта эътибор берилган. Унинг 16- моддасига кўра молиявий ҳисоботлар таркибида 5- шакл «Хусусий капитал тўғрисида ҳисобот» деб номланиб, бу шакл ҳар йили бошқа ҳисоботларга ўйшилган ҳолда юқори органларга топширилиши лозим.

***Хусусий капитал таҳлилининг вазифалари бўлиб, қуйидагилар ҳисобланади:***

- хусусий капиталлардан самарали фойдаланганликка баҳо бериш;
- хусусий капиталда мавжуд бўлган имкониятларни аниқлаш;
- унинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва ҳақозолар қиради.

Хусусий капитал таҳлилини олиб боришда ахборот манбаи бўлиб, «Бухгалтерия баланси»нинг пассив 1- бўлими ва «Хусусий капитал тўғрисида»ги ҳисобот шакллари қиради. Бу ҳужжат шаклларида фойдаланган ҳолда биз таҳлил ишларини олиб борамиз. Мазкур мавзунинг ҳисоби 12- «Журнал ордери» да қиритилиб, ушбу ҳужжат формаси ҳам манбалар сифатида қўрилиши мумкин.

***Хусусий капитал таркиби, ўзгариши ва динамикасининг таҳлили***

Хусусий капитал ҳисоби ўз ичига бир қанча кўрсаткичларни олиб, улар қуйидаги тартибда ташкил этилади:

- Устав капитали;
- Қўшилган капитал;
- Резерв капитали;
- Тақсимланмаган фойда;

- Хусусий капитал билан қопланмаган зарар.

Корхонанинг устав капитали ўз маблағлар манбаининг асосини ташкил этади. Устав капитали таъсисчилар томонидан ўйилган пай тўловларини, акцияларининг номинал қийматини ўзида сақлайди. Унинг ҳисоби эса ҳукумат қарорлари ва таъсисчиларнинг йиғинида қабул қилинган қарорлар асосида юритилиб борилади.

Давлат ташкилотларида устав капитали давлат бюджети томонидан ажратилган мулкни кўрсатади. Мулкнинг келиши вақтига эса бу сумма устав капиталида кўрсатилади.

Корхоналар амалда қўлланилаётган қонунларга кўра ҳар йили эришган фойдасидан резервлар ташкил этишлари мумкин. Унга ҳар йили уставда кўрсатилган тартибда маблағ чегирилиб борилади.

***Ташкил этилган фонд эса қуйидаги мақсадлар учун сарфланади:***

1. Кўрилган зарарларни қоплаш учун;
2. Корхона ҳисобот йилида фойда олмаган бўлса имтиёзли акциялар учун дивиденд бериш;
3. Бошқа тўловларни амалга ошириш учун.

Тақсимланмаган фойда - бу корхонанинг ҳисобида турган соф фойдасини кўрсатади. У ҳам хусусий капитал таркибига кирувчи энг асосий кўрсаткичлардан саналади. Лекин фаолият юритувчи корхоналар ҳар сафар ҳам фойда билан чиқмаслиги мумкин. Бу ҳолда унинг зарари хусусий капитал билан қопланмаган зарар деб юритилади. Мазкур иккала қиймат ҳам 8710- «Ҳисобот давридаги тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)» ҳамда 8720 – “Жамғарилган фойда (қопланмаган зарар)” счётларида юритилиб, уларнинг фарқи ишоралари орқали аниқланиб олинади.

Молиявий таҳлилни олиб боришда коэффициентлар усули энг илғор методлардан ҳисобланиб, бизнинг ўрганаётган мавзуимизни ҳам уларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

***Ривожланган мамлакатлар амалиётида турли хил молиявий коэффициентлар ўрганилади ва уларни шартли равишда тўртта катта гуруҳларга ажратилади:***

1. Рентабеллик коэффициентлари;
2. Ликвидлик коэффициентлари;
3. Тўлов қобилияти коэффициентлари;

#### 4. Бозор индикаторлари.

Бу кўрсаткичлар ҳам ўз таркибига бир қанча коэффицентларни олади:

##### *Демак, биринчи кўрсаткич таркибига:*

- Хусусий капитал рентабеллиги;
- Корхонанинг жами инвестициялар рентабеллиги;
- Леверидж;
- Сотиш рентабеллиги.

##### **Ликвидлик коэффицентларига:**

- А) Тез ликвидланадиган коэффицентлар;
- Б) Дебеторлик қарзларининг айланиш коэффиценти;
- В) Ишлаб чиқариш захираларини айланиши коэффиценти;
- Г) Қийин ликвидланиш коэффиценти.

Тўлов қобилятини изоҳловчи коэффицентларга қуйидагилар киради:

- Қарз ва хусусий капитал нисбати коэффиценти;
- Хусусий капиталнинг жами мулкда тутган улуши коэффиценти;
- Қарз маблағларининг жами активларда тутган улуши коэффиценти.

Бозор индикаторларига эса бозор қиймати ва бухгалтерия ҳисобида акс этган баҳо (номинал қиймат, таннарх) орасидаги фарқ суммалари ўрганилади.

Бу коэффицентлар ичида бизнинг мавзуга таалуўли бўлган коэффицентлар ҳам мавжуд бўлиб, улар қуйидагича аниқланади:

**Хусусий капитал рентабеллиги.** Бу рентабеллик тури ҳар бир сўмлик хусусий капиталимиз ҳисобига тўғри келган соф фойда қиймати ўрганилади. Бунинг учун,

##### ***Соф фойда***

---

##### ***Хусусий капиталнинг йиллик ўртача қиймати***

кўринишида ҳисоб - китоб ишларини бажаришимиз керак.

Хусусий капиталнинг ўртача йиллик қийматини топиш учун йил бошидаги ва йил охиридаги суммаларини йиғиндисини иккига бўлиб аниқлаймиз.

**Жами инвестициялар рентабеллиги.** Бу кўрсаткични аниқлашимиз

учун,

**Соф фойда + (Кредитлар учун фоиз\*фойда солигининг коректировка қилинган ставкаси)+Резервлар учун ажратма.**

---

### ***Жами активларнинг ўртача қиймати***

каби ҳисоблашиш ишларини бажаришимиз лозим.

Бу ерда активларнинг ўртача қиймати жами маблағларнинг йил бошига ва йил охирига бўлган қийматини йиғиндисини иккига бўлган ҳолда топамиз. Бу ерда резервлар учун ажратма, кредит учун солиқлар ва фойда солигининг коректировкаси соф фойда ҳисобидан бўлганлиги учун бу қийматларнинг йиғиндиси ҳисобот йилининг якуний молиявий натижаси сифатида келади.

**Левёрдж.** Бу хусусий капиталнинг ўсган қисмини кўрсатиб, у қуйидагича аниқланади, яъни хусусий капитал рентабеллиги коэффиценти билан жами инвестициялар орасидаги фарқ коэффиценти олинади. Келиб чиққан натижа қанчалик юқори бўлса корхонанинг хусусий капиталини шунчалик ўсганлигини беради.

**Бир акция учун даромадни** ҳисобот йилида олинган фойдани чиқарилган акциялар сонига бўлиш билан аниқланади.

### **Қарз ва хусусий капитал ўртасидаги нисбат коэффиценти.**

Бунда узоқ ва қисқа муддатли қарз маблағларини ўз маблағлари манбаига бўлиб топамиз. Бундай нисбатлар ҳар бир давр учун аниқланади.

Агарда ҳисобот йили бошидаги аниқланган коэффицент йил охирига нисбатан катта бўлса  $A_1 > A_2$  у ҳолда корхонанинг тўлов қобилияти ошган бўлади. Акс ҳолда эса корхонанинг тўлов қобилияти пасайган бўлади.

**Хусусий капиталнинг жами активларда тутган улуши коэффиценти.**

### ***Хусусий капитал қийматини***

---

#### ***Жами маблағлар***

формуласи орқали топилади. Бу коэффицент қанчалик бирга яқинлашиб борса корхонанинг мустақиллиги шунчалик ошиб боради. Бизнинг республикаимизда фаолият кўрсатаётган корхоналар бу коэффицентнинг камида 50% га эга бўлишлари лозим.

Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот шаклига асосланиб йил бошига нисбатан йил охирида қолган капиталимизнинг ўзгаришини таҳлил қиламиз. Бунинг учун қуйидаги шаклда аналитик жадвални тузамиз.

**82-жадвал**

**“ABC” акционерлик жамиятининг хусусий капитали ва унинг динамикасини таҳлили**



Кўрсаткичлар	Йил бошига қолдиқ	Ўзгариши		Йил охирига қолдиқ
		кўпайиши	камайиши	
1	2	3	4	5
1. Устав капитали	28280	-	-	28280
2. Кўшилган капитал	116902	-	-	116902
3. Резерв капитали	278317	263511	-	541828
4. Тақсимланмаган фойда	37000	5400	-	42400
5. Хусусий капитал билан қопланмаган зарар	-	-	-	-
<b>ЖАМИ:</b>	<b>460499</b>	<b>268911</b>	<b>-</b>	<b>729410</b>

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, биз таҳлил қилаётган “АВС” акционерлик жамиятининг хусусий капитали йил бошига нисбатан йил охирида 268911 минг сўмга ошган. Бу натижа корхона учун ижобий деб қаралиши лозим. Чунки бу миқдор йил бошига нисбатан салкам 60 % га яқин ошган.

Бундай ўзгаришнинг ҳосил бўлишида ҳисобот йилида тақсимланмаган фойданинг 5400 минг сўмга ва резерв капиталининг 263511 минг сўмга ошуви катта таъсир этган.

Хусусий капиталнинг қолган турлари бўйича йил давомидаги ҳаракати кузатилмаган.

Ижобий натижа деб қаралишини яна бир тарафи шундаки, хусусий капиталнинг асосини кўшилган ва резерв капитали ташкил қилганидир. Бу эса келгусида корхонанинг хусусий капитали янада кўпайиб боришидан далолат беради.

1999 йил 28 июнда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Молия - хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартибини соддалаштириш чора - тадбирлари тўғрисида»ги Фармони чиқди. Бу фармонга кўра молия - хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналар фаолияти тузилган махсус ҳудудий комиссиялар кўрсатмасига кўра тўхтатилади.

Шундай экан, юқоридаги жадвал маълумотларига асосланган ҳолда бу муаммони ҳал этиш йўллари топишимиз керак. Кўришиб турибдики, хусусий капитал қийматини кўпайтиришнинг энг асосий омили бўлиб корхонанинг ҳисобот йилида олган соф фойдаси ҳисобланади. Фаолият кўрсатувчи ташкилотлар шу омил ҳисобига ўз жамғармаларини ошириши энг оптимал вариант деб қаралади. Сабаби, бу омилнинг ўзгариши фақатгина корхонанинг ўзига боғлиқ бўлиб, унинг ҳар томонлама тўлиқ имкониятларини ишга солиб фаолиятини бошлашни тақозо этади. Бундан ташқари

бошқа кўрсаткичларнинг ўзгариши ҳам ушбу омил билан бевосита боғлиқдир. Мазкур вазифаларни ҳал этишда талабалар «Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари ҳамда молиявий натижаларни аниқлаш тартиби тўғрисидаги Низом»ни чуқур билишлари лозим. Унда фойдани шакллантириш муаммоларини чуқур ўрганишлари лозим

Хусусий капитални кўпайтириш омилларини аниқлаш

Хусусий капитал таҳлили унинг таркибидан жой олган кўрсаткичлар ҳисобига ўзгариб боради. Ҳар бир таркибнинг ўзгариши ҳам ўз мазмунига кўра маълум кўрсаткичларни ўзгариши орқали амалга ошади.

#### **1. Устав капитали;**

Бу счёт хусусий (ҳиссадор) капиталининг қиймати, қимматбаҳо қоғозларнинг эмиссияси ва жорий йил фойдаси ва зарари ҳисобига ўзгариши мумкин.

#### **2. Қўшилган капитал.**

Бу счёт қуйидаги ҳолларда ўзгариши мумкин:

- хусусий (ҳиссадор) капитали қийматининг ўзгариши;
- муомалага ўўшимча акцияларнинг чиқарилишида;
- асосий воситаларни қайта баҳоланишида;
- фойда ва зарарларни ҳисобига.

**3. Резерв капитали** ҳам юқорида келтирилган ўзгариш сабаблари ҳисобига амалга ошади. Фақатгина бу ўзгаришлар таркибига фойда ҳисобидан резервларга ажратилган суммалар.

**4. Тақсимланмаган фойда.** Бу кўрсаткич корхонанинг ҳисобот йилида олган соф фойдаси, ҳиссадор капиталининг кўпайиш ёки камайиши, қимматбаҳо қоғозлар эмиссияси, резерв учун ажратмалар ҳисобига ўзгариши мумкин.

#### **5. Хусусий капитал билан қопланмаган зарар.**

- ҳисобот даврида олинган зарар;
- қимматбаҳо қоғозлар эмиссияси;
- ҳиссадор капиталининг кўп ёки кам бўлиши каби кўрсаткичлар ҳисобига ўзгариши мумкин.

Бу ўзгаришлар 5- шаклда ҳам яўқол кўзга ташланиб туради.

### **Мавзу бўйича таянч иборалар**

- хусусий капитал тўғрисида тушунча ва уни таҳлил этиш мақсади;

- хусусий капитални таркиби, тузилиши ва йил бошига нисбатан ўзгариш сабаблари;
- устав фонди;
- резерв капитали;
- қўшилган капитал;
- тақсимланмаган фойда (зарар);
- баланс пассиви моддаларини қарзни узиш муддатлари бўйича 4 гуруҳга бўлиниши;
- жорий ликвидлик коэффиценти;
- истикболли ликвидлик коэффиценти;
- банкротлик аломатлари ва уларни таҳлил этиш услублари;
- кредитга лаёқатлилиқни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ва уларни таҳлил этиш услуби;
- қарамсизлик коэффиценти;
- қарз ва ўз маблағларини нисбати;

### Такрорлаш учун саволлар

1. Хусусий капитал деганда нимани тушунаси?
2. Хусусий капитал нима учун таҳлил этилади?
3. Хўжалик субъектларининг хусусий капиталини таҳлил қилишдан мақсад ва таҳлил вазифалари нималардан иборат?
4. Хусусий капитал таркибига нималар киради?
5. Хусусий капитал қандай таҳлил этилади?
6. Хусусий капитални кўпайтириш йўллари кўрсатиб беринг?